

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Арабий-бадний, илғимий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 4 (167)

2011 йил, апрел

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

www. jad.uz

## М У Н Д А Р И Ж А

### НАСР

Александр КУПРИН. <b>Ҳикоялар</b> .....	3
Маҳа Муҳаммад ал-ФАЙСАЛ. <b>Тавба ва Сулайё</b> . Роман.....	40
Кришан ЧАНДАР. <b>Бир қизга минг ошиқ</b> . Роман.....	84
Жеймс ЖОЙС. <b>Улисс саргузаштлари</b> . Роман.....	121

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Абдулла ТЎҚАЙ. <b>Юракдан севаман бахтин татарнинг</b> .....	26
Жаҳон Малик ХОТУН. <b>Рубойлар</b> .....	77

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Фулом АҲМАДЖОНОВ. <b>Маънавий-ахлоқий тараққиёт ва тарихий ёдгорлик</b> .....	169
---	-----

### ПУБЛИЦИСТИКА

Аҳмаджон МЕЛИБОВ. <b>Бадий публицистикада давр руҳи</b> .....	73
Дмитрий ПИСАРЕНКО. <b>Унутилган отряд</b> .....	179

### АДАБИЙ ТАНҚИД

Улуғбек ҲАМДАМОВ. <b>Шарқ шеъриятида ижтимоий фикр тақомили</b> .....	183
Дилобар САЙДАҲМЕДОВА. <b>Одам ва олам муштараклиги талқини</b> .....	196

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шерали ТУРДИЕВ. <b>Абдулла Тўқай ва ўзбек адабиёти</b> .....	36
О.АБДУЛЛАЕВ, М.МИРЗО, А.ТОЖИЕВ. <b>Бадий таҳлил жилolari</b> .....	187

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Исломжон ЁҚУБОВ. <b>Тарихий ҳақиқат ва инсоний тақдирлар жозибаси</b> ..	191
--	-----

### ЖАҲОН КУЛАДИ

Саид КЕНЖААҲМЕДОВ. <b>Ҳажвий ҳикоялар</b> .....	200
<b>Китоблар дунёси</b> .....	207

ТОШКЕНТ  
АПРЕЛ

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Амир ФАЙЗУЛЛА

Файзи ШОҲИСМОИЛ

Назира ЖЎРАЕВА

Азиз САИД

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ

Абдулла АРИПОВ

Эркин ВОҲИДОВ

Абдулла ИСМОИЛОВ

Абдураҳим МАННОНОВ

Авазжон МАРАҲИМОВ

Ғулом МИРЗО

Абдулла ОРИПОВ

Баҳодир ХОДИЕВ

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир У. КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д. АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З. МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 4. 2011**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмига бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 18. 05. 2011 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1880 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2011 й.**

Александр КУПРИН

## Ҳикоялар

### ТУНГИ БИНАФША

**Р**оссиянинг ўрта минтақаларидаги нам ботқоқликларда фақат тунда очиладиган ажойиб гул бўлиб, кеч кирганда ёқимли, муаттар ҳид таратади. Агар уни узиб олиб сувга солиб қўйилса, эрталаб ноҳуш ва бадбўй ис чиқаради. У оддий бинафша турларидан эмас. Дидсиз далаҳовли эгалари ва зиёли меҳмонлар уни тунги бинафша деб атаганлар. Қишлоқ деҳқонлари ҳам унга турлича ном берганлар, лекин улар ёдимдан кўтарилгани сабаб мен ҳам уни тунги бинафша деб атайқоламан.

Ундан доривор ўсимлик сифатида фойдаланишмаган, ҳатто байрам ва тўйларда безак ўрнида ҳам ишлатилмаган. Уни ёқтиришмагани учун ҳар доим эътибордан четда қолиб келган. Бу хушбўй гулнинг от ўғриларию жодугар ва афсунгарларга алоқаси бор, дейдиганлар ҳам у ер-бу ерда учраб қолади. Лекин халқ табобати, расм-русумларини ўрганувчилар ҳали бундай ўй-фикрлардан узоқ эди.

Саратовлик ва царицинолик танобчи, ақл-хуши жойида бўлган қадрдон дўстим Максим Ильич Трапезников ана шу тунги бинафша ҳақида ақл бовар қилмайдиган бир ҳикояни айтиб берди.

Ўшанда биз Волгада юқорига қараб пароходда сузиб борар, йўл-йўлакай стерляд балиғи ва қисқичбақаларни роҳатланиб тановул қилардик. Бекорчи вақтимиз кўп эди. Тунги бинафша ҳақидаги суҳбатимизга етти-саккиз ёшлардаги қувноқ бир қизча сабабчи бўлди. У чаққонлик билан шу гулдан кичик-кичик гулдасталар ясаб сотарди.

*Русчадан  
Абдунаби  
АБДУЛҚОДИР  
таржималари*

Александр Иванович КУПРИН (1870–1938) XIX асрнинг охири, XX аср бошларида самарали ижод қилган машҳур ёзувчи. Унинг номи рус адабиётида Гоголь, Тургенев, Толстой, Достоевский, Чехов, Горький, Бунин аънаналарини муносиб давом эттира олган истеъдодли адиблар қаторида туради. Отаси Иван Иванович Куприн ўртаҳол мансабдорлардан бўлган. Онаси Любовь Алексеевна Куланчакова қадимий татар князлари сулоласига мансуб.

Куприн адабиётда лирик наср – нафис ҳикоялар ва қиссалар устаси сифатида ном қозонган. Унинг “Ойдин кечада”, “Оқ момик”, “Ботқоқ”, “От ўғрилари” ҳикояларида олижаноб, мард, садоқатли инсонларга хос юксак фазилатлар меҳр билан тасвирланади. “Олеся”, “Суламифь”, “Ёқут кўзли билгюзук”, “Юзма-юз” қиссалари ёзувчига катта шуҳрат келтирган. Асарлари жуда кўп жаҳон тилларига таржима қилинган. Куприн Октябрь тўнтаришини қабул қилмаган. 1919 йилдан хорижда муҳожирликда яшаб, бутун ҳаётини адабиётга бағишлаган бўлса-да, ғариб мискинликда умр кечирган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

— Сиз ҳақсиз,— деди у,— халқ бу гулни нима деб аташини ҳеч ким билмасаям керак ёки бунинг нима деб аталишини тез эсдан чиқариб юборишганмикин? Бинафша рангига келсак, бу рангни рус халқи унчалик билмайди, тилга ҳам олмайди. Нофармон ранги на-старинни эслатгани учун билишади, ўшанда ҳам настарин ранги деб аташмайди, бахмал ранги дейишади. “Тунги бинафша” атамасини саводи говлаб кетганлар ўйлаб топган бўлсалар керак. Нима сабабдан бу атама руслар ичида кенг ёйилиб кетганини, ростини айтсам, англаб етмадим.

Эшитинг, ҳозир мен сизга бу гул ҳақида ажойиб бир ҳикоя айтиб бераман. Агар бирорта бегона одамдан эшитганимда ишонмасдим. “Ёлгон гапириб бошимни қотирма, оғайни”, деган бўлардим. Гап шундаки, бу воқеаларга мен ўзим бевосита гувоҳ ва иштирокчи бўлганман, аянчли жафо чекканман десам ҳам бўлаверади. Бир финжондан жигули пивоси етармикан иккимизга? Томоқни ҳўллашга? Бу ерларнинг пивоси ажойиб.

Хуллас, Москва геодезия институтини муваффақиятли битиргач, биринчи тоифали ер ўлчовчи-муҳандис деган қизил диплом ва зарҳал гербли фуражкага эга бўлдим. Тез орада ўзим туғилиб ўсган Царицинога, ота-онам олдига жўнадим. У ерда отамнинг умр бўйи ишлаб орттирган уч юз ботмонча ери бўлиб, ёғочдан ишланган бир ярим қаватли уй қурган, олди гулзор, атрофи мевали боғ, резаворлар етиштириладиган полиз. Бир жуфт овчи ит, кўпаклар боққан. Ҳозиргилари ўн иккинчи авлоди бўлса керак. Балиқ ови учун барча анжомлари бор. Агар қўлда тайёрланган мураббою шаробларни айтадиган бўлсак, бу жойларни жаннатнинг ўзи дейсиз, Эй, худо! Ўқиб улғайиб, савлатли, келажаги порлоқ яхши мутахассис бўлиб етишган ҳолда киндик қони тўкилган ота-она уйига қайтиб келиш қандай яхши, қанчалик қувонч! Отам у ерда умр бўйи ер ўлчовчи бўлиб ишлаган, яқиндагина губерняга кўтарилганди. Отам ўз хизматини анча йиллар муқаддам, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида, крепостной ҳуқуқ эндигина бекор бўлган даврларда бошлаган. Тилла суви югуртирилган, ялтироқ гербли фуражкам, яшил рангли формамни, Цейс<sup>1</sup> объективи ўрнатилган ва такомиллаштирилган теодолит ва астролябияни<sup>2</sup> кўриб отамнинг оғзи очилиб қолди. Қадимги ер ўлчовчи сифатида унга, айниқса, объектив ёқиб қолди: “Худойим, ҳозирги замон техникаси, қанчалик ривожланиб кетипти-я! Ахир бу оддийгина ер ўлчовчи асбоб эмас, балки осмон жисмларини кузатувчи телескоп-ку! Ноўрин берган саволим учун кечирасан, ўғлим, асбобсозликнинг бу бебаҳо намунаси неча пул тураркан?”

— Теодолитнинг нархи қанча туришини билмайман, сотиб олманман, буни менга институтимиз директори яхши хулқим, ўқишда аълочи бўлганим учун совға қилди,— деб жавоб бердим.

Буни эшитган онам қувончдан меҳри товланиб кўз ёши қилди.

— Худонинг меҳрибонлигини қара-я,— деди онам,— энди отанг бемалол оёқ-қўлини узатиб уйида дам олса ҳам бўлади, отанг ишини ўз қўлинингга оласан, давом эттирасан, ўз аравангни ўзинг тортасан. Биз эса ҳозирча сенга тагли-тугли, яхши, бой оиладан келин қидирамиз. Волга ортида бунақалар кўп: ақдли, чиройли, ишчан, сеплари ҳам яхши.

Шу пайт отам унинг шаштини қайтарди:

<sup>1</sup> Немис оптик-механиги.

<sup>2</sup> Геодезия асбоблари.

– Шошма, онаси. Шошган – йўлдан адашган. Ўғлимизни уйла-нишига ҳали вақт бор. Эндигина йигирмага кирди. Пойтахтнинг диққинафас иқлимидан кейин бу ердаги тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олсин, қуш, балиқ овласин, таниш-билиш ортгирсин, кейин у ёғи бир гап бўлар. Ажойиб милтигимни сенга эсдалик учун совга қиламан, ўғлим. Мен энди овга ярамай қолдим. Кўп гапирсам ҳам чакагим оғрийди.

Шуни айтишим керакки, шаҳар ҳаётидан сўнг бу ерларда ов қилишга берилиб кетдим. Кашандага ўхшаб шусиз туролмайдиган бўлиб қолдим. Кунларимни ов қилиб ўтказардим. Доимий ҳамроҳим, устозим десам ҳам бўлаверади, ветеринар Иванов (“и”ни чўзиб талаффуз қилди) эди. У овга жуда иштиёқманд, толмас, тажрибали бўлиб, ўқни милтиққа усталик билан жойларди. Илгари отамнинг овдаги ажралмас ҳамроҳи бўлган. Тез-тез у билан уч-тўрт кунга овга жўнардик. Хизматкоримиз Агата онамнинг ўнг қўли эди. Овга отланаётганимизда халталаримизга турли-туман егулик, ботқоқларда совқотмаслик учун ичкилик ҳам солиб кўярди. Тонг отмасдан жўнаб кетардик.

Қизиқ, Агатани ўн йилдан бери билардим (унинг асл исми Агафья бўлиб, ёқимли эшитилсин деб онам уни Агата деб атарди), кузда таътилга келганларимда доим кўриб юрардим, Москвага қайтгач унинг юзини, овозини, қадди-қоматини эслай олмасдим. У камсуқум, босиқ, саранжом-сарихта, рангпар, кўзларида илғаб бўлмас гайриоддий ифода акс этарди.

Мана энди сўзлаб берадиган ҳикоямга яқинлашдик. Бир маҳал Иванов билан лойхўракларни овлаб юриб уйдан анча узоқлашиб кетибмиз. Тажрибали шеригим ҳам атрофга аланглаб ҳайрон бўлди. Шу пайт гарб томонда узоқдан ёғоч қозикларни кўриб қолдик.

– Назаримда бу ерларни билгандекман. Мана бу уйча тошқинда сув остида қолмаслиги учун қозиклар устига ўрнатилган, ҳозир у эскириб кетган, кекса лўли хотин яшайди, дейишади. Хотинларнинг гапига қараганда у жодугар эмиш. Биз ўқимишли зиёлилардан бўлганимиз учун бу гапларга ишонмаймиз, лекин бориб кўрайлик-чи. Ўзимизнинг чойимиз бор, ҳеч бўлмаганда қайноқ сув берар. Ботқоқда роса ивидик, иссиқ чой зўр кетади, чарчоқни олади.

Уйча томон юрдик. Келдик. Ҳақиқатан ҳам хароб кулба экан. Қорайиб кетган, қоқ суяги қолган бурундор кампир яшаркан, кўриниши худди лўли. Олов ёқиб мис тоғарачада сув қайнатди. Чой дамладик, ичдик, кампирни ҳам сийладик. Кампир менга қараб туриб:

– Тўрам, қўлингни бер, фол очиб қўяй, – деди.

– Ҳайда бу бадбахтни, жин урсин, – тўнғиллади Иванов.

Кампир қўлимни ушлаб олди-да, жаврай кетди:

– Эҳ, тўрам: ёшсан, гўзалсан, бахтли ва бой бўласан. Чап ёнингга қоп-қора бир одам турипти, сенга ёвузлик қилиш ниятида, лекин ундан кўрқма. Ёшгина, чиройлиқкина бир қиз сендан кўзини узмаяпти. Узоқ яшайсан, саксон ёшдан ҳам ўтасан...

У лўлиларга хос телба-тескари гапларни кўп гапирди. Мен унга ўн беш тийин бердим. У яна қўлимни ушлаб олиб: атаганингни бер, ёқимтой тўрам, ёшсан, илтифотлисан. Мен сенга ҳақиқий Миср фиръавнлари усулида фол очаман. – Ҳеч қўлимни қўймасдан хиралик қилиб туриб олди – мен унга ярим сўлкавой бердим. У ўз гапидан қолмас, лўлиларга хос гапларидан тинмасди. Жонимга тегди. Кетишга ҳозирланганимда ҳам гапларини такрорлашдан қолмасди. Телпагимни кийиб, милтиқни елкамга осдим – кампир қўлларимга ёпишиб олди.

– Тўрам, нури дийдам, қулоқ сол. Биламан, халтангда ароқ бор, бир стаканини қуйиб бер – мен сенга ҳеч ким билмайдиган сирли фол очиб, ҳақиқатни айтаман... Кўрқадиган жойинг йўқ. Нимадан ҳам хавфсирайсан? Умринг охиригача бўладиган ишларни тўғри ва хатосиз айтаман.

Нима ҳам қилардим! Кампирга бир стакан ароқ қуйиб бердим. Томоғи тақиллаб турган экан, иштаҳа билан, маза қилиб ичиб олди, газак ҳам қилмади.

– Энг муҳими, навқирон тўрам, от ва мушук кўзларидан эҳтиёт бўл, шунингдек, муаттар ҳидли тунги ўсимликлардан, айниқса, ой тўлган тундан. Энди сенга оқ йўл бўлсин. Агар мен айтган шу уч балодан хасталаниб қолсанг, қулбамга кел, сенга ўткир қайтариқ қилиб бераман.

Биз уйга қайтдик, ўша куни бошқа ов қилмадик, йўл-йўлакай лўлига фол очдирганим учун Иванов мени жеркиб келди:

– Уйлаб топганини қара, бир стакан ароқ учун фиръавнлар зотини кавлаштириш керакмиди? Эҳ, пойтахт олимлари, ўргилдим сизлардан!

Эртасига эрталаб ёмғир бошланиб, узоқ муддатга чўзилиб кетди. Овни қолдиришга тўғри келди: кундузлари китоб ўқиш билан машгул бўлдим, кечқурунлари ё клубга бориб, ё уйда қарта ўйнаб вақт ўтказдик.

Ўзим ҳам эслолмайман: қачон Агатанинг кўзлари мени ниҳоят даражада ҳайратга солди? Назаримда стол атрофида ўтирганимизда. Тасодифан Агатага қараб, кўзларига тикилдим: кўз қорачиқлари ажойиб тарзда ёниб товланарди. У бошини қаёққа бурса қорачиқлари ўзгариб, гоҳ яшил, гоҳ қизил, гоҳ мовий, зангори, гоҳ бинафша рангига кирарди. Кўз рангининг бундай жилоланишини баъзан бино ичида, қоронғиликда от ва мушукларда кузатганман. Шу пайтдан Агатани, худди биринчи марта кўргандек бўлдим, гарчи уни бир неча йиллардан бери яхши билсам ҳам. Бирдан у менга бошқача кўришиб кетди: бўй-басти, келишган қадди-қомаги, хатти-ҳаракатларидаги ишонч мени лол қолдирди. Ёшини аниқлай олмадим. Ўттизми? Ўттиз бешми? Қирқми? Остки лаби ўқтин-ўқтин учиб турарди. У ҳеч қачон қулмас, табассум қилмас, лекин хурсанд ва дилкаш пайтларида бирдан юзида жозибатор илиқлик пайдо бўларди.

Бир куни онамдан Агатанинг ўтмиши ҳақида сўраб қолдим, аммо бирор-бир қониқарли жавоб ололмадим.

– Агата ичкиликка ружу қўйган, камбағаллашган зодагоннинг хизматкоридан никоҳсиз туғилган: ғирт етим, биз унга мурувват кўрсатиб, боқиб олдик. Болалигидан хўжалик ишларига ўргатдик, дастлаб бошланғич, кейинчалик ўрта мактабда ўқитдик. Ёмон эмас, унга кўрсатилган мурувватдан миннатдор бўлиб, итоатли ва зийрак қиз бўлиб ўсди. Кейинчалик ўн бир ёшларида қаёққадир гумдон бўлди, изиниям кўрсатмади. Бир йилдан сўнг қайтиб келди. Маълум бўлишича, лўлилар билан дайдиб юрган экан. Тўлиб-тошиб, йиғлаб қайтиб келди. “Худо ҳаққи, мени кечиринглар, қабул қилинглар. Бундан буён дилингизни оғритмайман”, деб ёлворди. Нима ҳам қилардик? Қабул қилдик. Вақт ўтди. Агатага қараб кўзимиз тўймасди, мақтовга сўз йўқ, хонадонимизда бир хилқат улғаймоқда, ҳам чевар, ҳам пазанда, художўй, ювош, ақлли, тежамли ва қувноқ... Нима бўлди денг?.. Бир куни дастурхон атрофида ўтириб Агатани тушликка чақирдик. Худди сувга тушган мушукдек кириб келди: боши қуйи солинган, кўзи ерга қадалган. “Нима бўлди сенга?” Эшитилар-эшитилмас жа-

воб берди: “Менинг мурувватли халоскорим, ижозат берсанглар. Белогор черковида сочимни қирқтириб, роҳибаликка ўтсам”. “Эй, Худойим, ажойиб гап-ку? Бор кучимизни ишга солиб, бу йўлдан уни қайтармоқчи бўлдик: Бу нима деган гап, ахир эндигина ўн олти ёшга тўлдинг-ку, қанақанги оғир гуноҳ иш қилдинг?.. ва шунга ўхшаш гаплар айтилди. Йўқ, деб туриб олди, эрталаб кийим-кечакларини йиғиштириб рўмолга тугди-да ғойиб бўлди. Чин дилдан унга ачиндик, нима ҳам қилардик, миясини шу нарсалар чулғаб олган бўлса?”

Шундан сўнг неча йил ўтгани онамнинг ёдида йўқ: етти йилми, саккиз йилми, ҳўш нима деб ўйладингиз, яна Агата уйимизда пайдо бўлди. Тиз чўкиб кечирим сўради: “Мен бадбахт, адашган бандани охирги марта кечиринглар. Фариштадек чексиз мурувватингиз ҳаққи, илтижо қиламан. Худо ва муқаддас Инжил олдида қасам ичаман, бу охиргиси. Шу бугундан бошлаб сизга ҳам, хонадонингизга ҳам, авлодларингизга ҳам содиқ қўл бўлай...” — шунга ўхшаш гапларни айтди.

Шу пайтдан бошлаб тинчгина, итоатгўйлик ва одоб билан, худди роҳибалардек, хонадонимизда яшаб келади. Ундан, худди черковдагидек шам ва хушбўй мой ҳиди анқиб, осойишталик уфуриб туради.

Тез орада гўё хонадонимиздаги эски бир буюм каби Агатага эътибор бермай қўйдим. Узун-узун киприклари остидан гоҳо чарақлаб турган кўзлари ҳам мени қизиқтирмас ва безовта қилмасди. Ўша пайтларда ота-онамнинг қистови билан уйланиш тараддудига тушиб қолгандим ва муносиб келин қидирардик. Таомилигимизга кўра орзу қилса арзийдиган куёв эдим: ёш, соғлом, қадди-қоматим жойида, ўқимишли — мухандислик даражасида, уч тур усулда вальс, мазурка ва педеспан рақсига тушардим, французча кадрили мусиқасига яхшигина дирижёрлик ҳам қилардим. Қолаверса, отамнинг мол-мулки ҳам кўзга кўринарли эди. Чиройли ва бой-бадавлат қизлардан кўз остига олиб қўйганларим ҳам бор эди. Мана шу ерда бошимга иблис бахтсизлик ёғдирди...

Қайси йили содир бўлгани ҳозир ёдимда йўқ, лекин июнь ойининг охирги жума куни бўлгани эсимда. Ўша куни бизнинг Волга ортида камдан-кам учрайдиган, чидаб бўлмас даражада жазирама иссиқ бўлди, фақат ярим кечага яқинлашганда бемалол нафас олса бўларди. Чўмилиб олиб овқатландим ва анчагина қаровсиз бўлиб қолган, бироз салқин боғимизга чиқдим ва кўйлак ёқаларини ечиб ўриндиққа ўтирдим. Оҳ, кундузги диққинафас жазирамадан сўнг хушбўй ва салқин ҳаводан нафас олиш нақадар роҳат! Қоронғилик қуюқлашиб борарди. Кумушдек нурларини таратиб дум-думалоқ тўлин ой ҳам чиқди. Боғ сеҳрли нурга чулғанди. Кимнидир енгил оёқ товуши эшитилди. Бошдан-оёқ оч-яшил нур таратиб Агата келарди.

— Ёнингизга ўтиришга ижозат беринг, Максим Ильич,— дея титроқ овозда мурожаат қилди у.

Мен сурилдим.

— Марҳамат, ўтиринг. Қаранг, қанчалар ажойиб тун.

— Ҳа, жуда ажойиб, латофатли кеча,— деди у.— Гулдаста териб келдим. Сизга, олинг, хушбўй.

Гулдастани оларканман лаззатлантирувчи, тўлқинлантирувчи, интиқ муаттар ҳид билан бирга тиззамда унинг қайноқ кафтлари ҳароратини сездим. Аъзой-баданимни — оёғим учидан сочимнинг толасигача аллақандай енгиб бўлмас жўшқин бир истак қамраб олди — бундай ҳиссиётни илгари ҳеч қачон бошдан кечирмагандим. Бутун вужудим титрар, у бўлса оташ нафасларини юзимга уфуриб, секин гапирарди.

– Агар билсангиз эди, Максим Ильич, оилангизга қанчалик боғланиб қолганимни! Барчангизни яхши кўраман! Отангизни ҳам, онангизни ҳам, сизни ҳам. Ҳа, севаман! Севаман! Севаман. Оҳ, Максим Ильич, умрбод сизнинг қулингиз, итингиз, оёгингиз остида поёндозингиз бўлишни истардим! Ҳаддан ташқари сизни севаман! Сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман! Сизнинг соғлигингиз ёки ҳузур-ҳаловатингиз учун ҳеч нарсани аямайман, жонимни ҳам, борлигимни ҳам! Жоним сизга садага!

Йўқ! Бу тунни сўз билан ифодалаб бўлмайди! Севишганлар ҳамроҳи, ойпарастлар ва мурдалар йўлдоши бўлмиш тўлин ой, тунги би-нафшанинг маст қилувчи ҳушбўй ҳиди, ташналиқдан телба бўлган вужуд, гоҳ яшил, гоҳ қизил рангларда товланиб турган кўз қорачиқлари... Титроқ вужудини яланғоч кўкрагимга босганча давом этди Агата:

– Кўп йиллардан бери амалга ошмай юрган ягона орзуим бор – лабларингиздан бўса олиш – кейин ўлсам ҳам розиман.

Биз ўпишдик. Оҳ, қандай бўса эди бу! Оёгим остидаги ер чархпалак бўлиб айланиб кетди, ўзим эса жинни бўлаёздим. У бўлса завқ-шавққа тўлиб шивирларди:

– Яна, яна, яна...

Хонамга тонг отарда қайтдим. Оёқларим чалишар, бошим ғувиллар, мушакларим зирқираб, қўлларим титрар, юзим эса лов-лов ёнарди.

Онам кириб келиб сўради:

– Сенга нима бўлди, Максим, жуда бошқачасан?

– Бу иссиқдан, кундузи роса жазирама бўлди, – дедим.

– Йўқ, офтоб урган эмас. Тўлин ой таъсири бу, бор кўрпангга кир. Ухлаб турсанг ўтиб кетади, – деди онам.

Мен ётдим. Тунда олдимга Агата кирди, тонгга яқин яширинча унинг олдига, болохонага чиқдим. Шу тариқа доимо ҳар куни, ҳар тунда, ҳар соатда кўнгилхушлик қилардик. Биз бир-биримизга чанқоқ, интиқ эдик, тўймаслик. Билмадим, ёввойи овлоқда туғилиб ўсган бу аёл севги бобида шунчалар даражада ўйноқилик, ҳаёсиз усулларни назокат билан қўллашни қаердан ўрганган? Шу ҳақда ўйласам ҳозиргача уятдан ерга киргудек бўламан. Лекин ўша пайтларда дўзахий ҳузур-ҳаловатда ва лаззатда эдим, гўё кўзга кўринмас ришталар мени бу шайтоний фароғатга ўраб-чирмаб ташлаганди. Ҳар иккимиз телбаларча шод-хуррам эдик, севгимиздан бошқа нарса тўғрисида ўйламасдик. Биз бир-биримизни узоқдан ҳам топиб олардик – овозимиздан, юришимиздан, ҳидларимиздан танирдик – жиловлаб бўлмас телбалардек қутурган эҳтирос билан лаззатланиш учун бир-биримизнинг бағримизга отилардик, лекин ташналигимиз қониқмасди. Атрофимиздаги барча бутазорлар, омборхоналар, отхонаю ертўлалар, қурилаётган хоначалар – севгимиз учун бошпана бўларди.

Агата очилгандан очилиб яшнар, мен эса тинимсиз ҳалоқат сари қадам ташлардим. Тинка-мадорим қуриб қоқ суяк бўлиб қолдим, юрганда оёқларим қалтирайдиган бўлди. Иштаҳам йўқолди, хотирам шу даражада сусайиб кетдики, нафақат ўқиб-ўрганганларим, ўқитувчи ва ўртоқларимнигина эмас, балки ота-онамнинг исмларини ҳам унута бошладим. Мен фақат севгини, севгилим сиймосинигина ёдда сақлардим.

Қизиқ, сурбетларча эҳтиросли, умидсиз, лекин оромбахш севгимизни уйдагилардан ҳеч ким билмасди. Балки оташин севишганларни кўриқловчи фариштаси бордур? Лекин, иблиснинг тузоғига илинганимни онам аллақачон сезган экан. Ҳаво алмаштириб, сайр-томоша қилиб Москвага бориб келишим учун онам отамни кўндирди.



Ўша пайтда Москвада катта кўрғазма очилганди. Ота-онамнинг гам-хўрлигини рад қила олмадим, шаштини қайтаргим келмади. Москвага жўнаб кетдим. Аммо Нижний Новгородга етганда Агатага бўлган интиқлигим, қаттиқ соғинч мени қамраб олди. Оёғимни кўлимга олиб дуч келган биринчи поезддаёқ уйга қайтдим. Ота-онамга ёлгон гапирдим – тутуриқсиз, телба-тескари баҳоналар қилдим. Ўз уйимда яккамоҳов бўлиб қолдим. Ор-номус ва виждон азоби ич-этимни кемирарди. Бир неча марта ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим, аммо ота-онамга раҳмим келди. Ҳаммасидан кўра Агатага кўнглим суст кетганлиги мени ҳаётга қайтарди. Ана шунда фидойи онам мени шармандаларча боғлаб ташлаган сеҳр-жодуни ечишга бел боғлади. Дастлаб мен билан доимо овга чиққан молдўхтир Ивановни тергай бошлади. У астойдил ёрдам беришга киришди. Лўли кампирнинг ҳузурига кирганимиз, у келажагим ҳақида фол очгани, нимадан эҳтиёт бўлишим, кўрқанишим кераклиги ҳақида айтганларини ва шу балоларга дуч келганимда қайтариқ қилиб бериши ҳақида оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Шундан сўнг онам лўли кампирга бориб узоқ суҳбатлашди. Кетаётиб чоракта юзталиқни берган экан, у олмапти. “Мен худо йўлида ёрдам бераман, пул олмайман”, депти. Охири онам катта черковдаги муқаддас руҳоний отахон Гавриилга боришти. У йўл-йўриқ кўрсатиб, оқ фотиҳа берипти. Жаброил алайҳиссалом куни етиб келди. Онам уйда худойи ўтказди. Оила аъзолари, шу жумладан Агата ҳам залда тўпландик. Онам менга нима қилишим ва нима дейишимни ўргатди. Маросим лозим даражада ўтди. Руҳонийлар чиқиб кетишди. Шундан сўнг онам Агатага қарата мулойимлик ва босиқлик билан жиддий тарзда деди:

– Азизам Агата, мана неча йиллардан бери оиламизнинг энг яқин дўстисан, доимо ёрдамчим бўлиб келдинг, меҳнатингни аямадинг, сабр-қаноат билан яшадинг. Ўйлаб кўрсам, хонадонимизга ёрдамчи бўлиб яшаб келганинг етар, энди бу ёғига ўзинг мустақил бўлиб ўз уйингда ўз хўжалигингни юритиб яшаш вақти етди, деган хулосага келдик. Мана сенга, катта бўлмаса ҳам, етарли даражадаги бир парча ерга эгалик қилиш васиқаси солинган ҳамён – бу эримдан, мендан эса йигирма бош товуқ, гоз, ўрдак, курка. Ўғлим Максимдан зарур уй жиҳозлари ва эсдалик учун Мозер тайёрлаган тилла соат оласан. Ўғлим, уларни Агатага топшир.

Соатни бердим ва сўнги марта Агатага нигоҳ ташлаб ҳайрлашдим, унинг ранги ўчиб кетди. Шундан сўнг онам дам солинган муқаддас чилла сувини шу ерда ҳозир бўлганларга сепиб чиқди ва айни дақиқаларда Тангрига бағишлаб таъсирли ҳамду-санолар ўқиди: “Эй, Худойим, гуноҳларимизни ўзинг ярлақин, қалбларимиздаги қаҳр-газабдан фориг эт, мусибатларимизга малҳам бер...”

Ҳаммаси тамом бўлди. Агата совға қилинган пул ва буюмлардан бирортасини ҳам олмасдан, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан, шу туннинг ўзида уйдан ғойиб бўлди.

У абадий изсиз йўқолди. Онам уни ёдга олиб, гуноҳкор банда Агафияни азоб-уқубат ва дардларидан халос қилишни сўраб ўз ибодатларида худога доимо илтижо қилади.

## ПАГАНИНИ СКРИПКАСИ

Венециялик буюк скрипкачи ва бастакор Никколо Паганини сеҳрли скрипка эвазига Иблисга иймонини сотганлиги ҳақидаги ривоятни ким ҳам билмайди? Ҳаттоки ҳамма нарсдан шубҳаланувчи, даҳ-

рий ва ҳажвчи бўлган атоқли шоир Ҳенрих Ҳейне ҳам бу афсонага ишонган. Лекин бу келишувда ким ютиб чиққанлиги — инсонми ёки унинг душманими — бу ҳеч кимсага аён эмас. Венгриядаги кўчманчи лўлилар орасида бир ғалати ривоят юради. Бунга ишонасизми йўқми — ўзингизга ҳавола.

Тақдир ёш Никколога ўта шафқатсизлик қилди. Ўша йили у қарзларидан, омадсизликдан ва юзлаб майда-чуйда кўнгилсизликлардан қочиб, Венециядан Венага йўл олди. Бу ерда у тўйма-тўй изғиб, хувиллаган қаҳвахоналарда арзимас чойчақага скрипкасини чалиб юрди. Жулдурвоқи кийимлари туфайли дурустроқ меҳмонхоналарга уни қўйишмасди.

Айниқса, 21 октябр унинг учун энг оғир ва мушкул кун бўлди. Ўша кун эрталабдан қор аралаш ёмғир ёғди. Илма-тешик бошмоқлари шалолаб, ҳар қадамда лой сачратиб борарди, ўзи эса ботқоқдан чиққан кучукдек бошдан-оёқ ивиб кетганди.

Кечга томон шаҳар ҳавоси янада хиралашиб, аллақандай мудҳиш тун бошланди. Унда-бунда фонуслар ёмғир томчиларини ёритиб хира нур сочарди.

Бундай рутубатли кунларда инсон ўз қалбини ҳаммага ҳам очавермайди, ўзганинг қайғу-ҳасратига ҳамдард бўлавермайди. Бундай пайтларда қашшоқ одам совуқ, очлик ва ёлғизликни бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қилади.

Кун бўйи Паганини сариқ чақа ҳам ишлаб топмади. Кечқурун алламаҳал бўлганда бир мисгар чала қолган, тамаки кули тушган пивони унга узатди. Бошқа бир жойда эса ширакайф талаба учта майда чақани унга улоқтирар экан:

— Бу сенга чойчақа, фақат чалишни бас қил!— деди.

Зарда билан берилган бу садақанги Паганини қўлига оларкан: “Майли! Машҳур бўлганимдан сўнг садақа берганингни эсимга соларсан!” деб тишларини ғижирлатиб қўйди. Шуни айтиш керакки, тақдир бошига қанча балолар ёғдирмасин, Паганини ўзининг даҳо эканлигига сира шубҳа қилмасди. “Дурустгина кийим-кечак, қулай шароит ва тузукроқ скрипкам бўлса мен дунёни ҳайратга солардим!” деб ўйларди у. Сўнги қаҳвахонада ҳам уни кўчага ҳайдлашди. У ҳар қадам босганда кўлмак ҳосил бўларди.

Учта чақага кичкина бир бўлак оқ нон сотиб олди ва йўл-йўлакай иштаҳасиз кавшаниб борди. Баланд чордоқдаги каталакдай хонасига базўр кўтариларкан, умидсизликка тушиб, ғамгин қалби ғазабга тўлди. Намиққан аянчли скрипкасини бир тепиб бурчакка тикди ва кўкрагига муштлаб, аянч билан бақирди.

— Иблис! Иблис! Агар сен калтафаҳм хотинлар ўйлаб топган афсона эмас, ҳақиқатан ҳам бор бўлсанг, ҳозироқ ҳузуримга кел! Мағрур инсоннинг мағрур қалби ижодкор даҳо билан бирга арзонга сотилади. Кела қолсанг-чи! Акс ҳолда ўзини осган бир камбағалдан сенга қандай наф тегади?

Шу ондаёқ Иблис пайдо бўлди. Олтингургут тутунига чулғаниб, жуфт оёқли сассиқ така кўринишида эмас, балки камтарона кекса ишбоши ёки нотариусдек кийинган, кулранг покиза камзули жимжимадор сариқ тўр билан безатилган кийимда пайдо бўлди. У сиёҳдон, ғоз патидан ишланган ручка ва шартномалар дафтари ҳам қўлида тутган эди, уларни шошмасдан, жиддий тарзда чўлтоқ столга ёйиб қўйди. Мой чироқ атрофни ёритди.

— Кўриб турганингиздек, йигитча,— дея хотиржамлик билан гап бошлади Иблис,— шовқин-суронсиз, масхарабозлик қилмасдан,

дўзахни эслатувчи кийимларсиз дарҳол етиб келдим. Сиздан қон билан ёзилган тилхат ҳам талаб қилмайман.

Ўрта асрлардан қолган бундай аҳмоқона ясама машмашаларга берилиб ўтирмаймиз. Бизнинг асримиз — хушмуомалалик, оддий ҳисоб-китоб асри. Яшириб ўтирмайман. Биз шайтонларга соддадил алдовлардан кўра ҳалоллик билан хизмат қилиш қулайроқ ва фойдалироқдир. Шунинг учун бу келишувимизда мен фақат харидор сифатида, керак бўлса ҳимоячи сифатидагина қатнашаётганимга ҳайрон бўлманг. Шундай экан, иймонингиз эвазига нимани хоҳлардингиз?

— Пул! Олтин! Умрбод беҳисоб олтин!

— Мана, кўрдингизми? Ҳуқуқий маслаҳатим ҳам керак бўлиб қолди. Бу истакларни ҳар қандай эси паст, шалпангқулоқ йигитча ҳам айтган бўларди. Шон-шуҳрат борасида нима дея оласиз?

— Бунинг йўли осон! Шон-шуҳратни пулга ҳам сотиб олиш мумкин. Бунинг учун зикналик қилинмаса бўлди.

— Йўқ, дўстим, шошқалоқлик қилаяпсиз. Олтин билан фақат тилёламачиларнигина сотиб олиш мумкин. Бу билан сиз атрофингиздаги хушомадгўй ва лаганбардорлардан нарига ўтолмайсиз. Яхшиси, менга бошқа бирор нарса ҳақида айтинг. Масалан, севги ҳақида.

— Жин урсин! Ахир севгини бошқа нарсалардан кўра осонроқ сотиб олиш мумкин!

— Ҳар қандай севгиними? Сиз шундай деб ўйлайсизми? Бекорга, бекорга шундай деб ўйлаяпсиз, ёш дўстим Никколо! Агар шундай бўлганда эди, ер юзи аллақачон бутунлай ва абадиян Иблис ихтиёрига ўтган бўларди. Биз эса текин овқатдан семириб, ялқовдангаса бўлиб қолардик. Хоҳласангиз жудаям махфий бир сирни — нима сабабдан Иблис дунёда энг бахтсиз эканлигини сизга айтайми? Чунки у бор вужуди билан севишни истайди, лекин уддасидан чиқа олмайди... Йўқ, йигитча, агар ҳар иккаламиз учун ҳам фойдали бўлган келишувга кўнсангиз, ўша дастлабки камтарона шартларингизда қолинг: дурустгина кийим-кечак, қулай шароит ва тузукроқ скрипка.

Паганини бир неча дақиқа ўйлади ва журъатсизлик билан деди:

— Мен ўз аҳдимдан қайтмайман. Сиз ҳақсиз, жаноб мутасадди. Лекин шошқалоқлик қилиб абадий азоб-уқубатга маҳкум қилинган иймонимни арзон баҳога сотмаяпманми?”

— Иблис энгашиб стол остидан ҳўкиз терисидан ишланган ғилофни олди ва эҳтиёткорлик билан Паганинига узатди.

— Скрипкани ўзингиз кўришингиз ва чалишингиз ҳам мумкин. Бу — текинга.

Паганини эҳтиром билан тилла суви югуртирилган бронза илгакни ечиб, ғилофдан уч қават чойшабга ўралган асбобни олди: юмшоқ тери, духоба ва ипак чойшабларни столга ёйди ва ниҳоят сирли асбобларни, гўё бутун гўзаллиги билан яланғоч аёлнинг адл қоматини эслатадиган шакл-шамойилдаги скрипка кўринди. Бу — кичкина бошчасини кўтариб турган, узун бўйнига туташган ясси елкаси силлиққина нозик белига туташиб, бақувват сонига майинлик билан уйғунлашган аёл қиёфасидаги скрипка эди.

— Бу Страдивари эмас,— дея завқ билан хитоб қилди Паганини,— бу ҳатто Амати ҳам, Гварнери ҳам, Гваданани ҳам эмас! Бу мукам-мал скрипка, бундан ортиғи инсон қўлидан келмайди ҳам! Демак, сиз менга бироз чалишга руҳсат берасиз-а?

— Ҳа, марҳамат,— эринибгина, истар-истамас оҳангда деди Иблис,— Мен сизга айтгандим-ку.

Скрипка торлари созланган, камончаси етарли даражада мумланган эди.

Паганини алангали эҳтирос билан чалар экан, куй шу даражада янградик, қашшоқликдаги бечораҳол аҳволи яширин истеъдодини юзага чиқармаганлигини ўзи ҳам тушунди.

У хурсанд ҳолда деди:

– Соҳиб, хизматингизга тайёрман ва менга берган маслаҳатингиз учун сизга миннатдорчилик изҳор қиламан. Лекин, агар сизга оғир ботмаса, айтинг-чи – нима сабабдан маъюс тортиб қолдингиз, хафа бўлдингиз – мендан хафа бўлдингизми?

– Тўғриси айтсам, – деди Иблис, ўрнидан турар экан, – истеъдодингиз мен кутгандан ҳам кўра чексизроқ эканлиги мени бироз хафа қилди. Лекин айтилган сўз – отилган ўқ, сўзимнинг устидан чиқаман. Скрипка сизники, умрбод эгалик қилинг. Мана сизга кичкина халтачада олтин – бу ҳозирчаликка, Эртага ҳузурингизга сарой аъёнлари кийимларини тикувчи ва веналик энг уста сартарош келади. Эртасига эса арцегерцогнинг шахсан ўзи уюштирган тантанали мусиқа танлови ўтказилади, ўшанда қатнашасиз. Энди, марҳамат қилиб, мана бу саҳифадаги шартномага имзо чекинг. Ҳа, мана шундай. Яхши. Раҳмат, кўришгунча хайр, яхши йигит.

– Кўришгунча? – айёрлик билан сўради венециялик Паганини.

– Унисини билмадим, – қуруққина жавоб берди Иблис. – Ўйлайманки, сизга ажратилган муддат тамом бўлгунча, ундан олдин эмас. Сиз мендан узоқ умр сўрамадингиз, шекилли?.. Мақтовимни қабул қилинг, маэстро!

Иблис скрипкачини ҳеч бир алдамаганди. Ҳамма воқеа режадагидек амалга ошди. Мусиқа танловидан сўнг тож-тахт вориси – валиаҳд олдида Паганини обрўси кўкларга кўтарилди, кўзларни қамаштирди ва ҳозирги кунларгача қамайгани йўқ. Аммо Никколо Паганини дунёда энг бахтсиз одам бўлиб қолди.

Қондирилмаган эҳтирослар, шухратпарастликка ўчлик, пулга телбаларча очкўзлик, шу билан бирга жирканч ва пасткаш хасислик: нафақат ўтмиш ва ўз даврининг етук скрипкачиларига, балки келажакдаги буюк скрипкачиларга нисбатан ҳам енгиб бўлмас ҳасад унинг иймонини заҳарлаб, қулга айлантди. У ўзи тўқиган мусиқа асарларини ноталарга жойларкан, шу даражада чалкаштириб, топишмоққа айлантириб ифодаладики, уни ўзидан бошқа кимса англай олмасди. Лекин у санъатининг шу даражада чексизлиги вақти келиб унинг ўрнига ўзидан ҳам зўрроқ мусиқачи келишига, унинг иблисона топишмоқларидан ҳам гўзалроқ ва осонроқ тарзда ундан ҳам ўтиб кетишига ақли етарди. У келажакка мана шундай олдиндан нафрат ва ҳасад билан қарарди.

Пули ошиб-тошиб кетганига қарамай, у кўчада кетаётиб қоғозларними-е, арқон бўлақлариними-е, ахлатними-е териб юрар, бир кунлик овқати бир талердан ҳам ошмасди. Унинг гайритабиий санъатидан завқланган қанчадан-қанча гўзал аёллар унга мунтазир бўлиб, ўзини, қалбини, тақдирини, борлигини бахшида қилганларида ҳам, улар менинг олтинларимни эгаллаш ниятида келган, деган хаёлда улардан нафратланиб, юз ўгирарди.

Эри давлат мажлиси раиси бўлган, ўз бойлиги, шон-шухрати, севгисидан воз кечиб, ажралиш шармандалигини ҳам бўйнига олган, унга муштоқ бўлган аслзода хонимнинг ҳам севгисини рад этиб, олдида бир нечта чақа ташлаб: “Шу уч тангани эрингизга бериб қўйинг. Уларни менга бир замонлар бошқа скрипка чалмаслик шарти

билан берганди. Сизни эса бу ердан кетишингизни илтимос қиламан, ҳозир мен машғулот билан бандман”, дея ҳайдади.

Қанчадан-қанча ҳақиқий дўстлари, қадрига етган мухлисларини: “Сен менинг бойлигим ва шуҳратимга шерик бўлиш учун ортимдан юрибсан”, деган таъналар билан ўзидан узоқлаштирди.

У аянчли аҳволга тушган, умри руҳий азоб-уқубатда ўтар, таскин берадиган яқин одами йўқ эди. Чунки у ҳеч кимга ишонмасди.

Ажал вақти келганда унинг ҳузурига бўзарган Нотариус кириб келди ва Паганини унга хотиржамлик билан деди:

– Мен тайёрман, хўжайин. Аммо менинг ҳаётим қувончсиз ўтди.

– Ҳа, очигини айтганда, мен ҳам сиздан бирор наф кўрмадим. Иккаламиз тузган битим иккимизга ҳам фойда келтирмади. Мана бу дафтардаги шартномалар рўйхатини кўринг, у ерда сизнинг номингиз йўқ. Уни кимдир ўчириб юборган. Кимлигини айтишга журъат эта олмаймиз.

– Энди мен нима қиламан?– кўнгилчанлик билан сўради Паганини.

– Ҳеч нарса, – жавоб берди бўзарган Нотариус. – Ҳеч нарса, дўстим. Бирорта ҳам концертингизни ўтказмасдан ҳаммасига бордим ва шу билан сиздан қарзимни уздим. Раҳбарларим менга салбий баҳо беришди. Сиз ҳам ўз навбатида ўша номини тилга олишга журъат этолмаганимиз олдида қарзингизни уздингиз. Ҳақиқий санъатни биз эмас У яратади. Лекин ҳсиоб-китобни ким қилади? Алвидо. Бу гал энди умрбод хайрлашамиз. Скрипкани сизга қолдираман. Э, йўқ! Мендан хавотир олманг. Бу хизматимдаги арзимас кўнгилсизлик, холос. Хайр...

– Эртасига эрталаб буюк Паганинининг жони узилди: пешонасидаги ажинлар ўша тириклик пайтидагидек мағрур ва шафқатсиз, лабларида эса шодиёна бахтли табассум қотиб қолганди.

Иблис скрипкаси эса изсиз йўқолди.

## МОВИЙ ЮЛДУЗ

Қадим замонларда ўтиб бўлмас даралар, улкан қоялар ва қалин ўрмонлар қуршовида бутун дунёдан ажралиб қолган ясси тоғ тепаликларидан бирида чорвачилик билан кун кечирувчи тинчгина халқ осойишта яшаркан. Темир совутларга бурканган, бегона, бақувват ва дароз одамлар жанубдан бу ерларга қачон ва қандай қилиб келиб қолганликлари номаълум.

Кашф қилинган мамлакатнинг иқлими – мўътадил, тупроқлари унумдор, суви лаззатли, одамлари эса беозор эканлиги келгинди жоҳил сипоҳийларга жуда ёқиб қолди ва шу ерларда умрбод қолишга қарор қилдилар. Бу ерларни босиб олишга эҳтиёж йўқ эди, чунки одамлари уруш, қурол-яроғ нималигини билмас, қалбларида ёвузликдан асар ҳам йўқ эди. Маҳаллий аҳолини забт этиш шундан иборат бўлдики, келгиндилар бор-йўғи оғир темир совутларини ечиб, шу ерли чиройли қизларга уйландилар ва ўзлари барпо қилган янги давлатнинг бошлиғи этиб йўлбошчилари бўлмиш олижаноб ва дов-юрақ Эрнини қўйдилар. Унга қиролларга хос чексиз ҳукмронлик қилиш ва тахтни ворисига қолдириш ҳуқуқини бердилар. Ўша замонларда бу нарсалар мумкин эди.

Шундан буён минг йилларча вақт ўтди. Ўша сипоҳийларнинг авлодлари маҳаллий аҳоли билан шу даражада қўшилиб кетдики, бора-бора улар орасида тилларида ҳам, ташқи қиёфаларида ҳам фарқ йўқолиб кетди. Сипоҳий-рицарлар сиймоларидан асар ҳам қолмади. Ҳатто

қироллар томонидан ҳам унутилган қадимий тилдан эса фақат тантанали маросимлару сарой удумларида аҳён-аҳёнда мўътабар ҳиссиётларини билдирмоқчи бўлганларидагина фойдаланардилар. Эрн Биринчи, Буюк Эрн, Муқаддас Эрн ҳақидаги хотиралар эса халқ томонидан яратилган гўзал афсоналар орқали, худди ҳиндуларнинг Гайаватаси, Финнларнинг Вейнемейнени, русларнинг Владимир Биринчи, яҳудийларнинг Мусо, французларнинг Шарлеман ҳақидаги ривоятлари каби абадий хотира бўлиб қолди.

Айнан мана шу доно Эрн Эрнотерра аҳолисини бугдой ва сабзавот етиштиришга, темирни қайта ишлашга ўргатди. Ёзувни, санъатни жорий қилди. Дин асосларини, қонунни киритди; дин — Худога ибодат қилиш — тушунарсиз тилда дуо ўқишдан иборат бўлиб, қонун эса биргина асосга — Эрнотеррада ҳеч ким ёлгон гапирмаслигига таянди. Тахтга ўтирган кунидан бошлаб ҳуқуқ ва бурч бобида эрқақлар ва аёлларга тенглик жорий этилиб, ҳар қандай унвон ва имтиёзни бекор қилинди. Қирол ўзи эса “Халқнинг биринчи хизматкори” деган унвонни олди.

Буюк Эрн тахт ворислиги ҳақида қонун киритди: унга кўра қизми, ўғилми, тўнғич фарзанд ворислик ҳуқуқига эга бўлиб, севган одами билангина турмуш қуради. Ва ниҳоят, Эрн Биринчи ўзлари туғилиб ўсган маданий мамлакатларда кенг тарқалган бузуқлик, ёвузлик каби иллатлар бу юртга ҳам кириб келмаслиги чораларини кўриб, ўзлари келган ёлғизоёқ йўлни ҳам йўқ қилиб ташлади.

Мана шу Эрн авлоди қиролларининг ўз халқига оталарча гамхўрлиги, донолик ва эзгулик асосида юртни бошқариши туфайли Эрнотерра гуллаб-яшнаб кетди, халқ эса осойишта ва фаровон ҳаётга эришди. Бу мамлакат халқи на жиноят, на уруш нималигини билмай, муҳтожлик кўрмасдан минг йил давомида тинч ҳаёт кечириб келди.

Бу қадимий қироллик саройида Эрн Биринчига тегишли қандайдир буюмлар: унинг совутлари, дубулгаси, қиличи, найзаси ва ов қуроллари хонасида деворга ўйиб ёзилган бир неча тушунарсиз сўзлар эсдалик сифатида қолганди. Эрнотерраликларнинг ҳозирги авлодларидан биронтаси ҳам бу буюмларни кўтара олмас ва ёзувларни ўқий олмас эди. Шунингдек, унинг уч хил расми: майда мозаика билан ишланган ён томондан кўриниши, бўёқда ишланган олд томондан кўриниши, учинчиси — мрамрдан ишланган хайкалчаси ёдгорлик бўлиб қолганди.

Ҳар уччала портрет меҳр билан юксак санъат даражасида ишланган бўлса-да ўз халқини ранжитувчи бир томони бор эди. У ҳам бўлса қиролнинг ўта хунук, ҳатто бадбашара кўриниши эди. Аммо шундай бўлса-да, юз ифодаларида на ёвузлик, на ёқимсизлик кўринмасди. Эрнотерраликлар ўзларига хос бўлган гўзалликлари билан фахрланишар, биринчи қиролларини эса афсонавий қалб гўзаллиги учун қадрлар, ташқи қиёфасидаги хунукликни эса айб деб ҳисобламасдилар.

Ирсият қонунларининг ўзига яраша инжиқликлари бор. Айрим ҳолларда бола на ўз ота-онасига, на бобо ва бувиларига ўхшамайди-да, узоқ ўтмишдаги аждодларидан бирига ўхшаб кетиши мумкин. Эрнлар сулоласи солномачилари қайд қилишларича, улар авлодида вақти-вақти билан ўта хунук болалар туғилган бўлиб, кейинчалик бундай ҳолатлар камдан-кам учрайдиган воқеага айланган. Тўғриси-ни айтиш керакки, хунук туғилган шаҳзодалар ажойиб қалб соҳиблари: яхши хулқли, ақлли, раҳмдил ва хушчақчақ бўлганлар. Тақдир тақозоси билан шаҳзодаларнинг бундай хунук кўринишлари гўзаллик ва нафосатнинг фарқига борувчи эрнотерраликлар орасига нифоқ сола олмаган.

Саховатли қирол Эрн XXIII ўзининг ажойиб гўзаллиги билан ажралиб турар, мамлакатдаги энг гўзал қизни эҳтирос билан севиб қолиб уйланганди. Узоқ вақт улар фарзанд кўрмади — деярли ўн йил. Севимли қиролича яқинда она бўлишини билган халқ бу янгиликни қанчалик шодиёна кутиб олганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қирол тахтни бевосита ўз зурриётига қолдираётгани оиласини ҳам, халқини ҳам шодлигига шодлик қўшди. Олти ойдан сўнг қиролича эсон-омон қутулиб, дунёга малика Эрн XIII келганлигини эшитган қирол бу хабарни хушнуд кутиб олди. Ўша куни малика соғлиги учун қадаҳ кўтармаган одам қолмади.

Фақат сарой аҳли хурсанд эмасди. Эндигина туғилган чақалоқни кўлига олган доя алам билан бош чайқаб кўйди. Қироличага олиб келганларида чақалоқни кўриб, кўллари янгилайча хитоб қилди:

— Эй, Худойим-э, бунчалар хунук бўлмаса! — дея йиғлаб юборди. Бир оз ўзига келгач, кўллари ни чақалоқ томон узатиб:

— Болагинамни менга беринглар, бечоранинг хунуклиги меҳримни камайтирмайди, аксинча, ўн чандон оширади, — деди.

Қирол ҳам жуда хафа бўлиб:

— Бунчаям пешонаси шўр бўлмаса! Сулоламызда бадбашара шаҳзодалар бўлганлигини эшитгандик, лекин бундай хунук маликанинг Эрнлар авлодида туғилиши биринчи марта юз бериши! Худодан илтижо қиламиз, зора бунинг эвазига қалби гўзал, ақл-хушли бўлиб улғайса.

Маликанинг хунуклигини эшитган халқ ҳам худди шундай илтижо қилди.

Шу аснода малика кун сайин улғайиб, соат сайин хунуклашиб борарди. Ўзининг хунуклигини тушунмаган гўдак тўйиб-тўйиб ухлар, овқат ер, қувноқ ва беташвиш ҳаёт кечирарди. Уч ёшга тўлай деганда у ўз бобоқалони Буюк Эрнга жудаям ўхшашлиги равшан бўлиб қолди. Шу ёшда у ўзининг энг яхши сифатларини: беозор, сабр-тоқатли, атрофидагиларга меҳрибон, гамхўр, зийрак ва хушмуомала эканлигини намоийш этди.

Ўша пайтларда бир кун қиролича қирол хузурига кириб:

— Подшоҳим ва рафиқим! Малол келмаса, қизимиз учун бир илтифот кўрсатишингизни сўрамоқчи эдим, — деди.

— Севикли рафиқам, биласиз-ку, сиздан ҳеч нарсани дариг тутмайман.

— Қизимиз ўсиб-улғайиб келаяпти. Кўринишидан Худо унга ёшига номуносиб ажойиб ақл-идрок ато қилган. Бир кунмас бир кун ўзининг юз қиёфаси хунук эканлигини билиб қолиши муқаррар. Бу унга умрбод гам-алам келтиришидан хавотирдаман.

— Сиз ҳақсиз, рафиқам. Қизимиз муқаррар тарзда дуч келиши мумкин бўлган бу тақдир зарбасини қандай йўл билан олдини олиш мумкин?

— Фикрим сизга аҳмоқона туюлса ҳам, газабингиз келмасин, подшоҳим. Қизимиз ҳеч қачон кўзгуга қарамаслиги чорасини кўришимиз керак. Мабодо бирорта одам ёвузлик қилибми ёки ихтиёрсизми, унинг хунуклиги ҳақида ўзига айтадиган бўлса-да, кўзгуга ўзини кўрмагунча бун билмасдан юриши мумкин.

— Шунинг учун нимани хоҳлардингиз?

— Ҳа... Эрнотеррада бирорта ҳам кўзгу қолдирмаслик керак!

Қирол ўйланиб қолди. Кейин:

— Бу нарса халқимиз учун катта йўқотиш бўлади. Буюк аждодим чиқарган қонунга кўра юртимизда эркак ҳам, аёл ҳам башанг кийи-

нишни яхши кўради. Халқимизнинг қирол ва оиласига бўлган садоқатини ҳам яхши биламиз ва бу йўқотишни чидам билан қарши олишига аминман. Қиролликда бирорта ҳам кўзгу қолдирмасдан йўқ қилиб юбориш ҳақида шу бугуноқ Фармон бераман.

Қирол ўз халқига ишониб адашмагани, чунки халқ яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам қирол оиласи билан ҳамжиҳат эди. Халқ фармонни ҳамдардлик билан кутиб олди ва барча кўзгуларни, ҳатто синигини ҳам, қолдирмай давлат соқчиларига тўплаб берди. Тўғри, айрим ҳазилкашлар сочларини ҳурпайтириб, юзларига лой суртиб қизиқчилик қилишди. Лекин халқ кулар экан, гарчи ҳажв қилиб кулса ҳам, қирол хавотир олмаса ҳам бўлади. Масаланинг муҳим томони яна шундаки, мамлакатнинг барча сувлари тез оқувчи тоғ дарёлари ва жилғаларидан иборат бўлиб, бирор нарса сувда акс этмасди.

Малика Эрна ўн беш ёшга яқинлашиб қолди. У чидамли ва бақувват бўлиб ўсди. Бўйи узун, энг дароз эркак ҳам унинг елкасидан келарди. У каштачиликда ҳам, арфа чалишда ҳам жуда маҳоратли эди. Тўп отишда унга тенг келадигани йўқ эди. Тошдан-тошга худди кийикдек чаққон сакрарди. Унинг юзидан эзгулик, ҳамдардлик, адолат, илиқлик ва қувонч нурлари доим таралиб турарди. Беморларга, кексаларга, бева-бечораларга ёрдам бериб чарчамасди. Жароҳатларни қандай боғлашни, қандай ўт-ўланлар малҳам бўлишини яхши биларди. Йиқилган, майиб бўлганлар унинг меҳрибон қўлларидан шифо топарди. Халқ уни ҳаддан ташқари севар, доим изидан дуо қиларди. Лекин зийрак Эрна кўпинча унга ачиниш қараётганликларини, билинтирмасдан ҳамдардлик қилаётганликларини сезиб қоларди.

“Балки мен бошқаларга ўхшамасман?” дея хаёл қиларди ва ҳузуридаги хизматчи аёллардан сўраб қоларди:

— Айтинглари-чи, ҳурматли дугоналарим, чиройлиманми ёки йўқми?

Эрнотеррада ҳеч ким ёлғон гапирмаслиги сабабли сарой хонимлари самимият билан жавоб қайтаришарди:

— Сизни гўзал деб бўлмаса ҳам, сўзсиз дунёдаги барча қиз ва аёллардан кўра ёқимлироқ, ақллироқ, хушфёълроқсиз. Ҳатто сизга уйланадиган одам ҳам худди шундай дейиши мумкин, бунга ишонинг. Аёл латофати ҳақида биз аёллар унчалик фарқига бормаймиз.

Эрнанинг ташқи қиёфаси ҳақида мулоҳаза юритиш улар учун мушкул эканлиги аён. На бўй-басти, на гавда ва юз тузилиши эрнотерралик аёлларга мутлақо ўхшамасди.

Эрна ўн беш ёшга тўлган кунни саройда зўр зиёфат ва базм билан нишонлашди — мамлакат қонунига кўра қиз бола шу ёшда балоғатга етган ҳисобланарди. Эртасига эрталаб раҳмдил малика саватчасига зиёфатдан ортган тансиқ ширинликлардан солиб билагига осганча тўрт чақирим нарида турадиган севиқли энагасини кўргани жўнади. Эрта тонгдаги сайр ва ёқимли тоза тоғ ҳавоси унга одатдагидек қувонч келтирмади. Унинг фикри ҳаёли кечаги базмда кузатганлари ҳақида эди. Унинг қалби тоғ чўққиларидаги абадий қорликлардек оппоқ ва тоза эди, лекин ўткир нигоҳлари, аёлларга хос сезгирлиги ва навқирон ёши унга кўп нарсаларни билдириб қўйди. Рақс тушаётган йигит ва қизларнинг бир-бирларига сирли қараб қўйишлари унинг назаридан четда қолмади. Бу нигоҳлар бевосита унга қаратилмаган бўлсада, ҳурмат ифодаси бўлган табассум ва таъзимларда итоат, садоқат ва назокат кўринарди. Аммо уларнинг ҳар бирига ачиниш ҳисси соя



ташлаб турарди. Наҳотки жирканч, бадбашара бўлсам ва бу ҳақда менга айтишга ҳеч ким журъат эта олмаса?

Шундай ғамгин хаёлларга ботганча Эрна энагасининг уйига етиб келди ва эшикни тақиллатди. Жавоб бўлмагач, эшикни очиб (бу мамлакатда қулф нима эканлигини билишмасди) ичкарига кирди. Илгари ҳам ҳеч ким йўқлигида ичкарига кириб энагани кутиб ўтирарди.

Дераза ёнида ғамгин хаёлларга берилганча дам олиб ўтираркан, беихтиёр атрофдаги таниш жиҳозларга кўз ташлади ва бирдан унинг эътибори энагаси доим яшириб юрадиган қутичасига тушди. Энагаси бу қутичада ўзининг болалиги, ёшлиги, биринчи муҳаббати, эрга текканлиги, саройдаги ҳаёти билан боғлиқ турли майда-чуйдаларни: рангли тошлар, арзон тақинчоқлар, кашталар, тангачалар ва узукчаларни сақлаб юрарди. Малика ҳали болалик чоғиданоқ қутичани титкилашни яхши кўрар ва улар билан боғлиқ хотираларини энагасидан қайта-қайта эшитарди. Нима сабабдан бу қутича кўз тушадиган жойда турганига ажабланди. Малика доим кўргиси келганда қутичани энагаси берар ва кўриб бўлгач, чиройли матога авайлаб ўрар ва яшириб кўярди.

“Балки энага шошиб ташқарига чиққан-у, қутичани яшириш эсидан чиққан бўлса керак”, деб ўйлади малика ва столга яқинроқ ўтириб қутичани тиззасига қўйди. Ичидаги таниш нарсаларни бепарволик билан битта-битта олиб этагига сола бошлади. Қутичанинг тагига етганда қийшиқ бурчақли катта ясси бир синиқ парча кўринди. Уни қўлига олиб кўздан кечирди. Бир томони қизил бўлиб, бошқа томони кумушранг, ялтироқ ва гўё чуқурроқ эди. Тикилиб қараганди, хонанинг супурги тираб қўйилган бурчаги кўринди... Бироз бурганида хонадаги эски жавон, яна бироз бурганида... жудаям хунук бир башара кўриндики, бундай башарани у тасаввур ҳам қилолмасди.

Қошини тепага кўтарганди, бадбашара ҳам уни такрорлади. Бошини қийшайтирганди — у ҳам шундай қилди. Қўлини лабларига теккизди — синиқ парчада ҳам шу ҳаракат такрорланди. Эрна энди тушуниб етди: қўлидаги парчадан унинг ўзи унга қараб турарди. Қўлидаги кўзгу тушиб кетди, қўллари билан кўзларини яширганча алам билан столга бошини урди.

Шу дақиқада энага қайтиб келди. Маликани, очиқ қутичани ва синиқ кўзгу парчаларини кўрди-ю, гап нимада эканлигини тушунди. Эрна қаршисига тиз чўкканча мулойим сўзларни гапира бошлади. Малика кескин ўрнидан туриб, қаддини ростлади ва кўз ёшисиз, лекин қаҳрли тарзда бармоғи билан кўзгуни кўрсатиб:

— Ҳаммасини сўзлаб бер,— дея буйруқ берди.

Унинг овози қатъиятли янгради. Буни кутмаган содда аёл йўқ дейишга ботина олмади: бадбашара, лекин олийжаноб шахзодалар ҳақида, бадбашара қиз туққан қироличанинг ғам-андухларию меҳр-шафқати ҳақида, қандай қилибтақдир зарбасидан қизини қутқармоқчи бўлгани ва кўзгуларни йўқотиш тўғрисидаги қиролнинг фармони ҳақида батафсил сўзлаб берди. У ўзининг аҳмоқона ожизлигини айтиб сочини юлар, севиқли Эрнани мусибатга қўйган шу бир парча тақиқланган кўзгуни қутичасига яшириб қўйган кунига лаънатлар ўқирди.

Уни эшитиб бўлгач, малика ғамгин табассум билан:

— Эрнотаррада ҳеч ким ёлғон гапирмайди!— деб қўйди.

У ташқарига чиқди. Ташвишга тушган энага ортидан чиқмоқчи бўлганди, Эрна уни кескин тўхтатди:

— Қол, шу ерда!

Энага бўйсунди. Қандай йўқ дея оларди? Уни эмиб катта бўлган кичкина Эрнанинг овози эмасди бу, балки аждодлари минг йилдан бери ҳукмдор бўлиб келаётган мағрур маликанинг буйруғи эди.

Эгри-бугри тоғ йўлларида, тик жар ёқасидан ўтиб бораркан, бахти қаро Эрнанинг ҳарир кўк кўйлаги этакларини шамол ҳилпиратар, жар остида оқаётган дарёнинг гувиллаши қулоғига кирмас, атрофидаги ёввойи табиат кўшиғини эшитмасди. Болалигидан таниш бўлган бу ёлғизоёқ йўлда бораркан, қалби ҳам ёлғизликдан, ҳам бошига тушган мусибатдан азият чекарди. Қалбида нималар кечаётгани ҳақида ким ҳам айтиб бера оларди? Балки, ўзига ўхшаш, тақдир зарбасига учраган бирорта бошқа бир малика бўлганда тушунган бўлармиди?..

Йўлда кетаркан, кескин бурилишга дуч келди. Улкан қоялар кўчкиси йўлни тўсиб қўйган, бу ваҳший тўсиқларни олиб ташлашнинг иложи йўқ эди. Пастдан эса қандайдир тушуниб бўлмас товуш эшитилди. Малика жарга энгашиб, қулоқ сола бошлади. Шундоққина оёғи остидаги жар тубидан кимдир инграб ёрдам сўрарди. Шунда у ўз қайғусини ҳам унутиб, юрак амрига бўйсунганча пастга отилди. Худди кийикдек қоядан-қояга, тошдан-тошга сакраб тегирмон тоши катталигидек майдончага тушди. Бу ердан энди на тепага, на пастга тушишнинг иложи йўқ эди, лекин Эрна бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмади.

Инграётган одамнинг овози қўл етгудек жойдан келаётганди. Ярми сувга тегиб турган тош устига ётиб пастга қараганди, ўткир қоя учига осилиб қолган одамни кўрди. У бир қўли билан қояни, бир қўли билан омонатгина ўсган дарахт шохини ушлаб олган, чап оёғи учини тош ёриғига тираган, ўнг оёғи эса муаллақ турарди. Кийимига қараганда у Эрнотерралик эмасди, чунки малика унинг ипакдан тикилган кийимларию чарм этик пошнасидаги шпорларни ва зарҳал камарни умрида кўрмаганди.

– Ҳой! Мусофир! Бардам бўлинг, ҳозир ёрдам бераман, – деб қичқирди Эрна.

Нотаниш инграганча бошини кўтариб, силкитиб қўйди. Малика унга қандай ёрдам бериши мумкин? Пастроққа тушишнинг иложи йўқ, ҳам фойдасиз. Эҳ, арқон бўлганда эди!.. Улар орасидаги масофа икки одам бўйича келарди. Нима қилиш керак?

Бирдан маликага ажойиб бир фикр келди. Бундай фикр хавфли вазиятларда жасур ва мард инсонлардагина пайдо бўлади. Малика ўйлаб-нетиб ўтирмай эгнидаги ажойиб кўйлагини шартта ечди-ю, қўллари ва тишлари ёрдамида узун-узун бўлақларга бўлиб, арқон эша бошлади. Кўйлак бўлақларини бир-бирига қаттиқ боғлаб, пишиқлигини текшириб кўрди-да, бесўнақай тош устига ётиб, оёқ-қўллари шилинганига қарамай, бир учини осилиб турган нотаниш одамга ташлади. Хайрият, арқон узунгина бўлиб,, йигит уни қамарига боғлади. Малика уни аста-секин тепага тарта бошлади. Йигит эса, маликага энгил бўлиши учун қоянинг бўртиб турган жойларига оёқ-қўллари тираб тепага интиларди. Боши ва кўкраги Эрна турган майдончага етай деганда йигит куч-қуввати тугади, малика зўр бериб, машаққат билан уни баландга тортиб чиқарди.

Майдонча жудаям тор эди, малика ўтирган жойида йигитнинг бошини кўкрагига босиб, ҳолсизланган танасини қўллари билан ўраб олди.

– Кимсан эй, сеҳрли мавжудот? – оқариб кетган лабларини зўрға қимирлатиб сўради йигит. – Тангри юборган фариштамисан? Ёки шу тоғларнинг меҳрибон парисимисан? Балки маъжусий илоҳалардан биримисан?

Малика унинг тилини тушунмади, аммо мулойимлик билан, миннатдорчилик изҳор қилиб турган қора кўзлари ҳамма гапни билдириб турарди. Лекин шу ондаёқ йигитнинг киприклари юмилиб, юзи ўликдек оқариб кетди ва маликанинг кўкрагига бош қўйганча хушини йўқотди. Малика эса қимирлай олмас, кўкрагида беҳуш ётган йигитнинг юзидан мовий кўзларини узолмасди.

Малика ўзича фикрлай бошлади.

“Бу бахти қаро йўловчи худди менга ва аждодим Буюк Эрнга ўхшаш хунук экан. Менимча ҳар уччаламизнинг тупроғимиз бир жойдан олинган бўлса керак. Гўзал Эрнотерраликларга қиёслаганда биз уччаламиз шундай бадбашарамизки, бу нарса бизни яхшиликка олиб бормаса керак. Лекин нима сабабдан йигитнинг менга боққан нигоҳлари шунчалик ёқимли? Кечаги базмда рақс тушаётган йигит ва қизларнинг раҳми келгандек қараганлари жудаям аянчли эмасми? Бу нигоҳларнинг липиллаб турган шамчироқ билан қуёшдек фарқи борку. Нима сабабдан томирларимдаги қон гупиллаб уриб кетди, нима сабабдан ёноқларим ловуллаб, юрагим гурсилламоқда, нега ҳаяжондан борлигим қувончга тўлди? Эй, Парвардигор! Сен мени шунчалик хунук қилиб яратганлигинг учун нолиганим йўқ. Шу йигит учун мен дунёдаги барча қизлардан ҳам гўзалроқ бўлиб кўринишни истардим!”

Шу пайт тепадан овозлар эшитила бошлади. Тўғри, маликанинг қатъий буйруғидан кейин энага анчагача ўзига келолмади, лекин ўзини ўнглаб олгач, дарҳол унинг изидан югурди. Унинг тошдантошга сакраб жарлик тубига ошиққанлигини, нотаниш кимсанинг инграб ёрдамга чақирганлигини эшитди-ю, гап нимадалигини тушуниб етди. Дарҳол қишлоққа югуриб ҳаммани оёққа турғазди: кимдир арқон, кимдир нарвон ва таёқ олиб жар ёқасига югуришди. Ҳушдан кетиб ётган йўловчини соғ-омон тепага тортиб олишди. Энага эса маликага ўз кийимларини чилвирга боғлаб туширди. Шундан сўнг маликанинг буйруғи билан мусофирни саройга олиб боришди ва энг яхши хонага жойлаштиришди. Унинг бир қанча жойи қаттиқ лат еган ва қўли чиққанди. Уни маликанинг ўзи даволай бошлади. Бунга ҳеч ким ажабланмади, чунки маликанинг раҳмдиллиги, табибликдан ҳам яхшигина хабардорлигини ҳамма биларди. Гарчи йигит хунук бўлсада, аслзода оиладан эканлиги сезилиб турарди.

Шу воқеадан сўнг нима бўлганлигини батафсил гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак? Эрнанинг узлуксиз парвариши натижасида у тезда оёққа туриб кетди, хотираси тикланди ва ўз халоскорини кўриб завқ-шавққа тўлди. Малика кириб келишини у интизорлик билан кутар, Эрна ҳам ундан ҳеч ажралгиси келмасди. Қандай қилиб бир-бирининг тилини ўрганганлигини айтмайсизми? Кунлардан бир кун Эрна мусофир йигит тилидан “амо!” деган ёқимли сўзни эшитгач, қувонч ва уятдан қизариб, тортинчоқлик билан шивирлаб ўша сўзни такрорлади. “Амо”, яъни “севаман” деган сўз, айниқса, биринчи бўса билан ҳадиэтилса, буни тушунмайдиган қиз дунёда бормикан?

Энг яхши тил ўқитувчиси – севгидир. Йигит тузалгач, малика билан бирга сарой боғида сайр қила бошлашди. Шу аснода улар бир-бирларини яхши билиб олишди. Эрна қутқарган йигит бой ва қудратли Франция давлатини бошқараётган қиролнинг ягона ўғли бўлиб, исми Шарль экан. Саёҳат ва саргузаштларга ўчлиги уни ўтиб бўлмас Эрнатерра тоғларига келиб қолишига сабаб бўлган. Кўрқоқ қузатувчилари уни ташлаб кетишгач, қоядан йиқилитиб, ўлишига бир баҳя қолган. У чақалоқлигида буюк француз башоратчиси Нострадамус

тузиб берган мунажжимлар жадвали ҳақида айтиб беришни ҳам унутмади. Башоратда шундай сўзлар бор экан:

“... шимоли-шарқ томондаги ёввойи тоғларда катта фалокатга йўлиқасан, кейин эса мовий юлдуз умрбод ҳаётингни ёритиб туради”

Эрна ҳам Шарлга ўз мамлакати ва қирол оиласи тарихини сўзлаб берди. Ҳатто, бир куни Буюк Эрннинг қурол-яроғларини ҳам фахрланиб кўрсатди. Шарль уларни эҳтиром билан кўриб чиқди. Қиролнинг қиличини олиб бир неча зарб усулларини енгилгина намойиш қилди. Эрнанинг Буюк аждоди суратини кўриб, гўзаллик, донолик ва улғулик унга хос эканлигини айтиб ўтди. Эрн Биринчи томонидан деворга ўйиб ёзилган хатни ўқиб қувонч билан айёрона жилмайиб қўйди.

– Нега қулаяпсиз, шаҳзода?— дея хавотирланиб сўради малика.

– Азизам Эрна,— дея унинг кўлини ўпиб жавоб берди Шарль,— бунинг сабабини албатта айтаман, лекин бироз кейинроқ.

Тез орада Шарль қирол ва қироличадан қизларига уйланишга изн сўради, чунки малика уни алақачон дилдан севиб қолганини биларди. Улар никоҳга рози бўлишди. Балоғатга етган Эрнотерра қизлари ўзлари ёқтирган йигитга турмушга чиқиш эркинлигидан тўла фойдаланар, шаҳзода эса ўз одоби, олийжаноблиги ва обрў-эътибори билан маликага қаллиқ бўлишга лойиқ эди.

Унаштириш муносабати билан саройда ҳам, ахлоқ орасида ҳам тантанали байрам ўтказилиб, кексаю ёш хурсандчилик қилди. Фақат она қироличагина маъюс ҳолда ўз хонасида ўтирар ва “Шўрликлар! Уларнинг болалари ҳам бадбашара бўлиб туғилсалар керак...”— дея ғамгин ўйларга борарди.

Ўша байрам кунлари Эрна қаллиғи билан рақс тушаётганларни кузатар экан, унга қараб:

– Севгилим! Сени деб Эрнетерралик аёлларнинг энг хунугига ўхшашни истардим,— деди.

– Бундай балодан Худонинг ўзи асрасин,— дея чўчиб жавоб берди Шарль.— Сен жуда чиройлисан.

– Йўқ,— дея маъюсгина эътироз билдирди Эрна.— Менга тасалли бермай кўяқол, азизим. Нуқсонларимни ўзим яхши биламан: оёқларим жудаям узун, товонларим ва кўлларим жудаям кичкина, белим юқориқоқда, ҳаддан ташқари катта кўзларим ажойиб сариқ рангда эмас, балки ёқимсиз мовий рангда, лабларим эса ясси эмас, дўрдоқ, худди камонга ўхшаш қийшиқ.

Лекин Шарль маликанинг кўкимтир томирлари кўриниб турган узун бармоқли оппоқ кўлларини тинмасдан ўпар, нафис сўзлар билан эркалар ва рақсга тушаётганларга қараб телбаларча қаҳқаҳа уриб куларди.

Ниҳоят байрамлар тугади. Қирол билан қиролича бахтли жуфтликка оқ фотиҳа беришди, қимматбаҳо совға-саломлар ҳадя қилиб йўлга кузатиб қўйишди. (Унга қадар оқ кўнгил Эрнетерраликлар бир ой давомида йўлларни текислаб, дарё ва жарликларга вақтинча кўприклар ўрнатиб қўйишганди). Бир ой ўтгач Шарль келин билан бирга аждодлари барпо қилган пойтахтга кириб келишди.

Маълумки, овоза ҳар қандай учқур отидан ҳам тез тарқалади. Ўзининг софдиллиги, соддалиги ва саҳовати билан халқ орасида шуҳрат қозонган валиаҳдни кутиб олишга буюк Парижнинг барча аҳолиси чиқди. Нафақат эркалар, ҳатто аёллар ҳам бир оғиздан Эрнани мамлакатнинг, бинобарин, бутун дунёнинг энг гўзал аёли, деб тан олди. Сарой дарвозаси олдида қиролнинг ўзи бўлажак келинини кутиб олди ва пешонасидан ўпиб деди:

– Болагинам, гўзаллигингни мақтайми ёки саховатингними – билолмай қолдим, менимча, ҳар соҳада камолга етгансан...

Унга кўрсатилган ҳурмат ва илтифотни камтарлик билан кутиб олган Эрна эса ўзича:

“Бадбашаралар юртига келишим насиб этгани жуда яхши бўлди, ҳар ҳолда рашк балосидан қутуламан”, – деб ўйларди.

Бу ишонч уни узоқ вақтлар тарк этмади. Сайёр ашулачилару маддоҳлар маликанинг чиройи ва хулқ-атворини кўкларга кўтариб, жаҳонга жар солиб юришди, рицарлар эса кўзлари рангига тақлид қилиб мовий ранг либосларни афзал кўришди.

Орадан бир йил ўтиб Шарль ва Эрнанинг осойишталик билан кечираётган бахтли ҳаётига яна бир қувонч қўшилди: улар жуда соғлом ва антиқа ўғил кўришди. Эрна ўғлини биринчи марта эрига кўрсатар экан, тортинибгина деди:

– Севгилим! Сизга айтишга уялиб турибман, лекин: ўғлимиз жудаям чиройли, у сизгаям, менгаям ўхшаб кетади лекин ҳамюртларимизнинг бирортасига ҳам ўхшамайди. Ёки меҳрдан кўзим қамашдимикан?

Бунга жавобан Шарль қувонч билан кулиб қўйди:

– Маликам, доно Эрннинг ов қуроллари сақланадиган хона деворидаги ёзув маъносини кейин айтиб бераман деганим эсингдами?

– Энди эшит. У қадимий лотин тилида бўлиб, қуйидаги маънони билдиради: “Мамлакатимдаги барча эркаклар – ақлли, вафодор ва меҳнатқаш; аёллари – пок, самимий ва зийрак. Аммо –уларни Худонинг ўзи ёрлақасин – аёллар ҳам, эркаклар ҳам – бадбашара”.

## ҚИСМАТ ВА ОМАД

### *Шарқ ривояти*

Бундан кўп йиллар муқаддам кичкина, лекин фаровон бир шаҳарда гилам, фил суяги, зираворлар ва атиргул мойи савдоси билан шуғулланувчи савдогар яшаган экан. У ақлли, одобли, художўй ва ҳалол одам бўлиб, ибрат бўларли даражада саранжом-саришталик билан иш юритгани сабабли кўпчилик ўртасида ишонч ва обрў-эътибор қозонган экан.

Бир кун савдогарнинг омади келиб, жуда катта миқдордаги олтинли қумни арзон-гаров сотиб олиб, қимматроққа сотиш имкони пайдо бўпти ва агар шу ишни амалга оширса, бойлиги уч баробар кўпайиши мумкин экан. Аммо бунинг учун қўлидаги бор нақд пуллари тўплаб, қарзга берганларини ундириб, барча молларини тездан сотиб, барча маблағларини жамлаши зарур эди. У бўлажак ишидан келадиган фойда ва зарарларни чамалаб, агар шум толе тўғаноқ бўлмаса, жуда катта фойда олиши мумкинлигини ўйлаб, барча бойлигини кўрқмасдан шунга сарфлашга қарор қилипти.

Шундай қилиб, савдогар ҳақиқий хожаларга муносиб равишда оиласидагиларни бунга аралаштирмасдан бир ҳафта ичида зарур тайёргарлигини кўрипти. Хайрли кун бўлган чаҳоршанбанинг эрта тонгида туриб, тўнғич ўғлига шундай депти:

– Сариқ байтални ўзинга, юк ортиладиган хачирни эса менга эгарла.

Ўғил ота гапини икки қилмасликка одатланган бўлиб, ҳеч нарса сўрамасдан айтганларини бажарипти. Отаси берган хуржунни эгарга ташлаб боғлаб қўйипти. Йўлга чиқишдан олдин ота-бола дуо ўқиб, саҳар пайтида ота олинда, ўғил орқада уйдан жўнаб кетишипти.

Улар йўлини бахт юлдузи ёритипти. Барча савдо ва пул ишлари тез орада катта фойда билан якунланипти. Доимо омад кулиб турганидан савдогар ўзича хавотир олиб, тез-тез “Худо хоҳласа”, “Худо ярлақаса” деб шивирлаб қўярмиш.

Йўлда кетаётиб у, фаранг шаҳзодаси испан қиролининг қизига уйлангани шарофати билан зеб-зийнат буюмлари нарх-навоси жуда ҳам қимматлашиб кетганини эшитипти. Шу сабабли молларини мўлжалидан ҳам қиммат нархда катта ширинкомалар олиб насияга сотипти. Харидорлар ҳам барчаси ўзига тўқ, сўзининг устидан чиқадиган, ҳалол одамлар бўлиб, қарзларини ўз вақтида тўлашипти ва ота-бола зудлик билан яна йўлга чиқишипти.

Эсон-омон ишларини битирган савдогар тўғри денгиз бўйидаги ажойиб шаҳарга йўл олипти. Олдин буюртма берилган олтинли қумлари аллақачон етиб келган экан. Ишлари зўр кетаётганидан қувонган савдогар баъзан соқолини силаб “Иншоолоҳ” деб шивирлаб қўяркан.

Денгиз бўйигача бир кунлик йўл қолганда ота-бола овқатланиш ва тунаб қолиш мақсадида карвонсарой томон бурилишипти. Ҳар доимгидек савдогар хуржунни ўз елкасига олиб ошхонага, ўғил эса отларнинг эгар-жабдуқларини ечиб ем бериш учун отхонага йўл олипти. Кейин иккаласи таҳорат олиб, намоз ўқишипти ва камтарона дастурхон атрофига ўтиришипти.

Кечки овқатни тугатишга улгурмасларидан ошхонага исқирт кийимларда, шубҳали бир тўда одамлар бақириб-чақириб кириб келишипти. Улар май талаб қилишипти ва маст-аласт бўлиб олиб, бақириб ашула айтишипти, пайдарпай май ичишипти. Бироздан сўнг бир-бирларини сўкиб, ҳақорат қилиб жанжал бошлашипти, жанжал муш-тлашувга айланипти: унда-бунда пичоқ ҳам ялтираб кўринипти.

– Ёмондан нарироқ юрайлик, – деб савдогар юзига фотиҳа тортипти. – Мен сенга қарашиб юбораман.

Қоронғуликда тездан отларни эгарлаб йўлга чиқишипти. Карвонсаройдан эшитилиб турган шовқин-сурон, дарғазаб овозлар эшитилмай қолгунга қадар шошиб, тўхтадан юришипти. Овозлар тинганда савдогар хачирни тўхтатиб, эгарни пайпаслапти ва ўғлига буюрипти:

– Тўхта, орқага қайтамиз!

Сабрсизлик билан хачирни орқага буриб, устма-уст қамчи урганча карвонсарой томон ошиқипти, ўғли кетидан эргашипти.

Карвонсаройга кириб, ошхонани қарашса ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит эмиш. Чироқлар ёниб турган эмиш-у, лекин ҳеч ким кўринмасмиш. Диққат қилиб қарашса ерда мурдалар ётипти, ҳаммаёқ қон. Хўжайинни, хизматкорларни чақириб кўришипти. Лекин жавоб йўқ. Балки, пичоқбозликдан кўрқиб, ўрмонга қочиб кетишгандир.

Савдогар юганин ўғлига ташлапти-ю, югурганча зинадан чиқиб хонага кирипти ва яқиндагина ўзлари овқатланган жойдаги курси остига энгашипти.

Ўғли қараса отаси хуржунни кўтариб елкасига оляпти. Ана шундагина хуржунни эсдан чиқариб қолдирганларини ўғли тушунипти.

Савдогар ҳовлига чиқиб ўғлига ҳеч нарса демасдан хуржунни хачирга ортиб, қамчи қайиши билан эгарга маҳкам боғлаб қўйипти.

Узоқ йўл юришипти. Миршаблар қаҳвахонага кириб, орқаларидан қувиб келмаяптимикин, ушлаб олиб қозига судрамасмикин деган кўрқувга тушибдилар. Қозидан худо сақласин. Айбинг борми, йўқми, деб суриштириб ўтирмайди, умрбод қутулмайсан, охирги сариқ чақангни олмагунча қўймайди.

Тонг саҳарга яқин улар икки четида қалин дарахтлар ўсиб ётган жилгага етиб боришипти. Отларни дарахтга боғлаб таҳорат олибдилар. Ота ўғлига қараб:

– Хуржунни олиб кетимдан юр, – дебди.

Ўзганинг нигоҳи тушмайдиган кичик бир ялангликка чиқишгач савдогар тўхтаб:

– Ўтир, – дебди.

Ўтиришибди. Ота хуржунни ҳар иккала кўзини очиб ичидаги нарсаларни икки тўпга ажратибди. Теппа-тенг қилиб олмос, дур-жавоҳирлар, феруза, ёқут ҳар бирини катта-кичиклигига қараб тенг бўлиб чиқишти. Тилла тангалар, бадавлат бадавийларнинг банкдаги чекларини ҳам тенг бўлипти Тақсимлаб бўлгач, ўғлига депти:

– Бу иккита тенг улуш. Биттаси – сеники. Хоҳлаганингни олиб қопингга сол, отинг эгарига маҳкам қилиб боғла. Отингга миниб ҳозироқ йўлга туш. Кетаётган йўлимиздан тўппа-тўғрига юрасан, беш дақиқача юрганингдан сўнг йўл иккига айрилади – чапга юрасан – шу йўл уйимизга яқинроқ. Эсингда тут, сен энди уйнинг энг каттасисан. Ҳаётингни ўзинг хоҳлагандек, ўзинг билганча йўлга сол. Сенга маслаҳат ҳам, оқ фотиҳа ҳам шу. Яхши бор. Йўлингга учраган биринчи қишлоққа етгунча орқанга қарама. Узоқ муддат уйга қайтолмайман. Балки, умуман қайтмасман.

Ўғил ота сўзларини сукут билан тинглагач, унинг оёғига йиқилиб ерни ўпди, ўрнидан турди-ю, ўгирилиб отга минди ва дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Савдогар ва ўғли ҳақида ҳозирча шу.

Буюк мамлакатнинг пойтахти бўлган ажойиб ва шон-шуҳратли шаҳарда тантанали байрам арафаси эди. Шу сабабли эрта тонгдан барча аҳоли – қудратли ва олийҳиммат ҳукмдордан тортиб то мардикоргача қатъий тарзда рўза тутишга амал қиларди. То кеч кириб оқни қорадан фарқлаш мумкин бўлмай қолгунга қадар барча ўзини овқат ейишдан тияр, ташна бўлганларга эса фақат тоза сувда оғзини чайишга рухсат бериларди. Кечқурун эса барча тўкин-сочин дастурхон атрофида тўпланиб, ноз-неъматлардан, лаззатли таомлардан баҳраманд бўлишарди.

Шунингдек, бу мамлакатда қадимдан қолган яхши бир одат бўлиб, ўша кеч ҳар ким ўз уйига бева-бечораю етим-есирларни, йўқсилларни, ёлғиз қолган кексалару адашган мусофирларни таклиф қилиши мумкин эди. Бу одатга хашаматли қасрлари эгалари бўлган бой-бадавлат фуқаролар ҳам, эски кулбаларда яшовчи камбағаллар ҳам амал қилар эдилар.

Шаҳарнинг энг мўтабар ва машҳур одамларидан бири хуфтон намозидан сўнг мачитдан чиқиб атрофидаги ёру биродарларига бундай мурожаат қилипти:

– Дўстларим! – депти у. – Илтимосимни ерда қолдирманглар. Кўчада учраган бева-бечораларни уйимга олиб келинглар. Улар қанчалик бечораҳол, ожиз ва муҳтож бўлса-да, мен уларни катта ҳурмат ва эътибор билан кутиб оламан.

Бу одам беқиёс даражада бой-бадавлат бўлиб, унинг сонсиз қарвонлари мамлакатнинг энг ичкарасигача – Буюк дарёнинг юқори оқимларигача борар: елканли кемалари дунё бўйлаб барча уммонларни кезар, зилол сувли фавворалари бўлган соя-салқин боғ-роғлар билан ўралган хашаматли уйлари ҳаммани ҳайратга солар экан. Гарчи бойлиги унга иззат-ҳурмат келтирган бўлса-да, энг муҳими, маънавий фазилатлари – ҳақгўйлиги, яхши ишлари ва оқиллиги билан

барчанинг обрў-эътиборини қозонган экан. Бева-бечораларга сахийлик билан хайр-эҳсон улашар, ўзганинг бошига иш тушганда, омади кетганда ёрдамга тайёр, доно маслаҳатлари билан энг қийин аҳволга тушганларни ҳам қутқарар, ҳатто Оллоҳнинг ердаги сояси бўлган ҳукмдор ҳам ундан маслаҳат сўрар экан.

Шу сабабли дўстлари унинг илтимосини жон-дилдан қабул қилишиб, таъзим қилганча тарқалишибди.

Улардан бири алоҳида таъкидлаб:

– Эй, эзгуликлар булоғи, камбағалларнинг саховатли ҳомийси, дуру гавҳарлар билимдони! Ҳар бир эътиқодли мусулмон тез-тез бориб турадиган ҳаммомдан қайтган хизматкорларим айтганларини илтифот қилиб эшит.

Ўша ҳаммомга, ҳатто бизни фаровон шаҳарда ҳам тиқилиб ётган гадойлардан ҳам қашшоқ бир мункиллаган чол келди. Бор нарсаси: жулдур кийими, чарм хуржундан иборат – тўрва халтасию эски чоригидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ.

Ҳаммомдан чиқиб ечиниш жойига келса тўрва халтаси билан чоригини кимдир ўғирлаб кетипти, балки бирорта ҳазилкаш олган бўлиши ҳам мумкин. Бечора фақат жулдур кийимда қолипти. Буни кўрган одамларнинг барчаси хафа бўлиб жаҳли чиқибди. Шуниси ғалатики, чолнинг жаҳли чиқиши ўрнига қувониб кулиб юборибди. У қўлларини кўкка қўтариб чин қалбидан Худога ва ўз қисматига шукроналар айтипти, ҳамду санолар ўқипти. Бундан атрофдагилар ҳайрон бўлиб, хижолат чекканча ўзларини четга олишибди. Гарчи у одам сал ғалати-роқ кўринса-да, тўғриси айтсам, у чол телба эмасмикан деб ҳам ўйладим.

Аслзода одам бошини чайқатганча деди:

– У телбами ёки табаррук одамми – биз билмаймиз. Дўстим, уни тезроқ ҳузуримга олиб кел. Азиз меҳмоним бўлади, дастурхон тўрига ўтқазаман.

Мана, кеч кириб байрам дастурхони ёзиладиган пайти келди. Пойтахтнинг барча уйларида чироқлар ёқилиб, хушбўй таомларни – палов, қовурилган жўжалар, зираворларнинг ёқимли ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетипти. Шунда аслзоданинг уйига ўша кекса гадони бошлаб келишибди. Уй эгаси ўзи уни кутиб олиб, ҳурматини жойига қўйиб, зиёфат бўладиган хонага олиб кириб, дастурхон тўрига ўтқазипти. Таомларни хизматкорлар қўлидан олиб, энг лаззатли бўлақларини меҳмонга солиб берипти. Кўрсатилган иззат-ҳурматдан чолнинг боши осмонга етиб, юзларидан нур ёғилибди. Меҳмоннинг бу аҳволини кўрган хўжайиннинг меҳри товланиб, ундан сўрапти:

– Эй, марҳаматли отагинам, бирор-бир истагинг бўлса айт, мен бажо келтирай.

Чол ёрқин табассум билан жавоб берибди:

– Барча фарзандларинг ва невараларингни менга кўрсат, фотиҳа берай.

Аслзоданинг вояга етган тўртта фарзанди ва учта невараси кириб чол ҳузурда тиз чўкишипти. Чол эса уларнинг бошини силаб, фотиҳа берипти. Бу қадимий маросим тугагач, уй эгаси чолдан фотиҳа беришини сўрапти. Чол унга фотиҳа берипти, қучоқлаб юз-кўзларидан ўпипти.

Тиз чўкиб ўтирган уй эгаси ҳаяжонланиб ўрнидан турипти ва чолга мурожаат қилиб:

– Отагинам, сиздан минг бор узр сўрайман, айбга қўшмайсиз, сизга бир саволим бор. Уйимга кирганингиздан бери нуроний юзин-



гиздан кўзимни узолмайман. Дунёда гўё сиздан бошқа яқин одамим йўқдай. Эслаб кўр, отагинам, сен билан илгари бирон ерда учрашганмидик?

— Бажонидил сени кечираман, ўғлим,— жавоб берипти чол, табассум билан.— Ўз навбатида мен ҳам сенга савол бермоқчиман! Кичкина жилга бўйидаги серсоя дарахтзор ёдингдами? Дарахтга боғлаб қўйилган хачир билан сариқ байтал-чи, ота-бола хуржундан қимматбаҳо дуру гавҳарларни, тиллаларни тенг бўлганимизни эслайсанми?

Шунда савдогар қариянинг оёқларига йиқилиб ер ўпибди ва ўрнидан туриб хитоб қилибди:

— Эй севикли отам, сизни бу ерларга келтирган Оллоҳга хамду санолар бўлсин! Мана, шу уй сизники, мен, ўғилларим, неваларим барчамиз сизнинг хизматингизда, сизнинг қулингизмиз.

Ота-бола кучоқлашиб, узоқ вақт кўзларидан қувонч ёшлари аримабди. Бир мунча вақт ўтиб ўзларига келгач, савдогар одоб билан отасидан сўрапти:

— Эй хурматли отам, айтинг-чи, ўша тонгда барча бойлигингизни бўлишиб иккаламиз икки томонга қараб умрбод бўлмаса ҳам, узоқ муддатга ажралиб кетганимизга сабаб нима?

Қария жавоб берди:

— Гап бундоқ: эсингда бўлса биз иш билан уйдан чиққач, омадимиз юришиб кетдаверди. Ёдингдами, доим мен “Иншооллоҳ” деб тақрорлардим. Омад юз ўғирмасин деб қўрққандим ўшанда. Карвонсаройга қайтиб барча-барчанинг кўз олдида қолган бойлигимизга ҳеч ким тегмаганини кўриб, бу тақдирнинг бизга берган охириги омади бўлса керак деб ўйладим, чунки инсонга омад доим кулиб боқавермайди. Омадсизлик ва бахтсизлик бизни таъқиб қилмасин дедим. Сени ва оиламизни шу балолардан даф қилай ва ўзим гирифторм бўлақолай, деган мақсадда қилдим шу ишни... Эскидан бир гап бор: фақат ахмоқларгина момақалдироқ пайтида дарахт остига яширинади... Айрилиқ мени не кўйга солганини кўриб турибсан. Зийраклик билан иш қилганимни энди билгандирсан?

Бу гапларни эътибор билан тинглаб турганлар қарияга эҳтиром билан таъзим қилдилар. Унинг зийрак ақли, донолигига, оиласига бўлган меҳрига қойил қолдилар.

Меҳмонларнинг энг кекса ва ҳурматлиларидан бири сўради:

— Эй, тоғамнинг меҳрибон акаси, нима сабабдан бугун гадой халтангни ўғирлатгач, йиғлаш ўрнига шод-хуррам бўлиб қувондинг? Беадаблик билан берган саволимга жаҳлинг чиқмасин. Лозим топсанг, жавоб бер.

Қария ёқимли табассум билан жавоб берибди:

— Мен шунинг учун шод-хуррам бўлдимки, ўша лаҳзада шум тақдир мени таъқид қилишдан чарчаганлигини тушундим. Ўзинг ўйлаб кўр: бу дунёда гадой бўла туриб халтасини ўғирлатган одамдан кўра қашшоқ ва омадсиз инсон борми? Пешонамга бундан-да оғир қисмат ёзилиши мумкинми? Бу борада хато кетмаганимни кўриб турибсан. Шу бугуннинг ўзидаёқ ўғлимни, невара-чевараларимни топиб олдим-ку. Энди қолган умримни хавотир олмасдан, уларнинг бошига оғир қисмат тоши тушмасин дея, қувонч ва меҳр қуршовида осойишта ўтказиш насиб этсин, иншооллоҳ!

Меҳмонлар яна унга таъзим қилишди ва бир овоздан:

— Омад эмас, қисмат муҳим экан,— деб таъкидлашди.

Абдулла ТҮҚАЙ

## Юракдан севаман бахтин татарнинг

### МУҲАББАТ

**Е**р яшармас, гул очилмас тушмаса кўк томчиси,  
Қайдан олсин шеърни шоир, бўлмаса илҳомчиси?

Чин гўзалдан қайси шоир, айтингиз, руҳланмаган,  
Байронинг, Лермонтовингми, Пушкинингми қайсиси?

Файдасиз гўшт парчадир – гўшздан иборатдир юрак,  
Пора-пора кесмаса ишқу муҳаббат қайчиси.

Тишларингнинг гавҳаридан нур олиб ёздим ғазал,  
Айтингиз, қай инжудан кам бу ғазалнинг ёғдиси?

Бу татар шоирларин мумкин кейинга қолдириш,  
Олга сурсин шоири ёлғиз муҳаббат қамчиси.

Этмагайман ҳеч қабул, оламга ҳоким бўл, деса,  
Бўлмоғим мумкин экан ишқу муҳаббат ёлчиси<sup>1</sup>.

Мунча ҳам лаззатлидир яшрин азоб, яшрин куйиш!  
Бормикан, билмам, бунинг мендан бўлак англовчиси?

Барча аҳрори – муҳаббат мендан олдин зан этай, –  
Қайда Фарҳод бирла Мажнун, мен уларнинг тонгчиси!

### ҚЎШ ОТ

Қўштириб қўш от Қозон йўлига тушдим чопқиллаб,  
Қистар отларни кучер ҳам қамчилаб, ҳам тортқилаб.

Тун эди, шодлик билан нурлар сочиб ой ялтирар,  
Аста эсан ел ила япроқ ёғочлар қалтирар.

Ҳар тараф жим, ўй фақат менга недур куйлар эди,  
Кўз юмуқ, уйқу босар, ёлғиз хаёл сўйлар эди.

<sup>1</sup> Ё л ч и – қарол, малай, хизматкор.

Бир замон очсам кўзимни нурли бир ёт қир ётар,  
Оҳ, бу қандай айрилиқ? Умримда илк топқир ётар.

Соғ бўл энди, яхши қолгин, эй менинг турган ерим,  
Қанча орзу, қанча армон ҳам хаёл сурган ерим!

Хуш умр кечган шаҳар! Энди йироқда қолдингиз,  
Оҳ, таниш уйлар, кўзимдан сиз тамом йўқолдингиз,

Орзиқиб кўнгил ёнар, ҳасрат ичида, ўйда мен,  
Лоақал дўст йўқ, нетай, ёлғиз иковлон ўй ва мен.

Оҳ, начора, бу кучер ҳам суҳбат очмас, сўйламас,  
Бир гўзалнинг сирғаси ё балдоғидан куйламас.

Бир нима кам сингари, ҳайратдаман, дил бўш ва жим,  
Бари бор, ёлғиз туғишган йўқ бу ерда, мен етим.

Бунда бегона ҳамма: бу Мингали, Бекмулла ким?  
Бекмуҳаммад, Бектемир, билмам ҳали боз аллаким?

Сиздан айрилдим қариндошлар, кўп ўнғайсиз ҳаёт,  
Бу ҳаёт – айтсам агар, гўё қуёш, ойсиз ҳаёт.

Шундай ўйлар бирла тошдай қотди кетди бошларим,  
Ихтиёрсиз мисли чашма оқди-кетди ёшларим.

Бир товуш келди қулоғимга жаранглаб шу замон:  
“Мулла бачча, кўзни очгин, қаршида шаҳри Қозон”.

Бу товуш кўп очди кўнглим, шодлигимдан жон ёнур,  
“Ҳа, де, чоп тезроқ етайлик! Отларинга қамчи ур!”

Янграр бомдод намозига гўзал, мунгли, азон,  
Ай, Қозон! Дардлик Қозон! Мунглик Қозон!  
НурликҚозон!

Бундадир бизнинг боболар тўрлари, пучмоқлари<sup>1</sup>,  
Бундадир дардлик кўнгилнинг ҳурлари, ужмоҳлари,

Бунда ҳикмат ҳам ёруғлик, илму урфон бундадир,  
Бунда кўнглим севгани, у мўрчамийён бундадир...

### ОЛТИНГА ҚАРШИ

Эй, худоё! Ер юзидан ол жадал, олтинни ол,  
Бу муқаддас ерга ўт қўйғувчи шум ёлқинни ол!

Айт малакларга жаҳонни тозалаб олсин эди,  
Барча олтинни йиғиб дўзахга тез солсин эди.

Сап-сарик шайтонлар эркан шунда ёнсинлар расо,  
Жумла осийлар учун уларга берсинлар жазо.

<sup>1</sup> П у ч м о қ – бурчак.

Бу жаҳон иблис ва шайтонлар била қолгай тинч,  
 Битсин ортиқ шу сариқ юз, шундадир  
 хавф-кўрқинч.

Халқни ҳам олтин бузар, олтин қутуртар, оздирар,  
 Ярқираб, кўзларни алдаб, йўлига чоҳ қаздирар.

Мен тамом кездим жаҳонни, қанча юртда юрмадим,  
 Шу сариқ юздан – бало... шайтон, фалон ҳеч кўрмадим.

Ҳар тараф, ҳар ерда инсон шу балонинг бандаси,  
 Кўрмагайлар ҳақни, чунки зар ҳақиқат пардаси.

Барча халққа зуҳду-тақво, тўғрилиқ, дин, дил ўша!  
 Эзгу Қуръон ҳам Забур, Таврот ўша, Инжил ўша!

### ШОИР

Йиллар ўтиб, умр кечиб, бел букилса,  
 Қариб қолсам, дармон кетса, тиш тўкилса.  
 Кўнглим менинг ёш қолғуси, ҳеч қартаймас,  
 Иродам ҳеч синмас, асло ҳолдан тоймас.

Кўкрагимда шеър оташи сўнмас ҳеч ҳам,  
 Қарисам-да, кўтаргайман тоғни бардам.  
 Кўнглим кундуз каби ёруғ, кўкламдай ёш,  
 Қиш ва қор йўқ, шоир кўнгли – мангу кўклам.

Қарисам-да ҳеч қаридай бўлмагайман,  
 Ақлим кетиб, асло алжиб қолмагайман.  
 Худо билар, ўтирмасман ўт ёнида,  
 Шеърларимдан ўт олгайман, толмагайман.

Куйлай-куйлай ўларман мен ўлганда ҳам,  
 Куйлагайман азроилни кўрганда ҳам.  
 “Биз кетармиз, сиз қоларсиз!” деб куйларман,  
 Жасадимни тупроқ билан кўмганда ҳам.

### БИР РАСМГА

Заб гўзал, боққил бу қизнинг кўзларига, қошига,  
 Офарин, минг офарин бу суратинг наққошига.

Қайдан олмиш бу узун сочларни, айтинг, бу куёш,  
 Кўр, худонинг қудратин кўр, бир кўзинг сол бошига.

Эй, куёш! Кўркисизлигиндан сен хижолат тортасан,  
 Гар солиштирсанг юзингни ушбу юз раъносига.

Бу гўзал қизнинг фақат расмин кўриб қолса магар,  
 Шубҳасиз силтар қўлин Мажнун ҳам ўз Лайлосига.

Бўлса гар ужмоҳ тўрида илгари расми бунинг,  
 Илтифот этмас эди Одам-да ўз Ҳаввосига.

Кўрса Ҳорут бирла Морут йўлдан озмаслар эди,  
Балки боқмаслар эди шайтонларинг иғвосига.

Лаъли лабдан бўса олганда керакмас кавсаринг,  
Ўхшагай ул дунёнинг ўлмас Хизир, Илёсига.

Кўрса гар Иблис лаъин, исён қилиб юрмас эди,  
Бош кўярди саждага, қайтиб тагин Олмосига.

Сайрамас бўлса бу қиз мадху саносини агар,  
Жумла булбул ўлгуси, ул кетгуси маъвосига.

### БЎЛМАСА

Ким билар қадрингни, жоним, дардли кўнгил бўлмаса,  
Ноз этар кимларга, гул, қаршида булбул бўлмаса?

Суратингнинг жилваси, бил, шоирнинг кўнглиндадир,  
Кўзгуларда кўрмагайсан чин юзинг ул бўлмаса!

Бермади Лайло каби маҳбубга дунё баҳо,  
Лайли не, қаршида Мажнун ишқи мақбул бўлмаса?

Ҳеч келишмас сан каби танҳо гўзаллик шоҳига,  
Севмаса бир миллий шоир ҳам келиб қул бўлмаса.

### ҚИШЛОҚ

Тоғ бошига солингандир бизнинг қишлоқ,  
Бир булоқ бор, у қишлоқдан эмас йироқ.  
Қишлоқ гўзал, суви ширин, биламан мен,  
Шу сабабли жону тандан севаман мен.

Эсдан чиқмас унда менинг кўрганларим,  
Шодлик билан ўйнаб умр сурганларим.  
Акам билан бирга-бирга далаларда,  
Омоч билан ер ҳайдашиб юрганларим.

Бу дунёда кўп иш кўриб, умрим ўтар,  
Белгисиздир, тақдир қаён бошлаб кетар.  
Қайда борсам, қайда юрсам, сўнмас меҳрим,  
Хотирымда мангу қолар туққан ерим!

### ЁЗГИ ТОНГ ХОТИРАСИ

Ғолибона нур сочиб, оҳиста олранг тонг отар,  
Мунг билан, ҳасрат билан оҳиста сокин ой ботар.

Битта-битта йўқ бўлиб осмонда юлдузлар сўнар,  
Тонг ели аста эсар, япроқлар оз-моз силкинар.

Пардасин олгай, очилган ям-яшил қир ҳам ёбон,  
Кетгай аста қоплаган у қоп-қора тунги чопон.

Тун бўйи жим ётган эрди офтобга интизор,  
Ялтирар қўллар сеҳрли кўзгулардай жилвакор.

Шод чаманзорлар табассумда, чечаклар, лолалар,  
Сайрагай булбул куйиб мадҳия – тонгги нолалар.

Тўхтаганлар кўргали тонгда табиат кўркини –  
Кўкда оққушлардай оқ кўчма булутлар туркуми.

Қаршилашга энг сўлим пайт, энг гўзал пайт ёзги тонг,  
Ўйла шоир, келди фурсат, келди илҳом ўйласанг.

*МИРТЕМИР таржималари*

### ЎЗ-ЎЗИМГА

Тилайман бўлишга мен инсони олий,  
Тилар кўнглим таоли биттаволи.<sup>1</sup>

Юракдан севаман бахтин татарнинг,  
Кўрсайдим, улғайиш вақтин татарнинг.

Татар бахти учун мен жон отарман,  
Мен ўзим ҳам татарман, чин татарман.

Сон-саноксиз менинг миллатга ваъдам,  
Қуруқ бўлмасин ваъдам, воллоҳи аълам!

### КУЗ

Куз келди, дўстларим, куз келди бироқ,  
Кўп ўтмай қиш келар тўнлари оппоқ.

Кета бошлади биздан энди қушлар,  
Улар биздан йироқ жойларда қишлар.

Ўрмонлар сарғайди мисли заъфарон,  
Экинларин йиғиб олмишдир деҳқон.

Тақир қолди татар боши каби қир,  
Озиқ излаб учар тўрғайлар пир-пир.

Чиқиб ердан бош қалқитар кузлик экин,  
Яшил майса каби жим-жим этар секин.

Қуёш ҳам иссигин камайтди анча,  
Босиб зулмат, ёруғлик кетди қанча.

Қулоқда шовиллайди энди совуқ ел,  
Тўлар ичга, ичинг мисли қувиқ, ел.

Не десанг ҳам кўнгилсиз куз кўнгилсиз:  
Чечаксиз куз, майсасиз ҳамда гулсиз.

<sup>1</sup> Таоли – биттаволи – тўхтовсиз юқорига кўтарилиш.

Мозористонга ўхшаб қолди қирлар,  
Гиёҳсиздир текис ерлар, чуқурлар.

Улиб турсам эди мен олти ойдаи,  
Эриб ухласам эди сариғ мойдай.

Шундай ухлаб баҳор етганда турсам,  
Туриб яна кўм-кўк ерда ўлтирсам, —

Бахтиёр бўлардим, жуда бахтиёр,  
Гўёки подишоҳ бахти — тахти бор.

Эй, фақир миллатим, қачон баҳоринг,  
Қачон кетар кечинг, келар наҳоринг?

Қеларми мен қабр томон сурилгач,  
Ўлиб қиёматда қайта тирилгач.

### БАҲОР АЛОМАТЛАРИ

Баҳор келди, қорлар эрий бошладилар,  
Пўстинлилар пўстинларин ташладилар.  
Кийимсизлар эркин юра бошладилар,  
Тўнсизларга ёруғ кунлар келди энди.

Пийма, чана иш бермасдан қолди бугун,  
Аравалар шовқин-сурон солди бугун.  
Велосипед, карета йўл олди бугун,  
Кўчаларда юз айланиб елди энди.

Қишда қотган, яп-яланғоч дарахтга боқ!  
Бугун гўзал, чиқармоқда яшил япроқ.  
Нурга тўлиб очилмоқда яқин, йироқ,  
Ҳар ёғочда булбул куйин куйлар энди.

Етти қават муз тагидан чиқар бақа,  
Ботқоқларга, балчиқларга бота-бота.  
Қамишларнинг орасидан боқа-боқа —  
Яна эски ҳикоясин сўзлар энди.

Қурбақалар ётиб жарда вақирлашар,  
Бирин-бири англамасдан тақиллашар.  
Аллanelар кенгашади, ақиллашар,  
Ахир, мантиқ ўқиганлар шулар энди.

Қиш ҳам ўтиб, гўзал кўклам келиш билан,  
Саҳроларда майин сабо елиш билан.  
Оҳ, бу кунлар ғамгин дилни кесиш билан,  
Ўтган умр бир-бир ётга тушар энди.

Дарёларда тоғ-тоғ бўлиб музлар оқар,  
Ҳаволарда тўп-тўп қушлар қанот қоқар.  
Эй, худойим, кунни илит, танга ёқар,  
Ўлган дунё жонланур ҳам яшар энди.

**БИР ТАТАР ШОИРИНИНГ ДЕГАНИ**

Мен куйлайман, турган ерим тор бўлса ҳам,  
Қўрқмайман севган халқим татар бўлса ҳам.  
Кўкрак кериб турадирман, менга миллат  
Букун милтиқдан ўқлар отар бўлса ҳам.

Ўннга, сўлга оғмай олға мен бераман.  
Йўлда бир сад кўрсам тепиб ағдараман;  
Қўлда қалам бўла туриб ёш шоирга,  
Маълумдирки кўрқиш билан, хурқиш ҳаром.

Душманларнинг зўридан биз ҳеч кўрқмаймиз,  
Ботирликда Али, Рустамларга тенгимиз.  
Шоир умри қайғу-ҳасрат кўрса кўрар,—  
Тўлқинламай туролмайди улкан денгиз.

Куйлайман яхшиликни кеча-кундуз мен,  
Севаман эзгу ишни ва ширин сўз мен.  
Ёмонликни сўкаман, мақтай олмайман,  
Ёмонликни кўрганда, жуда ёвуз мен.

Ёмонликлар жаҳлимни кўп кўпиртади,  
Таёқ билан гўё қорнимга туртади.  
“Нега бундай? “ярамас”, деб вайсашиб,  
“Туф, чортлар! Аҳмоқлар!” деб тукиртади.

Агар ноҳақ отса ўқни менга томон,  
Бир оғиз сўз қилмайман унга ҳеч қачон.  
Янглиш отдинг, қайтиб олгин ўқингни, деб  
Ўқ ботса ҳам дўстликни қиламан баён.

Дил заҳар бўлганидан шеърим ҳам заҳар,  
Пишган десам хом чиқар у баъзи сафар.  
Булбул каби қалбимни сайратай десам,  
Мушуксимон кўнгилсиз у миёвлаб кетар.

Ранг-баранг кўринади мақталган нарса,  
Нордон мева бўлади кўпинча сара,  
Мен ҳозир аччиқ-чучук ёзсам ҳам, аммо  
Яхши ният бор унда, синчиклаб қара!

Пушкин, Лермонтовдан ўрнак оламан,  
Аста-секин юқорилаб мен бораман,  
Тоғ бошига чиқиб мен қичқирай десам,  
Юксакликдан йиларман деб мен кўрқаман.

Манзил яқин, юра бергач йўл қисқарар  
Аллақайда ётган ҳиссиёт кўзгалар.  
Мен букирмас тузалишга қабр керакмас,  
Тангри файзи кўнглимга изин солар.



## ТАРАДДУД ВА ШУБҲА

Мен агар бир шарпа сезсам оғзима жоним келур,  
Кўрқаман, таҳқир этишга ори виждоним келур.

Найлайин, йўқ эзгу иш ётганда ҳам, турганда ҳам,  
Менга йўл кўрсатгали доим у шайтоним келур.

Мен не иш қилдим бу дунёга келиб деб ўйласам,  
Олдима чин, тўғри йўлдан четга тойғоним келур.

Куйлаган шул куйларимдан фойда борми халқима?  
Ё малакдан, ёки шайтонданми илҳомим келур.

Чиндан ҳам мен мубталоман шеър тўқишнинг дардига,  
Кетма-кет ҳам сарфланиб майдонга девоним келур.

Мен билурманким бу дунё мен учун дўзах эрур,  
Бир шеър ёзсам фақат жаннат ва ризвоним келур.

Тўлдирилган ҳар варақда боғу бўстон юз очиб,  
Ҳар тарафдан қаршимда ҳур бирла филмоним келур.

Ёзганим босилди-ю, мен яна зўр бир қайғуда,  
Ҳар байтда этгали исмимни эълоним келур.

Ҳеч ризо бўлмай ўзимдан, ёзганимдан сўнгра мен,  
Ҳар замон кўз олдима камлик ва нуқсоним келур.

Қай вақтлар бахт-саодатдан агар узсам умид,  
Аллақайдан шунда иқбол отли чўлпоним келур.

Ялтираб ул кўкларимда кўп умидлар ортдириб,  
Кўз ёшим артмоққа гўё нозли жононим келур.

## САРЛАВҲАСИЗ

Кўзгатмоқчи бўлсанг халқ кўнгилларин,  
Тебратмоқчи бўлсанг нозик қилларин,  
Куйла сен, албатта, аччиқ ҳасрат куйин,  
Керак эмас бемаъни қулги, ўйин!

Умр йўли кўнгилсиз ва қоп-қоронғу,  
Бу дунёда ким келса сенга тўғру,—  
Шубҳасиздир жароҳатли кўкрагида,  
Яширингина ёниб турган ҳасрат тўлиқ.

Шўрлик одам! Сиртдан ўйнар, сиртдан кулар,  
Ёмон ёқни ичидагина ўйлаб қўяр.  
Бизнинг умр, ўйин эмас, байрам эмас,  
Ҳеч қайғусиз киши бўлса, одам эмас.

Ўз-ўзин хурсанд қилар маст-аластлар,  
 Ўз-ўзига май ичириб эси пастлар:  
 “Аммо дунё қандай гўзал, қандай ҳузур,  
 Бу дунёда кимса борми дер, мenden зўр!”

*Рамз БОБОЖОН таржималари*

### СЕВГИЛИМНИНГ ҚАБР ТОШИГА

Ўлмади, ўлсанг-да, кўнглимда сенинг дардинг ҳануз,  
 Дўстлигинг, инсонлигинг қалбимда қолдирдинг ҳануз.

Мотаминг, бил, шубҳасиз, мотам эрур, эй нурли юз,  
 Суратинг чашмимдадир, зехнимдадир савтинг ҳануз.

Қанчалик биз ёр эдик: сен — мен эдинг, мен — сен эдим;  
 Қолмади бундан асар, қолди магар шавқинг ҳануз.

### КУЗ ЕЛЛАРИ

Ялтираб юлдуз ёнадир, тун қора бўлган сайин,  
 Ёдима тангрим тушар, бахтим қора бўлган сайин.

Куз туни. Йўқ уйқу менда. Уй тўлиб йиғлайди ел,  
 Ел эмас у, оч ўлимнинг ваҳмидан йиғлайди эл:

— Энг севикли ишчи авлодим бу йил оч қолди, деб,  
 Эзгу, шафқатли онамиз — қуюниб йиғлайди — ер.

Унда кампирлар қўяр тушган тишин олтин билан,  
 Бунда бурда нон учун кўз ёш тўкар ингичка бел.

Йўқчиликдан жон берар ҳар ерда бу эрлар қуриб,  
 Жон олувчи Азроил ҳам қизганиб йиғлар нуқул.

Бизга байрам татигайми турса очлар термулиб,  
 Қабрида Иброҳим ҳам, Исмоил ҳам йиғлайди, бил.

Кулса унда тўқ ва ихлоссиз кўнгиллар такбири,  
 Ҳар эшитганнинг кўзидан ёш оқиб йиғлайди тил.

Кузги тун, тамсиз, қоронғи... уй тўлиб йиғлайди ел,  
 Ел — хабарчи: оч ўлимнинг ваҳмидан йиғлайди эл.

### ҚИТЪА

Кучларимни қора кунларга сақлай олмадим,  
 Кунларимнинг ҳеч бирин ҳам, чунки оқлай олмадим.

Учради йўлда тўсиқ, итдан кўпайди душманам,  
 Чунки золимларни, устунларни ёқлай олмадим.

Олмадим ўч, битди куч, синди қилич, шул бўлди иш;  
 Кирланиб битдим ўзим, дунёни поклай олмадим.

## ЖАВОБ

Шеъри Лермонтов ва Пушкин — энг улуғ соф денгиз у,  
Ҳазрати Пушкин ва Лермонтов, Тўқай — уч юлдуз у.

Сенки шул денгиз бўйида оғу ичкан эй кучук!  
Тилларинг чўзган бўласан етмайди, етмас, кет кўчиб!

Кет нари, аммо кетишда сен қулоғинг сўзга бур:  
Бор-чи ит, умринг бўйи шул кўкда уч юлдузга ҳур!

*Мамарасул БОБОЕВ таржималари*

## МЎЪЖИЗА

Бу пайгамбар вафотидан кейин ҳеч мўъжиза бўлмас:  
Ёрилмас иккига ой ҳеч, қора тош ҳам туя туғмас,—

Деб айтса сизга илм аҳли, ишонманг асло, ёлғондир,  
Ўзим кўрдим бугун, бизнинг замонда мўъжиза бордир:

Бугун тонгда уйимга бир қарздор ошнам келди,  
Ялентирмай, талашмай, ваъдасида қарзини берди.

*Асқад МУХТОР таржимаси*

## БЎРОН

Тинчгина турган ҳавони қоплади бирдан туман;  
Қор учиб, қор сепкилаб, қорга кўмилди ҳар томон.

Қор урар юзга раҳмсиз кўз очиб бўлмас сира;  
Ҳар қора нарса бўри ёки қароқчига ўхшар, қара!

Қорни енгандек тушар ерга тиниқ ой ёғдуси;  
Гоҳ сариғ, гоҳ кумуш: кўрққан каби ойнинг юзи.

Кун бўйи ётган эди ўлган илондек йўл тинч,  
Чикди қайдан бу бўрон — йўлдан адашсанг кўрқинч.

Не бало! Қоф тоғидан жинлар тўзиб солган йиғи?  
Ё тешилганми худонинг тенги йўқ зўр ёстиғи?

Қор бўлиб ерда учарми ушбу ёстиқ парлари?  
Изғишиб парлар йиғарми ёки Қоф тоғ жинлари?

Мен не ғамда, қор орасидан термулиб ул ой кулар,  
Мен ғариб заҳматда, гўё — чарбоғиндан бой кулар!

*ШУҲРАТ таржимаси*

## КЎНГИЛ ЮЛДУЗИ

Нечоғлиқ эса дунё, эрки бор, кўрқитмагай бизни,  
Йиғи ўрнида кулгайман, жаҳондан бурмайин юзни.

Менинг умрим қоронғу тун, қуёшим ҳам ойим туғмас,  
Бунга ҳам мен шукр қилдим, бу тун юлдузли, юлдузли.

Қўлин чўзди менга минг хил қора кучлар ва малъунлар,  
Ўчирмоқчи бўлиб кўнглимда ёнган эзгу юлдузни.

Ва лекин сўнмади ул, юлдузим порлоқ, ҳамон нурли,  
Ажабмаски йўлга солса, адашган битта йўлсизни?

Кўзидан қонли ёш тўкса эди у барча шайтонлар,  
Жаҳонда қолдириб кетсам эди ё раб, гўзал изни.

Менинг кўнглим ёруғ юлдуз умид, ҳасрат ва ҳис бирлан;  
Зарар йўқдир, ҳамма поклик ҳам ойли, юлдузли.

*ШУКРУЛЛО таржимаси*

## Абдулла Тўқай ва ўзбек адабиёти

Шу йилнинг 26 апрелида буюк татар шоири Абдулла Тўқай таваллудига 125 йил тўлади. XX аср бошларида илғор татар адабиётининг етакчи вакиллари-дан бири Абдулла Тўқай ўзбек адабиёти билан мустақкам алоқада бўлган.

1905 йилги биринчи рус демократик инқилоби таъсирида чор империяси худудидаги барча мазлум халқлар адабиётида бўлгани каби татар адабиётида ҳам муҳим гоёвий-бадий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу жиҳатдан мазкур даврда Абдулла Тўқай ижоди алоҳида ўрин тутди.

Шоир бу даврда адабиётнинг ҳақиқий вазифасини чуқур тушуниб етган эди.

У “Маърифат бўстони” (1908) шеърида уйғониб келаётган ёшларни илм-маърифати юксалиб бораётган илғор миллатлардан ибрат олишга чақиради. “Ҳиссиёти миллия” мақоласида эса татар миллати ҳам жаҳондаги тараққиёт йўлини тутган халқлар каби ривожланиши мумкинлигини башорат қилган эди: “Миллат маърифатли кишиларга халқ фойдасини ҳар турли шахсий ман-фаатлардан юқори кўядиган миллат фойдасини азиз тутадиган миллат арслон-ларига муҳтож, — деб ёзган эди у. — Бизнинг миллат ҳам Пушкинларга, Лев Толстойларга, Лермонтовларга муҳтож, қисқа қилиб айтганда, бизнинг мил-лат ҳам бошқа миллатларнинг тараққиётига сабаб бўлган ҳақиқий ижодкор-ларга, рассомларга, миллий шоирларга, мусиқачиларга муҳтождир.

Абдулла Тўқай бу борада намуна кўрсатиб, Шарқ ва Ғарб мумтоз адабиёти-нинг буюк намояндалари, айниқса, ўзбек адабиётидаги Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, рус адабиётидаги А.С.Пушкин, М.Лермонтов инглиз адабиётидаги Байрон каби шоирларнинг ҳақиқий инсонпарварлик ва эрқарварлик, ишқ-муҳаббат руҳидаги юксак гоёвий ва бадий асарларини чу-қур ўрганди. Уларнинг таъсирида чинакам халқчил асарлар яратди (“Бир расм-га”, “Боқирғондан”, “Бўлмаса” (1908), “Насиҳат”, “Савоб” ва бошқалар (1910).

Шоирнинг оташин шеърлари янги аср бошларида барча туркий халқлар-нинг янги шеърляти учун ҳам гоёвий-бадий таъсир этувчи кучга айлана борди. Бу жиҳатдан айниқса, унинг чор мустамлакачилари ва маҳаллий золим-лар зулмини қоралаб, халқнинг оғир аҳволига ачиниб, жаҳолат ва қоқоқлик,

риёкорлик ва сотқинликка қарши ёзган “Кетмаймиз”, “Бир татар шоирининг дегани”, “Ўз-ўзимга”, “Куз”, “Юртимга”, “Усули қадимчи”, “Кўрсатур”, “Жавоб” каби шеърлари муҳим роль ўйнади.

Унинг она тилини улуғловчи машҳур шеъри бу даврда турли ўзбекча, қозоқча ўқиш китобларидан ҳам ўрин олиб, Туркистонда машҳур бўлиб кетган эди.

“Садойи Туркистон” газетаси, қозоқ тилидаги “Оёқоп” журнали Тўқай вафотининг бир йиллигига бағишлаб бир қатор шеърлар ва мақолалар эълон қилди. Улар орасида Таваллонинг “Марҳум Абдулла афанди Тўқасевнинг шеърига тазмин” (1914), Муҳаммаджон Сералининг “Абдулла Тўқай ҳақида” номли шеърларини эълон қилди. Тўқайнинг “Бизни ўринсиз ёмонлайдилар”, “Миллатимга”, “Юртимга” каби шеърларига Тавалло “Бор сўзлар”, Лутфулла Олимий “Миллатим” (1914), Абдулла Авлоний “Садоқат бизда йўқдур”, “Жигар сўз” (1916), С.Тўрайғиров “Тувған элима” каби турли тазмин шеърлар битдилар. Масалан, ўзбек шоири Тавалло улуғ татар шоирига бўлган оташин меҳр-муҳаббати ва садоқат туйғуларини шундай самимий ифодалаган эди:

Жумла фикрим кеча-кундуз Сизга оид миллатим,  
Сен саломат, мен фароғат, иллатингдир иллатим,  
Марҳум Абдулла Тўқайдек ёш чоғимда кетмасам,  
Ожизона шоиринг бўлмоққа бордир ниятим,  
Энди йил тўлди вафотига Тўқайни деб бугун,  
Боғладим шеърина тазмин, ёдланибдур у етим.  
Гар Тавалло шеъри Абдуллога ёқса не ажаб,  
Топишурди охирада ёш-ёш икки етим.

(Тўлаган Хўжамёров. “Марҳум Абдулла афанди Тўқасевнинг шеърина тазмин”, “Садойи Туркистон” газетаси, 1914 йил 22 апрел.)

Бу даврда Тўқай ижоди айниқса унга гоёвий-эстетик жиҳатдан яқин бўлган Ҳамза, Тавалло, Муҳаммадшариф Сўфизода каби илғор ўзбек шоирларининг маърифатпарварлик ва халқпарварлик руҳидаги шеърларига самарали таъсир кўрсатди. Бу жиҳатдан, айниқса, Ҳамзанинг “Қизлар ва йигитлар диалоги”, “Рамазон” шеърлари билан А.Тўқайнинг “Бугун байрам” “Насихат” шеърларини қиёслаш ўринлидир. Бу шеърлар гоёвий-бадий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлиб, ҳар икки шеърда ҳам чор мустамлакаси давридаги ўзбек ва татар халқларининг оғир аҳволи, қашшоқлиги, оҳу зорларига ачиниш, ҳам-оҳанглик очик сезилиб туради.

**Тўқайда:** Эҳтиёжин арз этиб келса тиланчи қопқонга,  
Қаттиқ сўзлар бирла сени инсонлигини топтама,  
Сенга ўхшаш у тиланчилар-да Оллонинг қули,  
Қўл чўзар бечора бахтсизлик ва очлик орқали.  
Юрмангиз бир ёқли деб, сиз бу вафосиз дунёни,  
У икки ёқли: унинг ҳам бор қора, ҳам кун ёғи —  
Ғилдиракдай айланар бойлик ва шухрат, мартаба —  
Сен бугун бой, балки шайтондан ҳам йўқсул эртага!..

(Абдулла Тўқай. Танланган асарлар. Ўздабийнашр, Т., 1961, 125-бет).

**Ҳамзада:** Камбағаллар титрашиб, юргай яланғоч изгишиб,  
Оҳ, бу фақирлик, асората онлари сайёддир.  
Дил шикаста: бағри хун, кўзида ёши шашқатор,  
Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёддир.

(Ҳамза. Асарлар. Биринчи жилд, шеърлар. Т., 1969, 73–74-бетлар).

Ҳар икки шеърга хос бўлган мавзудаги умумийлик (хасис бойлар ва тиланчи, гадойлар), уларнинг ички мазмунидаги маъно яқинлиги, образлар ҳам-оҳанглиги Ҳамзанинг бу даврда Тўқайдан таъсирланиб асарлар ярата бошлаганини кўрсатади.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Тошкентда Тўқай таваллудига бағишлаб адабий кеча ўтказилиб, ундан тушган фойдага шоирга ҳайкал ўрнатиш белгиланади. Бу ҳақда “Улуғ Туркистон” газетаси 1917 йил 25 апрель сонидagi “Тўқай кечаси” мақоласида шундай ёзади: “Кеча тўрт бўлимдан иборат бўлиб,

1, 2, 3-пардаларда Фотима Сутушова, Мансура Ёқубова ҳамда Шоҳида Бойбу-роваларнинг фикри, “Тўқайнинг хотин-қизларга қараши ва аларнинг қандай ўринлар тутарга тегишлиги”, Нуриддин Сейфулмуликов Тўқайнинг таржимаи ҳоли, Ф.Султонбек татарнинг сўнги ўттиз йил даври, Гаспринский ва Тўқайнинг татар миллатина кўрсатган хизматлари ҳақида сўйладилар. Бир неча киши тарафидан Тўқайнинг шеърлариндан бир нечаси дикламация этилди. Хўр, жир ҳам миллий музика бўлди. 4-пардада жонли сурат этилиб, Тўқайнинг халқни маданият ва маорифга ундови кўрсатилди.

Кечада Тўқайнинг очиқ хатга туширилган расмлари, чечаклар, дастурлар сотилди. Мўътабар хонимлар тарафидан букет ишланган эди. Буниси кечанинг зийнатини тагинда орттирди. Халқ гоят кўп эди. Бик мамнун бўлиб тарқалдилар...”

1910–1920 йилларда Туркистонда Алишер Навоий, Абай асарлари қатори татар адабиётининг Ф.Камол, С.Раимов, Ш. Бобич, А.Тўқай каби вакиллари асарлари ҳам маҳаллий матбуотда ёритила бошланди. Тўқайнинг машҳур “Она тили”, “Шурали”, “Мужик уйқуси” асарлари Абдулла Авлоний, Элбек ва бошқаларнинг турли ўзбекча ўқиш китобларида ҳам босилди. Тошкентда ўзбек-татар адабиётлари дўстлиги, Тўқай кечалари бўлиб ўтди.

Ўзбек маърифатчиларининг маслакдоши бўлган машҳур “Тараққий” газетасининг муҳаррири Исмоил Обидий 1920 йил 26 апрелда “Иштирокиюн” газетасида шоир туғилган кун муносабати билан “Шарқ шоири ўртоқ Абдулла Тўқай” номи махсус мақола бериб, уни шарқнинг ўтмишидаги буюк мугафаккирлари Ал-Маарий, Ҳофиз, Ҳайём, Саъдий, Навоийлар билан қиёслади.

Айниқса, бу даврда унинг жафокаш татар халқининг озодлик, эркинлигини кўмсовчи, халқлар дўстлигини тараннум этувчи ва жаҳолат ҳам қолақликка қарши маърифат ва миллий тараққиётни куйловчи шеърлари Туркистон халқлари орасида машҳур бўлиб кетади. Янги миллий ўзбек, қозоқ адабиётининг Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Мағжон Жумабоев каби вакиллари, турк адабиётида Тавфиқ Фикрат, озарбайжон адабиётида Собир, Муҳаммад Ҳоди асарлари каби татар адабиётида Тўқай миллий шеърлари ва ижтимоий ҳажвиясини ҳам даврнинг янги тарихий, ижтимоий-сиёсий вазифалари нуқтаи назаридан қайта идрок этиш бошланди. Бу даврда Чўлпон, Мағжон Жумабоев, Элбек ва бошқалар Тўқай шеърларидаги кўпроқ миллий истиқлолни орзу қилувчи гоёларга эътибор кучайди, улардан кўпроқ таъсирландилар. Бу жиҳатдан Тўқайнинг келгуси миллий истиқбол ва истиқлолни орзу қилиб ёзган “Ўз-ўзимга”, “Куз”, “Миллата”, “Ёшлар” сингари оташин миллатпарварлик руҳидаги шеърлари билан 20-йиллар янги ўзбек миллий шеърятининг байроқдори Чўлпоннинг Туркистон халқлари миллий истиқлоли ва равнақини кўмсаб ёзган “Куз”, “Яна қор”, “Кўклам”, “Ҳақиқат йўли бир ўтилгуси” каби шеърлари орасида муайян гоёвий яқинликларни кўриш қийин эмас. Буни айниқса, Абдулла Тўқайнинг “Ўз-ўзимга” шеъридаги:

Юракдан севаман бахтин татарнинг,  
Кўрсайдим улгайиш вақтин татарнинг.

ёки бўлмаса “Куз” шеъридаги:

Эй, фақир миллатим, қачон баҳоринг?  
Қачон кетар кечинг, келар наҳоринг?  
Келарми мен қабр томон сурилгач,  
Ё ўлиб, қиёматда қайта тирилгач?

сатрлари билан Чўлпоннинг:

Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,  
Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳидин берсайди.

(“Кўклам келадир!” (1924) шеъридан) сатрларини ва яна унинг бошқа бир шеъридаги:

Йиғлама юртим, агарчи бу кунингда йўқ баҳор,  
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи порлаб қолар,—

сингари ўзбек халқининг тоталитар тузум истибдодидан қутулиб, истиқлолга эришувини орзу қилиб ёзган мисраларига солиштирганда очиқ сезиш мумкин.

Ўлкамизда Тўқай ижодига бўлган қизиқиш кейинги 30–50 йилларнинг оғир иқтисодий ва сиёсий шароитида ҳам сусайгани йўқ. Унинг ўлмас асарлари бу йилларда ҳам ўзбек ўқувчилари орасида Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Абай, Махтумқули асарларидек севилиб, ардоқланиб ўқилиб, ёд олиб келинди, у ҳақда мақолалар ёзилди, ҳаёти ва ижоди ташвиқ ва тарғиб этила борилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Тўқай асарларининг ўзбек тилига янги таржималари 1946 йилда нашр этилди. 1961 йили шоирнинг аввалги таржималари янада тўлдирилиб, янги таржима асарлар билан бойитилиб қайта нашр қилинди. Бу нашрларда атоқли ўзбек шоирлари Фафур Фулом, Уйғун, Миртемир, Асқад Мухтор ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Тўқайнинг кейинги юбилейи кунларида унинг Ўрта Осиё халқлари адабиётларига кўрсатган таъсири ҳақида Фафур Фулом, С. Муқанов, И. Султон, Ч. Айтматов, Л. Қаюмов, С. Мамажонов, А. Орипов, И. Юсупов ва бошқалар турли мақола ва шеърлар ёздилар.

Фафур Фулом “Тўқай — бизнинг ҳам шоиримиз” мақоласида Абдулла Тўқайнинг ўзбек адабиёти билан алоқаси ҳақида: “Тўқайни фақат татар халқининг шоири деб аташ кифоя қилмайди. У, албатта, татар халқининг фахри, аммо шу билан бирга, Тўқай Россияда яшаган бошқа кўпгина туркий халқлар орасида, даставвал ўзбек зиёлилари орасида ҳам машҳур эди. Тўқайни эслар эканмиз, татар адабиётининг ўзбек адабиёти билан алоқаси, угина эмас, умуман, ўзбек халқи билан татар халқининг тарихий алоқаси кўз олдимизга келади. Ҳозир ҳам ўзбек мактабларининг адабиёт дастурида Тўқай ижодининг акс эттирилиши, Тўқай асарларининг ўзбек тилида тадрижий равишда нашр этилиши, Тошкентдаги марказий кўчалардан бирининг Абдулла Тўқай номи билан аталиши ўзбек халқининг шоирга бўлган ҳурмат ва муҳаббатининг далолати, ўзбек ва татар халқи ўртасидаги тарихий дўстликнинг аломатидир”, деб фахр билан ёзганди. Абдулла Тўқай таваллудининг 100 йиллиги юбилейида қатнашган шоир Абдулла Орипов ўзининг Тўқайга бағишлаб ёзган “Нурли Тўқай” (1986) шеърда улуғ устози Фафур Фуломнинг буюк татар шоирига бўлган меҳр ва муҳаббатини давом эттириб, унга таъзим билан шундай дейди:

Мен демам асло сени: шўрлик Тўқай,  
Дардлисан, лекин мудом нурли Тўқай.  
Чунки, сен озод замонни истадинг,  
Мақсадинг ҳурлик эди, ҳурлик, Тўқай.  
Ўзбегу татар, қозоқ, бошқирд бўлиб,  
Кўринурсан менга гоҳ, турлик Тўқай,  
Сен қоронғу кечалар битдинг ёниб,  
Тикди гўрга аслида зўрлик, Тўқай.  
Ҳақ сўзингга миллатинг кўз тикса ҳам,  
Неча зотлар қилдилар кўрлик Тўқай.  
Ҳеч ажаб эрмас сени ёд айласам,  
Иккимиз ҳам бир қия, ўрлик Тўқай.

Ҳа, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек, Тўқай ҳақиқий эркин, озод замонни орзиқиб кутган эди. Шундай эркин, мустақиллик замонни бугун татар халқига ҳам, унга қондош ва жондош бўлган ўзбек халқига ҳам насиб қилди. Шунинг учун ҳам Тўқай бугунги мустақиллигимиз завқи билан яшаётган ўзбек халқи ва адабиёти учун ҳам ҳар қачонгидан кўра азиз ва муқаррам бўлиб кўринмоқда.

*Шерали ТУРДИЕВ,  
филология фанлари номзоди*

Маҳа Муҳаммад ал-ФАЙСАЛ

## Тавба ва Сулайё

Роман

**М**ен бир йўл топдим-у, кейин уни йўқотиб қўйдим. Гўё у хаёлимга келган бир фикрдек эди-ю, мени ортимдан юр дегандек, атрофимда айланди. Бироқ аслида у мендан узоқлашиб борар, мен эса орзулар сари интилганим-интилган эди.

Мен бутун вужуди билан ибодатга берилиб, намоз ўқиётган бир кишининг олдига келдим. У узоқ вақт саждага бош қўйганча тураверди. Мен уни ҳатто энди турмаса керак деб ўйладим. Саждадан бош кўтариб, қадини ростлаганда, у гўёки уфқни тўлдиргандай бўлди. Атрофдаги саҳро уни қамраб олишга торлик қилаётгандай кўринарди.

Мен шу пайт кўрган нарсамдан лол қолдим. Бу киши “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ” деб икки томонга салом берганда, ўнгу чапдаги қумлар қимирлаб, худди довулдаги каби тўзғиб кетди. Ер унинг саломидан гўё бир ларзага келди-ю, сўнг унга ҳеч нарса таъсир қилмагандек тинчиб қолди.

Кўрганларимдан юрагимда қўрқув пайдо бўлди. Ўз жойимда қимирламай туравердим. У мен томонга қараб:

– Кел, маййитга жаноза ўқиймиз, – деди.

Мен бир нарса дейишга тараддулланиб, сўрадим:

– Қайси маййитга?

Мен бу ерда ундан бошқа ҳеч кимни кўрмаётган эдим.

– Ана у ерда, – деди у олдида турган тобутни кўрсатиб. Тобут устига Қуръон оятлари битилган яшил мато тўшалган эди.

Араб тилидан  
Муртазо  
САЙДУМАРОВ  
таржимаси

Маҳа Муҳаммад ал-ФАЙСАЛ – саудия араб адабиёти араб китобхоналарига ўзининг Байрутда нашр этилган “Тавба ва Сулайё” (2003 й.), “Амира ва соялар кемаси” (2003 й.) ва “Кувонч” (2010 й.) романлари билан таниш. Унинг болалар учун ёзган бир қатор ҳикоялари ҳам араб ва инглиз тилларида нашр қилинган.

Ўзбек ўқувчилари ҳукмига ҳавола этилаётган адабининг “Тавба ва Сулайё” романида ўқувчи хаёлот, афсоналар ва орзулар оламига саёҳат қилади. “Минг бир кеча” услубини эслатувчи ушбу романда бир томондан араб адабиётида хос бўлган, иккинчи томондан, XIX аср охирилари XX аср бошларида таржима асарлари орқали араб адабиётига кириб келган саргузашт романлар сюжетларидаги қароқчилар, кул савдогарлари образларини, севикли ёр ёки дўстни излаб савдога чиқиш каби воқеаларни учратиш мумкин.

Ўсимликлар ва жонзотларнинг тилга кириши муаллифнинг воқеий ҳаётга афсонавий-фалсафий ёндошишини кўрсатади. Адиба ушбу асарнинг бош қахрамони ҳамда асардаги Соялар бекуаси, Тарозилар соҳиби, турли гуллар ва бошқа персонажлар орқали поклик, муҳаббат, имон ва ваъдага вафо қилиш каби масалаларини кўтаради.

Ушбу асар кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.



– Оллоҳ уни раҳмат қилсин, – дедим.

Иккимиз туриб жаноза ўқидик. Мен ўнг томонга бошимни буриб, энди салом бераётган эдимки, рўпарамдаги тобут ғойиб бўлиб қолди.

Мен у кишидан:

– Тобут қани? – деб сўрадим.

– Тобутларнинг қаердалиги билан нима ишинг бор?

Мен ҳеч нарса демадим.

– Мана бунга айланиб қолди, – деди ҳалиги киши бир сиқим тупроқни кўлига олиб. Сўнг менга қараб:

– Туш кўраяпман, деб ўйлаяпсанми? Бу ҳақиқат! – деди.

Мен томонга кўлидаги тупроқни сочиб юборди-да, кулиб қўйди.

– Бас қил, биродар. Кўрқитиб юбординг-ку, – дедим кўрққанганимни яширмай.

– Сен ўзинг қилган гуноҳларингдан кўрқсанг, яхши бўлар эди, – деди у.

– “Мен қилган гуноҳларим... Мен қилган гуноҳларим...” – деб баланд овозда такрорлар эканман, бирдан уйғониб кетдим.

Менинг овозимдан уйғониб кетган акам олдимга кириб:

– Сенга нима бўлди? – деб сўради.

– Ҳеч нарса, мен... туш... туш кўрибман. Боринг, ухлайверинг ака, – дея олдим, холос.

Бироз шу зайлда ўтиргач, ўрнимдан туриб ичишга сув қидира бошладим. Хаёлимда эса “кўрганларим туш эди” деган гап. Ўрнимга қайтиб келгач, кўрпанинг бир томониغا ўтириб, ўйлай бошладим. Кўрпанинг четини пайпаслар эканман, кўлим кўрпа устига сочилган тупроққа тегди...

Қайтиб ухлай олмадим. Мен қандай гуноҳлар қилдим, ахир мен ўзимни “савоб иш қилувчилардан деб билар эдим-ку”, деб кўнглимдан ўтказиб, ўйга толдим.

Уша куни менинг никоҳ тўйим эди.

Эрталаб акам ҳузуримга кирди. Менинг тўшакнинг бир четида ўтирганимни кўриб, кулимсираб сўради:

– Куёв бола, қалайлар? Тунинг кунинг ҳақида ўйлантиряптими?

Мен бошимни силкитдим-у, тушимда кўрганларим ҳақида огиз очмадим.

У менинг ҳузуримдан чиқиб кетди. Мен эса, эҳтимол, саволларимга жавоб бериб, кўнглимга таскин берар, деб шаҳримиздаги жомеъ масжид шайхи ҳузурига йўл олдим.

У билан салом-алик қилгач, сўрадим:

– Қандай қилиб ўзимни гуноҳ қилишдан асрашим мумкин?

– Тўйинг бўладиган кунларда сени қандай ғамлар чулғаб олмиш, болам? – деб сўради шайх. – Сенинг уйланишинг ёмонликлардан халос бўлганинг...

Мен ичимда ўзимча дедим: “Субҳонллоҳ, мен шунга иқтидо қилиб неча йиллардан бери намоз ўқиб юрибманми?!”

Унинг жавоби мени бадтар хуноб қилди ва бундай жавобнинг аҳмоқоналиги менга бу шайх ҳақида илгари билмаганларимни аён қилди. Мен унга дедим:

– Ахир гуноҳлардан халос бўлишга уйланишнинг қандай алоқаси бор?

Мен қанчалик кўп гуноҳлар қилганимни гапириб берганимга қарамай, ана шу масжидда намозимни ўқийвердим. Чунки бу шайх отамнинг дўсти эди. Отамнинг хотираси учун унинг ҳақида ибодатлар қилар эдим. Шайхнинг ҳузуридан чиқиб, куёв тўй куни борадиган жойга қараб йўл олдим.

Тўй тантаналари жуда чиройли бўлди. Фақат мен сукут сақлаб жим ўтирибман. Ўртоқларим менинг жим ва ғамгин ўтирганимни мазах қилиб, бўлар-бўлмас гапларни айтиб ҳазиллаша бошладилар.

Шундан сўнг мен келиннинг олдига кирдим. Келин роса ясанган эди. Биз ўтириб суҳбатлаша бошладик. Хотинимнинг гапларига қулоқ солар эканман, энг аҳмоқ аёл билан турмуш қурганимни англадим. Лекин кўнглимда онт ичиб сабр қилишга қарор қилдимки, эҳтимол, бу ишим ўша кўплаб қилган гуноҳларимдан кейин Яратганнинг даргоҳида менга шафё бўлар.

Эҳтимол, сиз аҳмоқ қизнинг суҳбатига қулоқ солиб ўтиришга чидаса бўлади деб ҳисобларсиз. Лекин мен сизларга “аҳмоқ билан узоқ ҳаёт кечиргандан кўра жаҳаннамнинг тубида ўтириш энгилроқ”, деб айтган бўлар эдим.

Умр ўтди, йиллар ўтди. Мен эса ҳали ҳам қандай қилиб кўплаб гуноҳлар қилганимни билмас эдим.

Оллоҳ Таоло менга зурриёт берди ва хотиним тўйимиз бўлганига олти йил тўлмасдан тўртта ўғил туғиб берди. Уларнинг барчасида аҳмоқлик аломатлари жуда эрта сезила бошлади.

Мен буларнинг барчасини Оллоҳ ҳузурида гуноҳларимни ювадиган савоб ўрнига ўтади, деб ҳисобладим. Лекин бу умримни хазон қилган хотиним билан яшашда давом этишим ҳақидаги аҳдимга таъсир қилмади. Ажабо, мен хотинимга ҳасад қилар эдим. Унга отасидан кўпгина қорамол, онасидан анчагина тилла мерос қолган эди.

У фарзандларимни қорамолдан келадиган даромад билан боқиб ўстирди. Семиз бўйнида тилла тақинчоқлари ярқ-юрқ қилар эди. Ҳовлимизда юрганида эса оёқларидаги унинг учун махсус ясалган йўғон тилла позебларини силкитиб, ерни ларзага солар эди.

Мен оилам, болам-чақам деган, қариндошлари билан борди-келдини канда қилмайдиган киши бўлдим. Хотинимга ва фарзандларимга диққат-эътибор қилдим. Мен бу билан худонинг розилигига эришиб, ўзим учун савоб иш қилипман деб ҳисоблар эдим.

Бир куни кечаси уйқудалигимда тағин ўша эски тушни кўрдим. Кўрқиб уйғониб кетдим.

– Мен қилган гуноҳларим.... қилган гуноҳларим.... – дея такрорлар эдим яккаш.

Бир оз ўтгач, ўзимни қўлга олдим. Худо раҳмат қилгур акамни эсладим. Ёнимда донг қотиб ухлаб ётган хотинимга қарадим. Унинг устидаги тупроқни қоқиб ташладим. У ҳамон ухлар эди. Оллоҳ унга уйқусида ором берсин, дедим ўзимча. Ўзим унга уйланганимдан буён ором нималигини билмайман.

Ўша тунда дўмбоқ ёноқларига гамгинлик аломатлари соя солган тўртта фарзандимни бир-бир ўпиб, уйдан чиққан кезимда турмуш қурганимизга ўн етти йил бўлган эди. Мен худо хоҳласа қайтмайдиган бўлиб чиқиб кетгандим.

Мен одамлар ҳавас қиладиган даражада зоҳид бўлиб қолдим. Фарзандларимни, хотинимни, тиллаларни ва қорамолларни тарк этиб, Яратганнинг ризолигини истадим.

Дардимга даво берувчи бирор ҳақим ёки олим, ёки шайх излаб кўплаб шаҳар-қишлоқлардан ўтдим, водийларни кездим, саҳролардан ошдим. Бироқ менга шифо берувчи кимсани тополмадим. Қаерга бормаи, менга “Сен излаган одам ҳажга кетди, ёки тижорат билан сафарга кетди, ёки фалон жойга кетди, ёки вафот этди”, дер эдилар.

Ахийри мен ҳеч денгиз оша йўл юрмагандим, шуни ҳам бир кўрай дедим-да, денгиз сари йўл олдим. У ерга бориб: “Мени фалон жойга олиб борадиган кема борми?” – деб сўрадим.

– Фалон жойга? – деб сўради бир киши таажжуб билан.

– Ҳа, фалон жойга, – дедим қатъият билан.

– Сиз фалон жойни назарда тутяпсизми? – қайта сўради у.

– Ҳа, ўша жойни, — дедим.

– Демак, сиз истаган жойга “ал-Ато” кемаси бугун жўнаб кетади, эҳтимол, ҳозироқ, бирор соат ичида жўнаб қолса керак. Кема дарғаси Мурод исмли киши, унинг одига бориб, мени Ҳомид аканг юборди, деб айтинг.

Мен уни Оллоҳ Таоло ўз ҳифзу ҳимоясига олишини дуо қилиб, у айтган томонга қараб хотиржам равона бўлдим.

Мен “ал-Ато” кемаси ва кема дарғаси Мурод исмли шахсни суриштира бошладим. У ерда кичкинагина кема устида бир кишини учратдим. Бу кема шу қадар кичкина эдики, менга гўё денгиз уни кичкиналигидан қабул қилмаётгандек кўриниб кетди.

Мен ҳалиги кишига товуш бердим, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордим:

– Шу... шу «ал-Ато» кемасими?

Мен ҳамон кулгидан ўзимни тўхтатолмаётгандим.

Кема устидаги киши олдимга келди. Мен ундан сўрадим:

– Мурод дегани сиз бўласизми?

Сўнг яна кула бошладим. Агар мана шу кулиги жойга келиш учун уйдан бола-чақамни ташлаб чиққан бўлсам, бу ёғи маълум деб ўйладим.

– Сиз ўзингиз кимсиз? — деб сўради ҳалиги киши.

Мен ўзимни қўлга олиб жавоб бердим:

– Форис<sup>1</sup> Ол Рахвон.

Энди у киши ҳам кула бошлади. Мен ундан таажжубланиб сўрадим:

– Эй биродар, нега куляпсиз? Бу менинг исмим ва насабим.

– Сизга ким бундай исм қўйди?

– Отам, — деб жавоб бердим.

– Худо ҳаққи қасам ичиб айтаманки, ҳеч бир киши бундай исмни ҳавас қилмайди. Эй чавандоз, тулпоринг қани?

Шундай деб яна қотиб-қотиб кула бошлади.

Мен уни масхара қилиб:

– Мана шу ҳам кема бўлдими? — дедим.

У киши кулимсираб:

– Чавандоз, отингиз қани? Сизга нима керак ўзи? — деди.

Мен:

– Оллоҳ бадавлатдир, — деб жавоб бердим. У, “ал-Ато кемасидан ҳам”, деб қўшиб қўйди.

Мен жаҳлим чиқиб, унинг кемасини тарк этдим. Айни пайтда кўнглимдан: “унинг жавоби жўяли эди”, деган фикр йилт ўтиб ўтди.

Мен яна Муроднинг олдига қайтдим. Арқонга осилиб, “ал-Ато” кемасининг устига чиқдим. Кема ичига кириб кетган Муродни чақирдим.

– Саломлашмай чақириш, бир ишни бисмиллосиз бошлаган билан тенгдир, — деди Мурод.

Сўнг кулиб:

– Отингиз қани, ҳой чавандоз? Саломлашмайсизми? — деди.

– Менинг устимдан куляпсизми?

– Сизнинг устингиздан эмас, исмингиздан куляпман.

– Исмимга нима қилипти?

– Ўзингиздан сўранг.

– Сиз мени масхара қиляпсиз.

– Масхара қилганимда ҳам нима қила олардингиз?

Мен унга “мана бундай қилардим”, — дедим-да, гарданига бир мушт туширдим. У ағдарилиб тушди ва бошидан қон оқа бошлади.

<sup>1</sup> «Форис» араб тилида “чавандоз”, “отлиқ” деган маънони билдиради.

Шу пайт унинг кемадаги хужрасидан бир чиройли қиз чиқиб келди-да:

– Ўлдириб қўйдинг-ку, қуриб кетгур! – деб шовқин сола бошлади. У ўзининг юзига шапатилаб қичқирарди.

Мен унга:

– Ўлгани йўқ, – дедим газаб билан.

– “Ал-Ато” кемасининг устига чиқиб олиб, Мурод ал-Бишрни ўлдирмоқчимисан?

– Мурудинг ўлгани йўқ. У тирик! Ана, менга қараб тиржайиб турибди.

Қиз энди Муродга қараб гапира бошлади:

– Ҳой Мурод, сен учун минг битта жоним қурбон бўлсин! Сенсиз мен маъносиз бир сўзман.

Мен ўзимга-ўзим: “Субҳоноллоҳ, бу ўликми ё тирикми, бундай бўлади деб асло ўйламаган эдим” – дедим.

Кема дарғаси:

– Оллоҳ сизни кечирсин, ҳой биродар! Сизни бундай юраги торликдан ўзи халос қилсин! – деди.

Қиз унинг жароҳатини боғлай бошлади.

– Мен кетдим, – дедим.

– Шошманг, биз билан кетасиз, – деди Мурод.

Мен ҳайрон бўлиб:

– Шунча гапдан кейин сиз мени ўзингиз билан олиб кетмоқчимисиз?” – дедим.

– Ҳа, урсангиз ҳам, сўксангиз ҳам, – деди кема дарғаси, сўнг кулиб қўйди. Қиз эса менга хўмрайиб қараб турарди.

Кема денгизга чиқишга ҳозирланди. Мурод “*Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Оллоҳнинг номи билан бўлур*”<sup>1</sup> деб дуо ўқиди. Қизил алвон елканлар ёзилиб, ҳавода ярақлаб ҳилпирай бошлади. Сўнг дарға арқонни тортиб, қадини ростлади. Шамол кемани ҳаракатга келтира бошлади, кема сувни иккига ёриб, очиқ денгиз сари сузиб кетди.

Мен гўё комига тортиб кетаётгандек бўлган осмон ва денгизга боқар эканман, қувончимнинг чеки йўқ эди. Биз сузиб кетмоқда эдик.

Очиқ денгизга чиққанимиздан сўнг бояги қизни бошқа кўрмадим. У ҳақда ўйламай десам ҳам бўлмаётганди. Бир неча кун ўтгандан сўнг мусаффо осмон остида, денгизнинг тоза ҳавосида, атрофимиздаги денгиз қушларининг чиройли овозлари ва денгиз тўлқинлари муҳитида Мурод билан нон ва асални бўлишиб ер эканмиз, ниҳоят сўрадим:

– Мурод, анави қиз ким?

– Қайси қиз? – деб ён-атрофига қарай бошлади, Мурод.

– Денгизга чиқишимиздан олдин бир кўрингандай бўлганди-ку, ўша.

Мурод кулиб, оёғи билан ерни тепиб қўйди.

Мен ноқулай аҳволда қолдим. Бироз сукут сақлаб тургач, у жавоб берди:

– Сиз шу пайтгача жим юриб тўғри қилган эдингиз. У менинг жориям Сулайё.

– Мен уни ўша кундан кейин бошқа кўрмадим-а, – дедим талмовсираган оҳангда.

Бирдан Муродники тутиб кетди. Гарданимдан шаппа олиб, бир кўтарди-да, кема устидан денгизга отиб юборди. Мен жон ҳолатда қичқира бошладим.

<sup>1</sup> Куръондан. Ҳуд сураси, 41-оят.

– Ҳой Мурод, Оллоҳдан кўрк! Ҳой, Мурод, ҳаммамиз ҳам бандалармиз! Ҳой, биродар, шайтоннинг гапига кирма! Кейин ўзинг пушаймон қиласан. Агар менга ёрдам бермасанг, умрбод пушаймон қиласан.

Мурод миқ этмай тураверди.

Мен бу қиргоқсиз денгизда “ал-Ато» кемасидан бошқа нажот йўқлигини билиб, бор кучим билан кема сари сузардим. Кема эса мендан узоқлашиб борарди. Чўкаётганимни ҳис қила бошладим, кема шундоқ олдимда турарди-ю, аммо унга ета олмасдим. Мен ҳаётдан умидимни узиб, тушкунликка туша бошладим. Шу пайт “ал-Ато» кемасидан олдимга бир арқон келиб тушди. Мен уни маҳкам ушлаб, Оллоҳга шукур қилдим, барибир кўнглимда хавотир бор эди. Ишқилиб қордан кутулиб, ёмғирга тугилмасам бўлгани. Мурод мени кемага тортиб олди. Кемага чиққанимда ҳолимга маймунлар йиғлар эди.

Муродга қараб, хушмуомалалик билан дедим:

– Биродар, бу нима қилганингиз, ахир сафарга бирга чиққан одам ҳам шундай қиладими? Худо ҳаққи, бу ишингиз яхши эмас.

Мурод жавоб бермай, жим турар эди. Ич-ичимдан газабланиб, у эшитадиган қилиб сўзимда давом этдим:

– Бу қилган ишингизни ўлсам ҳам кечирмайман, қиёматда ҳам кечирмайман, кўраммиз, қайси биримиз ожизлигимизни.

Мурод жавоб бермади, мен овозимни кўтариброқ гапира бошладим:

– Ҳе йўқ-бе йўқ пуф сассиқ деб денгизга иргитиб юбордингиз-а.

Шунда Мурод тилга кириб деди:

– Нега Муроддан Сулайёни сўраб қолдинг?

– Сўрасам нима қипти? Ахир иймонли одам жаннатни сўрайди.

Мурод гудраниб деди:

– Бундан чиқди, менинг рашкчи эканлигимни билмас экансиз-да?

– Оббо бенаво Мажнун-ей.

Ундан нари кетдим, у мен учун энг ёмон кўрган одамимга айланди-қолди.

Хонамдан чиқмай, кечгача ўтирдим. Тун босиб келарди, у ерда ухлаб бўлмайди деб ўйлаб, тоза ҳаводан нафас олгани кема саҳнига чиқдим. У ерда Муродни учратмаганим учун худога шукур қилдим. Чунки мен уни чиндан ёмон кўриб қолган эдим. Уфққа кўз тутдим, темир рангида ярақлаган тўлқинлар остида денгиз оғир нафас олар эди. Кема мени аллалаётгандай бир маромда дам кўтарилиб, дам пасглаб сузиб борар эди. Ёнимга Мурод келиб ўтирганини ҳам сезмай қолибман. Унга кўзим тушиши билан ўрнимдан туриб кетмоқчи бўлган эдим, у кўлимдан ушлаб жойимга ўтқазди. Мурод бақувват киши эди. Сўнг жиддий оҳангда сўради:

– Нега мандан хафа бўляпсиз?

– Ҳали мени ҳўрттага улоқтирган эдим демоқчимисиз? Мен бунақа оғир ҳазилларни кўтара олмайман.

– Мен ҳазил қилмагандим, — деди у ўша оҳангда.

Менинг ҳам жаҳлим чиқиб кетди:

– Қўйинг, биродар, сиз билан гаплашмоқчи эмасман.

– Сиз хато қиляпсиз. Юринг, мен сизга ўша қизнинг хонасини кўрсатаман.

Жавобимни кутмай, мени олдинга қараб туртди. Биз тор зинадан тушиб, ихчамгина бир эшик олдида тўхтадик. Мурод эшикни очди. Биз ичкарига кирдик. Бунақасини умримда кўрмаган эдим. Хона ичи кенг бўлиб, муаттар шамларга тўла эди. Деворларига энг ноёб мато-

лар қопланган эди. Ерга ажойиб гилам тўшалган, ёстиқлар қалашиб ётарди. Патнисларда мевалар ва турли-туман ширинликлар тўла эди. Гўёки жаннат шу бир мўъжазгина жойда мужассамдек.

Мен кўрганларимдан ҳайратга тушдим. Мени лол қолдирган асосий нарса, муштдеккина кемамизда мана бундоқ жаннатмакон жойнинг борлиги эди.

– Субҳоноллоҳ! Еру кўкнинг Яратувчиси, замону заминнинг Парвардигори ҳаққи ҳурмати, бу ерда қандай қилиб мана шундай жой бино бўлиши мумкин? – деб сўрадим.

Табийки, энди мен бу ердан ғойиб бўлган Сулайё ҳақида оғиз очмадим.

– Утиринг, – деди Мурод.

Мен ўтирдим-у, кўзларим теварак-атрофга олазарак боқар эди. Ўнг томонимда турли ранг ва турли катталиқдаги чиройли қушлар тўла қафасни кўрдим. Уларнинг ҳеч бири сайрамасди. “Ухлашаётган бўлса керак”, деб ўйладим. Чап томонимда тилла суви юритилган, жавоҳирлар билан безатилган гилам тўқийдиган дастгоҳни кўрдим. Ўрнимдан туриб, гиламнинг нақшларини яхшироқ кўриш учун унга яқин бордим. Унда қимматбаҳо кийимлар кийган эркагу аёллар – одамларнинг сувратлари акс этган эди. Улар гўзал қасрлар ёнида турар эдилар. Баъзилари гўзал боғларда сайр қилаётган бўлса, баъзилари мусиқа чалар, баъзилари кўшиқ куйлаётгандай эди. Баъзилари қимматбаҳо идишларда таомлар тановул қиларди. Бу гўзал манзаралар руҳимни кўтариб юборди. Гиламнинг барча томонларини қараб чиқдим-у, унда акс эттирилган манзараларнинг кўплигидан барчасини томоша қилиб улгура олмадим. Мен Муродга:

– Бу гилам жаннатни ўзида мужассам этибди, – дедим.

– Ҳа, бу Сулайёнинг иши.

Мен ўзимга яқин бўлган жойдаги барча суратларни диққат билан қарай бошладим, ундаги сиймоларда ғамгинлик аломатлари борлигини сездим.

Ҳайрон бўлиб, Муроддан сўрадим:

– Уларнинг барчаси ғамгин! Нима сабабдан бундай?

– Сен ҳақсан. Улар маҳбуслардир. Уларни Сулайё шу ерга тўқиб маҳбус қилган.

Мен Сулайё тўқиган гиламдан узоқлашдим.

– Ажабо, нима деяпсан биродар, ахир тирик одамлар гиламларда қандай маҳбус бўлишлари мумкин?

– Бу ёққа қара, эй Форис!

У гиламнинг бир четига ишора қилди. Мен яқин келиб диққат билан қарай бошладим.

– Ҳўш?

– Мана, мана бу ерга қара! Бу сенсан!

Мен гиламга қараб, ҳали тўқиб улгурилмаган суратимни кўрдим.

– Мени бу ерга қандай шамол учириб олиб келди экан?

– Сенинг ўзингнинг шамолинг. Ахир сен уни ўзинг қидирмаётганмидинг?

– Бу нима деганинг?

– Сен ўзингдан сўра. Умринг хазон бўладими ёки тирилтириб юборасанми?

Жавобимни кутмасдан, гапида давом этди:

– Сен ҳибсага олинган қушларнинг патларидан қилинган мўйқаламларга қара.

Стол устида баъзилари тилладан, баъзилари кумушдан қилинган, баъзилари ҳақиқий марварид билан безатилган сиёҳдон ва қаламдонлар ётарди. Мен шу заҳоти:

– Уларни озод қилиб юбораман! – дедим.

Тирик жонзотларни маҳбус қилганидан Сулайёни ёмон кўриб кетдим.

Мурод кулди-да, менга қараб:

– Агар озод қилиб юборсанг ҳам, мана бу кичкинасидан бошқа ҳеч қайсиси учиб кетолмайди. Фақат унинг патлари ҳали юлингани йўқ, – деди.

Бу кичкина қуш тупроқ рангида бўлиб, бошини қанотлари остига олиб ухлар эди.

– Демак, буни чиқариб юбораман.

– Агар калитни топа олсанг, озод қилавер.

Мен қатъий жавоб бердим:

– Худо хоҳласа, албатта топаман.

Калитни қидира бошладим. Шу билан овора эканман Мурод уйқуга кетди. Қўнглим нотинч эди. Мен уни негадир хотинимга ўхшатдим. Тўрт ўғлимни эслаб, юрагим ғуссага тўлди.

Калитни қидираётиб, парданинг бир четидаги киссага кўзим тушди. Ичини қарасам, бешта кичкина-кичкина китобчалар экан. Китобчаларнинг ҳаммасини чиқардим. Уларни бирма-бир варақдай бошладим. Орасида энг чиройлиси қизил рангдагиси бўлиб, унга атиргул расми чизилган эди. Мен бунақасини кўрмаган эдим. Китобчани очган эдим, теварак-атрофни муааттар ҳид тутиб кетди, гўёки мен қўлимда атир идишини ушлаб тургандай. Бу муаттар китоб саҳифалари мукамал хатда битилган эди. Гўёки ундаги сўзлар саҳифалар узра энгил рақсга тушаётгандай эди. Сиёҳ эса худди таралаётган оҳангдай эди. Бу сатрлар ўзида қиссани мужассамлаштирган эди. Мен бошқа тўртта китобчани парда киссасига қайтариб солиб қўйдим-да, қўлимдагини ўқишга тушдим. Унда қуйидаги гаплар ёзилганди:

“Бисмиллоҳир раҳмони раҳийм”.

Табризда тўқилган эроний гилам нақшинкор, майин ва юмшоқ эди. Ундаги гулларга разм солсангиз, улар сароб каби жилваланар, суратлар ва ранглар бир-бири билан қоришиб ажиб товланарди. Ундаги нафис соялар шу қадар жозибадор эдики, гўёки гулларга тил битиб, қўшиқ кўйлаётгандек. Ҳатто одамлар орасида унинг “Файҳа” шабадаси каби Ҳофиз Шерозийнинг инжа ғазалларини кўйлаётганини эшитганлар бор, деган гап ҳам тарқалган эди.

Уларнинг баъзилари ўша хонадондан келаётган юзлаб гулларнинг муаттар ҳиди ҳовлини тўлдириб, кейин бутун қишлоққа тарқалганини айтган эдилар.

Бу хонага қадам ранжида қилган ҳар бир киши ерга тўшалган гиламнинг чиройига маҳлиё бўлиб, остонада тўхтаб қолар, гиламни босишга журъат этолмас, беихтиёр уй эгасидан бу гиламнинг қанақалиги, унинг қачондан буён бу ерда эканини суриштирар эди.

Хонадон соҳиби эса кулимсираб, унинг узоқ вақтдан шу ерда эканини, бобосидан отасига мерос бўлиб қолганини гапириб берар эди.

Кўёшди кунларнинг бирида шу хонадонда бир қизча туғилди...

Шарқдаги афсоналардан бирида айтилишича, агар ер юзида қиз бола туғилса, жаннатда гуллар очилар экан. Ерда Сора гуллади...

Кунлар, кунлар кетидан ойлар ўтиб, Сора гўзалликда баркамол бўлиб улғайди. Унинг энг яхши кўрган иши ана шу гилам бор хонага кириш эди. Онаси уни қидирганда, уни доим шу ердан топар эди. Қизалоқ гиламдаги ранг-баранг жилолардан олам-олам завқ олар, унсиз оҳанглар уни ўзига асир айлар эди. Баъзан гилам устига қулогини қўйиб, нақшларининг сирли шивирларини тинглашга ҳаракат қилар, уларнинг сир-асрорларидан воқиф бўлар эди гўё.

Йиллар ўтаверди. Сора янада гўзал ва мафтункор бўлди. Бир куни оқшом чоғи у уйининг равоқлари орасида у ёқдан-бу ёққа бориб келар экан, тўсатдан кўзи гиламли хонанинг очиқ эшигидан гиламдаги энг чиройли гулга тушди. Гул ерга қадалган уруғдан чиққандай яшнаб турар, муаттар ҳиди эса бутун уйни тўлдирган эди.

Сора гулнинг муаттар ҳидларидан тўйиб ҳидлади, уни тўйиб-тўйиб томоша қилди. Сўнг деди: “Балки, гуллар хониши уларнинг муаттар ҳидларидан таралаётгандир?”

## ГУЛ ҲИКОЯСИ

Қиз менга яқинлашди-да, хусну жамолимни кўриб, марвариддек бир текис тизилган оппоқ тишларини кўз-кўз қилганча, жилмайишдан бошқа ҳеч нарса қила олмади. Мен шунда унга берган аҳду паймонимда қолганимни, Сора эса болаликдаги орзуларини унутганини айтдим.

– Эҳ, Сора! Сенинг табассуминг менга дўстим Мойчечакни қанчалик эслатганини билсанг эди. Бутун қиру адирлар унинг оппоқ нурларини таратиб турувчи гуллардан кийим киярди. Унинг нурлари ерга гилам каби тўшалар эди.

Қуёшнинг иссиғи Мойчечак илдизларини юракка боқий ҳаёт бағишловчи муҳаббат ила озиқлантирди гўё. Гойиб бўлган суюкли ягона дўстим Мойчечакни эслаганда титроқ муҳаббат тафтини гўзалликка тўлдирувчи рангпар, ғамгин чеҳрада қордек оппоқ гул униб чиқди.

Сора менга чуқур ҳайрат ила боқиб турарди. Мен у айтмаган фикрларни ҳис қилдим. Унинг ажабланиши Мойчечак ҳақида эслатганимдан деб ўйладим. Гуллар ҳикоясини давом эттирдим:

– Эҳтимол, сенга Мойчечакни ягона деб тавсифлаганим ёққандир. Мойчечак гойиб бўлган ёқимли табассумнинг эсланиши, холос. Ҳар бир ўтаётган кунда Само севишганлар фироғида йиғлайди. Бу мана шу дунёемизнинг номусидир. Мойчечак гули худди хотиралар ҳидини ўзида элтувчи табассум каби ўсади. Кимки бу гул ўсаётган гулзордан ўтар экан, унинг қалби айрилиқ ҳиссиётига тўлади.

Шунда Сора нима учун ажабланганининг ҳақиқий сабабини айтиб, гапимни бўлди:

– Э, худойим! Сен ҳақиқатан ҳам сўзлаяпсан. Ноила ёлғон гапирмаган экан. Сен гапиряпсан!

Мен мағрур жавоб бердим:

– Албатта, гапираман. Бироқ Ноила ёлғон айтган эди. Чунки мен у билан ҳали гаплашмаганман.

Сора бироз сукут сақлади-да, сўнг деди:

– Сен менинг тишларимни гулга ўхшатдинг. Мен Мойчечакни ўз шаклига кўра бўстонидаги энг бахтли гул деб ҳисоблайман.

– Эҳтимол, у сенинг бўстонида шундайдир. Лекин мен сендан муҳаббатдан холи қалбдан кўра, ҳаёт майдонларида ва умр йўлларида суюклисиз, қаерга борса, пушаймон қилиб юрган қалбдан кўра, ўз севгилисини чақириш афзал бўлмайдами, деб сўрайман. Бу - сен ўзинг билганингдек, гўё гўзалликдан маҳрум этилган, аҳду паймонларга эга бўлмаган саҳро кабидир. Унда сиру асрорлар яширинмайди, уни нурлар хурсанд қилмайди... Ёки ҳали хабаринг йўқми? Бир кун келиб, гуллар Замин қалбидаги сир-асрорларгина эканини сен албатта биларсан. Ер юзида ҳар бир гул пайдо бўлганда битта сир ҳам очилади, у яшаш учун униб чиқади-да, сўнг қийғос очилади.

Сора гапимни бўлиб бундай деди:

– Мен ҳеч нарсани йўқотишни истамайман. Энг яхши кўрган нарсамни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Йўқотганимни эсласам, кўнглим пора-пора бўлиб кетади.



– Кўнглингнинг пора-пора бўлиши сенинг тирик эканингни англатади. Ўликлар оғриқ сезмайдилар. Билгинки, қалб ўз хоҳишича яшолмайди. Хоҳиш қалбни жим турмай, ҳаракатланишга, хавотирланишга, шошилишга мажбур қилади. Муҳаббат эса қалбни ёшартиради, унга назокат ва улуглик бахш этади. Йўқотишнинг турлари кўп. Баъзи бир йўқотиш янада муайяноқ висолга етакласа, бошқа бир йўқотиш ундан бадтар узоқлаштиради.

– Ўйлаб кўр, агар сен ҳид билиш сезгисини йўқотсанг, муаттар ҳидлар эпкинидан ва гўзаллик нафасларидан қандай қилиб баҳраманд бўласан? Қандай қилиб ёмон ҳидлардан нафратланасан-у, балчиқларнинг бад бўйидан жирканасан?

Сора ўзига савол бериб, ўзи билан ўзи гаплашаётгандай деди:

– Аввал қалб, кейин димоғ. Хўш, энди кўз ҳақида нима дейиш мумкин?

Мен бир лаҳза сукут сақладим, сўнг дедим:

– Бироз туриб сенга ҳид билиш сезгисини йўқотган бир киши қиссасини гапириб бераман. У ҳақиқатан ҳам гамгин қисса. Бироқ сен кўз ҳақида сўрар экансан, дўстим Наргис ҳақида сўзлаб бера қолай. Баъзилар уни даланинг кўзи деб атайди. Баъзилар эса унинг кўзи йўқ, бўлса ҳам фақат ўзини кўради, дейди. Ривоят қилишларича, Наргиснинг кўзлари ўзига тушганда, у ҳақиқатан ҳам ўзини бахтиёр ҳис қилган экан. Шундай Яратганга шукр қилиб жилмайганда бу жилмайиш тоби атрофни ёритиб юборар экан.

Мен шу ерда Сора учун қуйидаги байтларни қуйладим:

Гўзал Наргис ҳар тонгда  
шодлик либосини киярди.  
Япроғида шудринг ялтираб,  
боққанларни мафтун этарди.

Сора кулиб:

– Мунчалар мағрур бўлмаса бу гул! – деди.

Мен шу заҳоти жавоб бердим:

– Бу ғурур эмас, балки ирфондир. Айтганимдек, гўзаллик Оллоҳ Таоло кўзлари билан кўриб, англаш неъматини берилганларнинг кўзларига кўринади. Ҳар бир кўз соҳиби назар солганида атрофидагилардан унга яхшилиқлар қайтади. У шу билан ҳурсанд бўлади. Мен эса...

Фаҳр билан сўзларимни тугатдим:

– Ҳаётим ошиқлар кўзларида яширинган. Гўзаллигим улар муҳаббатининг суратидан бошқа нарса эмас. Дунё бошлангандан бери ана шу шарафни кўтариб юраман. Мен муҳаббат кўзгусиман.

Сўнг қуйлай бошладим:

Гўзаллик тожи узра гуллар ярақлаб,  
Раҳм қилур чарчаган булбул қалбига.  
Ҳуснинг-ла қалбим ақдан озиб  
Умид-ла йўл пойлар, қадаминг кутиб.

Сўнг унга айтдим:

– Кел, мен сенга фақат ўзини севган шоҳ қиссасини сўзлаб берай.

Сора “Ҳид билиш сезгисини йўқотган киши нима бўлди?” – деб сўради.

– Мен сенга аввало шоҳ қиссасини сўзлаб бераман, – дедим қатъият билан.

Сўнг ҳикоямни бошладим.

... Қадим ўтган замонда бир подшо яшаган экан. У жуда ёмон ҳам эмас, жуда яхши ҳам эмас экан.

Бир куни эрталаб туриб, ҳар йили ўз шарафига байрам ўтказишга қарор қилибди. Бу байрамда ўзининг куч-қувватини, буюклигини намойиш қилмоқчи бўлибди. Подшо ўз меҳмонларини зоҳиран ноёбликни, ботинан мағрурликни ифода этувчи бир нодир ҳодиса билан ҳайратга солмоқчи бўлибди.

Оллоҳ Таоло унинг мамлакатига дунёдаги энг аъло гуллар ўсиш неъматини берган экан. У юртининг ҳар бир бурчагидан минглаб гулларни узиб келишни буюрибди. Гулбаргларни юлиб-юлиб муаттар ҳидлар тарқатиши учун суҳбатлашиб ўтирган меҳмонларнинг бошлари узра самодан сочишни амр қилибди. Шундай қилибдилар ҳам. Гулбарглар ерга тўкилар, оёқлар остида қолиб, тупроққа қорилар ва унутиларди.

Шу ерга келганда сесканиб кетдим ва жим бўлиб қолдим.

– Бу, шубҳасиз ҳам гўзал, ҳам ачинарли ҳол, – деди Сора.

– Афсуски, шундай. Шунинг учун ҳам подшо бундай байрам кунларини янада кўпайтирган. Унинг мамлакатига байрам кунларининг ортиши билан гуллар ҳам тугай бошлаган. Шундай қилиб, Сора, гуллар муҳаббат эмас, балки кибр қурбонига айланган.

Бир куни келиб, унинг мамлакатига сеvimли инсон учун тақдим этгани бир дона ҳам гул қолмабди. Барча гуллар ва одамлар, айниқса, ошиқлар бундай йўқотиш учун мотам тутишга тўпланибдилар. Маслаҳат қилиб, қалбларга қувват бағишловчи Райҳонанинг таклифини қабул қилишга келишибдилар. Райҳона шундай таклиф киритган экан:

– Подшо, албатта, севиб қолиши керак. Мен унинг бўм-бўш қалбига қандай қилиб бундай ҳиссиёт киритишни биламан...

– Ахир бу жоду-қу! – деб гапимни бўлди Сора.

– Бу жоду эмас. Бу тақдир. Подшо севиклиси талаб этган нарсани топа олмабди.

– Демак, подшо ҳақиқатан ҳам севиб қолибди-да?

– Ҳа! Унинг маъшуқаси ундан ошиқ яхши кўрган нарса – чиройли атиргул келтиришни сўрабди. Ўзинг билганингдек, унинг қалбига муҳаббат туйғусини жо этгунга қадар юртидаги барча гуллар узиб тугатилган экан.

Вазир подшога бутун мамлакатни кезиб чиққан ва гуллар маконини биладиган бир савдогар ҳақида сўз очди...

– Кераги йўқ! Нима, бошқа гулларнинг ҳам тақдири узилишу тупроққа қоришилиш билан тугасинми...

– Бир дона! Бир дона гул! Подшо қалбини асир этган маҳбубасига бир донагина гул тақдим қилишни хоҳлабди. Вазир подшога кўнглидаги гапини айтган экан, бу гапдан хабарим йўқ деб жавоб берибди. Подшо ана шу энг ноёб гулни қидиришга қарор қилибди.

Ҳикоя шу ерга етганда уни кейинроқ давом эттириш учун Сорадан изн сўрадим. Менга жавоб бериб улгармасдан гиламнинг тўқималари ичра чиройли суратда сукунат-ла жойлашдим.

Келгуси оқшомда Сора ҳикоямнинг давомини эшитиш иштиёқи билан хонага кирди. Мени кутиб ўтирди, сўнг мудроқ босиб ухлаб қолди.

– Оҳ! Ҳақиқатан ҳам инсон боласи билан суҳбатлашиш булутлар устидан юриш кабидир. Мен бу ерда ҳикоямнинг давомини сўзлаш иштиёқида бўлсам-у, менинг азиз қизалоғим бу ерда ухлаб ўтирса!

Сора бошини кўтарди. Мен дарҳол ҳикоямни бошладим:

– У шоҳлик кийимини ечди.

Сора кўзларини ишқалаб, гапимни бўлиб мендан:

– Ким? – деб сўради.

Мен унга жавоб бермадим.

– Ким? – дея қайта сўради Сора.

Мен ажаблангандай жавоб бердим:

– Дарвоқе ким? Албатта подшо-да! У жадал ҳаракат қилиш ва маҳ-бубасининг олдига тез қайтиш учун бақувват соқчиларидан учтаси-ни ўзига ҳамроҳ қилиб олди.

Сора мендан сўради:

– Севиклисининг исми нима экан?

– Райҳона.

– У бирор нарсаси билан ажралиб турар эканми? – деб савол бе-ришда давом этди Сора. – Ёки инсон ўз севганининг бирор нарса билан ажралиб туришини талаб қиладими?

Мен унга қуйидаги ғазални қуйлаб бердим:

Эр йигитни губор, либос ўзга қилур-да,  
Қалбидан жой олган аҳд ҳамда ваъда.  
Кимки, остона тупроғин ошён этаркан,  
Дўст уйида у тупроқнинг тожи аслидир.

Шундан сўнг ҳикоямни давом эттирдим:

– Подшо довюраклик ва азму қарор билан узоқ йўл юрибди, бу вақт кўзи ажойиб бир манзарага тушибди. Яқиндаги бир тепаликда ясан-тусанли бир қиз ўтириб, оқ тортиб йиғлар экан. Подшо соқчи-лари билан қизга яқин борибди. У қиз аламдан қичқирар экан. Под-шо унга қараса, қизнинг эгнидаги либос тикандан экан.

Сора ҳикоямни бўлиб:

– Дарҳақиқат, бунчалар ноқулай кийим бўлмаса, – деди.

– Балки, чидаб бўлмас азоб кийимидир.

Подшо унга дарҳол бу азоб кийимини ечиб ташлашни буюрибди. Подшонинг амри вожиб эмасми, у шунга ўрганиб қолганди.

Қиз:

– Бундай қила олмайман. Бу кийимни еча олмайман. Негалигини сўраманг! – деди. – Билганим шуки, мен бир қуни мингта энг чи-ройли атиргулдан кийим тиктирдим. Ўша кийимни кияр эканман, менга: “Қалбларда очилмаган гуллар тиканларга айланиши керак” – деган овоз эшитилди. Шундан бери бир лаҳза ҳаловат нималигини билмайман.

Қиз яна йиғлай бошлади. Подшонинг қизга раҳми келибди. Нима қилишини билмай, боши қотибди.

– Юр биз билан. Эҳтимол, биз қидираётган нарса сенга ҳам асқо-тиб қолар, – дебди у қизга.

Қиз уларга эргашибди. Сукут сақлаб узоқ йўл юрганларидан сўнг ўткир қиррали харсанг тошлар билан қопланган бир жойга етиб ке-лишибди. Бу тошлар ой нурида ялтирар экан. Жойнинг ўзи ҳам маф-тункор бўлиб, кўрганни ўзига тортар экан.

Бироз жим туриб, сўнг сўзимда давом этдим.

Бироқ йўловчилар тонггача шу ерда қолишга қарор қилибдилар. Нарсаларини бир ерга қўйиб, уйқуга кетибдилар.

Сора ҳайратдан ирғиб туриб кетди ва:

– Кўз олдиларида шундай ажойиб манзара бўла туриб, улар қандай қилиб уйқуга кетадилар. Наҳотки уларда қизиқиш бўлмаса?! – деди.

Қизиқиш ҳаёт шайдоларини алдай олмайди. Йўл юрувчи эса ҳеч қачон йўлнинг охирига етолмайди. Лекин, азизам, сенга бир саво-

лим бор: “Агар кўзинг гўзал бир чиройли гулга тушса, нима қилган бўлардинг?” Сенинг тажовузкор қўлинг ўша гулнинг бўйнидан шафқатсизларча тутиб, куч билан узиб олиб, гулбарглари юлиб, энди очилиб келаётган ҳусни жамолини горат қилмасмиди? Сўнг кафтингдаги унинг юқига боққанча қолавермасмидинг? Бу жабр-дийда ва ҳибсга олинган хушбўй ҳиднинг сўнгги лаҳзаси бўлмасмиди? Бир лаҳза унга боқардинг-да, сўнг унутиб юборардинг. Ёки сен бу гулнинг қийғос очилишини, бор тароватини намоён қилишини, муаттар гулбарглари ичига яширган барча сир-синаоту орзуларини ошкор этишини кутармидинг?

Бу ҳикоя тинглаш одоби ҳисобланади.

Сорага қуйидагини қуйлаб бердим:

Гул мисоли бўлиб ошиқ юраги  
Ўз сирин кўксида сақлаб юради.  
Ғунча гулнинг нозик қатламларида  
Ҳар тонгда янги сир пайдо бўлади.

Сора гапимни бўлиб деди:

– Мен қаршимда ярақлаган, тиниқ далани кўрсам, фақат ухлар эдим.

Мен унинг хафа бўлганига эътибор қилмай, ҳикоямни давом эттирдим:

– Эртаси куни уларнинг рўбарўсида қуёш нури остида ярқираган биллур тошли бепоён бир майдон пайдо бўлди. Бу чарақлаган денгиз остида юз-юзлаб ранг-баранг, жилвагар гуллар жо бўлган эди. Улар гўёки баҳорнинг барча хурсандчиликларию куйлари билан нафас олаётгандай эди. Лекин ана шу ялтираган биллур тўсиқ уларни сукут сақлаб турган гуллардан ажратиб турар эди. Улар бир неча бор ана шу тўсиқни бузишга ҳаракат қилдилар, лекин фойдаси бўлмади. Улар бу эришиб бўлмайдиган гулларга етишиш учун йўл қидирар эканлар, гайбдан бир овоз келди:

– Эй юрак! Сен руҳимни бунчалар парчалаб ташлашга интилаётган арслонмисан ёки йўлбарсмисан?

– У кимнинг овози эди? – деб сўради Сора.

– У Райҳонанинг овози эди. Чарчоқ ва чанг босган овоз. Райҳона бу енгилити саҳросида ягона жангчидек бўлиб қолган, у зерикарли ҳаётдан тўйиб кетган бўлса-да, шижоаткор эди. Райҳона давом этди:

– Бу гулзор дала бахт ва қувончга тўла эди, унда турфа гуллар ўсиб яшнарди. Биз подшо ҳақидаги ривоятни тинглаганимизга қадар хавфсиз ва хотиржам эдик. Ўша подшонинг ягона ғами гулларни ўзининг кибр ва мағрурлик қуроли билан ўлдириш эди. Харобазорлар кенгайиб, бизлар ёмонлик майдонига яқинлашганимиз сайин кўрқувимиз ҳам ортиб борди. Ер бизни ўз бағрига яшириб, Оллоҳ Таоло бу балони биздан даф қилгунга қадар чиқмай туришимизни буюрди...

Ҳикоя шу ерга етганда Сора гапимни бўлиб сўради:

– Нима учун гуллар бундай ҳолга ташлаб қўйилган?

– Гуллар ташлаб қўйилгани йўқ, балки улар биллур тўсиқ ортида яшай бошлаганлар. Бу – подшо уларни шундай кўриши, кўриб надомат ва ҳасрат ҳисси унинг қалбини арслон ёки йўлбарс каби тирнаб ташлаши учун эди...

Дарҳақиқат, Райҳонадан бу гапларни эшитган подшо асл мақсад нималигини англаб етди ва йиғлай бошлади.

– Лекин Райҳона бу ерда нима қилаётган эди? – деб сўради Сора.

– Райҳона бу ерда подшони унга номаълум бўлган нарсалардан хабардор қилиш учун қолдирилган бир элчи эди. Подшо билан суҳ-

батлашган Райҳона подшо тушуниб етиши зарур бўлган ҳақиқатнинг акс садоси эди. У сафарда подшога қараши, у унутган нарсани эсига солиб туриши учун қолдирилган. Ҳақиқатан ҳам инсоннинг бир номи гафлатдир. Айтганимдек, подшо Райҳонанинг сўзларини эшитгач, кўзига ёш олди. Унинг кўз ёшлари шашқатор эди, ёшлар томиб тушган жойлардаги тўсиқ биллур мумдай эрир эди. Кўз ёшлари борган сари кўпроқ томар, биллур тўсиқ эриб, унинг остидаги гул новдаси юзага чиқар эди. Бир оздан сўнг подшо бошини кўтарди ва кўз ўнгида бус-бутун гул кўчатларини кўрди, улар ярқироқ биллур тўсиқ остидан қад кўтариб чиқиб, унинг пойида бош эгиб турар эдилар.

– Худога шукур, – дея Сора шодликдан қичқириб, чапак чала бошлади.

Афсуски, бу новдаларда биронта ҳам гул йўқ эди. Подшо ундан гул очилиб чиққунича шу ерда қолишга қарор қилди. Йиллар ўтди, подшо ҳамон новданинг гуллашини кутарди. Кўйлаги эскирди, танаши заифлашди, сочига оқ оралади, у эса ҳамон ваъдасига вафо қилиб, сабр қилар эди.

Бир куни унинг боши узра бир булбул учиб келиб сайрай бошлади:

Эй, гулим, сен учун куйлайман, ҳар тонг,  
Сен эса қилурсан менга маломат.,  
Гўёки сен учун куйлаган замон,  
Қўшигим садоси йўқ бўлур буткул.  
Муаттар ҳидларинг ошиқ ёдида,  
Унутилмас абад, йўқ бўлмас, эй гул.  
Сўнг булбул подшога деди:

– Мана, муродингга етдинг. Аммо, эй қария, сен бу гулларни маъшуканг учун излаган эдинг, аммо у ғойиб бўлди... ғойиб бўлди..

– Қачон? – деб сўради подшо.

– Тун маликаси ўз атрини сочиб, бутун зулматни хушбўй ҳидлар билан тўлдирган онда... бир неча йиллар олдин..

Подшо бу гапларни эшитиб, ўз мамлакатига қайтиш учун ҳозирлик кўра бошлади.

– Менинг мамлакатимнинг барча бурчакларида гуллар очилиши керак. Мен тун чўкқунча кутиб туролмайман.

У кошонасига қайтар экан, ҳақиқатан ҳам унинг мамлакатининг барча бурчаклари гуллар билан қоплаганини кўрди.

Мен шу ерда куйлай бошладим:

Дамашқ гул гунчаси очилган замон,  
Борлиқ хусн-жамоли куйлар безабон.  
Тун зулмати кетар бу ошиёндан,  
Тангрим яратгани муборак бўлсин.

– Нима? Нима демоқчисан? – деб сўради Сора, гапимни бўлиб.

– Деганимни дедим. Ёки бошқача қилиб, булбул тили билан айтганда, подшо гуллашини кутган новда ўша кеча гуллайдиган эди. Подшонинг севгилисидан Райҳонага келтириш учун гул излаб чиққан эди... у эса бир неча йилларга ҳаётдан ғойиб бўлган эди.

Сора деди:

– Қанчалар бахтсизлик!

– Йўқ! Сен бундай бетоқат, бесабр бўлмаслигинг керак! Подшо ўз тақдирига рози бўлди.

Мен унга алам билан куйлай бошладим:

Рози бўл Тангринг ёзган қисматингга.  
Туришинг пайдо бўлди, йўқдир бунда ниҳоя.  
Омад келиб, эшигидан бир қиё боқсанг  
Асир бўлиб қолурсан, бошқа кўринмас.

Сора подшонинг қисматидан афсус чеккач, мен унга:  
– Сен тикандан кийим кийган қиз ҳақида сўрамадинг-ку! – дедим.  
Мен унга атайлаб подшо қиссасини ўйламаслиги учун қиз ҳақида  
эслатдимки, зора унинг фикри шу билан чалғиса.

Шунда у қизиқсиниб:

– Унга нима бўлди? – деди кўрқув аралаш.

– Ғамгин қиз узоқ кутди. Подшони ташлаб кетолмас эди. Новда  
ҳадеганда гуллайвермагач, у кетишга рухсат сўради. Подшо унга рух-  
сат берди ва хайрлашди. Қизнинг фироғидан дили маҳзун бўлди. Қиз  
кетди. Эҳтимол, у ўзини азобдан халос этиш йўлини ўзи топар. У ба-  
мисоли ожиз капалакдек қалтирар эди-ю, сабр қилмаса ва чидамаса  
бўлмас эди. Ҳар бир чорраҳада Худодан ғамини аритишни тилар эди.

Кунлар ўтди, тунлар ўтди, у эса ёлғиз кетар эди. У шу алпозда  
кешиб борар экан, бир пайт кўринишидан эски бир қудуққа дуч кел-  
ди. Қудуқ олдига келиб қараса, унинг четида бир арқон осилиб ту-  
рибди, нариги учи қудуқ ичида кўринмас эди. У беихтиёр арқонни  
қўлига олиб, торта бошлади, арқоннинг учидан бир тугун бўлиб, ту-  
гунда қимматбаҳо биллур тош бор эди. У тугунни ечиб, биллурни  
бўйнига тақмоқчи бўлди, лекин эгнида тикан кийим борлиги учун  
уддалай олмади. Сўнг манглайига тақмоқчи бўлди. Биллур пешонаси-  
га узукка кўз қўйгандай ярашиб тушди. Кейин қиз бу жойни тарк  
этиб, йўлида давом этди. У кетиб борар экан, қулоғига гулларнинг  
шивирлагани чалинди:

Бечораман дея нола қилурсан,  
Еру кўк сеники, юлдуз сеники.  
Гулзорлар, далалар, гуллар сеники.  
Муаттар ҳидларни элтувчи  
Шаббода сеники, тунлар сеники.

Қиз булут тўла осмонга боқди, айёр қочқиндек, булутларни алдаб  
ўтиб, ерга инаётган қуёш нурлари кўринди.

Қиз самога шундай боқиб турар экан, булут қоқ иккига бўлиниб,  
улар орасидан ўтган порлоқ нур унинг манглайидаги биллурда акс  
этди ва у жуда кучли чарақлади. Бу чарақлаш қизнинг кўзларини  
қамаштириб юборди ва у ҳеч нарсани кўрмай қолди. Шу лаҳзанинг  
ўзида устидаги тикан кийим баданидан кулдек тўкилиб, ерга тушди.  
Унинг бадани атиргул япроқларидан бўлган муаттар нафис либосга  
бурканди. Либос қизнинг чарчоқ баданини оҳиста ўраб олди.

Қиз жилмайди. Янги кийимини аста-аста силай бошлади. Хурсанд-  
чилигидан ва роҳатланганидан буюк йўқотишини сезмади.

Соранинг кўзларида ғамгинлик пайдо бўлиб, сўради:

– У кўр бўлиб қолганини билганда нима қилди?

– Нима ҳам қила олар эди?

Қиз йўлида давом этди. У йўлни қадам босиб ҳис қилар экан, бир  
сеҳрли най овози қулоғига чалинди, у бундай куйни ҳеч қачон эшит-  
маган эди. У овоз келаётган томонга қараб юрди ва бир йигитнинг  
олдида тўхтади, лекин у йигитни кўра олмас эди. У найни қўйиб,  
қизнинг қўлидан ушлади ва сўради.

– Сен йўлингни йўқотдингми, эй гўзал?

– Сен “Йўлингни қачон йўқотдинг?” деб сўрагин. Раҳм-шафқат менинг сарсон-саргардонлигимда, бироқ ҳеч қандай оғриқсиз. Илтимос, куйингни давом эттир!

Чўпон қиздан сўради:

– Нега бундай ғаройиб кийим кийиб олгансан?

– Бу менинг кийимим эмас, шунингдек, менинг кўришим ҳам, омонат нур ҳам меники эмас. Бу кийим меники эмас, мен уни эгасига қайтаришим керак.

– Эгаси ким?

– Эҳтимол, заминга. Мен ҳаётни ўйин деб билибман. Баъзан ўзимнинг, баъзан дугонам Нуроннинг ҳаётини оёқ ости қилдим. Биринчи сафар билмасдан, иккинчи сафар эса ҳасад туфайли шундай қилдим.

Чўпон эшитилар-эшитилмас шивирлаб деди:

– Нурон қандай гўзал исм. – Сўнг у бошини ғамгин қуйи туширди.

Қиз ҳикоясини давом эттирди:

– Дугонам ошиқ бўлиб қолган эди. Унинг севиклиси чўпон эди. У уругини шамол қаерга учуриб борса, ўша ерда униб-ўсадиган эркин сахро гули сингари озод кезиб юрар эди. Жаҳонгашталиқ қилиб юриб, маҳбубасига шеърлар куйлар, у водийларда акс садо берар эди. Дугонамнинг етти рашкчи акаси ва ҳасадгўй дугонаси бор эди.

Қиз ҳикоясини тугатишдан олдин чуқур, аламли нафас олди:

– Бир куни дугонам менга ўз севгилисига тоза гулоб солинган шиша идишни бир хат битилган дастрўмолга ўраб юборишини айтди.

Сен доим менинг сўзимни бўлганинг каби тўсатдан чўпон қизнинг сўзини бўлди:

Қизгонаман сени, азизим,  
Ўзимдан, ҳатто кўзларимдан ҳам  
Рашк қилурман сени турган жойингдан,  
Сенинг билан ўтур кечаю кундузингдан ҳам.  
Ғар авайлаб, сени яширсам, ишонмасман  
Ҳатто ўзимнинг кўзларимга ҳам.

– Мен бу ҳикояни жуда яхши биламан, – дея қиз бошлаган ҳикоясини давом эттирди. – Ҳасадгўй дугонаси қизнинг акаларига у ва чўпоннинг муҳаббати (қанчалик мусаффо бўлишига қарамай) хабар қилганида, акалари қаттиқ ғазабга миндилар ва чўпонни қизнинг уйи ёнидаги эски қудуққа ташлаб юбордилар. У қудуқ ичида узоқ йиллар қолиб кетди. Қизга бир бало бўлмасин деб, уни отини айтиб чақира олмас эди. Бироқ қизнинг йигиси қулоғига бемалол эшитилиб турарди. У ҳам қизнинг ғамига ғамдош бўлар эди. Ҳаёт фақат ғам чечаклари ўсиб-унадиган бўстонга айланиб қолганди.

Бир куни қизга унинг йигиси эшитилмай қолди. У севгилимга бирор нарса бўлдимикан, деб қаттиқ хавотирлана бошлади. Тобора ваҳм чулғаб, хавотири ортаверди. Охири ҳафсаласи пир бўлиб, севгилсидан бутунлай айрилганига амин бўлди...

Кунларнинг бирида уни қудуқдан чиқариб олишди, у йиғлайверганидан кўр бўлиб қолганди. Қалбидаги муҳаббат ғазабга айланиб, сал бўлмаса ғазаб алангасида куйиб, кул бўлаёзди.

Мен шу ерда Сорага қуйидагиларни куйлай бошладим:

Умидимиз асоси орзу хаёли,  
Орзу, хаёл эса замон умиди.  
Асосидир унинг майин тупроқлар,  
Таянч бўлур унга ҳаводаги япроқлар...

– Эй Сора, меҳрибон суҳбатдоши ким эканини билганда қиз қанчалар даҳшатга тушганини биласанми?

– Сен? – деди қиз сабрсизлик билан. – Мен зулм қилган ўша чўпонмисан?

– ... Ҳа, мен ўша чўпонман. Лекин қалбимни лойқалатган барча дарддан халос бўлдим, барча қайғу аламдан қутулдим.

Қиз ғам-алам ва хижолатдан калаванинг учини йўқотиб қўйганди.

– Энди нима қиламиз? – сўради у.

– Кел, ҳозир Соя бекасининг олдига борайлик. Модомики, соялар қўйнида яшар экансан, сафаринг машаққатларидан қутулиш йўли топилиб қолар.

Улар узоқ йўл юрдилар. Соялар бекасини излаб, улқан тоғлардан, чуқур водийлардан, дашту биёбонлардан ўтдилар. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар. Одамлар қадамидан гуллар унадиган қиз ҳақида гапира бошладилар. У босиб ўтган йўлдан гуллар очилаётгани ҳақидаги гаплар одамлар оғзидан тушмас эди. Бироқ юрган йўлида қолдираётган гўзалликни қизнинг ўзи кўрмас эди.

– Қандай бахтсизлик! – деди Сора.

– Гўзаллик яратилаётган пайтда ғамгинлик бўлмайди. Сен боғда тинмай меҳнат қилаётган, экаётган ва суғораётган кимса ҳақида ўйламайсанми? У эккан уруғларининг гўзал ва мукамал бўлиб ўсишини кўрмаслигини биледи. У эккан кўчатларининг гуллашидан завқланиб бахтиёр бўла олмаслигини ҳам биледи.

Сўнг қуйидагиларни ҳикоя қилдим:

Гуллаётган гулларга қарамадинми?  
Япроқлари булут, гўзаллиги хушбўй ҳид.  
Муҳаббатни эҳтиёт қил, ғамгинликни унут!  
Раббингнинг раҳмати гулларда ялтирайди!

\* \* \*

Улар излаб-излаб охири Соялар бекасининг масканига етиб келдилар ва ичкарига қадам қўйдилар. Бека буюк бир дастгоҳ олдида ўтирарди, эгнига қизил хина рангидаги кийим кийган, кийими бутун хонани деярли тўлдириб турарди, ўзи эса ишига қаттиқ берилиб кетганди. Чўпон унинг кимлиги ҳақида ўйлар эди: “У ҳақиқатан ҳам биз қидириб юрган зотмикан?” Соялар бекаси дастгоҳда бир нур ипи билан бир соя ипини қўшиб тўқир, бармоқлари жуда енгил ва маҳорат билан ҳаракат қилар эди. Тўқиган нарсаи яхлит мужассамликни ташкил этарди-да, сўнг ҳавода туман каби тарқалиб кетар эди.

Соялар бекаси улар томон қараб деди:

– Ҳар нарсага қўшиладиган, ёпишадиган, ошкору ниҳоннинг эги-заги нима?

Қиз бироз ўйланиб туриб жавоб берди:

– У нурдир, эй бекам!

– Нурга ёпишадиган нарса нима?

– У ҳаводир, бекам!

– Ҳавога ёпишадиган нарса нима?

– У замондир, бекам!

– Замонга ёпишадиган нарса нима?

– У тақдирдир, бекам! – жавоб берди қиз.

– Тақдирга ёпишадиган нарса нима?

Қиз шу ерга келганда тутилиб қолди, ҳар қанча уринмасин, фойдаси бўлмади, тўғри жавоб тополмади. Чўпон қизга деди:

– Энди бу ердан кетайлик. Модомики бизга Соялар бекаси ёрдам беролмас экан, биз Овозлар бекасини қидириб топишимиз керак. У саҳронинг нариги томонида яшайди. Эҳтимол, у жонимизга ора кирар.



Шунда ҳалигача жим ўтирган Сорадан сўрадим:

– Сенга нима бўлди, Сора? Нега жимсан? Гапимни бўлмаясан, саволлар бермаяпсан?

Қиз бу ёғи нима бўлар экан деган андишани яширишга ҳаракат қилиб, жавоб берди:

– Ўзинг айтганингдек, ҳикоянгни тинглаб ўтиришга, унинг ниҳоясини кутишга, маромини бузиб юбормасликка қарор қилдим.

Мен жилмайиб дедим:

– Демак, сен билан суҳбатлашиш булутларга хат ёзган каби эмас экан.

Сўнг ҳикоямни давом эттирдим.

– Қиз ва чўпон йўл юриб-юриб, бир вақт қум денгизи каби поён-сиз бир кенгликка дуч келдилар. Қуёш бутун саҳрони тилларангга бўяган бир томчи кўз ёшидек ботиб кетар эди.

Қум тоғлари ўз маҳобатини намойиш қилиш учун бир юқорига кўтарилар, бир пастга тушар эди. Бу чиндан жозибатор манзара эди. Чўпон бамисоли тутқич бермаётган қумликларга боқар экан, саҳро у билан ўйнашаётгандай туюлар эди. Чўпон ўз атрофида саҳро мавж-лантираётган расмларга етишга ҳаракат қилди-ю, лекин уддасидан чиқа олмади. У эса тоғ каби сокин эди.

Бундан ҳафсаласи пир бўлай деганда Овозлар бекасининг шарпаси сезилди. У мана шу буюк шакллар орасида ўз иши билан банд эди. У Овозлар бекасига яқинлашгач, атрофини қуршаб олган қудуқларни кўрди, уларда кенг нарвонлар бўлиб, Овозлар бекаси нарвонлардан дам-бадам тушиб чиқар эди.

Овозлар бекаси орқамдан юринглар дегандек ишора қилди ва бир қудуққа туша бошлади. Бу қудуқлар ичида энг каттаси эди. Қудуққа туша бошлашган заҳоти унинг қаъридан даҳшатли тўфон овози қулоқларига чалинди. Улар таққа тўхташди, тўфон овози ўрнини бирданига нафис баҳор шабодасининг овози эгаллади. Шундан сўнг ёмғир овози эшитилди. Сўнг чақмоқлар чақиб, момақалдироқ гумбурлади, қирғоғига урилган сув овози, тоғ шалолаларининг шовуллаши, сўнг кичик ариқчалардаги сувнинг жилдираши, денгиз мавжларининг шовуллаши, кейин дарахтларнинг шитирлагани, ўсимликларнинг ерни ёриб чиққани, майсаларнинг ўсиб, уруғларнинг куртаклаган, гулларнинг очилган, ҳатто галактикаларнинг унсиз чақирган овозини, сайёраларнинг тортишишларию юлдузларнинг суҳбатларини, табиатдаги барча-барча овозларни эшитдилар. У ерда бошқа қудуқлар ҳам бўлиб, уларда қушларнинг, ёввойи ҳайвонларнинг, балиқларнинг, ҳашаротларнинг, ҳатто тошлар ва харсангларнинг овозлари қулоқларига келиб урилди.

Шундан сўнг Овозлар бекаси уларни кичикроқ, лекин янада чуқурроқ қудуққа бошлади. Унда инсоният яратилганидан буён мавжуд бўлган одамларнинг овозлари бор эди. Унинг остида мана шу барча ер остида абадийлик сўзларидан иборат дарёлар бор эди. Ва, ниҳоят Овозлар бекаси улар икковини улкан бир горга олиб кирди. У горга кирверишда тошдан йўнилган иккита катта-катта тошбақа ҳайкали турарди.

Овозлар бекаси деди:

– Бу ерда сукут қудуғи бор. Оламлар ва коинотларнинг сукути, айтиш мумкин бўлмаган барча нарсаларнинг сукути, айтилмайдиган сўзларнинг, эшитилмаган сирларнинг сукути, юракларнинг танишуви сукути, қалбларнинг суҳбатлашуви сукути, баъзан сукут оҳангларини ҳар қандай овоз ҳам ифода этишдан ожиздир.

Шунда Овозлар бекаси биздан сўраб қолди:

– Сизлар сукут сақлашни яхши кўрган қария қиссасини эшитганмисиз?

Чўпон Овозлар бекасига қаради. Овозлар бекаси бошига қора ва кўк рангли салла ўраётганини кўрдилар. Боши узра кўкдан яшилга, тилла рангдан қумуш рангга айланувчи, баъзан шафақ, баъзан тун рангига айланувчи, ранглари ўзгариб турувчи ҳалқа порлаб турарди.

Бека бошидаги гаройиб чамбаракни қўлига олди, чамбарак доира шаклида айланиб турарди, овозлар бекаси уни қудуққа ташлаб юборди. Чамбарак гўё ўргимчак тўри каби ёйилди. Бека унинг бир томонидаги ипдан ушлаб тортди. Бу нозик тўр қудуқ қоронғулигидан овоз чиқара бошлади. Сўнг Овоз бекаси сўради:

– Эшитяпсизларми, у куйлаяпти.

Чўпон ва қиз сўради:

– Қанақа куйни?

– Сукут сақлашни яхши кўрган қариянинг овозини.

– Қанақа мазмунда экан?

– Баъзан биз ўзимизга кимдир ёмонлик қилмасин деб, у билан кўрққанимиздан дўстлашамиз.

Сўнг Овозлар бекаси ўз қиссасини бошлади:

– Аллақандай замонда, аллақандай маконда сукут сақлашни яхши кўрган киши яшаган экан. Ўша киши қум зарраларини учириб юрувчи саҳро шаббодасини кузатиб ўтирар экан. Қум зарралари бири иккинчисининг устидан майин ва оҳиста сакраб ўтар, гўё саҳро ўз бағрида дайди шаббоданинг оҳангларига монанд тебранаётгандай туюларди-ю, бироқ у аслида сукут сақловчининг рақси эди. Қария саҳронинг ҳаракатларини шу тариқа сукут ичида томоша қилиб ўтиришга ўрганиб қолган эди. Бу киши бутунлай тарки дунё қилган бўлиб, ҳеч ким билан борди-келди қилмасликка қасам ичган эди.

У одамларнинг ғам-ташвишларига нафрат билан қарарди. Муҳаббат, айрилиқ, иштиёқ каби ҳиссиётларни аллақачон унутиб юборган эди. У, шунингдек, ям-яшил, ҳилпироқ боши кўкка етгудай кеккайган ана шу дарахтнинг жонга тегувчи ортиқча шитирлашини ёмон кўриб қолган эди.

Бироқ уни ўраб турган саҳройи дарахтларнинг шохлари қинғирқийшиқ, куёшда куйган, япроқлари тиканли эди, илдизлари эса ҳаёт қатраларини излаганча ер қаърида тарвақайлар, гўё Яратганга ўзларининг хунукликларини шу йўл билан намойиш қилмоқчидай. “Эй Раббим, Ўзинг кечирувчисан! Эътиқодим чинлиги ана шу нуқсон учун шафеъ бўлсин!” деяётгандек бўлаверарди.

Қария: “Мен тошман!” – деди. Ўз қувватини билдирган ана шу фикр уни бахтиёр этди. Тақир, ҳосилсиз водийларда сочилиб ётган тошларга боқиб жилмайди-да, ўзича ўйлади: “Булар унутилган кўз ёшларидир. Тоғлар эса ер юзида қотиб қолган ғам-аламларнинг аксидир”.

Бир куни қария самога боқаркан, учиб юрган бургутга кўзи тушди. У ҳавода равон бир сеҳрли йўл чизар эди. Қария бу бургутнинг парвозини ҳар куни кузатарди. Кейин эса ўзига эътибор қаратмайдиган чарчоқ ва етук ёшдагиларнинг овози билан куйлай берди, куйлай берди. Осмондаги қуш эса булутлар ва нурлараро бир гўзал шаклда парвоз қилар эди. У шундай равон айланар эдики, унинг ортидан ундан-да равонроқ йўл пайдо бўлар эди.

Гўёки ундан бироз олдин пайдо бўлган гўзаллик лаҳзасини абадий йўқ қилиб юборар ва унинг олдида мукамал бир гўзаллик пайдо бўлар эди.

У киши бахт-саодатни ҳис қила бошлади. У узоқдаги дўстига боқар ва уни ҳар куни кутар эди. Қарияни, қушни ва қайғуни эслатадиган йиллар қаторлашиб ўтаверди.

Овозлар бекаси ўз қиссасини шу ерда яқунлади. Бошини саракла-тиб деди:

– Энди икковингиз кетишингиз керак. Оллоҳ сизларни бирлаш-тирганига шукур қилинглар.

Чўпон ва қиз унга раҳмат айтиб кетди-ю, бироқ бу меҳрибон бе-канинг сукут сақлашни яхши кўрган қария ҳақидаги қиссани сўзлаб беришдан мақсади нима эканини тушуна олмадилар.

Сукут сақлай олмаган Сора гапимни бўлди:

– Мен ҳам тушунмадим.

Мен жавобан дедим:

– Ҳақ – бу биз ҳаммамиз яшашимиз керак бўлган жой. Тўғрилиқ эса мавҳумликлар қамоғида урилишдан сизни қутқаради.

Сўнг қуйидагини қўйлаб бердим:

Қиз ризосин олган заҳотинг, ажралмагин ундан ҳеч бир он,  
Мусофирлик йўлларин унут, кетма асло қайтаман дебон.

Шундан сўнг ҳикоямни давом эттирдим:

– Иккала йўловчи дарахтзордан иборат бир воҳага етиб келгун-ларича анча вақт ўтди. Саҳрода узоқ вақт юрганларидан сўнг бу илоҳий водийни кўриб жуда суюнишди. Чарчоқларини чиқариш учун водий ичига қадам қўйдилар. Муъжазгина, жимжима қилиб турган ҳовуз ёнига ўтирдилар. Ҳовуз шу қадар сокин эдики, буни кўриб чўпон, агар унга тегиб кетса, сатҳи шишадай синса керак деб ўйлади. Ҳовуз узра бир қуш айланиб учиб юрар эди. У самога шу қадар баланд кўтарилардики, кўзга кўринмай қоларди. Сўнг шиддат билан пастга шўнғиб, сувга тегай-тегай дер эди. Лекин у сув сатҳига тегмас эди. Шу тариқа ўзининг сувдаги акси билан ўйнар эди.

Чўпон қушнинг хаёлий ўйинини узоқ томоша қилди. У кўрганла-рини қизга ҳикоя қилиб берарди. Қиз чўпоннинг сўзларини тинглаб, у айтган манзарани кўролмагани боис ҳис қилиш учун қўлларини чўзиб, ҳовуздаги сув сатҳига тегизди.

Қизнинг нозик бармоқлари сувга тегиши ҳамон сув мавжланиб кетди. Мавж аввалига доиралар шаклида кўзгалди. Сўнг жўшиб қай-наётгандай бўлди. Қуш тўсатдин ғойиб бўлди. Осмондан момақалди-роққа ўхшаган овоз келди:

– Сизлар сувимнинг тинчини буздингизлар. Парвозимга халақит бердингизлар. Энди шу воҳадаги барча дарахтларни санаб чиқмагун-ларингизча бу ердан чиқиб кетолмайсизлар.

Чўпон ва қиз воҳадаги дарахтлардан бири ёнида юракларини ҳовуч-лаб туриб қолишди. Бироздан сўнг сал ўзларига келгач, чўпон деди:

– Энди санашни бошламасак бўлмайди.

Шундай қилиб улар дарахтларни санай кетдилар. Улар санашни тугатай деганларида яна адашиб кетар ва яна бошқатдан бошлар эди-лар. Шу тариқа уч кеча-ю уч кундуз дарахтларни санашдию, аммо саноғига ета олишмади.

– Биз шу ерда қолишга маҳкум этилибмиз.

Бир неча кун олдин уларга ҳузур-ҳаловатдек туюлган жой зин-донга айланиб қолгандай эди. Улар бу ердан қочишни ўйлай бош-лашди.

Қиз йиғлаб деди:

– Бундай кўргиликка мубтало бўлишимизга мен сабабчиман.

Бир неча кундан сўнг, қиз яна деди:

– Бунда менинг айбим йўқ.

– Бунда ҳеч ким айбдор эмас, балки тақдиримизга шу ёзилган.

Шу кеча қиз ухлаб қолди ва тушида Овозлар бекасини кўрди. У шундай дер эди:

– Эй содда қиз, сизлар соялар ўйини қандайлигидан беҳабар экан-сизлар. Дарахтларни неча марта санаб чиқдингизлар? Ундан кўра воҳадан чиқиб кетганларингиз яхши эмасми? Ё юракларингиз дов бермаяптими? Ҳар бир бор ва йўқ нарсага доим ёнма-ён бўлиши сабабини тўлиқ тушуниб етганларингиз йўқ.

Қиз ўзига келиб, чўпонга кўрган тушини гапириб берди. Чўпон унга шу ерда тура туришини айтиб, ташқарига чиқди ва эҳтиёткорлик билан қадам ташлай бошлади. Сўнг яна қизнинг олдига қайтиб келди-да, деди:

– Соялар бекаси ҳақ экан. Бизни кўрқув кўр қилиб қўйган экан. Мен шу ерда Сорани алқаб куйлай бошладим:

Йиллар ўтар, қалбим менинг изтироб чекиб,  
Ҳар ёқларда маъшуқасин излаб юрарди.  
Ўз бағрида яширинган бул хазинани  
Қалб англамай, шу онгача билмай юрарди.

Кейин улар унча чуқур бўлмаган кенг дарё бўйига келдилар ва дарёдан ўтиш учун Оллоҳдан мадад сўраб, сув устидан юриб кетишди. Улар йўқотган буюк нарсалар узларига аста-секин аён бўла бошлади. Дарё уларни ажойиб бир водийга бошлаб келди. Бу водийни чор атрофдан улугвор тоғлар ўраб турар, тоғлардан эса ранг-баранг турфа балиқларга тўла биллур ирмоқлар оқиб тушар эди. Улар юриб-юриб водийнинг қийғос гуллаб турган бодом дарахти бор жойига етиб келдилар. Гўёки биллур ирмоқлар ва бодом дарахтлари оппоқ либос кийгандай, қуёш нурида ялт-ялт қилар, тоза ҳаво ва мусаффо сувдан водий янада тароватлироқ кўриниб кетарди.

Чўпон водийга ҳайрат билан қараб турар экан, қиз сўз қотди:

– Сен ҳам мен эшитаётган нарсаларни эшитяпсанми?

– Ҳа, – деб жавоб берди чўпон.

– Менинг ортимдан юр, – деди қиз.

Чўпон қиз ортидан юрди, улар овоз келаётган жойга келдилар. Бу нимадир тортаётган тегирмоннинг овози эди.

– Бу нима? – қичқириб сўради чўпон.

Қиз хавотирланиб сўради.

– Нимани кўряпсан?

– Бир маймунни кўряпман.

– Маймунни? – ҳайрон бўлиб қайта сўради қиз.

– Ҳа. Бир маймун катта бир тегирмон олдида ўтириб, уни аста-аста юргизиб турибди. Тегирмондан эса ялтироқ чанг булутлари тушмоқда. Тегирмоннинг иккала тоши орасидан эса турфа рангда сокин чақмоқлар чақарди.

Тегирмон эгаси маймун эса бир нохуш тарзда қўшиқ куйларди...

Сен билишни хоҳлаб изласанг,  
Учратурсан турфа одамлар,  
Баъзилари тилла бошлардир,  
Баъзилари қора тошлардан,  
Улар ичра нодир гавҳарлар,  
Тилла конларида ёруғ нур сочар

\* \* \*

Тегирмон тоши айланиб гирён  
Жаннат шаббодасин чиқарур ҳарён.

У қўшиқ куйлар ва бўғим суяклари бўртиб турган нозик қўллари билан тошни айлантитарди. У ўз иши билан овора экан, чўпон деди:

– Қара!

У қўлидаги бир ҳовуч жавоҳирни тегирмон дўлига ташлади. Сўнг турли ҳақиқий ва ҳаёлий рангдаги жавоҳирлар солинган халтани олиб, чўпонга узатаркан, деди:

– Мана буни Тарозилар соҳибига бер.

Сўнг жилмайиб, тегирмон тошини айлантириб, жавоҳирларни тортишда давом этди.

Қиз ундан сўради:

– Куйлаётганингнинг маъноси нима?

– Кел, яхшиси, мен сендан ўзингни қандай кўраётганингни сўрай: нур – қалбли гавҳарми ёки ялтироқ губорми? Биринчиси, жаннат шаббодаларининг эсишидан бошқа нарса эмас. Иккинчиси эса ҳаёт оқими устидаги кўпикдир. Бу дунё орзулари мўл, охираат орзулари эса жозибдир. Сен менга ўз орзуларингни гапириб бер, мен бир мириқиб кулай. Орзулар губорли умрларимизга шодлик бағишлаш учун қуёш қалбидан тўкиладиган нур зарраларидан бошқа нарса эмас. Мени жилвадор орзуларинг уммонига олиб кет, токи қамалиб ётган қайғуларингни озод қилиб юборганимда, осмон қанчалар гўзалликка тўлишини билай.

Шунда қиз ундан сўради:

– Қани, айтинг-чи, ҳар бир бор ва йўқ нарсага эгизаклик ёрлиғи ёпиштирилган нарса нима?

Маймун кулиб, масхара қилгандай жавоб берди:

– Сен бўлар-бўлмас нарсаларни айтиб, мени имтиҳон қилияпсан, чоғи?

– Сен айтган нарса – исм.

Чўпон деди:

– Демак, исм ҳар бир нарсага ёпиштирилган ва унинг эгизаги.

– Исм! – дея такрорлади қиз.

Бир оз сукут сақлаб, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, чўпон деди:

– Энди биз Тарозилар соҳибини қидиришимиз керак.

Сўнг тегирмон соҳибига мурожаат қилиб:

– Унинг қаердалигини айтолмайсизми? – деди.

Маймун кафтларини очиб, бир пуфлади. Ундан кичкина бир қушча учиб чиқди. Маймун қушчага ишора қилиб деди:

– Сизлар унинг кетидан боринглар, у сизларни Тарозилар соҳибига ҳузурига бошлаб боради.

\* \* \*

Тарозилар соҳибининг катта қалъаси бўлиб, у ерда одамзодга маълум ва номаълум бўлган барча мезонлар ва ўлчовлар турлари жамланган эди. Баъзилари шамолда тебраниб енгил садо таратар эди. Баъзилари эса бир хил маромда гоҳ ўннга, гоҳ чапга оғар, яна бошқалари сукунат ва вазминлик билан қимирлар эди. Бу қалъада эса ҳеч қандай эшик йўқ эди. Чўпон унга кириш йўлини ахтарар, лекин ҳадеганда топа олмаётган эди.

У Тарозилар соҳибини чақирди, ҳеч ким жавоб бермади. Бир вақт қулоқларига “Сизлар кеч қолдиларингиз” деган овоз чалинди.

Сўнг қалъа худди катта китоб сингари икки томонга қараб очилди.

Қалъа чинданам буюк китоб эди. Шунда Тарозилар соҳиби дарвозанинг иккала табақаси орасидан ўтиб, тезлик билан уларга пешвоз чиқди-да, деди:

— Мен сизларни кутаётган эдим. Мен Тарозилар соҳибиман. Мен нарсаларни ўлчаб, тортмайман. Инсонлар мезонларни унутиб қўймасликлари учун уларни сақлаб тураман. Мен замон ва вақт ўлчовини топдим, узунлик ўлчовини топдим. Ҳиссиётлар ва ёқтиришлар, лаззатлар ва қайғу-аламлар ўлчовини топдим. Шунингдек, чуқурлик, узоқлик ва яқинлик, баландлик ва оғирлик, ўйлар ва орзулар, хоҳишлар ва қўрқинчлар ўлчовларини топдим. Ҳар бир насланинг ўз ўлчови бор. Бироқ, афсуски, мен икки нарса — имон ва муҳаббатнинг ўлчовини топа олмадим. Сизлар менга бунинг сабабини айта оласизларми? Мен ўз вақтим бошлангандан буён у иккисини қидиришдан чарчаганим йўқ, бироқ ҳеч қандай фойдаси бўлмапти.

— Эҳтимол, уларнинг ўлчови йўқдир, — деди қиз. — Муҳаббат ва имон билинади, лекин ўлчанмайди. Уларни фақат вақти ўтганлигини билгангина топа олади.

— Бу тарозилар қачон ишлаб чиқилган? — деб сўради чўпон.

— Тарозилар мендан олдин ишлаб чиқилган. Вақтнинг ҳам ўз мезони бор. Мендан олдин кўплар келиб кетган ва мендан кейин ҳам кўплар келиб кетади.

Чўпон Тарозилар соҳибига жавоҳирлар солинган халтачани узатиб:

— Тегирмон соҳиби Сизга шуни бериб қўйишимни сўраган эди, — деди.

Тарозилар соҳиби халтани кўриб, бир нарсани тушунгандай, бошини силкитди-да, меҳмон уларга қараб:

— Ортимдан юринглар, — деди. — Мен сизларга сўзлар бўстонини кўрсатай.

У шитоб билан қалъага кириб, кичик бир эшик олдида тўхтади, у ердан тилла калитни олди ва эшикни очди. Ичкарига қадам қўяркан, нукул такрорлар эди:

— Сўзлар... сўзлар... сўзлар... Сўзларни айтиш ва талаффуз қилиш осон. Инсониятнинг алам ва орзуларини ифода этувчи товушлар сираси. Эҳтимол, сизлар уларни мен билганчалик кўра олмадизлар. Сўзлар эшитилганда ўлмайди. У унутилади, яхши маънода яна мангуликка тирилади.

У бошини қимирлатиб қўйди-да, гапини давом эттирди:

— Оллоҳ Таоло ўзининг буюклиги ва марҳамати билан бизга исм берган. Унинг товушларини излаб, умримизни ўтказишимиз учун шундай қилган у. Биз унинг абадийлик урғуларини тутиб олиш, унинг гўзаллигидан қулоқларимизни баҳраманд қилиш учун ўткинчи қулоқларимизни динг тутамиз ва яшаймиз.

Зина охирига келгач, нариги учидан ёруғлик кўриниб турган ерости йўли олдида тўхтадилар. Бу жойдан ўтиб, ажойиб бир боққа дуч келдилар. Улар ер юзида бундай боғ борлигини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Уни соф асал каби тилларанг иссиқ нур ўраб турар ва ундан муаттар ҳид таралар эди. У ердаги дарахтлар ҳам оддий дарахтлар эмас эди. Уларнинг япроқлари гўёки тенгсиз чиройга эга сермавж яшил сувдан иборат эди. Ундан турли соялар тушиб турар, бу соялар ёруғликни яширмас, балки янада порлоқ қилиб юборар эди. Бу ерда гўёки нафис ипак мато каби ер юзига соялар тўшалган, ер эса гўё тилларанг гулчамбарларга чирмалгандек эди.

Ана шу дарахтлардан бирининг тагида қиз тиз чўкиб ўтирди. Чарчоқдан толган оёқлари бўстон тупроғига теккан заҳоти қизга кўриш бахти қайтиб берилган эди. У тилла дарахт сояси остида жон бериш учун ўтирган эди...

У ўзининг борлигини ҳис қилмай, атрофдаги гўзалликка маҳдиё бўлиб ўтирар экан, бирдан осмондан бир япроқ тушди. Бу япроқ ҳақиқий гўзаллик тимсоли бўлиб, у жаннатдан чиқиб, тўғри унинг кучоғига келиб тушган эди. Бу ягона япроқ шу қадар жозибадор эдики, унинг олдида теварак-атроф ўзининг барча гуллари, дарахтлари ва соялари билан мислсиз бўлган ўз ҳуснини йўқотган эди. Бу чиройли бўстон япроқ олдида бир соядек бўлиб қолди.

Шу лаҳзада қизнинг кўнглига “Шундай гўзалликни кўрмаган кўзнинг кимга ҳам кераги бор?” деган фикр келди. Руҳи буни кўтара олмай, осмондан тушган япроқ чизиб берган муаттар йўл сари отланди. Унинг жасади эса қотиб, ер уни ўз бағрига қайтаришини кутиб хотиржам қолди. Тўсатдан уфқ чарақлаб кетди. Нурлар ерга олмос ёмғир каби урилар эди. Чўпон қизни қидириб атрофга кўз югуртирди, қиздан ном-нишон йўқ эди. Сўнг тилларанг дарахт тагида унинг жасадини кўрди. Олмос нурлари уни азбаройи чулғаб олганидан қиз қўйлаги барининг бир четигина кўриниб турар эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг ярқираётган бари ҳам кўздан йўқолди. Йигитнинг хотирасида шундан бошқа ҳеч нарса қолмади.

Мен ҳўнграб йиғлаб, кўшиқ айта бошладим:

Тақдирга тан бериб қўйдим ёнига бошим  
Либосдек устимга ёпилиб муаттар ғубор,  
Атиргул ҳидлари анқиди беор.  
Ернинг ғубори ёпинчиғ бўлди, шу замон  
Муҳаббат тарк этди, танни эса жон.

Қиздан айрилгани, у қиз билан видолаша олмагани учун чўпоннинг қалби чуқур қайғуга ботди.

Тарозилар соҳиби уни чақириб қолди:

– Мен билан юр, сизлар келтирган нарсаларни экайлик.

У жавоҳирларни бирма-бир сочар экан, шундай дерди:

– Бу яхши сўз, бу хайрли дуо, бу эшитилган ҳикмат, бу муштоқнинг оҳи, бу тавба қилувчининг ноласи...

Шундай қилиб, чўпон унга жимгина қараб турар эди. Баъзан Тарозилар соҳиби чўпонга бу дарахтлар ўсиб-унгач, қандай шаклда бўлишини тавсифлаб берар эди.

Шундан сўнг, Тарозилар соҳиби чўпоннинг қайғусига шерик бўлиб, деди:

– Эй болам, баъзан биз айта олмаган сўзларимиз, бизнинг энг азиз сўзларимиз бўлади. Энди, бор, болам. Билгинки, вақт келиб ҳар қандай нарса йўқ бўлади, лекин мен уни йўқотдим, деб ҳам чекма. Балки йўқотганингни сен тавба қилганингдан сўнг бир неъмат сифатида қайтиб келиши вақтини кутгин. Замона зайли билан кўнглингда унинг яратувчисидан бошқа ҳеч нарса керакмаслигини англаб оласан.

Тарозилар соҳиби ҳамон миқ этмасди, чўпон ундан сўради:

– Сиз нимани хоҳлар экансиз?

– Бу саволинг билан мени хавотирга соляпсан, бўтам...

Сўнг бошини қимирлатиб, кулди-да, шундай деди:

– Эҳтимол, сиз мувозанат бўлмаслигини хоҳларсиз, бироқ Оллоҳ Таоло ўз фазлу карами билан буни тақиқлайди...

У тез-тез қадам ташлаб, кулганча қалъасига кириб кетди. Қалъа эшиги унинг кетидан гурсиллаб ёпилди.

Чўпон ёлғиз қолиб, Тарозилар соҳибининг орқасидан қичқирди:

– Мен энди қаерга бораман?

Тарозилар соҳиби овоз берди:

– Кўрқма, эй йигит! Сен хоҳлаган томонингга кетавер. Сен саховатли қалб эгасисан. Бугундан хурсан!

Шу ерга келганимда, Сора мендан сўради:

– Нима учун ҳикояларинг доим шундай тугайди? Қиз вафот этди. Йигит саховатли қалб эгаси. Ҳикояларинг ғамгин тугабини ҳеч тушунмайман.

– Ҳикояларим ғамгин эмас. Ҳикояларимнинг ниҳояси йўқ. Шундай чиройли гуллар борки, улар гўзаллик, самаралар тажассумининг ўзи. Шафтоли гулининг нафислигига эътибор бергандирсан. Энг аввал у сени гулининг гўзаллиги билан маҳлиё этади. Ундан кейин кўнглинг унинг меваларини тусайди. Аввал гулининг гўзаллигидан баҳраманд бўлишни ўрганасан, кейин эса дилингда мевасининг магзини ғарчиллатиб тишлаб ейиш хоҳиши пайдо бўлади.

Жозибаторликда атиргулнинг олдига тушадиган гул йўқ, аммо у на иштаҳа очади, на озуқаликка ярайди.

Мен шунда Сора “Атиргул бошқа гуллардан кўра табаррукроқми?” деб сўраганида, унинг кўзларида кўрқув ифодасини сездим.

– Албатта! – жавоб бердим мен. – Сен атиргуллар моҳиятини билган халифа ал-Мутаваккилнинг сўзларини эшитмаганмисан? Кимки мардлигини йўқотган бўлса, у атиргуллар жамолига боқмаслигини буюрган. Пасткаш кўнгиллар ва бахил қалбларнинг, кизб ва ёлғонни ўзига маҳрам қилиб олган кўнгиллар, ҳаётдаги эзуликларни ношукурлик ва раҳмсизлик билан поймол этувчи қалблар атиргуллар жамолидан баҳраманд бўлолмайди.

Сен ҳозир ҳикояларимнинг қандай тугашига эътибор беряпсан, мен қиссамнинг давомини айтай. Чўпон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, кенг бир яйловга етиб келди. У бу ернинг бепоёнлигини томоша қилар экан, уфқдан момақалди роққа ўхшаган овоз келди. Атрофини куюқ туман қоплаган эди. Туман орасида у ер-бу ерда чопиб юрган, чўлдан югуриб ўтаётган от уорлари элас-элас кўринар эди. Майдон ўртасидан алангага ўхшаб, нимадир ярқ-юрқ қилар эди...

Отларнинг югуришига у шу қадар маҳлиё бўлиб қолдики, чарчоқ руҳи бирдан тетиклашди. У шу лаҳзада маҳбубаси ҳам ёнида бўлишини ва мана бу мафтункор лаҳзалардан баҳраманд бўлишини истаб қолди.

Шундай ширин ўйларга чўмиб турар экан, келган қандайдир бир товушдан чўчиб тушди. Унинг ёнида шафақдай товланган бир от бошини эгиб, ёллари ярақлаб турарди. Чўпон отга яқинлашиб, аста бошини силар экан, унинг бўйнига осиглиқ кумуш туморга кўзи тушди. У туморни кўлига олиши ҳамон, тулпор бир чиранди-да, уфққа қараб отилди ва зумда кўздан ғойиб бўлди.

Чўпон туморни очган эди, ичидан бир кичик қоғоз парчаси чиқди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

“Сен ойнинг муаттар ҳидини ҳис этиш ва кўриш неъматидан баҳраманд бўлиш қобилиятини қўлга киритишинг керак”.

Сора ҳайрон бўлиб сўради:

– Ойнинг муаттар ҳиди?! Бу қанақа ҳид бўлди? Ахир бу мумкин эмас-ку!

– Кеча мумкин бўлмаган нарса бугун заруратга айланди. Сен ойнинг муаттар ҳиди ва кўриш неъматини нима эканини билишинг учун дафнанинг униши қиссасини тинглашинг керак, – деб жавоб бердим мен.

Чўпон қуёш ботгунгача юрди. Тунги совуқнинг биринчи даракчилари унинг баданини чимчилашидан олдин чарчоқ сезиб ерга ўтирар экан, бир кишининг бир қарияни юпатаётганига кўзи тушди. У тик турганча, овозини баралла қўйиб қўшиқ айтар, қўшиқнинг акс садоси яқиндаги ғорни тўлдириб янграрди.



Чўпон ўша томонга шошилди, ҳалиги одам қўлидаги шамлар билан горни ёритиб турар эди. Гўёки ёғду унинг бир қўлидан иккинчисига тўкилаётгандай эди. Шундай қилиб, ёруғлик гор ичини тўлдирган эди. Соялар гор деворларида ҳаракатланар эди. Чўпон сукут сақлаб, қарияни кузата бошлади.

Ҳалиги киши бу томонга ўгирилиб деди:

– Эй ўғлим, у сенга эслатяпти! Куёш фақат сенинг юзингга нур сочиш учун чиқади, деб айтяпти. Сен жимгина менинг гапимга қулоқ сол! Мен мана бу шамларни ёққанимда, фақат бир овознинг гапириши тўғри бўлади. Унинг рақсга тушаётган нурларини фақат бир нафасгина ҳаракатлантира олади. Агар икки киши суҳбат курса, горимнинг деворларини уларга ҳаво киришига қарамай изтироб қоплаб олади...

Бу қисса ер юзида баҳор биринчи кунни табассум қилганида, куёш унга биринчи нурларини сочганида ва буюк тоғ чўққисидида жойлашган қўл узра куёш нурлари тушганида бошланган эди.

Кўлнинг тинч юзасида унинг атрофини ўраб турган барча гўзалликлар акс этар, тунда эса қўл юзида юлдузлар жилваланарди.

Самода биринчи бор ой туғилганда унинг акси қўлда ҳам кўриниб турар эди. У катталашган сайин мунавварроқ бўлиб борарди, атрофини сонсиз юлдузлар қуршаб олганди. Шунда у қўлни севиб қолди. Кўл ўз қалбига ой нурини жо қилди. Ой фақат бир кечагина тўлиной бўлиши мумкин ва фақат ўзигина қўл юзида акс этиб унинг қалбига айланиши мумкин. Унинг юраги бахтиёрлик ҳиссидан дук-дук урарди. Тонг унинг сатҳидан севиклисининг рухсорини ўчириб юборишидан олдин ой йиғлайди, унинг кўз ёшлари гўё муаттар нур доначаларига айланиб, дув тўкилади. Мана шу нарса ойнанинг ва кўришнинг муаттар ҳидидир.

Шайх ўз қиссасини тугатиб, гордан чиқар экан, чўпон ундан сўради:

– Бу атир қаерда бор?

– Ана у ерда! – дея ҳалиги киши пурвиқор тоғлар томон ишора қилди.

Чўпон у кўрсатган томонга тикилди:

– Мен ойнанинг маъшуқасига қандай қилиб етиб олишим мумкин?

– Сени у ерга мана бу тулпорларимдан бири олиб боради.

Шу пайт чўпон Гор шайхидан:

– Нима учун сен менга ёрдам беряпсан? – деб сўради.

– Сен менинг бу горимда кўрган шамларинг бир томонлама муҳаббат эгаси бўлган қалбларнинг ёнишидир. Шунингдек, шавқ муҳаббатни ўлдирмайди. Ўт шамни тугатмайди. Муҳаббат бу ерда фақатгина сен бошингдан кечирмаган нарсаларнинг хотирасигина, холос. Эҳтимол, у бутун ҳаётнинг ўтмишидан ҳам, келажагидан ҳам муҳимроқ бўлиши мумкин. Чунки, у ҳозирги замонда сенинг орзуларингга, ҳар бир қилаётган ишингга, мумкин эмас деган тўсиқнинг ортида сақланган ҳолда, умид майдонларини кезиб, тўлиқ маънода ва баркамол хуснда яшайди.

Бироқ сенинг қиссанг бошқачадир, сен менинг горимдаги бир муаттар товушга рақс тушадиган ёруғ аланга каби эмассан...

Мана шу сўзлардан сўнг, китобни қўлимдан қўйиб, ўқиганларим ҳақида ўйлай бошладим. “Бир муаттар товуш, бир муаттар товуш” деб қайтарар эдим.

Шу пайт бир овоз қулоғимга чалинди, у хаёлимдагидек ғамгин эмас эди. Бу мен куйлагувчи гуллар оламида ғойиб бўлганимда, орзулар оламидан ғойиб бўлган дўстим Муроднинг овози эди.

Мурод ўзига келиб, мени чақирарди:

– Эй Форис, эй чавандоз, қаердасан?

– Мен бу ердан, сен ташлаб кетган жойдан. Мен сенинг ухлайдиган бешигинга бордим.

– Ҳақиқатан ҳам, муаттар хонада ухлашдан ҳам яхшироқ нарса борми?!

У кўнглимга келган фикрни айтаётгандек эди. Бундан ҳам гўзалроқ қисса бўлиши мумкинми?! Мен уни албатта ниҳоясига етказишим керак. Мен кўнглимга қулоқ солиб, бир қинғир ишга қўл урдим. Мен уни кўйлагим ичига яширдим ва бу ҳақда Муродга айтмадим. Мен ўз-ўзимга уни эртага қайтараман дедим, лекин эртага нима бўлишини билмас эдим.

У мен томонга ўгирилиб,

– Калитни топдингми? – деб сўради

Мен “йўқ” деган маънода бошимни чайқадим.

– Демак, Оллоҳ Таоло гаровдагиларни бўшатиб, адашганларни тўғри йўлга солгунча қуш маҳбуслигича қолаверади.

Биз Сулайёнинг хонасидан чиқдик.

Ўша кечанинг ўзида мен хонамга кирдим, Бу ер мен Сулайёнинг мафтункор маконини зиёрат қилганимдан сўнг энди тордай бўлиб кўрина бошлаганди. Мен ўғирлаб келган китобимни ўқиб, тун ўтказиш учун нарсаларимни тартибга солар эканман, кимнингдир чақирган овозини эшитдим. Бу қанақа овоз эканини англай олмадим. Хонамдан тўғри кема устига чиқдим. Тез-тез қадам ташлар эканман, бошимга бир нарса қулаб тушди-ю, ҳушдан кетиб йиқилдим. Ҳушимга келгач, атрофимда бир неча бесўнақай, қўпол одамлар менга ўқрайиб қараб турганини кўрдим ва кўрқиб кетдим. Туш кўряпман, деб ўйладим. Бир оздан сўнг бутунлай ўзимга келгач, бу туш эмаслигини англадим. Ўрнимдан турдим, бироқ оёқларим мени кўтара олмади ва мен яна йиқилиб тушдим. Кимдир бўйнимдан тортди, сўнг кўйлагимдан тортиб судрай бошлади. Мени суяб турғазиб, кейин ўтқизиб кўйди. Мен бундай таҳқирларга қаршилик қилишга ожиз эдим.

Бир барзанги аблаҳ қул кўйлагимдан тортиб:

– Мен буни хоҳлайман, – деди.

Шунда газабим кўзиб, ҳаёти гаровда турган кишининг ишини қилишга қасд қилдим. Унинг чангалидан кўйлагимнинг этагини шартта тортиб, болохонадор қилиб сўка кетдим:

– Ҳой аҳмоқ, тўнка, галварс, беодоб! Мени мана бундай судроқлаб, ҳар нарса қилса бўлаверади деб сенга ким айтди?

У менга қарамасдан Муродга ўгирилиб деди:

– Сен нима дейсан?

– Олавер!

Мең Мурод томонга ўгирилиб, қичқирдим:

– Йўқол! Дўст ҳам шундай қиладими?

Мени бошқа бир барзанги қул тортди. Мен “Ло ҳавло ва ло қувва-то илло биллоҳи” дуосини замзама қилар эдим. У устимдаги кўйлагимни ечиб олди—да, ўзларининг бошлиғига берди. Бошлиқ кўйлакни кийиб, у ёқ-бу ёғига қарай бошлади. Маълум бўлдими, уларга менинг кўйлагим ёқиб қолган экан, холос. Сўнг улар мени кўйиб юбордилар ва сал нарида турган катта кемага қайтдилар.

Шу пайт кўйлакнинг чўнтагидаги китобча эсимга тушиб қолди:

– Кўйлагим, кўйлагим!— деб қичқира бошладим мен. Мурод мени маҳкам ушлаб:

– Эсинг жойидами? Тирик қолганинга шукур қилсанг-чи, хум-пар! Кўйлакни кўй! – деди.

Мен унга қичқираётганим сабабини айта олмадим, чунки китобни ўғирлаб олган эдим-да. Мен катта кема томон отилдим. Агар ким-

дир мени кўрққанидан ақлини йўқотибди, деган хаёлда ушлаб қолмаганида, мен денгизга қулаб тушишим аниқ эди.

Қароқчилар кула бошладилар. Кема тезда бандаргоҳдан узоқлашиб борарди. Мен кўйлагимга ачина бошладим. Мурод эса бу ҳолатимдан таажжубланар эди.

– Эй, Форис Худо ҳаққи, мен сени ақли одамсан деб ўйлаган эдим. Худо ўзи сени бир асради! Қилган ишингни кўр-у!

– Ўчир овозингни, Мурод! Бўлмаса ўзимни денгизга отаман.

– Субҳонллоҳ! Битта кўйлакка шунчами? Ахир жонинг омон қолди-ку?!

Билсам, қароқчилар мени иккита сабаб туфайли омон қолдирган эканлар. Бир уларга кема жуда ҳам камбағал бўлиб кўрингани (улар Сулайёнинг хонасига кирмаган эдилар) бўлса, иккинчиси, Мурод уларнинг катгасини (кўйлагимни кийиб олганини) таниб қолгани экан. Муроднинг онаси уларнинг қишлоғида сут сотар экан ва унга кўп яхшилик қилган экан. “Ота-оналарнинг яхшиликлари фарзандлардан қайтади” деб ким айтган бўлса ҳам тўғри айтган экан.

Мен Муроддан сўрадим:

– Қароқчиларнинг кемалари қаерда тўхтайтиди?

– Кўйлагингнинг кетидан бормоқчимисан? – деди кулиб Мурод.

– Ҳа, бораман!

Муроддан мени ўша жойда ташлаб кетишини илтимос қилдим.

– Эсинг борми? Мен уларнинг қаердалигини қаёқдан биламан? Фақат улар ўлжаларини сотадиган ерга сен билан бирга боришим мумкин.

– Аллоҳ сенинг бу яхшилигингга ажрлар берсин! Сен менинг биродаримсан!

Бироз фурсатдан сўнг бизнинг кемамиз кичкина бандаргоҳда тўхтади. Мен Мурод билан хайрлашдим. Хайрлашиш учун Сулайёни сўрамадим. Хайрлашаётиб, Муроднинг кўзидан ёш думалади.

– Нега йиғлаяпсан? Худо хоҳласа, биз яна, албатта, учрашамиз.

Мурод мен Сулайёнинг китобини олган жойимга қайтариб қўйиш учун қаттиқ аҳд қилганимни билмас эди.

– Кўйлакни қидириб боришинг ҳалокатга олиб боради, мен сен учун йиғламаяпман, дўстим.

Мен у билан хайрлашиб, шаҳарча томон йўл олдим. Шаҳарчада ҳаёт қайнар эди. Заргар дўконининг олдида тўхтаб, “бу ерда меҳмонхона борми?” деб сўрадим.

– Ҳа, юринг. Мен сизни ўзим бошлаб бораман.

Заргар ўрnidан турди. Унинг оёқ-қўллари ингичка, ўзи чаққонгина, у ёқ-бу ёққа тез-тез аланглар эди. Мен унга эргашдим. У билан бозорнинг охиригача бордик, ўша ердаги масжиднинг ён томонидаги бир нақшинкор эшикни очиб, чақирди:

– Ҳо Али, меҳмон келди. Али!

Олдимизга бир ёш йигит пешвоз чиқиб, “Хуш келибсиз, амаки!” деди. Мен ҳалиги кишига миннатдорчилик билдирай деб, орқамга ўгирилдим, қарасам у аллақачон ғойиб бўлибди. Шундай қилиб, мен деворлари ёсмин гуллари билан ўралган чоғроқ ва шинам меҳмонхонада қолдим. Ҳовлида узум сўриси бор эди. Мен меҳмонхона ёнидаги масжидда намоз ўқидим.

Шаҳар кичкина бўлса-да, ундаги ҳар бир нарса шаҳар аҳлининг бойлигига ишора қилар эди. Мен бояги заргарнинг олдида бормоқчи бўлдим. Унга совға қилиш учун бир шишачада атир сотиб олиб, уни зарҳал иплар билан гулдор халтачага солдим. Мен заргарни дастлаб учратган жойга қараб йўл олдим. Заргар қизил кўйлак ва қизил ятак

кийиб олган эди. У бошида энг асл матодан қилинган қизил салла. Салласининг печи бир томони елкаси оша белигача тушиб турар эди.

Саломлашиб туриб, дедим:

– Сизга раҳмат айтиб улгурмасимдан кетиб қолибсиз.

– Эй, кечирасиз. Мен дўконимга тезроқ қайта қолай, деб шошгандим.

У мени кўрпачага таклиф қилди ва таом ва ичимлик келтирди. Бутун кунни унинг дўконида ўтказдим. Зора оғзидан кўйлагимга боғлиқ бирор гап чиқиб қолар деган ниятда шаҳар ва унинг аҳли ҳақида суриштира бошладим.

Бироздан сўнг ундан сўрадим:

– Бу ерда кийим бозори қаерда?

– Қанақа кийим?

– Эркалар кийими. Лекин менга янги кийим керак эмас.

– Эски кийим олмоқчимисиз? – ҳайрат аралаш сўради у.

– Ҳа, эски кийим. Биров кийган бўлса ҳам ҳечқиси йўқ, менга лойиқ бўлса бас, – дедим-да, кулдим. Бироқ заргар кулмади.

– Билмадим.

– Китоб бозори-чи, у қаерда?

– Хитой бозорида. Салим қоғозфуруш китоб сотади.

– Аввал кийим бозорини топайлик, у қаерда?

Заргар жавоб бериб улгурмасидан олдимизга бир неча хизматкорлар ва соқчилар ҳамроҳлигида бир аёл келди. У ёпиниб олган ёпинчиғини умримда кўрмаган эдим. Аёл оқ отлар қўшилган ихчам аравадан тушиб келди. Арава ҳам қимматбаҳо шойи мато билан қопланган эди. Аёл тўғри заргарнинг олдига келди. Заргар уни ўрнидан туриб кутиб олди ва илиқ саломлашди. Улар ўзаро суҳбатлаша бошладилар. Сўнг аёл жавоҳирлар солинган тилла қути чиқариб, унинг ичидан ажойиб ишланган нафис сирғанинг биттасини олиб, заргарга узатди. Заргар сирғани синчиклаб текшириб кўрди-да, сўнг аёлга пулини берди. Аёл аравага қайтди, унга хизматкорлари эргашди. Шу билан улар кетишди.

– Бу аёл ким? Сизга сотган бир дона сирғанинг нархи дўконингиздаги барча моллар нархи билан тенг келади-я?

Заргар жавоб беравермагач, яна сўрадим:

– У сизга сирғани жуфти билан сота олмасмиди?

– Йўқ, сота олмасди, – деб жавоб берди заргар.

– Ажабо, нега?

– Агар сиз бунга билишни хоҳласангиз, уни сизга сирғанинг соҳибаси айтиб бера олади.

– У яна қачон қайтиб келади? Ундан қачон сўрашим мумкин?

– Сиз кўрган аёл сирғанинг соҳибаси эмас. Сирғанинг соҳибаси бозорга чиқмайди.

Унинг жавобидан таажжубга тушдим, лекин билдимки, у менга айтган гапидан бошқа ҳеч нарса демайди.

\* \* \*

Эртаси куни “ал-Ато” кемаси келиб тўхтаган бандаргоҳга бордим. Мен одамларни оралаб, у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Қани энди, мен билан гаплашадиган, мени кўйлагим ва китобга олиб борадиган бирор одамни топа олсам, деб уларни кузата бошладим.

Бир вақт бир қарияга кўзим тушди, у олдидан ўтаётган одамларга ва кемаларга тикилиб ўтирар эди. У билан саломлашиб, ёнига ўтирдим. У ҳам, мен ҳам анчагача индамай ўтирдик. Бир мунча фурсатдан сўнг у менга деди:

- Денгиз боламни олиб кетди, уни қайтарармикан ёки..?
- Амаки, қандай қилиб олиб кетди? Нима, ҳалок бўлдимми?
- Йўқ, олиб кетишди.

Бироз сукут сақлаб тургач, қария деди:

– Йўқ, олиб кетишди, чунки у хонимга сирни фош қилишдан бош тортди.

- Қайси хонимга?
- Самода яшайдиган хонимга.

Мен бошимни чайқадим, кўнглимга “бу одам ақлдан озган” деган ўй келди.

Қария ўрнидан туриб, ҳорғин қадам ташлагинча мендан узоқлаша бошлади. У кўздан ғойиб бўлгач, вужудимни қизиқиш ҳисси қамраб олди. Дарров заргар дўстимнинг олдига бориб, кўрганларимни унга гапириб бердим. У кулиб, деди:

- У Саад ал-Модий.
- Унга нима қилган?

Заргар менга қараб:

– Эй Форис, сен ўзи бу ёқларга нимага келгансан? Бориб кўрадиган қариндош-уруғинг ёки шуғулланадиган тижоратинг бўлмаса?

– Мен йўқотганимни қидириб келдим.

– У бани башарданми?

– Йўқ, у матодан.

– Субҳоноллоҳ! Сен яна анави қарияни ақлдан озган деб ўйлайсан!

– Биродар, ахир менинг нарсамни ўғирлаб кетишди!

– Уша ўғри бизнинг орамизда эканми?

– Билмадим.

У им қоқиб, сўради:

– Хўш, нима қилмоқчисан?

– Билмайман.

Мен меҳмонхонага қайтдим. Ичимни ит таталар эди. Бозорда кўйлагимни ҳам, Сулайёнинг китобини ҳам топа олмадим. Бу шаҳарчада уни қандай қилиб топиш мумкин эканлигини маслаҳат берадиган бирор кимса ҳам топа олмадим. Эртаси куни Саадни излаб, бандаргоҳга қайтиб бордим. У кечаги жойида денгизга қараб ўтирар эди. У билан саломлашиб, ёнига ўтирдим. Уни гапга солишга уриниб кўрдим. Бироқ у денгиздан кўз узмаганча чурқ этмас эди.

У анчагача ўтирди, кейин ўрнидан туриб, кета бошлади. Мен унинг қаерда туришини билиб олиш учун ортидан эргашдим. Қария шаҳардан ташқарига кетадиган йўлдан юриб борарди. У бир аравага чиқди, да, шаҳардан узоқроқдаги тепаликда жойлашган қасрга қараб кетди. Мен унинг кетидан бордим. Қаср девори ҳарсанг тошлардан қилинган бўлиб, у ерда яшил дарвоза бор эди. Дарвозанинг икки ёнида икки соқчи турарди. Мен уларга салом бериб, сўрадим:

– Саад ал-Модий шу ерга кириб кетдимми?

– Ҳа, нега уни сўраяпсан? – дейишди соқчилар.

– Мен уни зиёрат қилмоқчи эдим.

Улар бир-бирларига қараб, таажжубланиб дейишди:

– Худо ҳаққи, биз уни танибмизки, ҳеч ким келиб уни зиёрат қилмаган.

Соқчилардан бири сўради:

– Зиёратнинг сабаби нима?

– Дўстлик! Худо сизларни доим ўз паноҳида асрасин! Ёки бошқа сабаб билан ҳам зиёрат қилинадими?

– Биз уни билибмизки, у бирор нарса талаб қилмаган, ҳатто дўстликни ҳам. Сен шу ерда тура тур, бориб сўрайлик-чи.

Мен ўтирган жойимда атрофга назар сола бошладим. Бу ернинг тупроғи қизил рангда эди. Дарахлар баланд-баланд, улардан таралаётган муаттар ҳид ҳавони тўлдирган эди. Денгиз ҳам баралла кўри-

ниб турарди. Қаср шаҳардан ташқарида бўлса-да, унча баландда эмасди. Шу топ соқчилардан бири мени чақирди.

– Орқамдан юр!

– Хўп бўлади.

Биз боққа кирдик, у ерда турли рангдаги экинлар ва анвон мева-ли дарахтлар бор эди. Мен у кишидан сўрадим:

– Бу қаер?

– Бу самонинг қасри.

Биз бироз юриб, катта дарвозадан кирдик.

– Сен шу ерда ўтириб тур. Ҳозир сени Сааднинг олдига олиб бо-ришади.

Мен раҳмат айтиб, ерга чўкдим. Бироқ туриб қасрни томоша қилгим келди. Ҳолбуки бу одоб доирасидан ташқарига чиққан бўлар эди. Мен меҳмонхонага кирдим, у ернинг деразасидан боғ кўриниб турар эди. Боғда шохи дарахт орасига кириб қолган бир кийикни кўрдим. У ҳар қанча уринмасин, шохини чиқара олмаётган эди. Мен деразадан ошиб тушиб, кийикнинг олдига бордим-да, шохини дарахт шохлари ораси-дан чиқариб юбордим ва у дик-дик сакраб нари кетди. Атрофга қарадим. Боғда бинафшалар қийғос очилиб ётарди, уларнинг новдалари унча ба-ланд бўлмаса-да, гуллари мўл эди. Бинафшазор атрофида турли рангда-ги қушлар чарх уриб учиб юрар эди. Қаерга борманг, қулоғингизга сув-нинг шилдираши чалинади-ю, бироқ унинг қаердан келаётгани маъ-лум эмас эди. Шуларга мафтун бўлиб томоша қилиб юрар эканман, бир кичкина бинонинг олдига келиб қолдим, деразадаги пардаларини шаб-бода ҳилпиратиб ўйнар эди. Олдинда ҳавзача бўлиб, унда оппоқ нилу-фарлар сузар эди. Бу гўзал бинонинг ичида нима борлигини кўриб ҳам улгармаган эдимки, қандайдир аёлнинг овози келди:

– Ҳой сен, бу ерга қандай кириб қолдинг?

Мен нима дейишни билмай, шошиб:

– Адашиб қолдим, — дедим. — Кечирасиз, мен Саад ал-Модийни кўргани келган эдим.

– Бу ёққа юр!

Мен унга эргашдим. Атрофга аланг-жалаң қарар эканман, ўзим-ча: “Ҳозир каллангни оладилар, эй Форис!” — дердим қайта-қайта.

– Хўш, ўтир-чи.

Мен ўтирдим, ўртамизда парда бор эди.

– Сен уни нега кўрмоқчисан?

– У менга бир гап айтган эди. Шу гапнинг тагига етмоқчи эдим.

– Қанақа гап экан у?

– У айтдики, денгиз унинг ўғлини олиб кетганмиш.

– Нимагалигини айтмадим?

– Бола хонимга сирни очмаган экан. Ўша хоним сиз эмасмисиз мабодо? — дабдурустдан дедим мен.

Аёл саволимга жавоб бермай:

– Бу ерга фақат шунинг учун келганмидинг? — деб сўради.

– Бир сабаб остида бошқа бир сабаб ётади, — жавоб бердим мен. — Худо ҳаққи, эй хоним, мени сизларнинг бу чиройли шаҳрингизга гаройиб сабаблар билан келиб қолдим. Агар истасангиз, мен сизга сўзлаб берай.

– Мен сени бу ерга нималар бошлаб келганини билишни хоҳлаган-ним учун сўрадим. Акс ҳолда сени соқчилар ўлдирган бўлардилар. Бироздан сўнг улар сени ахтариб келиб қолишади.

Хоним гапини тугатмасданоқ, соқчилар халлослаб кириб келиш-ди. Хоним уларга қараб:

– Уни шу ерда қолдиринглар. Асмани чақиринглар, — деди.

Сўнг менга қараб:

– Энди қиссангни сўзлаб бер, – деди.

Мен унга ўз юртимдан ва уйимдан қандай қилиб чиққанамни, Муроднинг кемасига миниб, йўлга тушганимни, Сулайёнинг хонасига қандай кирганимни, у ерда китобни олганимни ва ўша китоб сабабли бу ерга келиб қолганимни сўзлаб бердим.

– Сулайё ким?

– У бир соҳибжамол, тирик жонларни маҳбус қилган.

Хоним деди:

– Ҳой бола, билгинки, тирик маҳбус бўлмайди, ҳур қул бўлмайди!

Хонимнинг мени “бола” дегани кўнглимга ботди. Овозидан унинг кўпни кўргани, ҳаётнинг пасту баландини яхши билишини англадим.

– Сен йўқотган ва сени сарсон қилган китоб қанақа китоб экан?

– Агар хоҳласангиз, мен сизга сўзлаб бераман, у менинг хаёлимга ўрнашиб қолган.

– Сўзла!.. Ҳа, айтгандай, исминг нима эди?

Мен унга исмим “Форис” деб жавоб бердим ва қиссамни бошладим. У жим қулоқ сола бошлади.

У азбаройи узоқ сукут сақлаганидан, мен уни ё ухлаб қолди, ёки кетиб қолди деб ўйладим.

Анчадан сўнг сўрадим:

– Балки, хонимни зериктириб қўйгандирман?

– Ҳикоянгни сўзла, ҳой бола!

Мен ҳикоямни давом эттириб, “муаттар бир овоз” деган жойда тўхтаб қолдим.

– Нега жим бўлиб қолдинг? – деб сўради хоним.

– Шу ерда ҳикоямни унутиб қўйдим.

– Сен уни шу ерда топасан, иншооллоҳ, – деди.

– Қандай қилиб?

– Аввал сўзларимга қулоқ сол.

Хоним атиргул қиссасини худди атиргул тилидан сўзлаётгандек сўзлай бошлади:

– “... Фор шайхи чўпонга ўз ғоридаги ёруғ шамлар ҳақида эслатар экан, айланиб, куйлай бошлади:

Мовий олов каби лов этиб ёниб,  
 Ёдга келар тушлар, сўнг яна кетар.  
 Ровий хаёлига келгани замон  
 Жон бахш этар унга, ёнар ва кетар.

Сўнг шайх давом этди:

– Шунинг учун ҳам мен сенга ёрдам бераман. Сен энди Ойнинг маъшуқаси олдига бор.

Чўпон отлардан бирини миниб, узоқ тоғлар сари йўл олди. У кўп йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. У Ой Ерга тушаётган пайтида унинг хушбўй ҳидини қандай қилиб сақлаб қолиш ҳақида ўйлай бошлади. Шу ўйлар билан қўл бўйига етиб келгач, кўрдик, тун зулмати кўлни ўз оғушига олган, у тинч эди. Кўлнинг чети кўринмасди, у худди бахт-саодатнинг мафтункор нуридан чарақлар эди. Чўпон дарахт тагида ой нури қўл қалбини тўлдиришини кутиб ўтирди. Бутун вужудини хотиржамлик ҳисси чулғади, сўнг мудроқ босиб, ухлаб қолди. Бироз пинақдан сўнг юзига хушбўй ҳид қатралари тушиб, ўзига келди. У марваридларни очиб, ердаги нур қатраларни йиға бошлади. Шундан сўнг, чўпон бу жойни тарк этди.

Сора атиргулнинг ҳикоясини бўлиб сўради:

– Унинг маҳбубаси Нуронга нима бўлди?

Атиргул жавоб берди:

– У шу тариқа кунларини ўтказиб юраверди. Гуллардан сукут сақловчи бўстон яратар эди. Бўстоннинг сукут сақлаши бамисоли унинг кўзларининг сукут сақлагани каби эди. У тўқийганда бармоқлари қалби сари йўл оларди. Гиламнинг бирор қисмини битирганда унинг қўли юраги устида бўлар эди. У гўёки, далаларнинг муаттар шаббодасини сезаётгандай эди. Гиламни тўқиб бўлиб, қуёш кўрсин деб уни ташқарига олиб чиқди.

Сора атиргулга қараганида, кўзларида ҳайрат акс этар эди.

– Демак, сени Нурон яратибди-да!

Атиргул жавоб берди:

– Ҳа, биз Нурон ижодининг маҳсулотимиз. Сен бизнинг сукутли суратларимизда эшитган ҳар бир ғамгин оҳларимизда ва шодон кулгунларимизда, кўзларимизни қоплаган кўз ёшлари томчиларида ёки юзларимизга оқиб тушган кўз ёшларида, инсонни ғамга солган ёки хурсанд этган ҳар бир фикрда бизни яратганнинг қўли бор. Бизнинг сукунатли шаклимиздан сен англаган ҳар бир шод этувчи ёки қайғуга солувчи сўзда у бизни умидлар ва ғамлардан гилам қилиб ясаган. Дастгоҳ “қиличи”нинг ҳар бир тортишида гул бор, улар биз орқали тўлиқ ҳаёт касб этадилар ва биз орқали унутилмас бетакрор қиссага эга бўладилар.

– Субҳоноллоҳ! Ҳар бирингиз ўз тўқимангиз хотирасида инсон ҳаётини ҳикоя қиласиз... Лекин икки севишган қалб учрашдими?

– Албатта, – деди атиргул. – Албатта!

Улар учрашганларида, йигит қиз билан оҳ чекиб кўришди. Қизга қараб кўзлари тўймас эди. Йигит қизни қандай билган бўлса, шундай қолган, ўзғармаган эди. Аммо вақт ўтиши билан йигит сочига оқ оралаган эди. Йигит қизга янада мулойимлик билан тикилиб боқарди. У ойнанинг кўз ёшлари солинган қутичани олиб келган эди бу ерга. У қизнинг пешонасига меҳр билан атир суртди. Қиз кўзларини йигитга тикиди, бошини унинг елкасига кўйиб, жилмайди.

Сора сўради:

– Йигит нима деди?

– Эҳ, Сора! Йигит эса жим тураверди. Мен ҳам энди унинг сўзлари сукунат ўчоғида йўқ бўлиб кетиши учун жим тураман. Сен қўшиқ куйлайсанми, Сора?

– Йўқ!

– Биз яна учрашганимизда, атиргуллар каби қандай куйлашинг мумкинлигини ўргатиб қўяман.

Хоним жим бўлиб қолди. Мен қаттиқ ҳайратга тушиб дедим:

– Эй хоним, сиз бу қиссани биласизми?

– Қандай қилиб билмай, ахир, бу ота-онамнинг қиссаси!

Мен бир сўз айтолмай қолдим. Хонимнинг овози қулоғимга чалинди:

– Асма, бегонани менинг олдимга киритиб юбор.

Мен хавотир бўла бошладим, энди унинг овозига ўрганиб қолган эдим. Мен учун у мен билан суҳбатлашаётгани ҳам етарли эди. Бироқ мени қизиқиш чулғаб олди. Асма пардани кўтарди. Мен ўрнимдан туриб, пастга қараб, бу муҳташам хонага кира бошладим. Хоним бир каравотда ўтирар, у ердан боғ ва чарақлаган ҳавза кўриниб турар эди. Ҳавза биллур идишларга экилган гуллар билан ўралган эди. Бу жойда каптарларнинг ғу-ғулашию шабаданинг пардаларни ҳалпиратиб ўйнаётган овози эшитилар эди.

– Ҳой, Асма. Саадга айт. Мен у билан гаплашмоқчиман.

Сўнг мен томонга қараб:

– Ҳой Форис, сен яна бошқа қиссани билишни истайсанми? – деб сўради.



Дунёдаги энг гўзал аёллар қанақа бўлишини кўриш учун бошимни кўтардим. Эҳтимол, у ёшлигида парилардан ҳам гўзал бўлган бўлса керак, йўқ, у чиндан-да гўзал бўлган, кўзлари атиргул рангида эди. Табассуми гунчадек бежирим, тишлари эса териб қўйилган марварид доналари каби эди. Бошига кўк дуррача ўраган, қордек оппоқ сочлари елкаси оша тушиб, хипча белигача бош урарди. Мен ўзимча дедим:

– “Эй, Форис, ҳаётингда бу аёлга тенг келадиганини кўрмагансан, ажабо! Эҳтимол, Оллоҳ Таоло унинг қизини сенга жаннатда насиб этар”. Мен ихлос билан Оллоҳга дуо қилдим.

Хоним қайта сўради:

– Ҳой бола! Мен сендан “Яна бошқа қисса сўзлаб берайми?” деб сўрадим. Саад ал–Модийнинг қиссасини.

Унинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб қолганимдан хижолат бўлдим.

– Мен хоним саховатининг гаровидаман, – жавобан дедим мен.

– Эй Форис, Саад ҳар куни чиқиб, денгизга боқиб, кутиб ўтиради. Эҳтимол, замон унинг ўғлини қайтарар. Аслида, Сааднинг ўғли бўлмаган. Агар сен унга “Эй, Саад, сенинг ўғлинг йўқ!” десанг, у: “Менинг албатта ўғлим бўлиши керак эди, лекин уни денгиз олиб кетди”, деб жавоб беради.

– Унинг мавҳум ўғли очмаган сир нима эди?

Саад, “Хоним бу сирни билмайди, агар унга айтилганда, аҳвол бошқача бўлар эди”, деб ўйлайди.

– Сен самода яшайдиган Хониммисан?

– Ҳозирча эмас, лекин яқинда иншооллоҳ! Сен кўрган Саад ал–Модий меникида яшар эди. У эримнинг отларини боқар эди. Мени ёшлигидан яхши кўриб қолган эди. Лекин у ўзининг муҳаббатини ҳеч кимга фош этмаган. Сирини ичида яшириб юраверганидан бир куни ақлдан озиб, мажнун бўлган. Бу анча замонлар олдин содир бўлди. Ўғли менга айтмаган ўша сир унинг севгиси эди, уни денгиз олиб кетган. Саад унинг қайтишини кутади, худди овоз ўз акс садосини кутгани каби.

Саад қиссасини тугатгач, хоним мендан сўради:

– Эшитдингми?

Мен диққат билан қулоқ солиб турар эдим. Узоқдан най овози эшитилди. Овоз ғоят ширали эди. У шайхнинг ғоридаги шам ёғдусида рақс тушаётган соялар овози каби эди.

– Қандай гўзал! – дедим хонимга.

Бу Саад мен билан суҳбатлашяпти. У мен билан сўзлар орқали суҳбатлашмайди, чунки у менинг ўлишимни билади...

Оллоҳ сенинг умрингни узоқ қилсин, тани-жонингни соғ қилсин, – дедим.

– Табибларнинг айтишларича, менинг бу дунёдаги куним битишига бир ойдан кам вақт қолган... Сен яна бошқа қисса тинглашни хоҳлайсанми?

Мен нима дейишимни билмай қолдим, Сааднинг охи ва бундай аёлнинг ёруғ дунёни тарк этиши мени қайғуга солди, билмадим нима учун? Мен:

– Ҳа, – деб жавоб бердим.

– Ҳой бола, нега ғамгин бўлиб қолинг? – кулиб сўради хоним.

– Мен сенинг ўлишингни хоҳламайман.

– Ажабо! Мен тўқсон йилдан ортиқ умр кўрдим.

Мен ўлим ҳақидаги мавзунини бошқа ёққа буриш учун сўрадим:

– Сен Сааднинг муҳаббати ҳақида билганингни у билладими?

Хоним “йўқ” дея бош силкитди.

– Нега?

- Сен унинг ўғлини денгиз ҳалок этишини хоҳлайсанми?
- Ахир унинг ўғли йўқ-ку, буни ўзинг айтдинг-ку.
- Ҳа. Лекин у ўйлайдики, агар ўз вақтида бу сир очилганда, эҳтимол, аҳвол бошқача бўлар эди. Ўғли унинг орзуси. Агар у қайтса ва сирни менга хабар қилса, мўъжизалар бўлиши мумкин.
- Сен уни севасанми?
- Фақат уни севаман. Қулоқ сол, болам! Мени ўз муҳаббатини изҳор қилиши мумкин бўлган ва муҳаббатини изҳор қилишга қодир бўлмаган кўплар севди. Мен уларнинг ҳаммасининг ҳаётида бўла олмайман. Мен уларнинг фақат ҳаёлида яшадим. Мен сенга айтганим-дек, тирик жон маҳбус бўлмайди, озод қул бўлмайди. Биласанми, эй Форис, танангнинг ҳар бир аъзоси қул бўлиши мумкин, балки у сен уни озод қилгунингача маҳбусдир. Оқил инсон ўз умрини уларни озод қилиш учун ўтказди. Агар сен чин дилдан хоҳласанг, сен қолган аъзоларингни озод қиласан. Шунда сен уларни ҳур кўзи билан кўрасан, виқор билан одим ташлайсан, қўлингни кўксингга қўйиб саломлашасан, олим тили билан сўзлашасан, сен барча завқлар соҳиби бўласан. Мени бундан бошқа нарса ўйлантриши мумкинми?
- Хоним, ҳалиги қисса нима ҳақида эди?
- Мен сенга Нуроннинг қизига нима бўлгани ҳақида сўзлаб бермоқчиман.
- Бизга Нурон қизи ҳақида эшитишни насиб эгани учун Оллоҳга шукур!
- Эй Форис, билгинки, ҳар бир нарса замирида бир ҳодиса яширинган бўлади. Биз буни англамасак ҳам, тақдирига ёзилган унга йўлиқмай ўтиб кета олмайди. Сен Шарнайс каби бўлиб қолишдан эҳтиёт бўл!
- Шарнайс ким?
- У ўз хазинасини ерга қўмган ва у ерни булутнинг соясига қараб жойини белгилаган, кейин жойни адаштириб, хазинасини йўқотган одам.
- Худо ҳаққи, ҳаммамиз Шарнайсмиз, – дедим кулиб.
- Хоним ҳикоясини бошлади:
- Менинг ҳаётим келажак дунёдан яхши эди. Отимни миниб яшил яйловлар сари отланардим. Менга энг моҳир чавандоз эркаклар ҳам ета олмас эди. Хоҳлаган еримга борар эдим. Сўнг ота-онамнинг бағрида эркаланиш учун қайтар эдим. Менга энг яқин дугоналарим ҳамроҳ бўлар эди. Биз боғу бўстонларда ўйнаб-қулар эдик. Бизнинг бу дунёда соч ўришдан бошқа ҳеч қандай ғамимиз йўқ эди. Балки соч ўришни ҳам ўйламас эдик. Кунлардан-бир кун муҳаббатнинг эсига менинг юрагим тушиб қолди. Мен севиб қолдим. Менинг дунём ширин соғинчлару, азобли умидларга тўлиб-тошди. Қайлигим энг саховатли ва энг фазилатли кишилардан эди. Оллоҳ унга шунча фазилатлар берган эдики, эзгулик тажассумининг узи. Мен тўйимиз қачон бўлишини ўйлаб, кунларни санар эдим. Улар билан ўйнашар, улардан биттасининг мени келин қилиб олиб кетишини кутар эдим.
- Ниҳоят кутилган вақт ҳам етиб келди. Мен тўйга бекаму кўст тай-ёргарлик кўрдим. Мен бўлгуси эрим юртига бахт-саодат ва иззат-ҳурмат карвони-ла кетаётган эдим...
- Эрим ўз маҳбубасини интизорлик билан кутар эди.
- Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, бошимга бир мусибат тушди. Мен ёвузликка гирифторм бўлдим. Карвонимизга қароқчилар хужум қилдилар ва мени чўри қилиб олиб кетдилар. Мен ҳур бўлиб тугилганнинг бошига бундай офат тушмайди деб ўйлар эдим, афсуски, бунинг акси бўлди.
- Мен ажални чақирардим, бироқ у келмасди. Мен нажот истаб ёрдамга одамларни чақирардим, бироқ бирон зот ёрдам қўлини чузмасди.

Мен бахт-саодатга эришаман деб турганимда, тақдир мени ҳақорат чоҳига улоқтирди. Мен ўлмадим, мен яшадим. Ҳеч қанча вақт ўтмай, мени бир бек сотиб олди. Мени олиб қочганлар унга ишласалар керак. Ўша менинг эрим бўлди.

Мен умримни у билан ўтказдим. У мени Сааддан кўра икки барабар кўпроқ севиб қолди. Бироқ мен уни мени асир қилиб олганини, кўз ёшларимни “олди-сотди”га айлантирганини асло кечирмадим. Мен тўй оқшоми келинлик либосини кийган, ясанган ҳолда пешонамга ёзилгани шу шум тақдирга йўлиқдим. Ота-онам берган бойликдан ўша машғум куни таққаним шу сирга қолган эди. Асмадан унинг бир донасини сотиб, менга кафанлик олиб келишни сўраган эдим. Мен ўз-ўзимга шундай аҳд қилдимки, эримнинг қарамоғида қанча яшамайин, фақатгина ҳалол молимга яшайман...

Мен хонимдан сўрадим.

– Сирганинг жуфтига нима бўлди?

Хоним кулиб жавоб қилди:

– Ҳақиқатан ҳам бундай саволни фақат сендек йигит сўрайди, холос, эй Форис. Унинг жуфтини қизимга мен қилган ишни қилиши учун, фаришталар билан бўладиган учрашувни ҳаром мол билан ифлос қилмаслиги учун бердим.

Шундан сўнг хоним бироз сукут сақлади-да, деди:

– Сенга ҳикоя қилиб берган қиссаларим бугунга етар.

– Биласизми, Асма сиргани сотгани келганида мен заргарнинг дўконида эдим.

Хоним бошини силкитди ва:

– Энди бор, болам, бора қол! Худо ўзи сени ўз паноҳида асрасин! — деди.

– Саад ал-Модийни зиёрат қилсам майлими?

– Унга нима гапинг бор эди?

– Мен у билан суҳбатлашаман, дўстона муносабатда бўламан.

– Майли, сен айтгандай бўла қолсин. Сен ундан Суффон чўлоқнинг олдига олиб боришини сўра.

– У ким?

– Учрашганимда биласан.

У Асмани чақириб, Сааднинг олдига олиб боришни, унга Суффоннинг жойини кўрсатиб қўйишни тайинлади.

Мен унинг ҳузуридан чиқиб, бу каби инсоннинг ҳаётдан кўз юмаётганидан афсусландим, шу топ унинг алам билан оҳ тортаётганини эшитдим.

Мен Сааднинг олдига бордим, у билан ўтирдим. Асма хоним айтган гапни айтар-айтмас, у сакраб турди-да, “Кел, биродар, кела қол!” — деди.

Мен у билан қаср ичида бир жойга қараб юра бошладим. Биз юриб бир лаҳм йўлга етиб келдик. У ердан юриб, бир темир эшикка дуч келдик. Саад менга қараб, “Эшикни оч” деди. Мен қанча уринмайин, уни оча олмадим. У эшикни ҳасса билан тақиллатиб: “Эй Суффон, оч эшикни, бу мен — Саадман,” — деди. Охири урина-урина эшикни қия очишга муваффақ бўлдим. Биз эшикнинг қия очилган жойидан ташқарига чиқдик. У ер кенг ва гаройиб жой эди. Атрофни сув қоплаганди, у ерда қатор устунлар бўлиб, уларнинг бир учи сувда, иккинчи учи эса баланд, қоронғу томда йўқолиб кетар эди. Биз тош зиналардан сув ичига тушдик. Саад: “Қайиққа чиқамиз”, деди.

Биз кичкина қайиққа чиқдик. У темир чўқмор билан тошга боғланган эди.

Мен эшкак эшиб, Саад айтган томонга қараб борар эдим. Бир неча дақиқа ўтмасдан, денгиз кириб кетадиган катта бир горга етиб

келдик., у ерда кемалар ва одамлар ҳам йўқ бўлиб кетар эди. Шу пайт кимдир қичқирди:

– Саад, сен билан келган ким?

– Бу йигитни сенинг олдинга хоним юборди.

– Худо ҳаққи, хоним менга фақат маломату газаб юборади деб ўйлар эдим.

Биз қайиғимиздан тушдик ва мен унга салом бердим.

– Суффонга саломлар бўлсин! Не кўз билан кўрайки, у менинг кўйлагимни тортиб олган қароқчи эди. Мен унинг гарданидан олиб, қичқира бошладим.

– Ҳа ўғривачча! Сен ўшасан!

У мени ўзидан итариб юборди-да, Саадга юзланди:

– Хоним, ҳузуримга қаёқдаги жиннини ҳам юборадими?

– Балки сендан ақлироқдир, эй ўғри, қани кўйлак?

Суффон бироз ўйланиб турди-да, кейин:

– Қайси кўйлак? Қанақа кўйлак? – деди.

– Тортиб олганинг эсингда йўқми, пасткаш?

Мен яна унга ташландим, у мени яна итариб юборди. Мен йиқилиб тушдим. У устимга ўтириб олди.

– Энди эсладим, Муроднинг кемаси... – деб кула бошлади у бир вақт.

– Нега куласан? Эй аблаҳ, ҳаётимни барбод қилдинг.

У бадтар кула бошлади, кула-кула ерга думалаб қолди. Сўнг қорнига ағдарилиб:

– Нима, сен ҳаётингни расво қилганимдан кўра жонингни олганимни афзал кўрармидинг? – деди.

Саад қичқириб:

– Суффон, ундай қилма! У ахир хонимнинг меҳмони! – деди.

Шундан сўнг Суффон қаддини ростлади-да:

– Нима истайсан? – деди.

– Кўйлагимнинг чўнтагида китоб бор эди.

– Ҳа.

– Китобни қайтиб бер! Кўйлакни бош-кўзимдан садақа қилдим.

– Шуларнинг барини эсингдан чиқариб юборсанг нима қиларди.

– Китобни, эмас, аммо, Суффон!..

– Мадомики, сен хонимнинг меҳмони экансан, сенга ҳурмат кўрсатиш керак. Сен буни қолдиргин-да, ўзинг кетавер.

– Йўқ, Саад, агар сен шундай қилсанг, хонимнинг жаҳли чиқади, – дедим.

– Хонимнинг жаҳли чиқмайди. У сени Суффоннинг олдига олиб бор деган. Қасрга қайтариб олиб кел демаган.

*Давоми бор*



## Рубоийлар

1

**Э**й, сарв қадинг кўзимиз ичра унди,  
Кўзларга юзингсиз қачон уйку инди?!  
Бу хаста кўнгилнинг сиррини ҳар ёққа  
Кўз қорачиғи ёяр уялмай энди.

2

Шодлик эшиги бизга очикдир бу кеча,  
Ёр лутфу муруввати сочиқдир бу кеча.  
Ёр қошига йўл топмади ҳаттоки сабо,  
Жону дилимиз айтишади сир бу кеча.

3

Кўзғол, қани, боққа кирки, очилди гул,  
Юзинг йўғида тилини ютди булбул.  
Десам: “Аридек мунча менга ниш урасан?”  
Дер: “Ниш учида асали ҳам бордир, бил”.

4

Ёрнинг гулдек юзини кўрсанг қани-ей!  
Чўғдай лабидан бўса терсанг қани-ей!  
Бир лаҳза висоли деб ғами растасида  
Кўнглингни-да, жонингни-да берсанг қани-ей!

---

### ЖАҲОН МАЛИК ХОТУН

Оташнафас шоира Жаҳон Малик Хотун (XIV аср) Шероз ҳоқими Абу Исҳоқ Инжунинг акаси Жалолиддин Масъудшоҳнинг ёлғиз фарзанди эди. Отаси жуда бадавлат бўлиб, бутун бойлигини Озарбайжондан Шерозгача бўлган жойларда мадраса, хонақоҳ, рабат ва карвонсаройлар қуришга сарфлаган. У ўлдирилгач, шоиртабиат, илму маърифат ҳомийси бўлган амакиси Абу Исҳоқ Инжу тарбиясида бўлади. Инжулар хонадони машҳур мутасаввиф шоир ва авлиё Абдуллоҳ Ансорий авлодидан эди. Бўлажак шоира ўз даврининг асосий илмларини эгаллайди, адабиётга муҳаббат қўйиб, шеърлар машқ қила бошлайди, саройдаги мушоираларда қатнашади. Жаҳон Малик Хотуннинг Убайд Зоконий билан мушоира ва мунозаралари, Хўжа Ҳофиз билан мусоҳабалари хусусида манбаларда қизиқарли маълумотлар сақланиб қолган. Давлатшоҳ Самарқандий унинг гўзаллиги, оқиллиги ва истеъдоди билан шаҳарда шуҳрат қозонганлиги, кўнгилларга ўт солувчи ҳассос шеърлари халқ ичида кенг тарқалганлигини айтиб ўтади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

77

## 5

Тонг чоғида савсан ният қилди то  
Тик қадди билан чаманга берса оро.  
Мен лола каби юзини кўрдиму дедим:  
“Куйганга яна ўт ура кўрманг асло”.

## 6

Ҳар сўзки, ёр ёдидан айру – у бод,  
Хуррам дили ким бўлса ғамингдан дилшод.  
Мен ёр ёдисиз ҳатто нафас олмайман,  
Ёр бўлса мени айламагай асло ёд.

## 7

Дард ичра ўлай дедик, давони йўлла,  
Бу бенаво қулларга навони йўлла.  
Боқ: халқ ишига тушди тугун узра тугун,  
Очмоққа уларни раҳнамони йўлла.

## 8

Чарх айланади – тинимни билмас бир он,  
Аҳволини англайди унинг мард инсон.  
Бечора нима ҳам қилсин – мендек у ҳам  
Тақдир қўлида чарх уради саргардон.

## 9

Ишқинг аро бечора дилим бўлди-ю маст,  
Зулфинг домига тушди бўлиб донепараст.  
Бир бошқача боққани учун унга кўзинг,  
Қошингга яқин бўлиш учун айлади қасд.

## 10

Бир лаҳза дилим ёр ғамидан холи эмас,  
Ҳам ёр ғамидек ҳамдамидан холи эмас.  
Мен ёр ғамидан нафас олурман ҳар дам,  
Олдимми нафас, ёр дамидан холи эмас.

## 11

Кўзим кеча ёрга дерди айлаб жоду:  
“Ҳажринг ғамидан тунлари йўқдир уйқу”.  
Бугун ўша сўзни деб пушаймон бўлдим,  
Эй, маст нима деганини билмайди-ку!..

---

Лекин тожу тахт талашишлари натижасида Абу Исҳоқ ўлдирилиб, Оли Музаффар ҳокимиятни қўлга киритади. Инжулар хонадони қувғинга учрайди. Шоиранинг эри – вазир Аминиддан Жаҳромий ҳам қатл қилинади, ёлғиз фарзанди Султон Бахт гўдаклигидаёқ вафот этади, қариндошлари турли томонларга тарқаб кетади.

Жаҳон Малик Хотундан қасида, ғазал, рубойи каби лирик жанрлардаги 14 минг байтдан ортиқ шеърларни ўз ичига олган улкан девон мерос қолган. Девоннинг асосий қисмини ғазал ва рубойи ташкил этиб, жумладан рубойилари сони 357 та. Шоира девони 2002 йили илк бор Техронда нашр этилган.

12

Жуфтман гамига, агарчи қуликда тоқ,  
Киприк билан ер бағрини қилгайман чок.  
Бу чарх жафосию рақиб жабри сабаб  
Бир лаҳза хотиржам яшамоқ йўқ мутлоқ.

13

Кўзимга юзинг хаёли жо бўлди, жо,  
Кўнглим бўлди сарв қадинга маъво.  
Чўгдай шу лабингдан туташиб бир учкун,  
Бағримда менинг бўлди аланга пайдо.

14

Дедим: “Бу жаҳон агар вафо қилгусидир,  
Кўнглимдаги дардимга даво қилгусидир.  
Бу чарху фалакка қара: ҳафта, ойда,  
Не қилди-ю, нени муддао қилгусидир?”

15

Юз ранги сариқ гул каби ҳажрингда, санам,  
Дардингда қачонгача чекай қайғу-алам?  
Бечора сариқ гулга дедим: “Кўрдингми  
Ўтказганини бизга фироқ қанча ситам?”

16

Тонг чоғида боққа кирдим – ухлатмади гам,  
Дер эди сариқ гулга қизил гул бу дам:  
“Булбул-ку менинг қизил юзим ҳажрида қон,  
Юзингни сариқ қилди сенинг қайси алам?”

17

Қайрилма қошинг худди ҳилолга ўхшар,  
Ошиққа иши ранжу малолга ўхшар.  
Ҳар иккиси бирга ўраб олмоқ бўлади,  
Қочмоқ бўламан, аммо хаёлга ўхшар.

18

Зулфингга дилимнинг арзи ҳоли бордир,  
Олам элидан ранжу малоли бордир.  
Дедингки: “Ўралма икки зулфимга, дилим –  
Васлини тилару хом хаёли бордир”.

19

Мен хастадан юзини ниҳон этгусидир,  
Ўзига рақибни меҳрибон этгусидир.  
Дедим: “Сира ишқингни этолмайман тарк”,  
Шундан бери жонимни нишон этгусидир.

20

Дедимки: “Дилим сен каби ёр тутса эди,  
 Мен хаста қўлини ё нигор тутса эди.  
 Очса эдинг икки беқарор зулфингни,  
 Бечора бу дил токи қарор тутса эди”.

21

Дилтанг бўлаверма, жон жононга етар,  
 Бир куни дардинг-да дармонга етар.  
 Висол кунидан сира умидинг узма,  
 Ҳижрон туни ҳам охири поёнга етар.

22

Бечора дилим чарх ўқидан қон эмиш-ей,  
 Даврон ғамидан ҳоли паришон эмиш-ей.  
 Йиғлар фалак озори сабабли туну кун,  
 Дил иши жаҳонда оху афғон эмиш-ей.

23

Келди яна гулу булбулу фасли баҳор,  
 Тортар ўзига сув бўйию васли нигор.  
 Хуррам дили кимнинг бахт ёри бўлса,  
 Ғамгин дили кимнинг қошида бўлмаса ёр.

24

Булбул кўрдим боғда — қилар нолаю зор,  
 Фарёду фиғон чекар бамисли ярадор.  
 Дедим: “Нега гулзорни кўтардинг бошга?”  
 Дедики: “Гулимни кетди олиб аттор...”.

25

Дил чарху фалак жафосидан этгуси дод,  
 Ҳар лаҳза ғаму қайғусини қилди зиёд.  
 Бу чархи фалакдан нима келса кўрдик,  
 Келса яна кўраверамиз етса сабот...

26

Дилданми, фалакданми, фироқданми дейин,  
 Тоқ бўлди-ку тоқатим-да ҳар лаҳза сайин.  
 Келтирди фалак жафоси жонни лабга,  
 Ҳам дўсту яқинлар қилган макру ўйин.

27

Тонг чоғида гул кулиб деди: “Эй булбул,  
 Дунёни қачонгача ёқар бу гулгул?  
 Бир кун кетаман сафар юкини боғлаб,  
 Қолсанг менга ўрганиб, унутиш мушкул...”



28

Юзинг боғида навбаҳордир доим,  
 Ҳар икки кўзинг масту хумордир доим.  
 Раҳм айла, мусаффо гулига таъбимнинг —  
 Чарх жабри сабаб ҳамдами хордир доим.

29

Бу дунё ўзига берди оро гулдек,  
 Бор нима замин саҳнида зебо гулдек?  
 Қошида жаҳон гўзалларин ўлтирсанг,  
 Сенинг-да юзинг бўлади раъно гулдек.

30

Ёмғир каби бошим узра соч алвон гул,  
 Зеро, боғда юзин қилар пинҳон гул.  
 Келди-ю жаҳон боғига айш айлай деб,  
 Бўлди умри қисқалигидан гирён гул.

31

Ҳар қанчаки сен душмани жонсан, эй дил,  
 Жон хаста танимга бегумон сан, эй дил.  
 Кўп қилма ўзингнию мени андиша,  
 Ҳижронида топмасанг омон сан, эй дил.

32

Ё Раб, гуноҳим кечир қилиб лутфу карам,  
 Кетма назаримдан яна бир сония ҳам.  
 Мен кимману номимни ўзи ким тутади?  
 Мендан гуноҳу сендан эса лутфу карам.

33

Дардинг дастидан жонга етди дилим,  
 Ғамдан юз жон тўнини чок этди дилим.  
 Кўрди-ю жаҳон саҳнасида сарви равон,  
 Қаддинг дея ғам ичра чўкиб кетди дилим.

34

Чиройли кўзинг олди бир бора дилим,  
 Сабр кўйлагини қилди юз пора дилим.  
 Олмоқчи эди улуш висол давлатидан,  
 Бу орзусига етмади бечора дилим.

35

Кўз чашмасини қилгуси кўзинг равшан,  
 Қилгуси умид боғини юзинг гулшан.  
 Жанг айлагали фироқ билан совут йўқ,  
 Васл айлагали тинчликни бергил сан.

36

Дедим: “Сарвқад, биз сари бир айла хиром,  
 Ҳажрингда тупроқ бўлди банда тамом”.  
 Деди: “Киши бир кеча висолга етса,  
 Яхши ўтади, энди унинг умри мудом”.

37

Ишқингда қачонгача дилим саргардон?  
 Қайтар уни гар қўлингдан келса, жонон.  
 Дил қонини тўхтамай тўкарсан, эй кўз,  
 Дил айби нима – ўзинг биларсан пинҳон.

38

Қилдик қанча тўла қадаҳни холи,  
 Бизга насиб этмади дудоғинг боли.  
 Қўрқиб қолдим – ширин лабингга етмай  
 Жон берсам агар тутар лабинг уволи.

39

Кундан-кун ҳусну қўркинг ортгусидир,  
 Боққан сари кўзни ўзига тортгусидир.  
 Қозига этиб, дилимни қайтар дегали  
 Қозига дилим судраши қўрқитгусидир.

40

Бечора дилим ҳажрингда ғам кўрди,  
 Юзингдан узоқ кўзим мудом нам кўрди.  
 Ҳижронга чидаш агарда ғам келтирса,  
 Бечора дил олам ғамини жам кўрди.

41

Қон денгизини қилди равон кўзимдан,  
 Ёшимни оқизди ҳар замон кўзимдан.  
 Бу барчаси етмаган каби кетмайди  
 Ёрнинг юзи ёди ҳеч қачон кўзимдан.

42

Шамдек юзинг қошида мен парвона,  
 Сенсиз менга ҳар икки жаҳон бегона.  
 Дедингки: “Лабинг орзусига етказаман”.  
 Ваъдангни кутиб, ўлай дедим, жонона!

43

Ҳижрон ғамидан бўлди бутун қон бу кўзим,  
 Ҳажрида нима қилишни билмайман ўзим.  
 Жон ҳажри бўлар қаттиқ тандан дерлар,  
 Ҳижронзада дилга ўзи берсин-да тўзим.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

82

44

Бечора дилим жондан узоққа тушди,  
 Бош айланиб, ишқ деган тузоққа тушди.  
 Ҳижрон дарди-ю, даврон гуссасидан  
 Душман кишани қўлу оёққа тушди.

45

Ё Раб, менга покиза бир иймон бер,  
 Дардимга мурувватинг билан дармон бер.  
 Гўзаллар зулфидек паришон кўнглим,  
 Жам этгали кўнглимни бирор имкон бер.

46

Билмас инсофни ҳеч қачон нозли санам,  
 Жон кетди-ю, дил олди-ю, йўқ бош-да бу дам.  
 Энди эшиги олдидан ўтсам дейди:  
 “Ҳеч нарсасиз эшигимга келма сира ҳам!”

47

Гулдек юзига боқ — раънодан-раъно,  
 Қадди чаман ичра зебодан-зебо.  
 Бош қўйди қадидан уялиб сарв ерга,  
 Кўриб қадамини барнодан-барно.

48

Дил сендан ўзгага сира майл этмас,  
 Юзингни кўриш орзуси дилдан кетмас.  
 Тарк айлагиси йўқ гаминг савдосини,  
 Ҳар қанча насиҳат этма, унга етмас.

49

Юзинг туриб ўзга юзга майл этмас дил,  
 Юзингни кўришдир орзуси ою йил.  
 Жон нега вужудим ичига киргандир  
 Излаб сени, бўлмаса висолга восил?!

*Фурс тилидан  
 Эргаш ОЧИЛОВ  
 таржималари*

Кришан ЧАНДАР

**Бир қизга минг ошиқ**

Роман

25

**Х**ожи Абдул Салом билан Мирчандоний иккаласи қил ўтмас дўстлар эди. Иккаласи бир бўлиб, шерикликда бир банк очгандилар. Уша банк воситасида одамларни роса талаб келардилар. Иккови ҳам қўлга тушиб, энди қамоқда жазоларини ўтамоқда эдилар. Бироқ иккаласи шунчалик оқилона иш тутган эдики, жиноятчи бўлишларига қарамай, полиция улардан бир чақа ҳам ундиролмади. Улар бир миллион етти юз минг рупия пулни “ҳазм қилиб” юборишганди. Шунча пулни берадиган мард бормикан бу дунёда? Улар йиллаб қамоқда ўтиришга ҳам рози эдилар. Шу боис иккови ҳам қамоқда маза қилиб яшар ва пулнинг кучи билан нимани хоҳласалар, шуни қилишарди. Қамоқхона бошлиғининг ёрдамчиси уларга дўст бўлиб қолганди, побоннинг эса бурнидан ип ўтказиб олишганди; шунинг учун иккала дўст қамоқхонада ҳам шундай гердайиб юришардики, гўё улар қамоқхонада эмас, шаҳарнинг кўркем туманидаги биронта данғиллама ҳовлисида яшаётгандай эдилар. Уларга энг аъло меҳмонхоналарнинг таомларидан келтиришарди, “Стейт экспресс”дан паст навли сигарета чекишмасди. Кўнгиллари пойга томошасини тусаб қолса, қамоқхона супариндентининг кўзини шамғалаб қилиб, пойгага ҳам бориб-келишарди. Бир неча марта улар Дилдор гузарига бориб, яллагиларнинг қўшиқларидан ҳам тинглаб келишганди. Бундай пайтларда ҳимоя учун икки бақувват кўриқчи ҳам уларга ҳамроҳ бўларди. Пуллари энди ишончли жойда сақланаётганидан, қамоқхонадан қочиб кетишни улар хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Шуни ўйлаб, қамоқхона бошлиғи ёрдамчиси уларни бемалол қўйиб қўйган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Ёрдамчи ўқимишли одам. Йигитлик паллаларида бир коллежда иқтисоддан маърузалар ўқир эди. Уч юз эллик рупия маош оларди. Жўжабирдай жон, шу боис доим пулдан сиқилиб, қақшаб юрарди, дарсда ўғил болалар билан у ўқитувчи эмас, бамисоли полиция бошлиғидай муомала қиларди. Ўғил болалар доим ундан нолир эдилар. Икки-уч бор коллежда унга қарши норозилик чиқишлари ҳам бўлди. Инглизлар ҳукмронлиги даври эди. Ҳукуматга қарашли коллежда маъруза қиларди у. Директор англиз одами. У замонларда ҳар бир норозилик намоиши ортида инглизларга инқилобчиларнинг қўли бордек кўринар эди. Шундан фойдаланиб, қамоқхона бошлиғи ёрдамчиси Каличаран англиз директоридан уни бўшатишини сўради ва унинг фармойиши билан коллеждаги маърузачи-

---

Охири. Боши ўтган сонда.

лигини қамоқхона ходими билан алмаштириб олди — у бу ерга ана шу тариқа келиб қолганди. Чунки вилоят қамоқхоналарининг инглиз мудири уни директорининг дўсти эди. Бу жой унга жуда маъқул бўлди. Унинг феъл-атвори ва табиатига жудаям мос келиб қолди. Яна бу ерда тухум, сабзавот, гўшт, сут, хизматкор — ҳаммаси текинга бериларди. Бой маҳбусларга ёрдам бериб, у улардан ойига мўмайгина пул ишлар эди. Коллеж болаларига берадиган озгина одатдаги дарслардан ташқари у ерда бошқа қанақа даромад қила оларди? Бу ерда у жуда хурсанд эди, гўё ўз қариндошлариникига келиб қолгандай. Тўғри, бир неча марта у нари-бери ҳам бўлди, бир лавозимини кўтаришган бўлса, бир уни яна жойига қайтариб қўйишганди; лекин бу ишларнинг бари замона зайли билан бўлди. Баланд тўлқин устига чиқиб олиб, киши гоҳо олдинга кетиб қолади, гоҳо ўша тўлқинлар уни суриб кетиб, оёғини осмондан қилади. Дунё бамисоли бир уммон, бу уммонда биз яшашга ҳам, чўкишга ҳам маҳкуммиз, модомики, шундай экан, ташвишланишга на ҳожат? Каличаран жон сақлаб қолиш учун мудом ўлиб-тирилиб ҳаракат қилар эди, яъни зобити, қамоқхона супаринденти қаршисида ўзини ўтакетган жонкуяр ва софдил қилиб кўрсатишга суяги йўқ эди. Супариндент ҳам ўқимишли одам, борди-ю, у қамоқхона ходими бўлмаганида, албатта, ёзувчими, шоирми, бастакорми бўларди. Жуда нари борса биронта ватанпарвар партиянинг раҳбари бўларди ёки бўлмаса шундай бир касбнинг бошидан тутардики, унда айтгани-айтган, дегани-деган бўларди. Унинг юраги юракмас, меҳр ва шафқат булоғи эди. У одамлар учун нимадир қилишни истарди, кўнглида бир дунё орзулар қалашиб ётарди. У хизмат қилишни ва яхши одам деган ном қозонишни хоҳларди, мудом одамлар дарду ғамини енгиллатиш пайида бўлар эди, шу билан бирга у ғирт аҳмоқ эди. Болалигида рассомликка қаттиқ қизиқарди, бироқ отаси ройбаҳодур<sup>1</sup> Шри Гангасаҳой қамоқхона бошлиғининг муовини эди; бу лавозим уники бўлгани билан замона тизгини инглизлар қўлида эди. Ройбаҳодурлар инглиз ҳукуматининг арзанда ўғиллари саналарди, шунинг учун ота ўз ўғли Хубчандни қамоқхона маъмуриятида ишга жойлаштириб қўйишни маъқул топди.

Хубчанд Парижга бориб, рассомлик сирларини ўрганишни ўйлаб юрарди. Бироқ ройбаҳодур соҳиб унинг биронта сўзига қулоқ солмади ва у қамоқхонада бўлим бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. Борди-ю, у қайсарлик қилганида ёки ўз кўнглига қараб иш тутганида, очнаҳор кун кўриб, расмини чизиб юраверган бўларди, аммо у ҳаддан ташқари яхши одам эди, шунинг учун у Ван Гог бўлолмади, балки қамоқхона ходими бўлди. Бироқ унинг феълидаги юмшоқлик, шоиртаблик, рассом бўлиш орзуси бу ерда ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. У маҳбуслар билан ғоят мулойим ва одамшавандаларча муомала қиларди, ўз ҳуқуқидан жуда бағрикенглик билан фойдаланарди, одамларга ишониш унга одат бўлиб қолганди.

Ҳозир ҳам расм чизиб турарди, лекин у замонавий мусаввирлардан қаттиқ хафа эди, улар аёл кишини қашишпоядек ингичка, эркакни эса қопдай семиз қилиб чизар эдилар. У оддий халқ тасвирланган бадий асарларни сира ёқтирмасди, уларда қишлоқ одамлари жуда ҳам бачкана кўринишда бўлар эдилар. Унга қадимги бангол санъати жуда ёқар эди. Сўлим тасвирий санъат намуналари! Мудроқ босган борлиқ! Уйқули кўзлари ҳумор-хумор, шакарқамиш поялари ортига яширинмоқчи бўлган қишлоқ ва дарё оралиғидаги соҳилда хаёлга

<sup>1</sup> Р о й б а ҳ о д у р — инглиз ҳукуматига хизмат қилувчи ҳинд ҳарбийлари. (Тарж.)

чўмган бир соҳибжамол қиз! Қизнинг кўзлари шундай ёқимли, шундай маъсум, шундай қийғочки, борди-ю, бурилиб, бирров қиё боқиб кўйса борми, қараши куйдириб, кул қилади. Бундай аёллар қайси юртда яшаб, нима еб-ичаркин? Нима бўлганда ҳам улар ўзларидан бошқа ҳеч ким бўлмайдиган жойда яшашса керак. Ҳамма томондан тўкис бундай аёллар еб-ичишу бошқа ташвишлардан мутлақо холи бўлса ҳам, эҳтимол. Улар ишлаб нима қилишади? У бор-йўғи расм, уни одамлар заррин ромга жойлаштириб томоша қиладилар. Кўп эр-каклар шундай ўйлагани учун ҳам кўп аёллар мана шунақа заррин ромни орзу қилиб яшайдилар.

Хубчандда заррин ром йўқ эмасди; бироқ ҳалигача у ҳар жиҳатдан тўкис аёлни учратмаганди, шу боис қимматли умрининг эллик йили ўтиб кетган бўлса ҳам у бўйдоқ эди. Шу боис энди унинг қалбида орзулар алангаси ҳам сўна бошлаганди, энди бу ёғига тўкис аёлни тополадими, йўқми, Худо билади. Кўнглини умидсизлик эгаллай боргани сайин у ўз сувратларида аёл қиёфасини иложи борича нафис ва нозик қилиб тасвирлашга зўр бера бошлаганди. Гоҳо бу сувратларга қараб туриб, у йиғлаб юборарди. Қанийди, шу сувратлардан бири тирилиб қолса, мана бу лаблардан сўзлар учиб чиқа бошласа, мана бу оппоқ билаклар келиб бўйнимга чирмалса. Оҳиста-оҳиста пирил-лаётган киприклар ёноқларига келиб тўқинса нима қиларди? Хўш, нима қиларди? Бир мард одам йўқки, бундоқ келиб, айтса: бундан кейин муҳаббат бўлади, муҳаббатдан кейин эҳтимолки, тўй бўлар, тўйдан кейин эҳтимолки, фарзандлар бўлар, фарзандлардан кейин балки уруш-жанжаллар ҳам бўлар, фарзандларнинг уруш-жанжалларидан кейин, сурункасига кўп йиллар бирга яшашдан кейин, эҳтимолки, ўша аёл қамишпоядай ингичка тортиб ёки бўғоз сигирдай семириб кетар, унинг орзулари умрбод чилпарчин бўлар. Ҳойнаҳой, у шу боисдан ҳам уйланмагандир. У фақат сув юзида қалқиб турган нилуфарни томоша қилишни хоҳларди. Шу нилуфар униб чиққан ботқоқ ҳам, ҳар бир гул қовжираб тушган жой ҳам унинг етти ухлаб тушига кирмасди. Хубчанд романтика мухлиси эди, ўз орзулари қамоқ-хонасида маҳбус эди. Шунга ўхшаб, кўплаб одамлар абадий қандайдир қамоқхонага тушиб қоладилар-у, ўзларини озод деб биладилар.

## 26

Лаъчийни даставвал қамоқхона супаринденти идорасига олиб киришганида, Хубчанд уни кўриши билан донг қотиб қолди. Бирдан унга юрагида асраб келаётган аёл тасвирига жон кириб, унинг қаршисида пайдо бўлгандек туюлиб кетди. Ўша маънос гўзаллик, ўша юракка тиғи паррон отувчи кўзлар, хиромон чоғидаги ўша бепарво, нозик адолар. Унинг рўпарасида атрофдагиларни назар-писанд қилмайдиган ва саркаш Лаъчий турарди. Анча вақтгача у қизга ҳайрат, таажжуб ва ташвиш аралаш қараб қолди. Ағрайиб тураркан, бир вақт хонада у ёлғиз эмаслиги ёдига тушди: котиба йигит, иккита хизматчи, посбон, қамоқхона маъмуриятидан яна бир неча одам шу ерда эди. Хубчанд базўр нигоҳини Лаъчийдан олди-да, унинг қоғозларига кўз солди. Шу ерда у яна бир панд еди.

— Одам ўлдирдингми? — Хубчанд ҳайрон бўлиб, Лаъчийга қаради.

— Бўлмаса бу ерга нега келардим? — Лаъчий саволга савол билан жавоб берди.

— Тўғрилиқча гапир, — деди бир посбон жиддий оҳангда. — Бу киши қамоқхона бошлиғи бўладилар.

– Яхши,— Лаъчий қўллариини жуфтлаб, Хубчандга салом берди; бу ҳаракати манглайига қўнган пашшани ҳайдаган билан бараваар эди.

– Қўявер, қандай хоҳласа, шундай гапираверсин,— деди бирдан Хубчанд мулойимлик билан; у яна қоғозларга кўз югуртира бошлади. Қоғозларни ҳар қанча ағдар-тўнтар қилиб қараб чиққанига қарамай, у бирон марта ҳам Лаъчийга кўз ташлашга ботинолмаётганди. Бундан Лаъчийнинг юзида киноя аломатлари пайдо бўлганди.

“Бу суврат гапиради ҳам,— кўнглидан ўтказди Хубчанд,— ҳаракат ҳам қилади, лекин кинодагига ўхшаб эмас, ҳаётдагидай”. Барибир у қаттиқ панд еди. Нега шундай бўлди? Шунинг учунки, бу суврат у истаган тахлитда гапирмаётганди. Унинг суврати, эҳтимол, унга Тагор кўшиқларини тақдим этармиди, Умар Хайём рубоийларидан ўқирмиди ёки Китснинг Лемиясидек биронта кимсасиз оролни шушилоҳон овозда куйланган сархуш кўшиқлар билан сарафроз этармиди. Бироқ мана бу сувратдан чиқаётган овоз нақ араванинг шалди роғи. Хубчанднинг нафсонияти қаттиқ оғриди, у овозини хиёл жиддийлаштириб, деди:

– Қўлингда бирон ҳунар-пунаринг борми?

– Халта тўқий оламан, буйра.... яна...— қиз тўхтаб қолди.

– Хўш, тагин нима?— сўради Хубчанд.

– Яна кўзбойлогичларнинг ҳамма ўйинларини биламан. Тортилган дорда юра оламан, ёниб турган ҳалқа орасидан ўта оламан, бир нафасда ўн марта ўмбалоқ оша оламан.

“Қаёққа гумдон бўлди ҳалиги суврат? Шовуллаган шакарқамиш поялари, муаттар ҳидга тўла ҳаво, дарё бўйида бошини маъюс эгиб ўтирган жонон. Э, бу ўша сувратнинг ўзгинаси-ку, аммо бутунлай бошқача ҳам!” Хубчанд ич-ичидан эзилди. Эллик йилдан буён чизиб келган суврати бир зумда парча-парча бўлиб, оёғи тагида ётарди. Лаъчийнинг овози қулоғига чалинди:

– Қўл букиш ўйинини ҳам биламан,— деди Лаъчий қўлини олдинга чўзиб, кейин супариндентдан сўради:— Ўйнаймизми?

Хонадагиларнинг барчаси гур этиб кулиб юборди, фақат панжоблик посбон Дилдор Хоннинг қаттиқ жаҳли чиқди, қамоқхона супаринденти обрўйини ҳимоя қилиш учун айни пайт келганидан у шартта деди:

– Жанобни тинч қўй, аввал мен билан қўл букиш!

Дилдор Хон тақир ва семиз қўлини Лаъчий томон чўзди. Лаъчий чўчиб, ўзини орқага олди ва деди:

– Сизнинг қўлингиз меникидан кучлига ўхшайди!

Хонадагилар яна кулиб юбордилар. Дилдор Хон гердайиб, киноя билан, деди:

– Ана, кўрқди!

Лаъчий шолғомдай қизариб кетди. У олдинга чиқди-да, Дилдор Хоннинг кафтига “шап” этиб кафтини урди, бармоқларини унинг бармоқлари билан чалишгирди. Дилдор Хон қўлини қизнинг қўлига бериб, куч билан қайирди. Лаъчийнинг бутун вужуди таранг тортилади-ю, аммо қўли эгилмади.

– Ҳаромзода! — Дилдор Хон қичқирди ва бор кучи билан зўр берди.

– Ҳаромзода сенсан, сенинг отанг ҳаромзода! Камроқ гапир-да, қўлимни қайир!— деди Лаъчий жаҳли чиқиб.

Дилдор Хон бор кучи билан Лаъчийнинг қўлини қайиришга ҳаракат қилди, бироқ Лаъчий ўйинчи полвонлар усулларини бекорга

ўрганмаганди, у гавдасини эгиб, бор кучини бир жойга жамлади, қўли аввал қандай тик турган бўлса, ўшандайлигича қолаверди.

Дилдор Хоннинг офтоб урган юзи газабдан баттар қорайиб кетди. Бир пайт Лаъчий унинг кўзига қараб кула бошлади ва деди:

– Эҳтиёт бўл, ҳозир қўлимни сенинг қўлингдан ажратиб оламан.

Шундан кейин у нима қилди-ю, бир эгилди, сўнг яна бир галати ҳаракат қилиб, қўлини бир силтаган эди, панжаси Дилдор Хоннинг панжасидан сирғалиб чиқиб кетди. Шу ерда турганлар қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. Дилдор Хон Лаъчийни урмоқчи бўлиб, қўлини кўтарди, бироқ бошлиқнинг рангпар ва қотма чехрасига кўзи тушиб, қўли ҳавода тўхтаб қолди.

– Дилдор, бу қанақа аҳмоқлик?– деди Хубчанд хиёл жиддий оҳангда. Кейин хотин-қизлар мудираси Жайна Бойига қараб деди:

– Жайна Бойи! Буни олиб кет, олти ойгача бошқа аёллардан алоҳида сақла. Жуда хавфлига ўхшайди.

– Мен алоҳида турмайман, турмайман! – бирдан қаттиқ қичқириб деди Лаъчий. Жайна Бойи чўчиб орқага тисарилди. Хубчанднинг буйруғи билан уч-тўрт посбон биргалашиб, Лаъчийни қуршаб олдилар ва уни катта қамоқхонанинг жанубий бурчагида жойлашган аёллар бўлимига ташлаб келдилар.

Тун бўйи Хубчанд мижжа қоқмади. Алламаҳалгача у шином, чароғон хонаси деворларига осиглиқ сувратларга узоқ-узоқ тикилди. Бу сувратларни унинг жини севмасди. Қамоқхонанинг бешафқат зулмага тўла дунёсидан кейин мана шу сувратларгина унга тасалли берарди. Мана шу сувратлар унинг хотини ҳам, болалари ҳам, дўстлари ҳам эди! Неча йиллар давомида чеккан риёзатию эътиқодини у шу сувратларнинг қат-қатига жо этганди. Лекин бу кўп йиллардан буён қадрдон бўлиб қолган сувратлар бугун унга нечоғли нотаниш ва бегона кўринмоқда! Гўё ҳаммаси барбод топгандек, ҳаммаси вайрон бўлгандек, ҳаммаси майда-майда бўлиб ушалиб кетгандек! У бу сувратлардан мутлақо беҳабар эди. Бу сувратларни у қандай чиза оларди ҳам? Бу сувратлар бошдан-оёқ қалбаки эди. Бу сувратлар уники эмасди. Булар аллақандай аҳмоқнинг мўйқаламидан чиққан бемаъни чизиқлар эди, уларда ҳеч қандай маъно-матра йўқдек.

Неча йиллар у бу сувратларни гапиртиришга ҳаракат қилди, аммо булар бор-йўғи сувратлар эди, қандай гапирарди? Ўлик орзуларнинг ўлик жасадлари! Уларда жон деган нарса йўқ-ку, тагин қандай гапирсин?

Унинг Лаъчийдан қаттиқ жаҳли чиқди. Бирдан у ўзини бекорчи ишларга ўралашиб, чол бўлиб қолгандек, нотўғри йўлдан юриб-юриб, сувсиз қудуққа дуч келган одамдек ҳис қила бошлади. У девордан барча сувратларни битта-битта олиб ташлади, уларни ромдан чиқарди ва ўз ҳаётининг кўҳна саҳифаларини йиртаётгандек, бирин-кетин йирта бошлади. Кўзларидан ёш қуйилди, чунки ҳаёт саҳифалари қоғоз саҳифалари эмаски, уни бошқатдан бошласа!..

– Энди мен фақат қамоқхона нозири бўлиб қоламан!

Жайна Бойи ёшлигида баданини сотиб кун кўрарди. Кейин ёши қайта бошлагач, киссавурлик кўчасига ҳам кирди. Ўрта ёшларга бориб қолганда эса у машҳур қўшмачига айланди, қиладиган иши гўзал аёллар ва қизларни авраб, уларни номдор даллоллар қўлига топширишдан иборат эди. Бундан мўмайгина пул ишларди. Аммо жуда хавф-



ли касб эди бу. Тўрт-беш марта қамоқхона тузини тотишига ҳам тўғри келганди. Охирги марта у ҳомиладор қизни илинтириб, унинг боласини бўғиб ўлдиришда айбланган, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилганди. Шу хотин энди ғоят меҳрибон, раҳмдил, оғзидан бол томадиган, ҳар нарсага сўзи ўтадиган кекса хотинга айланганди. Унинг ҳатти-ҳаракатларида ҳар доим қандайдир меҳр барқ уриб турарди, шу туфайли у аёллар қамоқхонасида энг кўзга яқин хоним ҳисобланарди. Эндиликда шу қамоқхона унинг ўлан тўшаги, шу ер унинг она юрти, шу ер ҳаётининг мазмуни бўлиб қолганди. У қамоқхонадаги хотин-қизларнинг бошлиғи эди ва қамоқхона маъмурлари уни ўзларига жуда яқин олар эдилар. Эркаклар қамоқхонасидаги номдор безорилар ҳам уни ҳурмат қиларди, чунки у ҳамма ишда устаси фаранг эди. Ҳар бир тadbиркорда бўлиши шарт ҳисобланганидек, ҳар қандай қилвирликни у ғоят устомонлик билан ва “виждонан”, иймонини ўртага қўйиб адо этар эди. Афсус, шароитлар тақозо этмадида; у олий маълумот ололмади ва бир камбағал ҳинд аёллигича қолиб кетди. Ҳолбуки, унда омадли тadbиркорга хос барча хислатлар мавжуд эди. Агар умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилмаганида, эҳтимол, у бир кун келиб миллионер бўлармиди.

Жайна Бойй ташқи дунё янгиликларини аёллар қамоқхонасига етказиб турар эди. Аёллар қамоқхонаси билан эркаклар қамоқхонаси ўртасидаги алоқа ҳам у орқали йўлга қўйилар эди. Наша ва қорадори муаммолари ҳам унинг ёрдамида ҳал этиларди. Қамоқхонада морфий игнаси уриб турмаса яшай олмайдиган уч-тўртга хотин бор эди, бу иш ҳам Жайна Бойй зиммасига юклатилганди. Бундан ташқари темир симларнинг нари-берисида ишқий ўйинлар бўлиши мумкин эмасми? Ё бўлмаса, қамоқхонага тушганлар эркак ё аёл бўлмай қоладими? Уларда ҳирсу ҳавас деган нарса бўлмайдими? Ҳирсу ҳавас туриб-туриб аланга олмайдими? Қовжираган хашакдай лоп этиб ёниб кетмайдими? Ҳаёт бу шундай пуфакки, бир томонидан боссанг, нариги томонидан шишиб чиқади, жуда қаттиқ босиб юборсанг, “пақ” этиб ёрилади — бу ҳам ўша босимга кўрсатилган ўзига яраша бир қаршилиқ; буни тушуниш учун биронта фавқулодда билимнинг кераги йўқ. Лекин Жайна Бойй ҳеч қачон ўз маҳбусларига бу қадар қаттиқ тазйиқ ўтказмасди, қаттиққўллик қилса, улар кўтарадиган даражада қиларди. Чунки ўзига яраша тушунчаси бўлган айбдорлар ўз касб-корларида ҳам ҳар доим инсоф билан қаттиққўллик қиладилар. Ўғри бўл, фар бўл, инсоф билан бўл. Чайқовчилик қиласанми, пора оласанми, ҳақоратлайсанми, урасанми, сўкасанми — ҳаммаси меъёрида бўлгани дуруст — сих ҳам куймасин, кабоб ҳам; дунёнинг ишлари азалдан шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Дастлабки олти ой тинч ўтди. Гул ҳам мутгасил кўргани келиб турди. Қамоқхонада тиланчилик ё ўғрилиқ қилиш йўқ, бировлар ҳақоратини эшитиш йўқ, аммо овқат бериб бориларди. Қиладиган юмуши ҳам жўнгина. Қамоқхона бошқа аёллар учун турган-битгани азоб бўлса-да, Лаъчий учун ғоят оддий бир нарса эди. Лаъчий бошқа маҳбуслардан олти ой алоҳида тургани боис унинг дилида қандайдир сабр, қандайдир хотиржамлик пайдо бўлганди. Ташқаридаги шовқин-сурон ва тало-тўпларга тўла ҳаётдан кейин Лаъчийга бу ердаги ҳаёт жудаям тинч ва кўркемдай туюлмоқда эди.

Бир куни Жайна Бойй Лаъчийнинг олдига келди-да, унга:

– Юр, сени супаринтендент чақираяпти, – деди.

– Нега чақиради?

– Мен қаёқдан билай? – Жайна жилмайиб қўйди. – Сенинг фойдангга бирон иш бўлса керакдир-да.

Лаъчий Жайна Бойй ортидан йўлга тушди. Хубчанд уни қабул қилишда куттириб қўймади. Соат етти бўлиб, аллақачон уйга кетиши керак эди. Хубчанд идорасига туташ бир хонани бўшатиб, ўзи учун овқатланадиган ва дам оладиган жой қилиб олганди. Рассомчиликка тегишли ашқол-дашқолларини ҳам шу ерга кўтариб келганди. Лаъчий хонага кириб келганида кўзи оппоқ қоғоз осилган бир оёқли тахтага тушди ва ҳайрон бўлиб сўради:

– Бу нима?

– Сенинг сувратингни чизмоқчиман, – деди Хубчанд қатъий оҳангда.

– Менинг сувратимни? – Лаъчийнинг таажжуби баттар ошди.

Хубчанд бош силкиб, бир бурчакда ётган тугунга ишора қилди ва деди:

– Ановилар сенга – кўйлак, нимча, юбка ва ҳоказолар. Устингдаги қамоқхона кийимларини ечиб ташла-да, уларни кийиб ол, кийиб бўлганидан кейин товуш бер, мен идорада ўтираман.

– Хўп бўлади! – Лаъчий ўзини тугунга отди. Хубчанд билан Жайна ташқарига чиқиб кетишди.

Ташқарига чиқишгач, Хубчанд Жайнага:

– Энди сен боравер, – деди.

Жайна Хубчандга маккорона жилмайиб қўйди-да, таъзим қилиб, у ердан кетди.

Бироздан кейин Лаъчийнинг овози келди:

– Кираверинг.

Хубчанд ичкарига кирди. Лаъчий бир ёғоч харрак устида доира олиб, таманно билан қараганча тик турарди. Хубчанд кўриниши билан деди:

– Мени мана шунақа қилиб чизинг.

– Худди шундай чизаман.

Хубчанд мўйқаламни кўлига олиб, бўёқларни қориштиришга тушди.

– Аммо сенинг сувратингни чизаётганимни ҳеч кимга айтма, – деди у.

– Бўпти, айтмайман, аммо бунинг нима бокиси бор? Ҳамма одамлар расмга тушади. Бир гал бир инглиз вокзалда менинг сувратимни олганди, менга беш рупия садақа қилганди. Жуда кўп одамлар сувратимни олади.

– Бу фото эмас.

– Унда нима бўлмаса?

– Бу тасвир, уни мана бу мўйқалам билан, мана бу бўёқлар билан мана бу қоғозга чизадилар.

– Бунга қанча вақт кетади?

– Бу тасвир ўн кунда ҳам битиши мумкин, ўн ойда ҳам битиши мумкин, ўн йил ҳам кетиши мумкин.

– Унда, нима, мен ўн йил қамоқхонангизда ўтираманми?

– Йўқ! Унда мен уйингга бориб сувратингни чизаман.

– Менинг ҳеч қанақа уйим йўқ. – Бирдан Лаъчий маъюсланди. – Уйим бўлганида, Гул иккаламизнинг тўйимиз бўларди.

– Гул? Сени кўргани келиб турадиган анови патҳанми? – сўради Хубчанд.

– Ҳа.

– Сен уни шунчалик яхши кўрасанми?

– Ҳаётимдан ортиқ кўраман, бобу! Бир гап айтсам майлими?— деди Лаъчий кўнглида қандайдир умид пайдо бўлиб.

– Айт.

– Гулни ҳам қамоқхонага келтиринг, унга шу ерда битта-яримта хужрани бериб қўйинг. Бу ерда жойларингиз кўп экан, иккаламиз шу ерда яшаб қоламиз, шу ерни уйимиз қилиб оламиз.

Хубчанд қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, деди:

– Қамоқхонага жиноятчилар тушади, қоқвош қиз, жазони ўташ учун. Нима, сен учун ташқаридаги ҳаёт билан қамоқхона ўртасида ҳеч қанақа фарқ йўқми?

Лаъчий жиддий тусда бошини силкиб деди:

– Ташқаридаги ҳаёт ҳам қамоқхонанинг ўзи, бобу. Фарқи шундаки, у ерда темир панжаралар бўлмайди.

Лаъчий Хубчанд томонга сира қарамаётган эди. Хубчанд эса унинг ташвишли чеҳрасидан сира кўзини узолмаётганди. Бирдан Лаъчий бурилиб қараган эди, Хубчанд ҳам чўчиб, кўзини оёқли тахтага олди. Лаъчий кулиб, деди:

– Эй бобу! Сиз сувратни ҳали бошламабсиз ҳам-ку, қоғоз оппоқ-лигича турибди.

– Ҳозирча сени тушунишга ҳаракат қиляпман.

– Мени тушунишга? Менга нима қилибди? Мен бор-йўғи Лаъчийман.

– Ҳамма бало шунда-да.

– Нима?

– Ҳеч нарса,— деди Хубчанд хиёл асабийлашиб.— Сен харрак устида жим тик тур, ҳеч қаёққа қимирлама, гапирма ҳам.

– Бу жуда қийин-ку.

– Шусиз сувратни чизиб бўлмайди-да.

– Жуда яхши, энди мен чурқ этмайман,— деди Лаъчий оғзига кўлини қўйиб. Хубчанд унга қандай туришни кўрсатди ва қиз ўша ҳолатда бир неча дақиқа қимирламай ва гапирмай тик турди. Хубчанд қоғозга чизиқлар торта кетди.

Бироздан кейин Лаъчий:

– Бобу, чанқаб кетдим, — деди.

Хубчанд унга сув келтириб берди.

Яна бироздан кейин Лаъчий:

– Бобу, агар Гул ҳам бировни ўлдириб, бу ерга келса, сиз унга қамоқхонангиздан жой берасизми? — деди.

– Кимни ўлдириб келади?

– Қимни бўлса ҳам-да, бу дунёда ёмон одамлар тўлиб ётибди-ку.

– Ўлдириш ҳам гуноҳ, ҳам жиноят. Фараз қилки, Гул икки ярим йил эмас, умрбод қамоққа тушса-чи?

– Мен ҳам умрбод у билан қамоқхонада яшайман.

– Борди-ю, уни осишга ҳукм қилишса-чи?

– Вой тавба! Унда... унда чатоқ бўлади,— Лаъчий ўйланиб туриб деди: — Бўпти, сувратингизни чизинг, мен бошқа гапирмайман.

Қиз яна қиёфага кирди. Хубчанд унга дўқ қилиб деди:

– Энди жойингда қимир этмай тур!

Нариси билан ярим соат ўтдими, йўқми, Лаъчий яна сўз қотди:

– Бобу! Сиз қамоқхонанинг энг катта хўжайинимисиз?

– Ҳа, мен қамоқхона супариндентиман.

– Супритан? — Лаъчий тутила-тутила эсида қолганича талаффуз қилди.

– Ҳа, супритан.— Хубчанд кулди.

– Супритандан бошқа ҳам каттакони борми?– сўради Лаъчий.  
 – Бор. Диптий инспектор жанрал деган.  
 – Диптий жарнел – ундан каттаси қанақа бўлади?  
 – Ундан каттаси жанрал бўлади, – деди Хубчанд кулиб.  
 – Ундан ҳам каттаси қанақа бўлади?  
 – Ундан каттаси парвардигор бўлади. Худо бўлади, – деди Хубчанд суҳбатга хотима ясагандек.

Лаъчий жим бўлиб қолди. Анчагача чурқ этмади. Кейин аста деди:

– Худо ҳам бир эркак, бу дунёда қанча катта бобу бўлса, барчаси эркаклар, шундай бўлгач, мен кимдан инсоф тилай?

Хубчанд сергак тортди. У жойига қайтиб борди-да, Лаъчий томонга қарай бошлади, бироқ Лаъчийнинг чеҳрасида ҳеч нарса йўқ эди, бирон-бир ҳис-туйғу кўзга ташланмасди, аммо гапирган гаплари оддий гаплар эмасди. Ҳолатга кириб, доирани тутганча у жимгина турар эди. Хубчанд унга анчагача ҳайрат билан қараб қолди, кейин бурилиб, расм чизишда давом этди. Бир вақт Лаъчий харракдан сакраб пастга тушди. Хубчанд шошиб сўради:

– Нима бўлди?

– Ҳеч нарса, тиззаларимнинг қичийдиган одати бор. – Шундан дея Лаъчий тирноқлари билан тиззаларини ғирт-ғирт қаший бошлади. Хубчанд унинг соддаларча гапидан жилмайиб қўйди.

Хубчанд тақиқлаб қўйганига қарамай, барибир Лаъчийнинг суврати ҳақидаги гап аста-секин бутун қамоқхонага ёйилди. Аёллар қамоқхонасида шу ҳақда гап кетгудек бўлса, талай хотин Жайна Бойи воситасида Лаъчийни кўргани келадиган бўлди, унга дўстона муносабатларини изҳор эта бошладилар. Улар орасида машҳур киноюлдуз Дилоро ҳам бор эди, у бировнинг ҳақини еганликда айбланиб, уч ярим йилга кесилган эди. Дилоронинг бўйи Лаъчийдан ҳам баландроқ эди. Рангининг тозалигига гап йўқ – Яман дури дейсиз. Юзларида атиргул очилиб тургандай, кўзлари бир жуфт нилуфар – одамни сеҳрлаб олади. Уни кўриб, ҳеч ким шу аёл ҳам жиноят қилар эканми, деб асло ишонмасди. Шу боис у Лаъчий билан биринчи бор кўришганда, унга қўйилган айбдан Лаъчий жуда таажжубланган эди. Ўшанда у қамоқхона ҳовлисидаги жамун дарахти тагида ўт юлаётган эди, Жайна Дилорони унинг ёнига қўшиб қўйганди. Иккаласи чопқисини қўлларига олиб ўт юлар экан, ўзаро суҳбатлаша бошлашди. Лаъчий кулимсираб деди:

– Кўринишингиздан сира бировнинг ҳақини ейдиганга ўхшамайсиз, хоним, қайтанга сизни маломат қилишлари мумкин.

Дилоро кулиб қўйди ва деди:

– Йўқ, мен ростдан бировнинг ҳақини еган эдим. Анови синдҳий<sup>1</sup> савдогар бор-ку, ўша жуда айёр одам эди. Мен унинг ўттиз минг рупия пулини сарфлаб юборгандим.

– Нимага?

– Менга пул керак эди.

Лаъчий ўзининг бошидан ўтганларини эслади. Тўғри, пул ҳар доим керак бўлади, лекин гоҳо катта миқдордаги пулга зарурат туғилиб қолади. Арзимаган пулни деб-ку у одам ўлдирди, шунинг учун ўттиз минг рупия устидаги гапдан таажжубланмаса бўлади. Ҳойнаҳой, бир жиддий гап бўлган-у, шунда бу хотин шундай катта пулни ўзлаштириб юборган. Лаъчий уни ижикилаб сўради:

– Фильмда ишлаганингизда қанчадан топар эдингиз?

<sup>1</sup> Синдҳий – миллат номи ва унинг вакили. (Тарж.)

– Ойига ўн беш-йигирма минг рупия ишлай олардим.  
 – Унда ўттиз минг рупияни деб нега қамалиб ўтирибсиз?  
 – Мен бир машина сотиб олмоқчи эдим. Бир амалдор уни олтмиш мингга бераётувди, машинамисан машина эди, олтмиш мингга ҳам арзон эди. Лекин ёнимда шунча пул йўқ эди, анови синдҳий савдогар анчадан буён орқамдан тушганди. Мен уни лақиллатдим.

– Битта машинани деб-а? Сизнинг бундан олдин ҳеч қанақа машинангиз йўқмиди?

– Ҳм! Иккита бор эди, лекин менга қора рангдаги машина керак эди-да! Ҳали кўрарсан, оғзинг очилиб қолади, шунақанги жонон машинаки, қўявер. “Силвар грей” русумли!

Дилоро чопқичасини ташлаб, иккала қўлини ғоят ноз билан силкитди ва кўкрагига қўйди. Унинг кўз ўнгида “силвар грей” машинаси чарақлар эди.

Лаъчий анчагача ҳеч нарса демади, у бошини эгган қўйи чопқичаси билан ўт юларди. Унинг бир нечта дугонаси бор эди, эскича расм-русумларга муккадан кетган қизлар; камбағаллик, очлик ва жаҳолат бандалари — бу қизлар агар ўғрилиқ қилишса, бировлар ҳақини ейишса, буни тушунса бўларди. Бир янги машинани деб, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишни тушуниш қийин. Бунинг устига уйда ундан олдин иккита машинаси бор одам шу ишни қилса! Лаъчий кўзини кўтариб, Дилорога қаради — қанчалик ёқимли, чиройликина жувон экан. Нима бўлганда ҳам бирон-бир машина ундан чиройли бўлолмасди, одам боласи нега чин гўзалликни сотиб, аллақасқдаги сохта чиройга ишқибоз бўларкин? Бу қанақа сир-савдолар бўлди?

Бирдан Лаъчий жаҳл билан деди:

– Аллақандай темир машинани деб бировнинг ҳақини егани уял-мадингизми?

Дилоро Лаъчийга ғоят мамнуният билан қаради, унинг заррача ҳам жаҳли чиқмади. Аксинча, у хиёл жилмайди; бироқ Лаъчийнинг кўзларидан иймон ва ҳалоллик нурлари балқиб турганини кўргач, бу ёғдуга бардош беролмади, кўзларини ерга олди, чопқичаси билан суғурган ўтларнинг илдизларига ёпишган тупроқни қоқиб-қоқиб тушираркан, деди:

– Мени биринчи марта сотиб юборишганда, ёшим еттида эди. Ўз қадрдон ота-онам мени саккиз юз рупияга сотишганди, шу гапга ишонасанми?

– Ишонаман, — деди Лаъчий. — Бунақаси бизларда ҳам бўлиб туради. Менинг ўзимда шундай бўлган.

– Етти ёшимдан ўн етти ёшимгача мен ўн марта сотилганман. Ҳар йили отам ўзгариб турарди. Ҳар йили битта янги харидор келарди. Ҳар йили нархим ошиб борарди. Чунки мен жудаям сулувман-да, тўғрими?

– Ҳа! Сиз жудаям сулувсиз, — деди Лаъчий. — Кўғирчоққа ўхшайсиз.

Дилоро гапида давом этди:

– Кичкиналигимда харидорларим ота-онам бўлишарди, катта бўлганимда эса ўшалар менинг эрим бўла бошлашди. Кинога келганимда эса ҳеч қандай онам, ҳеч қандай отам, ҳеч қандай эрим қолмаганди, ҳамма даллолга айланиб кетган. Булар бари алдов бўлмай, тагин нима? Иймон нима ўзи — мен буни билмайман.

– Лекин мен биламан! — деди Лаъчий ўзича ишонч билан. Анчагача иккаласи жим бўлиб қолди. Чопқичалар ҳам секин-секин ҳаракат қиларди. Сўнг Лаъчий сўради:

- Мендан киноюлдуз чиқармикан?
- Қани, бир ўрнингдан тур-чи,– деди Дилоро имо қилиб.
- Лаъчий чопқичасини итқитиб, жамун дарахти тагига бориб турди, Дилоро унинг қаршисидан Лаъчийга ҳавас билан тикилиб деди:
- Вой-бў! Оламга ўт қўяман дейсан-а!
- Лаъчий кулиб деди:
- Ҳамид ҳам шунақа дерди.
- Қанақа Ҳамид?
- Бир таксичи. Тепада, вокзалда.
- Ҳм – Дилоро лабини буриб деди.— Таксичи сени киноюлдуз қиларканми. Мен қиламан сени киноюлдуз.
- Ростданми? Лекин бунинг учун мен нима қилишим керак бўлади? – деди Лаъчий бетоқатлик билан.
- Энг аввал сен номусингни беришинг керак бўлади.
- Лаъчий бўшашиб, жамун дарахти тагига ўтириб қолди.
- Сиз ҳам шунақа дейсиз-а, Дилоро? Унда шу қамоқонанинг ўзи дуруст экан.
- Лаъчий бу гапни гоят жиддийлик билан айтди ва чопқичаси билан ўт юла кетди, шу топ Жайна Бойи чошиб келди-да, Дилорога деди:
- Юр, идорада сени Каличаран чақираяпти.
- Дилоро чўчиб сўради:
- Нимага чақираяпти?
- Анови ерда бир продюсер сен билан учрашгани келибди.
- Дилоро чопқичасини ташлади. Ўтлоқзор чеккасидаги жўмракдан қўлини чайди-да, Жайна Бойи билан бирга Каличаран идораси томон йўл олди.

## 29

Каличараннинг идорасида Ҳожи Абдул Салом билан Мирчандоний иккаласи ўтирарди. Дилоро ичкарига кириб, Мирчандонийнинг ёнига келиб ўтирди ва унинг сигаретдонидан битта сигарета олиб, чека бошлади. Ҳожи билан Мирчандоний иккаласи чақмоқтошларини ёқиб, унга тутишди. Дилоронинг ўнг томонида ҳам, чап томонида ҳам чақмоқтош. Дилоро ҳар икки томонга бир-бир қараб қўйди-да, Ҳожидан юзини ўтириб, Мирчандонийнинг чақмоқтошига эгилди. Бир зумдан кейин унинг юпқа лабларидан паға-паға тутунлар чиқа бошлади. Ҳожи ҳафсаласи пир бўлиб, чақмоқтошни ўчирди. Ҳожи Дилорони қаттиқ севарди, уни деб кечаю кундуз “оҳ”лар урарди. Дилоро учун у йигирма минг рупиягача сарф қилишдан тоймасди, бироқ Дилоро анча баланддан – юз мингдан келарди. Ахир бу муҳаббат-ку, ўйларди Ҳожи, бизнес эмас-ку. Киши бизнесда юз мингни қўйиб, бир миллионни тикади. Бизнесда таваккал қилишга тўғри келади, аммо муҳаббатда бунақа таваккал кетмайди! Агар ҳозир ўн беш – йигирма минг устида гап кетаётганида-ку, баҳарнав эди, Дилоро учун шугина пулнинг баҳридан ўтса ўтаверсин эди. Аммо бадбахт Дилоро муҳаббатни бизнес қилиб ўтирибди. Энди, унга бизнес – бизнес эканини, муҳаббат – муҳаббат эканини ким тушунтирсин? Бизнесни бизнесча йўл билан юргизиш керак ва муҳаббатни муҳаббат ёки кўнгил очиш воситаси деб билмоқ зарур. Ҳм! Кел, бу бўлмаса бошқаси-да, дунёда хотин билан муҳаббат уруғи қуриб кетибдими.

Мирчандоний эса бир чақа ҳам бермоқчи эмасди, у Дилорони севмасди ҳам. У гўзалликни бир инсон кўзи билан кўрарди. У қартага, яхши кийинишга, яхши автомобилларга, яхши ичимликларга жуда

ўч эди. Эркак билан аёл муомаласи Мирчандоний учун иккинчи даражали ўрин тутарди. Мирчандоний аёлларни фақат шунинг учун яхши кўрардики, улар айшу ишрат вақтида жуда қўл келар эдилар.

Пардозхонадаги уларнинг дид билан упа-элик суртилган силлиқ юзлари, кўз олувчи сорийлари, таранг баданлари ва ғирт аҳмоқона гап-сўзлари жудаям ёқимли туюлиб кетарди. Киши дафъатан чайқовчилик, контрабанда, товламачилик ва қаллобликдан иборат тубан дунёдан чиқиб, бегубор, нафис, мулойим ва ёқимли дунёга кириб қолади. Тадбиркор учун кун бўйи қилган оғир ва тинкани қуритувчи меҳнатидан кейин аёл шу қадар зарур бўлиб қоладикки, гўё у силлиқ, чиройли қоғозга ўралган, бош оғриғини қолдирадиган оппоқ, дум-думалоқ аспирын ё аналгинга ўхшаш ҳапдори. Аёл билан ҳапдори бир-биридан унча фарқ қилмайди. Ҳеч бўлмаганда Мирчандоний шундай ўйлар эди ва ҳаммадан қизиғи шундаки, Дилоро у билан мутлақо яқдил эди. У кечирган ҳаёт, жамият бозорида унинг қайта-қайта сотилишлари – шуларни ўйлаб туриб Дилоро Мирчандонийнинг фикрларига юз фоиз қўшилишга мажбур бўларди. Сигарета тугатиб, у гоят хушбичим билагини Мирчандонийнинг елкасига қўйди ва маъсум табассум билан Ҳожи томонга қараб деди:

– Ҳожи амаки! Не муддаолар билан келдилар? Олдиндан хабар бермай, мени нега чақиртирдинглар, ҳой Қоровой?

У кўз пайконини Ҳожидан олиб, Каличаранга тўғрилади. Эркаклар даврасида аёл ҳар доим ҳушёр туради, камон ва пайкон билан қуролланган бўлади, бошқа нима ҳам қилсин шўрликлар? Каличараннинг обрўйини тўкиб турмаса, кўзлари наштари билан унинг юрагини тилка-пора қилмаса, у кечаю кундуз Дилорони бунақа эркалатиб қўярмиди? Каличаран Дилорони кўрди демагунча юраги каптарваччадек ўйнаб кетади. Унинг юраги нега ўйнайдию нимани хоҳлайди – Дилоро бунга жуда яхши билар эди. Унинг муродини ҳосил қилган кундан бу юрак ўйноқлашдан ҳам қолади, хоҳишдан ҳам. Виқор билан бошини баланд кўтариб олади, одамларга кибр билан, Дилорога жирканч кўз билан қарай бошлайди. Шунинг учун бу пасткаш, разилни “Қоровой” деб тўғри қилади. Баъзида жуда телба тўнини тескари кийиб олгудек бўлса, уни юз эллик рупия пора бериб сотиб олса ҳам бўлади. Чунки Каличаран уччига чиққан балохўр эди. У айтган ишни қилмасанг қилма, аммо унинг нафсини қондир. Каличаран ҳамма нарсани пулга чақар эди. Аёлларни севиш, она меҳри, отанинг касаллиги, маҳбуснинг кўришуви, висол ва фироқ – барчасига бир зум хайрихоҳлик билан қараб турарди-да, кейин гўё ҳар бирининг қийматини қўлига олиб салмоқлаб кўрар ва пировардида унга неча рупиялиги ёзилган ёрлиқни ёпиштирарди Шу ёрлиқдаги пулни тўлаб қўй – Каличаран тайёр қулинг!

Ҳожи Абдул Салом деди :

– Кўп вақтдан бери Дилдор роудда бир овозингни эшитишга муштоқ эдик, борасанми?

Дилоро учун бунақа ишлар чўт эмасди, чунончи:

– Нега бормас эканман! Лакҳновда икки йил мен ҳам хизматда бўлганман, оҳ-оҳ, қанақа кунлар эди улар – эски хотираларни яна янгилаб оларканмиз-да. Бир жуфт мендан ҳам бўлади, албатта, – деди.

– Унда мен билан юрасанми? – Ҳожи суҳбатга нуқта қўйиб деди. Дилоро бурилиб, Мирчандоний томонга қаради:

– Сен бормаёсанми?

Мирчандоний жавоб берди:

– Бугун тунда келинойимнинг синглисининг овсинининг хола-синикига борсамми, деб ўйлаётувдим.

– Оббо дарлинг-роудлик инглиз-ҳинд дурагайи-ей! Йўқ, йўқ, сен боролмайсан, агар кетсанг, супариндентга хабар қиламан. Қамоқхонадан ташқарига чиққанимга роса бир ҳафта бўлди. Нима, мени шу ерда бўғилиб ўлиб кетсин дейсанми?

Мирчандоний бошини қуйи солиб, деди:

– Жуда соз, хоним, бугун тунда қўшиқ айтгани борамиз. Қаёққа десангиз, ўша ёққа борамиз.

Ҳожи қовоғини уйди. У Мирчандоний билан бирга ўтириб дастур тузганди, унга кўра Мирчандоний Дарлинггоуддаги инглизҳинд дўстиникига борадиган ва Ҳожи Дилорони Дилдорроудда қўшиқ айтгани олиб кетадиган бўлганди. Лекин мана бу бадбахт Дилоро бутун дастурнинг чапарастасини чиқариб ташлади. Энди бу манжалақи қаерга борса, Мирчандонийнинг пинжида ўтиради, маза-маза, Ҳожи маза қиладиган бўлди, баччағар.

У Каличаранга беш юз рупия бериб, зўрға бугунги дастурни тузган эди. Энди бўлса...

– Унда... унда мен нима қиламан?– тутилиб деди Ҳожи охири.

– Ташвиш қилманг, амаки. Сиз учун ҳам бир одам бор.

– Ким?

– Лаъчий, – деди Дилоро.

– Лаъчий?– қайта сўради Ҳожи. – Хотин кишими?

– Хотин эмас, балонинг ўқи, – оҳиста деди Мирчандоний. Кейин у сигарета тутатгани гугурт чақди ва унга узоқ қараб қолди, ниҳоят, гугурт ўчди ва сигарета ўша-ўша қўлида қолаверди.

Каличаран йўталиб деди:

– Мен фақат учовларингиз ташқарига чиқасизлар деб ўйловдим. Энди яна биттага кўпайди, сизлар билан бирга боришга яна бир гуруҳ кўриқчи беришимга тўғри келади. Яна икки юз рупия берасизлар.

Мирчандоний чўнтагидан икки юз рупия чиқариб, Каличаранга тутқазаркан, деди:

– Биродар! Эшагидан тушови қиммат бўлиб кетмадими? Яллачилар ҳам шунча пул олмайди.

Каличаран қўнғироқ чалиб, хизматкорга буюрди:

– Жайна Бойини чақир!

Шунга келишиб олишди: Дилоро қамоқхонадан расмий тарзда биронта давлат продюсерининг фильмида сувратга тушгани борадиган бўлди. У соат тўққизда чиқиб кетади. Соат ўндан кейин совчилар алмашганда бир қора машина қамоқхона ташқарисида Мирчандоний, Ҳожи Абдул Салом ва Лаъчийни кутиб туради. Ўша соқчи улар учаласи билан бўлади ва икки соқчи Дилорога ҳамроҳлик қилади. Тонгги соат бешгача қайтиб келишади – бу гап ҳеч кимнинг қулоғига етиб бормаслиги керак.

Дилоро Лаъчийни бир амаллаб кўндирган эди, Лаъчий шу шарт билан боришга рози бўлдими, у шу пайтгача биронта фоҳишанинг базмда бўлганини кўрмаганди. Чунончи Дилоро Лаъчийни уната-уната кеч соат тўққизда қамоқхонадан олиб кетди. Ташқарида тўқ яшил рангли бир автомобил уларни кутиб турарди. Автомобилга ўтиргач, Дилоро, “Ҳайда!” – деди, бироқ қамоқхонанинг ғарбий бурчагига етганда машинани тўхтатди ва бошқаларнинг келишини кута бошлади.

Соат ўнларга яқин Ҳожининг қора “кадиллак”ида Ҳожи, Мирчандоний, Лаъчий ва уч соқчи ашқол-дашқоллари билан етиб ке-



лишди. Дилоро яшил машинадан тушиб, унда жой тигизлигидан бағри кенгроқ “кадиллак”ка ўтди-да, Мирчандонийнинг пинжига суқилиб олди. Унинг ёнида икки соқчи бўлганидан биттасини олдинги ўриндиққа ўтқазди, иккинчисини жойлаш учун Дилоро Лаъчийга:

– Сен Ҳожининг ёнига ўтира қол, – деди.

– Йўқ. Мен ҳеч кимнинг ёнида ўтирмайман, – деди Лаъчий жаҳл билан.

– Бирпасга ҳеч нима қилмайди, жонгинам, – деди Дилоро унга тасалли бериб. – Машинада жой камлигидан айтаяпман буни. Ахир одобдан эмас бу.

– Одобларингга ўт тушсин сенларнинг! – деди Лаъчий жиддий оҳангда. – Бу пахмоқсоқол Ҳожининг пинжига соқчинг кириб ўтирсин!

Лаъчий унайвермагач, соқчи шўрлик бир амаллаб орага суқилиб кириб олди-да, машина қайдасан Дилдорроуд деб йўлга тушди.

Дилдорроуд галати бозор эди – бир томонда қатор аёллар фоҳишахоналари бўлса, иккинчи томонда ёғоч тахта гарамлари ва темир-терсак буюмлари дўконлари саф тортган. Бу ерда турли-туман аёллар ва турли-туман ёғочлар сотиларди: узун, қисқа, арзон, қиммат аёллар; ёғочларнинг ҳам турфа хили топиларди: гаров ёғочи, болут ёғочи, тик ёғочи ва қизил дарахт ёғочи – ҳаммаси ҳам қурт еган бўлади; аёллари эса жисмоний (таносил) касаллигидан адоий тамом бўлган. Улар занглаб ишдан чиққан темир излар сингари эшиклари очиқ даҳлизларда мижознинг йўлига кўз тикиб ўтирар эдилар. Ариқчалар бадбўй пешоб ва маст-аластларнинг қусуқларига тўлиб кетган, уларнинг устида чириган чамелий гули сузиб юрарди. Табла ва сорангий<sup>1</sup> оҳангларига монанд чакана фильмлардаги куй ва қўшиқлар пашша гинғиллашидай қулоққа чалинарди. Қоп-қоронғи кўчалар зулмати гуноҳкор туман сингари шулар барчасини қоплаб олганди. Аёллар инсонми ё ёғоч саржинларими? Мана бу даллолар одам боласими ё занглаган темир-терсакларми? Булар ҳаётнинг мангу қўшиқларими ё дўзаҳу ажалга бағишланган марсияларми? Бу ёруғ оламдаги сайилгоҳми ё сарсон-саргардон арвоҳлар водийсими? Бир лаҳза инсон бунинг маъсум чақалоқ она кучоғида лабларини чўччайтирганча мириқиб кўкрак эмаётган, сорийси учини бошига ташлаб, фарқига синдур<sup>2</sup> суртган аёллар лаганга овқат сузиб эрлари олдига қўйган ва қаршисида ғоят ибо ва ҳаё ила етти букилиб таъзим қилган ўша дунёми ё бошқа дунёми – унутиб қўяди.

Бирдан Лаъчийга ҳар бир фоҳишахонада фақат у қўшиқ айтаётгандек, фақат у рақс тушаётгандек, фақат у баданини сотаётгандек ва бу ерда фақат мўътабар табақа одамларигина мавжуддек туюлиб кетди.

Эркаклар аёлларни ўз қўллари билан тўрт девор ичига қамаб қўйганлар-да, қўллари билан мана бу осмонўпар қасрларни, тайёраларни ва ракеталарни яратганлар. Наҳотки, оёқлари Ойгача етиб борган бу одамлар аёл қалбига йўл топа олишмаса?!

Лаъчий жаҳл билан тупуриб, деди:

– Мени қамоқхонага қайта олиб бориб қўйинглар!

– Ҳали тонггача қанча бор, жонгинам!– деди Ҳожи Лаъчийнинг қўлидан ушлаб. У аллақачон “юзта”ни отиб олган бўлиб, шилқимликни бошлаб юборганди.

<sup>1</sup> Ҳинд миллий чолғу асбоблари. (Тарж.)

<sup>2</sup> С и н д у р – аёллар фарқига сурадиган қизил бўёқ. (Тарж.)

Лаъчий кўполлик билан эмас, энгил ҳаракат ва қизларга хос ҳушёрлик ила кўлини ундан бўшатиб олмоқчи бўлди.

Бироқ Ҳожи куч билан уни ёнига ўтқазди ва белидан кучоқлаб деди:

– Қани, ич!

Лаъчий унинг кўлидан стаканни олди-да, Ҳожининг боши устидан ағдариб, деди:

– Тўнғизвачча! Ҳароми!

Мирчандоний газаб билан келиб, Лаъчийнинг башарасига шапалоқ тортди. Лаъчийники ҳам тутиб кетди, у Мирчандонийнинг ёқасидан тутиб, ерга йиқитди, Ҳожи унга ёрдамга ташланган эди, қиз чап бериб, уни ҳам оёғини осмондан келтирди, кейин иккаласининг кўкрагига чиқиб олиб, табла чалгандай, бошларини бир-бирига уриштира кетди ва овозини баралла кўйиб такрорлай бошлади:

– Мана сенга! Мана сенга! Мана сенга!..

Мирчандоний ва Ҳожи додлай бошлади, бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Лаъчий билан соқчилар, мижозлар билан фоҳишалар бир ёқда, чолғучилар, гулчилар, атторлар иккинчи ёқда, бир-бири билан жиқ-қамушт бўла кетди. Лаъчий ўртада туриб олиб кутурган она шердай ташланар, бирини ер тишлатар, бирининг бўйнига мушт солар, бирини ўмбалоқ ошдирса, бирининг башарасини юмдалар, яна бирининг сочидан тутамлаб судрар, ёввойиларча қийқириб ва қичқириб рақс тушар, нуқул “Мана сенга! Мана сенга!” – деб такрорлар эди.

Зинадан тап-туп қилиб чопиб чиққанча ичкарига полициячилар: бош нозир ва муовини, ҳавалдор<sup>1</sup> билан миршаб кириб келишди. Тўс-тўполон аста-секин босилди, полициячилар тўполончиларнинг ҳаммасини ҳибс қилиб, олиб кетишди. Соқчилар миршабларнинг қулоғига бир нима деб пичирлашди, бироқ ҳеч ким уларнинг гапига қулоқ солмади. Ҳавалдор деди:

– Гапларинг бўлса, маҳкамага борганда айтасанлар.

Барчалари ҳибсхонага қамаб кўйилгандан кейин соқчи бир амаллаб Каличаранни телефонга чақиртирди. Каличаран қора терга тушиб, ҳаллослаганча етиб келди. Оғзидан шароб ҳиди гупиллаб уриб турар ва ўзи дағ-дағ қалтирарди, агар бу можарони полиция бости-бости қилмаса, у ишдан ҳайдалибгина қолмай, қамоққа тушиши ҳеч гап эмасди.

Нозир билан қамоқхона бошлиғи юзма-юз бўлди. Кейин Каличаран Ҳожи ва Мирчандоний билан суҳбатлашди. Сўнг кўллар бир чўнтакдан иккинчисига суқилди, иккинчисидан учинчисига ўтди, охири иш барчаларининг омон-эсон маҳкамадан чиқиб кетишлари билан ниҳоясига етди. Етмай ҳам кўрсин-чи, Мирчандоний билан Ҳожининг билгани билган: бу дунёда чўнтакнинг кучига тенг келадиган куч йўқ ва бўлмайди ҳам.

Эрталаб соат бешдан сал олдин саёқбозларнинг мана бу гуруҳи яна қамоқхона остонасидан ҳатлаб ичкарига кириб келганида, Каличараннинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди – сал бўлмаса бугун унинг ишдан ковушини тўғрилаб кўйишарди-я!

Каличаранга кўйиб берса, мана шу воқеадан кейин Лаъчийга қамоқхонанинг энг ичкарисидаги оғир жойга ўтказиб юборган бўлар-

<sup>1</sup> Ҳ а в а л д о р – маҳаллий полиция маҳкамаси бошлиғи.

ди, чунки Лаъчийнинг қайсарлиги дастидан мана бу можаро келиб чиқди-да. Агар полиция нозири ўз вақтида зобит оғайнисига ёрдам кўрсатмаганида, эртасига жанжалкаш рўзномалар ва пашшадан фил ясайдиган журналистлар албатта савол беравериб мияни қоқиб олар эдилар: қамоқда ётган маҳбуслар қандай қилиб полиция маҳкамасига бориб қолишди? Ҳаммадан ҳам унинг Лаъчийдан жаҳли чиқмоқда эди. Пасткаш! Кўчманчи! Бир пулга қиммат қиз! У ўзини ким деб ўйлаб юрибди? Бу қизни тахтага боғлаб, орқасига дарра билан саваласа кам. Хаёлида у шундай қилиб ҳам кўрди, ўзича боқладим, деб хурсанд ҳам бўлди. Бироқ ҳақиқатга келсак, у шундан иборат эдики, Хубчанд Лаъчийнинг сувратини чизмоқда эди, шу боис Лаъчийнинг қўли қамоқхона супариндентигача етарди. Шу боис дарра ейиш у ёқда турсин, у арзимаган ножўя ҳаракатдан қамоқхона супариндентига шикоят қилиши, ҳамма гапни айтиб, баёнот бериши ва ҳаммалари қилмишларига яраша жазоланишлари турган гап эди. Шунини ўйлаб Каличаран дамини ичига ютди ва Лаъчийга бир оғиз бир нима демасди ҳам, сўрамади ҳам. Жайна Лаъчийга фақат бу воқеа тўғрисида Хубчандга ё бошқа битта-яримтага оғиз очиб, бир нима демасликни қаттиқ тайинлаб қўйди, акс ҳолда уни (Жайнани) қаттиқ жазолашларини айтди. Кекса Жайна ҳурмати учун Лаъчий жим юришга рози бўлди. Албатта, бу воқеадан кейин Дилоро билан Лаъчийнинг яқинлигига путур етмай қолмади. Энди иккаласи бир-бири билан гаплашишга иштиёқманд бўлмай қолганди, бунда қандайдир шахсий адоват йўқ эди. Иккаласининг ўртасида бўлашиб ололмаётган мол-дунё можароси ҳам йўқ эди. Улар бир-бирига ҳеч нарсадан ҳасад ҳам қилмас, куйиб-ёнмас ҳам эди. Уларнинг уруши хаёлий уруш эди. Дилоронинг ўйлашича, Лаъчий аёллик шаънини керагидан ортиқ даражада юқори қўйиб юборади, уни аёлнинг виждони ва нафсонияти билан боғлайди. Бу тўғри эмас. Аёллик шаъни аёлнинг қўлида ўзига хос қурол бўлиб, ундан ҳаётини яхшилаш ва дунёдаги яхши нарсаларни қўлга киритиш учун қўлай пайтларда, қўлай усулларда фойдаланиши керак ва бунда ҳеч қанақанги ҳиссиётнинг юз-кўзига қараб ўтириш керак эмас. Лаъчий эса бошқача ўйларди (аслида у ҳеч нарсани ўйламасди): хат-саводли ва маълумотли эмаски, Дилорога ўхшаб ўз мақсадини жўяликкина қилиб англата олса, у бир қайсар, телба қиз эди, ташланадиган шер каби эди. Унинг топган гапи шу — баданимни сотмайман! — вассалом. Тилла берсанг ҳам сотмайман! Анов Дилоро эса кўринишдан жуда сулув бўлгани билан ўзига етгунча чаккибосар ва бузуқ хотин. Эндигитдан нари унинг афтига қарамагани бўлсин. Агар сиз буни қандайдир эътиқод деб атайдиган бўлсангиз, Лаъчийнинг эътиқоди ана шу эди.

Лекин ёруғ дунёда бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ экан; чунки бу бир изга тушган ақл дунёсидир, сиз билан биз шу дунёда яшаймиз. Бу дунёга биронта Лаъчийга ўхшаган саргашта жон келиб қолганда ҳар биримиз уни тўғри йўлга солишни истаб қоламиз, ўз манфаатимиз учун эмас, қизнинг ўзига эгаллиги учун... Шунга ўхшаш хато, фирт аҳмоқона эътиқодни юрагига жойлаб олган биронта аёл бу дунёда бош қўтариб яшолмайди.

Шуларни ўйлаб, Жайна Бойи ва қамоқхонадаги бошқа хотинлар Лаъчийнинг ақлини киргазиб қўйиш вазифасини зиммага олишди ва сал кам икки йилгача тер тўкишди. Ҳожи Абдул Салом ва Мирчандоний ҳам бу савоб ишда уларга пул-мул билан астойдил қарашиб туришди... Яна бир гап: Ҳожи Абдул Салом ва Мирчандоний иккаласи ўша кунини тундаги машъум воқеадан кейин қандай қилиб

бўлмасин, Лаъчийнинг гурурини чилпарчин қилиш керак ва унинг иззат нафси борми, чиройи борми, иффати борми, эзиб-янчиб, асфальт йўлдай теп-текис қилиб ташлаш керак, деган тўхтамга келган эдилар. Бу ишда иккала эркак Жайна Бойи билан шартлашиб, гапни битта қилиб олиши керак, чунки бу маданиятли дунёда ҳар бир иш шартнома орқали бажарилади. Иккала сармоядор бу иш учун эллик минг рупия тикадиган бўлди. Дилоро учун ўн беш-йигирма минг рупия сарфлашни ақлга зид иш деб билган бу одамлар энди жаҳл устида ўчакишиб эллик мингга рози бўлиб ўтирибди. Савдогарлар жаҳллари-ни ҳам пул билан босадилар. Агар улар дин-иймон йўлидан юрганларида эди, ибодатхона ва масжид қуриш учун минг-милёнлаб рупия сарф қила олар эдилар. Қасд олиш керак бўлса, минглаб рупия сарфлаб, мени ё сизни ўлдириб юбораверишади. Айш-ишрат қилиш лозим бўлса, жазманларининг бошидан зар тўкишга тайёрлар. Бечораҳол одам бундай нарсаларни ҳатто хаёлига ҳам келтиролмайди. Шундай бўлгач, Лаъчийдек ночор қиз, қани, қачонгача муллажирингларнинг ёқимли овозини эшитишдан бўйин товлаб юраркин, кўрайлик-чи! Шу боис ҳар тарафлама ўйлаб-жўйлаб олгандан кейин режага мувофиқ Лаъчий-ни кўндириш учун белгиланган одамлар энг шимариб ишга киришиб кетишди. Бироқ натижа ўша-ўша бўлди – ошиқ яна чикка тушди: “Йўқ, баданимни сотмайман! Ўлсам ўламанки, баланимни сотмайман!” Бу Лаъчийнинг сўнгги аҳду қарори эди.

Жайна Бойи босиқлик билан деди:

– Эллик минг рупия кичкина пул эмас, тентаклик қилишни қўй, рози бўл. Ҳаётингни тиклаб ол.

– Гулга хиёнат қилайми?

– Гул қаердан билиб ўтирибди?

– Билмаган нарса хиёнатга кирадими, мен кимга қанақа хиёнат қилганимни ўзим ҳам билмайман – шунақа деб ўйлаяпсизми?

– Бунинг нимаси хиёнат бўлибди? Бу бирпаслик иш, қамоқхона-нинг тўрттала девори ичидаги гап. Жазонгни ўтаб бўлиб, қамоқдан чиққанингда, мана шу эллик минг рупия ёрдамида ҳаётингни янгитдан бошлай оласан, унга Гулни ҳам шерик қилиб ола оласан.

– Шунча пулни қаердан топдинг деб сўраса, Гулга нима дейман?

– Баҳонадан кўпи бор эканми, хоҳласанг лотореядан ютдим де, хоҳласанг тўғриси айт-қўй. Мана кўрасан, бу пулларни кўриб, ўша сен жонингдан ортиқ яхши кўрадиган Гулнинг кўзлари қинидан чиқиб кетади, ўз тилин билан унга қандай бевафолик қилганингни сўзлаб берганингда ҳам у чурқ этиб оғиз очмайди.

– Йўқ, у ундай қилмайди.

– Гаров ўйнайсанми?

– Йўқ, мен гаров ўйнамайман. Бу менинг Гулга ишонмаслигимдан эмас. У ўзи шунақа, ҳеч қачон ўзгармайди менинг Гулим!.. Буни мен яхши биламан. Нима, битта ёлғон гап учун гаров боғлашиб, тентакманми?

– Бунинг нимаси ёлғон бўларкан? Ҳаётда ўн марта севсам, ўн марта бузилади, қирқ марта қайта тикланади. Биринчи муҳаббат сал эскириб, кучдан қола бошлаганда, мен ўша муҳаббат эшигини ёпиб қўйганман ва янги муҳаббат эшигини очганман.

– Зўр қилган экансиз! – Лаъчийнинг жаҳли чиқди. Унинг юзи қизариб кетганини кўриб, Жайна Бойи индамай, у ердан кетди. Шундан кейин ҳам у турли-туман усуллар, ҳийла-найранглар, ўтрик-ўшаклар билан Лаъчийни тузоққа илинтиришга роса ҳаракат қилди, бироқ Лаъчийнинг жавоби битта эди, бунда ҳеч қанақа қайсарлик

аломати йўқ эди. Лаъчийнинг бу жавоби унинг жисми ва жони, бутун борлигини ўзида мужассам этган жавоб эди. Шундан бошқа жавобни у билмас ҳам эди. Туриб-туриб, у нима қилишини билмай, “бор-е” деб юборгиси келарди-да, бироқ ўша заҳоти юрагидан алам ва нафрат туйғуси вулқондай отилиб чиқиб, томирларига ёйилар, вужудини аланга чулғарди, газабдан ер депсиниб дерди:

– Йўқ! Менга қўлингнинг учини текизиб кўр-чи, нақ тириклай гажиб ташлайман!

Қасқдан гажиб ташларкан! Ҳа, қамоқхонада бир-биридан даванги зўравонлар яшарди, Лаъчийнинг гарданига пичоқ тираб, ишини “битириб” қўйиш улар учун чўт эмасди, бироқ анови лаънати Хубчанд важдан ҳамма ундан кўрқарди. У бор экан, Лаъчийни бунақа туюққа илинтириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди. Иложи бўлган чоралар кўрилмақда эди, холос.

Қамоқхонада кўрганларидан Лаъчийнинг аста-секин кўзи пишиб бормоқда эди. Бир куни у ёш ва чиройли маратҳий<sup>1</sup> қизи Ганга Бойи билан суҳбатлашиб қолди. Исми Ганга бўлгани билан соддадил ва шўхликда Нармадан<sup>2</sup> кам эмасди. Юрганда баданлари дирк-дирк қиларди. Ўн мартадан кўпроқ ўғирликда айбланиб қамалган.

– Товуқ ўғирлармидинг?— сўради ундан Лаъчий.

Ганга хандон ташлаб кулиб юборди. Унинг қўнғироқдек жарангдор кулгиси узоқ-узоқларга таралиб, ҳавони тўлдирди. Ўзини кулгидан базўр тўхтатиб, деди:

– Йўқ, мен кийим ўғирлар эдим.

– Қандай қилиб?

– Мен билан бирга иккита эркак ҳам ишларди, уч кишилик гуруҳ, биз ярим тунда катта-катта дўконларнинг пештахталари ойнасини авайлаб синдирардик-да, ичига кирардик, буюмни ўмариш вақтида иккала эркак ташқарида турарди, мен ичкарига кириб, манекенларнинг устидаги сорийларни ечиб олардим, пештахтада турган бошқа буюмларни ҳам олиб-олиб, ташқарига ирғитардим. Битта-яримта полициячи келиб қолса, иккала эркак турли томонга қочиб қолар ва мен пештахтада тик туриб, манекен бўлиб олардим, полициячи мени ҳам манекен деб ўйлаб, ўтиб кетарди.

Энди Лаъчий ҳам қотиб-қотиб кулди. Бу усул унга жуда ёқиб тушганди.

– Жуда зўр, роса йўлини топибсан ўзиям! Унча-мунча одамнинг миясига келмайди!

– Ҳа. Аммо полициялар охири бизни ҳам тутиб олди.

– Қамоқдан чиқиб, нима қилмоқчисан?

– Шу ишимни қилавераман.

– Қамалиб чиққанингнинг фойдаси қани?

– Қамоқ — жиноят йўлидаги бир манзил,— деди Ганга бироз хаёлга толиб. — Бошқа йўли ҳам йўқ-да.

– Турмушга чиққанмисан?

– Бирга ишлайдиган иккита эркак бор-ку, улар деярли менинг эрларим бўлади.

– Эрларим? — деди Лаъчий ажабланиб.

– Ҳа, эрларим! — деди Ганга хиёл гамгинлашиб. Бирпас алланималарни ўйлаб қолди, кейин яна ўзининг аввалги хушчақчақ ҳолатига қайтди-да, деди: — Лекин иккаласи ҳам жуда кўнглимга қарайди.

<sup>1</sup> М а р а т ҳ и й — элат номи (Тарж.)

<sup>2</sup> Н а р м а д а — Ҳиндистондаги шўх тоғ дарёларидан бири. Ганга тинч оқиши билан машхур. (Тарж.)

Лаъчий ҳам ўзича қамоқдан чиқсам, мен ҳам шу қасбни ўрганиб олсаммикан, деб ўйлади. Бир лаҳза кўнглида шунақа ўғирликка ҳавас пайдо бўлди. Шунақа хатарли ишларга қўл уриш унга қизикдай туюлиб кетди. Аммо икки эрлик ҳақидаги гап тишга тегди. Ахир у иккита эркак билан бирга уларнинг қасофатларига ҳам тенг шерик бўлиши, теппа-тенг ўғрилиқ қилиши етмагандай, шаънини ҳам уларга топшириб қўйиши инсофдан эмас-да. Бу энди тенг шериклик эмас, турган-битгани муттаҳамлик-ку!

Лаъчийнинг Коушаладан ҳам ҳафласаси пир бўлган. Каушаланинг бир неча исми бор эди: Иқбол, Бону, Суржит Каур, Мери Дисўза ва яна алламбалолар. У олий мактабни битирган қиз эди. Инглиз тилидан ташқари урду, ҳиндий, маратҳий, бағолоий, французча, тамилча, малайлам тилларини ҳам билар эди. Ўзига етганча учар, бирининг дўпписини бошқасига кийдириб кетишга уста эди. Қамоққа тушишдан олдин у ишсиз юрган йигитларни ишга жойлайман, деб алдаш билан тирикчилик қилар эди. Ўзига таниш амалдор ё вазирларга учраштириб, уларнинг пулларини қоқиштириб оларди-да, жуфтакни ростлаб қоларди. Шу пайтгача у икки юз-уч юзтача йигит ва қизларга шунақа панд бериб, улардан минг-минглаб рупия “ишлаб” олганди.

Лаъчий деди:

— Ахир ўзинг олий маълумотли экансан. Бирон жойда ишлаб, ҳалол йўл билан ойига икки-уч юз рупия бемалол топсанг бўлади-ку?

— Икки-уч юз рупия менга етмайди-да.

— Камроқ харажат қил, тежаб ишлат.

— Бунинг сира иложи йўқ.

— Нега иложи йўқ экан?

— Мен яхши яшасам дейман.

— Яхши яшаш қанақа бўлади?

— Яхши яшаш деб ҳаммаси яхши бўлишни, пул ёмғирдай ёғиб туришни айтилади.

— Пул! Пул! Пул! Дунёда хурсандчилик фақат пулдан келар эканми?

— Ёруғ дунёда аёлга хурсандчилик қаёқдан келади?— деди Каушала қизишиб.— Билсанг, ўз ота-онам бойликка учиб, мени бир чолнинг бўйнига осиб қўйишди, ҳалиги чол ўлиб кетгач, аввалги хотини ва болалари мени қувиб юборишди. Ота-онам ўз фарзандларига хиёнат қилганда, мен бегоналарни алдасам, бу жуда катта гуноҳга кириб қоптими? Мени бир дурустроқ одамга турмушга беринглар деб худонинг зорини қилдим, эл қатори яшаб, иззат-обрўли бўлайлик, ўз йўлимни ўзим топай, жуфти ҳалолим билан айш-ишрат суриб, тинчгина умргузаронлик қилай, дедим. Лекин ўша дурустроқ одам пешонамга ёзилмаган экан.

— Турмушга чиқиб ҳам айш-ишрат тўғрисида ўйлайсанми, нега?

— Турмушга чиққан аёл айш-ишрат қилмайди деб ким айтди сенга? Эри билан қилади-да.

— Ўртадаги муҳаббат-чи, у ҳисоб эмасми?

— Бўлса бордир!— деди Каушала заҳархандалик билан.— Мен уни кўрмаганман.

Лаъчий узоқ ўйланиб туриб, деди:

— Мен бошқача ўйлагандим, бир яхши қизсан, ҳар қандай тузук одам сени жон-жон деб олади, дегандим. Фақат унга анови фирибгарлик ишларингдан оғиз очмасанг бўлгани эди.

— Тузук одамга турмушга чиқмоқчи бўлгач, оғиз очмай қаёққа борардим? Хоҳласам-хоҳламасам айтаман-да. Хўп, шундоқ бўлди ҳам

дейлик, қамоқдан чиқиб, энди бу йўлдан юрмайман, биронта тузукроқ одамга турмушга чиқаман-да, тўғри ҳаёт кечираман деб онт ичдим ҳам дейлик, ўша тузук одамнинг бошимдан нелар ўтганини билгач, юраги ёрилиб ўлади-ку.

– Тузук одам деб сен кимларни айтасан? – қизиқсиниб сўради Лаъчий.

– Ойлиги камида минг рупия бўлган одам тузук одам бўлади.

– Сени қара-ю!– Лаъчий шартта жавоб қайтарди. – Унда ростданам ҳеч ким сенга ёрдам беролмайди.

Каушала дунёдаги ҳамма унинг учун бир пулдай қирқилган сочини ноз билан орқага силтаб ташлади. Кейин эркакларни болохонадор қилиб сўқди-да, Лаъчийдан юз ўгириб, ўз бўлмаси томон равона бўлди.

Ўша куни Лаъчийнинг хаёли чиндан паришон эди. Юбкасини кийиб, қўлида чирманда билан Хубчанднинг қаршисида харрак устида тураркан, чехрасида ҳар кунги хушчақчақликдан асар йўқ эди. Кўзлари гамгин ва ўйчан боқарди. Хубчанд суврат чизиш билан банд экан, Лаъчий дабдурустан:

– Супаритан!– деди.

– Ҳа, Лаъчий?

– Агар одам пулдан хурсанд бўладиган бўлса, бир рупияга ҳам хурсанд бўлади, минг рупияга ҳам, шундайми?

– Ҳа, Лаъчий.

Лаъчий бирпас сукут сақлади-да, яна деди:

– Супаритан!

– Ҳа, Лаъчий?

– Сиз дуруст одаммисиз?

– Нимаиди?

– Яъни, қанча ойлик оласиз?

– Олти юз рупия.

– Унда сиз дуруст одам эмас экансиз.

Хубчанднинг мўйқалами тўхтаб қолди, у Лаъчийга қараб деди:

– Нега унақа дейсан? Сенга ҳеч ёмонлик қилмагандим чоғи?

– Йўқ! Лекин Каушалайнинг айтишича, тузук одамнинг ойлиги ками билан бир минг рупия бўлиши керак экан.

Хубчанд кулиб деди:

– Каушала айтган гапини ҳамма айтади, шунинг учун ҳам бу дунё-да доим фирибгарлик бўлади.

Бирпас ўйланиб туриб, Лаъчий яна деди:

– Супаритан!

– Ҳа, Лаъчий?

– Бир минг рупия ҳақ оладиган одам ҳеч кимни алдамайдими?

– Нега, алдайди! Қайтанга минг рупия оладиганлар кўпроқ алдайдилар.

– Унда одамгарчилик нима бўлади?

– Сен жуда қийин савол бердинг-да, Лаъчий! – деди Хубчанд Лаъчийга яқин келиб. Кейин чўнтагидан бир хат чиқариб деди:

– Сенинг саволингга жавоб мана шу хатда.

– Бу Гулнинг хати-ку.

– Ҳа.

Лаъчий харракдан сакраб ерга тушди. Хатни олиш учун болалардай талпиниб, Хубчанднинг олдига келди. Хубчанд ҳам болалардай ундан қоча бошлади. Охири Лаъчий Хубчандни тутиб олди ва уни иккала қўли билан маҳкам қисиб ушлади-да, хатни тортиб олди, сўнг у

юзидан, бу юзидан чўлпиллатиб ўпди. Кейин Хубчандни иккала қўли билан кучоқлаб кўтариб, ўзи турган харракка ўтқазиб қўйди-да, суврат олдига борди. Мўйқаламни олиб, уни айлантирганча амрона бир тарзда деди:

– Қани, Гулнинг хатини ўқиб берасизми ё йўқми, ўқиб бермансангиз, сувратингизни битта қўймай чаплаб ташлайман.

– Ие-ие, ундай қилма, қоқвош! Хатингни ҳозир ўқиб бераман.

Хубчанд шоша-пиша хатжилдни очди ва хатни ўқий бошлади.

Лаъчий югуриб келиб, Хубчанднинг оёғи тагига ўтириб олди. Иягини Хубчанднинг тиззасига қўйди-да, хатни эшита бошлади:

– “Жонимдан ҳам азиз Лаъчий!”

Лаъчий Хубчандни урмоқчи бўлиб бирдан қўлини кўтарди. Хубчанд унинг зарбасини тўхтатиб, деди:

– Ие, тентак қиз! Буни мен айтаётганим йўқ, Гулнинг хатини сенга овоз чиқариб ўқиб бераётирман.

– Ундай бўлса майли. Аммо билиб қўйинг, тўғрилиқча ўқинг, ўзингиздан ҳеч нарса кўшманг, бўлмаса...

Хубчанд ўқий кетди:

– “Юрагимда доим сени ўйлайман. Ҳар доим сувратинг кўз олдимдан кетмайди. Бирон дам йўқки, Лаъчийгинамнинг ойдек чеҳраси ёдимдан кўтарилса. Аввалдан охиригача, ҳаётдан ўлимгача токи тирик эканман, Лаъчийимни севавераман”.

Лаъчий кўзларини юмиб қулоқ солиб турди. Унга бу оддий сўзлар эмас, бир ютум болдек туюлиб, руҳи равонига сингиб бормоқда эди. Улар юмшоқ, мулойим ипак толаларига ўхшарди ва толалар ҳавода муаллақ сузиб юрарди. Гул!.. Гул!.. Гул!.. Менинг Гулим!

## 31

Янаги ойда Гул Лаъчийни кўргани келганда, Лаъчий уни қўлидан ушлади-да, Хубчанднинг кабинетига олиб кирди ва гоят гурур билан уни Хубчандга кўрсатиб деди:

– Мана менинг Гулим!

Хубчанд Гулнинг бошидан оёғигача разм солиб қаради, новча, хушсуврат, қад-қомати келишган дуркун йигит. Вужудидан гурур ва кўркамлиқ ёғилиб турибди!

Хубчанд бир зум кўнглида ўзини у билан солиштириб кўрди, кейин чеҳрасида қандайдир заиф, кўпроқ йиғига ўхшаб кетадиган табассум пайдо бўлди ва у Гулга деди:

– Хуш келибсан. Қани, ўтир.

Лаъчий деди:

– Бу эса менинг супаританим. Жуда яхши одам. Шу киши сабабли биз бу ерда кўришиб турибмиз. Бўлмаса панжарали хонада кўришардик.

Гул миннатдорлик билан Хубчанд томонга қараб қўйди. Аммо тили калимага келмаётганди. Унинг қўллари бежо титраётгани албатта у қаттиқ ҳаяжонда эканини айтиб турарди.

Гулнинг сукут сақлаб ва бармоқлари титраётганини кўриб, Хубчанд мўйқаламни пиёладаги сувда ювди, сўнг аста кўзини ерга олиб, хонадан чиқиб кетди.

Хубчанд кетиши билан Лаъчий беихтиёр Гулга ёпишди. У йигитнинг пешоварий қўйлагини ечиб, бир четга қўйди, кейин унинг юзини иккала қўли орасига олди, кейин юзини юзига босди-да, синиқ овозда деди:



– Гул!... Гул!... Ўтган ойда мени кўргани келмадинг. Нега ундай қилдинг?

Гул индамади, фақат титроқ қўлларини бир тугиб, бир очарди. Лаъчий унинг кўксига маҳкам ёпишиб, юрагининг уришига қулоқ соларди. Гулнинг қўллари аста Лаъчийнинг белидан тутди, уни ўзига тортиб, юзини қизнинг юзига босди, сўнг бирдан қўйиб юборди-да, бошини эгиб, Лаъчийдан сал нарида ўтириб олди.

– Гул! Ўзи нима гап?– сўради Лаъчий Гулга жуда яқин келиб, сўнг Гулнинг юзини ўзи томонга буриб, сўради: – Нима гап? Гапирсанг-чи!

Гул деди:

– Менинг аризам инобатга олинмабди.

– Қанақа арзия?

– Ҳиндистон фуқароси бўлишга берган аризам.

Лаъчий бирдан хандон ташлаб кулиб юборди.

– Инобатга олинмаса нима бўпти? Шунга лаб-лунжинг осилиб, тилинг танглайингга ёпишиб қолганмиди? Қаёққа хоҳласам кетаверамиз.

– Сенинг масаланг бошқа. Мен патҳанман. Мен Покистон мамлакатининг одамиман.

– Мамлакат дегани нима? – сўради Лаъчий.

– Мамлакатми? – Гул гап тополмай тўхтаб қолди. Тараддуланиб, ўзидан сўради: – Айтгандай, мамлакат нима дегани-а? – Ҳеч қандай жавоб миясига келмаганидан кейин, тутила-тутила деди: – Мамлакат – мамлакат-да, дейлик, битта мамлакат Покистон, битта мамлакат – Ҳиндистон, битта мамлакат – Хитой, битта мамлакат – Япония – бу мамлакатларнинг бари ернинг алоҳида-алоҳида бўлаклари.

– Лекин биз кўчманчилар учун ҳамма ер – бир ер.

– Шундай дейсан-у, бу дунёдаги одамлар учун бир эмас, – деди Гул хиёл алам билан. – Ўзларини маданиятли ва онгли деб билган одамлар мана шу ерни майда-майда бўлақларга бўлиб ташлаганлар ва бу сеники, бу меники, бу уники деб эгалик қилиб олганлар.

– Лекин сен меникисан, – деди Лаъчий иккала қўли билан Гулни қочиб кетадигандай маҳкам кучоқлаб. – Сен фақат меникисан. Менинг ҳеч қанақа мамлакат билан иш-пишим йўқ. Мен бир камбағал кўчманчи қиз бўлсам. Менинг бунақа катта гапларга ақлим етмайди. Агар ўша аризангни улар инобатга олмаган бўлишса, нима, Худойим иккаламизнинг муҳаббатимиз аризасини беинобат қолдирмагандир?

– Энди сенга нима десам экан, Лаъчий?– деди қаттиқ ташвишланиб Гул. – Бу аризамнинг инобатга олинмагани шуни англатадики, энди мен Ҳиндистонда яшай олмайман. Сен билан учрашгани ҳар ойда келиб туролмайман. Қамоқдан минг азоб билан чиқиб олганингдан кейин сен мени кўролмайсан.

– Йўқ-йўқ, – қичқириб юборди Лаъчий. – Сен бундай қилишинг мумкин эмас! Бундай қилолмайсан! Ҳеч ким Гулимни мендан тортиб ололмайди. – Лаъчий Гулни янада маҳкамроқ кучоқлаб олди ва унга ёпишганча ўтириб қолди. Бирдан кўзларига ёш қалқиб, Гулга деди:

– Йўқ-йўқ, сен ёлгон айтаяпсан. Сен гашимга тегиш учун атайлаб айтаяпсан бу гапларни, сен менга ҳазил қилаяпсан. Айтсанг-чи, Гул, ҳазиллашаётувдим де.

Гул бошини ҳам қилганча жим ўтираверди. Анчадан кейин у бошини кўтарди, Лаъчий қараса, севгилисининг кўзида ёш йилтиллаяпти.

– Бизлар судхўр патҳанлармиз. Кўп йиллардан бери шу мамлакатда мана шу касб билан шуғулланиб келар эдик, илгарилари ҳеч қанақа тўсиқ-пўсиқ бўлмас эди. На отам ҳеч қачон Ҳиндистон фуқароси бўлишни ўйлаганди, на мен. Бизлар бир-икки йилда ватанимизга бориб турардик, у ерда уч-тўрт ой туриб, яна қайтиб келардик. Тирикчилигимиз бу ерда кечарди-ю, хаёлимиз у ёқда бўларди, лекин энди кўп нарса ўзгариб кетди. Илгари бу битта мамлакат эди, энди у иккита мамлакат бўлиб қолди, энди Покистон бир алоҳида ва озод мамлакат, Ҳиндистон бошқа мамлакат ва алоҳида. Ўз ўйида озод мамлакат! Қонунлар ҳам ўзгариб кетди – судхўрларга чекловлар қўйилган, отамнинг касб-кори ҳам касодга учраган, у Покистонга кетаяпти. У ҳеч қачон Ҳиндистон фуқароси бўлишни ўйламаган. Мен ҳам бундан илгари сира ўйламагандим – унда сен бўлмагандинг, шунинг учун ўйламагандим. Юрагимга севги ўтини солдингу мен шу ерда қолишни ўйлай бошладим, Ҳиндистон фуқароси бўлишга ариза бердим, бироқ кечиккан эканман, улар аризамни инобатга олишмади. Энди улар мени бу ерда яшагани қўйишмайди.

– Уларга айтмадингми, менинг Лаъчийим шу ерда, бу ердан қандай кетаман, демадингми?

– Улар муҳаббатни тушунишмайди, улар нафратни тушунишади.

– Бутун ер юзи Худоники деб айтгандирсан, ахир?

– Индаллосини айтганда, ҳамма ерда мандир, масжид ва черков тикилиб ётибди, бу ёғини сўрасанг, бир қарич ҳам ер Худоники эмас.

– Мен сени кетгани қўймайман!– деди бирданига гапни чўрт кесиб Лаъчий. Бироқ кўнгли ич-ичидан вайрон бўла бошлади. Бироздан кейин у қўлларини Гулдан олди-да, кафтлари билан юзини яшириб, пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

– Нега йиғлайсан, Лаъчий?

Бугунданмас, кечаданмас, дунё яралгандан, одам боласи пайдо бўлган кундан у мана шундай йиғлаб келаяпти, муҳаббат мана шундай йиғлаб келаяпти, муҳаббат мана шундай фарёд ураяпти. Одамлар инсон-инсон деб, муҳаббат деб, гўзаллик деб, қардошлик деб, поклик деб жағ урганлари-урган, сиёсатдонлар жар солганлари-солган, ёзувчилар китоблар ёзиб, файласуфлар фалсафа сўқиш билан умрларини зое кетказиб, одамзот, муҳаббат ва қардошликни алқаганлар, бироқ ким шу муҳаббат кўзларидаги ёшни артиб қўйган? Ким одамзотга ёрдам қўлини чўзган? Ким покликнинг қадрига етган? Ким гўзалликка муносиб бир иш қилолган? Бу одамларнинг барчаси муҳаббат ниқоби остида нафратни, одамгарчилик қиёфасида ваҳшийликни, гўзаллик пардаси остида хунукликни ва ҳалоллик баҳонаси остида ҳаромни ёя-ёя ўзларининг маданиятлари байроғини кўкларга кўтариб келганлар. Маданият дейсизми? Бу одамларда маданият анқонинг уруғи-ку!

Гул оҳиста деди:

– Етти кун ичида мен Ҳиндистондан чиқиб кетишим керак бўлади. Лаъчий “ув” тортиб йиғлай бошлади.

Гул Лаъчийнинг ёшини артмади, у фақат ўзининг ёшларини кафтининг орқаси билан сидириб ташлади. Унинг пастки жағи таранглашди, у базўр иккала кафтини мушт қилиб тугди-да, даст ўрнидан турди.

– Бўпти, Лаъчий, мен борай энди.

Лаъчий унинг оёқларидан ушлаб олди:

– Кетма, Гулим! Кетмайсан, ҳеч қасққа кетмайсан!

Гул ғоят қийинчилик билан бир қадам ташлади, иккинчи қадам, учинчи қадам! Лаъчий хўнграб йиғлаган кўйи унинг оёқлари билан бирга судралиб борарди.

– Кетма, Гулим! Кетма! Кетма, Гулим! – дерди қиз йиғлаб.

Сўнги бор ҳаракат қилиб, Гул Лаъчийнинг чангалидан оёқларини бўшатиб олди ва югуриб хонадан чиқиб кетди. Лаъчий ерда ётган кўйи йиғлаб қолаверди.

Анчадан кейин Хубчанд кириб келди. У Лаъчийни ердан тургазди, кўз ёшларини артди, унинг бошини ўз елкасига қўйиб сўради:

– Гул кетдими?

– Ҳа, – бўғиқ овозда жавоб қайтарди қиз. – Гул кетди, у энди ҳеч қачон келмайди.

Хубчанд унинг бошини силаб деди:

– Гул менга ҳаммасини айтиб берди. Лекин бунда унинг нима айби бор? Шароит айбдор, замона айбдор, аммо сен парво қилма, Лаъчий! Гул кетган бўлса, нима қипти, мана, мен борман. Мен ўзим сенга ғамхўрлик қиламан, қамоқхонада ҳеч қанақанги қийинчилик кўришингга йўл қўймайман. Сен қамоқдан озод бўлганинда, мен ҳам бу ердаги ишимдан истеъфо бераман, сенга уйланаман, сени Парижга олиб бораман. Дунёнинг бир улкан санъат музейини кўрсатаман, у ерда мен чизган сувратлар ҳам бўлади. Менга мана бу сувратни чизишда илҳом берган улкан музейни ҳам кўрсатаман.

Бирдан Лаъчий эгилган бошини Хубчанднинг елкасидан олди. Буқланган танаси камондай таранг тортилди ва шартта Хубчанддан ўзини тортиб, ўтириб олди. Қиз кўз ёшларини артди ва ғазабнок кўзлари билан Хубчандга қараб қўйиб, деди:

– Супаритан!

– Ҳа, Лаъчий?

– Бир иложини қилиб, мени умрбод қамоққа ўтқазиб қўймайсизми?

– Йўқ, Лаъчий! Кимнинг қанча гуноҳи бўлса, ўшанча жазо олади.

– Менга нима қилса умрбод қамоқ жазоси берилиши мумкин?

– Агар сен қайтадан яна бир одамни ўлдирсанг.

– Унда мен қамоқдан чиқиб, одам ўлдираман, яна ўлдираман, яна ўлдираман, менга умрбод қамоқ жазоси берилмагунча ёки дорга ошишмагунча одам ўлдиравераман, ўлдиравераман.

– Нега бундай ўйлайсан, Лаъчий?

– Ҳа, сизларнинг ҳаммангизни ўлдириш керак, сизлар шунга лойиқ одамларсиз, – деди Лаъчий чинакамига жаҳли чиқиб.

Кейин у ўрнидан турди-да, чизилаётган суврат томонга талпинди. Сувратни юлқиб олди-да, майда-майда қилиб йиртиб ташлади.

– Аёлнинг сувратини чизишга нима ҳақингиз бор? Бирон марта унинг юрагига қўл солиб кўрганмисиз?.. Ҳаммаларингиз унинг тўртала тарафидан панжара девор тиклашни биласизлар-у, лекин сиз Лаъчийни билмайсиз. Мен бир эркин кўчманчи қизман. Мен учун ҳеч қанақа ватан ҳам йўқ, миллат ҳам йўқ. Мен панжара деворингиздан ошиб ўтиб, унинг абжағини чиқараман. Ўғрилиқ қиламан, киссавурлик қиламан, одам ўлдираман, одамларни тунайман, лекин Гулдан бошқа ҳеч кимнинг ҳеч қачон баданимга қўлининг учини текизгани қўймайман!

Лаъчий осмони фалакдан ерга тушиб келиб, манфур Хубчанд томонга қараб қўйди ва катта-катта одим ташлаганча хонадан чиқиб кетди.

Бир неча ойдан кейин Хубчанд Лаъчийнинг воситасисиз унинг сувратини чизди, бироқ Лаъчий сувратни кўриб:

– Ўхшамабди, – деди.

– Нега ўхшамабди? – сўради Хубчанд.

– Мен сиз чизганчалик чиройли эмасман, – деди Лаъчий сувратга боши билан ишора қилиб. – Устидаги кийим меники, сувратдаги ҳам ўзим, ранги, қад-қомати ва юз-андоми ҳам мен қандай бўлсам, ўшандай қилиб чизилган, шундай бўлса ҳам бу суврат менга ўхшамайди. Нега бунақа қилиб чиздингиз, супаритан? – Лаъчий сувратдан юзини ўғирди.

Хубчанднинг юзи оппоқ оқариб кетди. Ниҳоят, у кутган вақт келган эди. Ҳали сувратни чизишда давом этиб, расмларни жой-жойига қўйиб борар экан, ўзидан неча бор сўрагани: очигини айтсаммикан ё айтмасаммикан? Ахир сукунатнинг ҳам ўзига яраша тил-забони бўлади-ку. Кўзи ҳам бўлади-ку. Бармоқларининг бўғинлари орасидан отилиб чиқаётган ишқ нолалари наҳотки ҳеч кимнинг қулоғига етиб бормаган бўлса? “Мен чизган сувратим билан сенга жуда кўп гапларни айтгандим, Лаъчий! Нега сен эшитмайсан? Ё унда сен фақат шаклингнигина кўрганмидинг? Уни шунчаки аксинг туширилган қуруқ суврат деб билганмидинг? Наҳотки, менинг қалбимдаги кечинмаларни уқмаган бўлсанг? Титроқ мўйқаламим билан суртилган бўёқлар аслида юрагим қонлари эди, улар ёрдамида чизганим сенинг сувратинг – орзу-умидлар гулшаним эди-ку! Наҳотки шуни тушунмаган бўлсанг, қоқвош қиз? Энди мен сенга нима ҳам дей?”

Хубчанд индамай Лаъчийга қараб қолди, аммо ҳеч нима демади. Лаъчий берган саволларнинг биттаси ҳам қулоғига киргани йўқ. На кўксидан бир “оҳ” отилиб чиқди, на кўзларидан бир қатра ёш. Мушталарини туккан, лабларини қимтиганча суврат олдида тек туриб қолди.

Бир вақт Лаъчий унинг олдида келди. У аста кўлини Хубчанднинг елкасига қўйди, кейин жудаям заиф ва латиф овозда деди:

– Агар мен Гулни севмаганимда сизники бўлардим, супаритан.

Хубчанд чўчиб тушди. Яна муштуми тугилди. Вужуди шамолдаги япроқдай қалт-қалт титрай бошлади. Сўнг ҳалиги япроқ чирт этиб узилди-да, шамол эпкинисида аллақаяқларга учиб кетди ва ном-нишонсиз кўздан ғойиб бўлди...

– Лекин Гул кетди, энди қайтиб келмайди у, – деди Хубчанд Лаъчий томонга қарамасдан, гўё у Лаъчий билан эмас, унинг суврати билан гаплашаётгандай.

– У келмаса келмас, нима бўпти? Мен унинг олдида бора оламан-ку. Мен бир қўчманчи бўлсам, супаритан. Мен учун ватан бўлмаса, бошпана бўлмаса. Менга деворлари ҳам, қамоқхонаси ҳам бир пул – тўрт томоним қибла. Менинг ҳеч нарсадан кўрқадиган жойим йўқ. Яёв юриб бўлса ҳам, бир ўзим бўлсам ҳам Гулнинг олдида етиб бораман. Менга деса дунёнинг нариги чеккасида бўлмайдими.

– Ўйлагандимки... – сўз қотди Хубчанд, бироқ тўхтаб қолди.

– Нимани ўйлагандингиз?

– Шу хизматимни ташласаммикин деб ўйлагандим. Сени олиб, Парижга кетсам, у ерда бир студия очиб, сенинг сувратингни чизсам дегандим.

– Битта менингми? Нега?

- Гоҳо бир шахс уммонга тенг келади.
- Тушунмадим, – Лаъчий ҳайрон бўлди.

Хубчанд унга томон ўгирилиб, деди:

– Сен ҳеч нарсани эшитмагансан, ҳеч нарсани билмайсан демоқчи эмасман. Мен йўғимда шунча нарсани билган одамнинг нахотки шугина нарсага ақли етмаса? Бу икки нарсани билдиради. Юракни юрак тушунади, аммо биронта юрак бошқасининг дардини ўзиники қилиб оладиган даражада унинг ичига кириб боролмайди. Бундан ортиқ фожиа бўладими!

Лаъчий деди:

– Сиз ҳар доим ё бир нарсани исботлайсиз, ё суврат чизасиз, мен эса фақат орзу қиламан. Фақат орзу қилиш етарли эмасдир?

Хубчанд Лаъчий томонга бир қадам ташлади. Беихтиёр у Лаъчийни кучоқлаб олгиси келди, бироқ ўзини тўхтатиб қолди. Қўларини кўкси устида маҳкам чоғиштириб олди ва деди:

– Гоҳо орзу қилишдан ташқари бирор нарса учун қурбон бўлиш ҳам етарли бўлмайди.

– Жуда зўр гапни айтдингиз-да, – деди Лаъчий Хубчандга мақтаганнамо қараб. – Гулга келганда мен ҳар доим шу нарсани ўйлардим. Лекин қандай айтишни билмасдим.

Хубчанд жим бўлиб қолди. Лаъчий юзини буриб, сувратни томоша қила бошлади ва деди:

– Энди бу сувратни нима қиласиз?

– Буни ўзим билан Парижга олиб кетаман.

Бирдан Хубчанд шу паллада нимадир қилиши керакдай ҳис этди. Ё Лаъчий билан уришиб, уни хонадан чиқариб юбориши ёки Лаъчийни зўрлаб кучоқлаб олиши, ё бўлмаса ўз сочини ўзи битталаб юлиши керак эди. Акс ҳолда лаҳза сайин кучайиб бораётган эҳтиросдан у жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Хубчанд бир чоққина жавонга калит солди ва ундан икки-учта кичкина-кичкина шишача олди, кейин уларни сувратга теккиза бошлади:

– Сочларинг тундай қора, бўйининг ёсуман янглиғ, ёноқларинг атиргул мисол...

– Нима қилаяпсиз? – ҳайрон бўлиб сўради Лаъчий.

– Сувратга атир сепаяпман.

– Қизиқ одам экансиз, – деди Лаъчий. – Парижга етиб боргунча атирдан ҳеч нарса қолмайди-ку.

– Лекин бунинг хотираси эсда қолади, – Хубчанд нигоҳини сувратдан олиб, Лаъчийга қаратди ва давом этди: – Лаъчий, баъзи нарсалар сира тугамайди. Бошқа бирор нарсага айланади. Гўзаллик хотирага, хотира кўшиққа, кўшиқ садога, садо баҳорга... баҳор вайроналикка айланади, вайроналикни эса ким йўқота олади?

Лаъчий чуқур “ух” тортиб қўйди-да, деди:

– Қисматга ёзилганни ким йўқота оларди. Ҳозир Гул эсимга тушиб кетаяпти...

– Гул! Гул! Гул! – бирдан Хубчанд бақариб берди. – Қачон қарасанг, Гул, йўқол кўзимдан!

– Ахир, супаритан, – Лаъчий унинг бу тахлит тутаққанини кўриб, кўрқиб кетди.

– Йўқол кўзимдан! – Хубчанд иккала кўлини ёйиб қичқирди.

Лаъчий югуриб хонадан чиқиб кетди. Йўлда Хубчанднинг хонаси томон чопиб кетаётган бир нечта хизматкорга дуч келди. Хизматкорлардан бири:

– Нима гап? – деб сўради.

Лаъчий ғоят ҳорғин овозда деди:

– Нима бўларди? Ўзинг айт, бир эркак бир аёлни хоҳлаяпти, аёл эса уни хоҳламаяпти, хўш, шунда нима бўлади?

Дилоро сўради:

– Нима бўлди?

– У мени Парижга олиб бормоқчи бўлаяпти. Лекин ҳар бир эркак фақат ўзининг хоҳишини ўйлайди, аёл нимани хоҳлашига қарамайди.

– Вой-вой, Парижга?! – Коушалайнинг ҳавасдан кўзлари чақнаб кетди. – Унга айт, мени олиб кетсин Парижга!

Бошқа хотинлар кула бошлашди. Лекин Лаъчий кулмади. У бошини эгганча ўз хужраси томон юриб кетди.

Уч кунгача Лаъчий хужрадан чиқмади. Уч кунгача иситмада ёниб, “оҳ-воҳ” қилиб ётди. Бу орада шифокор тинмай келиб қараб, дори бериб турди, бироқ барчаси фойдасиз эди. Лаъчийнинг иссиғи кўтарилиб бораверди. Бешинчи куни шифокор ғоят жиддий ва гамгин тусда Лаъчийнинг хужрасидан ташқарига чиқди. Соқчи унинг ортидан етиб келди. Ташқарида Жайна Бойи, Каличаран ва Хубчанд турар эдилар.

Шифокор уларнинг саволомуз қарашларига жавоб бериб деди:

– Аҳволи оғир. Уни зудлик билан касалхонага ётқизишга тўғри келади.

– Қамоқхона касалхонасигами? – сўради Хубчанд.

– Йўқ, – деди шифокор стетаскопни ўйнаганча. – Уни юқумли касалликлар касалхонасига олиб бориш керак.

– Нега айнан юқумли касалликлар? – кайфи учиб сўради Хубчанд.

– У чечакка йўлиққан.

### 33

Касалхона дунёси гамгин ва қоронғи дунё. У мудроқ кунлар ва хўшсиз тунлардан иборат. Бу ерда иситмалар вулқондай отилади, беморлар дард оташида ёнадилар, жароҳатларда қуртлар ўрмалагандек бўлади. Минг хил бемор, минг хил дард! Ҳар қадамда қонли яралар, алангайи оташ бўлиб ёнаётган беморлар... Чор-атрофни зим-зиё қоронғилик чулғаган. Қоронғилик ичида у қичқириб Гулни чақиради. Лаъчий қичқирганида зулматнинг аллақасида чақмоқли қора булут пайдо бўларди. Ғира-ширада эса унинг кўзига гоҳ Гул, гоҳ Каличаран, гоҳ Хубчанднинг шарпалари кўринарди-да, бир кўриниб, ғойиб бўларди. Кўз олдини қип-қизил, аммо лойқа, бўтана олов оқими қоплаб оларди ва кўзидаги докани очиб-очиб, отаси ва онасини чақира бошларди. Бор овози билан қабиладошларининг номларини тилга олиб қичқирарди. Олти қат осмон, етти қат ердан наридаги аллақандай дунёда туриб, унинг устидан кулаётган Худони чақирарди. Дард ва жаҳлдан лабларини азбаройи қаттиқ тишлаганидан, унинг оғзига махсус доридан куярдилар, унинг боши айланиб, ғунг-ғунг қилганча хушидан кетарди.

Сирасини айтганда, у кам хушига келарди. Ё бутунлай беҳуш бўларди, ё ярим хўшсиз ҳолатда ётарди. Чечак ва унинг иситмаси баданининг барча аъзоларини оловдай чулғаб, алаҳсирагани-алаҳсираган эди.

– Қутқар мени, Гул!.. Мени қутқар!.. Қара, кўзларимда олов сели биқирлаб қайнаяпти... Суякларим куруқ ўтиндай чарсиллаб ёнаяпти... Нишли жондор баданимдан ўрмалаб кетаяпти... чангалзор... ўрмон... товон... тиконлар... пуфақлар... қумлар! Мен синдим, йиқилдим, чўкдим... Қутқар!.. Қутқар!..

Йигирма етти кун даҳшатли истамадан кейин “ёнғин” ўчди, Лаъчий зим-зиё қоронғиликда кўзини очди. Энди у абадий кўрмайдиган бўлиб қолган эди. Унинг қоқ суяклари устидан тортилган тери бетиде катта-катта қора чуқурчалар пайдо бўлганди, гўё биров унинг ҳусни таважжуҳи остидан ўқдори кўйиб, портлатиб юборгандай!

Роса уч ойдан кейин Лаъчийни касалхонадан қамоқхонага қайтариб юборишди. Яна бир марта Лаъчий қамоқхона супаритенденти кабинетига қадам ранжида қилди. Қамоққа тушганда биринчи кун олиб келинган ўша хонага. Қамоқхонадаги жуда кўп одамлар Лаъчийнинг йўлига кўз тутиб юрган эдилар. Ҳожи ва Мирчандоний, Коушала ва Жайна, Каличаран ва бошқалар чечак Лаъчийнинг юзини не кўйга солганини кўришни хоҳлар эдилар, холос. Вақти-вақти билан касалхонадан келиб турган хабарларга улар унчалик ишонмасдилар, чунки Лаъчийни улар ўз кўзлари билан кўришганди. Кўриб, кўнгилларига нақшланиб қолган Лаъчийнинг қиёфасини энди ўз кўзлари билан кўрмагунча аниқ тасаввур этишлари қийин эди, албатта.

Хубчанддан бошқа ҳамма уни кўришга муштоқ эди. Шундай бўлсада, Лаъчийни касалхонадан унинг хонасига келтирилганда хонада ёлғиз бўлиш тадоригини атайлаб кўриб кўйганди. Ўз муносабатини бошқаларга ошкор қилишни истамасди.

Хубчанд ишора қилгач, ҳалиги одамлар Лаъчийни унинг хонасида ёлғиз қолдириб, ташқарига чиқишди.

Лаъчий ичкарига кириб келиши билан Хубчанд беихтиёр бир қўлини кўзларига олиб борди, гўё кўзларининг бу манзарани кўришини хоҳламаётгандек. Бироқ у бутун суҳбат асносида кўзларини беркитиб тура олмасди. Шу боис Лаъчийга қарамасдан иложи йўқ эди ва дафъатан қарашидаёқ Лаъчийнинг бадбашара афти ўқ каби унинг юрагига келиб санчилди. Парижга олиб бормоқчи бўлган ҳалиги фаришта қаёқда қолди? Қани ўша гулдай нафис ва ҳаётдай муқаддас ҳусни таважжуҳ? Ўша ҳусни у неча ой давомида қўллари қавариб мўйқаламда ифода этмаганмиди? Унинг юрагига бу қадар гулгула солган ўша Лаъчий наҳотки шу бўлса? Ахир эслайвериб, қанча-қанча тунларни бедор ўтказмаганди, унинг оёғига бош уришга тайёр бўлмаганди. Рўпарасида тасқарайи тараққос бир башара кўрқинчли бир андом, дўрдоқ лаблар, қийшиқ ияк, пачақ бурун ва қоп-қора чуқурчалар ичидан йилтиллаб кўриниб турувчи оқ-оқ доғлар бўлган қиёфа турарди. Кўзлари-чи... Наҳотки, шу Лаъчий бўлса?

– Супаритан! – деди Лаъчий аста. – Мен билан гаплашгингиз келмаяптими?

– Ундоқ эмас, Лаъчий, – Хубчанд шошиб жавоб берди. – Ундоқ эмас. Менга жуда ҳам катта зарба бўлди...

– Мен хўп чиройли бўлиб кетгандирман-а, тўғрими? – сўради Лаъчий Хубчанддан.

Бу саволдан Хубчанд баттар довдираб қолди, дарҳол эътироз билдириб деди:

– Йўқ, йўқ, Лаъчий, ундай эмас... Сен манови курсига келиб ўтир... – Хубчанд қўли билан Лаъчийни курсига ўтказмоқчи бўлди, бироқ Лаъчий ўтирмади.

– Мен сизнинг маҳбусингизман, супаритан, – деди у, – сизнинг қаршингизда қандай ўтираман.

– Касалхонада қийналмадингми, ишқилиб? – тез-тез гапира бошлади Хубчанд. – Сени ўзим бориб кўрмоқчи эдим, лекин бу ерда

қамоқхона ишлари шундай кўпайиб кетдики, бир зум ҳам фурсат бўлмади, лекин кўнглимда доим сени эслардим. Қамоқхонадаги ҳар бир одам сенинг гапларингни, хушмуомалалигингни ва баланд...

– Супаритан, – деди Лаъчий Хубчанднинг гапини бўлиб, – энди бу гаплардан нима фойда?

– Тўғри айтасан.

– Мени Парижга олиб борасизми?

– Парижга? Э-ҳа, Парижгами? Ҳа-ҳа, – Хубчанд хижолатомуз кулди.

– Ҳа, фақат менинг суратимни чизасиз-а? Чунки гоҳо бир одам бир уммондек бўлади, мен ҳам бир уммонман. Менга озгина лой-балчиқлар илашган бўлса нима қипти? Уммонга ҳар куни дарёлар орқали юзлаб тонна одамлар ахлати келиб тушади-ку, тўғрими?

Лаъчийнинг овозида аччиқ киноя бор эди.

– Ҳа-ҳа, Лаъчий... Ҳалиги... Сен учун бир хушxabар бор.

Бирдан Лаъчийнинг ичида бир нима узилгандай бўлди: Гул қайтиб келган, ҳа, аниқ Гул қайтиб келган. Лаъчийнинг оёқлари қалтирай бошлади, у энди тик туrolмасди, кўли билан пайпасланиб, у курсига ўтирди ва гоят заиф овозда сўради:

– Гул қайтиб келдими? Ё ундан хат-пат борми?

– Йўқ! – деди Хубчанд ва стол тортмасидан бир жилд чиқарди, унинг “йўқ” деган сўзи гўё Лаъчийнинг тўхтаб қолган нафасини қайта ҳаракатга келтиргандек бўлди, томирларида яна қон югура бошлади, унинг томоғидан бўғиб турган хавф, кўрқинч ва телбалик ўз-ўзидан қаёққадир ғойиб бўлди.

– Менинг тавсиямга биноан ҳукумат сенинг яхши хулқингни назарда тутиб ва сенинг қамоқхонадаги иш дафтارينгни кўриб чиқиб, қолган жазо муддатингни афв этибди. Бугундан сен озодсан ва истаган ёққа боришинг мумкин.

“Истаган ёққа боришинг мумкин”. Бу сўзлар Лаъчийнинг сийна-сига найзадай ботди. Бир вақтлар у қамоқдан чиқсам, Гулимнинг ватанига бораман-да, уни қидириб топаман деб ўйлаган, режалар тузганди. Пойи пиёда юриб, манзилма-манзил тўхтаб-тўхтаб бир куни севиклисини топишига ишонганди. Лекин унда унинг кўзлари бор эди. У кўзлар миллионлаб одамлар орасида севгилисининг юзини таниб олар эди. Энди чексиз зимистонлик ичида маҳв бўлиб, қандай қилиб Гулини топа оларди? Табиат ундан ҳамма нарсани олса олсин эди-ю, аммо кўзларини қолдирсин эди, бу кўзлар севгилисини кўриш учун даркор эди!

– Энди қаёққа борасан, Лаъчий? – Бу саволни бериб, Хубчанд Лаъчийнинг бусиз ҳам чексиз ўйларини чувалантириб юборди.

– Энди қаёққа борасан, Лаъчий? – ўзидан сўради қиз. Бир бечора кўр қиз учун бир неча ой бошпана бўлиб турадиган қамоқхонанинг тўрт деворини ҳам бу одамлар унга кўп кўришди. Энди қаёққа борасан? Уни деб жамоасидан жудо бўлган ва унинг важида жамоанг сени ҳайдаган одам ҳали бу ерда эмас... Қанийди қидириб тополса... Бу дунё жуда кенг... Бир кунмас-бир кун сенга ҳам рўшнолик насиб этиб қолар, атрофга бирров назар солсанг-чи, наҳотки бу ерда сенинг ҳеч киминг бўлмаса?

Лаъчий ўз кўнглида чор атрофга кўз югуртирди, аммо унинг кўзлари кўр бўлиб қолганди, ҳеч нарсани кўра олмасди, чор атрофга олазрак боққани қолди, холос. Лаъчий паст овозда деди:

– Мени қамоқхона ташқарисига чиқариб қўйинг, бошим оққан ёққа кетавераман.



Хубчанд дарровоқ кўнғироқ чалди. Бир хизматкор ичкари кирди. Хубчанд деди:

– Лаъчийни Каличараннинг идорасига олиб бор, у барча зарурий қоғозларни бериб, уни озод қилиб юборди.

Хизматкор Лаъчийнинг эгидан тутиб, Хубчанднинг кабинетидан ташқарига чиқди. Хубчанд дастрўмоли билан пешонасидаги терни арта бошлади. Кўнглида парвардигорга шукроналар айтарди – хайрият, ортиқча гап-сўз бўлмай, ҳаммаси хамирдан қил суғургандай битди.

Каличараннинг идорасида одам гавжум эди, қамоқхонанинг учтўртта аёллари, Жайна Бойи, Мирчандоний ва Ҳожи Абдул Салом ҳам шу ерда эдилар. Улар хайрат ва ҳамдардлик аралаш нигоҳ билан Лаъчийга қараб туришарди, аммо барчалари жим эди. Лаъчийнинг хусни таважжуҳи не тариқа ҳисларни тугенга солган бўлса, унинг хунуқлиги ҳам ўшандай уларнинг юрагини пора-пора қилиб ташлади. Ўшанда улар хусн деган ҳам шунча бўларми деб ўйлаган бўлишса, энди хунуқлик ҳам шунча бўларми дея ёқа ушлар эдилар.

Каличаран барча керакли ҳужжатларга Лаъчийнинг қўлини кўйдириб олди, энди уни озод қилиш вақти келганди. Лаъчий деди:

- Ҳожи шу ердами?
- Ҳа, шу ерда, – деди Каличаран.
- Мирчандоний-чи?
- У ҳам шу ерда, нимаиди? – сўради Каличаран.

Лаъчий деди:

– Бир гал шу одамлар Жайна Бойи орқали менга номусимни олиш эвазига эллик минг рупия берамиз, деган таклиф айтишганди. Хунуқ бўлиб қолганим аниқ, аммо номусим бутун.

Хонага жимлик чўкди. Лаъчий кўр кўзларини пирпиратди-да, Ҳожи билан Мирчандоний томонга бурилиб деди:

– Бугун эълон қилинсин: келинлар, бугун Лаъчийнинг номусимни кимошди савдосига қўяйлик! Гапир, Ҳожи! Гапир, Мирчандоний! Эллик минг бермоқчи бўлганлар, қани, бугун беш рупиядан бошлаймиз деб жар солинлар: беш рупия – бир, беш рупия – икки, беш рупия – бир, беш рупия – бир, беш рупия – икки... Ие, бугун ҳеч ким кимошди савдосида иштирок этмаяптими?

Ҳамма нафасини ичига ютиб ўтирарди.

Бирдан Лаъчий қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади, азбаройи заҳархандалик билан қулганидан унинг қоқ суяк, қилтириқ гавдаси силкиниб-силкиниб кетмоқда эди.

Одамлар ҳамон жим эди. Каличаран имо қилди ва икки нафар соқчи уни қўлидан тутиб, қамоқхона ташқарисига қўйиб келди.

Қамоқхона ичкарисидоги дунё каби унинг ташқарисидоги дунё ҳам ўшандай қоронғи эди. Аслида Лаъчий ҳали ўзининг кўрлигига ўрганиб улгурмаганди. У қамоқхонадан ташқарига чиққанида кўзларини беихтиёр осмонга қаратди. Очиқ мовий осмонни, чарақлаган кўёшни, умидлари сингари парвоз қилиб юрган паға-паға оқ булутларни, ерда эса одамларни кўраман деб ўйлаганди. Автомобиллар, кўча симёғочлари, ранг-баранг сорийлар... Жажжи болакайлар чиройли пуфакларни кўтарганча, бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнаб қий-чув солиб юрганларини кўрмоқчийди. Қамоқхонадан ташқарига чиқаётганда дафъатан унинг кўнглига мана шу нарсалар келган бўлса, иккинчи дафъадаёқ осмоннинг зулматга тўлиқлигини, ернинг ҳам қоп-қоралигини, унинг у чеккасидан бу чеккасигача чуқур ва қалин қора чойшаб тортилганини кўргач, ҳафсаласи пир бўлди. У ўша ерда,

қамоқхона ташқарисидаги тротуарга йиқилди-да, ерга ёпишиб, хўнг-хўнг йиғлай бошлади. Кўзлари ва лаблари тупроққа беланиб, сўқир кўзлари ва ночор юраги қонлари кўз ёши кўринишида оқа-оқа ерга сингиб кетмоқда эди, аммо яхшиямки кўз ёши – кўз ёшидир, сув эмас! Сувдан тупроқ остидаги дон тиш ёриб, униб чиқади, бироқ кўз ёшида бундай фазилат йўқ. Акс ҳолда бугун ер юзида ғам ниҳоллари барқ уриб, ҳар қадамда инсон зулмидан паноҳ бер, дея Худога нолалар қилиб ётган бўлармидик!

## 34

Вокзалда ғала-ғовур авжида эди. Расиклаёл чувалган салласини бошида аранг тутганча у ёқдан-бу ёққа югурарди. Вокзалдан олдинги бекатда темир йўл изи ишдан чиққан эди. Шу боис тезюрар поезд Деҳлидан келаётиб, шу вокзалда бир неча соат тўхтаб турмоқчи экан. Шу кунгача биронта ҳам тезюрар поезд бу вокзалда тўхтамаганди. Расиклаёл хурсанд ҳам, бироз ташвишда ҳам эди. Ҳаммоллар, йўл кўрсатувчилар, темир йўл усталари – ҳаммасининг пайтавасига қурт тушган: гўё тезюрар поезд эмас, дам олгани вокзалга Бош вазирнинг ўзи келаётгандай.

Вокзал ҳовлисида Мадхў мевафуруш ва таксичилар сардори Ҳамиднинг оғзи қулоғида. Бугун мижозни Худо беради. Шунинг учун мева билан таксининг бозори чаққон бўлади. Хусусий таксичиларга ҳам омад кулиб боқади, чунки йўловчиларнинг кўпчилиги тезюрар поезднинг шунча кўп вақт бу вокзалда тўхтаб туришига сабр қилмайдилар ва болаларига мева-чева харид қилиб, таксида шаҳарга жўнаворадилар. Мадхў тез-тез меваларини кир рўмолча билан артиб-артиб ялтиратмоқда эди. Таксичилар вокзалдан ташқарида турнақатор бўлиб тизилиб олишганди. Нариги томонда тош-шағал уюмлари олдида йўлсоз поезд виш-виш қилиб, буғ чиқариб турибди. Ишдан чиққан йўл таъмирланмоқда эди. Понфурушларнинг кўзи шодликдан чақнар эди. Бугун ўтган икки кундаги сушт савдонинг ҳиссаси чиқадиган бўлди-да!

Тезюрар поезд келди ҳам ва тўртинчи йўлда тўхтади ҳам. Бироқ ортиқча шовқин-сурон бўлмади ва йўловчилар ҳам унча кўп тушмади, чунки поезд келиб тўхташи биланоқ олдиндаги йўл таъмирдан чиққани, шу боис поезд бир неча соат ўрнига бир неча дақиқагина тўхташи ҳақидаги хабар етиб келганди. Шунинг учун бу ерда тушиб, шаҳарга таксида етиб олишни мўлжаллаган йўловчилар вокзалдаги радиокарнайдан бу хабарни эшитгач, пастга тушиб ўтиришмади. Ҳамма – понфурушлар, мевафурушлар, таксичилар ва киракаш ҳайдовчилар – барчаларининг тарвузлари қўлтиғидан тушиб, мунғайиб қолишди.

– Падарига лаънат! Бугун ўзи чап ёним билан турган эканман, – деди Ҳамид таксичи темир йўл изига оғзидаги понни қаттиқ туфлаб ташларкан.

Вагонлардан саноқли йўловчи тушди. Шулардан бири Гул эди. Ҳамид уни кўриши билан таниди. У югуриб Гулга пешвоз чиқди ва у билан қаттиқ қўл сиқишиб кўришди.

– Сени Покистонга кетиб қолгансан деб юргандим, ахир кўрмаганимга ҳам анча бўлди-да.

– Отам Покистонга кетдилар, лекин мен Деҳлида эдим, шунча вақтдан бери Ҳиндистонда яшаб қолишимга рухсат олиш учун югуриб юрган эдим.

– Хўш, нима бўлди, иш сал илгари силжий дедими?

– Ҳа, – деди Гул хурсанд бўлиб. – Рухсат тегди.

– Лаъчийнинг аҳволи қанақа?

– Мен қаёқдан билай? – деди Гул. – Деҳлидан уч-тўрт марта қамоқ-хонага хат ёзгандим, биттасига ҳам жавоб келмади. Бугун-эрта қамоқ-хонага бориб, у билан кўришаман.

– Ўзи муддати ҳам тугай деб қолгандир?– сўради Ҳамид.

– Ҳа, – суюниб деди Гул. – Тўрт ойгина қолди, менинг ҳисобимда.

Иккаласи гаплаша-гаплаша эронликлар ресторани олдига етиб келишди. Унинг бир эшиги вокзал ичкарасида бўлиб, бинонинг бир қисми ташқарига ҳам туртиб чиққанди. У ердан бутун вокзал кафт-дагидай кўриниб турарди.

– Юр, чой ичамиз, – деди Гул Ҳамидга.

– Йўқ, мундоқ ташқарига чиқай-чи, зора битта-яримта мижоз учраб қолса, – деди Ҳамид инкор маъносида бошини чайқаб ва вокзал ҳовлисига чиқиб кетди. Гул ресторанга кириб, чой буюрди ва ҳукумат рухсатномасини чиқариб, уни гурур билан томоша қила бошлади.

Вокзал ҳовлисида бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Оддий одамлар тезулар поезд қанақа бўларкан деб, уни қизиқиб томоша қилиб турган эди. Деярли унақа гап бўлмаганди. Бир кўр тиланчи хотин садақа тиланиб туриб бир йўловчи билан тўқнашиб кетибди, йўловчи уни сўкиб берибди. Кўр тиланчи хотин сўкишни эшитиб, индамай кетавериш ўрнига йўловчининг қўлидан тутибди-да, башарасига икки-уч мушт тушириб, ерга қулатибди. Бунақасини шу кунгача на биров кўрган, на эшитган эди. Ҳалиги тиланчи хотин ҳам жуда ғалати эди. Унинг бутун башараси чечакдан чўтирлашиб кетганди. Афтига қараб, одам кўрқарди, кийимлари кир-чир ва жулдир. Кўришишдан у бир кўрқинчли жин ё ялмоғиздан сира фарқ қилмасди.

– Ҳаромидан бўлган! Пулимни олиб, яна зўравонлик қилади. Мушт туширади!

– Нега бўлмаса мени сўкасан? – деди Лаъчий жонҳолатда қичқириб.

Бу ёқларга у қандай келиб қолди экан? Неча ойдан бери ҳеч бу томонларга изини босмасди. Ҳар доим шаҳарнинг бошқа қисмида тиланчилик қилиб, бир кунини кўриб юрарди. Бир вақтлар унинг жамоаси истиқомат қилган, севгилиси Гул кутиб турадиган кўприк бўлган, омборхона атрофида унинг ҳусни жамоли таъриф тавсиф қилинадиган бу жойларда у сира қорасини кўрсатмасди. Бироқ юрагига минг уқдирганига қарамай у бу ёқларга келишдан ўзини тўхта-тиб қололмади. Эҳтимол, қадрдон гўшаси тупроғи уни чақираётган бўлгандир. Ҳа, мана шу вокзалолди майдони унинг ватани эди. Эҳтимол, бир вақтлардаги тотли орзулар хотираси уни оҳанрабодек тортиб келгандир. Нима бўлганда ҳам бугун у йўлни сўраб-сўраб бу ерга келиб қолган эди. Тошлоқ, ўнқир-чўнқирли кўчалардан пайпаслана-пайпаслана у бугун ўз диёрига қайтиб келганди! Зора, шу замин уни таниса! Зора, шу ерда уни одам ўрнида кўрадиган бир тирик жон учраб қолса! Зора... Зора... Ҳалиги йўловчи уни сўкканида бу қадар газабга келганининг боиси шунда эди. У шу вокзал атрофининг маликаси эди, шу туман аҳолиси унинг қадамларига кўзини суртарди. Ўша йўловчига у ҳали ҳам ўша эски Лаъчий эканини кўрсатиб қўяди! Йўловчига бошлаб мушт туширгандан кейин ҳам алам ва газабдан унинг аъзойи бадани қалт-қалт қиларди.

Кейин кимдир унинг ҳассасини қўлидан тортиб олди-да, башарасига шапалоқ тортиб деди:

– Ҳаромзода! Ўзи бир тиланчи-ю, тагин обрўли одамларга қўл кўтаради-я!

Лаъчий овоз эгасини таниди — бу Ҳамид таксичи эди. Бир лаҳза у ҳанг-манг бўлиб туриб қолди. Сўнг бирдан тутақиб, газаби аланга олди-да, чинқириб деди:

— Кўр билиб, мени ҳақорат қилаяпсанми? Қани, яқинимга келчи! Суяқларингни мажақлаб ташлайман. Биласанми, мен кимман?

— Шайтонваччасан, дарахтдаги жинсан, қабристондаги арвоҳсан, мана кимсан — бекатга тиланчилик қилиб келганларнинг кўпини кўрганмиз, — деди Ҳамид жаҳл билан. Кейин Лаъчийнинг ҳассаси билан унинг елкасига айлантириб бир солди.

Лаъчий вой-войлаганча типирчилаб, Ҳамидни тутмоқчи бўлиб, қўлларини ўйнатганча у тарафга, бу тарафга ташлана кетди. Унинг бу ҳаракатларини кўриб мактабдан қайтаётган болалар кула бошлашди. Баъзи болалар йўл четида ётган тошлардан олиб, кўр хотинни ура бошлашди.

— Ур! Ур! — болалар хурсанд бўлиб қичқирар эдилар.

Лаъчий мушт уриб йиқитган ҳалиги йўловчи ҳам бир тош олиб, Лаъчийга улоқтирди. Лаъчийнинг пешонасидан қон тирқиради. У гандираклаб, бир томонга қоча бошлади. Бироқ бир тўда одам ҳам уни бошқа томонга итариб юборди. Мадхў мевафуруш тош отиб, газаб билан:

— Ур! Ур! — деди.

У отган тош Лаъчийнинг кўкрагига келиб тегди. Лаъчий Мадхўнинг овозини таниди. Ўзича: “Бу Мадхў!” — деди.

— Ур! Ур лаънатини! — понфуруш қўлига тош олди. “Бу Сукҳия понфуруш”, — деди Лаъчий ичиди.

Лаъчий энди ерда йиқилиб ётарди, унинг устига тўрттала тарафдан тошлар ёмғири ёғарди. У юзини қўллари билан яшириб олганди. Кўксини ерга бериб ётганидан тошлар унинг елкасини галвир қилиб юбораётганди. Бир вақт оломон тарқалганга ўхшади. Одамлар ҳар тарафга тумтарақай қоча бошлади. Полициячиларнинг гурс-гурс қадамлари яқинлашиб келарди. Кейин кимдир иккала қўли билан уни ердан турғазди ва кўтариб, эронийнинг ресторани томон чопди. Иккита столни қўшиб, уни шунинг устига ётқизишди ва кимдир йўғон овозда деди :

— Сув олиб келинглар! Сув!..

Лаъчий чўчиб тушди — бу Гулнинг овози эди, овоз унинг ҳар бир ҳужайрасига сингиб бормоқда эди. Унинг юзидаги қонларни юваётган мана бу Гулнинг қўллари. Кўр кўзларига нам латта босиб, ором бағишлаётган мана бу сувлар аслида обиҳаёт эди! “Ахир бу менинг Гулим! Ахир бу менинг Гулим!”..

— Нима бўлди? — бир полициячи Гулдан сўради.

— Мен ўзим ҳам билмайман, мана бу ерда чой ичиб ўтиргандим. Шовқинни эшитиб, ташқарига чиқдим, қарасам, одамлар уни тош-бўрон қилаяпти. Мен уни кўтариб, одамлардан қутқариб, бу ерга олиб келдим.

— Яхши қилибсан. Бу хушига келгач, сен, ҳавалдор, шўрлик хотиннинг кўрсатмаларини албатта ёзиб ол!

Ҳавалдор қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Агар бунақа тиланчиларнинг кўрсатмаларини ёзадиган бўлсам, шаҳар полицияси бошқа ишларни йиғиштириб қўяверса ҳам бўлади, — кулганича у кетди. Эронийда дастлабки тиббий ёрдам воситалари бор эди. Гул бир амаллаб, апил-тапил унинг яраларини боғлади, бироқ шунга қарамай уни докторга олиб бормаса бўлмасди, докторнинг маскани эса вокзалдан ташқарида, понфурушнинг дўкони ёнида эди.

Гул ундан сўради:

– Ўзинг юра оласанми?

Лаъчий аста бош чайқаб, “йўқ” ишорасини қилди. Дарҳақиқат, шундай эди. У ичида ҳеч қандай кучни ҳис қилмаётганди. Эҳтимол, қаттиқ яраланганига қарамай у ердан кетиб ҳам оларди, бироқ Гулнинг келиши унинг жисму жонидаги бор қувватни тортиб олганди.

Гул уни қўлларида қўтариб олди ва эронийга деди:

– Мен буни докторнинг хонасига олиб бораман.

Лаъчий бошини Гулнинг елкасига қўйганини ҳис этгач, ҳўнграб йиғлай бошлади. У ҳеч қачон бундай йиғламаганди. Ҳасратлар, хоҳишлар, хотиралар биттама-битта унинг дилининг энг чуқур жойидан чашмадай отилиб чиқмоқда эди. Кошкийди, мана шу қўлларда ҳозироқ унинг жони “ҳиқ” этиб чиқиб қўя қолсайди, қандай яхши бўларди. Бу зимзиё тун сафари агар маҳбубининг бағрида узилгандайди, қанчалик чиройли ўлим бўларди. Эй Худо! Мен сендан бошқа ҳеч нарса тиламасдим. Бас, ҳозироқ жонимни олиб қўя қол. Мен мана шу елкада абадий уйқуга кетай.

Гул докторнинг хонаси ичкарасига кириб, Лаъчийни авайлаб курсига ўтқазиб қўйди:

– Жароҳат юзада, чуқур эмас, бир ҳафтада тузалиб кетади. Кунда боғлагани келиб туришига тўғри келади. Унинг исми нима?

Гул Лаъчий томонга ўгирилиб, сўради:

– Исминг нима?

Лаъчий индамай тураверди, тураверди, тураверди. Дили ўртанаверди, ўртанаверди, ўртанаверди. Қиёмат шовқинидан қулоқлари тешилгудек бўлмоқда эди, бу Гулнинг овози эди:

– “Исминг нима? Исминг нима? Исминг нима?”

Бамисоли еру осмон ўртасида даҳшатли вулқон отилиб чиққану гумбурлаганича Лаъчийнинг атрофида айланиб, рақс тушмоқда.

– Доктор соҳиб сенинг исмингни сўраптилар, – деди Гул яна гоят мулойимлик билан.

– Менинг ҳеч қанақа исмим йўқ, – деди Лаъчий ниҳоят жуда қийинчилик билан.

– Тўғри айтади, – деди доктор дафтарига тез-тез алланималарни ёзар экан. – Кўчада тиланчилик қилганнинг исми бўлармиди!

– Унақа эмас, доктор соҳиб, – деди Гул кулиб. – Бу кўр тиланчи хотинларнинг исмлари ҳам бўлади, уларнинг уйлари ҳам бўлади. Ҳар куни улар ўша уйларига боришади.

“Тўғри айтасан, – деди Лаъчий ичида, – бир вақтлар менинг ҳам исмим бўларди, бир уйим ҳам бор эди, ҳар куни тушимда ўша уйга борардим. Тунда ҳам, тонгда ҳам, шомда ҳам, лекин бугун тушимга ҳеч қандай чек-чегараси йўқ тун кириб чиқди. Энди мен қаерга борай, кимни чақирай, кимга “мен фалончима” дей ва қайси эшикни бориб тақиллатай? Доктор, доктор, йўқ, бу наштар билан ярамни тозаламанг, уни юрагимга санчиб қўя қолинг, токи ҳаётимдаги барча куюклардан бир лаҳзадаёқ қутулиб қўя қолай!”

Доктор дафтардан варақни йиртиб, Гулга тутқазди.

– Беш рупия! Агар кейинги етти кунда боғлатгани келиб турса, яна етти рупия беради.

Гул чўнтагидан пул чиқариб, докторга берди-да, деди:

– Бу етти рупияни қаёқдан олиб келарди, буни ҳам мен бера қолам. – Кейин у Лаъчий томонга ўгирилиб, деди: – Ҳар куни боғлатгани келиб тургин-а?

– Хўп бўлади, – деди Лаъчий ҳазил оҳангида.

Гул Лаъчийни суяб, докторнинг хонасидан ташқарига олиб чиқди-да, деди:

- Йўқ демасанг, мен сени турган жойларингга олиб бориб қўяман.
- Йўқ, мен ўзим кетаман.

Гул индамади, бироздан сўнг сўради:

- Қаерда турасан ўзи?

– Турар жойимми?– деди Лаъчий.– Қаерда тун чўкса, ўша ерда тураман, бобу. Сиз қўп нарса қилдингиз менга, энди сиз боринг, бобу, уйингизга боринг.

Бирдан Лаъчийнинг хўрлиги келиб кетди. Гул унга қараб турди, кейин аста бурилди-да, бошини эгиб, кета бошлади.

У кетаяпти, ҳа, кетаяпти, кетаяпти, уни энди сен ҳеч қачон учратмайсан. Сен уни ҳеч қачон кўрмайсан. Ҳеч қачон унга қўлингни теккизолмайсан. Уни соғиниб, кўз ёши тўка-тўка ўлиб кетасан ва у ҳеч нарсадан беҳабар қолаверади. Бир вақт Лаъчий гандираклаганича Гулнинг одим товушлари келаётган томонга чопди. У иккала қўли билан Гулни ушлаб олди-да, унинг юзини тўсиб деди:

- Гул! Гул! Сен мени танимаяпсан, мен – Лаъчийман!

Висол туни келди – аммо у биров учун нечоғли дардларга тўлиқ ва хатарли бўлса, биров учун ёрқин ва гўзал, муҳаббатнинг анвойи бўйларига олуда биргина тун келди, бироқ иккаласи учун нечоғли бегона эди бу тун. Лаъчий чуқур нафас олиб, Гулнинг қўкрагига ёпишганча ухлаб қолди ва Гулнинг хаёлидан, бир туннинг ўзида иккита тунни қандай ўтказиш мумкин, деган ўйлар кечмоқда эди. Бир тун зим-зиё, тубсиз, ифлос, бадбўй, даҳшатли, қўрқинчли; иккинчи тун эса сўлим, беғубор ва пок тун, бунда замин жилмаяди, ой шуълалари шаршара бўлиб оқади, кимнингдир жисмида бошдан-оёқ юлдуз гуллари қийғос очилади ва ишқ дарёси мавж уриб оқади, кимдир хотиржам ва чуқур нафас олиб, ўзини кимгадир бахшида этади. Ҳа, биринчи тун ва иккинчи тун ўртасида яхшилик ва ёмонликчалик фарқ бор...

Лаъчий донг қотиб ухлаб ётарди. Дока билан боғлаб ташланган чехраси қабристонга ўхшаб кетарди. Гул аста тўшакдан турди-да, айвонга чиқди.

Тун жимжит ва зим-зиё эди, на ойдан нишона бор эди ва на биронта юлдуз кўзга ташланарди, қоп-қора булутлар бутун осмонни қора чойшаби билан қоплаб олганди. Гул осмонга қаради, бироқ осмондан унга ҳеч қандай ёрдам келишига умид йўқ эди.

Гул маънос тортиб, юрагини титкилаб кўрди, бироқ унда одатдаги жозибадан ном-нишон йўқ эди. Муҳаббатнинг барча таровати учиб кетганди, унинг муштдек юраги хувиллаб ётарди. У юрагига минг марталаб уқдирди, бироқ у Лаъчий томонга қаради дегунча ўз-ўзидан нафрати кўзир, кўнгли айниб, беҳузур бўла бошларди. Бу у севган Лаъчий эмасди, у севган Лаъчий бошқа эди, уни деб ҳамма нарсадан воз кечган эди. Уни деб мамлакат ва маданият, тамаддун ва тушунчанинг барча деворларидан ошиб ўтганди. Ўша Лаъчий, мана, унинг олдида, аммо у уни эркалата олмас эди, уни бағрига боса олмас эди. Унинг ўша юрак уришини кучайтирувчи, жигарини илитиб, нафасини тўхтатиб қўювчи ҳусни таважжуҳи бугун қаёққа ғойиб бўлди? Чор-атроф қор эди. Қаёққа қарамасин – қор, қор.... Қайси дил торини чертмасин – ҳиссиз. Қайси орзунини олиб кўрмасин – муз, муз. Қайси ишқ ўтини туртиб кўрмасин – ўчиқ. Ҳолбуки, бу ўша Лаъчий эди, у севган гўзал қалб мана шу эди. Ўша ишонч ва иймон: унга гўё Гул эмас, балки дунёдаги бор шодлик насиб этгандай!

Лекин Гулнинг ўзи бир поёнсиз биёбонда ёлғиз турарди ва тўрттала томонга бурилиб-бурилиб, ўз жозибасини чорларди. Бироқ ҳеч қаёқдан муҳаббатнинг ҳеч қанақа оташи унга томон юз буриб, чорламасди. Тун – зим-зиё, жозоба – ҳиссиз эди. Бошдан-оёқ умидсизлик, туш-кунлик! Гул иккала қўли билан сочини чангаллади. Бироқ у минг уринмасин, биронта жонкуяр жозибани ёнига чақира олмади.

Етти кундан кейин доктор Лаъчийнинг докаларини ечиб ташлади. Ўн кундан кейин Лаъчий ўзи юриб, ўзи турадиган бўлди. Шунда Гул Лаъчийга деди:

– Мен Пунадан бир иш топдим. Ўша ёққа боришим керак.

– Мен ҳам сен билан бораман, – деди Лаъчий хурсанд бўлиб.

– Тўгрику-я, лекин мен олдин бориб, кўриниш бериб келай. Сенга ҳам бир уй топиб қўйишим керак. Ахир кичикроқ бир уй бўлмаса бўлмайди-да.

– Оҳ, менинг уйим! – деди Лаъчий иккала қўлини кўксига қўйиб.

Кейин сал маъюс тортиб деди: – Неча кун кетади?

– Бир ойча вақт кетади.

– Бир ой мен бу ерда ёлғиз яшайманми?– деди Лаъчий ташвишлианиб. – Йўқ, сенсиз шунча кун туrolмайман.

– Бир ой нима деган гап бўлибди? Бир ойдан кейин келиб, сени олиб кетаман. Балки, ундан олдинроқ келарман. Ҳозир олиб кетишга олиб кетаман-у, аммо сени қаерга қўяман? Бу ерда отам менга қолдирган мана бу уй бор. Бу ерда ҳамма нарса тахт. Мен одамларга тайинлаб ҳам қўяман. Сен ҳеч нарсадан қийналмайсан. Ҳар ҳафтада хат ёзиб тураман.

Лаъчий рози бўлди. Гул у билан хайрлашиб, жўнаб кетди, кетаётиб унга эллик рупия пул ҳам берди. Кераклик нарсаларингга ишлатарсан деб... Лаъчий хурсанд эди...

Бир ҳафта ўтди, лекин Гулдан хат келмади. Иккинчи ҳафта ўтди, яна Гулдан хат-хабар йўқ. Учинчи ҳафта ўтди – аҳвол ўша-ўша. Почтачи келарди-да, Лаъчийнинг уйи олдидан ўтиб кетаверарди. Лаъчий ҳар куни почтачидан хат борми деб сўрар ва почтачи ҳар доим йўқ деб жавоб берарди.

Шу тариқа бир ой ўтди.

Орқасидан иккинчи ой ҳам ўтди.

На Гулдан дарак бор, на биронта хат келди.

Лаъчий эллик рупияни жуда ҳам тежаб-тергаб ишлатмоқда эди. Бироқ эллик рупия – бу эллик рупия-да, икки ойга етар-етмас тугаб бўлди. Тўрт-беш кун ундан-бундан қарз олиб ишлатди, кейин одамлар қарз ҳам бермай қўйишди. Мана, уч кундирки, Лаъчий туз тотгани йўқ. Одамлар кулар эдилар. Безроқлари овоз чиқариб таъна ҳам қилар эди:

– Ахмоқ кўр хотин! Гулни кутаяпти. У келармиш – бўлмасам-чи, келади-да. Ахир унга дунёда бу кўрдан гўзалроқ қиз топилармиди!

Лаъчий ҳаммасини эшитиб турарди. Бироқ чурқ этиб оғиз очмасди. У ўзининг Гулига қаттиқ ишонарди. Юрагини ваҳима булути босиб кела бошласа, у ўз руҳи қаъридан Гулнинг қўлини тутиб оларди-да, комил ишонч билан юрагига уқдира бошларди: Гул келади, албатта, келади. Унга ҳойнаҳой бир гап бўлган, у касал бўлиб ётиб қолган, ёки иш тополмаган. Лекин у нега менга хат ёзмаяпти? Икки энлик хат ёзиб юборса бўларди-ку.

Роса икки ою ўн кун деганда почтачининг қадами Лаъчий хонасининг қаршисига келиб тўхтади. Неча кундан бери Лаъчий хат борми деб сўрамай қўйганди. Индамай хонасида ётиб оларди-да, бўшлиқдан кўз узмасди.

Почтачи баланд овозда деди:

– Лаъчий, сенга пул жўнатмаси бор.

Аввалига Лаъчий бу гапга парво қилмади, бироқ зумдаёқ чопачопа эшик олдига борди ва сал бўлмаса почтачи билан тўқнашиб кетаёзди.

– Гулдан келибдими?

– Ҳа.

– Қаердан келибди?

– Пунадан.

– Қанча пул жўнатибди?

– Ўттиз рупия.

– Бирон нарса ёзибди ҳамми?

– Ҳеч нарса ёзмаган.

– Пул ёзилган жойнинг тагини яхшилаб қаранг, бир нима ёзгандир мен учун. Қачон келаркин Гулим, ё мени у ёққа чақиргандир, бир нарса ёзган бўлиши керак-ку. Бундоқ яхшилаб қаранг.

Почтачи жўнатма қоғозининг у ёқ-бу ёғини айлантариб, яхшилаб қаради:

– Йўқ, бунда ҳеч нима ёзилмаган, Лаъчий.

Лаъчий жим бўлиб қолди, шу ҳолатда анчагача турди. Кейин почтачига деди:

– Мана бу... мана бу қоғозда Гулнинг манзили бўлса керак?

– “Пуна почтаси орқали” дейилган.

– Бу нима дегани?

– Уйи йўқ одамда шундай бўлади, – жавоб берди почтачи. – Киши турган манзилени айтгиси келмаса, ўша одам шунақа деб жўнатади.

Лаъчий анча вақтгача жим туриб қолди, унинг юраги шу қадар қаттиқ-қаттиқ ура бошладики, гўё ана-мана отилиб чиқиб кетгудек эди. Овозидаги қалтироқни бир амаллаб босиб, у деди:

– Бу пул менга эмас, кўзи кўр бир тиланчи хотинга жўнатилган. Шунинг учун бу пулни қайтариб юборинг.

– Лаъчий, хабарим бор, сен уч-тўрт кундан бери туз тоганинг йўқ, бу пулни ол, Лаъчий, бунга ҳеч бўлмаса бир ой бемалол яшай оласан.

– Йўқ, оға, – деди Лаъчий ғоят жиддий оҳангда, – бу пулни қайтариб юборинг, дарров қайтариб юборинг. – Шундай деб Лаъчий шиддат билан эшикни ичкарасидан ёпиб олди.

Эшикка суяниб у узоқ вақт ўйланиб турди, почтачининг одимлари узоқлашиб борарди, йўқ, почтачининг қадам товушлари эмас, унинг сўнгги умид соялари, Гулнинг сўнгги шарпалари унинг қалбидан аллақадарга, олис-олисларга, ҳамишаликка кетиб борар эди. Пировардида, у эгилиб, Гулнинг шарпасига охири марта таъзим қилди. Ҳа, хона қоронғи эди ва унинг кўзлари кўр эди, лекин ҳаётда биринчи марта унга ҳамма нарса аниқ ва тиниқ кўринмоқда эди. Гўё “тун қоронғулиги” дай, одамнинг гуноҳидай, дунёнинг айбидай аниқ ва тиниқ эди.

У хиёл эгилди. Эгилиб, девор бурчагини тимирскилади. Ҳассасини олди-да, пайпаслана-пайпаслана ташқарини қоплаган қоронғилик қўйнида садақа тилангани аста-секин автобус бекати томон йўл олди.

Ҳинд тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛАЕВ  
таржимаси



Жеймс ЖОЙС

# Улисс саргузаштлари

Роман

УЧИНЧИ ҚИСМ

16-Воқеа

**М**истер Блум ҳаммадан бурун уст-бошига ёпишган чанг-қипиқларни қоқиб тозалади, Стивеннинг қўлига шляпаси билан таёқчасини тутқизди, художўй раҳмдил одамлардай унинг кўнглини кўтариб далда берди, инчунун шу тобда Стивеннинг аҳволи ғоятда ночор эди. Гарчи у, нима деймиз, эс-ҳушини бутунлай йўқотмаган эса-да, лекин ҳали тўла ўзига келмаган, оёқда тик туrolмасди. Шу тоб Стивен томоғи қақраб сув ичгиси келаётганини айтдики, ичишга бўлмаганда ҳам, қўл бет ювишга яроқли Вартри<sup>1</sup> ариғидан келаётган сув қувурлари узоқ эди, бунинг устига вақт алламаҳал бўлиб қолганди, шунга қарамай мистер Блумнинг миясига ярқ этиб бир фикр келиб, ҳартугул бир чора ўйлаб топди, Батт кўпригидан шундоқ қўл чўзса етадиган жойдаги, ҳаҳ, отинг қурғур, “Аравакаш кўноғи” жонимизга ора кириши мумкин, у ердан томоқни ҳўллашга ярайдиган маъданли сув ва ё содали сут топилиб қолар деб ўйлади. Аммо ҳамма гап шундаки, ҳозир шу аҳволда у ерга қандай қилиб етиш мумкин. У бироз муддат нима қилишини билмай эсанкираб турди, бироқ юз берган аҳвол бурчи дарҳол аниқ бир чора-тадбир кўришга ундар, шунинг учун хаёлида турли-туман йўл-йўриқларни зўр бериб чама-ларди, Стивен эса бу орада тўхтовсиз эснамоқда эди. У Стивеннинг афт-ангори қумдай ўчганлигини кўриб турар, шунинг учун бу аҳволда қандай бўлмасин бир от-улов топмасалар, сира иложи йўқ эди. Зеро ҳар икковлари ҳам, айниқса, Стивен ҳаддан ортиқ ҳолдан тойган эди, аммо кошкийди ҳозир шундай улов топила қолса. Улар ўзларини қоқиб-суқиб андак тартибга келтиргандай бўлишди, шу асно у соқол-муртини олдирганда ҳўп асқотган совун юқи рўмолчасини унутиб қолдирганини эслади, кейин улар биргаликда Бивер-стрит, бошқача айтганда, кундуз кўча деб аталадиган тор йўлдан юриб кетдилар, кўп ўтмай ветеринария шифохонаси ва монтгомеристрит муюлишидаги сассиқ аравахоналарга етиб бориб, кейин сўл томонга бурилиб, Дэн Берганнинг дўконини айланиб ўтиб, Эмйенс-стритга чиқдилар. Бироқ худди олдиндан билгандай, ўзларини олиб бориб

<sup>1</sup> Дублинни ичимлик сув билан таъминловчи сой.

*Давоми. Боши ўтган сонларда.*

қўядиган аравакаш зотини учратмадилар, фақат “Шимол юлдузи” ёнида қандайдир бир арава қорайиб кўринар, чамаси, ресторанда кайф-сафо қилаётган майшатбозларни кутарди, аммо ҳуштаквозликда ҳеч бир укуви йўқ мистер Блум икки маротаба қўлларини кўтариб боши устидан айлантриб силкитиб, амал-тақал қилиб ҳуштак чалиб аравакашнинг диққат-эътиборини тортишга уннаб кўрди-ю, фойдаси бўлмади, аравакаш лоақал қимир этмади.

Омад келмаса қийин экан, бироқ энди гапнинг пўсткалласини айтганда, бўлмаса бўлмасин нетай деб, қўлни қўлтиққа уриб ўн биринчида йўлга тушишдан бошқа чора қолмади, бинобарин, пиёда жўнашди. Улар йўлни кўндаланг кесиб осонликча Маллет ва Сигнал-хаус ёнидан ўтиб, истасалар-истамасалар Эмйенс-стритдаги вокзал томонга юришди, бу орада бошқа бир ўнғайсизлик ҳам чиқиб, мистер Блумни анча-мунча алағда қила бошлади, гап шундаки, унинг шимининг тугмаларидан бирови Кўҳна mutatis mutandis ҳикмати билан айтганда, бошқа барча тугмаларнинг биттаси учраб, узилиб тушиб қолганди, у эса мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, зўр бериб бу ишқалликка эътибор бермасликка тиришарди. Алалхусус, икковларининг ҳам сира шошиладиган жойлари йўқ, ҳаво эса Муштарий Плювий<sup>1</sup>нинг куни-кеча қилган ташрифидан сўнг шунчалар ёқимли ва сарин эди, баҳарҳол улар эгасиз ва уловсиз қаққайиб қорайиб турган ёлғиз экипаж ёнидан судралиб ўтиб боришди. Баногоҳ тўғри келиб қолганини қарангким, худди шу пайт Дублин Бирлашган Трамвай Компаниясининг қум сепувчи машиналаридан бири ўша кўчадан депога қайтиб келаркан, шу муносабат билан йўлчиларнинг каттаси шеригига ўзининг яқинда мутлақо фаройиб бир тарзда омон қолганлигини ҳикоя қиларди. Улар Катта Шимолий вокзалнинг асосий дарвозаси олдидан ўтишди, поездлар бу ердан Белфастга қатнайди, лекин турган гапки, шундай бемаҳалда ҳеч қандай қатнов йўқ эди, кейин ўликхонанинг орқа дарвозасидан ўтиб (мудҳиш демаганда ҳам, айниқса, қоронғу тунда ёмон ваҳимали жой-да), ниҳоят Порт қовоқхонасига етиб келишди, бу ердан эса ўз-ўзидан полиция казармалари жойлашган К. работига, Стир-стритга бурилишди. Стивен ана шу ердан тунги соатларда чироқ ёқиб ёритилмаган Бересфорд-плейсдаги омборхоналарнинг баланд бинолари ўртасидан ўтиб бораркан, бирдан хаёлига Ибсен<sup>2</sup> келиб қолди, у қандайдир бир тарзда хаёлида Толбот-плейсдан ўнгга қараб юрганда биринчи муюлишдаги тоштарош Берднинг устахонаси билан боғлиқдай туюлди, бу орада унга худди содиқ Ахат<sup>3</sup> каби хизмат бажо келтираётган ҳамроҳи эса шу яқин атрофда жойлашган Жеймс Рурк нонвойхоналаридан таралаётган, айтиш жоизки, бизнинг ризқ-рўзимиз, одамзот таъминоти учун керакли нарсалар ичида энг биринчиси ва энг зарури бўлган ноннинг иштаҳа кўзғовчи исларини мазза қилиб ҳидлаб борарди. Ҳаётнинг асосидир нон, ўз нонингни топ ўзинг, Билмайсанми ажиб ширин кулча қайдадир, Нонвой Руркнинг қизиби ётган тандиридадир.

Мистер Блум қандай бўлмасин, кўпгина қобилиятларни ҳўб эгаллаган ва бағоят ҳушёр — бундан ҳам ўтқариброқ айтсак — ёқимсиз даражада ҳушёр одам эди, у en rente (йўл-йўлакай) ўзининг индамас

<sup>1</sup> Муштарий Плювий — Юпитер — асотирларда ёмғир илоҳаси.

<sup>2</sup> Ибсен Генрик (1828—1906) — Норвегия драматурги, чуқур рамзийлик, психологизм билан тўла драмалар ёзган. (Тарж.)

<sup>3</sup> Содиқ Ахат-Вергилийнинг “Энеида” достонида Энейнинг ҳамроҳи.

ва яшириб ҳам нима қилдик — ҳали ҳуши ўзига келмаган ҳамроҳига мурожаат қилиб, унинг қулоғига шу гапларни қаттиқ қуярди, ёмон хотинлар, шилта учар болалар, тунги шаҳарнинг яна бошқа кўп хавф-хатарларидан эҳтиёт шарт дерди, доимий бўлмаганда ҳам, жилла қурса, унда-мунда кириб туриш мумкин бўлган жойларни айтарди, ахир булар ҳаммаси у тенги ёшлар учун ҳалокатли тузоқ ва айниқса ичкилик сабилга ўрганиб қолинганда алкохол таъсирида ҳар турли ишлар рўй бериши мумкин, албатта ранг-баранг тасодифларга қарши ёшлар жиу-житсу усуллари қўллаб, ўзларини ҳимоя қилсалар ҳам ўрни бор, нега деганда йўл четида ағанаб ётган бадмаст ҳам, агар эҳтиёт бўлмасанг, баногоҳ қаттиқ тепиши 1828 лат етказиши мумкин. Янаям бирдан барака топкур Карни келлехернинг келиб қолгани Худонинг айни марҳамати бўлди, Стивен эс-ҳушини йўқотиб ер парчин иқилиб ётган эди. Кечаси ўн бирларда шу азамат келиб қолмаганда, Худо билади нималар рўй берарди, оқибатда у биронта тиббий пунктга тушиши ёки ундан ҳам баттарроғи турмага ташланиши ҳеч гап эмасди, ана ундан кейин эртасига мистер Тобиаснинг олдида тикка туриб жавоб бериб турибсиз-да, тўғрироғи, қария Уоллнинг қошида демоқчиман, ановиниси фақат назорат мутасаддиси ёинки Мэхони дегани савол-сўроққа тутади, кейин бунга тўрт томонга жар солиб, даранг-дурунг овоза қилишади, ана ундан кейин одамнинг бадном бўлгани қолади, холос. Нима учун бу гапларни айтяпман нега деганда бу полициячилар ўла қолса оғзидагини олдирадиганлардан эмас, шундайки уларнинг яқинига йўлагим келмайди, уларнинг ярмидан кўпи Тахтнинг хизматини қилиб, кўзини бақрайтириб туриб оқни қора деб қасам ичаверади. Шундан сўнг мистер Блум Клэнбрасл-стритдаги А бўлимида рўй берган воқеалардан баъзи мисоллар келтирди. Керак бўлганда ҳеч қачон уларни жойидан топиб бўлмайди, ҳолбуки тембрук-роудга ўхшаган тинч-осойишта жойларда бу қонун пойлоқчилари тўп-тўп бўлиб юришади, чунки казо-казоларни кўриқлагани учун уларга пул тўлашади-да. Унинг яна бир айтган танқидий гапи шу бўлдики, аскарларга шаҳарга чиқиш учун рухсат берилганда, улар ёнларида турли-туман совуқ ёхуд ўт-очар қуролларни олиб юришади. Худо-беҳудага яроқни ишга солишга уринишади, кейин аҳоли билан улар ўртасида низолар авж олади. Сиз вақтингизни ҳам, обрўйингизни ҳам, соғлигингизни ҳам бой беряпсиз, деб бағоят жўяли панд-насиҳат қиларди у, пулингизни орқа-олдига қарамай совурияпсиз, анави чалачаққон хотинларнинг ҳаммаси пенсу шиллингларни қўя турайлик, катта-катта пулларингизни ўмармоқчи бўлишади, ким билан ичишни билмасангиз жонингизни хатарга қўясиз, маст-аласт қилувчи ичкиликларга келганда, мен ўзим ҳам фурсатга қараб бир қадаҳ тоза май ичишга қарши эмасман (айниқса бургунд майидан қолган ҳаммаси ўтаверсин), бургунд майининг ҳазми ҳам яхши, ҳам қонни бойитади, ични ҳам юмшатади, бироқ ичганда ҳеч қачон чегарадан чиқмайман, ишқални сезишим ҳамон дарҳол тўхтатаман, ичкилик кишини атрофдагилар олдида батамом ожиз шамгин қилиб қўяди. У айниқса Стивеннинг ҳамшиша улфатларидан норози бўлиб гапирди, биттасидан бошқа ҳаммаси уни ташлаб кетишди, тиббиётчи ошналар юзинг бормикўзинг борми демай сотқинлик қилишди.

— Анов биттаси ҳам сотқин Иуда эди, — деб қўйди шу пайтгача шунча гапга миқ этмай келган Стивен.

Шу ва шунга ўхшаш нарсаларни гаплашиб, улар божхона орқасидан тўғри ўтиб, Вилоят Темир йўли кўприги тагидан чиқишди, шунда

қоровулхонага ўхшаган бир томчанинг олдидаги кўмири аланга олиб турган бир кўра уларнинг эътиборини тортиб, ўша ёққа алдам-қалдам юриб боришди. Стивен бефойда турган тош уюмларига қараб ҳеч қандай ваз-сабабсиз ўздан-ўзи тўхтаб қолди-да, кўранинг шуъласи тушиб турган нимқоронғу қоровулхона ичида шаҳар қоровулининг ғира-шира қорасини илғади. У нималарнидир эслагандай бўлди, назарида бу худди илгари бўлиб ўтгандай эди ёки аллаким шундай бўлган дегандай эди, хотирасига тушириш учун кучана-кучана у ниҳоят эслади, бу қоровул отасининг илгариги ошнаси Гамли эди. Стивен у билан дуч келиб қолишни истамай, ўзини кўприк устунлари панасига олди.

– Сиз билан кимдир саломлашяпти, – деди мистер Блум.

Кўприк панасида турган ўрта бўйли нусха унга яна салом бериб, қичқирди:

– Сизга ҳурматларим!

– Стивен сесканиб тушди ва ҳайрон қоладиган жойи йўқ, саломлашиш учун чайқалиб тўхтади. Бошқаларнинг ишига бурнини тикиши керак эмас деб ҳисоблайдиган мистер Блум эса туғма бир назокатга риоя этароқ, дарҳол ўзини четга олди, дарвоқе, *qui vive*<sup>1</sup> гарчи заррача чўчимаган бўлса-да, андак ташвишга тушди. У шуни ҳам билардики, гарчи Дублин атрофларида камдан-кам учраса-да, айрим газандалар ва чўнтагида ҳемири йўқ мирқуруқлар тинч йўловчиларнинг йўлини пойлаб тўсиб, шаҳар чеккасида кимсасиз овлоқда пешонасига тўппонча тираб талончилик қилишар, улар Темза бўйларида оч санғиган дайдиларнинг шериклари ёки шунчаки пўстак қароқчилар ҳам бўлиши мумкин эди, улар дуч келган ўлжани гасб қилиб қўлга тушириб, ҳамёнингиз ва ҳаётингизни барбод этиб, бунинг устига бошқаларга ибрат бўлсин деб, оғзига латта тикиб ўлдириб ташлаб кетардилар.

Стивен ҳали кайфи тўла тарқамаган эса-да, ҳалиги кимса ўзига яқинлашиб келгач, оғздан анқиб турган ичкилик ҳидидан Корли деганни таниди. Баъзи одамлар уни Лорд Жон Корли деб чақирарди, унинг насли-насаби қуйидагича эди. У Г бўлимнинг назоратчиси яқинда қазо қилган Корлининг ўғли бўлиб, Лут фермерининг қизи Кэтрин Брофига уйланганди. Унинг бобоси Патрик Майкл Корли Нью-Росс деган жойдан бўлиб, ўша ерлик қовоқхоначининг бевасига уйланган, уни ҳам қиз чоғларида Кэтрин Толбет деб юритишарди. Халойиқ ўртасидаги миш-мишларга қараганда (лекин исботи йўқ эди) бу аёл лорд Толбот де Малахайдлар авлодидан бўлиб – уларнинг қасрлари ҳақиқатан ажойиб, бориб кўришни тавсия этамиз – унинг онаси ёки холаси, ё яна аллақандай аёл қариндоши қароргоҳида идиш-товоқ ювувчи оқсоч бўлиб хизмат қилган экан. Алалхусус, худди мана шу сабабга кўра ҳам, ҳозиргина Стивен билан саломлашган, ҳали нисбатан анча ёш, лекин ўта бебош йигитни айримлар заҳарханда қилиб лорд Жон Корли деб аташарди.

У Стивенни бир четга тортиб, ҳаммага маълум сўзларни айтиб дийдиё қила бошлади. Ёнимда сариқ чақам йўқ, ётиб турадиган жойимга тўлашга пулим қолмади. Барча дўст-ёронлар ташлаб кетишди. Бунинг устига Ленехан билан нари бориб бери келиб уришиб қолибди, ҳозиргина уни бадмаст сассиқ пасткаш деб башарасига сўкибди, авра-астарини ағдарибди. У ишдан ҳам мосуво бўлган экан, Стивендан қандай бўлмасин бир иш топишга ёрдам беришини илтижо қилди.

<sup>1</sup> Бу ўринда: эҳтиёт бўлиб (франц.)

Йўқ, бу идиш-товоқ ювувчи оқсочнинг қизи эди, у сулола меросхўри билан эмишган опа-ука эди, умуман, улар она томондан бир-бирларига боғланишган ва униси ҳам, буниси ҳам бир вақтнинг ўзида рўй берганди, албатта яна бу воқеаларнинг бари агар-да тўқиб-бичиб чиқарилмаган бўлса. қисқачи, қандай бўлган тақдирда ҳам, пешонаси деворга бориб тақалганди.

– Сендан сўрамасдим, – деб давом эттирди у гапини, – фақат қаттиқ қасам ичиб айтаманки, Худо шоҳид, аҳволим жуда ночор.

– Эртага ёки индинга, – деб таклиф қилди Стивен, – Долкидаги эрлар мактабида кичик ўқитувчи ўрни бўшайди. У ернинг бошлиғи мистер Гэррет Дизи. Ҳаракат қилиб кўр. Мени айтди десанг ҳам бўлади.

– Нима деяпсан ўзи, – эътироз билдирди Корли, – ўқитувчи бўлишга менга бало борми, оғайни. Мен қачон сиз каллахумлар билан тенг бўлган эдим, – деб қўшиб қўйди у иршайиб. – Икки йил Насроний биродарлар мактабининг қўйи синфида ўтирганман.

– Кечаси ётадиган жойим йўқ, – деб гапига қўшимча қилди Стивен.

Корли даҳватан Стивен уйига биронта суюқоёқ қизни етаклаб келган бўлса, уни ҳайдаб юборишдимикин деб гумон қилди. Малборо-стритда бир тунги кўноқхона бўлгучи эди, бекаси миссис Мэлони, ўзи кўримсиз жой бўлса ҳам, бир кечага олти пенс олади, яна қаланги-қасангилар билан тўла, ҳа-я, Макконахи айтаётган эди, Вайнтэверн-стритдаги “Бронза калла”да арзонгина жойлашиши мумкин экан (буни эшитиб Стивеннинг эсига олисдан биродар Бэкон тушди. Бундан ташқари у итдай очқаган, лекин олдин бундан оғиз очмаганди.

Бундай қилмиш-қидирмишлар ҳар кеча рўй бериб турса ҳам, ҳар қалай Стивеннинг кўнглида яхшилик қилиш истаги уйғонди, албатта у Корлининг бу чўпчаги олдингиларидан сира фарқ қилмаслиги ва унга ўла қолса ишониб бўлмаслигини биларди. Бироқ *hand ignarus malorum miseris succurgere disco*<sup>1</sup> ва ҳоказо дейди лотин нозими, боз устига тақдир тақозоси билан ҳар ойнинг ўртасида ўн олтинчида унга ойлик тўлаб туришади, бугун ҳам канда бўлгани йўқ, афсус, ҳаёт учун зарурий маблағларнинг талай қисмини тунги шамол созуриб кетди. Аммо ҳазилнинг қизиқ жойи шунда эдики, Стивен кам-қўтсиз яшаётган бўлса керак деган фикр Корлининг миясига ўрнашиб қолган, назарида Стивен чўнтагига шундай қўлини солади-ю, қанча хоҳласа шунча жаранглаган тангаларни чиқариб бераверадигандай эди. Рост, шундай дориламон пайтлар ҳам бўлади. Шунга қарамай, чўнтагидан бир нарса чиқишига ақли бовар қилмаса-да, у қўлини суқди, бир шиллинг атрофида озроқ қарз бериб турса, жилла курса егуликка яратиб туради-ку, деган хаёлга борди. Бироқ, эвоҳ, чўнтагида ҳеч вақо қолмаган, нақд пуллар бари қайгадир ғойиб бўлганди. У кавлаштира-кавлаштира бирозгина нон увоқларини топди, холос. У йўқотиб қўйдиммикин деган хаёлда бошини қотириб эслашга уринди, балки бирон ерда тушириб қолдиргандир, ахир шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, агар бу тўғри чиқса, унда ўзи ғоятда танг аҳволга тушар, ҳолига маймунлар йиғларди. Хулласи калом, узоқ чўнтак кавлаштириб ўтиргани унинг асти ҳоли йўқ эди, лекин нон ушоқлари қаердан келиб қолди, у эсламоқчи бўлиб пешонасини тириштирар ва алланималар эс-эс ёдига тушарди. Лекин ким берди унга нонни ё

<sup>1</sup> Бахтсизликлар тушиб бошимга ўрганаман бошқаларга ёрдам беришни (“Энеида” достонидан).

бирон жойдан ўзи сотиб олдим. Бироқ бошқа чўнтагини қарай туриб, қўли нимагадир илинди, қоронғуда чақа тангалар бўлсамикин деб ўйлади, бироқ бу ҳам тўғри чиқмади, сал ўтмай нималиги равшан бўлди.

– Оғайни, буларинг ярим кронли чақалар, – деб тушунтирди Корли.

Чини билан ҳам, булар ярим кронли тангалар бўлиб чиқди. Стивен улардан бировини ҳамсуҳбатига узатди.

– Раҳмат, – деди Корли. – Жуда олийжаноб одамсан-да. Сенга албатта қайтараман. Ёнингдаги киши ким? Мен бир куни уни Кэмден-стритдаги “Ярадор отида Бойлан деган корчалон билан кўрган-дим. Ошнам, бир оғиз айтиб қўя олмайсанми, ўша одам орқали мени ишга олишсин. Мен бу ерда тирик реклама бўлишга, шаҳар кўчаларида юришга ёлланмоқчи эдим, котибаси уч ҳафтагача олдиндан одам тўла деб айтди. қара-я, шунақа ишга ҳам анча олдиндан ёзилиб қўйиш керак экан, худди Карл Розага<sup>1</sup> навбат кутгандай-а. Ошнам, агар қандай бўлмасин, бир иш топсам, мўри тозалаш бўлса ҳам майлидди, бошқа ҳаммасига тепадан туриб тупурардим.

Тангани қўлга киритгандан кейин соҳибчангалнинг қулфи дили очилиб, тили ечилди, у Стивенга аллақандай Комиски Халта Иштон деган палоний ҳақида ҳикоя қилиб беришга тушди, сен уни яхши билишинг керак, у кема тайёрловчиси Фуллан қўлида ҳисобчи бўлиб ишлаган, қачон кўрсанг О’Мара билан бирга Нэглнинг олдида ўралашарди, ёнларига Тай деган бир пакана дудуқни ҳам олишарди. Шу десанг, уни ўтган кечаси тунда олиб кетиб, ичкиликбозлик, тартибни бузиш ва констеблга қаршилик кўрсатганликда айблаб, ўн зўлдил жарима тўлашга ҳукм қилишди.

Бу орада мистер Блум қоровулнинг бошпанаси атрофидаги тош уюмлари ва олов кўра ёнида айланиб юрар, сергайрат қоровул эса уйкуда ётган Дублин билан заррача иши йўқ, хурракни баралла тартиб наърадор ухларди. Мистер Блум айни чоқда дам-бадам Стивеннинг суҳбатдошига қараб-қараб кўяр (унинг ночор усти бошини ҳам назардан қочирмас) назарида бу ёш оқсуяк йигитни илгари қаерлардир кўргандай бўлар, лекин қачон ва қаерда кўрганлигини сира тасаввур қилолмас, аниқ бир фикрга келолмасди. Аммо калласи ишлайдиган, кўзи пишиқ-пухта одам бўлганлиги боис, назаридан у йигитнинг на унниққан эски шляпаси, на тўкилаёзган кийим-кечаги ва на тангу торликда қолгани қочиб қутулолди. Афтидан, у Стивен атрофида ўралашган текинтомоқлардан эди, лекин масалага чуқурроқ қараса, ўз яқинлари олдида текинхўр бўлиб юрганлар оз эмас, улар ҳамма ерда, ҳар доим истаганча топилади, ҳатто меъеридан ортиқ деб айтсак ҳали бўлаверади, барибир охир-оқибат бундай кўча намояндалари бир кунмас-бир кун судга тортилади, мажбурий меҳнатга ҳукм қилинади ва бунинг ўрнига жарима тўлашга буюрилади, лекин шундан ортиқ эмас, аксинчиси гага avis<sup>2</sup>. Ҳар қалай, шундай қоронғу тунда, тўғрироғи каллаи саҳарда одамларнинг йўлини пойлаб туриш учун одамда қанчадан-қанча совуққонлик билан безбетлик бўлиши керак. Ва қанчалар сур бўлиши керак одам.

Улар икковининг гапи тугаб, Стивен мистер Блумнинг ёнига қайтди, Блумнинг синовчан кўзлари Стивен текинтомоқнинг эланишларига лаққа тушганини пайқайди. Ўзининг бу учрашуви ҳақида Стивен кула-кула шундай деди:

<sup>1</sup> К а р л Р о з а – немис композитори ва дирижёри, Дублинда кўп концертлар берган.

<sup>2</sup> К а м д а н-к а м учрайди (лот.)

– Бояқишнинг омади кетибди. қандайдир бир Бойлан деган артистлар билан ишлайдиган одам бор экан, сиз ўшандан илтимос қилиб, уни рекламага ишга жойлаштиришингизни сўраяпти.

Блум бу гапни хушламай қабул қилди. Чамаси ярим сония мистер Блум нигоҳини нарироқдаги ер қазувчи машинадан узолмай турди, донг таратган “Эблана” номи билан аталган бу машина Божхона соҳилида арқонланган ҳолда турар, чамаси таъмирланадиган эди, кейин Блум сипориш қилиб деди:

– Ҳар кимнинг омади ўзига яраша, дейишади. Ҳозир сиз айтганингиздан сўнг унинг афт-башарасини танигандай бўлдим. Бироқ, келинг, буни қўя турайлик, унга ҳозир қанча пул бердингиз? – Ўсмоқчилади Блум, – мени хиралик қиляпти деб ўйламанг, тагин.

– Ярим крон, – жавоб берди Стивен. – У ҳозир шунга ниҳоятда муҳтож, ҳатто ётадиган жойи ҳам йўқ.

– Эҳтиёж! – хитоб қилди мистер Блум бу гапни эшитиб, ҳатто ҳайрон бўлиб ўтирмай. – Мен бунга тўла ишонаман, ҳатто аминманки, эҳтиёж уни ҳеч тарк этмайди. Ҳар кимнинг эҳтиёжига ёки ҳар кимнинг меҳнатига яраша. Бироқ мавзуни давом эттирадиган бўлсак, – кулиб қўшимча қилди у, – ўзингиз қаерда ётиб қолмоқчисиз? Сэнди-коувга овора бўлиб боришни ҳатто хаёлга ҳам келтирманг. Сиз мабодо шундай қилганингизда ҳам, Уэстленд-роу бекатидаги воқеадан сўнг ичкарига ҳам барибир киролмайсиз. Бекор овора бўлганингиз қолади. Мени асло аралашмоқчи деб ўйламанг, аммо ҳар қалай, нега отангизнинг уйини ташлаб чиқдингиз?

– Бахтсизликларимни қидирмоқчиман, – деб жавоб қилди Стивен.

– Бир воқеа сабаб бўлиб мен яқинда ҳурматли падарингизни кўргандим, – сипоришлаб давом этти мистер Блум. – Худди шу бугун ёки аниқроғи, кеча. У ҳозир қаерда турибди? Гапидан англадимки, у қаергадир кўчган, шекилли.

– Чамамда, Дублинда тургандир, – лоқайд жавоб қилди Стивен. – Нима эди?

– Ранг-баранг қобилиятларга эга бўлган одам, – деб таърифлади мистер Блум Стивеннинг отаси мистер Дедални, – туғма қиссагўй, бунақаси камдан-кам топилади. У сиз билан жуда фахрланади, ҳар қанча фахрланса ҳам арзийди. Балки сиз уйга барибир қайтсангиз дуруст бўлармиди, – деб айтишга журъат қилди у Уэстленд-роу бекатидаги анча-мунча хунук воқеани эслаб, ўшанда анави иккови, яъники Маллиган билан унинг инглиз сайёҳ ошнаси охир-оқибатда учинчи шериклари, яъники Стивенни виждонсизларча лақиллатишиб, ўша қуриб кеткур вокзални худди ўз уяларидай билишиб, шўринг қурғур Стивенни чалғитиб кетишганди.

Бироқ бу таклиф жавобсиз қолди, Стивеннинг бутун хаёлини ўз уйини охирги марта қандай кўргани тамомила банд қилганди, ўшанда сингилчаси Дилли сочлари ёйилган кўйи плита олдида ўтириб қурум босган чойнакдаги суюққина қаҳва қайнаб чиқишини кутарди, кейин қаҳвани сут ўрнига сули буламаси билан оқлаб ичишади, жума кунлари бир жуфти бир пенни турадиган тўрбалиқ ейишади, орада Мэгги, Буди ва Кейтига биттадан қўшимча тухум ҳам тегади, мушук эса кир солинган сават ёнида бир парча қоғоз устидаги балиқнинг боши, суяк-саёғи ҳамда тухум пўчоқларини майдалаб ейди, зеро кўрсатилмиш кунларда черков рўза тутиш ва еб-ичишдан тийилишга фатво (учинчи фатво) берган.

Бинобарин, бу айнан шундай рўза тутиладиган ёки об-овқатдан тийилинадиган, қисқаси шунақароқ кунлардан бири эди.

– Йўқ-йўқ, – ўз фикрини маъқулларди мистер Блум, – сизнинг ҳазилвон ва лўттивоз ошнангиз доктор Маллиганга ишонмаган маъқул, унга на маслаҳатгўй, на файласуф ва на дўст деб билиб суянмаган бўлардим сизнинг ўрнингизда. Бу одам ҳеч қачон оғзидагини олдириб қўймайди, шуниси ҳам борки, у тайинли ризқ-рўзга эга бўлмаслик нималигини ҳатто тасаввурига ҳам келтиролмайди. Албатта, сиз мен пайқаб қолган барча нарсаларни сезганингиз йўқ. Лекин мен агар-да сиз ичаётган нарсага бир чимдим тамаки ё бўлмаса андаккина оғу қўшиб юборганларини билиб қолсам, ажабланмасдим, бунақа ишлар яширин ниятлар билан адо этилади.

Дарвоқе, унинг қулоғига етиб келаётган маълумотлар шуни кўрсатадики, доктор Маллиган турли соҳалардан хабардор одам, унинг қизиқиш доираси тиббиётнинг ўзи билангина чекланиб қолмаган, ўз соҳасида у шитоб билан биринчи қатордан ўрин эгалламоқда, мабодо қулоққа чалинаётган гаплар рост бўлса, у яқин орада даволовчи врач сифатида танилиб, анча бой амалиётга ва салмоқлигига даромадга эга бўлади. Бунинг устига у чўкиб кетаётган бир одамни сунъий нафас олдириб, ўлим чангалидан қутқариб қолди, буни ҳақиқий тез ёрдам дейишади, Скерри ёки Малахайддами бўлган экан бу воқеа, бу ҳам унинг касбий обрўсига яна обрў қўшади. Блумнинг назарида бу жуда юксак мақтовларга лойиқ журъатли бир иш. Шунинг учун виждонан тан олиб айтганда, сизга бўлган бундай муносабатига қандай сабаблар аралашган, мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди, балки қандайдир ғашлик қилаётгандир, ҳасад ўтида ёниб кўролмаётгандир.

– Эҳтимол, буларнинг барининг сабаби биттадир, у ҳам бўлса, сизнинг ғояларингиз ва фикрларингизни ўғирлаётгандир, – деб хулоса қилди мистер Блум ниҳоят.

У шу дамларда чехраси ғоятда тундлашган Стивенга жуда эҳтиёткорона ва айни чоғда ҳамдардлик билан қизиқиб назар солди, Стивен ўзини лақиллатиб кетишларига оппа-осон йўл қўйиб бердимикин, шу саволга унинг юз ифодаларидан, оғзидан бехос чиқиб кетган уч-тўрт хафакезик луқмалардан жавоб топмоқчи бўларди, ахир бунинг тамомила акси ҳам бўлиши мумкин-ку, яъни Стивен бу найрангларнинг барини аён кўриб-билиб тургандир-у, лекин фақат бир ўзигагина маълум сабабларга кўра ишни ўз ҳолига ташлаб қўйгандир... Оғир йўқчилик туфайли у шундай йўл тутишга мажбур бўлгандир, у бунга аниқ ишора қилиб ҳам ўтди, ўзининг илмли-билимли, маълумотли бўлишига қарамай жуда катта қийинчиликлар билан базўр учма-уч кун кечираётганига шама қилди.

Улар эркаклар бадрафхонаси ёнида музқаймоқ сотувчининг арвачасини кўрдилар, шу ерда бир тўда италиялик ўзларининг жарангдор нафзларида алланималарнидир талашиб, жон-жаҳдлари билан вағирлашардилар.

- Putana madonna, checi dia i quattrini! Noragione? Culo rotto!
- Intendiamoci. Mezzo sovrano piu...
- Dice Lui, pero.
- Farabutto! Mortacci sui!<sup>1</sup>

<sup>1</sup> – Қанжиқ мадонна, ким бизга ярим пенс беради! Нима, тўғрими? Чириган даюс!

- Келинг, келишайлик. Устига ярим соверен...
- Яна гапиради-я.
- Ярамас! Бошингга солайми! (*итал.*)



Мистер Блум ва Стивен ёғочдан қурилган кўримсиз “Аравакаш кўноғи”га қадам ранжида қилдилар, улар илгари бу ерда сира бўлмаган эдилар, мистер Блум ҳамроҳига ҳали қовоқхонага кирмаёқ унинг эгаси ҳақида баъзи гапларни шипшитиб кўйди, бу одамнинг асли исми Фицхаррис енгилмас қаҳрамон бўлиб, лақаби Эчки Пўстак эди, аммо бу одамлар оғзидаги гапларга унча ишониб ҳам бўлмас, уларда лоақал сариқ чақачалик ҳақиқат йўқ эди. Ҳаш-паш дегунча бизнинг ҳар иккала тунги сайёҳимиз бурчакдаги холи бир жойга бориб ўрнашишди, бу ерда Хомо уруғининг ҳеч таснифга сигмайдиган нусхалари, қаланғи-қасанғи уй-жойсиз дайди-сайдилар йиғилган бўлиб, улар еб-ичиб ўтиришар, янги кириб келганларга афтидан ажабланиб боқишар ва кўз қарашлари билангина саломлашардилар.

– Энди қаҳва ичилсами дейман, – деб ўртага тушган совуқчиликка барҳам беришга тиришди мистер Блум, – сизга назаримча бир луқма овқат зарар қилмайди, балки бир бурда юмшоқ нон ерсиз.

Нафсиламрга у биринчи навбатда мана шу ҳаёт неъматларини ўзига хос вазминлик билан дарҳол буюрди. Ҳаммоллар, аравакаш киракашлардан иборат қора халқ, майли яна ким бўлмасин, шундай бир назар-нигоҳ солганларидан сўнг унчалик қаноат ҳосил қилмадилар шекилли, улардан юзларини ўгирдилар, фақат бир ичкиликхўр, кўринишдан баҳрийга ўхшаган, сочлари оқара бошлаган малла соқол киши яна бироз вақт ҳамроҳлардан кўз узолмай ўтирди-да, сўнг чақчайганча ерга тикилди-қолди. Мистер Блум Voglio жиҳатидан гарчи ҳали тўғриси айтганда барча шубҳаларидан қутулмаган эса-да, муноқаша тилидан бирмунча хабардор одам сифатида сўз эркинлиги ҳуқуқидан истифода этган ҳолда ўзи ҳомийлик қилаётган ҳамроҳига ташқарида рўй бераётган ва ҳамон жўшқин тарзда давом этаётган жанжал-сурон борасида овозини баралла кўтариб сўз қотди:

– Алламбало тил. Айниқса, кўшиқ айтаман десангиз. Нега сиз ўз шеърларингизни шу тилда ёзмайсиз? Bella Poetria! У шунчалар жангдор ва оҳангдор. Belladonna voglio!<sup>1</sup>

Стивен устма-уст бостириб келган эсноқдан ториниб ва умуман оғир ҳорғинликка ботган ҳолда жавоб қилди:

– Фил хонимларининг қулоқларига ёқсин учунми. Улар пулнинг жанжалини қилишяпти.

– Ростдан-а? – деди мистер Блум. – Ҳа, албатта, – деб ўйчанлик билан кўшиб кўйди у ва ичида умуман олганда дунёдаги тиллар керагидан анча ортиқ деб кўнглидан ўтказди, – балки бу шунчаки жануб одамларига хос жозибанинг жазавадидир.

Юзма-юз ўтиришган маҳрамларнинг ҳаловатини бузиб қовоқхона эгаси стол устига буғи чиқиб турган номига бўлса ҳам қайноқ қаҳва идишни, унинг ёнига алмисоқдан қолгандай бўлиб кўринган пўрсилдоқ нонни кўйди-да, ўзи жойига қараб кетди. Мистер Блум ғалати бўлиб туюлмаслиги учун ҳозир эмас, сал кейинроқ нонни яхшилаб кўздан кечиришни кўнглига тугиб кўйди... Шу боисдан Стивенга қани энди олаверинг деган ишорани қилди, ўзи эса ҳалиги оти қаҳва бўлган нарсани аста-секинлик билан Стивен томонга эҳтиёткорона сура бошлади.

– Товушлар алдамчи, – деди Стивен бироз жимликдан сўнг, – худди шунингдек исмлар ҳам алдамчи. Цицерон, Подмор, Наполеон, мистер Гудбоди, Иисус, мистер Дойл; Шекспирлар кам эмасди Мэрфилардан. Нима дегани исм?

<sup>1</sup> Гўзал поэзия! Гўзал хоним (бузилган итал.)

– Ҳа, албатта, – самимият билан тасдиқлади мистер Блум. – Тўғри айтяпсиз. Бизнинг исмимиз ҳам ўзгарган, – деб кўйди номи юмшоқ нон бўлган нарсани оҳишта Стивен томонга суриб.

Шунда кўзини янги кириб келганлардан узмаган малла соқол Стивенга алоҳида бир эътибор билан қараб, дабдурустдан уни саволга тутиб қолди:

– Ўзингнинг исминг нима?

Мистер Блум шу заҳоти ҳамроҳининг ботинкасидан туртди, бироқ Стивен кутилмаган бу ишорадан етарли хулоса чиқармай, хотиржам жавоб берди:

– Дедал.

Малла соқол баҳрий уйқусираган шилпиқ кўзлари билан унга узоқ тикилди, кўп ичкиликдан ва айниқса ўткир голланд жин ароғини сув кўшиб ичаверганидан кўзларининг ости халта бўлиб осилиб тушганди.

– Бу Саймон Дедални биласанми? – деб сўради у ниҳоят.

– Эшитганман, – деди Стивен.

Атрофдагилар гапга қулоқ солаётларини кўриб, мистер Блум бир-мунча муддат ҳайрон бўлиб қолди.

– У ирланд, – деди шоввоз баҳрий ҳамон ундан кўз узмай ва калласини шитоб билан чайқаб. – Чинакам ирланд.

– Ҳатто ҳаддан ортиқ ҳақиқий, – қўллади Стивен.

Мистер Блумга келадиган бўлсак, у бу воқеанинг мағзини чақолмай ҳайрон эди, малла соқол баҳрий худди ичидан келадиган кутилмаган бир фармонга бўйсунгандай атрофдагиларга ўгирилиб қуйидаги гапларни айтганда бунинг сабабини тополмай ҳайрати янада ортди:

– Мен унинг эллик қулоч наридан елкаси оша икки шишага қўндирилган икки тухумни отиб туширганини кўрганман. Чап қўлида беҳато отади.

У ҳиқичоғини базўр енгиб, ўзига бўйсунмаган қўлларини силкитиб, иложи борича яхшилаб тушунтиришга тиришди:

– Мана қара, манави шишалар. Эллик қулоч жой ташлаймиз. Шишаларнинг оғзида мояк. Ҳалигим тўппончани елкасига қўяди. Мўлжал олади.

У гавдасини ярим айлантирди, ўнг кўзини маҳкам қисди. Кейин башарасини қандайдир ён томонга қийшайтирди-да, бениҳоя бадбашара тус олиб тун қучоғига тикилди.

– Пақ-пақ! – қичқирди у бир бора.

Энди иккинчи тузумнинг гали келгани учун тингловчилар навбатдаги пақпақни кутиб тек қотишди.

– Пақ-пақ! – қичқирди у иккинчи бор.

Иккинчи тухум ҳам олдиндан парча-парча бўлиб кетганди. Малла соқол кўзини қисди, бошини силкитди-да, қонга ташна одамдай ун солди:

Қаншарга урар доим Буффало Билл,  
Беҳато отади, адашмайди қўл.

Ўртага жимлик чўкди, шу аснода мистер Блум ундан бу воқеалар Бизлида ўтадиган ўқ отиш мусобақаларига ўхшаш жойларда рўй берармиди деб одоб юзасидан сўрашга журъат этди.

– Узр-маъзурлар, – деди баҳрий.

– Бунга анча вақт бўлиб қолгандир? – яна сўради мистер Блум ўз гапидан қолмай.

– Нима бўларди, – деб жавоб берди баҳрий ўроғи тошга теккандай иложсизликдан бироз юмшаб, – кўп эмас, ўн йиллар бўлгандир. У Ҳенглер бошқарган қирол цирки билан бирга бутун дунёни айланиб юрарди. Ҳалиги томошасини Стокгольмда мен ўзим кўрганман.

– Бир-бирига тўғри келиб қолганини қаранг, – деб қўйди мистер Блум Стивенга қараб.

– Менинг исмим Мэрфи, – давом этди баҳрий. – У.Б.Мэрфи, мен Кэрригейлоу деган жойдан бўламан. Бунинг қаердалигини биласанми?

– Куинстаун Харбор, – деди Стивен.

– Топдинг, – деди баҳрий. – Кэмден Форти ва Карлайл Форти. Булар менинг жойларим. Барча оғайнилар шу ердан. Хотин ҳам ўша ерда туради. Биламан, кутавериш кўзлари тўрт бўлган. Англия учун, уй учун, гўзаллик учун, қонуний махфиратли хотиним, уни кўрмаганимга ҳам етти йилдан ошди, денгизларда, довулларда санқидимда-эй.

Мистер Блум унинг уйга қандай қадам ранжида қилишини шундоқ кўз ўнгига келтирди: баҳрий барча денгиз жинқарчаларини боплаб лақиллатиб ёмғир ёғиб турган қоронғу тунда ўзининг йўл четидаги кулбасига қайтади. Дунёни чарх уриб хотинини қидирди. Бу мавзудаги воқеалар сон-саноқсиз. Алиса билан Бен Болта, Энох Арден ҳам, Рип ван Винкл ҳам шу ерда, балки кимдир қийшиқ О’Лирини ҳам эслар, ёддан ўқиш бироз қийин номер, аммо одамлар ёқтиришади, уни шўрлик Жон Кейси тўқиган, ўзига яраша содда жозиба-ли, ахир чинакам тарона шу эмасми? Шунча гап-сўзларнинг ичида бирон марта дарбадарликлардан қайтганию айрилиқ аламларини чекиб ўтирган хотиннинг қандай бўлмасин вафо-садоқати ҳақида миқ этиб оғиз очмади. Дераза ойнасига тиралган пешона! Охири у уйининг эшигига етиб келди дейлик, ана энди унинг ҳайратдан лол қолиб қотиб қолганини кўринг, ниҳоят шунда шўрлик хотинининг аянчли қисмати аён бўлади, энг орувли туйғуларини умидлари бари барбод топади. Сен мени кутмабсан, лекин мен қайтиб келдим, энди ҳаммасини бошидан қайта бошламоқчиман. Ана у сарғайиб сомон бўлган бевагина бечора ўтирибди мунгайиб бизнинг аввалги ўчоқбошида. Мени алақачон ўлган деб ўйлайди, тубсиз бешик ичида чайқалиб ётибди дейди. Ана, Миқти амакиси ҳам ҳозир у нозир, балки Миқти эмас, Ориқдир, тақдир қилгани-да, “Лангар ва тож”нинг хўжайини эса, пижагини ечиб қўйиб пиёзли ромштексни туширади. Отасини ўтқизишга курси йўқ. Ув-ув-у! Шамол! Хотин охири боласини тиззасига олган, ота ўлганидан сўнг туғилган. Енгил аравада, енгил аравада, ўнқир-чўнқирлардан, ўнқир-чўнқирларда, гуп этиб туши чуқурга! қочиб кутулиб бўлмайди, эг бўйнингни. Тишларингни қисирлатиб тиржай. Сени мудом севгувчи, юраги вайрона эринг У.Б.Мэрфи.

Дублинликларга сира ўхшамайдиган баҳрий бир извошчидан ўтинди:

– Менга қара, чайнайдиган тамаки топилмайдими сенда?

Извошчининг тамакиси йўқ экан, аммо қовоқхона хўжайини мих қозикда осиглик турган пишиқ курткаси чўнтагидан чайнайдиган бир бўлак лўнқа тамаки олиб узатди. Уни қўлма-қўл қилиб узатиб юборишди.

– Раҳматлар, – деди баҳрий.

У ўлжани лунжига ташлаб, чайнаркан, дам олиб-дам олиб оҳиста деди:

– Биз кеча эрталаб соат ўн бирда етиб келдик. Кемамиз уч мачтали “Роузвин”, “Горижуотердан пишиқ гишт олиб келдик. Бу ерга келиш учун ишга ёлландим, кейин бўшадим. Мана, ўзинг кўр, гувоҳнома У.Б.Мэрфи. Биринчи тоифа денгизчи.

У сўзларининг исботига ички чўнтагидан бирмунча қорайиб қолган букланган ҳужжат чиқариб қўшнисига чўзди.

– Тоза дунёни кўрибсан, армонинг қолмабди, – деб қўйди хўжайин олдидаги тахтага тирсагини тираб.

– Нимасини айтасан, – деб жавоб берди баҳрий бироз ўйланиб тургач, – денгизга чиққандан кейин тоза айландим. қизил денгизда бўлдим. Хитойда бўлдим, шимолий Америкада бўлдим, жанубийсида ҳам. Айсберглар, музтоғларнинг қанчасини кўрдим. Капитан Долтон билан Дарданелдан ўтиб қораденгизга бордик, Стокхолмда бўлдик, кемасини чўктириб юборган бадбахтлар ичида энг ашаддийси мана шу. Россияда бўлдим. Гооусподи коомильюю. Руслар шундай дуо ўқишади.

– Ҳар хил ғаройиботларни кўргандирсан, ҳойнаҳой? – деди извошчи.

– Нимасини айтасан, – тасдиқлади баҳрий оғзидаги тамаки лўнқани айлантларкан, – ғаройиб нарсаларнинг унақаси ҳам, бунақаси ҳам кўп. Мен тимсоҳ лангарнинг бир тишини тишлаб олганини кўрганман худди мен тамаки чайнагандай.

У оғзидан тамаки лўнқани чиқариб жағлари орасига қўйди-да ғирч этиб ташлади.

– Ғарчча! Мана шунақа! Перу деган жойда одамхўрларни кўрдим, улар мурдаларни ва отларнинг жигарини ейишар экан. Мана, қара. Ушалар. Менга бир ошнам юборди.

У ўзига чаласи ҳамма вақт қазноқ вазифасини ўтовчи ички чўнтагидан почта откриткасини кавлаштириб чиқарди-да, стол устига ташлади. Унда бундай сўзлар ёзилганди; Choza de Indios. Beni, Bolivia<sup>1</sup>.

Белига йўл-йўл лунги тутган бир тўда ерлик хотинлар ҳамманинг диққат-эйтиборини тортди, уларни ғуж-ғуж болакайлар (улар жуда кўп эди) қуршаб олган, хотинлар шох-шаббалардан ясалган ночор чайлалар олдида чордона қуриб ўтиришар, кўкракларини осилтириб бола эмизишар, бир хиллари пинакка кетган, бир хиллари кўзларини сузишар, қийшанглашарди.

– Эрталабдан кечгача кока чайнашади, – тушунтирди сўзамол баҳрий. – қоринларида худди тегирмонтош бордай. Туғиш пайтлари ўтгандан сўнг улар шу кўкракларини кесиб ташлайдилар. Мана бу ерда эса улар қип-яланғоч, ўлган отнинг совуқ жигарини ейишяпти.

Жаноб бекорчи ҳангоматалаблар бир неча вақт суратдан кўз узолмай томоша қилиб туришди.

– Уларни нима билан кўрқитиш мумкин, биласизми? – шавқланиб сўради баҳрий.

Ҳеч ким оғиз очолмади, у кўзини айёрона қисиб, ўзи жавоб берди:

– Ойна билан. Ойнани кўрса, уларнинг жони-пони чиқиб кетади. Ойна.

Мистер Блум ажабланиб ўтирмади. Худди билмаган кишидай суратни ағдариб, унинг орқасидаги ўчиб кетган муҳри ва манзилига қаради: унда шу сўзларни ўқиди: Tarjeta Postal, Senor A.Boudin, Galeria Vecche, Santiago Chile<sup>2</sup>. Ҳеч қандай хабар, маълумот ёзилмагани унинг

<sup>1</sup> Ҳиндулар қулбаси. Бени, Боливия (исп.).

<sup>2</sup> Почта хати. Сенйор А.Буден. Бекке галереяси Сантяго, Чили (исп.).

алоҳида эътиборини тортди. Мистер Блум баҳрийнинг исми билан почта қоғозидаги исм ўртасида мавжуд фарқни кўриб (агар-да у ҳақиқатан ўзини танитгандай одам бўлиб чиқса ва мабодо яшириқча бегона байроқлар осган кемаларда сузмаган ва бирон-бир ерда батамом ўз исмини ўзгартирмаган бўлса) ошнализнинг bona fides<sup>1</sup> ҳалоллигига шубҳа қила бошлаган бўлса ҳам (тухумни отиб тушириш, Вилгельм Телл ҳамда “Маритано”даги маълум-машҳур Ласарило — Дон Сезар де Базаннинг саргузаштлари, Ласарилонинг ўқи Дон Сезарнинг шляпасини тешиб ўтгани), айни пайтда у ҳикоя қилган мудҳиш воқеага унчалар ишонгиси келмай турган бўлса-да, барибир буларнинг бари у аллақачонлардан бери кўнглига туғиб юрган орзуларни қайтадан кўзгаб жонлантириб юборди бирон қулай чоршанба ёки шанбадами узоқ денгиз сафарига чиқиб Лондонга боргиси келарди у ҳеч қачон кўп ва узоқ сафар қилмаган ҳам эди бироқ ёшлигидан юрагида саргузаштларга муҳаббат уйғонгани ҳолбуки қисмат ҳазили уни қуруқликда муқим яшашга гирифтор этгани дарвоқе унинг бир марта Холихедга бориб келганини айтмасак, шундан буён бошқа ҳеч қачон бар уриб чиқмагани. Бир неча маротаба Мартин Каннингем уни Иген орқали пулсиз сафарга чиқармоқчи бўлиб ҳам юрди, лекин шундай пайтда доим аллақандай аҳмоқона бир гов ўртадан чиқиб қоларди-ю, натижада ўйланган ният барбод бўлиб, сувга уриб кетарди. Мабодо, айттайлик, нақд пул тўлаганда ва мабодо Бойланинг юраги ёрилиб кетганда ҳам, барибир бу унчалик ҳам қиммат эмас, қурби етади, айттайлик, хўп, у Маллингарга бормоқчи, бунга узоғи билан бир неча гиней сарфласа, бориш-келишга бор-йўғи беш шиллинг олти пенс харж қилса, вассалом, оёқ остидан шамол ўтиб туради у ёғига. Шифобахш озон ҳавоси боис бу саёҳат ҳам сиҳат-саломатлик учун фойдали, ҳам бошқа ҳар жиҳатдан одамга ёқимли, айниқса, жигари оғриб турадиган кишига бунинг давосини айтмайсизми, йўл-йўлакай турли жойларни кўради, бу ёқда Плимут, Фалмут, Саутхемптон ва яна ундан ҳам нарироқлар, кейин бутун саёҳатнинг айни гултожи улуг пойтахт — ибратларга тўлиқ томошаси, замонавий Бобил манзаралари, жуда катта-катта ютуқлар билан ошно бўлмасмиди бу ерда кўркам Парк-лейн, Тауэр, Аббатлик билан танишишни давом эттирмасдими бу ерда. Бундан ташқари яна бир нозандай фикр миясидан ярқ этиб ўтди, у ерларда шароитни ҳар ёқлама кўздан кечириб, ҳашаматдор дам олиш жойларида бир қатор концертлар ташкил қилиш имкониятлари ҳақида маълумотлар тўплашни кўзларди, аёллар ва эркаклар учун умумий чўмилиш жойлари бўлган Маргейт, шифобахш сувли энг яхши курортлар, Истборн, Скарборо, Маргейт ва ундан нарироқлар, гўзал Борнмут, Норманд ороллари ва шунга ўхшаш ажойиб-ғаройиб жойлар жуда ҳам катта фойда келтириши мумкин эди. Йўқ, албатта у ерларга сайқаси чиққан кимсалар ёинки Маккойнинг хотинига ўхшаган маҳаллий хонимчалар билан бирга бориб бўлмайди, ҳа, нимади, менга чамадонингизни бериб тулинг, илтимос, мен эса сизга билет жўнатаман, ана холос. Йўқ-йўқ, фақат энг олий тоифадаги кишилар, Твиди ва Флауэр, Ирландия операсининг катта порлоқ юлдузлари, примадонна сифатида ўз рафиқаси, қани бир Элстер Граймс ва Муди-Мэннерснинг бир танобини тортиб қўяйлик-чи, бу ишлар дарвоқе, унчалик ҳам мураккаб эмас, ютуқ тўла кафолатланган, фақат буни маҳаллий газеталарда иложи борица бонг уриб жар солса кифоя бунинг учун иш-

<sup>1</sup> Ҳалоллиги (лот.).

нинг кўзини биладиган қирриқ, эшикларни ёриб кирувчи уста одам керак, у қаерда нима қилиш, қандай тугмаларни босишни яхши билди, ишни ҳам дундиради, фойдани ҳам ундиради. Лекин ким? Қани ўша одам? Ҳаммаси шунга бориб тақалади.

Бундан ташқари мубҳамроқ бўлса-да, яна бир ўй унинг хаёлидан ўтади, янги денгиз йўллари очилиши муносабати билан бошқа яна бир кенг фаолият майдони юзага чиқади, замона, даврнинг ўзи шуни талаб қиляпти, мана, масалан, Фишгард – Росслер йўли бўлаётган гап-сўзларга қараганда, департаментларнинг кун тартибида яна пайсалга солиш, чўзиш бошланиб, чириган, мияси суюлиб қолган амалдорлар унга гов бўлиб, турли важ-корсонларга кўмиб ташлаётган эмишлар. Бу ерда кенг саёҳатчилар оммасининг манфаатлари йўлида, ўртача инсон, яъни нима десак экан, Браун, Робинсон ва К°лар манфаатлари йўлида ишбилармонлик қилиш, куч-қувватлар сарфлашининг катта имкониятлари очилиши турган гап эди.

Бошданок кўнгилни хира қиладиган бемаъни нарсалар бор, бизнинг кўкларга кўтариб мақталган жамиятимизнинг катта айбларидан бири шундаки, оддий одамлар киши аъзойи бадани таъмирлашга муҳтож бўлиб қолганда қаёқдаги арзимаган икки фунт пулни деб кенг дунёни кўришдан маҳрум бўлади ахир шу ерда яшагандан кейин доим бир жойда михланиб ўтиравермайди-ку хотиннинг чўри-сига айланиб, кўзига мўлтайиб термулиб. Ахир охир-оқибат ҳар бир тирик жон ўн бир ойдан ортиқ етти букилиб тер тўккандан сўнг, падарига қусур, дам олишга ҳақи борми йўқми, ҳаво алмаштиришга ҳақи борми йўқми, ахир шаҳар дегани одамни жизганак қилиб ташлайди-ку, ёз чоғлари қандай яхши бутун она Табиат гул-гул очилиб яшнаб кетади шунда гўё онадан қайта туғилгандай ҳаётга қайтадан келгандай бўласан. Худди шунингдек, Аъло даражада дам олиш учун барча имкониятлар қуюқ ўрмонлар билан қопланган ажиб оромгоҳлар ўз жонажон оролимизда ҳам бор, ёшлигининг ва куч-қувватининг қайтарадиган қанчадан-қанча жойлар, талай-талай ўйин-эрмакгоҳлар Дублинда ҳам, унинг гўзал манзарали ён-атрофларида ҳам етарлича топилади, ҳатто поездда борса бўладиган Пулафукани айтмай-сизми, лекин ундан ҳам нарироқда мияни қоқиб қўлга берадиган издиҳомдан узоқроқда Уиклоу графлигини олининг, уни ҳақли равишда Ирландиянинг боғу бўстони дейишади, ёгин-сочин намгарчилик бошланмасдан илгари велосипед миниб айланаман десанг, роҳат-жон жойлар ва айниқса, одамнинг ёши улғайганда, ундан сўнг До-негалнинг ёввойи тўқайлари келади, қулоққа чалинган гаплар рост бўлса у ерларда кўз ўнгингда беқиёс улкан манзаралар очилар эмиш, гарчи у томонларга бориш унчалар ҳам осон эмас, шунинг учун ҳам саёҳатчилар нисбатан кам борадилар, ҳолбуки бундай зиёратлар нақадар бисёр фойда келтириши мумкин эди, шу билан бирга ўзининг турли дахлдор томонлари билан тарихий Хоут, Ипак Томас, Грэйс О’Молли, Георг Тўртинчи, денгиз сатҳидан неча юз қулоч баландликдаги рододендронлар ранг-баранг тоифадаги одамларни ўзига жалб қилиб туриш жозибасига эга, айниқса баҳор кезлари ёшларнинг қони жўшган маҳаллар, гарчи ўлим ҳам ўз ўриш-арқоғини доим чуваб туради, одамлар тасодифми ё бошқами, қоялардан қулаб тушишади, одатда бу ишлар кўпроқ қизиққонлик орқасида рўй беради, негаки ўша ерга Колоннадан бор-йўғи учу чорак соатда етиб борилади. Ҳаммасининг сабаби шуки, замонавий туризм, агар таъбир жоиз бўлса, ҳали бешик ёшидан чиқмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам анчамунча оқсаб орқа оёқда судралиб келади. Унинг назарида қизиқ бўлиб

кўринган яна бир нарса бор эдики, у ҳам бўлса, серқатнов ҳаракат янги йўлнинг очилишига хизмат қиладими ёки бунинг акси, ва ёки бунда ҳар икки томон баробарми. Мистер Блум почта қоғозини сурагли томонига ўгириб, уни Стивенга берди.

– Мен бир хХитойни кўрганман, – деб гапни айлантларди ҳормас-толмас эртақчимиз, – у ширачдан зўлдирчалар ясаб олган эди, уларни сувга ташласа, ҳар бири галати бўлиб ёйилиб чиқарди. Бирови уй бўлиб қолади, бошқаси кемага айланади, учинчиси эса гул бўлиб очилади. Улар яна каламуш солиб шўрва қайнатишади, – деб қизиқтириб қўйди у яна, – ийс, бу хитойиларни асти қўяверасиз.

Тингловчилар ишонқирамай қараб турганларини кўриб денгизчи яна бир қанча саргузаштларни ўртага ташлади.

– Триестда бир италиялик бировни ўлдириб қўйганини кўрдим. Пичоқни орқасига урди. Пичоғи мана бундай.

У шундай деб ёнидан ўзига ўхшаган кўрқинчли катта пичоқ чиқарди-да уни худди урадигандай юқори кўтарди.

– Бўзхонада ичиб ўтиришган эди, иккита контрабандист орани очик қилиша турганди ким кимни тақалаган деб. Ёшроқ йигитча эшик орқасида биқиниб турган экан ташланиб қолса бўладими. Э, садағаси кетай. Жонингдан умидингни уз, деб бақиради. Кейин – ғарч! Пичоқни сопиғача ботириб елкасига урди.

Унинг кўзлари атрофга оғир уйқусираб боқар, кимнинг бунга шубҳаси бўлса, қани айтсин деб, ер сузарди.

– Азамат нарса, – деб такрорлади у кўрқинчли яроғини қўлида айлантлариб.

Кўрқмайдиган одамнинг ўтақасини ёриб юборадиган ушбу сўзлардан сўнг у пичоқни ширқ этиб қайирди-да, уни ўзининг мудҳиш қазноғига, яъники кармонига яширди.

– Пичоқ-яроққа келганда улар жуда устабузармон, – деб баралла овоз чиқарди қоронғуда таниб бўлмайдиган аллаким. – Шунинг учун анави енгилмаслар Паркда одам ўлдиришганда, муҳожирларнинг бўйнига ағдармоқчи бўлишган, негаки пичоқ ишлатишганди.

Кўй оғзидан чўп олмагандай бўлиб туюладиган бу гапни эшитиб, мистер Блум билан Стивен ҳар бири ўзича икковлон бир-бирларига маънодор қараб қўйдилар, аммо икковлари ҳам дами ичида миқ этиб оғиз очмадилар, фақат нарида ўзининг сув қайнаётган идишидан оппоқ буғ чиқараётган қовоқхона эгаси Эчки Пўстакка тикилиб қолдилар. Унинг ҳар қандай таъриф-тавсиф ожиз мукамал санъат асари ҳамда нарса ўзида бўлмиш башараси айтилган сўзларнинг ҳеч бирини эшитмагандай шам каби қотганди. Жуда қизиқ-а.

Ўртага узоқ жимлик чўкди. Шинавандаларнинг бирови қаҳва тўкилиб доғ босган газетага мук тушди, иккинчиси ерлик ёввойиларнинг суратини зўр бериб томоша қилди, учинчиси баҳрийнинг гувоҳномасини кўздан кечирди. Мистер Блум эса хаёлга ботганди. Шама қилиб ўтилган воқеа худди кечагина рўй бергандай бирдан кўз ўнгида гавдаланди, у йигирма йилча илгари аграр бошбошдоқликлар замонида бўлиб ўтган, ўшанда бутун маъруф жаҳон худди очик осмонда момақалдироқ гумбурагандай ҳайратга тушганди, ҳа, саксонинчи йилларнинг бошлари эди, яна ҳам аниқроғи, саксон биринчи йил эди, ўшанда у эндигина ўн беш ёшга кирганди.

– Менга қара, катта, – чўзилган жимликни бузди баҳрий. – қани, менга қоғозларимни узатиб юбор-чи.

Унинг илтимоси бажарилди ва у қоғозларни чаққон кафтига йиғиштирди.

– Сиз Гибралтар қоясини кўрганмисиз? – сўради мистер Блум.

Баҳрий сақичини чайнарган, ҳа-йўқ аломатини билдириб афтини бужмайтирди.

– Эҳ, сиз у ерда ҳам бўлганмисиз? – деди мистер Блум. – Европа бурнида, яна тасдиқлагандай қилиб айтди у, шояд қари қароқчи балким аллақандай хотираларни эслар деб риоя қилди, бироқ чол умидни оқламади, фақат қипиқ уюми устига кўлоблатиб тупурди-да, калласини ялқов-нохуш чайқаб қўйди, холос.

– Тахминан қайси йиллар эди? – айтганидан қолмасди мистер Блум. – Сиз эслай олмайсизми кемаларни?

Бизнинг гўёки баҳрийимиз жавоб бермасдан бурун худди оч қолгандай зўр бериб сақичини чайнади.

– Эҳ, жонимга тегиб кетган бу қоя-сояларнинг бари, – деди у, – ўша кема-семалару тосу тоғоралар. Доим бир хил шўр, шўртак тузланган чўчқа гўшти.

У гоятда ҳолдан тойган каби жим бўлди. қизиқиб саволга тутаётган киши эса бундай ўтакетган қирриқ ва муғомбир одамдан тайинли бирон нарсани билиш ниҳоятда мушкул эканлигини сезиб, сайёрамиздаги сув ҳавзаларининг бениҳоя улканлиги борасидаги бекорчи хаёлларга берилди, шундай харитага бир назар ташлаган киши дарров фаҳмлайдики, курранинг нақ тўртдан уч қисми сув билан қопланган, шу ҳолнинг ўзиёқ уни денгизларда ҳукмронлик қилмоқ нима эканлигини жуда чуқур ҳис қилишга олиб келди. У Доллимаунтдаги Норс Булл яқинида ўнлаб маротаба қариб чириган денгизчи бир чолни учратар, у ниҳоятда қартайган, одатда сасиган денгиз бўйидаги кўтармада ўтириб, ҳуш-беҳуш сувга термулар, денгиз ҳам ундан нигоҳини узмас, чол қайдадир қайси бир кўшиқда айтилгандай, кўм-кўк яйловлару сарин тароватли ўрмонларни хаёлидан ўтказарди. Бунинг сири нима экан деб қизиқарди Блум. Балки чол қандайдир жумбоқни ечмоқчи бўлардими ва у зиддият билан бу зиддият орасида абгор бўлиб буларнинг дам остидан дам устидан чиқиб қалқиб юрардими гарчи бундай олиб қараганда ниманинг ҳам остидан чиқсин аммо шунга қарамай толейини тўхтовсиз синагани синаган эди. Аслида йигирмата имкониятнинг бари ҳечга баробар ва ҳеч қандай махфий сирнинг ўзи йўқ эди. Ҳар қалай, агар тафсилотларга қараб ўтирмаса ўзининг бутун мағрурлиги ва порлоқлигида денгиз мавжуд эди ва унинг узра сузмоқ кимнингдир бўлмасин пешонасига ёзилган ва қисмат нидосига лаббай деб жавоб беришга маҳкум эди гарчи охир-оқибат бу нарса одамлар ўз қардош-яқинлари елкасига кўтариб юриш гоятда оғир ва ноқулай зил-залвор юкларни ортишга мойил эканликларидан дарак беради, ва бу айни жаҳаннам, лотерея ва сугурта деган бало-баттарларнинг ўзгинаси эди, ҳамма ерда шу асос битта, яъни бари бир гўр, шунинг учун ҳам якшанба кунги кутқариш хизмати бағоят мақтовга арзийдиган ташаббус эдики, соҳил бўйида ёки денгиздан олисда яшовчи кенг аҳоли уни қўллаб-қувватлар кимга қандай бўлмасин яхшилаб ўйлаб кўриб албатта бундан миннатдор бўларди, аҳоли жумладан бандаргоҳ хизматчилари-ю кўриқчиларидан ҳам мамнун эди ушбу хизматлар ўз вазифаси тақозосига кўра *Ирландия ўзининг ҳар бир фарзандидан кема бортида бўлишни ва ҳоказо* ҳар қандай об-ҳаво шароитида табиат кучлари билан бас бойлашмоққа тайёр турмоғини истайди қиш фаслида эса уларнинг ҳаёти янада қаттиқ бунинг устига ирланд маёқларини ҳам эсдан чиқармайлик, Киш ва бошқалари дам сайин тўнтарилиб кетаётгандай бўлади, бир кун у қизи билан бирга маёқлардан бирининг атрофидан



айланиб ўтган, ўшанда пўртана демаганда ҳам, камида қаттиқ чай-қалишини бошидан кечирганди.

– “Қароқчи”да бир шеригимиз бўларди, – деб гапини давом эттирди ўзи ҳам туп тус қароқчига ўшайдиган қари денгиз бўриси, – у кемадан бўшаб қуруқликка чиқди-ю ўзига бир яхши иш топиб олди, бир бойга мулозим бўлди, ойига олти червон олади. Манави устимдаги унинг чолвори, пичоқ ҳам уники, яна қалин ёмғирпўшини ҳам берди. Мен ўзим соч-соқол оладиган бир иш қилсам дердим. Дайдилик жонга тегди. Энди ўғилчамиз Дэнни, кўринг кеча денгизчи бўламан деб уйдан қочди, онаси Коркдаги мовутфурушга ишга жойлаб қўювди, қаранг енгил пул топаман деб жўнаворибди.

– Унинг ёши нечада? – деб қизиқди тинглаб ўтирганлардан бири, ҳа, дарвоқе, бу одам ташқаридан қараганда шаҳар маҳкамасининг котиби Генри Кэмпбеллга ўшар, аммо албатта унинг оғир машаққатли юмушларидан бу киши йироқ эди, ўзи исқирт устига ранг-баранг латта-путталар илган, бурун-тумшуги ҳам шолғомдек қип-қизил эди.

– Нима-нима? – саволдан ҳайроналиги ошиб секин сўради баҳрий. – Менинг Дэнни ўғлимни айтяпсизми? Ўн саккизларга кириб қолгандиров Такавой.

Ана шундан сўнг бизнинг Скибберинлик отахонимиз асли кулранг бўлса ҳам, ҳозирда таниб бўлмайдиган даражада яғир дағал қўйлагининг барини елвагай очиб юборди-да, игнада кўк сиёҳ билан лангар расми чизилган кўкрагини қиртиллатиб қаший бошлади.

– Брижуотердаги хужрани бит босган экан, – деб ҳикоя қилди у. – Гапнинг очиги. Эрта-бириси кун ювиниб олсам бўларди. Анави қора-қураларга сира тобим йўқ. Ҳидига тоқат қилолмайман бу аблаҳларнинг. қонингни сўриб ичади занғарлар.

Ҳамма унинг кўксини томоша қилаётганини кўриб, қулайроқ бўлсин деб, қўйлагини янада кенгроқ очди, шундан сўнг атрофдагилар баҳрийнинг анъаналар тақдис этган умид ва хотиржамлик рамзи лангар узра туширилган 16 рақамини ҳамда хўмрайиб турган йигитчанинг башарасини равшан кўрдилар.

– Игнада туширилган сурат, – тушунтирди намоёишкор чол. – Ўшанда биз капитан Долтон билан қора денгиздаги Одесса юртида тўхтаб тургандик. Бир йигит игна билан расм солиб қўйди. Оти Анто-нио эди. Мана унинг ўзи, юнон бола.

– Игна санчаётганда ёмон оғригандир? – сўради аллаким баҳрийдан.

Аммо бу пайт энди ул муҳтарам зот қайсидир жойларини қайсидир тарзда зўр бериб қашинарди. қашинармиди ва ё бошқа...

– Бу ёққа қара, – деди у Антониони кўрсатиб. – Мана бу ерда у жаҳли чиқиб Басманни пешдаҳан сўкиб турибди. – Энди эса қара! – давом этди у, – манави яна ўшанинг ўзи, – чол бармоқлари билан терисини сидириб тортиб, қизиқ бир нарсани кўрсатди, – энди у қизиқ бир ҳангомани эшитиб хоҳолаб куляпти.

Ҳақиқатан ҳам, Антонионинг қаҳрли юзи қийинчилик билан бўлса ҳам, кулгидан ёришди, бу алламбало санъатдан ҳамма ҳайратланиб лол қолди. Ҳатто бу сафар Эчки Пўстак ҳам қизиқсиниб бошини чўзиб қаради.

– Эвоҳ! – надомат сурди баҳрий ўз мардона тўшига боқиб. – Бу ҳам омонатини топширди. Уни акулалар еб кетди. Эвоҳ!

У чўзиб турган терисини қўйиб юборди, сурат яна асли ҳолига қайтди.

– Қойилман-е, – деб қўйди бандаргоҳ ҳаммоли.

– Рақам нимага чизилган? – қизиқди иккинчи дайди.

- Тирик еб кўйишдимми-а? – сўради учинчи санғи баҳрийдан.
  - Э-воҳ! – хўрсинди яна баҳрий бу гал энди унчалар гам-алам чекмай ва рақам борасида сўраган кимса томонга боқиб алланечук синиқ табассум қилди.
  - Еб кетишди. Ахир у юнон бола эди.
- Кейин ҳикоясининг мазмунига хилоф ўлароқ бирмунча аянчли ҳазил-мазоқ билан қўшиб қўйди:

Невлай мени баччағар Антониё  
Ташлаб кетти аямай бу ёна-ё.

Бошига қора похол шляпача илган бўялган юзи ўликдай оқарган кўча фоҳишаси эшикни қия очиб бу ерда бизга қурбон бўлгучи йўқмикан дегандай аланг-жалам мўралади. Ташвишга тушиб қолган Блум ҳамон сиполикни қўлдан бермай кўзларини қаерга яширишни билмай четга ўтирилди-да извошчими ё бошқа бировми, қолдириб кетган, Эбби-стритнинг маҳсулоти бўлган нимпушти газетани стол устидан олибоқ гўё нега бу пушти экан-а деб чуқур ўйга толиб газета пуштизорига тикилди-қолди. Ҳамма гап шунда эдики, бу бироз жиннисанғироқ ойимчани у кундузи Ормонд-куэйда чала-ярим кўрган, у ўша боши берк кўчалик хотин бўлиб, анави жигаранг уст-бошлик хоним (миссис Б.) сизга тегишли бўладилар, а, деб ўсмоқчилаган, кейин сизнинг кийим-кечакларингизни ювиб берсам майлими, деб сўраган ҳам эди, ҳа, бу худди ўша аёлнинг ўзгинаси. Нафсиламрга, нега энди бирдан кийим-бошни ювиб бермоқчи, буни негадир ҳеч тушуниб бўлмасди, тўғрими ахир?

Ювиш учун кийим-бош. Самимият юзасидан тан олиб айтиш керакким, Блумнинг ўзи Холлс-стритда хотинининг кир кийимларини юварди худди шунга ўхшаб хотинлар ҳам сира жирканмасдан эркакларнинг шунга ўхшаш лаш-лушларини ювиб-тозалаб беришади уларга Бюли ҳамда Дрейпер фирмасининг алоҳида сиёҳда белгилари қўйилади (яъни хотинининг ювиладиган кийимларида шундай белгилар турарди) хотинлар чини билан яхши кўришса, бундай нарсалардан асло тортиниб-ториқиб ўтирмайдилар. Зеро мени севсанг, менинг кир кўйлагимни ҳам севасан-да. Бироқ Блум худди мана шу дақиқада ўзини худди игна устида ўтиргандай сезар назарида ҳозир бу ойимчанинг боридан йўғи яхши эди. қовоқхона хўжайини ойимчага кўполдан кўпол қилиб бу ердан туёғингни шиқиллат деган маънода қўл силтади, Блум бундан ўзини ниҳоятда енгил сизди. “Ивнинг телеграф” газетаси варагининг устидан Блум аёлнинг алланечук шишадай қотиб қолган телбасаро ақлу ҳуши ўзида бўлмаган чехрасини узук-юлуқ кўрди.

Аёл қия очилган эшик орқасидан шкипер (кемачи) Мэрфининг шўр босган тўшини ҳайрат ичида томоша қилаётган одамларга ҳайрон-ҳаросон тикилиб турди-да, сўнг дарҳол ғойиб бўлди.

– Вой, чатоқ, – деб қўйди хўжайин.

– Тиббиёт нуқтаи назаридан, – деб ўз фикрини Стивенга маълум қилди Мистер Блум, – мени шу нарса ларзага соладик, таносил касалхонасидан чиққан мана шундай ойимтилла турли юқумли нарсалар тарқатиб ва боз устига яна сурбетларча хиралик ҳам қилади ахир ҳар қандай соғлом фикрли эркак киши ўзининг сиҳат-саломатлигига бепарқ қаролмайди-ку. Шўрлик аёл! Ишончим комилки, охиروقибатда бу аёлнинг шу аҳволга тушишида қайсидир бир эркак айбдор. Лекин сабабу асбоблар қандай бўлишига қарамасдан, барибир...

Эшикдаги аёлни ҳатто фаҳхламаган Стивен елкасини учириб қўйди-да, гапни қисқа қилиб қўя қолди:

– Бу ўлкада ўша аёлникдан кўра беш баттарроқ товарни устомонлик билан пуллашади, яна мушакбозлик ҳам қилишади. Танасини сотувчилар, бироқ кўнгилларни харид этишга қурби етмайдиганлардан кўрқманг. У аёл ақлсиз сотувчи. қимматга олиб арзонга сотади.

Ёши каттароқ Блум гарчи риёкорлар ва қариқизлардан бўлмасда, буни жанжалли ва ўша бемаъни нарса деб атади, бунга ўхшаган тубан кетган хотинлардан қочиб қутулишнинг иложи йўқлигини назарда тутиб (қари қизларнинг бу борадаги барча оқ-воҳларини бир чеккага йиғиштириб қўйган ҳолда) бундай аҳволга қатъиян, узил-кесил чек қўйиш кераклигини айтди. Буни қарангки, улар тегишли маҳкамалар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилмайдилар, рўйхатга олинмайдилар, шуни тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкинки, у *paterfamilias*<sup>1</sup> сифатида бундай чора-тадбирларнинг тарафдори бўлиб келган ва қатъиян уларни ёқлайди. Шунинг учун кимда-ким унинг айтишича бу тадбирларни амалга оширишга киришса ва масалани асосли равишда элакдан ўтказса, тўғридан-тўғри барчамизга катта яхшилиқ қилган бўлар ва савобга қоларди.

– Сиз тана ва жон ҳақида гапирганингизда, – деб қўшиб қўйди у, – чинакам католик сифатида жонга ишонасиз. Ёки сиз эҳтимол ақлни назарда тутарсиз ёки ҳар қандай ташқи нарсадан, айтайлик, манави столча билан идишдан қандайдир фарқ қилиб ажралиб турадиган миянинг фаоллигини айтаётгандирсиз? Бунга менинг ўзим ҳам ишонаман, зеро билимдон одамлар буни миямизнинг эгри-бугри чизиқлари деб тушунтирганлар. Акс ҳолда бизда ҳеч қачон, мисол учун, икс-нурлар каби ихтиролар бўлмасди. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Стивен ўзини худди деворга тақаб қўйилгандай ҳис қилиб, жавоб беришдан олдин бутун хотирасини ишга солиб эслаш ва фикрини жамлашга уринди.

– Энг яхши олимларга суянган ҳолда мени шунга ишонтирган эдиларки, бу оддий ва шу билан бирга ҳеч қачон бузилиш нималигини билмайдиган жавҳар. Менинг тушунишимча, у ўлмайди, аммо ўзининг Биринчи Сабабияти томонидан маҳв этилиш имкони ҳам йўқ эмас. Яъни эшитганларимга қараб, ҳукм чиқарадиган бўлсак, ўзининг шўхликлари ва найранглари қаторига анчайин оддий бир нарса-ни ҳам қўшиб қўйишга қодир Зотни назарда тутаман. Ҳолбуки, *corruptio perse* ҳамда *corruptio per accidens*<sup>2</sup> самовий шариятда ман этилгандир.

Мистер Блум гарчи руҳоният нозикликлари унинг дунёвий қарашларидан бирмунча узоқ бўлса-да, айтилган фикрнинг моҳиятига тўлатўкис қўшилди. Бироқ бошқа бир томондан оддий деган сўзга эътироз билдириб ўтишни лозим топиб, дарҳол шундай деди:

– Оддий дейсизми? Менимча, бу сўз ўринли эмас. Албатта, мен сизга ён бериб гапингизга қўшилишим мумкин, ҳақиқатан, омадингиз чопса, онда-сонда сиз оддий бир кўнгилни учратиб қолишингиз эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ мен бу билан нима демоқчиман, айтайлик, Рентген ихтиро қилган нурлар бу бошқа масала, ёки телескоп, ё Эдисон, гарчи ундан анча олдин Галилей чиққанини айтмоқчийдим, худди шунга ўхшаб табиатнинг қандайдир жуда улуг ҳодисасини ва унинг қонунларини очиш мисол учун электр қувватига ўхшаган лекин агарда сиз айтсангизки, ғайрифавқулда илоҳий бир кучнинг мавжудлигига ишонаман десангиз, унда бу бутунлай бошқа бир нарса.

<sup>1</sup> Оила бошлиғи (*лот.*).

<sup>2</sup> Ичдан бузилиш... тасодифан бузилиш (*лот.*).

– Аммо бу шак-шубҳасиз исботланган, – эътироз қилди Стивен, – бошқа аллақанча исбот гувоҳликларни айтмаганда ҳам, Инжилнинг бир қатор матнларида қайд этиб ўтилган.

Бироқ ушбу нозик масалада маълумотига ва умуман бошқа барча ҳолларда ҳам турли кутбларда турган, боз устига ёши жиҳатидан ҳам анча-мунча фарқ қиладиган суҳбатдошларимиз ўзаро тортишиб қолишди.

– Исботланган дейсиз-да? – эътироз билдирди суҳбатдошларнинг ёши улурғоғи ва тажрибакорроғи бўш келишни истамай. – Менинг бунга ишончим йўқроқ. Бундай нарсаларда ҳар кимнинг ўз фикри борки, мазҳабчилик нуқтаи назарига ўтмай турибоқ, таассуфки, сизнинг қарашингизга *intoto*<sup>1</sup> қўшилолмаيمان. Очиғини айтганда, сизнинг матн деганларингизнинг бари турган-битгани ясама яна ҳам тўғриси уларни роҳиблар кейин қўшиб қўйишган ёки бу ўринда ўша-ўша бизнинг буюк миллий шоиримизнинг муаммоси, ким ёзган ўша асарларни, “Ҳамлет”ни дейсизми, ёки Бэконни, лекин буни сизга менинг сўйлаб ўтиришим ортиқча, сиз ўз Шекспирингизни мендан кўра юз чандон яхшироқ биласиз, ҳатто қиёслаб ҳам бўлмайди. Менга қаранг, нега бу қаҳвани ичмаяпсиз? Майлими, уни сизга мен аралаштириб берай, мана нонни ҳам енг. Гарчи у баҳрий чолимизнинг қўйнидан чиққанга ўхшаса ҳам. Аммо бориға барака! Шукур қиламиз. Озгина тотининг.

– Томоғимдан ўтмаяпти, – деди базўр Стивен, шу тобда унинг ақли-ҳуши шундан ортиқ сўзни топиб айтишга қодир эмасди.

Мистер Блум мақолда айтилганидек тортишиб ўтириш бефойдалигини сезди-да, қаҳва идиши тагидаги қанд думалоғини эзиб аралаштиришга киришди. қошиқчани айлантларкан, қаҳва Саройи борасидаги аччиқ хаёлларга берилди, унинг алкогольга қарши (сердаромад) фаолиятини ўйлади. У қонуний мақсадларни кўзлаган иш бўлиб, ҳеч шак-шубҳасиз, кўп яхшиликларни юзага чиқарди, мана бунга ўхшаган тунги мижозлар учун мўлжалланган ичкилик ичилмайдиган жойларни ташкил қилди, концертлар, театр оқшомлари, қуйи табақалар учун олим кишилар ўқийдиган фойдали маърузалар (кириш эркин) уюштирди. Бошқа бир томондан унинг қўнгли оғриган пайтлар ҳам бўлган, бир маҳаллар унинг хотини, Мэрион Твиди хоним улар орасида жуда шуҳрат қозонган эди, аммо шунга қарамай унинг фортепьянодаги ўйинларига жуда ҳам оз ҳақ тўлашганди. Шунга қарамасдан, мистер Блум уларнинг хайрли ишлар қилишганига ишонарди, албатта фойда олишни ҳам ҳеч унутишмаган, воқеан улар билан рақобат қилувчилар ҳам бўлмаган эди. Кейин қуритилган нўхатдан мис сульфати, SO<sub>н</sub> захари чиқди, буни у аллақайси арзон емакхонада ўтириб газетада ўқиган, аммо ҳозир тафсилотларини аниқ эслолмайди. Ҳа, қандай бўлмасин, барча турдаги озиқ-овқатларини назорат қилиб бориш, тиббий назоратдан ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам ҳозир ғоятда муҳим бўлиб туюларди унга, аҳтимол доктор Тибблнинг Вай-қаҳваси худди шунинг учун ҳам, уни тиббий кўрикдан ўтказилгани боис кўпчиликда қизиқиш уйғотгандир.

– Қани, мана энди бир ҳўплаб кўринг-чи, – дейишга журъат қилди у, қаҳвани аралаштиргач.

Бу қистовга дош беролмаган Стивен ўзида андак бўлсин татиб кўриш мажбуриятини сезиб, залворли қаҳва идишни тагига тўкилган қўнғир кўлмакчадан чалкиллашиб кўтарди-да, маза-матрасини билмай бир ҳўплам ичди.

<sup>1</sup> Умуман олганда (*лот.*).

– Барибир қуюқ овқатнинг ўрни бошқа, – деб қўйди меҳрибон киши, – мен қуюқ овқатни ёқтираман, – йўқ, унинг бирдан-бир мақсади лазиз овқатхўрлик эмасди, йўқ, асло ундай эмас, аммо ўз вақтида тўйиб овқатланиш ҳар қандай жиддий ақлий ёки жисмоний меҳнатнинг *sine qua non*<sup>1</sup> зарур шарти. – Сиз доим кўпроқ қуюқ бақувват таом ейишингиз керак. Дарҳол бошқача одам бўлиб қоласиз.

– Мен биронта суюқ овқат ичсам дегандим, – деди Стивен. Фақат барака топинг, мана бу пичоқни кўзимга кўрсатманг. Унинг тигига қаролмаяпман. Менга Румо тарихини эслатапти.

Мистер Блум илтимосни шу заҳоти бажо этиб, норозиликка сабаб бўлган мугуз дастали одми ўтмас пичоқни кўздан узоқроққа олиб қўйди, шуни ҳам айтиш жоизки, бу нарсаларнинг фарқига бориб ўтирмайдиган одам айна ўринда на Румо ва на антик дунёга дахлдор бирон нарса борлигини хаёлага ҳам келтирмасди, бунинг устига пичоқнинг тиги ҳам тўмтоқ тароқдан фарқ қилмасди.

– Бизнинг умумий дўстимизнинг, – ҳамсухбатига қарата қўшиб қўйди мистер Блум пичоқлар мавзусига қайтиб, – барча ҳикоялари унинг исми-жисмига гоятда мос. Сиз буларнинг ҳаммаси рост деб ўйлайсизми? Бундай олди-қочди ҳангомаларни кечаси билан ухламай айтиб чиқади, аммо ичида жиндак тўғриси бўлса ўлсин. Ана унга ўзингиз қаранг.

Баҳрий чолнинг кўзи уйқусизлик ва денгиз шамолидан юмилиб-юмилиб кетаётгани, лекин ҳаётда ҳангомалару бир-бирига ўхшаб кетадиган қўрқинчли воқеалар учраб туради, шунинг учун бунда ҳаммаси бошдан-оёқ тўқима бўлмаслиги ҳам мумкин, гарчи унинг ўз қўйнидаги хазиначилардан бирма-бир тортиб чиқараётган олди-қочди ҳангомалари бир қарашда Хушхабарнинг соф ҳақиқатларига сира ўхшамаса-да.

Шу аснода у рўпарасида ўтирган тасқаранинг турқиға синчиклаб разм солар, ул кимса кўз ўнгида пайдо бўлгандан бери ундан шерлокхолмсларча назарини узмасди. Бу кимса бошидан сочи тўкилиб кетганига қарамай ўзини яхши сақлаган, равиш-рафтори ҳам анча дадил эди. Айна чоқда турқи-тароватида панжара орқасида бўлганига ишора қилувчи шубҳали алланималар ҳам йўқ эмасди. Шунга кўра, кўзга ташланиб турувчи бу ғалати сиёқли Зот тош ва арава биродарларидан бири эмасмикин деб ўйлаш ҳам мумкин эди. Ҳатто ажаб эмаски, у ўз вақтида рақибнинг додини ҳам берган дор ғанимини нариги дунёга қандай жўнатганини ўзи гапириб юргандир бундайлар озми дунёда, ана ундан кейин жазони олиб тўрт йилми, беш йилми қамоқхонада азобини егандир, анави муштарак Антениони кўя турайлик (уни улуғ миллий шоиримизнинг қаламига мансуб драмадаги адаши билан чалкаштириб юбормайлик), у ўзининг қилгиликларини юқорида тасвирлангандай йиғлоқи дод-вой билан юварди. Бошқа бир ёқдан қараганда, шунчаки ёлғон гапирган бўлиши ҳам мумкин, бу кечирса бўладиган камчилик, нега деганда, дублинлик халойиқнинг бари Худонинг бориб турган меров аравакашларига ўхшайди, ҳаммаси нодон ва калтафаҳм, ҳаммаси денгизлар ортидаги узоқ ўлкаларнинг ҳангомаларига ўлардай ишқибоз, уларга қараб туриб дунё океанларини кезиб чиққан пихини ёрган денгизчи “Геспер” кемаси ҳақидаги сийқаси чиқиб кетган олди-қочди ҳангомаларни айтиб лақиллатгиси келмайди дейсизми. Охир-оқибатда киши ўзи ҳақида бичиб-тўқийдиган ҳар қандай бўлар-бўлмас воқеалар ўша кишининг

<sup>1</sup> Зарур шарти (*лот.*).

ўзи ҳақида бошқалар тўқийдиган ўта кетган бемаънилик олдида ёш боланинг чулдирашидай беозор бир нарса бўлиб кўринади.

– Эътибор беринг, мен унинг оғзидан чиққан гапларнинг ҳаммаси ёлгон-яшиқ деётганим йўқ, – давом этди Блум. – Бундай нарсалар онда-сонда бўлса ҳам, учраб туради. Масалан, улкан одамни ҳар куни кўравермайсан-ку, ахир. Ёки митти одамларнинг маликаси Марцеллани кунда учратмайсан-ку. Генри-стритда мум қиёфалар ичида мен ўзим ўз кўзим билан аштектларни<sup>1</sup> кўрганман. Уларнинг номи шунақа. Улар чордона қуриб ўтиришади, кейин оёқларини ҳеч ёзишолмайди, пул берсангиз ҳам удда қилишолмайди, нега деганда уларнинг мана бу ердаги пайлари, мана, кўрдингизми, – у суҳбатдошининг оёғини қўли билан чизиб кўрсатди, – ўнг тизза тагидаги пайлар, яна нима десангиз, ўзингиз биласиз, мутлақо ишга ярамайдиган ожиз бўлиб қолишган, бу чордана қуриб ўтиришнинг натижаси, улар уззу кун шундай ўтиришади, одамлар уларга Худога сифингандай сизга сифинишади. Мана сизга содда кўнгиллар деганингизга яна бир мисол.

Бироқ, келинг, биродаримиз баҳрий Синдбод ва унинг ақли лол қолдирувчи саргузаштларига қайтайлик (бу киши унга Людвиг, яна бир оти Ледвижни эслатарди, Майкл Ганн “Учар голланд”ни бошдан-оёқ қўйганда, у “Гэйети”да қўшиқ айтарди, бу катта ютуқ эди, мухлислар ёғилиб кетган уни эшитиш учун ур-йиқит қилиб ёпирилиб келишарди, лекин умуман олганда, кемалар қандай кўринишда бўлмасин, саҳнада жуда хунук чиқади, поездлар ҳам худди шунақа). У буларни бўлиши мумкин бўлган нарсалардай қабул қиларди. Аксинча, орқадан келиб пичоқ уриш анави италянларнинг қўлидан бемалол келади, лекин у ўша Кумдаги мўъжазгина Италиядаги музқаймоқ ёки қовурилган балиқ сотувчилар ёки кўчага картошка қовуриб чиқувчиларни умуман олганда ақли расо, тежамкор ва ишдан қочмайдиган одамлар деб ўйларди, фақат бир камчиликлари ярим кечалари юриб мушукка ўхшаш ювош ва фойдали махлуқларни овлашга ишқивоз эдилар, бу ҳайвонларни бировга қарашли деб ҳам ўтиришмайди, эртасига булардан саримсоқ солинган хушхўр ўткир суюқош тайёрлаб сотишади, деб қўшиб қўйди у овозини пастрлатиб ва яна секингина, бунинг устига арзон ҳам, деди.

– Ёки испанларни олинг, – давом этди у, – жуда қизиққон халқ, дарров жўшиб ҳовлиқиб кетишади, ҳаш-паш дегунча оломон қилиб юборишади, суд-пуд деб ўтиришмайди, озғингизни очолмай қоласиз, тўғри жаҳаннамга жўнатишади, ханжарлари доим ёнларида, қоринга паққа уришади-ю тамом-вассалом. Бунинг ҳаммаси ҳавонинг иссигидан, иқлим сабабчи. Менинг хотиним испан аёли, яъни ярим испан деса ҳам бўлади. Агар хоҳласа, испан фуқаролигини талаб қилиши мумкин, ҳақи бор, негаки у Испанияда (хужжатга кўра) туғилган, Гибралтарда. Туп-тус испан қизи. Ўзи росмана қорачадан келган, худди мумдай қоп-қора, имоним комил, иқлим одамнинг феъл-атворини белгилайди. Мен сиздан шеърларингизни италянчада ёзмайсизми, деб сўраганим боиси шунда эди.

– Эшикнинг нариги ёғидагилар, – орага гап қўшди Стивен, – ўн шиллингга ҳирс қондирадилар. *Roberto ruba roba sua*<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мексикада хиндиларнинг йирик элати. Блум дарвеш йоғларни кўрган бўлса керак, аштектларга чалкаштиряпти.

<sup>2</sup> Роберто рўпоҳ рўдапосини ров қилар (итал. тез айтиш).

Кум ёнидаги кичкина Италия—Дублиндаги италянлар яшайдиган маҳалла.

– Жуда ҳам тўғри, – маъкуллади мистер Блум.

– Ундан сўнг, – давом этди Стивен нигоҳини бўшлиққа тикиб ва худди ўз-ўзига ёхуд қандайдир аллакимга қарата сўзлагандай, – Дан-тенинг эҳтироси ҳамда тенг томонли учбурчак мавжуд, мисс Портинарини у севиб қолган эди, кейин Леонардо, ундан кейин Сан Томмазо Мастино<sup>1</sup>.

– Бу қон билан кирган, – дарҳол рози бўлди мистер Блум. – Ҳаммаси қуёш қонида ювилган. Биз учрашмасимиздан сал илгари мен Килдер-стритдаги музейга кирган эдим, тўғри келиб қолганини қаранг, қадимги антик ҳайкалларни томоша қилдим. Беллар, кўкраклар ниҳоятда бир-бирига уйғун. – Сиз ундай аёлларни бу ерда учратмайсиз. Мабодо истисно бўлмаса жуда кам. Рост, гўзаллар бор, ўз ҳолига жуда чиройли, келишганлари бор, аммо мен назарда тутган нарса бу қадди қоматнинг мавзун нафислиги. Ундан кейин уларнинг либос танлашга фаросатлари етмайди, аксар ҳаммалари шундай, нима деганда ҳам, либос табиий гўзалликка янада гўзаллик қўшади. Бўлмаса пайпоқни ҳам гижим қилиб киядими, балки бу менинг ўз шахсий фикримдир, аммо гижимланган кийимга ҳеч қарагим келмайди.

Орада улар теварагида бўлаётган гуруннинг чўғи сўна бошлади, кейин денгизларда бўладиган турли воқеалар устида гап кетди, кемаларнинг туманлар қўйнида ғойиб бўлишлари, муз тоғлари билан тўқнашиб кетишлар ва ҳоказо гап борди. Албатта, бу борада бизнинг Полундрамизнинг<sup>2</sup> олдига тушадигани йўқ эди. У Яхши Умид бўғозидан бир неча бора айланиб ўтган, ёзу қиш Хитой денгизларида эсадиган муссон шамолларини кўрган, унинг ҳикоя қилишича, мана шу бало-офатларнинг ичида фақат биргина нарса ўзининг тили билан айтганда унга ҳеч қачон хиёнат қилмаган экан, у ҳам бўлса, муқаддас тумори доимо уни қутқарган экан.

Сўнг гурунг бафуржа Норвегиянинг барк кемаси ҳалокатга учраган Даунт-рокдаги бахтсиз воқеага бориб тақалди; ҳеч ким бу кеманинг номини эслолмади, ниҳоят, анов ўлардай Генри Кэмпбеллга ўхшайдиган извошчи пешонасига шап этиб урди, “Палме!” – деб қичқирди. – Бутерстаун қаршисидаги ҳалокат. Ушанда шаҳарда шовшув овоза бўлиб кетди (ҳатто Алберт Вилиям Квилл бу воқеа муносабати билан ноёб фазилатларга эга, ҳақиқий шоҳ асар бўлган шеър ҳам ёзиб чиқди ва уни “Айриш Таймс”да бостирди), тўлқинлар кемани кўмиб юборди, Соҳилда ачиниб турган минглаб кишилар даҳшатдан тош қотиб қолишди. Шундан сўнг яна кимдир Суонсидан чиққан “Леди Кернз” деган кеманинг ҳалокати тўғрисида алланималар деди, унга қаршидан келаётган “Мона” кемаси урилиб кетибди, ўшанда денгиз зимистон қоронғуликка чулғаниб ётган экан, “Леди Кернз” бутун командаси билан бирга чўкиб кетибди. Ҳеч ким ҳеч қандай ёрдан беролмабди. “Мона”нинг капитани кейин айтганмиш-ки, тўқнашиб кетишдан кўрқдим, шпангоутлар чидамайди, деб ўйладим дермиш. Ҳолбуки унинг трюмида ҳатто сув ҳам бўлмаган.

Гурунг шу ерга келганда, кичкина бир воқеа рўй берди. Саёзликка чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди, шекилли, баҳрий заҳар қистаб ўрnidан турди.

– Сенинг қаршингдан кесиб ўтишга ижозат бер, ошна, – деб муурожаат қилди у уйқусираб, боши тушиб кетаётган ёнидаги кишига.

<sup>1</sup> Беатриче Портинари турмуш қурган эди. Муҳаббат учлиги назарда тутилади.

<sup>2</sup> П о л у н д р а – хавф-хатардан огоҳ қилувчи овоз (*халқаро сўз*).

У оҳиста, оғир қадам босиб, ўзига йўл очганча эшикка қараб юрди, у эшикдаги бирдан-бир зинадан вазмин сакраб тушди-да, чапга ўтди. Йўлини топиб бораркан, уни ўрнидан қўзғалган вақтданоқ кузатиб турган мистер Блум унинг ҳар битта чўнтагидан чамаси баҳрийлар ичадиган ва юрагининг ўтини босадиган ром шишаси туртиб чиқиб турганини кўрди, баҳрий чўнтагидан битта шишани чиқариб пўкагини очибми бурабми олди-да, оғзига тутиб ютоқиб ича бошлади, шишанинг қултиллагани аён эшитилиб турарди. Ўзининг билганидан қолмайдиган Блум қари масхаравоз бизни чалгитиб, аслида аёл қиёфасидаги бояги рўдапонинг орқасидан тушди, деб даргумон бўлди, бироқ у хотин аллақачон кўздан ғойиб бўлган, шунинг учун кўзларини йириб очиб қараб, аранг шу нарсани илгидики, ромнинг кучидан анча-мунча тетиклашган баҳрий чол Айлана кўприкнинг мушаккал ҳўкизлари ва тўсинларига аланг-жалаңг кўз югуртирар, худди ўз кўзларига ишонмаётгандай турарди, зеро унинг охириги мартаба кўрганига қараганда кўприк тубдан таъмирланиб, янгиланганди. Бу ердан ўзи кўринмаган кишилар унга Тозалик Комиссияси томонидан маълум мақсадларга кўра шу атрофда қурилган эркаклар бадрафхонасини кўрсатишди, аммо тамомила сукунат ичида ўтган бир неча сониядан сўнг, баҳрий турган жойидан жилмасликка қарор бериб, шу ернинг ўзига бўшаниб қўя қолди, шундан сўнг ичидан шилдираб тушган сувлар тош йўлдан жилдираб оқиб борди-да, йўл четида тўхтаб турган отни безовта қилиб қўйди. Ҳар нечук, у тақасини тақиллатиб бошқа жойга ўринлади. От абзали шақирлади. Шаҳар тошлоқларининг қоровули ўзининг чўғлари яллиғланиб турган манқал ёнидаги кулбасида мудраб ётганча безовта қимирлади, бу ўша биз юқорида эслаган, ҳадеса ўрнидан сакраб турадиган, ишқал дунёда омади тубан кетган Гамли эди, у ҳозир амалда қавмнинг хайр-эҳсони ҳисобига кун кўрар манави вақтинчалик омонат ишга эскидан таниш-билишлигини риоя қилиб одамгарчилик юзасидан Пэт Тобин жойлаштирганди; Гамли кулбасида у ёнидан-бу ёнига ағдарилди-да, сўнг яна уйқу илоҳининг қучоғида кўзларини юмди, ҳақиқатан ҳам бу оғир замонлар яхши оиладан чиққан, бир умр пичоғи мой устидан тушмаган, ялло қилиб яшаган бу йигитни эзиб қисти-бастига олганди; бир сафар ҳатто худди осмондан тушгандай йилига юз фунт даромад олишга муяссар бўлган, бироқ уч карра эшакнинг қўлидан бу мўмай даромад ҳам чиқиб кетганди. Мана энди баъзи кезлар бутун шаҳарнинг оғзи-бурнини мойлаб катта зиёфатлар бериб юрган бу кимса ўзи шир яланғоч, ош деганда тиши тақиллаб ширин жонига қайдан бошпана топишни билмайди. Нимасини айтасиз, яна бош кўтармай ичади, буниси ҳам яна бир ибрат денг, ҳолбуки, у катта-катта ишларни дўндириши мумкин эди, агар-да, ҳа, баралла агар-да деб айтайлик, ўзининг шу бадбахт одатини ташлай олсайди.

Орада ҳаммалари Ирландиянинг ҳам узоқ, ҳам яқин масофага қатновчи кемачилигининг тушқунликка учраганлигини айтиб оҳвой қилишарди. Бу бир танганинг икки томонига ўхшаган ҳодиса эди. Александра кўрфазида Полгрэйв-Мэрфи учун бу йил фақат биттагина кема қурилиб сувга туширилганди. Рост, гавану бандаргоҳлар барчаси ҳеч қасққа кетгани йўқ, ўз жойида турибди, фақат уларда кемаларнинг қораси кўринмайди.

Биласизларми, деди қовоқхона хўжайини, ҳалокатда ҳам ҳалокат бор, чамаси, у аҳволнинг баридан хабардор эди.



У шуни билишни истардики, нима сабабдан ўша ҳалокатга учраган кема бутун Голуэй кўрфазидаги ягона қояга бориб баногоҳ урилади, ахир бу воқеа анави отинг қургур Уортингтон энди Голуэй бандаргоҳининг лойиҳасини илгари сураётган бир пайтда рўй бердику, а? Қани, сизлар ҳаммангиз бориб даргадан сўранг-чи, унга инглиз ҳукумати кўрсатган бундай хизмати учун қанча ҳақ тўладийкин? Ливер йўналишидаги капитан Жон Ливер.

– Тўғри айтяпманми, кеп? – деб мурожаат қилди у бўшаниб ва бошқа юмушларини бажариб қайтаётган баҳрийдан.

Ушбу эъзоз-икромга сазовор бўлмиш Зот йўл-йўлакай қандайдир қўшиқнинг узук-юлуқ бир нағмасини денгизчиларча хиргойи қилиб кела туриб кейин бор овози билан бўкирди. Бунга зийрак кулоқ солиб турган мистер Блум баҳрий томоғига ёпишиб қолган тамаки парчасини қиҳқиҳлаб чиқариб ташлашга уринаётганини англади (ҳа, бу ростдан ҳам оғизга солиб чайналадиган тамаки эди), у иштонини ечиб бўшанаётганда тамаки бўлагини кафтида сиқимлаб турган бўлса керак, кейин енгиллашгач, анави оташин култумдан сўнг бу тамаки лўнқаси унга гоятда турш туюлган бўлса, ажабмас. қисқаси, у ёзилиб-сузилиб бўлгач, атрофга ўткир ичкилик ҳидларини бурқситиб ашаддий денгиз дайди-сангилари каби ўкириб-бўкириб эшикдан бостириб кириб келди.

Кемамизда қотган нон  
Шайгон теридан қаттиқ,  
Тузланган гўшт шўрроқдир  
Лутнинг хотинидан ҳам.  
Эҳ, Жонни, Жонни Ливер,  
Эҳ, Ливер Жонни, эҳ!

Ушбу нағмасидан сўнг одамни кўрқитадиган бу тасқара дадил ичкарига қадам қўйди-да омон-эсон ўз жойига етиб бориб мукка чўкди.

Чамаси Эчки Пўстак бўлса қандайдир ғаразли мақсади бўлса керак, Ирландия табиати ва хазиначарининг чексиз бой-саховати борасида кўпириб ўзининг норозиликларини зўраки дарғазаб оҳангда ёзгира бошлади, ҳа, шунга яқин бир нарсаларни пускуриб, нақ диссертация қилиб юборди, Ирландия ёруғ оламдаги энг бой мамлакат деб пишқириб тупугини сочди, Англия у билан тенглашаман деб чиранмаёқ қўйсин, бу ердаги конларда кўмир гиж-гиж тикилиб ётибди, йилига олти миллион фунтлик чўчқа гўшти, ўн миллион фунтлик тухум ва ёғ чиқарилади, бутун бойликларни Англия йиғиштириб олади, камбағалларнинг бошига оғир солиқлар солади, бозордаги сара гўштнинг барини тортиб кетади ва ҳоказо, ва ҳоказо деб зўр бериб ўт устига ўт пуркайди. Бу ҳаяжонли мавзуда сўйламаган бир жон қолмади ва ҳаммалари аҳвол ростдан ҳам шундай бўлса керак деган тўхтама келишди. Ер юзида нимаики ердан униб чиқса, албатта, Ирландияда ҳам кўкаради, деб ёзғирди у, ана, Каванада полковник Эверард бемалол тамаки етиштиряпти. Ирландия беконига нимани тенглаштирасиз? У ҳеч кимга гап бермай қўйди ва овозини баланд пардаларга кўтариб заррача шак-шубҳага ўрин қолдирмаган ҳолда, орани очик қиладиган кун яқин деб қичқирди, қанча тилласи кўп бўлмасин, барча Зулм-золимликлари учун зўравон Англия жавоб беражак. Тарихда мисли кўрилмаган талафот яқинлашмоқда. Немис-пемис, япон-сапонлар ўлжасини пойлаб туришибди, деб уқтирди у. Бурлар эса интиҳонинг ибтидоси бўлишди. Картондан бино бўлган салтанат қуламоқда, Ирландия унинг емирилишини охирига етка-

зиб кўяди, зеро уни Ахиллеснинг товони деяверинг. Шу муносабат билан нотигимиз юнон қахрамони Ахиллнинг нозик жойи қаерда эканлигини тушунтириб ўтди. Шу жойни ҳам сомелар яна бир карра обдон тушуниб олдилар, зеро нотик товонидаги ўша жойни намойиш қилиб кўрсатиб, тингловчиларнинг бутун диққат-эйтиборини ўзига тортди. Ниҳоят, нотик ҳар бир ирландияликка маслаҳатлар берди: ўз юртингни ташлаб кетма, Ирландия учун заҳмат чек, Ирландия учун яша. Парнелл айтганидек, Ирландия ўзининг ҳар бир фарзандига таянади.

Нутқнинг оёғи тингловчилар томонидан эзгу сукунат ичида тингланди. Аммо бизнинг мусти метин йўлбошчимиз ҳадаҳа ўгитни киприк қоқмай эшитди.

— Ундан кўра ўз ишингни қилсанг-чи, барака топкур, — деб пишанг берди бизнинг тошёнғоқдай маҳкам ва чақилмас биродаримиз болохонадор тарақа-туруқларга жавобан.

Қовоқхона хўжайини емирилиш ва бошқа шу кабилар борасида ён беришга тайёр эса-да, бироқ асосий масалада оёғини тираб туриб олди.

— Кўшиндаги энг яхши жангчилар ким? — газаб сочиб сўради чиниққан фаҳрий. — Энг яхши чопағонлар ва сакровчилар ким? Ким бизнинг энг асл генералларимиз ва адмиралларимиз? қани шуни менга айтиб беринг-чи?

— Кўплари ирландиялик, — деб маълумот берди извошчи. У ранг-бўёғини демасангиз, нақ Кэмпбеллнинг ўзгинаси.

— Мен нима деяпман, — илиб кетди кўпни кўрган баҳрий. — Католик динидаги ирланд деҳқони. Салтанатимизнинг асосий таянчи, умуртқаси шу. Жем Маллинсни биласизларми?

Хўжайин унинг ва бошқа ҳар қандай одамнинг бу борада ўз фикри бўлиши мумкинлигини айтиб, мен ҳар қандай салтанатга, униками, бошқаникими, тупурдим деди, аммо кимда-ким бу салтанатга хизмат қилса, уни ҳеч қачон ирланд деб тан олмаслигини билдирди. Ўртада даҳанаки жанглар қизиди, баҳс аланга олди, одамлар сўкиш ва мушт кўтаришлар бошланмасдан бурун мусобақани жон қулоқлари билан тинглашар, роҳиблар ҳам энди ўзларининг ҳақ эканликларини тасдиқлатиш учун уларга тез-тез мурожаат қилишарди.

Бир қанча йиллар мобайнида тўпланган ишончли маълумотлардан бохабар мистер Блум бундай башоратларни ғирт бемаъни бир нарса деб билар, чунки ўша мақсад ёқадими, ёқмайдими, бундан қатъи назар, у шуни аниқ англаб билардики, агар-да ўзларининг кўрфаз ортидаги қўшнилари мабодо у ўйлагандан кўра ҳам аҳмоқроқ бўлмасалар, унда ўз куч-қудратларини ошкор қилгандан кўра яширганлари маъқулроқ эди. Бу маълум доираларда оруланиб келган ҳавойи орзу-умидларга ҳам мос келардики, унга кўра шу миллион юз йилликлардан сўнг қардошлар оролидаги кўмир конлари хазиналари батамом қуриб битади, нима ҳам дейиш мумкин, агар-да неча юз йиллар ўтиб, шундай ҳодиса содир бўлганда ҳам, бу борада у ўзи томонидан фақат мана шуни айта олардики, бунчалар узоқ вақт орасида жуда кўп бошқа ҳол, бошқа шароитлар ўз-ўзидан юзага чиқиши мумкин эдики, улар охириги ечим учун юқоридагидан кам бўлмаган муҳим аҳамият касб этади шу боисдан ҳали турли-туман гап-сўз, ҳукм-хулосалар давом этаётган экан, энг яхшиси — ҳар иккала мамлакатнинг неъматларидан фойдаланаверган маъқул, гарчи улар икки душман кутбда турсалар-да. Шундан ўзга расо йўл йўқ. Яна бир эйтиборли тафсилот шундан иборатки, агар кўпол авом тили билан айтади-

ган бўлсак, фоҳишалар билан уларнинг жазманлари ўртасидаги иш-қивозликлар унга яна шуни ҳам эслатдики, ирланд жангчилари Англия учун қанчалар кўп урушган бўлсалар, айти чокда унга қарши ҳам шунчалар кўп жанг қилганлар, ҳатто буниси олдингисидан кўпроқ ҳам. Негадир шундай бўлган-да, ахир. Шундай бўлгандан кейин ҳозирми ё илгарими бўлганми ё бўлмаганми, ўша машҳур енгилмаслардан деб танилган ва Фицхаррис деб ном қозонган бу қаҳвахона эгаси билан унинг ўроқда йўқ машоқда йўқ хирмонда ҳозир муҳолифи ўртасида рўй берган ушбу даҳанаки жанг инсон қалбининг донишманд билимдони бўлмиш бизнинг кузатувчимизгагина бориб турган ғирт кўзбўямачилик бўлиб туюлди, яъни ҳаммаси худди олдиндан келишиб қўйилгандай эди, бошқалар эса буни фаҳмлаганлари, ҳатто хаёлларига келтирганлари ҳам йўқ. Ижарадор ёки хўжайин масаласига келганда, у аҳтимол ўша донгдор кимсанинг ўзи ҳам эмасдир, сартопо оқили замон Блумда мутлақо ўзини оқлайдиган шундай қатъий сезим туғилдики, агарда сен каллаварам эшак бўлмасанг, бундай кимсалардан узокроқ юрганинг ва на улар ва на уларнинг жинояткор гуруҳлари билан муомала қилмаганинг ва буни ҳаётингнинг қоидасига айлантирганинг яхши, нега деганда айғоқчи хабаркаш чиқмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ ана унда сени оёғингни ерга теккизмай қиролича прокурори қўлига топширишади, ҳозирда бу балки қиролдир ёки қандайдир Дэнис ёхуд Питер Кэрига ўхшаган бирон таъвия ҳам бўлиши мумкин, лекин у бундай фикрларни қатъиян ўзидан қуварди. Бунинг устига, ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда, умуман у ҳар қандай жиноят ёки ёвуз қилғиликларни сира ёқтирмасди. Ҳар қалай, жинояткорона майллар ҳеч қачон ва ҳеч қандай бир тарзда унинг қалбида уя қурмаган эса-да, у шуни ҳам ҳис қилар ва инкор этмасдики (ич-ичида ўзида мустаҳкам турган ҳолда), ўзининг сиёсий эътиқодидан куч-қувват олган ҳолда керак бўлганда ҳақиқатан ҳам ўткир пўлат, пичоқни росмана ишга солган (шахсан ўзи ҳеч қачон бундай журъат кўрсатишга жазм қилмасди) кимса олдида алланечук фахрланиш туйғусини сезарди, энди бундай қараганда, бу ишлар жанубий ўлкалардаги муҳаббат можароларида юз бериб турадиган қасос олишлардан сира фарқ қилмасди, дорга осанларми кўясанларми барибир бу қиз меники, ёки орқа олдида эри бор, бахтиёр жазман хусусида хотини билан икки оғиз гаплашиб қисқа қиладиган (аввалдан кузатиб юриб уларни аниқ қўлга туширган эди-да), никоҳдан ташқари алоқага йўл қўйган ёстиқдошига тиг уради, ханжар тиқиб ўлдиради, кейин бирдан эсига келиб қолади, ахир бу отинг қургур Фиц-ку, лақаби Така палон-палон, у ҳақиқий иштирокчиларни отда олиб қочган, холос, демакки, агар унга тўғри маълумот етказган бўлсалар, Фицнинг ўзи пистирмада ҳам ўтирган эмас, шу сабаб бўлиб уни донгдор адвокатлардан бири ўлимдан қутқариб қолган. Нима бўлмасин, буларнинг ҳаммаси аллақачон унутилиб кетган, бизнинг дўстимиз қайсидир Така палон-палонга келсак, шуҳрат унга вафо қилмади. Ҳар қалай, у ё аллақачон дорга тортилиши ва ё ўз ажали билан ўлиб кетиши керак эди. Бўлмаса, худди ҳозирги актриса хотинлардай, оҳ, алвидо, алвидо, бу сўнгги хайрлашув дейди-ю, кейин яна кулиб, табассум қилиб саҳнада пайдо бўлади. Ҳа, бемаънидан бемаъни саховатга бой, жўшқин ва харрос, иқтисод қилиш, тежаш хаёлида ҳам йўқ ва ҳар дамда осмондаги ойни қўйнига тиқиб келишга тайёр. Худди шунингдек, бизнинг оқилу доно кузатувчимиз, мистер Жонни Ливер яқин атрофдаги кемалар доқларини назоратдан ўтказаркан, “Кўҳна Ирландия” тавернасининг хушқайф муҳитида бир

мунча фунтлару шиллинглардан бўшанганлигини қаттиқ тахмин ҳам қиларди, нима ҳам дейсиз, о, Эринга қайт ва ҳоказо ва ҳоказолар. Бошқа нарсаларга келганда эса, оқилу доно кузатувчимиз бундай кўшиқларнинг барини яқинда эшитган, энди шуларни Стивенга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлиб турарди. У ўзини ҳақорат қилган кимсанинг бошлаб таъзирини бериб қўйганини сўйлашга тушди:

– Ўша одам арзимаган бир нимадан ўзини хафа бўлгандай сизди, – деб тушунтирди шу жуда кўп ҳақоратларга қарамай беозор табиатини ўзгартирмаган муносиб зот, – оғзимдан беҳос бир сўз чиқиб кетибди. Кейин у мени жуҳуд деб сўқди, жаҳли чиқиб ғазаб қилиб ёпишди. Мен унга аниқ далиллардан чекинмаган ҳолда эслатиб қўйдимки, сизлар сифинаётган Худо, дедим, яъни мен Христосни назарда тутдим, у ҳам жуҳуд, унинг барча оила аъзолари ҳам худди мендек, аммо-лекин мен ўзим ундаймас, ҳақиқатни олганда. Шу денг, бу гапим унга ёмон тегиб кетди. Юмшоқ сўз жаҳдан устун. Миқ этолмай қолди шўрлик, ҳамма кўриб турди. Тўғри қилибманми?

У Стивенга ахир-сен-ҳақлисан дегандай узоқ термулиб қолди, ўзи рақибга берган маъсум мулоийм зарбадан юрагининг тубида ботинмайгина гезли фахрларди, шу билан бирга бунда илтижо маъноси ҳам йўқ эмасди, зеро, унинг ҳозирги бутун туришидан алланима таралардики, гўё бу ерда нимадир унчалик ҳам...

– Ex quibus, – минғирлади қуруққина қилиб Стивен, орада ҳар икковларининг кўзлари тўқнашиб бир-бирларини ўсмоқчиларди, Christus ёки Блум унинг исми ёки хоҳлаган яна бошқаси, secundum carnem<sup>1</sup>.

– Албатта, – деб гапини тўғрилади мистер Блум, – масалани ҳар икки томондан кўрган маъқул. Ким ҳақ, ким ноҳақ, қандайдир аниқ қоида топиш қийин, лекин ҳар қалай доим яхшилик томонга имконият бор, гарчи ҳар бир мамлакат бизнинг шўринг қурғур диёримизни ҳам истисно қилмаган ҳолда ўзига яраша ҳокимиятга эга бўлади, қанийди ҳаммада жиндаккина яхши ният бўлсайди. Сен устунми, мен устун деб мақтаниш ёқади албатта, аммо унда ўзаро тенглик нима бўлади. Ҳар қандай зўравонлик билан жиззакиликни кўришга тоқатим йўқ. Бу билан ҳеч нарсани тўхтатиб ҳам бўлмайди, ҳеч нарсага эришиб ҳам. Инқилобни орқароққа сурса ҳам бўлаверади. Одамларни, нима десаикин, бизнинг кўчамизда яшамайди, бизнинг лаҳжамизда гуфтор қилмайди деб улардан нафратланиш – ўта кетган бемаънилик.

– Қонли кўприкдаги тарихий жанг, – унга қўшилди Стивен, – Кўнчилар маҳалласи билан Ормон бозори ўртасидаги етти дақиқалик уруш.

– Шундай, – тўла маъқуллади мистер Блум, бу ниҳоятда тўғри гап эди ва бутун дунёда ҳам бундай воқеалар ҳаддан ортиқ кўп эди.

– Бу гап менинг ҳам тилимнинг ичида тургани, – деди у. – Барча фактларни бузиб кўрсатишади, учи учига тўғри келмайди, тўғрисини айтганда, ҳақиқатдан жуда узоқ...

Унинг камтарона фикрига қараганда, жангарилик безларими-ей ё шунга ўхшаш қичиқ жойларни тегажқлик қилиб қитиқлайдиган, ор-номус ва шон-шараф иши деб тамомила ногўғри баҳоланадиган мана шу ҳеч нарсага арзимайдиган жиққамушт низоларнинг ҳаммаси айлантриб келганда кўпинча пул масаласига тақалади, барининг орқасида шу туради, очкўзлик, ҳасад ҳам шундан, ахир одамлар ҳеч нарсанинг чегарасини билишмайди.

<sup>1</sup> Уларнинг... Христос... пуштидан (лот.).

– Улар айблашади, – овози борича гапирди у. Кейин у бошқалардан орқасига ўгирилиб олди, балки улар... Кейин яқинроқ сурилиб, секин сўйлади, бошқалар эшитиб-нетиб қолмасин... Мабодо улар агар...

– Яхудийларни, – оҳиста сўзлади у Стивеннинг қулогига, – бузгунчиликда айблашади. Лекин бунда заррача ҳақиқат йўқ, қатъиян ишонтириб айтаман. Билсангиз, жуда ҳайрон бўлиб қолмасмикин-сиз, тарих шуни инкор қилиб бўлмас даражада исботлайдики, мутассиб инквизиция яхудийларни қувғин қилганда, Испания таназзулга юз тутди, анов Кромвел фавқулодда иқтидорли зўравон ва яна қанчадан-қанча кулфатлар келтирган зот яхудийларни мамлакатга қўйганда, Англия гуллаб-яшнаш йўлига кирди. Нега шундай? Сабаби, яхудийлар ишбилармон одамлар, улар буни исботлаб қўйишган. Мен тилимга эрк бермоқчи эмасман... бу борадаги асосий қарашлар сизга таниш... сиз эътиқодда ҳам софдилсиз... Лекин иқтисодиёт соҳасида, агар диний жиҳатини бир чеккага йиғиштириб қўйганда ҳам, руҳоний дейишнинг ўзи – қашшоқлик деган билан баробар. Яна Испанияни олайлик, сиз урушдан хулоса чиқарган бўлуvingиз керак<sup>1</sup>, Американи қаранг, тўхтамай олдинга силжияпти. Туркларни қаранг. Гап бу ерда ақидада. Агар улар ўлгандан сўнг тўғри жаннатга киришларига ишонмасалар эди, ҳаётларини бошқача йўл билан яхшилашга бел боғлашарди, ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Маҳаллий кашिशлар ҳаммани мана шу қармоққа илинтиришади. Аммо мен, – деб хулосага келди зўриққан товуш билан қаҳрамонимиз, – анов сизга айтганим жанжалкашдан сира қолишмайдиган фидокор ирландияликман ва мен истардимки, деб таъкидлади у, – дини-ю табақасидан қатъи назар барча одамлар камтаринроқ бўлса ҳам, аммо етарли даромадга эга бўлсинлар, жуда ҳам қашшоқ эмас, айтайлик, тилига уч юз фунт даромад. Бу ҳаётий муҳим нарса ва унга етишиш мумкин, бошқа бир томондан бу одамлар ўртасида самимийлик ўрнатилишига олиб келади. Ҳар қалай менинг фикрим шундай, тўғрим, нотўғрим, Худо билади. Мен худди мана шу нарсани юртсеварлик деб биламан. Дорилфунунимизнинг мумтоз замонларида бизга шундай деб ўргатишган, *Ubi patria... vita bene*<sup>2</sup>. Яъни, маъноси қаерда яхши меҳнат қилсанг, яхши яшайсан.

Номигагина қаҳва бўлган бемаза ичимлик устида ўтириб, киндикми, диндакми ва яна алланима балолар ҳақида доно гапларни эшитиб ўтираркан, Стивен қилт этмай бўшлиққа тикиларди. Албатта, турли-туман, урғулари ҳам ҳар хил бу сўзлар унинг қулогига етиб келарди. Улар бугун эрталаб ўзи Рингсендда кўрган питир-питир қилиб ўзларини қум ичига яширган ва қумнинг турли рангларида товланган ва чамаси шу яқин ўртада уя қурган қисқичбақаларга ўхшарди. У бошини кўтарди ва меҳнат қилсанг деб эшитилган овоз, йўқ, эҳтимол, сўз талаффуз қилган кўзлар билан тўқнашди.

– Илтимос, мени ўчириб ташланг, – зўр-базўр пичирлади Стивен меҳнат қилсангни назарда тутиб. Унинг кўзларида ҳайрат порлади.

– Албатта, мен кенг маънодаги меҳнатни назарда тутаман, – деб ишонтирди мистер Блум. – Шу жумладан адабий меҳнат ҳам, ахир у фақат шон-шуҳрат учунгина адо этилмайди-ку. Бизнинг замонамизда газета энг тўғри канал, унга ёзиб туриш керак, зеро у ҳам меҳнат. Зарур меҳнат. Нафсиламарини айтганда, мен сиз ҳақингизда жуда кам нарса биламан, сизнинг илм-билим олишингизга жуда кўп маблағ

<sup>1</sup> 1898 йили бўлиб ўтган урушда Испания Америкадан енгилди.

<sup>2</sup> Қайда ватан бўлса... яшаш яхши (*лот.*).

сарф бўлган, сиз уларнинг ўрнини қоплашга ва ўзингизга яраша қадр-қимматингизга мос баҳо қўйишга тўла маънода ҳақлисиз. Худди уста деҳқон каби сиз ҳам фалсафа билан шуғулланиб ўз қаламингиз билан ризқ-рўзингизни таъминлашга сазоворсиз. Тўғрими? Сизнинг бошингиз ҳам, қўлларингиз ҳам Ирландияга тегишли. Ҳар иккаласи ҳам бирдай муҳим.

– Сиз айтмоқчисизки, – деб эътироз билдирди Стивен мийиғида кулиб, – faubourg Saint Patrice<sup>1</sup>га мансуб бўлганим учун салмоқ ва салобат касб этаманми, унинг қисқача номи Ирландия-да, а.

– Мен ундан ҳам нарироқни айтган бўлардим, – деб бошлади мистер Блум.

– Наздимда, – деди Стивен унинг сўзини бўлиб, – Ирландия менга тегишли бўлгани учун муҳим аҳамият касб этади.

– Нима-нима тегишли? – деб эгилиб қайта сўради Блум ниманидир англолмай қолгандай. Кечиринг, сўзингизнинг охирини эшитолмай қолдим. Айни сизга нима?..

Стивен нохуш бир кайфиятда гапини такрорлади, қаҳвами ё бошқа бало батгарми солинган идишни нари суриб қўйди-да унчалик ҳам одобга риоя қилиб ўтирмай қўшиб қўйди:

– Биз юртимизни алмаштиролмаймиз. Келинг, бошқа мавзуга ўтайлик.

Бу мақбул таклифдан сўнг мистер Блум гап мавзусини ўзгартириш мақсадида бошини қуйи солинтирди, лекин у қандайдир саросимага тушганга ўхшарди, зеро бутунлай нотаниш бўлиб эшитилган тегишли сўзи қайси гап бўлагига тегишли эканлигини билолмай боши қотганди. Ундан кўра қутилмаганда берилган дашном тушунарлироқ эди. Бунга яқиндагина бўлиб ўтган маишатнинг бош оғриғи таъсир этгандир, зардаси қайнаб гапирганининг боиси шудир, ҳолбуки, хушёр пайтида ҳеч қачон бунга йўл қўймасди. Балки мистер Блум улуғ аҳамият бериб қарайдиган оилавий ҳаёт етарлича бир қимматга эга эмасдими ёки йигитга ўзи муносиб доиралардан тенг-тўш ёри биродарлар етишмасдими хойнаҳой. Мистер Блум ёш ошносидан ташвишга тушиб қолди, унинг яқиндагина Париждан қайтганлигини эсидан чиқармай бот-бот ўғринча ва журъатсиз назар солар, айниқса кўзлари отаси ва синглисига ҳайратомуз тарзда ўхшаб кетар, шу билан бирга, ҳалиги нозик масалада аниқ-равшан бир тўхтамга келолмасди, хаёлида ҳаётда бўлиб ўтган турли воқеалар бирма-бир гавдаланарди, ҳаммага ажойиб умид бағишлаган юксак маданиятли шундай навқирон ёшлар ҳали ўн гулидан бир гули очилмай айниб кетишар ва бунда уларнинг ўзларидан бошқа бирон кимсани айблаб ҳам бўлмасди. Мисол учун эслайлик хаёлпараст О'Каллаганни, унчалар давлатманд бўлмаса-да иззат-икромли хонадоннинг фарзанди эди, эс-хуши кўпинча жойида эмас, телба-тескари қилиқлар қиларди, ичиб олганда кўрсатадиган ширин ҳунарларидан бири нарса ўраладиган қоғоздан кийим ясаб, даврага шуни кийиб келарди (бўлган воқеа), маст ҳолида унга мутлақо тоқат қилиб бўлмасди. Майнавозчиликларида ҳаддан ошиб кетган чоғларда ишқал чиқарар, ҳатто орқаси тешиладиган даражага бориб етар, шунда бир қанча улфатлари уни кўздан узоқроқ жойларга жўнатишарди, бир сафар Марказий полиция бошқармасида ишлайдиган Жон Меллон унинг Жиноий Кодекс қўшимчасининг иккинчи бўлимига биноан жавобгарликка тортилиши мумкинлигига ишора қилди, бунга кўра иш юзасидан сўроққа

<sup>1</sup> Авлиё Патрик қасабаси (франц.).

чақирилган кишиларнинг айримларининг номлари ошкора этилмайди, бунинг сабаби елкасида калла кўтариб юрган ҳар бир кимсага яхши маълум. Хуллас, хулосанинг лунжига уриб айтадиган бўлсак, олти-ю ўн олти, буни у ўла қолса эшитишни истамайди, Антонио ва шериклари, чавандозлар ва эстетлар ва игна санчиб ясалган суратлар, етмишинчи ёки шунга яқин йилларда урфга кирган нарсалар ҳаттоки лордлар палатаси ҳам бундан истисно эмасди, нега деганда ўшанда ҳали тахт вориси бўлмиш ҳукмрон подшоҳ ёш чоғларида шундоқ эди олий оқсуяклару улуг киборларни-ку асти қўяверинг, улар бари давлат бошлиғининг изидан эргашиб бордилар, у дунёнинг зўравонлари ва тождор зотларининг ахлоқ қоидаларига тамомила зид бўлган қилғиликлари борасида ҳаёлларга ботарди, мисол учун бундан бир неча йил бурун рўй берган Корнуэлл воқеасини олинг, ҳашаматли пештоқлар ортидагина она табиатта батамом зид ишлар бундай ишларни қонун ҳам, эзгу хулқ-атвор ҳам қоралайди, киши ўйласа даҳшатга тушиб сочи тикка бўлади, лекин шунда ҳам сабаб-асбобни бошқа бир нарсада кўришади, тахмин қилишади, лекин асосий сабаби бутунлай бошқа ёқда қолиб кетади, асосан хотин-қизлардан ташқари булар кўпроқ бир-бирларига панд бериш, бир-бирларини чалиш билан овора ва айниқса асосан безаклару хайлу ҳашамга ўхшаган нарсалар борасида. Бошқачароқ либослар кийишга дид-фаросати етадиган хонимлар, барча пўрим кийиниб юрадиган эркаклар ҳар қандай йўл билан бўлмасин жинслар ўртасидаги жарликларни, ўтиб бўлмас фарқларни иложи борица бўрттириб таъкидлашга уринишади, эркагу аёл ёлғиз қолишганда биргаликда қилишадиган беҳаёликларга янада ўткирроқ тус бермоқчи бўлишади, аёл эркакнинг тугмаларини ечади, эркак эса аёлнинг боғичу чизимчаларини бўшатади, э, эҳтиёт бўл, тўғноғич, ҳолбуки қандайдир одамхўрлар яшайдиган оролларда сочда ҳарорат қирқдан ошган пайтлар анов ёввойиларнинг бари бундай қичиқларни сариқ чақага олмай ўз ишини бажаради. Лекин, қани, гапнинг бошига қараб айланиб ўтайлик-чи, ахир шундай арбоб-ардоблар ҳам йўқ эмас-ку, улар энг қуйи зинапоячалардан энг юқори погоналаргача фақат ўз куч-ғайратлари билан ёриб чиқишган. Ёлғиз табиий қобилиятларига таянишган. Калламизни ишлатяпмиз, сэр.

Мана шу ва бошқа сабабларга кўра, назарида ўзининг манфаатлари ва иккинчи бир жиҳатдан бурчи шошилмаслик ва кутилмаган тасодифий учрашувдан фойдаланиб қолишликни тақозо этарди, гарчи у нимага шундайлигини аниқ-таниқ айтолмасди, ҳолбуки шундай ҳам бир неча шиллинг пул аллақачон ҳавога совурилиб кетган ва бунга йигитнинг ўзидан бошқа биров айбдор эмасди. Лекин ҳар қалай, бошқаларга сира ўхшамаган, салоҳияти ва салиқаси кишини жуда чуқур ўй-хаёлларга толдирадиган инсон билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳеч шак-шубҳасиз юз бераётган оворагарчиликларни оқларди. Бундай интеллектуал рағбатлантириш вақт-бевақт, назарида ақлни пешлаш учун ғоятда қўл келарди. Бунинг устига бунда учрашув, суҳбат, рақс, жанжал, қари баҳрий ҳаммаси устма-уст келаверди, бирма-бир ўтаверди, лип этди-ю ўчди, бир олам воқеалар ва одамлар, барчаси бир бўлиб дунёнинг тошга ўйилган бўртма нақшидай бўлиб қолди, ахир биз шу очунда яшаймиз-да, яна шуни ҳам алоҳида ҳисобга олиши зарурки, қашшоқ тубан табақалардан бўлмиш сув остида сузувчилар, кончи кўмир қазувчилар, ахлат йиғиштирувчилар ва ҳоказо ҳоказоларнинг турмуши охириги пайтларда зўр бериб микроскоп остида қаралмоқда эди. Олтин дақиқалар янада чиройлироқ ўтсин деб, у ўйладики, менга ҳам худди мистер Филип Бюфой сингари омад кулиб боқиши мумкин, бунинг учун ёзишга ўтирса

қалай бўларкин мисол учун биронта ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ажойиб бир ҳодисани тасвирласа (у худди шунга ҳаракат қилмоқчи эди) ва ҳар бир устунига бир гиней қалам ҳақи қўйилса, айтайлик, бу нарса “извошчи кўналғаси”даги таассуротларим” деган сарлавҳа остида босилиб чиқса...

Тақдир тақозоси билан “Телеграф” газетасининг пушти қоғозга босилган шошилинич сони, минг ёлғон ёзган билан қоғоз ўла қолса қизармайди, — мистер Блумнинг шундоққина тирсаги тагида ётар, у эса ҳеч кўнгли жойига тушмай ҳамон ўзига тегишли юрт тўғрисида ва навбатдаги ребус устида бош қотирарди кема Брижуотердан келди очик хат А.Буден номига жўнатилган капитаннинг туғилган йилини кўрсатинг, унинг кўзлари ўзининг соҳасига тегишли бўлган сарлавҳалар устида лоқайд кундалик газетамизни кунда канда қилмай етказгайсан. У аввал сесканиб кетди, лекин маълум бўлдики, бу қандайдир Х.Бойл деган кимса ҳақидаги алланима экан, ёзув машинкалари сотувчи агент ишқилиб шунга яқин бир нарса — катта жанг, Токио. Ирландча ошиқ-маъшуклик, зарар 200 фунт. Гордон Беннет. Муҳожиротга оид кўзбўямачилик. Олий ҳазрат архиепископ Виялнинг мактуби. Аскот Реклама такрор Дерби 1892 йил. Ўшанда сэр Хюго, кам. Маршаллнинг қора тўриқ оти барча тахминларга зид ўлароқ бош совринни олди. Нью-Йоркдаги ҳалокат. Ҳалок бўлганлар минг киши атрофида, Оқсим. Мистер Патрик Дигнамни кўмиш маросими.

Хуллас, у ўзини чалғитиш учун шўрлик Дигнамнинг ўлими ҳақида ўқий бошлади, уни охириги маконига кузатиш одамни маъюс қилиб кўядиган воқеалардан эканлиги ҳақида ўйлади.

— Бугун эрталаб (албатта буни Хайнс терган) марҳум мистер Дигнамнинг тобутини унинг Сэндимаунтдаги (Нюбирж авеню, 9) уйдан Гласневин қабристонига қўйиш учун олиб чиқилди. Марҳум ноёб яхши одам эди, шаҳримизда уни ҳамма танир ва севарди, қисқа давом этган касалликдан сўнг унинг қазо қилиши турли табақалардан бўлмиш фуқароларни чуқур қайғуга солди. Кўмиш маросимида (эҳа буни Корни тикиштирган) марҳумнинг кўпдан-кўп дўсту биродарлари иштирок этишди, маросимни “Х.Ж.О’нил ва ўғли” фирмаси, Шимолий Стрэндрод, 164, адо этди. Марҳумни кузатиш чоғида қуйидагилар ҳозир бўлишди: Патк Дигнам (ўғли), Бернард Корриган (қайниси), Жон Генри Ментон, Мартин Каннингем, Жон Пауэр едвч × адор дорадор дурадор (шу ерга келганда у оқсоқол Монксни чақириб қолган бўлса керак Ключчи рекламаси хусусида), Томас Кернен, Саймон Дедал, Стивен Дедал, Б.Н., Эдвард Ж.Лэмберт, Корнелиус Келлехер, Жозеф Макҳайнс, Л.Блум, Ч.П.Маккой, ҳамда Макинтош ва бошқалар.

Л.Блум деб ёзилганига гаши келиб (хато босилган) ва ҳарфлар чалкашиб кетган бояги қатор учун ҳафсаласи пир бўлиб, шу билан бирга маросимда умуман қатнашмаган Ч.П.Маккой, Стивен Дедал, Б.И.(-Макинтошни-ку гапирмай қўй қолайлик) борасида тоза энсаси қотиб, Л.Бум буларни ўзининг ҳадеса оғзини катта очиб асабий эснаб ўтирган суҳбатдошига кўрсатди, бу аҳмоқона хатоларни кўринг, деди.

— Э, у ерда яхудийларга Даствлабки мактуб босилибдими? — деб сўради ёш суҳбатдош оғзини эсноқдан базўр йиғиштириб. — Матн: Бўлса агар оқсим — бобосига сим қоқсин.

— Шундай, — жавоб берди мистер Блум (аввал ёш суҳбатдош архиепископга ишора қилиптимикин деб ўйлади, кейин оқсимни эшитиб ундай эмаслигини билди) уни хотиржам қилиш имконияти туғилганига суюниб ва шу билан бирга Майлс Кроуфорд охир-оқибатда шундай ишга борганига ҳайронлиги ортиб. — Ҳа, бор экан, шу ерда.



Стивен газетанинг иккинчи саҳифасининг охирини ўқиркан, Л.Бум (унинг газетада чиққан шу номидан вақтинча фойдаланиб турайлик) бир неча дақиқа бўш вақтдан фойдаланиб, ўз томонида турган учинчи саҳифадаги Аскотда бўлиб ўтган учинчи пойга ҳақидаги мақолага қўз югуртирди. Соврин 1000 соверен ва устамасига яна олтин билан 3000 соверен ахта қилинмаган ёш айғир ҳамда байталларга қўйилган. Мистер Ф.Александрдан Реклама, Рекрутдан тўр. байт., беш яшар, вазни 130 фунт, пойгачи У.Лэйн, I. Мускат, лорд Хауард де Уолденнинг оти, пойгачи М.Кэннон. II. Тож, мистер У.Басснинг оти. III. Тиқилган пул: Мускатга 4 га 5. Рекламага 1 га 20 (аутсайдер).

Реклама билан Мускат баробар боришарди. Пойга лидерсиз ўтаётганди, аммо кейин Реклама бошқа отлардан ажралиб олдинга чиқди-да лорд Хауард де Уолденнинг саман айғири билан мистер У.Басснинг малла басталини 2,5 чақиримлик масофада орқада қолдириб кетди. Рекламени пойгага Э.Брейм тайёрлаган бўлиб, Ленеханнинг гап-сўзлари қип-қизил бемаъниликдан бошқа нарса эмасди. Финиш шак-шубҳадан холи эди, Реклама бир қадам олдин келди. 1000 соверен ва устига яна 3000 тилла соверен. Пойгада яна қатнашди: Ж.де Брамоннинг Максим Иккинчи деган оти (Бэнтам Лайонс мана шу француз отини ўйлаб қаттиқ ҳаяжонланаётган эди, у ҳали етиб келмаган, аммо тезда келиши кутилмоқда эди). Ютуққа қандай эришиш ҳақида маслаҳатлар, муҳаббат чиқимлари. Анов бир қайнови ичида Лайонс нўхтасини узиб жангга ташланди, войбў, аҳмоқ бўлиб қолишга бунча шошилмас. Албатта, ўйинда таваккалчилик бўлади, иш чаппа кетиб шўринг қургур тентак икки қўлини бурнига тиққанича қолди, барча умидлари чил-парчин бўлди. Фолга ишонганнинг шўри қурсин.

– Натижа шундоқ бўлиши олдиндан маълум эди, – деб қўйди Блум.

– Ким? – қайта сўради ёш суҳбатдош қўли ҳамон оғриётганидан безовталиқ туйиб.

– Бир кунмас-бир кун эрталаб, дерди извошчи, газеталарни шундай очамиз-у, унда “Парнелл қайтди” деган сўзларни ўқиймиз. Истаган нарсангизга бас ўйнайман. Яқинда кечаси мана шу “қўналга”-да Дублин ўқчиларидан бир аскар бола ўтириб, уни Жанубий Африкада кўрганлигини ҳикоя қилди. Мағрурлиги унинг бошини еди. Ун бешинчи кабинетдаги йиғилишдан кейин у ё ўзини ўзи ўлдириши, ё бир қанча вақт уйдан чиқмай жимгина ўтириши керак эди, ундан сўнг яна ўзини тиклаб олар ва ҳеч ким унга миқ этиб оғзини очолмасди. Ана шундан сўнг кўринг, қайтинг деб оёғига тиз чўкиб ялиниб-ёлворишларини ўшанда у ақли-ҳушини албатта ўнглаб оларди. Э, ўлишга у ўлмаган. қаёққадир яширинган, холос. Анави улар кўтариб келган тобутнинг ичи тош билан тўлдирилганди. У ўзининг отини ҳам ўзгартирган, у энди Де Вет, бурлар генерали. Фақат руҳонийларга қарши бориб хато қилди. Ва ҳоказо ва ҳоказолар.

Блум (унинг тўғри номи шундай) нима бўлганда ҳам, уларнинг бу гап-сўзларига ҳайрон қолди, зеро ўндан тўққиз ҳолда бочка-бочка-калаб ва ҳатто минглаб бочкада қора мой келтириб, уни тириклай ёқиб юборадиган эдилар, кейин эса орадан йигирма йил ўтар-ўтмай уни бутунлай эсдан чиқардилар. Албатта, мана шу гап-сўзларнинг тагида заррачалик ҳақиқат йўқ, лекин мабодо уларни тўғри деб топганда ҳам, бошқа ҳамма ҳол-аҳволларни ҳисобга олиб қараганда, унинг қайтишини Блум мақсадга мувофиқ деб билмасди. Афтидан, унинг ўлими қайси бир жиҳати билан уларга маъқул кўринмасди. Ё унинг зотилжам касалига чалиниб одмигина жон таслим қилгани

уларга ёқмасдими, ахир худди мана шу вақтга келиб унинг турли-туман сиёсий режа-гадбирлари пишиб етилиб амалга ошадиган палласига кирганди, ё яна шундай миш-миш ҳам тарқалдики, ёмгир-жалада қолиб, шалаббо бўлиб кийим-кечагини вақтида алмаштиришга парво қилмай, натижада шамолладими ва шунда ҳам врачларни чақирмай тўрт деворнинг ичида тўшакда ағанаб ётавердими то касаллик қисти-бастига олмагунча ва то жони шундан узилмагунча ва ҳаммани қайғу-ғам чоҳига ботирмагунча, атиги икки ҳафта ичида, икки ҳафтада-я шу кўргилик рўй берди ва барча доғда қолди, ким билади, яна балки ўзлари бу ишга қўл урмаганликлари алам қилгандир уларга. Албатта, у илгари ҳам ўзининг юрар йўллари, борар манзиллари ҳақида ҳеч кимга айтмас, ҳеч ким унинг қаердалигини ҳеч қачон билмас, баайни худди қўшиқда айтилгандай, “Алиса, сен қайга яшириндинг?” Кейин у Фокс, Стюарт деганга ўхшаш турли номларни қўлаб юриди, шуларга қараганда ошно-аравақашнинг бичиб-тўқиётганларида ғайрифавқулда бир ишониб бўлмайдиган нарсалар йўқ эди. Парнелл ҳақиқий маънодаги туғма йўлбошчи эди ва албатта, ўша шарт-шароитлар унинг онгини заҳарламай қўймас ҳам эди, бунинг устига қадди-қомати ҳам кўзга кўринган, гоёта басавлат, бўй-басти икки қулочдан, боринги, балки озроқдир, кам бўлмаган киши эди, мана энди анави Фалон-фалон жаноблар гарчи унинг оёғининг патагига арзимасалар-да ҳаммасини ўз қўлларига олдилар, ҳолбуки ишга яроқли жиҳатлари бармоқ билан санайдиган даражада оз, унинг олдида буларнинг барининг думи тўмтоқ. Бунда оёғи кесакдан бўлган паҳлавон ҳақидаги масал ёдга келади. Ундан кейин унинг етмиш иккита содиқ сафдошининг бари унга қарши чиқишди, яна бир-бирларининг устига тинмай мағзава ағдаришди. қотиллар ҳақида ҳам гап шундоқ. Сен яна ўша жойга қайтиб боришинг керак. Худди нимадир сени ҳеч ҳоли-жонингга қўймай тўхтамай тортиб етаклаб боради. Дублерга бош қаҳрамонни обдон кўрсатиш зарур. Уни бир сафар бахтли тасодиф туфайли “Инсаппресибул” ёки “Юнайтед Айрленд”нинг наборини тарқатишаётганда кўриб қолган, тақдирнинг туҳфаси, бунинг у гоёта қадрлайди, яна аниқ бўлган воқеа, бошидан тушиб кетганда, унга цилиндрини ердан кўтариб олиб берди, у эса “Раҳмат” деди, албатта у ҳаяжонда эди, аммо юзида ҳеч нарсани билинтирмасди, энди бу ҳар тўқисда бир айб арзимас майда-чуйда хижолатпазлик эди бир чеккаси – лекин у туғма ўзини тутиб олган одам эди. Лекин барибир яна қайтиш масаласига келадиган бўлсак, агар сизга биринчи қадам қўйишингизнинг ўзидаёқ бир гала қутурган итларни қўйиб юбормасалар, шу катта омадим келгани деб санайверинг. Доим бир сусткашлик, латтачайнарлик бошланади, буниси хўп дейди, униси йўқ. Аммо энг қизиғи, сен бошқа биров ҳамма ёқни эгаллаб бўлганида, қайтиб борасан, шундан кейин ўз ҳақ-хуқуқларингни яна бир бошдан исбот қила бошлашинг керак, Тичборн ишидаги анави даъвогарга ўхшаб. Рожер Чарлз Тичборн, кеманинг номи эсидан чиқмаган бўлса “Белла” деб аталарди, меросхўр шу кемада чўкиб кетганди, бу нарса судда аён бўлди, дарвоқе унинг ҳам тўшига игна билан нақш чизилганди, лорд Белю эди шекилли оти, тўғри-ми? У кемадаги биронта ошнасидан керакли барча тафсилотларни осонгина билиб олиши мумкин эди ахир, кейин шунга қараб ташқи кўринишини ўзгартириб, бемалол ўзини танитиши мумкин эди: “Пардон, жаноблар, мен мистер Фалончи Пистончи бўламан”, ёинки шунга ўхшаган бир гап топарди. Блум ўзининг олдида ўтирган, устида гап бораётган машҳур зотга ўхша-

шиб кетадиган бағоят вазмин суҳбатдошига айтганидай, аввалига аҳволни ўрганиб кейин ҳаракат қилиш ақлга мувофиқроқ эди, албатта.

– Ҳаммасига ўша суюқоёқ, инглиз қанжиғи айбдор, – ёзгириб деди емакхона хўжайини. – Уни биринчи бўлиб гўрга итарган ўша.

– Аммо, барибир, жуда сўлқиллаган хотин экан, – деди шаҳар маҳкамасининг котибига ўхшаган нусха, – роҳатижон. Ким-ким билан бузуқчилик қилмади. Соч олдиришга сартарошга кирувдим, ўша ерда унинг суратини кўрдим. Унинг эри офицерми, капитан экан.

– Оҳа, – ҳазиломуз деди Эчки Пўстак. – Мажруҳлар тоифасидан.

Сидқидил саховатпеша кўнгилдан чиқмиш ушбу ҳазил боис атрофда жам бўлмишлар хаҳо-хаҳо кулиб юборишди. Блумга келганда эса, у кулгига заррача қўшилмай эшик томонга қараб ўтирар ва тарихларнинг тарихи бўлган воқеа ҳақида ўй сурарди, у ўз замонасида одамларни ўзига қаттиқ банд қилганди, ўша пайтлар ўтқи янада гуриллатиш учун унга мой қуйиб, барча тафсилотларни ва жумладан ишқий хатларни ҳам очикдан-очик маълум қилишганди, хатларнинг ўзи ҳам одмироқ, турли-туман шилқиллаган эркалашлардан иборат эди. Аввалига бари бешдир соф инсоний муносабатлар эди кейин орага табиат қўшилиб ўз ишини қилди бир-бирларига аста-секин боғланишиб қолдилар кейин ишқ гуриллаб аланга олди бутун шаҳарга мишмишлар тарқалди ва ниҳоят машъум зарба тушди унинг қулашини илҳақ бўлиб кутиб юрганлар, бадхоҳ ғанимларнинг бутун бир ўрдуси бу қулашни тезлаштириб қўлларини роҳат қилиб ишқалашга тушдилар. Ҳолбуки бу воқеалар ҳеч кимга сир бўлмай қолган ва аслида у қадар шов-шув кўтарадиган эмасди, уни кейинча бориб оламшумул даражага олиб чиқиб шишириб юбордилар. Хўп, уларнинг номлари қаерда бўлмасин биргаликда чайналаркан, агарда у маъшуқасининг ўзи сайлаган ошиқ экан, унда нима сабабдан улар тўшакда бирга ётадилар деб дунёга жар солишнинг нима ҳожати бор эди ахир ҳолбуки бу нарса гувоҳлик ўрнидан туриб қасамёд қабул қилиниб айтилди ва шунда одамларга лик-лик тўла зал худди яшин теккандек сесканиб тушди гувоҳлар қасам ичиб уни палон куни тунги кийимларда нарвон ёрдамида тепадаги қаватдан тушаётганида кўрдик, у ерга яна худди шу йўл билан чиққан эди деб айтишди, бундан шираторга ўч ширинтомоқ газеталар қоп-қоп пул супуриб олишди. Ҳолбуки бутун гап айлантириб келганда жўнгина эрга бориб тақаларди у ўзини йўқотиб қўйиб паст кетган эди эр-хотиннинг бир фамилияда эканини айтмаса, ўрталарини боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ эди, э, мана шунда орадан бир кучли ҳақиқий эркак чиқади, унинг ҳатто ожизликлари ҳам ўзига яраша кучли ва у парининг жоду кўзларининг қурбони бўлиб йиқилади, оила аҳду бандларини бузади, маъшуқасининг ширин табассумларининг асирига айланади. Бу ерда яна ўз-ўзидан оила ҳаётининг азалий масаласи юзага чиқади. Мабодо ўртага учинчи эркак аралашган бўлса, эр-хотин ўртасида ҳақиқий муҳаббат бўлиши мумкинми? У эҳтирос тўлқинларига гарқ бўлиб хонимчасини ер-кўкка ишонмас экан, улар ўртасида бундай гапга ҳеч қандай ўрин йўқ. Ҳақиқатан у инсон зотининг энг сара намунаси ва бунинг устига Худо талантларни бошидан саховат билан ёғдирганди, уни мундир кийган анави кўримсиз жўн одам билан асло солиштириб бўлмасди (“Хайр, жасур капитан” қабиладаги стандарт нусха, аниқроқ айтганда, енгил отлиқлардан, янада аниғи, 18-отлиқ бўлинмадан), албатта, ўт-олов ва қайсар (яъни қулатилган доҳий, лекин анов эмас), шунинг учун ҳам хонимчаси бундай

инсон тез шуҳратга эришажагини дарҳол фаҳмлаб етди, ҳайтовур бари ўзи шунга қараб шитоб билан бораётганди, орада олдинига унинг ашаддий тарафдори бўлиб чиққан Кашишлар ва умуман Хуш-хабарнинг ходимлари билан унинг жондан севган, ўз еридан ҳайдалган корандалари (у қишлоқ жойларда буларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун жонини жабборга бериб ҳормай-толмай жанг олиб борган, улар бундан ортигини ҳаёлларига ҳам келтирмагандилар) унинг никоҳ билан боғлиқ режаларини батамом барбод қилдилар ва бошига ёниб турган чўғларни ағдардилар ва буларнинг бари ҳаммага маълум зарбулмасал бўри ва эшакка менгзаб кетарди<sup>1</sup>. Агар бўлиб ўтган ўтмиш воқеаларини бир тартиб-интизомга келтириб қарасак, буларнинг бари аллақандай тушга ўхшайди. Орқага қайтиш ҳам, бу ҳеч ақлга сиғмайдиган иш, нега деганда, қайтсанг сен ўзингни ҳамма нарсадан ортиқча эканлигингни сезасан, zero вақти келганда барча нарсалар ўзгаради. Лоақал мана ўша Айриштаун-стрэндни олайлик, у ерларга қадам босмаганига мана бир неча вақтлар бўлди, у бу ернинг шимол қисмида истиқомат қила бошлагандан бери қандайдир кўзига аввалгидан бошқача кўринадиган бўлди. Бироқ жанубми, шимолми, барибир, бунда соф ҳолдаги жўшқин эҳтирослар жўшиб тошган ва у ҳеч нарсани ҳисобга олмас, кўзига ҳеч нарса кўринмас, ва буларнинг бари Блум айтган гапларни тасдиқларди, ахир бу хотин ҳам испанлардан ё жилла қурса ярми испан эди, бинобарин бундай аёл ярим йўлда қолиб кетмайди, унинг жануб ўлкаларга хос эҳтироси тўхташ нималигини билмайди ва одоб-икромнинг қолган-қутганларини ҳам шамолга совуришдан тоймайди.

— Айни мен айтган нарсани тасдиқлайди, — деди у Стивенга юраги гизли жазиллаб. — У хоним ҳам испан аёли эди, ё мен янглишяпман.

— Испан қиролининг қизи, — жавоб берди Стивен бунга яна афтидан жумбоқ бўлиб туюладиган кечир энди, хайр-хайр испан камони ва Ўлик деб аталарди илк соҳилнинг номи, Рамхеддан эса то Спиллигача узоқ... деганга ўхшаш сўзларни ҳам қўшиб қўйди.

— Ростдан, а? — деб юборди Блум ҳайратланиб, аммо аслида ҳеч ҳайрон бўлмади. — Бундай гапларни мен ҳали эшитганим йўқ. Аммо, бу бўлиши мумкин, ҳар ҳолда хонимой у ерда яшаган. Шундай, Испания.

У қўйнидан ҳамёнини “жозибба...” тагин тушиб қолмасин деб оҳиста чиқарди, орада Кейпл-стритдан олган китобини ҳали кутубхонага топширмагани эсига тушди, ҳамённи чала-ярим титкилаб кўрди-да, ниҳоят...

— Ҳа, айтганча, сиз нима деб ҳисоблайсиз, — деди у бироз иккиланиб тургач, ранги хиралашган бир суратни чиқариб, стол устига қўяркан, — манави испанча қиёфанинг нусхаси?

Стивен унга мурожаат қилингани боис суратга қаради, унда тўлиқ бир хоним акс эттирилганди, бутун аёллик латофати ял-ял гуллаб яшнаб турарди, у кечки либосда гоятда сўлқилдоқ кўринар, кўрагининг узун қийилган қийигидан бор малоҳати очик саховати билан баралла кўзга ташланар, у атайдан ўзига жиддий тус берган, пўрсилдоқ лаблари андак очилган, шу боис марвариддек тизилган тишлари ҳам яширин қолмаган, жонон устида “Эски Мадридда”нинг ноталари ётган роял ёнида турарди, ўша пайтларда бу гўзал баллада ниҳоятда машҳур бўлиб, кенг тарқалганди. Хонимнинг шаҳло кўзлари қани

<sup>1</sup> Эзопнинг масалида бўри эшакнинг туёғига кирган қора тиканни чиқаришга рози бўлиб, эшакнинг тепкисидан ҳалок бўлади.

сенинг ҳайратга соладиган ниманг бор дегандай Стивенга ҳозир кулиб юборадигандай боқарди. Бу антиқа суратни Уэстморленд-стритлик Лафайет деган сураткаш олган бўлиб, у Дублинда бадий суратнинг энг зўр устаси эди.

– Менинг рафиқам миссис Блум примадонна Мэрион Твиди хоним, – таништирди Блум. – Бир неча йил илгари олинган. Тахминан тўқсон олтинчи йилда. Уша пайтда худди шунақа эди.

Ёш таниши билан биргаликда унинг ўзи ҳам ҳозирда қонуний хотини бўлмиш хонимнинг суратига тикилар, Стивенга баъзи маълумотларни маҳрамона ҳикоя қиларди, хотини майор Брайен Твидининг қизи бўлиб, жуда нозик таълим-тарбия кўрган, қўшиқ айтишга таланти жуда эрта уйғонган, нафис ўн олти ёшига чиқар-чиқмас илк бор саҳнага кўтарилиб олқишу таъзимларга муяссар бўлган. Суратда юзининг ифодаси ҳайратомуз ўхшайди аммо қадди-қомати бу ерда етарлича кўзга ташланмайди, бироқ унга ҳар доим ўгирилиб қарашади, лекин бунда либоси ҳам нимагадир унча ўзига ярашмай тургандай. У тикка турган ҳолда ҳам гоятда чиройли суратга тушиши мумкин эди, деди Блум, ўзи жуда ҳам келишган дўмбоқ аёл. Бўш вақтларида андаккина расом ҳам бўлган бу одам тараққиёги нуқтаи назаридан умуман аёл танасининг шакл андомлари хусусида гап очиб қолди, нега деганда худди атай қилгандай, шу бугун Миллий музейдаги шоҳ асарлар, такомилга етган ўша антик ҳайкалларни кўрганди. Ҳа, албатта, мрамар асл нухани, унинг елкалари, кураklarини уйғун тарзда ифодалашга қодир. Қолган ҳаммаси, ҳа, сиполик. Гарчи аслини олганда муқ. Иосиф ҳукмфармолик билан... аммо биронта ҳам фотосурат қодир эмас, нега деганда, қисқасини айтганда, бу санъат эмас-да.

У руҳнинг измига бўйсуниб денгизлар ошиғидан ибрат олароқ бир неча дақиқага суратни ўз жозибаси билан ўзини ёлғиз қолдириб бўшаниш баҳонасида нари кетмоқчийди... ёш суҳбатдоши аёл латофатидан ўзи холий баҳрадор бўлишини хоҳлаганди, аёлнинг саҳнадаги кўриниши, очигини айтганда, шундай таассуротлар уйғотардики, афсуски суратга туширадиган аппарат бунинг лазиз жозибасини беришга ожизлик қиларди. Аммо бу ўз касбининг ахлоқ-одобига тўғри ҳам келмасди. Тун ҳавоси илиқ, ёқимли ва йилнинг бу фаслини эътиборда тутганда ажиб бир тарзда сарин эди, худди момақалдиороқдан сўнг қуёш чиққандай... У ҳақиқатан ҳам анави кишининг изидан боришга қандай бир зарурат сезгандай ва худди ички бир овоз ва ўз ўрнидан қўзғалиб заруратни адо этишга йўллагандай. Лекин қандай бўлмасин, у жойидан қўзғалмай суратдан шундоқ кўзини узмай тикилиб ўтирди, сурат бироз сарғайган, кўкракнинг баланд кўтарилган жойлари андаккина эзиман, бироқ бундан унинг жозибасига заррача хилоф андаккина эзилган, бироқ бундан унинг жозибасига заррача хилоф етмаганди, кейин ёш дўсти суратнинг кўпчиган сўлқилдоқ нафосатга тўла жойларидаги бу қадар уйғунликни камоли диққат ила кўздан кечираркан, уни беҳос ҳижолатга солиб қўймаслик учун андеша қилгандай юзини ўгирди. Сурат озгина сарғайиб йилтираб қолса, бу уни янада жозибадорроқ қилиб кўрсатади, баайни агар ички кийим унчалар тоза бўлмаса ҳам, бунинг асло зарари йўқ, аслини олганда бу қотиб турганга қараганда анча яхшироқ ҳам. Уйга борганда, у йўқ бўлса-чи? Мен чироқни қидиргандим, у эса чироқ ҳақида кеча менга бир нималар дегандай бўлаётганди хаёлидан ўтди унинг лекин фақат бир зумгина чунки у шу заҳоти дарҳол ўрин-тўда бўлиб ётган эрталабки ўрин-тўшакни эслади ва ҳ.к. Руби ҳақидаги китобча билан кўч-кўч-иш (sic) қурғур худди атай қилгандай тунги тувакнинг ёнига учиб

тушса бўладими биз мактаб грамматикаси олдида ўзимизни айбдор деб сезамиз ва унга узр-маъзурларимизни изҳор қиламиз.

Ёш йигит билан ҳамроҳ бўлиш ҳеч шак-шубҳасиз унга хуш ёқмоқдайди, жуда билимдон, *distingue*<sup>1</sup>, ўзини тутиб олган, бошқаларга қараганда бир бош баланд, лекин унга қараб ҳеч хаёлингга келмайдикки йўқ ҳар қалай хаёлингга ҳам келади. Ундан кейин у суратни жуда чиройли деб айтди, нима деганда ҳам бу гап рост, лекин хонимнинг ўзи ҳам ҳозир аввалгидек эмас, анча тоб ташлаган. Нимаси бор бунинг? Бундай нарсаларнинг атрофида ўзини билмаганга солиш, мунофиқлик кўп, умр бўйи бу доғдан қутулолмайсан кўча газеталари ўлиб-тирилиб эр-хотинлар ўртасида азалдан урчиб келаётган жанжал-низоларни кўкартириб оламга ёядилар, голф ўйинчиси ёки ишқибозларнинг урф бўлган севимли актёри билан ноқонуний алоқаларни жўшиб-тошиб қоралайдилар, масалага мундоқ очиқ кўз билан тўғри ва виждонан қарамайдилар. Такдир уларни қандай қовуштиргани, ўрталарида қандай яқинлик уйғонгани, эл-юрт ичида гап-сўзлар тобора кўпайиб боргани буларнинг ҳаммаси ҳақида судда айтилди ошиқ-маъшуқларга ҳар турли фош қилувчи жумлаларга тўла хатлар келтирилди улардан очиқдан-очиқ бирга яшаганлари, ҳафтада икки ёки уч марта соҳилбўйидаги яхши таниш меҳмонхоналарда бирга турганларига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади, уларнинг муносабатлари эр-хотиндан фарқи қолмаганлиги ҳам равшан бўлди. Кейин суд шартли қарор чиқарди, ўлка прокурори ишни қайта кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин, у буни бекор қилишга эришмагандан сўнг, шартли қарор кучга кирди. Ишқ эҳтирослари кўзини кўр қилиб қўйган ошиқ-маъшуқлар буларнинг барчасини назарга илмай юраверишлари табиий ҳол эди улар иш то адвокатнинг қўлига бориб тушмагунча худди шундай қилдилар ҳам адвокат ишни қонуний бир тарзда кўзгади жабр кўрган томон номидан даъво аризасини ўртага қўйди. Ута тарихий *fracas*<sup>2</sup> рўй берган маҳалда Блум Эриннинг тож киймаган тирик қироли ёнида туриш шарафига муяссар бўлганди ўшанда қулатилган йўлбошчи хиёнаткор деб шармисор қилинган чоғда ҳам, ўз қарашларини охиригача тик туриб ҳимоя қилган ва йўлбошчининг ўнтами, ўн иккитами ёки ҳатто ундан кўпроқми содиқ сафдошлари “Инсаппресибул” йўғ-эй, “Юнайтед Айрленд” (дарвоқе, бағоят қовушмаган ном, “Ягона Ирландия”) босмаҳонасига ёриб кириб, болғалар ёки шунга ўхшаш бир нарсалар билан босма ҳарф киссаларини мажақ-мажақ қилиб ташлаган, буни ўтган кунлар йўлбошчиси ҳамда нотифининг шахсий ҳаётини қоралашни касб қилиб олган О’Брайен ифвогарларининг тухмат-бўхтонларига жавобан қасдма-қасд шундай қилдилар. Кўзга ташланиб турадиган сохт-сумбатини сақлаган бўлса ҳам, йўлбошчининг ўзгаргани сезиларди лекин доимгидай уст-бошига кўпда эътибор бермас ва ўзининг ҳеч қачон ортга қайтмас сарсилмас иродаси жаноб Фалон-Фалончиларни анча вақтларгача чалғитиб келган ва охири улар ниҳоят ўзлари топинган қоя омонат лой заминда турганлигини кўргач, ҳайратдан ёқа ушлаган эдилар, ҳолбуки бундай бўш тағзаминга уни ўзлари кўтариб чиқаргандилар, аммо бу ишларнинг барини ҳаммаларидан бурун яна ўша аёлнинг ўзи пайқади. Ўшанда тоза қиёмат-қойим бўлди ва ағдартўнтар издиҳом ичида Блум бўксасига тирсак билан берилган адувнинг оғир зарбасини еди, аммо бахтига бунинг ҳеч қандай асорати бўлмади. Унинг (Парнеллнинг) бошидаги шляпаси аниқроғи цилин-

<sup>1</sup> Нозикфаҳм (франц.).

<sup>2</sup> Жанжал, низо (франц.).

дрини эҳтиётсизлик билан тушириб юборишди тарихий ҳақиқат шулки бошқа ҳеч ким эмас, айнан Блум нима воқеа рўй берганлигини кўриб ур-йиқит ичидан цилиндрни топиб етказишни истади (зигирча ҳам пайсалга солмай дарҳол эгасига қайтарди), Парнеллнинг эса ҳозир асти бош кийимини ўйлайдиган пайти эмасди, у бош яланг ҳолда оғир ҳансираб нафас оларди, шу билан бирга у эл-юртнинг қайғусини чекадиган табиатан туғма жентелмен эди, майли у бу йўлга аввало шон-шухратни ўйлаб кирган бўлса бордир, аммо бу нарсалар унинг қонида бор эди уларни она сути билан бирга ўз жонига сингдирганди, у одоб-икром, олижаноб хулқ-атвор эгаси эди ва бу дарҳол намоен бўлди, у шу заҳоти цилиндрни узатаётган кимсага ўгирилиб қараб вазминлик ва жиддият билан миннатдорчилик билдирди, “Ташаккур, сэр”, деб қўйди, лекин бу товушнинг оҳанги тамомила бошқача эди, бўлмаса худди шу бугун эрталаб Блум бир адлия шамси анворининг бошига учиб тушган шляпасини кўндиришига тўғри келган, андаккина фарқини демаса воқеа жуда бир-бирига ўхшарди, бу дўсти қадрдоннинг кўмиш маросимидан кейин рўй берди ва у ўз шон-шарафи билан қоронғу ер бағрида ёлғиз қолди, гамгин дўстлар бурчларини адо этиб алвидо айтиб бирин-бирин тарқалишдилар.

Бошқа бир томондан уни ҳаммадан ҳам извошчилар ва бошқа ҳангоматалабларнинг масҳараомуз ҳазил-ҳузиллари қаттиқ хафа қиларди, худди шулар буларнинг барини қип-қизил майнавозчиликка айлантириб юборишган, ҳаммалари тинмай хахолашар ва ўзларини худди барини биладигандай кўрсатишар, ҳолбуки аслида ҳеч вақони билишмас, ҳатто бурунларининг тагида нима бўлаётганини фаҳмлашмасди, ҳолбуки аслида икки манфаатдор томондан бошқа ҳеч кимга бу ишларнинг даҳли йўқ эди, ҳамма гап шундаки, хотиннинг эри оти номаълум бир хайрихоҳдан хат олган ва шундан сўнг даҳлдор томонлардан бирига айланганди, ўша хайрихоҳ ошиқ-маъшукларнинг нозик бир ҳолатда қучоқлашиб турганларини кўриб қолиб уларнинг гайриқонуний алоқалари ҳақида хабар етказганди, шундан кейингина эр-хотин ўртасида жанжал чиққан ва мужрима ўз хўжаси ва ҳукмдоридан тиз чўккан ҳолда ялиниб-ёлвориб кечирим сўраган, бошқа ҳеч қачон бу нарса такрорланмайди, бегона эркак остонамизга қадам босмайди, фақат таҳқирланган эр ҳаммасини унутиб юборса ва бунга заррача ҳам аҳамият бермаса, бас, хотини уввос солиб юм-юм йиғлар, аммо бу тимсоҳнинг кўз ёшларига ўхшар, нега деганда, унинг яна бошқа кўз остига олганлари йўқ эмасди ҳар ҳолда. Шахсан Блумнинг ўзи табиатан шубҳачи одам бўлгани боис шунга ишончи комил ҳолда ҳеч қанақа эътирозга ўрин қолдирмай айтар эдики, ҳар қандай аёл, борингки дунёда энг яхши аёл бўлган тақдирда ҳам, бир эркакни ёки эркаклар рўйхатини кўз остига олиб кўяди ва улар бир-бирлари билан яхши муомала қилиб, апоқ-чапоқ бўлиб юришади, оила турмуши жонига тегиб кетиб, ўз бурчини ўташдан зерикиб қолса, жиндаккина бузуқлик йўлига киришдан ҳам тоймайди ва шунга шароит ҳозирлаб кўяди. Ушанда у ўзи кўз остига олган эркакни шум ният билан авраб, ўраб-чирмашга тушади, юрак туйғуларини унинг йўлига нисор қилади, турмуш қурган ёши қирқларга яқинлашган кўпчиган хотинлар ёшроқ эркаклар билан кўп ҳолларда худди мана шундай liaisons<sup>1</sup> боғлайдилар, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, хотинлар севиб ҳоллар қанча хоҳласангиз, шунча топиладики, бу яна бир карра юқоридаги гапни тасдиқлайди.

<sup>1</sup> Алоқа (франц.).

Энг ачинарлиси шунда эдики, бахтли тақдир шу қадар саховат билан ақлу идрок это этган ҳозирги ҳамроҳи бўлмиш ёш йигит ўзининг олтиндан ҳам қиммат вақтини бузуқ аёллар билан ўтказар, улардан бутун ҳаётини барбод қилиши мумкин бўлган биронта ёмон касаллик орттириши ҳеч гап эмасди. Бир кунмас бир кун саҳнада қаллиқ ойим пайдо бўлади-ю, бўйдоқлик кунлари билан хайрлашиб тақдир тақозосига кўра уйланади. Аммо ўшангача аёллар даврасида юрмай ҳеч иложи йўқ, бу йигитликнинг *conditiosine qua non*<sup>1</sup>. Лекин бу борада Блумнинг баъзи гумонсирашларга асоси бор шундай бўлса ҳам, у Стивендан мисс Фергусон ҳақида сўраб-суриштириб ўтирмақчи эмас (ёш йигитни эрталаб азонлаб Айриштаунга етаклаб келган йўлчи юлдуз балки худди шу қизнинг ўзидир), у қизнинг кетидан камтарона юришнинг ўзи билан чекланармикин ҳафтасига икки ёки уч маротаба чўнтагида ҳемири йўқ хиринглаган қизлар, осмонга кўтариб ҳамду сано ўқишлар, маъсум, бегуноҳ сайру сулуқлар, гулдасталар, попук қандлар етарли бўлармикин, Бошпанасиз, паноҳсиз бу етимчани аллақайси бекачлар шилиб олаётганини тасаввур қилишнинг ўзи огир, худди ўгай онадай, йўқ, унинг навқирон ёшида бундан ортиқ даҳшат йўқ. Гоҳи-гоҳида унинг оғзидан тошиб чиқаётган кутилмаганда ғалати-ғалати сўзлар ёши ундан каттароқ ҳатто отаси тенги эркак кишининг эътиборини тортар, аммо афтидан ёш йигит албатта тузукроқ овқат еб қорнини тўқлаб олиши зарурга ўхшарди, майли-да қуймоқми ё жуда бўлмаганда қайнатиб юмшоқ қилиб пиширилган тухумми, майли-да, хуллас, маза-бемаза нарсалар.

— Қачон овқатланган эдингиз? — деб сўради у гавдаси ориқ, текис башарасида қиттак ҳам ажин йўқ, аммо зўр толиққан зотдан.

— Қачонлардир кеча, — жавоб қилди Стивен.

— Кечами! — ҳайрон қолди Блум, аммо кейин яна бир эрта, яъни жума кирганини эслади. — Э-ҳа, сиз ўн икки соат илгари ёки кўпроқ демоқчисиз-да.

— Унда ўтган куни, — деб сўзини аниқлаштирди Стивен.

Бу гапдан лолу ҳайрон бўлиб қолган Блум ўйга ботди. Ҳар икковларининг қарашлари ҳар доим ҳам тўғри келавермаса-да, лекин ораларида ҳар қалай аллақандай ўхшашлик бор эди фикрлари худди бир йўналишда оқиб бораётганга ўхшарди. Блум ҳам тахминан унинг ёшларида бундан йигирма йиллар илгари Фогтер-Түпчи замонларида парламент аъзоси бўлишга ёлғондакам даъвогар бўлиб чиқиб, сийёсатга бурнини тикишга уринган чоғлари мана энди шунча вақтлар ўтиб эслайди (ва бу ўз-ўзидан унга юксак даражада бир қониқиш беради) шундай кескин фикрлар, гоёлар олдида ўзида англаб бўлмас ҳурмат-эҳтиром туярди. Мисол учун, ўша еридан ҳайдалган Корандалар масаласи эндигина кўтарилиб, ўйловчи, фикрловчи инсонларининг диққат-эътиборини жалб қилиб турганда, Парнелл албатта ёнидан бир тийин сарф қилмай танқид қилиб ўтиришга ҳам арзимайдиган шиорларга ёпишиб олмай аввал бошданоқ ҳеч бўлмаганда назарий тарзда деҳқонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади замонасозлик қилди (кейинчалик у ўз хатосини англаб етиб, бу ожизликдан батамом халос бўлди) ва ҳатто сиз ўз радикал (кескин) ақидаларингизда Майкл Дэвиттдан ҳам ўтиб кетдингиз деган таъна-дашонларга қолди, у бир вақтлар ҳамма ялписига заминга қайтсин деб тарғибот олиб юрди, бир чеккаси мана шунинг учун ҳам жамоаларнинг Барни Кирнан ҳузурида бўлган йиғинида унга қарши ўта сур-

<sup>1</sup> Зарурий шарт (*лот.*).



бетлик билан билдирилган тухмат-бўхтонларни кўнглига жуда оғир олди, ўзини бутунлай нотўғри ва тескари тушунаётганлари, шу билан бирга, буни ҳам таъкидлаб ўтмоқ керак, одам болалари ичида энг беозори бўлгани боис, шу ўз одатлари феъл-атворига хилоф равишда рақибининг (мажозан) тумшугига урди, албатта қандай бўлмасин сиёсатга келганда ўзаро низо ва душманликни тарғиб-ташвиқ этиш ва авж олдириш қандай оғир оқибатлар, қурбонларга олиб келишини у ниҳоятда яхши англари, бу айниқса ёшларнинг энг сара қисмини қашшоқлик ва азоб-уқубатларга гирифтор қилиб, энг мослашганларининг майдондан чиқиб кетишига сабаб бўларди.

Ҳар қалай нима бўлганда ҳам, орқа-олдини обдон чамалаб кўриб, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганини ҳисобга олганда, туриб йўлга тушадиган пайт келганди. Ёш ҳамроҳини ўз уйига элтай деса, бунинг ҳам ўз ишқалликлари чиқарди (хотинининг феъл-атворини билган ҳолда) бунда ҳеч қутилмаган бир нималар содир бўлиши ва барча тоат-ибодатни чиппакка чиқариши ҳеч гап эмасди, Блум бир куни кечаси уйга ҳеч ўйлаб ўтирмай оёғи синган бир кучукни (зоти номаълум) Онтарио-стритдаги уйига етаклаб келган эди (буни қаранг, ҳар иккала воқеа у қадар ўхшаш бўлмаса-да лекин бир-биридан жиддий фарқ ҳам қилмайди, ахир ёш ҳамроҳининг ҳам қўли андак лат емадими) бу воқеани ўз бошидан ўтказиб уни ҳеч унутмасди, албатта. Бошқалар бир ёқдан ҳозир Сэндимаунт ёинки Сэндикоув ҳақида оғиз очишнинг вақти ўтган, кеч бўлиб қолганди, шунинг учун бир қарорга келолмай боши қотганди. Ҳар томонлама чуқур ўйлаб қараганда, ҳамма нарса бу туғилган имкониятдан тўла охиригача фойдаланиш лозимлигини кўрсатарди. Ёш ҳамроҳи олдин унга бирмунча димоғдор ва ҳаддан ташқари жиддий бўлиб кўринди бу нарса бир ёқаси Блумга хуш ёқарди ҳам. Аммо, биринчидан, нима деса бўларкин, агар ёш ҳамроҳига бу фикрни айтса, у қўшилмаслиги ҳам мумкин эди, Блум бунга қандай ёшдашиш, фикрини қандай сўзлар билан англатишни ҳам билмасди, мабодо у ўз таклифини қабул этса албатта бундан боши осмон фалакка етган бўларди-куя, қани энди ёш ҳамроҳи ижозат берса-ю, унга нақдина пул билан ёрдам кўрсата олса ёинки агар уст-бошига лойиқ келса у-бу кийим-кечакдан пешкаш эта олса, қанийди. Ҳар томонни ўйлаб кўриб, ниҳоят у шундай қарорга келди, кўча-кўйда бўлиб ўтган нохуш ҳодисани энди эслаб ўтирмаймиз, Эппснинг бир финжон қайноқ қаҳваси билан сийлаймиз, тагига бир-икки гиламча тўшаб, бошига ёстиқ ўрнига пальтони буклаб жойлаб қўлбола ўрин-тўшак ташлаймиз. Ҳар ҳолда у ишончли бошпана, иссиққина уйдан баҳра олади, мисоли балиқни чопонга ўраб қўйгандай, мана шу ҳолатда у кўнглини хира қилиши мумкин бўлган бошқа ножоизликларни кўрмас эди ишқилиб хотини қандай бир беаъни хархашаларини қилмаса, бас. Отни қамчиламоқ даркор эди, бинобарин анави жонфигон киши, эпашанг бева худди михлаб қўйилгандек ўтирган ўрнидан қимирламас, суюкли Куинстаун мазгилига ҳам шошилгиси келмас, чамаси шу яқин кунларда куйи Шериф-стритдан пастдаги исловотхоналарда кўр тўкиб уйдан қочган ҳурилиқолар қуршовида айш-ишратини қилиб ётган ҳолда топиш мумкин бўларди ушбу одамда шубҳа уйғотадиган алламбало нусхани, нима ҳам қиларди у ерда ҳурилиқоларни эзиб, уларнинг нозик ҳиссиётларини иссиқ тропик ўлкаларда содир бўладиган турли воқеалар, баданингни жунжиқтириб юборадиган олти ўқли револьвер тўппончаларни ҳикоя қилиб жунбушга келтириб, ора-орада уларнинг бўлиқ-бўлиқ жойларини сўлқиллатиб таталаб ва яна анов қурғур са-

могондан ҳам қултиллашиб отиб ўтади-да, зерикканда яна мақтана-мақтана ўзи ҳақида зарбулмасаллар айтади аммо аслида унинг кимлигини ҳеч кимса билмайди бедананинг уйи йўқ қайга борса питпилдиқ, мадам Алгебра пассим айтмоқчи, номимизнинг бош ҳарфи аксдан бошланади. Шуларни ҳаёлидан кечириб тураркан, Блум қон ва жароҳатларга қорилган ҳалиги валломатнинг хуружига қарши бошлаб жавоб бергани, сен сиғинган Худо яхудий эди, деб тилини калимага келтирмай қўйганини ичида мамнун кулиб эсларди. Одам боласи бўри тишласа, қўнади, лекин қўй сузиб йиқитса, ичи куйиб ўлади. Ўша дилрабо Ахиллнинг энг нозик жойи ҳам ўша эди. Сиз сиғинган Худо яхудий. Нега деганда, афтидан уларнинг ҳаммалари Худо Каррик-Шаннон ёнки яна қайсидир Слайго диёрининг гадой топмас бир пучмоғидан келиб чиққан, деб ҳисоблашса ҳам ажаб эмас.

– Мен шундай таклиф қиламан, – деди ниҳоят ёши улуг қаҳрамонимиз ҳар томонни обдон ўйлаб кўргач, суратни ҳаё-ибо билан ички чўнтагига жойлай туриб, – бу ер ёмон дим бўлиб кетди, келинг, бизниқига бораёлик, бемалол гаплашиб ўтираемиз. Менинг қўналгам бу ердан унча узоқ эмас. Манави зардобни ичманг. Жиндак кутиб туриг, мен ҳақини тўлаб келай.

Ҳозир айни жўнайдиған пайт, у ёғига Худо пошшо, шамол қайга етакласа, етаклайверади, Блум иболаниб суратни чўнтагига жойларкан, қўналга эгасига ишора қилди у эса ҳали...

– Шундай қилганимиз тузук, – деб ишонтирди у Стивенни, ёш ҳамроҳга эса ҳозир “Бронза калла”га боришадими ё янги дўстининг уйигами, ё яна бошқа бирон жойга, барибир эди ҳар қалай...

Блумнинг толиқиш билмайдиган миясида минглаб ҳаёлий режалар гувиллаб чарх урарди, билим (жуда юксак даражада), адабиёт, журналистика, конкурс ҳикоялар, замонавий реклама, инглиз курортлари бўйлаб концерт дастурлари, кўпдан-кўп театрлар, лиқ-лиқ томошабинлар, соф италян тилида айтиладиган дуэт кўшиқлар, яна қанча-қанчалаб бошқа шу каби ишлар, албатта, улар тўғрисида бутун жаҳонга, атроф тумонотга жар солиш шарт эмас, андаккина омад кулиб боқса, бас. Бошлаб юбориш керак, холос. Блум ёш ҳамроҳи отасининг кучли овозини мерос олган деб, ишончи комил эди, у худди шу нарсага умид боғларди, бунинг ўрни ҳам бор эди, шунинг учун ёмон бўлмас ва зарар ҳам қилмасди агар шу тўғрида оғиз очса...

Газетани қўлига олиб ўқиб ўтирган аравакаш Лондоннинг қаеридадир бўлиб ўтган Аравакашлар бирлашмасининг расмий зиёфат маросимида собиқ вице-қирол, граф Кадоган раислик қилганини ўқиди, ҳаяжонли хабарни ўтирганлар жимгина эшитишди, икки-уч одам узоқ эснади. Кейин бурчакдаги эскидан қолган бир нусха, чамаси, ҳалигача тетиклигини йўқотмаган шекилли, сэр Энтони Макдоннелль Юстон вокзалидан канцелярия бошлигининг қароргоҳига жўнаб кетганлигини ўқиди, ҳар қалай шунга ўхшаш бир хабар. Одамни бунчалар тўлқинлантириб юборадиган бу хабарга баногоҳ акс садо чиқди:

– Қани, бобоси, мен бу хрестоматияни бир кўрай-чи, – деди ўз одатича тоқатсизланиб, пешанаси денгизларнинг шўрини кўрган баҳрий.

– Бемалол, олавер, – деди илтифот билан бобоси.

Баҳрий ёнидаги қопчиқдан кўкимтир кўзойнагини чиқарди-да уни ҳеч шошмасдан бурнининг усти ва қулоғига қўндирди.

– Кўзингизни ишдан чиқарганмисиз дейман? – хайрихоҳ ачиниб қизиқди шаҳар маҳкамасининг котибига ўхшаган киши.

– Кўрмайсанми ахир, – деб тушунтирди соқоли Шотландиянинг тўқ кўк рангларини эслатадиган баҳрий, иллюминатор деб атаса бўладиган кўк ойнагидан қараб, афтидан у адабиётга ҳам қизиқади чамаси, – ойнак тақиб ўқийдиган бўлиб қолдим. қизил денгизнинг қуми кўзимни еди. Нима десамийкин, мен илгарилари гира-ширада ҳам ўқийверардим. “Минг бир кеча” билан “қизилгул”ни бошимни кўтармай ўқирдим. Шундан кейин у чангалига газетани олиб мук кетиб ўқишга тушди, Худо билади нимани ўқийди, сувга чўккан одам топилганими ё крикет<sup>1</sup> қиролининг қаҳрамонликлариними. Гневингдом юздан ортиқ очко олибди, иккинчи кичик дарвоза, Ноттингем учун ўйинида, энди қўналга хўжайинига келсак (ўйин-пўйининг билан нима ишим бор дегандай) у янгигина сотиб олинган оёғини қаттиқ қисаётган сўл томон пойабзали устида зўр бериб хир-хир қилиб уринар, шунақа ярамас матоҳни сотган кишини оғзини тўлдириб сўкар, ҳали кўзи уйқуга кетмаган, бу уларнинг башаралариданоқ кўриниб турарди, хўрандалар эса ё индамай хўмрайиб қарашар, ё арзимаган бир гаплар қилиб қўйишарди.

Қисқаси, Блум шароитни тўла ҳисобга олган ҳолда мезбонни ортиқча ташвишга қўймаслик учун ўрнидан турди ва аввало бу ернинг эгасига оқилона такаллуф билан мурожаат қилди (пулини нақд тўлайман деган ваъдасига биноан), бошқаларга билдирмайгина бошини енгил силкиб, тўланадиган пул тайёр деган ишорани билдирди, ҳаммаси бўлиб тўрт пенс экан (у одоб-икром билан тўрт чақа тангани хўжайиннинг олдига қўйди, ўзиям охирги тангалар экан), у нархлар босма ҳолда ёзиб қўйилган қоғоз варағини олдиндан кўриб қўйган, шунга кўра қаҳва 2 п., қандол. маҳс. — // , Худо ҳақи, Везерап айтмоқчи, шинаванда икки баробар ошиқча тўлаган бўларди.

– Юринг, – деб ёш ҳамроҳига мулозамат қилди у чўзилиб кетган машваратни ёпиш учун.

Иш хамирдан қил суғургандай осон битгани ва йўл очиқ эканини кўриб ҳар икковлари қўналгани тарк этдилар, бу кулбаи хизонада денгизчи-ю яна бошқа казо-казо жамоатгина қолишди, уларни эса бу роҳатижон маишатдан ҳатто қаттиқ зилзила кўпиб ҳам қувиб чиқаролмасди баҳай. Стивен ҳамон оёғи қалтираётгани, аъзойи бадани бўшашиб кетаётганини айтиб бир лаҳзагина... Эшик олдида сарсилиб қолди шу...

– Мен ҳеч бир нарсани тушунолмаيمان, – деди у бир қизиқ гап айтгиси келиб. – Нима учун кечаси стулларни столлар устига оёғини осмондан қилиб тўнтариб қўйишади, мен стулларни айтаман кафедаги...

Ҳозиржавоб Блум бунга дарҳол ўйлаб ўтирмай жавоб қилди:

– Эрталаб полни супуришади.

Шу сўзларни айтиб, у ҳамроҳининг ўнг томонига ўтиб олиш нияти борлигини яширмай, узр сўраб чаққон ҳаракат қилди, унинг ўзи одати шундай эди, ўнг томонни ўзига яқин оларди, агар мумтоз ҳикматни қўллаган ҳолда қавс ичига олиб айтсак, бу унинг Ахиллес товони эди, деса ҳам бўлади. Стивен агарчи ҳали оёқда маҳкам ва адл туролмаётган эса-да, тунги сарин ҳаводан нафас олиш кишига чинакам роҳат бағишларди.

– Бу (ҳаво) сизни дарров тетик қилиб қўяди, – мулоҳаза билдирди Блум очиқ ҳавода сайрни ҳам назарда тутиб. – Муҳими, андак юрайлик, кейин сиз ўзингизни бутунлай бошқача сезасиз. Кетдик. Бу ерга яқин. Сиз менга суяниб олинг.

<sup>1</sup> Бир тур тўп ўйини.

Шунга мувофиқ у ўзининг сўл қўли билан Стивенни ўнг томондан қўлтиқлади-да, шунга мувофиқ йўлга бошлади.

– Э, ҳа-ҳа, – деб унга жавоб қиларди унчалар ўзига ишонқирамай қадам ташлаган Стивен назарида бегона бир одамнинг қандайдир юмшоқ, латтадай ажабтовур қўлини вужуди билан ҳис қилиб.

Ҳар қалай, улар тошуюмлари, манқал каби нарсалар ёнидаги қорувул кулбасидан ўтиб боришди, бунда шаҳар маиший хизматининг вақтинчалик ходими собиқ Гамли ҳамон гафлат уйқусини уриб ётар, ҳаммага маълум ибора билан айтганда, ям-яшил ўтлоқлару тароватли ўрмонларни туш кўрарди. Ичи тош билан тўлдирилган тобутга келганда, бунда ғалати бир ўхшашлик бор эди, ахир очигини айтганда, тобутни ўша саксондан ортиқ сайловчининг етмиш икки нафари тошга тўлдирган, улар бўлиниш чоғида бошқа томонга ўтиб олишганди, муҳими, уларнинг кўпчилиги деҳқонлар табақасидан эди, булар ўша йўлбошчи шўрлик жон куйдириб ерларига қайтарган қувгинди чоракор қорандалар эди ҳойнаҳой.

Улар қўлтиқлашганча Берефорд-пеейслан ўтиб боришаркан, суҳбатни музикага кўчиришди, санъатнинг бу соҳасига чинакам муҳаббат қўйганди. Вагнер музикаси гарчи ўзига хос буюк музика бўлиб туюлса-да Блум учун бирмунча огирлик қилар ва дастлаб эшитганда уни англаб етиш қийин эди, лекин Меркадантенинг “Гугенотлар”и ё Мейербернинг “Хоч узра сўнгги етти сўз”и шунингдек, Моцартнинг “Ун иккинчи ибодат”ини у гарқи ҳаёл бўлиб тингларди, ўша ибодатдаги “Глория” унга энг етук музиканинг гултожи бўлиб туюлар, унинг олдида бошқа қаммасининг чулдирашдан фарқи йўқ эди. У католик черковининг муқаддас музикасини у билан бу борада рақобат қила оладиган, фирма айтайлик, Муди ҳамда Сэнки гимнлари ёинки “Мени чорлагил ҳаётга ва мен содиқ бўлурман то абад”га ўхшаган нарсалардан беҳад баланд кўярди. У Россини яратган “Stabat mater” асаридан ҳаммадан кўпроқ ҳайратга тушар, уни ўлмас дурдоналар сочмаси деб ҳисобларди, унинг рафиқаси примадонна Мэрион Твиди хоним бу асарни ижро этиб зўр олқишлар олганди, ҳақиқий шон-шуҳрат, довруқ қозонганди, ишонч билан айта оладикки, шундан сўнг хонимнинг шон-шуҳрати ортиб оламга таралганди, Юқори Гардинер-стритдаги иеузит оталар черковида бошқа ҳамма унинг соясида қолиб кетган, муқаддас зал хонимни эшитиш учун тўпланган ўта моҳир санъаткорлар билан лиқ-лиқ тўлганди. Ҳамма ҳеч ким хонимга бунда бас келолмайди дер, фақат ибодат ва руҳоний музика чалинадиган мана шундай масканда хонимни тўхтовсиз қарс уриб саҳнага чорлашар, лол қолиб ҳайқирашарди, бу оз эмасдир ахир. Умуман олганда эса у “Дон Жуан” ёки “Марта” сингари энгил операларни кўпроқ ёқтирар, ўзига хос инжу деб билар, кўнглига яқин оларди, аммо шу билан бирга, дейлик, Менделсон каби жиддий мумтоз мактаблар хусусида юзакироқ тасаввурга эга эди. Шулар ҳақида сўйланаркан, у ўтмишнинг кўпчилик севадиган ариялари билан шакшубҳасиз яхши танишлигини айтиб, *par excellence*<sup>1</sup> “Марта”даги Лионелнинг “Сен келганда” ариясини эслади, ажойиб бир тарзда шундай тўғри келиб қолдики, кеча кутилмаганда шу арияни эшитди, тўғрироғи, у қулоғига чалинди, у тақдирнинг бундай тухфаларини ғоят қадрлайди, буни қарангки, уни Стивеннинг муҳтарам падари бузруквори ижро этди, ниҳоятда авж пардаларга кўтарилиб бошқа ҳаммани буткул ортда қолдирди. Ғоятда сипориш билан сўралган са-

<sup>1</sup> Биринчи навбатда (*франц.*).

волга Стивен мен буни ижро этмаганман деб жавоб берди. Шу билан бирга Шекспирнинг ўша даврдаги ёки нари борса ўша яқинлардаги кўшиқлари ва айни чоқда Феттер-лейнда ўсимликшунос Жерардга кўшни яшайдиган уд чалувчи Доулендни кўкларга кўтариб мақташга тушди. Доуленд ҳақида annos ludendo hausii, Doulandus<sup>1</sup> деган гап юради, деди. У мистер Арнолд Долмтчдан олтмиш беш гинейга шундай чолғу асбоби сотиб олиш ниятида экан, Блумга бу зотнинг номи аллақандай танишдек туюлса ҳам, аммо аниқ эслолмади, Стивен яна овозлари ниҳоятда устакорона сайқалланган Фарнаби билан унинг ўғлини ва қиролича мусиқачилари қаторида ва яна қаерда имкон туғилса вержинал чаладиган Бёрдни (Вилиям) тилга олди, яна кўшиқлар ва ариялар тўқийдиган муғанний Томкинс ҳамда Жон Булл ҳақида гапирди.

Улар суҳбатлаша кета туриб яқинлашаётган тош йўлдан осма занжирли от ўзига тиркалган кўча тозалагични қалдирашиб судраб борар, орқасида ахлат-суприндиларни бир чеккага суриб тўплаб қолдирарди, Блум шовқинда олтмиш беш гиней ҳамда Жон Булл ҳақидаги гапни яхши эшитмай қолдим шекилли деб ўйлади. У сиз ўша машхур сиёсатчини айтмаяпсизми, деб қизиқсинди, негаки, у икки бирига ўхшаш номни эшитиб ҳайрон бўлди, буям ажойиб бир ўхшашлик-да, деб ўйлади.

От занжирларини шарақлатиб аста бурила бошлади, шунда доим ҳушёр турадиган Блум ёш ҳамроҳининг енгидан енгилгина тортиб ҳазилнамо огоҳлантирди:

— Бу кеч ҳаётимиз хавф остида. Манави буг қалдиروقдан эҳтиёт бўлинг.

Шу асно улар юришдан тўхтадилар. Блум отнинг калласига қаради, у кутилмаганда шундоқ рўпараларидан қоронғуда пайдо бўлди, у шу туриши, шу тўти, шу суяк-саёқлари билан жуда бошқача кўринар, олтмиш беш гинейнинг ҳатто яқинига ҳам йўламас, зеро бу жонивор майда қадам, оёғи оқсоқ, тумшуғи осилиб тушган, қорни ичига ботган, бир шўринг қургур қирчанғи эди, унинг эгаси эса ўз жойида чуқур ўйга ботиб ўтирарди. Шундай ўхшаши йўқ ажойиб махлуқ, Блум шу тобда чўнтагида бир бўлак қант йўқлигига ачинди, бироқ юз бериши мумкин бўлган тасодифларни ҳеч қачон олдиндан билиб бўлмайди, деб оқилона фикр қилди. Ҳа, бу жуда катта, жайдари, хуркак, телбасанғироқ энг жайдари от эди, унинг на ташқарисидан ва на ичкарисидан заррача ақл нишонаси кўзга ташланмасди. Ҳаттоки ит ҳам, деб ўйланарди Блум, ўша Барни Кирнаннинг хонаки итини олинг, агар у мана шунақанги баҳайбат бўлса, баногоҳ йўлингдан чиқиб қолса, юрагинг орқанга тортиб кетади-ей. Фақат ҳайвон айбдор эмас-да худди мана шу саҳролар кемаси дейилган туядай бўлиб туғилгани учун, жонивор ўзининг ўрқачида токнинг зангини шарбатга айлангириб юборади. Ҳайвонотнинг ўндан тўққизини қафасда сақлаш, кўлга ўргатиш мумкин, инсоннинг қўлидан ҳамма нарса келади, фақат арилар унга бўйсунмайди. Наҳанг найза билан найзаланади, тимсоҳ бўйнидан қитиқланади, у сен ҳазиллашаётганингни дарҳол тушунади, хўрознинг атрофига бўр билан доира чизиб қўясан, йўлбарсни бургутдай боқиб ром қиласан. Дала-дашт махлуқлари борасидаги бу сердиққат мулоҳазалар уни Стивеннинг сўзларидан бирмунча чалғитди бу орада кўча кемасига ўхшаган от йўлда айланиб бурилишда давом этар, Стивен жуда қизиқ қадим ҳангомалардан сўйларди...

<sup>1</sup> Уд чалиб, ҳам умрин чалиб ўтди Доуленд (лот.)

– Мен нима деётган эдим? Э-ҳа! Менинг хотиним, – деб маълум қилди Блум дарров *in medias res*<sup>1</sup> ўтиб, – сиз билан танишганидан гоёта хурсанд бўлади, у ҳар қандай музикани жонидан ҳам яхши кўради.

Стивеннинг ён томонида тургани учун унинг чехрасига ёнлама қилиб қия дўстона қаради, ён тарафдан у куйиб қўйгандек ўз онасига ўхшарди, лекин отнинг қашқасидай бўлиб қолган хотинлар ҳеч ўзини тўхтатолмай бўйнига осилаверадиغان истараси иссиқ тўнкалардан ҳам эмасди.

Ҳар ҳолда агар отасининг салоҳияти ўғлига ҳам мерос бўлиб ўтган дейилса, у эса бунга тўла амин эди, унда бу ҳол унинг онги тасаввурда янги уфқлар очар, чунончи леди Фингал ҳомийлигидаги Ирландия амалий ҳунарлари, ўтган душанбада улар концерт беришди ва умуман барча аслзодаларга умид боғлаш мумкин. У гапини Амстердамлик (бу ерда суюқ ойимчалар йўқ) голланд Ян Питер Свелнкнинг “Ёшлик ўтар” темасидаги вариацияларига бурди. Лекин бундан кўра ҳам унга Иоханнес Иеппнинг сокин денгиз ва нафис одамқуш париларнинг овозлари ҳақидаги қадим олмон кўшиги жуда ҳам ёқаркан, бундан Блум андаккина чўчиб тушгандай бўлди.

Von der Sirenen Listigleicit  
Tun die Poeten dichten<sup>2</sup>.

Кўшиқнинг бошини у куйлаб айтди ва *extempore*<sup>3</sup> таржима қилди. Блум бошини силкиб қўйди-да, ҳаммасини жуда яхши тушундим, деб давом эттиришни сўради, Стивен унинг илтимосини қондирди.

Унинг овози ҳайратомуз гўзал эди, дастлабки пардаларданоқ унинг баҳосини билди, агар уни мисол учун Барраклоуга ўхшаган таниқли вокал мутахассиси қиёмига еткизса ва сайқал берса, боз устига Стивеннинг ўзи нотадан хабардор бўлса, унда ҳеч қийналмай нархини ҳам кўтаравериши мумкин эди, ўшанда баритонларнинг беш боғи бир тангага кетаверарди ва кўп ўтмай унинг овози ўз саодатманд соҳибига энг бадавлат маҳаллаларнинг барча кибор салонларига, катта бизнеснинг пулдорлари ва номдор хонадонларга *entree*<sup>4</sup> кириб боришни таъминларди у ёғини қарабсизки, у университетнинг санъат бакалаври дипломи (бу ҳам ўзига яраша реклама ахир) ҳамда чинакам жентелменнинг одоб-икромига (бу жуда яхши таассурот қолдиради ва унинг яна бир ютуғи бўлади) эга бўлган ҳолда, албатта катта муваффақият қозонади, калласи яхши ишласа ва яна бошқа нарсалар ҳам бу ерда сира ортиқчалик қилмайди, албатта, фақат бу тоифа зотларнинг ишончини қозониш учун уни яхши либослар танлаб кийинтириш зарур бўлади, нега деганда, у ҳали жуда ёш ва тажрибасиз, киборларнинг либосларга бўлган нозик талабларини тушунмайди, ҳолбуки бу нарсага эътибор берилмаса кони зиён. Буларнинг барини нари борганда бир неча ой ичида амалга оширса бўлади ва унинг кўз ўнгида ўзларининг музика оқшомлари ва анжуманларида иштирок этаётганликлари гавдаланиб кетди, айниқса янги йил арафасидаги рождество (мавлуд) байрамларида хонимларнинг ҳижома давраларида шивир-шивир саслар, ҳаяжонлар кўз ўнгидан ўтди, янгидан-янги таассуротларни ташна қидириб юрадиган хонимлар ва ойимқизлар-

<sup>1</sup> Пўсткалласига (*лот.*).

<sup>2</sup> Маккор парилар чиройин  
Куйлашар шоирлар (*нем.*).

<sup>3</sup> Экспромт билан (*лот.*).

<sup>4</sup> Кириш.

нинг эътиборини қозониш, бундан ўз ўрнида фойдаланиш ҳам одамга завқ-шавқ бағишлайди, Блум яхши биларди, бундай ҳодисалар тез-тез учраб туради – нимасини айтасиз, унинг ўзи ҳам ўз вақтида, фақат уни карнай чалиб оламга овоза қилиб нима ҳам қилдик, ўз вақтида бу жиҳатдан тўла имкониятга эга эди. Шу билан бирга бунда даромад оқиб келишини ҳам назардан қочириб бўлмайди, бу менсимай қарайдиган нарса эмас, аксинча муаллимнинг кармонига қўшимча сармоя. Яна шундай тушунилмасинки, деб тирноқ ичида қўшимча қилиб қўйди у, бу ўша ярамас фойда даромадни кўзлаб бутун умрини батамом саҳнага бағишлаб юборсин дегани эмас, асло. Кимга керак бундай даҳмаза. Аммо бу тўғри йўналишда ташланган тўғри қадам бўларди, бунда эътирозга ўрин йўқ, пул томондан ҳам, руҳий томондан ҳам бу заррача унинг нафсониятига тегмас, гурурини ерга урмасди, одам шундай зориқиб қоладиган пайтлар ҳам бўлиб туради-ку ахир, кўзингга ҳеч нарса кўринмай турганда, чўкиб кетмаслик учун хасга ёпишадиган маҳалда бирдан кўлингга чек тутқизадилар, кўзинг ярқ этиб очилиб кетмасинми янаям. Бундан ташқари охирги пайтларда дидлар қаттиқ айниди, шунга қарамадан, одат тусига кириб қолган эскича ечимлардан йироқ шу янги музика тезда юракларни ишғол қилиши керак, бу Дублин музика дунёсида улкан янгиликка айланади, ахир Айвен Сент-Остелл ва Хилтон Сент-Жаст ва *genus omne*<sup>1</sup> шўрлик шинавандаларнинг жонига тегиб кетишди тенор учун чучмалдан чучмал соло ёғдиравериб қулоқларни батанг қилиб юборишди. Ҳа, ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, ном қозониш, юртдошлар назарида юксак чўққиларга кўтарилиш учун энг яхши имкониятлар мавжуд ва бунинг ҳаммаси унинг ўз қўлида, ўша чўққилардан туриб ўртага қатъий талабини қўя олади, нархини айта олади, олдиндан келишиб, Кинг-стрит саройида ҳашаматли концерт уюштиради, фақат қўллаб-қувватловчилар бўлса бас, агарда – бироқ худди мана шу ерда агарда деб қаттиқроқ айтишга тўғри келади, кимдир уни аста-секин юқорига кўтарса, нима десак экан, йўлни муқаррар тўсиб чиқадиган ғовлардан олиб ўтса, ахир ёшлар ва осон ютуқлардан талтайиб кетган эртапишарлар худди мана шу нарсаларга келиб тез-тез қоқилиб йиқиладилар. Шуниси ҳам борки, у бошқа нарсалардан заррача ҳам ажралиб қолмайди, ахир у ўзига ўзи хўжа бўлади, кўнгли тусаса адабиёт ишлари билан шуғулланиш учун ҳам жуда кўп вақт қолади, бу унинг хонанда сифатида шуҳрат қозонишига зид ҳам келмайди, зиён ҳам келтирмайди андак бўлсин, чунки бу фақат унинг ўзининг иши ва ҳеч кимга асло даҳли йўқ. Аслини олганда ҳаммаси ўзи унинг қўлига киряпти, ва худди айни мана шу сабабдан ҳам, мусоҳибларнинг ёши улугроғи узоқдан ўз фойдасининг ҳидини устомонлик билан сезиб, ёш йигитга илакишди-қўйди.

Айни худди мана шу пайтда ит қурғур... бироздан сўнг у (Блум) агар имконият туғилиб қолса, ҳамроҳининг шахсий ишларига мутлақо аралашмаган ҳолда аҳмоққа тўқмоқ қабилда унга босар-тусарини билмай қолган фалончи медик билан муносабатларни узил-кесил узиш кераклигини айтаман, деб кўнглига тугиб қўйди, Блумнинг фаҳмлашича ўша медик Стивенга ҳаддан ташқари менсимай беписанд қараб, орқасидан билса ҳазил билмаса чин йўсинида бемаза ҳазил-ҳузул қочириқлар қиларкан, буни шундан бошқача аташ мумкин эмас, Блумнинг камтарона фикрича, бундай хатти-ҳаракат

<sup>1</sup> Барча оғайнилар (*лот.*).

ўша медикнинг феъли бағоят бадфеъллигидан дарак бераркан, зарофат учун узр, албатта.

От, нима десак экан, кўчанинг чекига етиб тўхтади ва думини шахд билан кўтариб ерга ўз улушини ташлади, чўткалар тезда супуриб-сидириб оладиган кўча ўртасига ҳовури чиқиб турган учта катта тезак тушди. От – ўзининг осилиб тушган курсоғини кетма-кет, уч маротаба шошилмай бўшатди. Аравакаш ҳам соф одамгарчилик юзасидан то ҳайвон ўз ишини бажо келтирмагунча икки томонга чалғилар ўрнатилган араваси ўриндиғида қимир этмай кутиб ўтирди.

Блум билан Стивен араванинг кутилмаганда тўхтаб қолганидан фойдаланиб, устуннинг сўл-соқ томонидан занжирнинг бўш, очиқ орасидан ахлатларни четлаб ёнма-ён ўтиб олдилар-да қуйи Гардинер-стритга қараб юрдилар, Стивен йўл-йўлакай ҳамон паст овозда, аммо боягига қараганда анча тетик ва дадил балладанинг охирини қўшиқ қилиб қуйларди:

Und alle Schiffe brucken<sup>1</sup> ...

Аравакаш миқ этмади, на ёмон, на яхши, на шунчаки сўз айтди. У ўз шарабанида икки одамнинг қорасига шунчаки қараб ўтирарди – улар эса бири тўладан келган, бириси ориқ иккиси ҳам қора кийимда, Темир йўл кўтармаси томон қадам ташлашар, никоҳлаб қўй энди уларни падар Махер. Улар баъзан юришдан тўхтаб қолишар, кейин яна йўлга тушишар, одамни ақлу ҳушидан бегона қилувчи маккор парилар борасидаги маҳрамона суҳбатларини (бунда аравакаш иштирок этолмасди, албатта) давом эттиришарди, ора-сира шунга ўхшаш бошқа мавзуларни ҳам тилга олишар, тарихий мисоллар келтириб босқинчиликлар ҳақида муҳокама юритишарди, ушбу аснода эса фаррош аравада, агар хоҳласангиз, сиз уни супурги арава деб атай қолинг, ўтирган киши бу суҳбатнинг бирор сўзини ҳам эшитмас, нега деганда, ҳамроҳлар хийлагина олислаб кетишган, у эса шунчаки қуйи Гардинер-стритнинг охирида хос-бехос ўтирганча, *уларнинг худди бир аравага қўшилгандай бўлиб боришларидан нигоҳини узмасди.*

*Давоми бор*

*Рус тилидан  
Иброҳим ҒАҒУРОВ  
таржимаси*

---

<sup>1</sup> Барча кемаларни бостираб (нем.).



## Маънавий-ахлоқий тараққиёт ва тарихий ёдгорлик

**Т**араққиётнинг ҳозирги замон босқичида тарихий мерос асраш, тарихий анъаналарни тиклаш масалалари бутун жаҳон долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон олимларининг жўшқин тадқиқотчилик меҳнати шарофати билан миллий тарихнинг кўплаб янги, олдин номаълум бўлган саҳифалари қайта ишкишоф этилди, тарихий ўтмишнинг бутун-бутун қатламлари очиб берилди. Натижада, тарихий илм қайтадан ўзининг чинакам вазифасига эга бўлди — жамиятнинг маънавий тараққиёти ва халққа хизмат қила бошлади. Президентимиз И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда тарих “миллатнинг чинакам тарбиячисига айланди”<sup>1</sup>.

Худудиди кўплаб давлат тузилмалари, жумладан буюк Амир Темури салтанати вужудга келган Ўрта Осиё минтақасининг тарихий ўтмиши, турли мамлакатлар кенг жамоатчилиги ва тадқиқотчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

2010 йил сентябрь ойи бошида Озарбайжон Республикаси пойтахтидаги Боку университетиди Ислом Каримовнинг озарбайжон тилида чоп этилган “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда парламент ноиблари, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси, шайх А.Пошозода, Фанлар Академиясининг олимлари, Боку Давлат университети профессор-ўқитувчилар таркиби, Озарбайжон жамоатчилиги ва оммавий-ахборот воситалари вакиллари, элчихона ходимлари иштирок этди.

БДУ ректори, Миллий мажлис депутати А.Муҳаррамов ўз нутқиди таъкидлаб айтдики, Ўзбекистон раҳбари ўз китобиди бутун инсоният учун энг долзарб, башарият маънавияти билан боғлиқ бўлган муаммони кўтариб чиққан, чунки маънавий қашшоқлик қутилмаган ва ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Нотиқ Ўзбекистон Президентининг теран донолиги, узоқни кўра билиши, чинакам қатъияти уни ҳар доим ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келганини таъкидлайди. Китоб муаллифининг маънавият бўлмаси, давлатчилик ҳақида гапиришга ўрин йўқлиги борасиди фикрига қўшилмасдан илож йўқ.

Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси А.Пошозода айтдики, қадимий ўзбек замани дунёга кўплаб буюк олимларни берган, уларнинг илмий ишлари башарият тамаддуни тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган. У таъкидлаб дедики, Ўзбекистон унга иккинчи ватан ҳисобланади, чунки унинг ёшлиги шу ерда ўтди, шу ерда диний арбоб бўлиб етишти, ўрта ва олий диний таълим олди, шунингдек, бағрикенглик, инсонпарварлик, маданият, анъаналар, урф-одатлар ва инсон учун табаррук ҳисобланган ҳамма нарса учун жон қуйдиришнинг ҳақиқий моҳиятини у шу ерда англади ва уни ўз кўзи билан кўрди.

Кавказ мусулмонлари бошқармаси раисининг баҳо беришига кўра, ҳозирги мураккаб вазиятда барча шу нарсага гувоҳ бўлиб турибдики, дунёни терроризм, экстремизм ва сепаратизм сингари ҳалокатли ҳодисалар чулғаб олган. Исломни ниқоб қилиб олган бузғунчи кучлар исломпарастлик ва исломнинг тақводор маслакдошларига нисбатан мурасасизлик каби иллатлар учун асос солишга уринмоқдалар. Бу салбий ҳодисалар муносабати билан Ўзбекистон Президентининг маънавият ва миллий ўз-ўзини англашга асосланган вазмин

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1998. 177-б.

прагматик ва оқилона сиёсати, бу каби хурофотларнинг тарқалиш йўлида кучли тўсиқ яратувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. У таъкидлаб ўтдики, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида жамият ҳаётида маънавиятнинг аҳамияти чуқур ва ҳар томонлама очиб берилган. Китобда маънавий соҳанинг энг долзарб масалалари ёритиб берилгани, уларнинг яхшилик, олижанонлик, камтарлик сингари умуминсоний фазилатларни янада чуқурроқ тушунишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилгани, улар ҳақида буюк ажодларимиз мерос қилиб қолдирган муқаддас китобларда бот-бот дарж қилингани, асрлар оша бизни бу завоил билмас қадриятларга риоя этишга чорлаб турибди.

А.Пошозода яна айтдики, бу асарнинг ҳар бир саҳифасида Ватанга, халққа ва маънавий қадриятларга чуқур ҳурмат ва чексиз муҳаббат акс этган, муаллифнинг ўз тарихини билмаган ва ўтмишини унутган миллатнинг келажаги йўқлиги ҳақидаги сўзлар унинг эътиборини тортган<sup>1</sup>. Бу чинакам ватанпарварнинг нуқтаи назаридан келиб чиқувчи гоят қимматли фикр.

А.Пошозода таъкидлаганидек, бу асарнинг муҳим аҳамияти яна шундан иборатки, у башариятни ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун янада қатъийроқ ҳаракатлар қилишга даъват этади.

“Озарбайжон – Ўзбекистон” дўстлиги жамияти раиси Э.Иброҳимовнинг таъкидлашича, Ислом Каримовнинг китоби ўзбек халқи учун ҳам, дунёнинг бошқа халқлари учун ҳам бирдек аҳамият касб этади. Мазкур китобнинг Озарбайжон ва озар халқи учун муҳимлиги шундан иборатки, у қардош ва дўст мамлакатлар Президенти қаламига мансуб. Бу китоб биз учун икки ҳисса қимматга эга, чунки ўзбек ва озар халқлари тарих, дин, тил, анъаналарнинг кўплаб узвий иплари бир-бирига боғлиқдир, уларнинг ҳар иккови ҳам бир хил тараққиёт йўлидан бормоқда.

Парламент ҳайъатининг минтақавий масалалари бўйича раиси Н.Жаъфаров қайд этиб ўтдики, Ўзбекистон ҳар доим буюк жасоратлар тажассуми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади: агар Франция Европа маданиятини бойитишда буюк роль ўйнаган бўлса, турк оламнинг барча илғор ютуқлари, шу жумладан, маънавий соҳаси ҳам аслида кўпроқ Ўзбекистон билан боғлиқ.

“Озарбайжон – Ўзбекистон” дўстлиги жамияти аъзоси Э.Мамедов таъкидлаб айтдики, “Ўзбекистон бой тарихга эга. Таниқли давлат арбоби Амир Темур ўзбек давлатчилигига асос солиб, Темурийлар салтанатини барпо этди. Айни мана шу даврда мусулмон Шарқда илм-фан, адабий ва меъморчилик юксак тараққий топгани кузатилган. Ҳозирги Ўзбекистон давлатининг асосчиси Ислом Каримов ўз халқини мустақиллик сари бошлаб келди... Бугунги кунда Ўзбекистонда халқнинг ахлоқий қадриятлари, тарихий мероси, анъаналари, урф-одатлари, умуминсоний ва миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантиришни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш асосида миллий мафкура ва ижтимоий онг негизларини бунёд этишга алоҳида эътибор қилинмоқда”.

Айтилган гаплардан шундай хулоса келиб чиқадики, Амир Темур ҳаёти ва фаолияти қадим даврлардан то бугунги кунгача хорижий мамлакатлар олимларининг диққат марказида бўлиб келган. XX аср бўсағасидаёқ жаҳон шарқшунослигида алоҳида илмий йўналиш – “Темуршунослик” юзага келган эди, унга Р.Гроссе, Л.Керэн, Е.Росе, Ҳ.Ҳуккем, Ф.Манц, Г.Гуломбек, А.Дерак, Кадзуко Енока, Э.Мано, М.Россатини каби олимларнинг тадқиқотлари асос бўлган эди.

Ҳозирги вақтга келиб, Амир Темурга бағишланган кўплаб ёзма манбалар Европа тилларига таржима қилинган. Амир Темур ва Темурийлар даври тадқиқотларини 1996 йили Парижда чоп этилган библиографиясига 450 дан ортиқ асар киритилган<sup>2</sup>.

2000 йилга келиб, мазкур рўйхатга яна 50 дан ортиқ илмий асар қўшилди. Улар сирасидан бугунги кунда Жастин Мароқцининг “Амир Темур – дунё фотиҳи. Бутун дунё оёғи остида ётган саркарда” китобини тилга олиш мумкин

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” рўзномаси. Боку университетида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдими, 2010 й., 24 сентябрь.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур жаҳон тарихи кўзгусида. Тошкент, 1999 й., 112 б.

(инглизчадан А.Г.Больних Астрель таржимаси. Москва — 2008). Олим ва журналист Жастин Мароцци ўзининг тарихий роман жанрига киритиш мумкин бўлган, асосан юксак бадиий тилда — Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, “Темурнинг Ҳиндистонга юриши кундаликлари” сингари асарларнинг инглиз тилига таржимаси асосида ёзилган кенг тадқиқотида кўп масалаларни ойдинлаштиришга интилади. (Унинг талқинида, Амир Темур ўрта асрнинг афсонавий саркардаси, буюк салтанат асосчиси. Бир марта ҳам енгилмаган ҳарбий саркарда ва стратег. У қаттиққўл ва шафқатсиз бўлган — бироқ айнан унинг ҳукмдорлиги чоғида Марказий Осиёда илм-фанда санъат гуллаб-яшнаган...).

Олим сифатида Жастин Мароцци Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида катта тадқиқот иши олиб борган. Темуршунослик бўйича кўп адабиётлар ва илмий маълумотларни ўзида жамлаган бу китобни диққат билан мутолаа қилиш фойдадан холи эмас.

Аслида бу ерда ҳеч қандай тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилмаган. Урал орти ва Волга бўйидаги ҳозирги ҳудудларнинг катта қисми Амир Темур салтанатига тобелик изҳор қилганини ким инкор эта олади?

1380 йилда Куликова майдонидаги жангга рус жангчилари татар-мўғул қўшинлари устидан тарихий галаба қозонгани маълум. Аммо орадан икки йил ўтиб — 1382 йилда Тўхтамиш Москвани ишғол қилди ва Олтин Ўрда ҳукмронлигини қайта тиклади. Тўхтамиш 1395 йилда Амир Темур қўшинларидан қаттиқ мағлубиятга учрагандан кейингина Руснинг мўғул зулмидан қутулишига йўл очилди.

Академик Б.Д.Греков ва А.Ю.Якубовскийларнинг “Олтин Ўрда ва унинг қулаши” китобида бу тарихий ҳодисалар холислик билан баён этилганини асло унутмаслик лозим. Бу олимлар ўз навбатида рус тарихчилигининг отаси М.С.Соловьевнинг шу борадаги фикрларига таянганлар.

Хуллас, соҳибқирон Амир Темурнинг Россия ва Европа халқлари тақдиридаги ролини холис ва ҳаққоний баҳолаш, тарих адолатига суяниш лозим. Юмшоқроқ қилиб айтсак, европача марказлаштириш қарашларига мойил баъзи муаллифлар Франция, Буюк Британия, Германия ва Ғарбнинг бошқа мамлакатларида Амир Темур шахсига қизиқиш ҳеч қачон сусаймаганини билсалар керак, албатта.

Айнан Ғарбда XV асрдаёқ бу буюк сиймога ҳайкал қўйилган ва унга “Европа халоскори” деб гоят маънодор ва рамзий битик муҳрланган. Шу боис, Амир Темур татар-мўғул ўрдаларининг Европа ичкарасига қилган ҳаракатларига тўсиқ бўлгани ва уларнинг ёйилишини узоқ вақтгача тўхтатиб қолганини инкор этиб бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов: “Фахр билан айта оламизки, маърифатпарвар Моворауннаҳр руҳи, Темурийлар илм-фани ва санъатини гуллаб-яшнаши, Европа Уйғониши жараёнига ижобий таъсир кўрсатди, умумжаҳон тараққиётига ҳамкорлик қилди”, — деб айтганида минг бора ҳақ эди<sup>1</sup>.

Ж.Мароццининг буюк соҳибқирон ҳақидаги тадқиқот асарига яна қайтсак, муаллиф буюк сиймо ҳаёти ва ҳукмдорлик фаолиятини кенг қўламда ўрганган эса-да, Ўзбекистон, Афғонистон ва Ҳиндистонга қилган саёҳатларини тасвирларкан, унинг ўзи китобдаги фикрларига қараганда, ахлоқий жиҳатдан ҳаддан ташқари пала-партиш йўл тутганини намоён этади. У Ўзбекистоннинг ҳамма жойида, жумладан, Самарқандда “коммунизмнинг жирканч доғлари”ни кўрганмиш, у ерда милиционер икки доллар эвазига “ислом Диснейленди” — Регистон билан таништирганмиш. “Талаб қилинган пулни бериб, минора учига чиқдим, бенуқсон ва қарийб камчиликлардан холи Самарқандни томоша қилдим”, — деб ёзади у (231–242-бетлар).

Шу тариқа Мароцци қаерга саёҳат қилган бўлса, ҳамма жойда баҳраманд бўлиш ва кўрганларини китобида тасвирлаш учун у ана шундай майдакашлик йўлини тутади. У Ҳиротдаги Ихтиёрдин қалъасига борганини тасвирлар экан, толибонлар ундан ҳарбий база ва тўйхона сифатида фойдаланганини айтади:

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами. 4-жилд, Тошкент. 334-б.

“Қоровулликда турган бадқовоқ аскар толиб, менга қалъа ва ундаги мақбара ёпиб қўйилганини айтди, бироқ пича баҳслашувдан кейин ва пул эвазига, мени тўққизта замбарак ўрнатилган қалъа девори устидан ошиб ўтишимга рози бўлди”.

Саёҳатчининг Ўзбекистонда бўлгани ҳақида яна икки оғиз гап. Мароцци ёзадики, ўз саёҳати охирида у Амир Темури мақбарасини бориб кўрган, бу Самарқанддаги энг кўрам ва Амир Темури даври меъморчилигининг энг ҳайратомуз намунаси ҳисобланади — бу борада у мана бундай фикрларни айтади: “Тўсатдан пайдо бўлган назоратчи ҳаёлимни бўлди. У жуда ғарибгина кийинган — бошида кир дўппи, эгнида йиртиқ чопон. Ажиндор башарасида бир жуфт кўз чақнайди. У менга соатини кўрсатиб, музей ёпилганини англатди ва чироқларни ўчира бошлади. Кейин кетишга шайланиб, ортидан юришимни айтди, бироқ бирдан тўхтади-да: “Мен сизга Амир Темурининг ҳақиқий мазорини кўрсатаман. Икки доллар”, — деди”.

Хуллас, Жастин Мароцчининг буюк Темури ва Темурийлар даври ҳақидаги ҳикояларини ўқиб, дилингиз хуфтон бўлади.

Жастин Мароцци ҳақида тагин нима деса бўлади? Юқорида айтганимиздек, китобда у олим ва журналист сифатида намён бўлади. Модомики, шундай экан, у ўз тадқиқотчилик ва журналистик мақсадларини рўёбга чиқариш учун Амир Темури ва Темурийлар даврининг таниқли билимдон-олимлари Ҳ. Зиёев, Б. Аҳмедов, У. Уватов, А. Саидов, Ҳ. Кароматов ва бошқалар билан муносабат ўрнатиши ва уларнинг ёрдамида фойдаланиш имконига эга эди-ку.

Амир Темури шарофати билан Ўзбекистонда бугун мусулмон дунёси муқаддас билган муборак Қуръони Каримнинг нодир қўлёзмаси — Усмон Мусҳафи сақланмоқда. У Амир Темури музейи биносида Темурийлар салтанатининг буюк асосчиси номи билан аталувчи халқаро хайрия жамғармаси борлигини, унинг муҳташам залларида Навоий, Улуғбек, Бобур, Беҳзод сингари мангу ўлмас сиймоларга катта ўрин ажратилганини билмоғи керак эди. Бу ерда у Амир Темури ва Темурийлар даври ҳақидаги яхши романлар муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан мулоқотда бўла олар эди. Саёҳатчи ўз католик онгини айнан Амир Темури ва Темурийлар даврида ислом қадамжолари юксак эъзоз топгани, исломнинг умумбашарий ақидаларига риоя қилингани, миллати ва динидан қатъи назар, ҳар бир одамнинг кундалик ҳаётида бағрикенглик меъёр бўлиб қолгани ҳақидаги тушунчалар билан бойитган бўларди. Бугун Ўзбекистонда мусулмонлар, насронийлар ва бошқа миллат вакиллари тинч ва аҳил истиқомат қилмоқдалар. Муаллиф бизнинг турмушимиздаги яхши жиҳатларни ўрганиш ўрнига гўё ўзига “керакли” ашёларни тўплаш, билан шуғулланиб, тирноқ орасидан кир излашга берилиб кетган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз ижтимоий-иқтисодий ва маданий-ахлоқий тараққиёт борасида катта муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон минтақанинг асосий мамлакати сифатида катта мавқе эгаллаб турганини бугун бутун жаҳон билди. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев яқинда Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи вақтида таъкидлаганидек: “Ҳатто энг ноҳолис кузатувчилар ҳам буни тан олишга ва бу билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар”.

Жастин Мароцци ўз китобини тарих ва замонавийликка панжа орасидан қараб ёзганлиги оддий ўқувчини ҳам таажжублантиради.

Зеро муаллифнинг гоҳо яхшилик, олижаноблик, одоб, камтарлик сингари умуминсоний фазилатларни ҳам тушунмаганига ҳайрон қоламиз. Ахир бундай фазилатлар бизга буюк аجدларимиздан мерос қолган ва улар ҳар бир ўзбекининг қон-қонига сингиб кетган маънавий қадриятларимиздир. Биз уларни ҳаммаша муқаддас тутамиз ва асраб-авайлаймиз. Булар ҳақида юзлаб табаррук китоблар ёзилган. Юртимизга келган ҳар бир меҳмон буни яхши билмоғи лозим.

*Фулом АҲМАДЖОНОВ,  
тарих фанлари доктори,  
профессор*

## Бадиий публицистикада давр руҳи

Публицистика жамият ҳаётига, воқеа-ҳодисаларга тезкор муносабат билдирувчи ижодий-таҳлилий тафаккур маҳсулидир. Бу жанр, айниқса, бадиий публицистика ўқувчи онгига тез таъсир кўрсатади, бирор-бир умуммиллий вазифа ёки муаммо хусусида жамоатчилик фикрини юзага келтиради, уни зарур йўналишда ривожлантиради.

Публицистика ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади ва шу боис, бадиий ижод каби бир неча (ижтимоий-сиёсий, илмий, иқтисодий, адабий-бадиий, маданий-маърифий, ҳажвий) соҳаларга бўлинади. Бу соҳалар ичида бадиий публицистика, яъни ёзувчи публицистикаси алоҳида мавқега эга.

Маълум маънода Амир Темурнинг Шарқ ва Ғарб ҳукмдорларига ёзган мактублари ва Алишер Навоийнинг “Муншаот” асарини ўзбек публицистикасининг илк намуналари дейишимиз мумкин.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг шахсий ҳаёти ва бой маънавий мероси ҳам бугунги янги авлодни ҳар жиҳатдан баркамол тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, истиқлол йилларида адибнинг фарзандларига ёзган мактублари ҳам эълон қилинаётгани қувонарлидир. Бу мактублар Заҳриддин Бобурдек йирик шахс, давлат арбоби, саркарда ва шоир ҳақидаги таассуротларимизни янада бойити, унинг замонга, ён-атрофида кечаётган воқеаларга, фарзандларига нисбатан муносабатини ойдинлаштиради. Чунончи, “Бобурнома”нинг янги илмий-танқидий матни нашрида (*“Шарқ”, 2002, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов*) Бобурнинг тўнғич ўғли Ҳумоюн мирзога йўллаган махфий мактуби ҳам эълон қилинган (таржимон Ансориддин Иброҳимов). Мактубда Бобур яна бир қарра, жиддий тусда Ҳиндистон масаласини ўртага қўяди. Бу мактуб васиятнома бўлиб, Бобурнинг изчил сиёсати, унинг темурийлар салтанатининг яхлитлиги учун бир умр қайғурганлигидан далолат беради. “Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонолло таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳлини подшоҳга яхши назар билан боғлайди. Ислонинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдур, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикиридан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат ҳар хил ташвишлардан холи бўлади”.

XIX аср адабиётининг илғор вакилларидан бири шоир Фурқат ижодида ҳам бадиий публицистика жуда яққол кўзга ташланади. Шоирнинг олис Кашмирдан “Туркистон вилоятининг газети”га ва дўстларига йўллаган мактублари фикримизга далил бўла олади. Худди шундай, А.С. Пушкиннинг “Арзирумга саёҳат”, Л.Толстойнинг “Иқронома”, “Жим туролмайман”, Н.В. Гоголнинг “Ал-Маъмун”, В.В. Маяковскийнинг “Мен кашф этган Америка”, асарлари, Илья Эренбург, Ҳамид Олимжон қаламига мансуб мақолаларни ҳам ўша давр бадиий-ижтимоий публицистикасининг юксак намуналари дейиш мумкин.

Бадиий публицистикада кескин рад қилувчи, фош этувчи ёки бирор-бир муаммодан жамиятни огоҳ қилувчи фикр-мулоҳаза, воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан билдирилган муносабат асосан адабий-бадиий, образли воситалар орқали баён қилинади. Буни Оноре де Бальзакнинг “XIX аср француз

ёзувчиларига мактуб”<sup>1</sup> ида ҳам кўриш мумкин. Унда адабиёт республикаси деб эътироф этилган, фуқароларнинг бошқа мамлакатларда тан олинмаган кўплаб ҳуқуқларини тан олишга ва тасдиқлашга бел боғлаган француз инқилобидан кейин мамлакатда адабиётга, ёзувчиларга, бадиий тафаккурга бўлган эътиборнинг ниҳоят даражада сусайиб кетгани, ижодкорлик иши инқилоб боис қабул қилинган “ваҳшиёна қонун асоратига бериб қўйилгани”, ёзувчиларнинг асарлари жамоат мулки деб эълон қилингани ва бунинг ижод, тафаккур эркинлигига бениҳоя ноҳуш таъсири қаламга олинади: “Шундай қилиб, жаноблар — сиз шоирлар, сиз машшоқлар, сиз драматурглар, сиз носирлар, сизларким, яъни мамлакатнинг шон-шарафи учун меҳнат қилаяпман деган фикр билан яшовчилар, сиз ким аср руҳини барпо этаётганларнинг ҳаммаси, сизким шуҳрат қуёшидан шуълаланган ҳаволардан симирмоқ учун қашшоқлик қаъридан юксакларга парвоз қилганлар ва сизким парвоздан кўрқиб, шубҳалар исканжасида эзилиб ўлиб кетадиганлар, орзулар юки остида инқиллаган шўрлик болалар, сизким иродангизнинг кучи билан тантана қилувчилар — ҳамма-ҳаммангиз ўз-ўзингизга меросхўр бўла олмайсиз, деб эълон қилиндингизлар. Қонун савдогарнинг молларига, моддий меҳнат деб аталмиш нарса ёрдамида қўлга киритилган, баъзан эса разиллик эвазига топилган пулларга нисбатан ҳурматга тўла: қонун ерни ҳимоя қилади, тер тўкиб меҳнат қилувчи пролетариатнинг уйини ҳимоя қилади, лекин шу қонуннинг ўзи фикрлаш билан меҳнат қиладиган шоирнинг ишини мусодара қилади”.

Балъзак муаммони жуда кескин қўяди, мурасозлик йўлини тутмайди, раддиясини ошқора ифода этади. Бу билан у ўз ҳамкасбларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлардан четда турмасликка, ижод, фикр ривожини бўғаётган “адабий қароқчилик”ни қабул қилмасликка даъват этади. Биров хотинингизни тортиб олса, бундан хафа бўлманг, чунки у бу ишни хотинингизнинг розилиги билан қилган, аммо ўн беш йил ишлаб, азоб чекиб, тунларни тонларга улаб, муҳтожлик машаққатларини енгиб яратган асарингизни тортиб олса, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди, дейди. Ва ниҳоят, бу муаммо юзасидан ўзининг сўнгги сўзини айтади: “Хулоса ўрнида бир гапни таъкидламоқчимиз: бизнинг юқорида айтганларимиз галаёнга чақирувчи хитоб эмас, биз эҳтиросларни жунбишга келтиришга даъват ҳам қилаётганимиз йўқ; бу — қашшоқлик фарёди, холос. Бу — қонундан ташқари чиқариб қўйилган, адолат излаб тополмаган одамларнинг ҳайқириви. Қўйинг, майли, бу ҳайқирик акс-садо берсин, ҳамдардлик уйғотсин, сўниб бораётган ватанпарварлик туйғуларига қайтадан жон ато қилсин. Биз овозимизни кўтариб ҳайқирган бўлсак, буни уйғоқлар учун, изтироб чекаётганлар учун, тил хазинасига ва бадри имкон ўз улушини қўшишга интилаётганлар учун қиламиз... Қонун чиқарувчи жаноблар, Италия Англиядан келадиган тилланинг учдан икки қисмини сарфлаб, ўзининг ажойиб маҳоратига эга бўлди. Санъат билан тилни эҳтиёт қилиб асранлар, негаки, моддий маънафатларингизни бартараф қилганингиздан сўнг сизлар бизнинг асарларимизда ҳаёт кечиришда давом этасизлар. Бизнинг асарларимиз эса ҳеч қачон ўлмайди ва ҳатто мамлакатимиз ғойиб бўлиб кетганда ҳам улар “Бу ерда Франция бўлган эди!” дея оламга жар солиб турадилар”.

XVI-XVII асрларда ривожланган, мўмай даромадга эга қатор Европа давлатлари айни шу даврда иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутган Шарқ мамлакатлари томон босқинчилик, талончилик юришларини бошлайдилар. Кўплаб мамлакатларнинг халқлари колонизаторларнинг зулми остида қолади, асрлар давомида тўпланган бойликлар талон-тарож қилинади, зулм ва зўравонлик кучаяди. Миссионерлар бу юришларни оқлашга жон-жаҳдлари билан уринадилар, аммо Европа жамиятининг илғор қисми, хусусан ижодкор зиёлилар ўз ватандошларининг бу қилмишларини очиқ-ойдин қоралайдилар. Натижада Европа адабиётида ўзига хос публицистик оқим юзага келади — ёзувчилар ўз асарларида босқинчиларнинг зулми остида қолган халқларга хос бўлган эзгу фазилатларни қаламга ола бошлайдилар. Бу оқимнинг фаол вакили бўлган Вольтернинг шарқ мавзусидаги драмалари, Монтескьенинг “Форс мактублари” фикримизга далил бўла олади.

<sup>1</sup> Қаранг: “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида”. Тўплам. Т., “Маънавият” нашриёти, 2010, 213-233-бетлар. Гаржимон Озод Шарафидинов.

Бу даврнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий талотўплари моҳиятини тўғри аниқлаш ва тўғри хулосаларга келишда ижтимоий публицистика руҳида ёзилган асарлар муҳим аҳамият касб этади. Буни Фитратнинг “Шарқ сиёсати” рисола-сида яққол кўриш мумкин. “Африқога кирган мусулмонлар Амиқо ва Африқони босқон маданий овруполилардек ерли халқни битирмак учун тиришмадилар,— деб ёзади Фитрат. — Унларга маданият бердилар. Амиқога қўноқ бўлуб кирган Оврупа маданийлар Амиқо ерли халқини битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Оврупа жаҳонгирлари у ердаги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Холбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка — М.А.) каби ўринларини олғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, улардан буюк одамлар етушдирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, ҳунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сигмайду. Шарқ маданий йиртгучи эмас эди. Шарқ бошқаларнинг ҳақларини олмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди. Биз, шарқликлар, башариятга қилгон хидматларимиз учун бу кунги қонли Оврупага қарши яхшигина махтана олурмиз. Биз, шарқликлар, маданият йўлинда тутдигимиз хидматларда давом этганда буюк башарият дунёсини кўб юксак макъёлларда кўрмак мумкин эди. Негаким, Шарқ билим, ҳунар йўлинда Оврупа жаҳонгирлари ўртоқ қони ичмак орқадощ уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмак учун тиришар эди. Ёзуқлар, эсизларким, Шарқ ўз йўлинда давом эта олмади, маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал қоидалариндан бири шудир: бир улус тирикчилигининг ҳар тўғрисида юксалиб, тараққий қилиб тинчланса, бирор ёқда кучлироқ бирон бири кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, оқчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоқи бузулар, тотлиғи йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқликлар, даҳи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузулиб қолдиқ, йўлдан оздик, эзгу тилақларимизни унута бошладик. Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчага берилдук, оқчага сотилдук... Шарқнинг бутун ишлари онгсиз беқлар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг қўлига ўтди. Бунлар Шарқнинг бутун тузук ва интизомини бузуб юбордилар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмак учун халқни бир-бири билан уруштирдилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўрунларини сотдилар, муллалар ўз уставларига “дин” отини тоқиб бозорга чиқардилар, дин, тангри, пайгамбар, учмоҳ ва тамуғ орқали Шарқ халқини талай бошладилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклари боғланди, саодатнинг энг юксак тепасига чиққан Шарқ йўқсуликнинг энг теран чуқурига тушди”<sup>1</sup>.

“Шарқ сиёсати”да Овруполиларнинг Шарққа томон босқинчилик, талончилик юришлари замиридаги маънавий ахлоқсизлик, инсоний худбинлик жуда чуқур очиб берилади, бу юришларни сохта маданий либосга ўраш орқали тарихни чалғитиш ҳаракатлари аёвсиз фош этилади: “Оврупа жаҳонгирларининг Шарқ сари юришлари бошқаларнинг қонини тўқуб, ўз курсоқларини тўлдурмак, ўзгаларнинг уйини ёндириб, ўз қозонларини қайнатмак учун эди. Лекин улар тилақларини улусга билдирмас эдилар. “Шарқ халқи ваҳшийдир, уларни маданийлашдурмак учун борармиз”, “Шарқ халқи билимсиздир, уларга билим тарқатмак учун борармиз”, “Шарқ халқини хоч буйруқларига бўйсундирмак учун борармиз”, деб ўз ишчи ва деҳқонларини алдаб, бизим устимизга юборур эдилар”<sup>2</sup>.

Бундай таъсирчан, кучли мантиққа, тарихий далил ва исботларга асосланган фикрларни Алихонтўра Соғуний асарларида ҳам кўриш мумкин: “Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби — динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар... Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиши бўлмади. Давлатнинг инқирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур”.

<sup>1</sup> Фитрат. Танланган асарлар. 3-жилд. Т., “Маънавият”, 2003, 214-215-бетлар.

<sup>2</sup> Шу асар, 216-бет.

Уэльс шаҳодаси Чарльзнинг (Чарльз Филипп Артур Жорж) 1993 йилнинг октябрь ойида Оксфорд университети қошидаги Ислом тадқиқотлар марказида ушбу марказнинг ҳомийси сифатида сўзлаган машҳур “Ислом ва Ғарб” нутқида бу фикр янада кенг талқин қилинади. Маълумки, 1412 йили Колумб Американи кашф этади. Шу йили Европада саккиз аср давом этган Ислом тамаддуни таназзулга юз тутлади. Нотиқ йигирманчи аср адоғида Ғарб ва Шарқ ўртасида юзага келган ўзаро ишончсизлик, бир-бирларини тушунмаслик, кўрқув ҳақида фикр юритар экан, ислом фалсафаси ва маданиятининг туб моҳиятини тўғри ва холис талқин этади: “...экстремизмга фақат мусулмонларнинг белгиси деб қарамаслигимиз лозим. Экстремизм бошқа динлар, жумладан, христианликка ҳам дахлдор. Аксарият мусулмонлар шахсан динга ўта даражада берилган бўлсалар ҳам, лекин сиёсатдаги интилишлари мўътадилдир... Ислом табиати ҳақида Ғарбда тарқалган тушунмовчиликлар билан бирга, биз маданият ва цивилизациямиз Ислом дунёси олдида қанчалар қарздор эканлигини яхши англамаймиз. Менингча, бунга сабаб бизга мерос бўлиб қолган тарихдир. Ўрта асрларда Ислом дунёси Марказий Осиёдан тортиб Атлантик океани соҳилигача етиб борган олиму фузалолари билан равақ топган дунё эди. Бироқ биз Исломни Ғарбнинг душмани, ганим ва бегона бир маданият, жамият ва эътиқод тизими сифатида кўришга интилангимиз сабаби, Исломнинг тарихимизга кўрсатган катта таъсирини ҳам унутиб қўйдик. Мисол учун, саккизинчи ва ўн бешинчи асрлар мобайнида Испанияда мавжуд бўлган Ислом жамияти ва юқори маданиятининг муҳимлигини камситиб келганмиз. Мусулмон Испаниянинг инквизиция даврида юнон классик назарияларини сақлаб қолгани, кейинчалик Ренессанс даврининг равақ топишига ўз ҳиссасини қўшгани аллақачон тан олинган эди. Билимларни тўплаган ва сақлаб қолган Испанияни биз фақат омборхона сифатида кўрмаслигимиз лозим. Мусулмон Испания қадим юнон ва рим маданиятининг зехний меросини наинки асраб қолган, балки мазкур билимларни қайта изоҳлаб, янада ривожлантириб, бутун дунёга тарқатиб, инсоният ақл-заковатининг аксарият соҳаларига, яъни астрономия, математика, алгебра (бу сўзнинг келиб чиқиши ҳам араб тилидан), қонуншунослик, тарих, тиббиёт, фармакология, оптика, зироат, илоҳиёт, мусиқа каби фанларга ўзининг муҳим ҳиссасини қўшган ҳам... Ислом илмий изланиш ва интилишларни ҳамиша ёқлаб келган. Айтилишича, “олимининг сиёҳи шаҳид қонидан муқаддасроқдир”. Унинг асрада Куртуба Оврупанинг энг юксак маданиятга эга шаҳари бўлган. Ажаблანарли томони шуки, Британияда қирол Альфред таомлар соҳасида ислоҳотларини амалга ошираётганида, мусулмон Испанияда китобларни абонемент бўйича олиб ўқиш мумкин бўлган кутубхоналар фаолият юритар эди. Маълумотларга кўра, мусулмон Испания ҳокимининг шахсий кутубхонасида тўрт юз минг китоб бўлиб, бу рақам ўша йиллари барча Оврупа ерларида мавжуд бўлган жамики кутубхоналардаги китобларнинг умумий сонидан анча кўп бўлган...”<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, публицистика, айниқса, ёзувчи публицистикаси ҳамиша даврининг, жамиятнинг ўта муҳим, долзарб, гоҳ зиддиятли, ечими топилмаган, мурса қилиш мумкин бўлмаган муаммоларидан баҳс очади. Бундай публицистикани бир кишининг, конкрет бир ижодкорнинг куюнчаклиги, ижодий фаоллиги билан бирга жамиятнинг фикрловчи, мушоҳада юритувчи илғор қатлами вакиллари умуллама фикри, муносабати ҳам деб ҳам тушунмоқ зарур. Чунончи, Чингиз Айтматов “Кассандра тамғаси” публицистик романида, агар огоҳ бўлинмаса жамиятда ота-онасининг кимлиги номаълум, ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажаришга тайёр зомби-зурриётлар пайдо бўлиши хавфидан огоҳ қилар экан, бу жонсарақлик миллат, Ватан тақдири ва келажагига бефарқ бўлмаган ижодкор зиёлиларнинг ҳам фикри-назари эди. Собиқ тузум шароитида айни шундай ясама кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳаракатлари мавжудлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бу ва бошқа иллатлар, инсоният бошига беҳисоб кулфатлар олиб келувчи хатарли режалар тўғрисида биринчи бўлиб публицистлар бонг уришди. Чунончи, Шукур Холмирзаев бозор иқтисодиёти шароитида бадийи адабиётнинг тақдири қандай бўлишидан хавотирга тушиб, жамият, миллат, адабий жамоатчилик олдида “Адабиёт ўладими?” деган саволни қўндаланг қўйди. Дадахон Нурий, Ёқубжон Хўҷамбердиев табиатни, агроф-

<sup>1</sup> Қаранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1996 йил, 8, 15 ноябрь.



муҳитни асраш мавзусида тинимсиз қалам тебратишди, уларнинг “Шаҳарга бомба керакми?”, “Умнат Ўзбековнинг тирикчилиги”, “Косага тушган илон” каби ўткир мушоҳадалар таҳлилий мақолалари муҳокама ва мунозарага сабаб бўлди. Бундай фаолликни ижодкор зиёлининг, публицистнинг уйғоқ виждони, инсонийлик бурчи деб тушунмоқ керак бўлади. Публицист ана шундай заҳматли меҳнатни, муросасиз “жанг”ни, ногаҳоний зарбаларни ихтиёрий равишда ўз зиммасига олади.

Таниқли шоира Турсуной Содиқова эътироф этганидек, “Сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода тақдим этишга уриниш, кўзларни, қулоқларни ўзингга мубтало қилиш учун жон терига тушиб жанг қилиш, сўзда ўлиб, сўзда тирилиш” публицистнинг қисматига айланади. Поляк адиби Ян Парандовский ўзининг “Сўз кимёси” асарида қуйидагиларни ёзади: “Ёзувчини унинг касб-корига олиб келадиган куч, сира енгиб бўлмайдиган қудратли даъват нимадир? Бундай даъватнинг илдизларини қидирав эканмиз, биз инсон табиатининг хусусиятларидан бирига эътиборимизни қаратмоғимиз лозим... Ҳамма одамларга хос бўлган бу хусусият шундан иборатки, одамлар ҳаётда мавжуд бўлган ҳар қандай ҳодисани сўзда ифодалашга эҳтиёж сезадилар ва бу билан боғлиқ равишда ўз-ўзларини намоён қилишга ҳам эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж деярли физиологик эҳтиёждир ва унинг заифлашиши ёхуд бутунлай йўқ бўлиб кетиши инсон табиатининг моҳиятига зид келади”.

Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини мустақиллик йилларида матбуотимизда эълон қилинган чуқур таҳлилли мақолалар, хусусан, Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов публицистикасида кучли мантиқий таҳлил, нуқсонларга муросасизлик, фикрни очиқ ва лўнда ифодалаш, Шукр Холмирзаев, Иброҳим Фафуровда, ҳиссий мушоҳада ва образлилик, Хайридин Султонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Мирпўлат Мирзо ва бошқаларда образли бадиий эстетик туйғу ҳосил қилиш, дадиллаш ва ишонтириш маҳорати устиворлик қилади.

Истиқлолимиз арафаси ва дастлабки йилларида матбуот жамиятдаги турли қатламларга мансуб кишиларни ягона мақсад йўлида бирлаштирадиган, янги шароитдаги бурч ва масъулиятини тўла англашларига ёрдам берадиган ошқора, дадил ва таъсирчан сўзига кучли эҳтиёж пайдо бўлди.

Гап шундаки, бу даврга келиб, дунёда тамомилан янги ижтимоий ҳолат юзага келди, инсоният ҳаёти, тафаккури ва келажаги билан боғлиқ тушунчаларни қайта идрок этиш зарурати пайдо бўлди. Юқорида ҳам, қуйида ҳам бундан буён эски андозалар, тақиқ ва чекловлар, хомхаёл шиорлар билан яшаб бўлмаслиги, коммунистик тузум ҳукмронлик қилаётган мамлакатларда инсон дунёқарашини сиёсий мафкура тамойиллари асосида шакллантиришга ва уни бошқаришга доир уринишлар самара бермаслиги, дунё кескин бурилиш нуқтасида турганлиги аён бўлиб қолганди. Республиканинг янги раҳбари Ислам Каримов мустақиллик арафасидаёқ мамлакатда ижтимоий адолатни тиклаш, миллатнинг ор-номуси, шаън-шавкатини жой-жойига қўйиш, дин ва диндорларга муносабатни ўзгартириш, улуғ аллома аждодларимиз меросини ўрганиш, мустақиллик эълон қилинганидан кейин эса эски тузумнинг гайри-ахлоқий шиорлари, маънавиятга зид қонун-қоидаларидан тезроқ қутулишни жамият олдидаги асосий вазифа деб белгилади. Бу вазифани бажармай туриб, жамиятни тараққий эттириш, халқнинг эртанги истиқбол кунларига ишончини мустаҳкамлаш, янги инсонни камолга етказиш мумкин эмас эди.

Мустақиллик йилларида ўзбек бадиий публицистикаси жанговар, ҳозиржавоб жанр сифатида қайта оёққа турди, янги демократик жамият қурилишининг фаол иштирокчисига, йиллар давомида бир ўзанга тушиб қолган фикр мудроқлигига барҳам берди, жамият ҳаётида бошланаётган янги жараёнларнинг толмас тарғиботчисига айланди, баҳс-мушоҳада, ҳиссиётли муҳокама жўшқинлигини юзага келтирди. Яна бир муҳим жиҳати, тўқсонинчи йилларнинг биринчи ярмида нафақат ижодкор зиёлilar, оддий касб эгалари, мактаб ўқитувчилари, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт соҳаси ходимлари, кўп болали оналар ҳам қўлларига қалам олдилар. Матбуот улар учун эркин мушоҳада минбарига айланди, фикр алмашиш, бошқаларни ҳам эшитиш, қиёслаш, хулоса чиқариш имконияти пайдо бўлди. Тахририятларга йўлланаётган мактубларнинг аксариятида муаллифларнинг шахсий талаблари эмас, жамият ривожини, миллат тақдири билан боғлиқ куюнчак мулоҳазалар устиворлик қиларди.

“Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади, — деб таъкидланади Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида. — Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг гоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни, албатта, қувонтиради. Буларнинг барчаси миллий тикланиш жараёнлари қалам аҳлининг ижодий изланишлари учун қандай катта уфқлар очиб берганини яна бир бор кўрсатади. Дейлик, ҳозирги пайтда тарихий мавзунини ёритишда — бу Имом Бухорий ёки Имом Термизий бўладими, Жалолиддин Мангуберди ёки Амир Темур сиймосини яратиш бўладими, олис ва яқин ўтмишимизнинг ҳали очилмаган саҳифаларини аск эттириш бўладими — буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли тасвирланган кўплаб асарлар юзага келмоқда”.

Собиқ тузум шароитида бунга асло йўл берилмади. Бадий адабиётда, матбуотда ёки оддий давра суҳбатида ўтмиш аждодларнинг номини тилга олишнинг ўзи “тарихни идеаллаштириш, феодал замонларни қўмсаш” деб баҳоланди. Кўпчилик ижодкорлар шундай оғир шароитда ҳам имконият даражасида қалам тебратишга, тарих ҳақиқатига қарши бормасликка ҳаракат қилдилар. Давлатимиз раҳбарининг миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларида бу тўғрида жуда аниқ айтилган: “Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узоқ йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум гояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган. Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроса қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмунини, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайгуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим”.<sup>1</sup>

Бу юксак эътироф матбуотимизнинг фидойи ва журъатли вакиллари ҳам тааллуқли десак тўғри бўлади.

*Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ*



<sup>1</sup> И с л о м К а р и м о в. “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор”. Т., “Ўзбекистон”, 2009, 10-11-бетлар.

---

---

Дмитрий ПИСАРЕНКО

## Унутилган отряд

*Инсон вужуди имкониятларини уларда  
синаб кўрардилар*

**К**осмонавтлар шон-шуҳрат ва эҳтиромга сазовордирлар. Ўз саломатликлари баҳшида қилиб юлдузларга йўл очган бу одамлар ҳақида эса жуда озчилик билади — уларнинг номларини космонавтика тарихига муҳрлашни мутлақо унутадилар.

1952 йили Сталин ўлимидан олдин синовчиларнинг махсус отрядини тузиш ҳақидаги фармойишга имзо чекади. Дарҳақиқат, улар техникани эмас, ўзларини синашлари зарур эди. Тиббиёт тажрибаларида одамларни синашни тақиқлаш борасидаги халқаро конвенция (Нюренберг судидан кейин қабул қилинган) у пайтда амалда кучга кирган эди, бироқ Сталин бунга нописандлик билан қараганди. Совет Иттифоқи олдида космосда зафар қозониш вазифаси турарди. Ва шу боис янги шароитда инсон танасида кечадиган ўзгаришларни ўрганиш борасида дастлабки билимларни ўзлаштириш зарур эди.

Синовчилар муддатли хизмат аскарлари орасидан танланди. Авиация тиббиёти Илмий тадқиқот институти комиссияси ўқув ҳарбий қисмларига чиқиб, номзодларни ўта синчковлик билан кўриқдан ўтказардилар. Отрядга ўқчи-радиотлар мактабидан тушган красноярский Леонид Сидоренко шундай эслайди: “Тиббиёт талаблари ўта юқори эди. Ниҳоят ҳайъат кўригидан муваффақиятли ўтган аскарга, сиз Москвага бориб, янги техника синовидида қатнашишингиз мумкин, дейиларди. Биз ўша пайтда гап янгиларни синовдан ўтказиш ҳақида кетаётганимиз деб ўйлаганмиз. Йигитларнинг барчаси деярли чекка жойлардан бўлиб, ортиқча савол беришмаган ва ортиқча мулоҳазага ҳам берилишмаган. Биз — 50 кишини Москвага олиб келишди. Сўнгги босқичда уларнинг яна ярми сараланди. Сараланганларгина отрядга тушдилар.

Сир сақлаш ўша пайтда қаттиқ тартибда эди — ҳар биримиз бунга 25 йил давомида амал қилиш ҳақида имзо чекдик. Гарчи синовчи аскарлар бўлиб саналсак-да, бу вазифада жуда кам бўлардик. Синалувчилар вазифасида эса — ҳар доим. Энг оддий тажриба — бу дунёдан бутунлай узиб қўйилган муҳит — сурдокамерада бўлиш эди. Ичкарига товуш ҳам кирмайди, вақт ҳақида тасаввур йўқолади. Бўлажак экипаж номзодларининг руҳий чидамлилиги ёки бири-бирига руҳан мувофиқлиги шу тарзда синалади. Сурдокамераларда ҳафталаб, ойлаб ўтиришга тўғри келарди. Бироқ катапултдаги, центрифуга ва барокамералардаги тажрибалар ўта хавфли эди. Тиббиёт ходимларининг вазифаси инсонни чидаш мумкин бўлган энг оғир ҳолатга қадар олиб бориш эди. То у: “Мен тайёрман!” — дер экан, тажриба давом этаверарди.

“Мени ўзимга мос келмайдиган скафандр ичига бир амаллаб тиқишди, — деб эслайди Леонид Сидоренко. — Мен тор скафандр ичиди бир неча соат давомида фақат кислород билан нафас олдим — бу ҳолатда қондан азот ювилиб кетади, акс ҳолда у баландликка кўтарилганда пуфакчаларга айланади ва қон томирларида йиғила бошлайди. Барокамераларда биз олти соатлаб ўтирардик. Ёноқларимиз шишиб кетарди, кўлларимиз, елкаларимиз, бошимиз худди анамана ёриладигандек катталашарди...”

Синовчиларни 30 км баландликка “кўтаришар” ва уларни пастга “ташлашар”, секунднинг улушлари давомида, дейлик, баландлик 12 дан 18 км қадар

ўзгарарди. Баландлик физиологияси институти врачлари Акаки Чивилашвили тан олиб шундай дейди: “Барокамерадаги синалувчининг томир уриши 70 бўлганда ташқарида турган менинг томир уришим 150 га чиқиб кетарди. Болаларга қаттиқ қайгурардим, улар бизга туғишганимиздек бўлиб қолишганди. Менинг тажрибамга синовчиларни алоҳида танлашарди — ҳар ким ҳам мос келавермасди”.

Ефрейтор Сидоренко сувдаги 12 кунлик тажрибани бир умрга эслаб қолди. Тиббиёт ходимлари узоқ муддатли ҳаракатсизлик ва вазнсизликда тананада нималар содир бўлишини билиш мақсадида эдилар. Бунинг учун мени ҳар томонимдан маҳкамлаб тортиб бассейнга ташладилар. “Мен уларга нималарни ҳис этаётганимни айтиб турардим. Учинчи суткадан кейин титроқ бошланди, тўртинчи суткада у чидаб бўлмас ҳолга келди, — дейди Сидоренко. — Кейин тушундимки, терида ёғсизланиш жараёни кечиб, унинг майда тешикчаларидан ҳимоя қатлами ювилиб кетибди, у ниҳоятда юпқалашиб қолибди. Тажрибадан кейин бассейн сувини тўкишганида унинг гир айлана деворида темир зангига ўхшаш қуйқалар чизиқ ҳосил қилганди. Менга: “Лёна, манови сенинг ўғитинг, тери ости ёғларинг”, дейишди. Уларни қириб олиб, лабораторияда ўрганишди. Мени бассейндан чиқариб олишганидан бир неча дақиқа кейин югуриш йўлакчасига келтиришди. Бироқ майинлигини йўқотган танам териси чирсиллаб ёрила бошлади, тренажёр қонга бўялди, кейин мени тўхтатишди”.

Ҳақат яқиндагина Леонид Викторович бу тажрибанинг қандай оқибатларга олиб келишини англаб етди. Тананинг бутунлай ҳаракатсизлиги натижасида муҳим аъзолар — юрак, буйрак, жигар ўзининг кераксизлигини сезиб, секин ишлаб бошлаб, ишга яроқсиз бўлиб қоларкан. Бироқ у сувда 12 кун ётишга муваффақ бўлди ва бу рекорд эди — АҚШдаги синовчи сувда бундан икки баробар кам вақт бўлган эди. Кейинчалик сувдаги тажрибага доир бу кўрсаткичлар асосида космонавтлар учун жисмоний машқлар комплекси ишлаб чиқилганди.

Бир пайтлар ўта сир тутилган синовчилар отряди кейин унутилишга маҳкум бўлди. Ҳарбий хизматчиларнинг қўлига ҳеч қанақа маълумотнома ёки ҳужжат беришмади. Ҳатто Мудофаа вазирлигининг Марказий архивида ҳам бу ҳақда ҳеч бир маълумот йўқ. Яккаю ягона шаҳодатнома бу — институтда сақланиб қолган “Ҳурмат тахтаси” дир. Буни, ҳар қалай, Гагариннинг космосга парвозига йўл очган аскарлар ҳақида хотира, деса бўлади.

*“АиФ”нинг 2011 йил  
8-сонидан олинди.*

## ЁНАЁТГАН САЙЁРАДА ЯШАМОҚДАМИЗ

*Бугунги космонавтика ҳақида Москва Давлат университетининг физика факультети декани Владимир ТРУХИН мулоҳазалари*

— Владимир Ильич, кейинги пайтда космонавтика долзарблигини йўқотди, унинг амалиётда ҳеч бир аҳамияти қолмади, кўпроқ овоз учунлиги ва ноқераклиги аён бўлиб қолди, деган гаплар чиқмоқда. Бунга сиз нима дейсиз?

— Аввало, космосда нималар содир бўлаётганини билмоғимиз керак, биз ўрганаётган муҳит эса яқин атрофимиздир. Масалан, хитойликлар аҳолисини Ойга жойлаштириш ҳақида жиддий ўйлаб бошладилар. Мен эса биз ўзимиз яшаётган заминни ўрганишни ҳаммасидан муҳим деб ҳисоблайман. Ер сайёрасида беназир шарт-шароит муҳайё. Азон қатлами бизни ултрабинафша нурларидан, магнит майдони кучли нурланишдан ҳимоя қилади. Қуёш бизга ҳаётимиз учун керакли ҳароратни беради, бироқ Ернинг ичида оловли ўзақ бор. Хуллас, шоирона қилиб айтганда, биз жаннат гўшасида эмас, ловиллаб турган юлдузда яшаймиз. Айтинг-айтинг, бу оташдан бизни асраб турган Ернинг устки “либоси” ва қобиғига заха етмасин!!

— Наҳотки Ер ҳали ҳам тўқис ўрганилмаган бўлса?

— Ҳамма гап мана шунда. Ҳаммасини бошидан бошлаш керак, Ер ҳақидаги фанни тиклаш зарур. Яқинда Японияда содир бўлган фожиавий воқеалардан

кейин вулқонлар отилиши ва кучли zilzilаларнинг асл сабаби нимада деган савол яна олдимизда кўндаланг бўлмоқда. Уларни олдиндан айтиб бўладими, бу офатларнинг олдини олиш мумкинми? Ер ўз айланиш ўқини мудом ўзгартирмоқда — ўтган йилги мисли кўрилмаган иссиқ иқлимнинг сабабини эҳти-мол мана шундан ахтариш керакдир? Нанотехнология — бу яхши албатта, бироқ Ерга нимадир зиён-заҳмат етказса, ҳеч қандай “нано” бизга ёрдам беролмайди. Бугунги кунда барча тараққий этган мамлакатлар геофизикани ривожлантиришга катта куч сарфламоқда.

Зеро геофизика, ўз навбатида космик тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқ. Дарвоқе, “тўқис ўрганилганлик” ҳақида... Мана, масалан, олдий одамдан Ер қуёш атрофида айланади деган фикрга сиз қандай қарайсиз, деб сўраб кўринг, нима деб жавоб бераркин?

— Бугунги кунда маърифатнинг ниҳоятда саёзлашиб кетганлигига сабаб ҳали мудроқ босмаган одам ҳам “нима ниманинг атрофида айланаркин” дея ўйга толиб қолиши шубҳасиз. Яхшиямки, Гагариннинг Ер атрофини айланиб учганлиги ҳали юртдошларимизнинг ёдида, йўқса, Ер ҳўкизнинг шоҳида туради деган тушунча ҳали ҳам ҳўкмрон бўлиши мумкин эди...

— Сиз ҳақсиз. Бироқ бизда Ой борлигини ҳам эслан чиқармаслик керак, зеро Ер ва Ой умумий оғирлик марказига эга, айнан ана шу оғирлик маркази айланади Қуёш атрофидан. Ер ҳам, Ой ҳам унинг атрофида айланади...

— Бу билимнинг мутахассис бўлмаган одамга қанчалик аҳамияти бор? Гуманитар фанлар одами ёки дейлик, ҳар қанақа фандан йироқ одам учун?

— Жамият идрокиси жуда катта тафовутлар билимларнинг асосини пухта ўзлаштирмаганлик туфайли келиб чиқади. Ахир, кўринг, илми ғайб ва ирим-сиримлар бугунги кунда қанчалик урчиб кетди! Одамлар мўъжиза содир бўлишига, унутилган тамадунларнинг “тилсим”ларига сидқидилдан ишонадилар. Тўғри, қадимги халқларда ҳам ўзига хос фан мавжуд бўлган, шу илм асосида қалъалар бунёд этилган, маъданлар қайта ишланган, хасталиклар даволанган. Бироқ кейинчалик буларнинг бари негадир олий кучларнинг иштироки билан, сеҳр-жодулар ила амалга оширилган деган тушунча устувор бўла бошлади.

— Одамлар дунёнинг эврилишини ёки ўзларининг дунёчаларида ўзгаришлар содир бўлишини тез ҳамда ортиқча уринишларсиз, ҳолдан тойдирадиган сабоқ дарсларсиз ва ортиқча тажриба орттириш тадорикисиз амалга ошишини истадилар. Сиз боя айтган сирингизнинг сабаби мана шунда эмасмикин?

— Балки. Ўтган аср техника ҳамда мантиқ устуворлиги асри бўлди. Биз ҳар бир одам қалбида гўдак заковати яширинганлигини унутиб қўйдик ва Гагарин парвозининг умумбашарий олқишида яккаш техника тараққиёти тантанасини кўргандек бўлдик. Гарчи кўплат тирик инсоннинг юлдузлар сари юксалиб, Ер куррасини чеккадан туриб қузатганлиги чинакам мўъжиза эканлигини теран англаб етмаган бўлсалар-да... Эндиликда биз аниқ ва табиий фанларнинг гуманитар фанлар билан узвий яқинлаштиришимиз керак, фанлар бир-бирлари билан уйғунлашмоғи зарур. Фан яхлитлиги, бу демак — космос ҳақида ҳам, ҳаёт ҳақида ҳам билимдир, психология ва одамларнинг ўзаро муносабатлари, тарих ва маданият ҳақида ҳамдир.

— Айни чоғда илм қадри, маърифатга бўлган эҳтиромли муносабат йўқолиб кетмаслиги керак...

— Илм-фансиз давлат яшай олмайди, бугун турмушда нимаданки фойдаланилаётган бўлса, бари олимлар заҳмати туфайлидир. Бироқ кейинги пайтларда фаннинг яшаб қолиши борасида, унинг иқтисодий таъминотида муҳим ўзгаришлар юз берди. Яъники, грантлар пайдо бўлди, уларда катта пул ётади, шунинг натижасида — бу катта маблағ, яъни мукофот учун кураш асносида олимлар дарс беришни ташлаб қўйдилар. Мен таҳсил олган вақтимда бизга Арцимович, Киклин, Ландаулар маърузалар ўқишарди — ҳозир бирон-бир академик маъруза ўқимайди, мабодо мен уларни кўндиришга ҳаракат қилсам, мени уларнинг ёрдамчиларига йўллашади.

— Демак, оқибатда?..

— Ворисийлик йўқолади, фаннинг қадри пасаяди, унга бизнес турларидан бири сифатида ёндашиш бошланади. Оқибат-натижа ҳавас қилиб бўлмайдиган, йиғлайдиган аҳволга келади — сохта фанлар томир ёзади. Грантларни одат-

да айрим шахслар ажратади, зотан улар учун амалий тажриба муҳимдир ёхуд чиройли ва қизиқарли, ҳаммани қойил қолдирадиган лойиҳа эгаси сифатида ном қозонилса бас. Ҳатто анъанавий йўналишларда ҳам асосий эътибор долзарб ва жиддий тадқиқотларга эмас, балки кўзга бирдан ташланадиган машхур коллайдер ёки Катта портлаш назариялари сингари лойиҳаларга қаратилади. Шундай муаммолар шаклланадики, уларнинг далилларини шубҳа остига олиб бўлмайди — бир ярим миллиард йил муқаддам нима содир бўлганлигини ким ҳам текшириб кўра оларди?

Шов-шув, дабдаба кўпроқ аҳамият касб эта бошлайди, чунки муттаҳамлар олимлар қиёфасида пайдо бўладилар, жиддий фикрли инсонлар эса бундай пайтда парда орқасида қоладилар ва улар қандайдир хунук ишлар содир бўлаётганлигини билсалар ҳам, ўз ўринларидан айрилиб қолишдан қўрқиб, сукут сақлайдилар.

— **Вазиятни ўзгартириш учун нималар қилиш керак?**

— Юқорида айтилган жами муаммоларнинг туб илдизи шундаки, мутахассис бўлмаган шахс чиройли буклетда ёки илк кўрганда салобатли туюлувчи мақолада мужассам бўлган саёз фикрларни дафъатан илғаб олиши қийин, шу боисдан бугунги кунда ўзининг анъанавийлигини йўқотган илмий-оммабоп адабиётлар нашрини тиклаш керак. Ҳозирги олимлар ўзларининг катта илм мужассам бўлган китобларини ҳамма ҳам тушунавермайдиган тилда битадилар. Мен Нобел мукофоти совриндори Гинзбургнинг маърузаларини тез-тез эслаб тураман: у биринчи соатда ҳеч қанақа формуладан огиз очманглар, фақат муаммо ҳақида ҳамма тушунадиган жайдари тилда гапиринглар, дерди.

— **Тараққиёт истиқболи сизга қай йўсинда кўринади?**

— Мен илм-фанга ишонаман. Кўзбўямачилик қилиш керак эмас, ҳалол ишлаш керак, агар сенда лаёқат бўлса, албатта, кўп нарсага эришасан. Илм-фансиз ҳеч нарса олдинга силжимайди, бироқ у ўз-ўзига шароит яратиб бориши керак, ўз-ўзини тараққий топтириб бориши зарур. Асосий фанлар бор, аниқ фанлар бор, шунингдек, уларнинг ёнида одамлар дунёга соғлом назар солишлари учун, олимлар эса инсон қалби ҳақида унутиб қўймасликлари учун санъат ҳам ёнма-ён турмоғи лозим. Қачонлардир “олис сайёраларга нурли сўқмоқлар” кўпларни тўлқинлантирган бўлса, энди аён бўлдики, биз, аввало, ўз уйимиз ташвишини чекмоғимиз керак экан. “Космонавтика” фани отаси Циолковский қачонлардир айнан шунга даъват қилган эди.

*“Литературная газета”нинг  
2011 йил, 14-сонидан олинди.*

*Мирнўлат МИРЗО  
таржималари*

## Шарқ шеърлятида ижтимоий фикр такомили

**С**анъат ва адабиётдаги ўзгаришлар, хусусан, уларнинг ижтимоийлашуви бир ёки икки мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида рўй берган воқеалар билангина чеклиниб қолмайди. У дунёдаги илғор халқларнинг маърифат даражаси билан ҳам чамбарчас боғлиқлиги, бу кишилиқ жамияти тараққиётидан келиб чиқувчи табиий ва қонуний ҳол эканлиги ХХ асрга келиб очиқ-ойдин кўзга ташланиб қолди.

Турк олими Исмоил Порлатир «Янги турк шеърляти» деб номланган йирик тадқиқотида XIX асрдан янгилаган бошлаган турк шеърляти ҳақида фикр юритаркан, уни асосан Оврупонинг Туркияга кўрсатган маданий таъсири билан боғлайди: «XVIII аср охирларидан XIX асрнинг илк йилларига кириларкан, турк дунёси янги бир маданий қурилма билан юзма-юз келаётган эди. Ғарб, хусусан, француз маданий ҳаётини XVIII асрнинг бошларидан эътиборан тан ола бошлаган турк зиёлиси, бир тарафдан бу янги дунёда ўзи учун керакли бўлган илм ва техникага оид маълумотларни, иккинчи тарафдан эса француз инқилобини ҳозирлаган Ғарбнинг фикр оқимларини изма-из ўрганарди. Бу йўлнинг очилишида Ғарб билан дипломатик алоқалар ўрнатилганининг аҳамияти катта бўлди. Ҳарбий мактаблар очилиши натижасида халқ таълими ҳам ўзгаришларни бошидан кечирди. Франциядан мутахассислар келтириш ва Оврурога талабалар юбориш ишлари йўлга қўйилди. Йилдан-йилга бу олди-бердиларнинг суръати оша борди ва Истанбулда кенг миқёсда ғарбий ҳаёт тарзи ўзини кўрсата бошлади. Оврурога кетган турк инсони эса, у ернинг сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётини яқиндан таниди ва бу ҳаётни Истанбул ўз даврасига ташиб кела бошлади. Бу ўзаро борди-келдилар турк маданий ҳаётига ва адабий дунёсига янги қадриятлар, янги адабий турлар ва хилма-хил санъат маҳсулотларини олиб келиб қўшаётган эди...» («*Жаҳон адабиёти*» *журнали. И. Порлатир. Янги турк шеърляти. Тошкент, 1998 йил, март. Б. 151*).

Турк олимнинг бу фикри ХХ аср ибтидоидаги Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётига татбиқан ҳам бемалол айтилиши мумкин. Зеро, шу даврдан бошлаб Туркистоннинг Россия (шунингдек, у орқали оз бўлса-да, бошқа Овруро мамлакатлари) ҳамда бу борада ўзидан олдинроққа кетган Туркия, Озарбайжон, Татаристон халқлари билан алоқалари мустаҳкамланаётган эди. Ўзаро алоқалар натижасида ҳаётимизга айрим янгиликлар кириб келганки, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий каби маърифатпарварлар ўша вақтдаёқ мазкур ўзгаришларни ёқлаб, ўз асарларида тарғиб этганлар (масалан: «Таърифи печ», «Ароба», «Гимназия» ва б.). Бу эса ўзга халқларнинг маиший, маданий ҳаётидаги мақбул томонларни миллий ҳаёт ва миллий турмушга татбиқ этиш истаги туфайли юзага келди. Албатта, ижтимоий тартиблар ва маиший турмушда илғорлаб кетган халқлардан ўрганиш заруратини ҳис қилиш — адабиёт ва санъатдаги ижтимоийлашувнинг муҳим омиллардан бири, унга ташқи таъсир натижаси сифатида қаралиши керак. Адабиётимиз тарихида миллий уйғонишнинг маърифатпарварлик босқичи деб аталган бу даврда айнан шу омил устуворлик қилди. Мазкур омил нечоғли аҳамиятли бўлмасин, ўз ҳолича ижтимоий ва бадиий тафаккурда туб бурилишлар ясашга қодир эмас. Айни пайтда, бу ўша туб бурилишларни юзага келишини тайёрлаган муҳим босқичдир.

Бироқ Туркистондаги ўзгаришларнинг туб илдизини, аввало, сиёсий-иқтисодий заминдан қидириш тўғрироқ бўлади. Чунки Туркистон чоризмнинг мустамлакаси эди, бинобарин, ҳар қандай маданий алоқадан олдин сиёсий, иқти-

содий, мафкуравий, маиший ҳамкорлик масаласи ўртага чиққанди. Чунончи, сиёсий-иқтисодий мақсадда қурилган темир йўлни, масалан, наманганлик шоир Ибрат қатта умид ва қувонч билан қарши олади:

Наманган аҳлига хўб бўлди, бир яхши замон келди,  
Муродоти халойиқ узра бир жону жаҳон келди,  
Дема жону жаҳон, овқат учун бу халққа дон келди,  
Дема дон, балки бунларга маишат узра нон келди,  
Ажиб бир фоизи арзоқи инсоний вагон келди.

Бу ҳақда адабиётшунос олимлар Б. Қосимов ва У. Долимов шундай ёзади: “Ибрат маданий-иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнаган, ўша давр учун нисбатан янги ҳодиса бўлган темир йўлни самимият билан қарши олди ва бу воқеага халқ манфаати нуқтаи назаридан қараб фикр юритди”.

Албатта, бу каби нақлиёт йўлларининг қурилиши бора-бора турли халқлар ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишувига, алал-оқибатда уларнинг ўзаро «қайнашуви», таъсирлашувига олиб келди. Одатда, энди-энди ривожланиш босқичига қираётган халқлар илғор халқлардан кўп нарсаларни ўрганади. Бу – қонуният. Чунончи, XIII аср аввалида қадим Туркистонни ишғол этган мўғуллар, гарчи юртни идора этган эсалар-да, ўзларидан кўп жиҳатдан илгарилаб кетган маҳаллий халқдан ҳар жабҳада ўрганганлар. Шу маънода XIX аср адоғи ва XX аср бошларида ҳозирги Марказий Осиё ва умуман, Шарқ халқлари кўпгина масалаларда, хусусан, фан-техника, саноат, қурилиш, ҳатто маориф соҳаларида Фарб мамлакатларининг ютуқларига эҳтиёжманд эди. Бинобарин, ўша вақтларда Ўзбекистон ҳам Русия, Туркия ва Овруподан у ёки бу даражада ўрганди. Собиқ шўро даврида бу даражани ошириб кўрсатишга қаратилган интилиш ҳақиқатга қанчалик хилоф бўлган бўлса, уни туширишга уриниш ҳам шунчалик янглишди. Бундай таъсирланиш эса ўлкада ижтимоий фикрнинг ўсишини тақозо этарди. Русия бу вақтга келиб инқилобий ҳаракатлар, ижтимоий-сиёсий кўтарилишлар палласига кириб бораётганди. Биргина В. Маяковский поэзияси шунини кўрсатадики, рус зиёлиси, рус шоирининг дунёни эстетик идрок этиш тарзида кескин бурилишлар юз бераётганди. Чунки Пушкинларни, Лермонтовларни, ҳатто берирокдаги Некрасовларни вояга етказган, тарбиялаган муҳит энди тамомила бошқача моҳият касб этганди. У янгиланаётган, навбатдаги, ҳали илгари қузатилмаган ижодий босқичга ўтаётганди. Даврнинг юрак уришига қўлини қўйиб турган рус шоири Маяковский, турк шоири Яҳё Камол, ўзбек шоири Чўлпон шунинг учун ҳам янги шеър талаби билан майдонга чиқдилар. Табиийки, бу ҳаракат натижасида тугилажак шеърят аввалгисидан фарқ қиларди. У инсон тафаккурига, ақлига хитоб қилиши билан, яъни ижтимоий сажияси, аввало, фикрга, янги мазмунга асосланганлиги билан «гул»ни «булбул»га қофия этиб яратилган ҳамда кўнгилга, ҳисга мурожаат этувчи, баъзан ҳатто сентиментал доирада қолиб кетувчи бурунги назмдан ажралиб турарди. XIX асрнинг иккинчи ярмида турк адабиётида юз берган ўзгаришларни назарда тутиб Исмоил Порлатир ёзади: «Асрлар бўйи дунёга кўнгил кўзи билан қараган турк шеъри энди тафаккур йўлига ўтаётган эди» (*Юқоридаги журнал, 153-бет*).

Фақат бундан «XX аср аввалида ёзилган шеърларда ҳис йўқ эди» дея бир томонлама хулоса чиқариш ярамайди. Чунки биламизки, масалан, Чўлпоннинг ҳатто юрт озодлиги мавзусида ёзилган сиёсий-ижтимоий руҳли шеърлари ҳам жуда эҳтиросли жаранглайди. Зеро, бундай шеърлар, одатда, шоирнинг фикр ва туйғуси бир вақтда иштирок этувчи «мен»идан отилиб чиқади. Шу маънода юқорида номлари тилга олинган шоирларнинг энг яхши шеърлари қанчалик рационал бўлса, шунчалик ҳиссий-эмоционал мазмунда эканлигини қайд этмоқ керак. Демак, асрлар бўйи дунёга кўнгил кўзи билан қараб келган инсон XX асрга келганда тафаккур йўлига ўта бошлади, деган нуқтаи назарни шундай тушуниш лозимки, бунда сиёсий-ижтимоий, маънавий-психологик омиллар боис шоирнинг дунёни эстетик идрок этишида юз берган ўзгаришлар назарда тутилган. Ва бу ўзгаришлар, аввало, шеър таркибида ижтимоий фикр салмоғининг тобора ортиб бораётгани билан белгиланиши қайд этилган.

Кўринадики, XX аср ўзбек шеъряти икки — ташқи ва ички омилларга кўра жадал равишда ижтимоийлаша борган.

Ташқи омил. Буни XIX асрнинг интиҳоси ва XX асрнинг ибтидосида дунёнинг илғор мамлакатларида фан-техника, саноат соҳаларининг тараққий эти-



ши ва унинг кенг ёйилиши натижасида одамлар турмуш тарзида пайдо бўлган улкан ўзгаришларнинг ижодкор дунёқарашига таъсири деб қисқача таърифласа бўлади. Фикримизни кенгроқ ва ёрқинроқ ифодалаш учун Олвин Тоффлерга мурожаат қиламиз: «Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ҳозир содир бўлаётган нарсалар шунчаки саноат инқилобига қараганда кўламлироқ, теранроқ ва муҳимроқ. Кўпгина мўътабар одамларнинг фикрига қараганда, ҳозирги давр оз эмас-кўп эмас, инсоният тарихидаги иккинчи буюк ҳудудни ташкил қилади. Ўзининг аҳамиятига кўра уни инсоният тарихидаги биринчи буюк ҳудуд билан, яъни инсониятнинг ёввойилик давридан цивилизацияга ўтиши билангина таққослаш мумкин...» (*Ўша журнал, 1998 йил, 4-сон, 104-б.*)

«Худолар, мақбаралар, олимлар» номли китоб муаллифи К.У.Карем шундай деб ёзади: «Биз — йигирманчи аср одамлари инсоният тарихида беш минг йил давом этган бир даврни хотимлаймиз...»

Бу гаройиб фикрни бир қатор жонли мисолларда янада аниқ кўрсатиш мумкин. Мана улардан бири. Инсоният ҳаётининг сўнгги 50 000 йилини авлодлар сони билан ўлчаб кўрайлик. Ҳар бир авлоднинг умрини ўртача 62 йил деб олайлик. Унда шу 50 000 йил мобайнида (*қарийб — У.Ҳ.*) 800 та авлод ўтган бўлиб чиқади. Улардан 650 авлод ўз умрини горларда яшаб ўтказган. Фақат сўнгги 70 авлоднинг умри давомидагина ёзув пайдо бўлгани туфайли авлодлар ўртасида маъқул бир олоқа ўрнатиш имкони туғилган, фақат сўнгги 6 авлоднинг умри давомидагина одамлар оммавий тарзда матбуот сўзи билан танишдилар. Фақат сўнгги 4 авлод умри мобайнидагина одамлар вақтни озми-кўпми аниқ ўлчашни ўрганиб олдилар. Фақат сўнгги 2 авлодгина электромотордан фойдаланган. Кундалик ҳаётимизда биз истифода этадиган ҳамма моддий буюмларнинг кўпчилиги биринчи марта ҳозирги — 800-авлоднинг ҳаёти давомида барпо бўлган» (*Ўша журнал, 104-бет*).

Америкалик олим оламшумул саноат тараққиётигача бўлган давр бир ёну бир неча ўн йиллардан бериси, яъни яшаб турганимиз ҳозирги давр бир ён ҳамда энг муҳими, биз супериндустриализм остонасида турибмиз, чинакам улкан ўзгаришлар ҳали олдинда дея уқтирмакда. Дарҳақиқат, тарихга бошқачароқ назар ташланганда ҳам шуни англаш мумкинки, инсоният XX асрдан эътиборан янги бир ҳаёт сари одим ташлади. Демак, XIX юзйиллик адоғидаёқ тубдан ўзгаришга юз тутган янги шеърят ана ўша ўзгаришлар ҳавосини симириб тўйинган. Албатта, жамиятнинг ижтимоий-психологик кайфиятида ҳамма замонларда у ёки бу даражада ўзгаришлар доимо юз бериб турган. Бироқ гап шундаки, XX асрга келганда ўзгаришларнинг суръати мисли кўрилмаган миқёсларга чиқди. Бу ҳақда профессор Собир Мирвалиев шундай дейди: «...XX асрда замонавий ёзувчи бўлиш чиндан ҳам осон эмас. Нега десангиз, ҳаётнинг ўзи улуг танқидчи Белинский айтганидек, «энига ва бўйига қараб» шундай кенгайиб, чуқурлашиб боряптики, кечаги янгилик бўлиб кўринган нарса бугун эскириб қоляпти. Хусусан, фан-техника тараққиётининг ҳаёт ҳаракатига, одамлар онги, психологияси ва дунёқарашига кўрсатаётган таъсирини айтмайсизми? Ёки халқаро воқеалардаги улкан ва кескин ўзгаришларни олиб кўринг...»

XX аср — шиддатли ўзгаришлар асри, О.Тоффлернинг айтмоқчи бўлгани ҳам, асосан, шу. Ўзбек олими С.Мирвалиевнинг асримизда ёзувчига осон бўлмай қолди, дейиши замирида ҳам шу нарса ётибди. Чунки тез янгиликни, турланиб бораётган жамиятда бир хил кайфиятни тутиб олиш қийин кечади. Шеърят эса у ёки бу давр кайфияти инъикосидир. Шоир жамиятдаги муайян кайфиятга руҳий-психологик жиҳатдан мослашиб, ўн-ўн бешта шеър қоралаб улгурмасидан атрофда ўзга, яна-да янги шеърлятга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Чунки бу қисқа фурсат ичида жамиятга навбатдаги кайфият «ташриф буюрган» бўлади. Шунинг учун ҳам санъат соҳасида услублар тез-тез ўзгариб туради. Яна Тоффлерга мурожаат қиламиз: «XIX асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўлган импрессионизм бостириб келаётган залворли ўзгаришлардан хабар берган биринчи қалдирғоч бўлган эди. Агар биз импрессионизм гуллаб-яшнаган даврни тахминан 1875-1910 йиллар билан белгиласак, кўрамизки, у санъатда атиги ўттиз беш йил ҳукмронлик қилган экан. Ўшандан бери футуризмдан бошлаб мовизмгача, кубизмдан сюрреализмгача на биронта мактаб, на биронта услуб лоақал импрессионизмчалик умр кўра олмади. Бир услуб ўрнига бошқаси келади. XX асрда энг узоқ умр кўрган тасвирий санъат мактаби, яъни абстракт экспрессионизм кўп деганда йигирма йил — 1940 — 1960 йилларда ҳукмронлик қилди.

Шундан кейин росмана тўс-тўполон бошланди: “поп” беш йилча умр кўрди; “оп” томошабинлар эътиборини икки-уч йил жалб қила олди, холос...” (*Уша манба*).

Гап тасвирий санъат ҳақида кетаётган бўлса-да, у умуман санъатнинг ҳамма турларига, хусусан, шеърятга ҳам гоят тааллуқлидир. Ҳатто аср бошларидаёқ Чўлпон, Ойбек, Боту каби шоирларнинг айрим шеърларини ўлкамизда энди-энди куртак ёзаётган модернизм йўлидаги дастлабки изланишлар деб баҳолаш мумкин. Яъни, асримиз бошидаёқ дунёда яхлит бир психологик майдон ҳосил бўлган эдики, унга кўра муштарак бир ҳаёт тарзи, муштарак кайфият, муштарак интилишлар уч бера бошлаганди. Испан файласуфи ва эстети Ортега-и-Гассет овруполиклар ҳаёт тарзини америкаликларнинг ҳаёт тарзига монанд бўла бошлаганида ҳамма “оврупа америкалашди” деган, аслида, XVIII асрдаёқ америкаликлар учун одатий ҳол бўлган жиҳатларга овруполиклар орадан анча вақт ўтгачгина секин-аста етиб келган ҳамда ҳар икки ердаги турмуш тарзининг тенглашув ҳодисаси юз берган, дейди. Бошқача айтсак, олимнинг фикрича, Американинг Оврупога ҳеч қандай таъсири бўлгани йўқ, ҳамма гап шундаки, маълум муддатдан сўнг Оврупода ҳам ички сабабларга кўра турмуш тарзининг яхшиланиши, ўсиши натижасида шу ерлик инсон америкаликлар сингари ўзини ўз тақдири ва шахсиятининг ҳўжайини ўлароқ ҳис қила бошлаган. Яъни, ўшандай бир тарихий, ижтимоий-психологик шароит етилиб келган. Буни ўз заминимизга татбиқан қўлламоқчи бўлсак, Америка ва Европада XVIII асрда юзага келган бундай шароит бизда XX аср бошларида етилди.

Кўриниб турганидек, тараққиётнинг уст қадамлари сари илгарилар эканмиз, гап бу ўринда ҳам мамлакатлар ўртасида яхлит бир кайфиятнинг вужудга келиши ҳақида бораяпти. Демак, XIX аср аввалида Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик ўзгаришларнинг бир учи, умуман, дунёда кечаётган катта маъноли, кенг кўламли янгиланишларга бориб боғланади.

**Ички омил.** Тарихдан аёнки, XX асрда ўлкамиз худудида икки хонлигу бир амирлик мавжуд бўлган ва улар ҳукмронлиги остида яшаган халқлар диний эътиқодию урф-одати, дунёқарашию анъаналари... жиҳатидан бир-бирига жуда яқин, айрим ҳолларда деярли бир хил бўлган. Бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмида, чоризм томонидан мустамлака этилиши оқибатида Туркистон ўлкасининг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида кескин ўзгаришлар юзага келган. Чунки бир майдонда икки дунёқараш, икки эътиқод, икки маданият, икки анъана, борингки, икки бошқа-бошқа олам бир-бири билан бақамти бўлганди. Натижада прогрессив ёки реакционлигидан қатъи назар, тубжой аҳолисининг онгида, дунёқарашида бир бошқачалик шаклланди, ўз навбатида давр шеърияти ҳам жамиятнинг бир парчаси ҳисобланмиш ижодкорнинг оламни эстетик қабул қилишида рўй берган янгиланишлар бағрида ўзгарди.

Бунинг баробарида ўлкага фан-техника, саноат ютуқлари кириб кела бошлади. Фикри ожизимизча, ўша вақтларда бир туркистонликнинг психологиясига ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий омиллар қанчалик таъсир қилган бўлса, бир темир йўлнинг кириб келиши ёхуд янгидан-янги саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши, ниҳоят, бутун XX юзйиллик давомида радио, телевидение, компьютер техникаларининг турмушга тадбиқ этилиши ҳам шунчалик аҳамиятга молик бўлган. Қолаверса, ўлкада жадал суръатлар билан бошланган жадидчилик ҳаракати, уларнинг Туркистонни озод ва маърифатли кўриш гоёлари, бу йўлда янги услубдаги мактаблар очиб, дунёвий илмлардан таълим-тарбия беришлари, театр-томошагоҳларнинг ташкил этилиши, газета-журналларнинг чоп қилиниши ва ҳоказо бошқа фаолиятлари халқ онгида чуқур из қолдирган. Гап мафкура ҳақида кетганда шуни алоҳида таъкидлаб айтиш жоизки, ўлка чоризмгача Ислом мафкураси билан яшаган, кейин қисман “жадидчилик” гоёларига ошно бўлган эса, сўнг қарийб етмиш йил мобайнида большевистик гоё остида қолди. Ниҳоят, 1991 йилдан Истиқлол келди: Ўзбекистон ўз миллий мафкурасини яратиш йўлида реал имконга эга бўлди. Саналган омилларнинг ҳаммаси жам бўлиб, XX аср ўзбек шеъриятида ижтимоий фикрнинг туғилиб, шаклланиши учун пойдевор вазифасини бажарди.

Улугбек ҲАМДАМОВ,  
филология фанлари номзоди

*Ўзбекистон Республикаси фан ва техника, адабиёт, санъат  
ва меъморчилик соҳасидаги Давлат  
мукофотиغا номзодлар*

## Бадий таҳлил жилолари

**Х**ар бир ижодкор ўзига хос бир олам.

Ижодкор олами унинг ижодий йўли, услубини белгилайди. Бу услубнинг шаклланиши учун эса ижодкор тинимсиз изланиши, ҳузур ва ҳаловатидан воз кечиб, ўзини заҳматли ишга сафарбар этиши, вақти келганда, ўзидан кечиши талаб этилади.

Филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулов мана шундай даражага етган ижодкор-олимлардан. Олимнинг бутун умри, ярим асрдан ортиқроқ ижодий-илмий фаолияти сўз йўли, адабиёт йўли, илм йўли билан боғлиқ бўлди.

Айниқса олим устози, атоқли олимлар Матёқуб Қўшжонов, Озод Ша-рафиддинов, Субутой Долимов, ҳақидаги адабий портрет-тақриз ва мақолаларида олим ва шахсга хос ижобий фазилатлари, шогирд ва дўстга бўлган эътиқодини намоён қилади. Ундан ташқари ХХ аср ўзбек адабиётининг шонли ва долғали йўллари, бу давр адабиётидаги баланд-пастликлар, ижодий ютуқ ва кўз юмиб бўлмас камчиликлар, адабий танқидчиликнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган ўндан ортиқ китоб, 430 дан ортиқ илмий-танқидий мақола, ўндан ортиқ монография ва дарсликларда олимнинг илмий салоҳияти, ўзига хос мушоҳада-мулоҳазалари, ижодкорга хос индивидуал услуби акс этган.

Олимнинг 2006 йилда “Фан” нашриётида “Танқид, талқин, баҳолаш” номли китоби чоп этилди. Унда олим бадий асарга ёндошишнинг ўзгача йўлини танлади. У бадий асарга аввало, матн нуқтаи назаридан ёндашди. Матнни ўрганмай, унда маъно нозикликлари, кўз илғаб-илғамайди-ган сўз ўйинлари, кинояли қочиримлар, сўзлар орасидаги тиниш белгилари, ҳаттоки товушларнинг табиатини чуқур ўрганмасдан туриб асарнинг бадий қуввати салмоғи, онтологик руҳини белгилаб бўлмаслигини мазкур китобда алоҳида таъкидлади.

Бадий асарнинг жони, асосий қурилмаси, китобхоннинг эстетик-маънавий оламини бойитадиган таянч воситаси матн орқали амалга оширилади.

“Ҳақиқий адабий-бадий матн – ўзига хос бетакрор қурилма. Унда адиб услуби, истеъдоди, интеллектуал даражаси акс этади. Чин адабий матн – маънолар хазинаси, пишиқ-пухта тўқилган мато мисоли. Матн бир неча қатламлардан иборатки, китобхон, талқинчи ўз имконияти даражасида шу қатламларни забт этади”. (13-бет).

Китобда сўз санъати гўзалликларини ҳис қилиш, асарни умуминсоний тамойиллар ва миллий мезонлар асосида идрок этишга алоҳида эътибор берилган. Мунаққид ҳар бир асарга жаҳон адабий-назарий қарашлари нуқтаи назаридан ёндашади. Айниқса ғарб назарий тамойиллари, эстетик ва фалсафий дунёқарашининг шарқ бадииятига синтезлашуви жараёнини тирик сўз, бадий матн талқини орқали кўрсатилади. “Катарсис, герменевтика, зурафо, илми ғариба, аҳли дарк, шарҳ, медиум, каолокогот, ўзлаштириш эстетикаси, рецептив эстетика” каби тушунча-

лар замирига чуқурроқ киради, мазкур тушунчалардан назарий умумлашмалар чиқаради. Уларни замонавий адабиётга сингиб, умумистеъ-молга кириб кетиши сабабларини шарҳлайди.

Китоб уч бобдан иборат бўлиб, “Ўзлаштириш эстетикаси ва талқин тадрижи”, “Талқиний ёндашувлар ёхуд мақсадли таҳлил”, “Талқиний жараён: таҳлил йўллари, мақсад ва вазифалари” каби мавзулар қамраб олиниб, улар ҳам ўз ичида бир неча фаслларга бўлинади. А.Расулов бу асарда ҳозир бизда янгилик сифатида қаралаётган фикрларнинг илдизи кўхна шарқ адабиётида мавжуд бўлганини, улар қандай номлар билан аталганини ишончли далиллайди.

Атоқли олим, марҳум академик Матёқуб Қўшжонов бу асарни юқори эътироф этган ҳолда “... Расулов тадқиқотининг қиммати шундаки, у адабий танқиднинг назариясини яратди”, дейди.

Дарҳақиқат, адабий танқид ва унинг назарий тамойиллари ёритилган, илмий-бадиий жиҳатдан тўлиқ асосланган бундай асарлар илмимиз тарихида камдан-кам содир бўладиган воқеалар сирасига киради. Шу жиҳатлари билан “Танқид, талқин, баҳолаш” ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигидаги ноёб илмий кашфиётлардан биридир.

Олимнинг 2007 йилда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган “Бадиийлик – безавол янгилик” номли асари ХХ аср ўзбек адабиётида кечган илмий-ижодий жараён, бу даврда ижод қилган адибларнинг маънавий-эстетик салоҳияти, ижодий қиёфаси, мавжуд назарий тамойиллари ҳақида кенг маълумот беради. Мазкур китоб уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб олимнинг илмий-адабий мақолалари, иккинчи боб роман поэтикаси талқинлари, учинчи боб адабий этюдлардан ташкил топган. “Инсон табиатидаги бекиёс янгиликлар ҳақида илмий, бадиий асарлар яратилган, – дейди А.Расулов. – Лекин тирик одамдаги янгиликлар ҳамisha турланиб, товланиб, замон таъсирида ўзгариб бораверади. Истеъдод соҳиби инсон руҳи, маънавиятидаги янгиликларни вақтида кўра олиши, асарларида акс эттира олиши муҳим аҳамиятга эга. Ижодкор бадиият оламини теран англаса, машхур санъаткорларнинг (миллати, қаерданлигидан қатъи назар) асарларини ўқиган бўлса, инсон руҳи табиатидаги янгиликларни ва уларнинг қай даражада акс эттирганини яхши тушунади. Шу маънода бадиийлик – инсон руҳидаги янгиликни чуқур ҳис этиш, уни мангу безавол қилиб тасвирлашдир. (117-бет).

Бу фикрлардан маълум бўладики, ижодкор инсон табиатидаги янгиликларни илғаб, чуқур идрок қилиб, қалб ва ақл чиғиригидан ўтказиб, мазкур ҳолатларни ўз қаҳрамони фитратига сингдира олса, асарнинг мангу яшаш мақсадини таъминлаган бўлади. Мангу яшаш сирини ўзида жамлаган асар бадиий мукамаллик касб этиши учун аввало, ҳаётдаги янгиликларни ўзига сингдириши керак. Қолаверса, мангу асар яратишнинг асл истеъдодларгина тушунадиган ички мустаҳкам метин қоидалари бўлади. Бу асар структурасида, характер яратиш жараёнида кўринади.

Асардаги адабий характерлар призмаси ва матннинг структурал табиати ёзувчининг ижодий-эстетик, фалсафий мушоҳадаси, керак бўлса техникасига боғлиқ бўлади. Танқидчи бадиий асарни таҳлил қилишга киришар экан, аввало, асарга умумий қарашлар асосида эмас, балки ёзувчининг дунёқараши, унинг индивидуал табиати, ижодий техникасини пухта ўзлаштириши керак. “Бадиийлик – безавол янгилик” китобидаги “Адабий характер”, “Структура ва структурализм”, “Илми ғарибани қўмсаб”, “Бадиийлик – безавол янгилик”, “Жамодот синоати” сингари йирик илмий мақолаларида худди шундай тамойиллар назарда тутилди.

Бугунги куннинг танқидчиси – асарни ўз табиатига қараб танлайди, таҳлил қилади. Бунинг учун маълум чегара, қолип йўқ. Олим ижодкор кўзлаган бадиий ғояни англаб етса, асар табиатидаги яширин маънолар, сирли қочиримлар, санъат гўзалликларини юзага чиқара олса, кўрса-

та олса бас. Профессор Абдуғафур Расулов “Структура ва структурализм” номли мақоласида ғарб адабиётида тараққий этган методнинг моҳияти, ўзига хослиги, назарий асосчилари, мазкур методнинг қўхна шарқдаги белгилари ҳақида мулоҳазалар юритади. Ўзбек адабиётида машҳур бўлган асарларни бу метод мезонлари бўйича ўлчашга уриниб кўради.

“Бадиий асар ўзига хос микромир: санъаткор асар воситасида олам-олам фикрларни билдиради, ғояларни ифодалайди. Биз борлиқни қандай ўзлаштирсак, санъаткор матнини шунчалик синчиклаб ўрганамиз. Ҳақиқий матн – система. Борлиқнинг тузилишида, инсон мучаси, аъзоларининг жойлашишида изчил таркиб, тартиб бўлганидек, бадиий асар матнида ҳам тартибли таркиб мавжуд. Аниқроқ айтсак, бадиий асар – бетакрор структура, система. Бу системани уқиш, ўзлаштириш йўриғи, йўсини, қондаси структурализмдир. Структурализм мақсади адабий матннинг семиологияси – маънолар йўналиши кўп қатламлигини англашдир. (29-бет).

Бадиий асарни яхлит бир система сифатида объект майдонига айлантириш, уни структурал харитасини ўрганиш, асар матнидаги турли сирли маънолар, семиотик ишораларнинг қат-қатига кириш, тирик сўзнинг ҳар бир кичик ҳужайрасигача текшириш структурализм методининг мақсад-моҳияти, асосий йўналишини белгилар экан, А.Расулов бу методнинг имкониятларини турли адиблар асарлари орқали кўрсатиб беради. Шарқ адабиётшунослигида мавжуд бўлган изоҳ, шарҳ, тафсир, талқин, таъвил, манокӣб ва тазкираларни ғарбдаги назарий тамойиллар – асар матнини назарий жиҳатдан текширадиган – герменевтика, аксиология, интерпретация, биография сингари илмий истилоҳлар билан қиёслайди. Ҳар бир истилоҳнинг ўзига хослиги, бетакрор табиатини кўрсатиб беради.

Абдуғафур Расулов – етук нафосатшунос. У ҳаётдаги гўзалликларни нозик илғайди, тез фаҳмлайди. У “Шеър қолур – шоир қолур” номли мақоласида атоқли сўз зарғари Эркин Воҳидовнинг бетакрор ижодий оламини талқин, таҳлил қилади. Ҳар бир шеърдаги иборалар, сатрлар қатида силқиб ётган маъно нозикликлари, сирли ташбеҳларни топади.

“Бадиийлик – безавол янгилик” китоби адабиётимиздаги янгиликлар, ижодий изланишлар ва янгиланишлар моҳиятини ўзида акс эттиргани сабабли ҳам шуҳрат қозонди, ўқувчилар кўнглидан чуқур жой олди.

Китобдаги Абдулла Қодирий, Олим Шарафиддинов, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султонов, Тоғай Мурод сингари адибларнинг ижоди ҳақида билдирилган чуқур мулоҳазалар, ҳаётий ва бадиий мантиқ қоидаларига мос тушадиган талқин ва хулосалар ҳозирги ўзбек адабиётшунослигидаги эътирофга сазовор тадқиқотлардан саналади. Бу мақолаларда олимнинг ўзига хос дунёқараши, тадқиқотчилик маҳорати, зукко адабиётшунос, нозик нафосатшуносга хос эстетик идеали, талабчан, илмий-ижодий мезонлари яққол кўзга ташланиб туради.

Профессор А.Расуловнинг 2009 йил “Мумтоз сўз” нашриётида босилган китоби “Бетакрор ўзлик” деб номланади. Олим аввалги иккита китобидаги яхши аъналарни бу китобда ҳам давом эттиради. Буни мазкур тўпلامнинг номиданоқ англаб олиш мумкин. “Бетакрор ўзлик”. Олим фалсафий талқинларга бой тақриз ёзадими, мақола ёки адабий портретми, илмий мақола ёки этюд – бадиами, аввало, уни кенг китобхонга тўлақонли тарзда етказиш мақсадини назарда тутди. “Олим асарни ўқиш, уқиш, тушуниш, ўзлаштириш бадиий идрок этиш лозимлигини илмий-ижодий жараён сифатида қабул қилади ва бу жараёнда ўзини фаол, профессионал китобхон деб билади”, дейди бу ҳақда филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. Асарга мана шу талаб билан ёндашиш А.Расулов учун асосий одатга айланган.

“Бетакрор ўзлик” китобидаги адабий-танқидий мақолалар, аввало шу жиҳати, мазмун ва моҳияти, услуб ва специфик хусусиятлари билан ало-

ҳида фарқланади. Олим ўзи таҳлил ва талқин қилаётган асарга аввало, китобхон сифатида ёндашади. Кейин ҳар бир асарга хос бўлган сирли гўзалликлар, моҳият ва асрорни ёзувчининг бетакрор табиати, ўзлиги билан боғлайди.

Мазкур китоб “Истеъдод қадри” мақоласи билан очилади. У мазкур мақолада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Адабиётга эътибор, маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласига муносабат билдирган. А.Расулов бугунги кундаги ижодкорлар олдида турган улкан вазибалар, эришилган муваффақиятлар, адабиётнинг ўтмиши ва келажаги юксак ақл ва заковат руҳи ила ёзилган бу рисола таҳлил қилар экан, адабиётни – келажак авлод маънавияти ва тафаккурини белгилайдиган бирламчи куч, ўзак, асос сифатида талқин қилади. Олим “Истеъдод қадри” мақоласида мазкур рисола моҳиятини янада тўлиқ, батафсилроқ таҳлил қилиб, бу асарни ҳозирги ижтимоий-адабий ҳаётимизда тутган ўрнини кўрсатиб берган.

“Бетакрор ўзлик” китобидан ўрин олган “Хотима – хотира асар”, “Абдулла Қаҳҳор университети”, “Саралар саногидаги роман”, “Интеллектуал сиймо”, “Ҳазрати инсон ёди”, “Замон санъаткор талқинида” номли мақолаларида Садриддин Айний, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Шойим Бўтаев сингари етук адиблар ижоди хусусида сўз юритади, уларнинг адабий-ижодий фаолиятини янги давр нуқтаи назардан таҳлил қилади. “Ғаройиб салтанат”, “Ижодий ўзлик сари йўл”, “Болаликнинг беғубор осмони” каби илмий-танқидий мақолаларида Х. Тўхтабоев, А. Обиджон, Т. Адашбоевларнинг ижод йўлини, асарлари замиридаги эстетик моҳият, болалар руҳияти юқори даражада тасвирланган бадиий бетакрор асарларни ижодкорлар шахсияти ва уларни вояга етказган муҳит билан боғлаб тасвирлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Абдуғафур Расуловнинг адабиётшунослигимиз ва замонавий танқидчилигимизнинг эртанги келажаги, ёрқин истиқболини белгилайдиган мазкур китоблари юксак илмий савияси, қўйилган муаммоларнинг долзарблиги, услубий хусусиятлари, назарий-методологик асоси билан алоҳида ажралиб туради. Бу асарлар ёшлар қалбида илм ва маърифатга, истиқлолга, санъат ва адабиётга бўлган муҳаббатни кучайтириб, уларнинг бадиий адабиёт, муқаддас сўз, азиз ва азалий қадриятларимизга садоқат туйғусини мустаҳкамлайди.

Қолаверса, замонавий адабий жараённинг етакчи анъаналари, назарий муаммолари акс этган мазкур асарлар бўлажак олимлар – магистрантлар, илмий тадқиқотчилар, аспирантлар, илмий ходимлар ва бўлажак фан докторлари учун асосий таянч манба, ўқиб-ўзлаштириш лозим бўлган илмий адабиётлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расуловнинг “Танқид, талқин, баҳолаш”, “Бадиийлик – безавол янгилик”, “Бетакрор ўзлик” асарлари Давлат мукофотида қўйилгани ҳаммамизни мамнун этди. Мазкур асарларнинг адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда тутган ўрни, мавқеи, илмий-ижодий салоҳиятини ҳисобга олиб, 2011 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикасининг адабиёт соҳасидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиши учун муносиб асарлар сифатида баҳолаймиз.

*Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,  
филология фанлари номзоди  
Мирпўлат МИРЗО,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими, шоир  
Алимурод ТОЖИЕВ,  
ЎзМУ илмий тадқиқотчиси*

## Тарихий ҳақиқат ва инсоний тақдирлар жозибаси

Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Тетралогиya. Учинчи китоб.  
Мироншоҳ Мирзо. “SHARQ” НМАК Бош таҳририяти. –  
Тошкент.: 2010.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогиyasига кирувчи “Жаҳонгир Мирзо” ва “Умаршайх Мирзо” романлари китоб-хонлар қўлига тегиб, илмий-адабий жамоатчилик томонидан илиқ қаршиланган ва Давлат мукофоти совриндорлигига лойиқ кўрилган эди. Тетралогиyanинг “Мироншоҳ Мирзо” номли учинчи китоби 1392-1399 йилларда содир бўлган етти йиллик воқеаларни ўз ичига олади. Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур саккиз ўғил, тўққиз қиз фарзанд кўрган. Ўғилларидан икки нафари чақалоқ-лигида, – Жаҳоншоҳ Мирзо беш ёшида, Иброҳим Мирзо эса етти ёшлигида қазо қиладилар. Умуман, тўрт нафар ўғил ва икки нафар қизгина вояга етган. Ушбу роман бағишланган Мироншоҳ Мирзо соҳибқироннинг учинчи ўғли эди.

Шубҳасиз, роман лейтмотиви соҳибқирон Амир Темур сиймоси билан бевосита боғлиқликда очилади. У романнинг илк саҳифалариданоқ, кўз ўнгимизда умр бевафо ва дунё бебақолигини англаган бир мўмин ва мамлакат хавфсизлигини ўйлаган зукко сиёсий арбоб сифатида намоён бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур аслида болалик йиллариданоқ ақли теран, шижоатли ва довюррак йигит сифатида улуғ ниятлар билан яшайди. Шу боис ҳам у ўзини вазмин тутиши, жўяли фикрлаши билан тенгқурлари орасида алоҳида ажралиб туради. Сўзида собит инсон сифатида улғаяр экан, болаликдаги дўстларини унутмайди. Уларга садоқат ва кечиримлилик назари билан қарайди. Бемор бўлишига қарамасдан, Чин муаммолари, Тўхтамишхон ва Жўжи улуси масалалари, фарзандлар, набиралар ва эл-улус тақдири ҳақида теран ўй-хаёлларга гарқ бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, асарда Амир Темур неча бор мурасага қақриб, бошини силаганига қарамай, яна кўрнамаклик йўлини тутган Тўхтамишхон образи ҳам жонли чиққан. У ички туйғу билан Амир Темурдаги куч-қудрат ва иқтидорни тан олади. Аммо буни ошкора эътироф этмайди. Аччиқ ҳақиқатлардан сабоқ чиқаришдан кўра ўз иззат-нафси ва ўринсиз иддаоларига берилган сари ғазаб отига мина боради. Шу боисдан ҳам аламзадалиқ билан иш кўриб, ҳийла-найранг йўлини тутади. Айнан ана шу тутумнинг ўзидаёқ, Тўхтамишхоннинг очиқ-ошкор курашдан ҳайиқиши, улуғ салтанат бунёдкори соҳибқироннинг эса узоқни кўзлаб иш тутиши намоён бўлади.

Буюк ипак йўлини тиклаб, тижоратни ривожлантириш Амир Темур салтанатининг улуғ мақсадларидан бири эди. Зотан музаффарий ҳукмдорларнинг ўзаро тахт талашларига барҳам берилса, савдо ишлари изга тушар эди. Шу мақсадда у Шоҳ Шужоё оиласи билан куда-андачилик ришталарини ўрнатишга интилади. Таассуфки, багритош ва ноқобил музаффарий шаҳзодалар ўртасидаги низолар ва нафс илинжидаги эврилишлар падари бузрукворлари бўлмиш Амир Муборизиддин Муҳаммаднинг кўзларига мил тортишу зиндонбанд қилиб ўлдириб юбориш, онаси Зайнаб Хотуннинг ажалидан олдин оламдан кўз юмишига сабаб бўлади.

Муаррих Ғиёсиддин Алининг “Ҳиндистон сафари кундалиги” асарида келтирилган тарихий маълумотларга таянган Муҳаммад Али Шоҳ Шужоёнинг

ўлим тўшагида ётган қудаси — Табриз ҳокими Султон Увайс устига черик тортиб бориши, ҳатто пушти камаридан бўлган ўғли йигирма тўрт яшар Мужоҳиддин Шиблиннинг кўзларига мил торгтириши каби ёвузликларни надомат билан тасвирлайди. Дунёга ҳирс қўйган падаркуш ҳукмдор — очофатлик дардига йўлиқиб фожиаи тарзда вафот этган, ожиз ва нотавон кимса Шоҳ Шужоё образи китобхонда ачиниш ва нафрат туйғуларини уйғотади. Аини пайтда соҳибқирон Амир Темурнинг Хуросон, Форс, Ироқи Ажам, Озарбайжон сарҳадларига беш йиллик юришга отланиши тарихий зарурият эканлиги мантиқан асосланади.

Романда соҳибқирон Амир Темурнинг беш йиллик юриш қилиши тарихий вазият талаби асосида далилланади. Ёзувчи тарихга ҳаққоний ва холис ёндашар экан, зинҳор музаффарий шаҳзодаларни ёппасига қоралаш йўлидан бормайди. Жумладан, онаизор сўзини мўътабар санаб, Язд шаҳри қамалини бекор қилган Шоҳ Мансур образи алоҳида эҳтиром билан чизилади. Ўз юрти тузини оқлаган ботирнинг сотқин амирлари томонидан ўлдирилиши воқеаси Амир Темурни бефарқ қолдирмайди. Соҳибқирон мард ва жасур Шоҳ Мансур жасадини иззат-икром билан дафн этиш ва хоинни аёвсиз жазолашга буйруқ беради. Соҳибқироннинг бундай бағрикенглик ва инсоний самимиятга йўғрилган гўзал қирралари ҳаққоний тасвирини ўз сардори Тўхтамишхонга садоқат билан хизмат қилган жасур Айбож ўғлоннинг кейинчалик Амир Темурнинг ишончли навқарига айланиши ёхуд вафосизлик қилган Жатмоқ нўённинг ўлимга ҳукм этилиши сингари ўринларда ҳам кузатиш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур юрт тинчлиги, эл бахти, миллат гурурини юксалтириш билан бир қаторда жаҳон ободлигини таъминлашни ҳам мақсад қилиб олган эди. Бунинг учун салтанатда адолат тантана қилиши, ҳукмдор ўз нафсидан баланд туриши зарур. Демак, соҳибқирон аслида, жангу муҳорабаларга қарши. Бироқ, аини пайтда, чорасиз лаҳзаларда муаммоларни қилич қудрати билан ҳал этишга ҳам мажбур. Шу боис, соҳибқирон келгуси наслларгина эмас, тонгла қиёмат кунда парвардигор олдида ҳам улкан бурчдор эканлигини теран англайди. Бевафо дунёни тўғри изга солишга астойдил бел боғлаганига қарамай, кўнгил тилаклари рўёби учун замон талотумлари ҳамиша ҳам имкон бермагани, бунёдкорликни ҳоҳлагани ҳолда, баъзан вайрон қилишга ҳам мажбур бўлганидан беҳад афсус чекади.

У қанчалик шаън-шавкату шуқуҳга, куч-қудрату салтанатга эга бўлмасин, барибир, бандасининг дасти қисқа эканлигини эътироф этишга мажбур. У Муҳаммад Чурога додхоҳга қарата: *“Мен ҳам бир бандадурмен, билдинму? Не-не мамлакатларни тасхир этгон эрсам ҳам, дасти узун, қудрати чексиз, аммо ўз фарзандини бахтли қила олишга қурби келмагон бир шўрликмен, холос! Шўрликмен! Билдинму? Худонинг бир ногирон афтода бандаси”*, — дейди. Ёзувчи ана шундай таъсири воситаларда қаҳрамоннинг мураккаб ички дунёсини, руҳиятини очишга эришади.

Романда келтирилган Ахий Жаббор, Уста Матпано сингари бир қараганда иккинчи даражалидай туюладиган образларга ҳам улкан залвор юклатилган. Умуман, романда ўша замонларда кенг тарқалган, мардлик ва ҳалолликни тарғиб этган ахийлик ҳаракати ҳақида ўқувчига жуда қизиқарли маълумотлар берилиши бежиз эмас. Ўзларини ахий санаган Амир Шоҳмалик ва Ахий Жабборлар Амир Темур салтанатининг вакиллари сифатида намоён бўладилар. Улар ахийлик ва жавонмардлик тариқатининг саховат, сафо, вафо каби муҳим рунқларига амал қилиб яшайдилар. Футувват аҳлининг хислатларини ўзлаштиришга, фазилатларини ҳаётда намоён этишга, шартларини удалашга астойдил ҳаракат қиладилар.

*“Мироншоҳ Мирзо”* романи билан танишар эканмиз, ўспирин шаҳзода ўтмишнинг сирли-сеҳрли эртагу нақллари, ажойиб қиссалар, ширин орзуларга маҳлиё бўлиб яшаганига гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, Мироншоҳ Мирзо Одам Ато қиссаси, Мусо алайҳиссалом асоси, Юсуф олтин жоми, Иброҳим Халилуллоҳ либоси, Идрис кашкули, Нуҳ олмос тамғаси ва айниқса, сирли сандиқ — *“Гулишани хазоин”* ҳақидаги нақллари жон қулоғи билан тинглайди. Жаҳонгир подшоҳлар: Жамшид, Кайковус, Кайхисрав, Афросиёб, Искандар Зулқарнайн, Жалолоддин ва бошқаларнинг сийрати битилган хотиралар билан танишишни истайди. Башарият тақдири билан боғлиқ сир-жумбоқларга тўла, аммо ўткинчи дунёни файзиёб қилмоқ — инсонни шарафловчи аъмол эканлигини таъкидловчи бу типдаги китоблар шаҳзодани эзгуликка чорлайди.



Аммо айнан ўша ўспиринлик йилларидаёқ унинг табиатида бир оз гурурга берилиш сезилади. Бу ҳол соҳибқироннинг ёш шаҳзодага бўлган ишончига андак соя солмай қўймайди. Ўтироф этмоқ жоизки, Мироншоҳ Мирзо анчагина қув, жасур йигит. Бироқ унинг табиати қизиққонлик, шафқатсизлик ва маккорлик иллатларидан холи эмас. Боз устига шаҳзода тахтни бошқариш борасида ҳам бир қадар нўноқроқ. Инсоний табиатига хос шухратпарастлик ва тожу тахт даъвосидаги интилишларнинг босим келиши оқибатида у аста-секин маишату майхўрликка ружу қўйиб, зинодан ҳазар қилмайдиган кимсага айлана боради.

Ёзувчи Мироншоҳ Мирзо ва Хонзода хоним муносабатларини тасвирлашда Эрон шоҳи Баҳром Гўр ва Дилором қиссасидан фойдаланади. Айниқса шикор — оху овлаш воқеасида бу ҳол ёрқинроқ кузатилади. Мироншоҳ Мирзо шикор пайтида маъсум кўзлари ҳайрату ҳадикка тўла, нозик-ниҳол, гўзал ва кўркам оҳуни тутолмай отдан йиқилиб тушади. Ёзувчи бу вазият-ҳолатни унинг Хонзодабегим қалбига йўл тополмаганлигига ишора тарзида келтирса, шаҳзода-нинг андишасиз тарзда ишратга берилган ҳолларини чизишда Баҳром Гўр ва Дилором ишқий моҳароларидан илҳом олади.

Амирзода айнан ўша қаттиқ йиқилишдан кейин дагал ва бир қадар савдо-йироқ, васвасроқ бўла боради. Агар зоҳиран нигоҳ ташланса, бу ҳолни табиб-нинг муолажада хатоликка йўл қўйиши қабилида тушуниш мумкин. Бироқ муаллиф кўзлаган маъно асар ботиний қатламларига жо қилинган бўлиб, Мироншоҳ Мирзонинг улкан хатоларидан бири — тахт даъвосидаги эврилишлари бўлса, иккинчиси — аёли Хонзода хоним билан муносабатларини тўғри изга сола билмаганида экани ойдинлашади. Хулқи бузилган шаҳзода салтанат ишларини ўлда-жўлда қолдириб, беқарор кимсага айлана бошлайди. Роман саҳифаларида бу ҳолат маҳорат билан тасвирланади.

Ушбу асарда роман-тетралогиянинг иккинчи китобида атрофлича ёритилган — Умаршайх Мирзо образининг янги қирралари билан ҳам танишамиз. У китобхон кўз ўнгида мард, бир оз тез ва кўрсроқ, шартаки шахс сифатида намён бўлади. Олам гўзаллигидан завқ туйиб, мамнун кайфиятда келаётган Умаршайх Мирзо тасодифан отилган дайди ўққа учиб, оламдан ўтади. Ёзувчи тўсатдан ёпирилган бало-қазо олдида жамиики жонзотнинг ожизлиги, инсон умри лаҳзалик эканлигини ғоятда таъсирчан ифодалашга эришади. Қурол-яроғлари билан шикорга чиққан лашкар олдида паррандаю даррандалар қанчалик ожиз ва ҳимоясиз бўлса, Тангрининг улуг қудрати қаршисида одам боласи ҳам шу қадар бетадбирдир. Муҳаммад Али шикор манзараси ва Умаршайх Мирзонинг тасодифий ўлимини ўзаро қиёслаш, тасвирда параллелликни таъминлашга эришади. У ҳалдидан ошишларнинг ҳар қандай кўриниши муқаррар жазога мустаҳқиқдир, деган Курьоний ҳақиқатлар билан боғлиқ диний-илоҳий ва эътиқодий мазмунни қаҳрамонлар тақдирини, роман моҳиятига сингдиришга муваффақ бўлади.

Муҳаммад Али романнинг учинчи китобини ёзишда “*Қурьони Карим*”, ҳадиси шариф, Амир Темурнинг “*Тузуклар*” рисоласи, муаррихлар Фиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, тасаввуф намояндалари Нажмиддин Кубро, Аҳмад Ясавий, Жалолиддин Румий, ҳамда улуг Фирдавсий асарларига мурожаат қилади. Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизнинг ҳикоят, ривоят, мактуб, мақол ва ҳикмат сингари жанрлари, саж, муболага (протеск), туш кўриш, илтижо сингари бадий тасвир воситаларидан баракали фойдаланади. Романнинг умумий ифода тарзида эса халқ эртак, қисса ва дostonлари билан бир қаторда, Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг таъсири ҳам кузатилади.

Хуллас, Муҳаммад Али Амир Темур Кўрагон даври ва шахси акс этган тарихий солномалар билан яқиндан танишган. Шулар қаторида Амир Темур қаламига мансуб салтанат қонунлари, соҳибқироннинг бой шахсияти ва инсонийлик фазилатлари ҳақидаги “Темур тузуклари”, Фиёсиддин Алининг “Ҳиндистон газовоти кундалиги”, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”лари, шунингдек, Кастилия қироли Генрих III томонидан Амир Темур саройига элчи қилиб жўнатилган Руи Гонсалес де Клавихонинг кундаликларини санаш мумкин. Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб “Амир

Темур тарихи” (У.Уватов таржимаси, Тошкент, 1992), Фасиҳ Хавофийнинг “Муж-мали Фасиҳий”, Н.Остроумов, В.В.Бартольд, А.Якубовский, И.Умняков, Т.Грановский, Ф.Метсопский, И.Шильтбергер, Силвестер де Саси, И.Мирокова, Алихонтўра Соғуний, И.Мўминов, Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, А.Аҳмедов, П.Қодиров, Ҳ.Кароматов, О.Бўриев, Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Курбонбеков ва бошқаларнинг тадқиқотларини ҳам ёзувчи синчковлик билан кузатган.

Муҳаммад Али “Улуғ салтанат” романи, хусусан, унинг “Мироншоҳ Мирзо” бўлимини ёзишда француз классицизмнинг йирик вакиллари билан бири, ёзувчи, файласуф ва тарихчи Вольтер ижодий меросидан самарали фойдаланди. Ёзувчи унинг жаҳон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида муҳим ўрин тутувчи “Зигид ёки тақдир” асари билан ўзбек тилида, “Эдип”, “Заира”, “Альзира”, “Фалсафий мактублар”, “Генриада”, “Орлеан қизи”, “Кандид” асарлари билан рус тилида танишиб, Вольтер ижодининг муҳибига айланди. Зотан, классицизм адабиёти вакиллари ўз ижоди орқали давлатни мустаҳкамлаш ва миллатни бирлаштириш гояларини илгари сурган, санъат асарининг кучини инсон тафаккури қудрати ва мантиғи билан белгилаган эдилар. Жумладан, Вольтер асарларида озодлик, тенглик, биродарлик улуғланади. Ёзувчи ўз дostonларида Шарқ мавзусидан кенг фойдаланади. У Амир Темур ва Улуғбек даврини ниҳоятда яхши билган ижодкор эди. Адибнинг тарихий мавзуда битган “Миллатларнинг ҳолатлари ва одатлари ҳақида” (1753–1758) китоби учинчи жилди Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги даврига бағишланган. Унда Вольтер соҳибқирон Амир Темурнинг ўз давлатини кенгайтириш йўлида олиб борган курашлари, турк султони Боязид билан қилган жанги, Ўрта Осиёда юритган сиёсати, Самарқанднинг пойтахт қилиниши хусусида кенг маълумотлар беради. Уйлаймизки, роман ёзилаётган пайтда бундай қимматли манбалар Муҳаммад Алининг ҳамиша эътиборида бўлган.

Ёзувчи ижодига таъсир қилган адиблардан яна бири француз романтизмнинг йирик намояндаси Виктор Гюгодир. Унинг “Париждаги Биби Марям ибодатхонаси” тарихий романида тасвирланган ўрта аср манзаралари, муҳаббат фожиаси ифодалари Муҳаммад Алини бефарқ қолдирмади. Шунингдек, “Денгиз заҳматқашлари”, “Хўрланганлар”, “Буюк Жаргал” романларида акс этган олийжаноб инсонларнинг дунёни иллатлардан поклаш йўлидаги интилишлари ёзувчининг инсонга муносабат ҳақидаги концепциясини янада қатъийлаштирди.

Л.Н.Толстойнинг “Инсон камолотининг тўрт даври” автобиографик асари, “Севастопол ҳикоялари” тўпламига кирган ҳикоя ва очеркларидagi уруш манзаралари ва уруш одами маиший турмуши акс этган лавҳалар адибнинг қалами қайралишида муҳим ўрин тутди. Муҳаммад Али Л.Н.Толстойнинг “Казаклар” қиссасидан халқ ҳаётини ишончли далиллаш ва воқеликнинг эпик қўламдорликда қамраб олишни, “Уруш ва тинчлик” эпопеясидан эса, эпик воқеалар билан роман қаҳрамонлари руҳий тасвирини ёнма-ён ифода этишни, шунингдек миллат онги уйғонган даврларни қаламга олиш қанчалик муҳим аҳамият касб этишини ўрганди. Агар “Анна Каренина” адибга ўзини изтиробга солган муаммоларни бадиий матнга сингдиришни ўргатган бўлса, “Иқрорнома” инсонни эътиқод кишиси сифатида ифодалаш, адолат ва эрк фидоийларига эргашиш сабогини берди.

Бундай манбалар қаторига рус ёзувчиси А.Толстойнинг рус зиёлилари ҳаёти битилган “Сарсонлик-саргардонликда” трилогияси, “Улуғ Пётр” тарихий романининг биринчи ва иккинчи китоблари, “Иван Грозний” дилогиясини ҳам бемалол киритиш мумкин.

Муҳаммад Али жаҳон бадиий адабиётининг нодир дурдоналари Кристофер Марлонинг “Улуғ Темур” трагедияси, Иоганн Вольфганг Гётенинг “Темурнома”си, инглиз адиби Чарльз Саундерс қаламига мансуб “Улуғ Темур” трагедияси, Абдулла Хотифийнинг “Темурнома” достони, француз тарихчиси Рене Груссенинг “Сахро салтанати” асари, Самуил Кларкнинг “Буюк Темерланнинг ҳаёти” китоби, Льюсен Карен, Хильде Хукхем сингари европалик адиблар ва бир қатор осийлик ёзувчиларнинг асарларини ўрганган. Мисрлик Муҳаммад Жамолиддин Рамадийнинг драмаси, покистонлик Азиз Баҳорий, Азиз Аҳмад, Раҳи Аслам сингари адибларнинг романлари, покистонлик Аҳмад Ҳасан Донининг “Темур мероси”, мисрлик Саййид Фараж, эронлик Муҳаммад Аҳмад

Паноҳ сингариларнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи илмий-маърифий китоблари шулар жумласидандир.

Айниқса, у Амир Темур ватанида XX асрда пайдо бўлган бадиий темурнома билан чуқур танишган. Абдурауф Фитратнинг “Темур сағанаси” сахна асари, “Юрт қайғуси”, “Темур олдинда” мақолалари, қозоқ шоири Мағжон Жумабоевнинг “Амир Темур монологи” шеъри, Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома”си шулар жумласидандир. Агар Фитрат Амир Темур сиймосида “турклик шарафи”, “турклик номуси, эътибори, иймони, виждони”ни кўрган, миллатни оёққа турғазишда бу буюк сиймонинг улкан таъсир кучи ва қудрати мавжудлигини ифода этган бўлса, Мағжон Жумабоев бегоналар жаҳонгир тупроғида ҳукмфармо эканлигидан қаттиқ ўкинади.

Бемалол айтиш мумкинки, Фитрат ҳаяжонли туйғулари, Мағжон Жумабоев маънавий-руҳий тўлғонишлари, Қодирий ва Ойбек армонлари Муҳаммад Али қалбида кечган кечинмаларга вобастадир. Унинг соҳир қалби ҳам Амир Темур образининг ноҳаётгий ва номукамал талқинларидан озорлангани, ижодкор кўнгли бунга қарши муносиб жавоб беришга шайланганига шубҳа йўқ. Қутлуғ мавзуга қўл урилишининг ана шундай миллий, маънавий-руҳий асослари мавжуд.

Шубҳасиз, асар улкан интеллектуал салоҳият, тарихий роман учун ниҳоятда зарур бўлган илмий-адабий кузатишлар, бадиий изланишлар самараси ўлароқ юзага келган. Аммо, назаримизда айнан ўша қатъий ҳисоб-китоблар романнинг айрим ўринларида, қаҳрамонларни эркин ҳаракатланишдан муайян даражада тийиб тургандай, туйғулар қоришиқлиги поэтик ифодага бир қадар соя солаётгандай таассурот уйғонади.

Умуман, “*Мироншоҳ Мирзо*” романида тетралогиянинг олдинги асарларидаги етакчи услуб ва поэтик тамойиллар сақланган. Мазкур роман Муҳаммад Али насри яна бир поғона юксалгани, бадиий маҳорати тобора сайқаллашиб, романча тафаккур уфқлари кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

*Исломжон ЁҚУБОВ,  
филология фанлари номзоди,  
доцент*

## Одам ва олам муштараклиги талқини

**М**аълумки, инсон бадиий асарнинг асосий тасвир объекти. Ёзувчи инсонни поэтик идрок этиш, унинг ўзига хос бетакрор қиёфасини, руҳий оламини бадиий тасвирлаш орқали ҳаёт ҳақиқатини англади. Бироқ шундай асарлар ҳам борки, уларда инсонлар эмас, балки табиат, унинг ажралмас бўлаги бўлган жонзолар ҳаракат қилади. Бу типдаги асарларда ҳайвон-у паррандалар образи икки хил йўналишда намоён бўлади. Биринчидан, улар мажозий образ сифатида яратилади. Бундай асарларда ҳайвон, парранда-ю даррандалар инсонга хос хусусиятларга эга ҳолда тасвирланади, инсонийлаштирилган, яъни, мажозийлашган ҳолда намоён бўлади. Иккинчи тур асарларда бевосита бирор-бир жонивор хислатлари тўлиқ сақлаб қолинган ҳолда муайян характер-хусусиятлари, одатлари, қилиқлари тасвири орқали уларнинг ҳаққоний қиёфаси гавдаланади. Ҳайвоний хислатлар ижодкор томонидан образлашган тарзда бадиий идрок этилади. Таъкидлаш зарурки, бундай асарларда ҳам ёзувчи шартлиликка риоя қилади, ҳайвонот олами, уларнинг руҳияти тасвиридаги кечинмалар, турли хил хотиралар тасвирига кенг эътибор қаратилади. Асарда акс этаётган ҳайвонлар инсонга хос тарзда ўйловчи, фикрловчи мавжудот сифатида кўрсатилади. Бу типдаги асарларда уларнинг характер-хусусиятлари икки хил тарзда намоён бўлиши мумкин. Биринчи йўналишда ҳайвонлар ёки парранда-даррандалар етакчи образ сифатида акс этади ва инсонлар билан бўлган муносабатида уларнинг нуқтаи назари етакчилик қилади. Чунончи Эрнест Сетон-Томпсоннинг “Қизил бўйин” (какликлар образи), Орасио Кироганинг “Анаконда”, Лев Брандтнинг “Оқ каптар”, “Бургутлар” каби қисса ва ҳикояларида шу хусусият етакчилик қилганини кузатамиз.

Бошқа йўналишдаги асарларда эса инсонлар билан ҳайвонлар образи баб-баравар тасвирланиб, асосий урғу улар ўртасидаги муносабатга қаратилади.

Жаҳон адабиётида инсонлар билан ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатларни тасвирловчи кўплаб асарлар яратилган. Жумладан, Жек Лондон, Сетон-Томпсон, О. Кирого, Лев Брандт, Ч. Айтматов, Юрий Казаков каби ижодкорларнинг ижодида шу йўналишда ёзилган бадиий мукамал асарлар кўплаб топилади. Уларнинг асарларида одамлар билан бирга итлар, ёввойи йўргалар, бугулар, бургутлар, бўрилар, айиқлар ва бошқа кўплаб ҳайвонлар етакчи образлар сифатида тасвирландилар.

Пиримқул Қодиров, Раҳим Бекниёз, Шукур Холмирзаев каби ёзувчиларимизнинг табиат ва инсон муносабатини акс эттирувчи асарлари китобхонларга катта маънавий озуқа бўлиб келмоқда. Сўнгги пайтларда ёш адиблар томонидан ҳам одамлар ва ҳайвонлар образини баравар марказга чиқариб, улар ўртасидаги мураккаб муносабатлар орқали муҳим бадиий-эстетик, маънавий ва ижтимоий-психологик муаммолар тадқиқ этилган асарлар яратила бошланди. Мана шундай қиссанавислардан бири Нормурод Норқобиловдир.

Н. Норқобиловнинг бир туркум асарларида инсон ва табиат муносабатлари акс этирилган. Ёзувчининг “Пахмоқ”, “Чангалзор ити”, “Овул оралаган бўри” қиссалари шу жиҳатдан характерлидир.

Ёзувчи “Пахмоқ” қиссасида бадииятнинг ўзига хос қонуниятларидан келиб чиқиб, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий тўқнашув ва унда эзгуликнинг голиб чиқиши масаласини Панжи саёқ билан Пахмоқ ўртасидаги муносабатлар талқини орқали тасвирлайди. Асарда китобхонга одамзот билан ҳайвонот олами ўртасидаги муштаракликнинг ботиний жиҳатларини ҳис қилдиради, англадилади. Қиссада Пахмоқ образи тасвири орқали айиқлар ҳақидаги қизиқарли кузатишлари билан ўртоқлашади. Уларнинг ўзига хос характер ху-

сусиятлари, яшаш тарзи, одатлари, бошқа ҳайвонлар ва табиат ҳодисалари билан муносабатлари қизиқарли тасвирланади. Унинг асосида эса табиийлик, табиий туйғулар тизими ҳаракатланиб туришини сездиради. Инсон табиий туйғулардан узоқлашса, ўз қиёфасини йўқота боради. Ҳайвонлар ҳам табиий сезги, азоб, газаб, нафрат каби туйғуларга эга. Уларга ҳам яхшилик, садоқат, ҳалоллик туйғулари бегона эмас. Айни ҳаёт ҳақиқати асардаги ранг-баранг образлар воситасида намоён бўлган.

Ёзувчи асарда инсон ва табиат муносабатлари, айниқса, ҳайвонот оламига бўлган муносабатларини ҳам маърифий жиҳатдан, ҳам бадиий-эстетик жиҳатдан ҳаққоний тасвирлай олган.

Н. Норқобилов “Чангалзор ити” қиссасида ёввойилашган ит образининг ўзига хос характери яратишга ҳаракат қилади. Бироқ бу асарда ҳам “Пахмоқ” асаридаги сингари шартлилик асосида ижодкорнинг ўзига хос бўлган гоёвий-эстетик мақсадини бадиий асосда ифодалаш етакчилик қилади. Асарда воқеликнинг бадиий ўзлаштирилиши кўпроқ ит образи зиммасига тушса-да, лекин ундаги эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш мотивлари инсонийлашган ҳолда, бевоқиф инсонларнинг иштироки асосида юзага чиқади. Шу жиҳати билан асар “Пахмоқ”қа ҳамоҳанг асардир. Асар композицияси ва сюжет йўналишини шартли равишда бир-бирига боғлиқ бўлган учта тадрижий қисмга ажратиш мумкин. Биринчи йўналишга Олапар ҳақидаги маълумот, Қоровойнинг дунёга келиши, болалиги, Чангалзордаги ҳаёти, оламни ўзлаштирилиши, чангалзорга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиши ва бошқа воқеаларни киритиш мумкин.

Иккинчи йўналишга эса унинг инсонлар билан муносабатининг бошланиши, Толмас исмли бола билан танишуви, шу тариқа тоғанинг уйида банди бўлиши, у билан душманлик туйғуларининг авж олиши ва ниҳоят бандиликдан озод бўлганда ҳам ярим хонакилик туйғуларининг сақланиб қолиши, Толмаснинг ўлими-ю, итнинг унга бўлган садоқати ҳақидаги тасвирларни киритиш мумкин.

Асарнинг учинчи, хотима қисмида эса қишлоқ одамларининг итга бўлган қизиқишининг ортиб, уни ушлашга ҳаракат қилиши, бу борада Тоғанинг саёй-ҳаракатлари, ит бўйнига арқон ташлаши ва итни эски ганимининг устига сапчиб бўйнини бўғизлаб ташлаши ҳамда бўриларга қўшилиб кетиши воқеалари ҳикоя қилинади.

Албатта булар ягона асарнинг шартли равишда ажратилган қисмларидир. Ёзувчининг маҳорати шундаки, Чангалзорда туғилиб ўсган, ёввойилашган ит образи орқали инсоният ҳаётига дахлдор бўлган муҳим маънавий ва руҳий ҳолатларини акс эттиришга ҳаракат қилади.

Қоровойнинг онаси Олапар хонаки ит бўлган. Ўғрилиқ одати туфайли уйдан қувилгач, Чангалзорни макон қилиб олади. Қоровой шу ерда, Чангалзорда туғилади. Ёзувчи асарда унинг кўзи очилиб оламни кўрганидан бошлаб, то вояга етгунча бўлган жараёндаги хатти-ҳаракатларини, атроф-муҳитга бўлган муносабатини зўр топқирлик билан тасвирлаганини кузатиш мумкин.

Онаси Олапар ўғрилиги туфайли ўқ еб ўлиб кетганидан кейин Қоровой бир ўзи яшашга ўргана бошлади. Бу ўринда ҳам ёзувчи худди “Пахмоқ”даги усулни қўллайди. Пахмоқнинг онаси заҳарланган гўшт еб ўлса, Қоровойнинг онаси ўқ еб ўлади. Ҳар иккаласи ҳам ёшлиқдан ёлғиз қолиб мустақил ҳаёт кечиришга маҳкум этиладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Ёлғиз қолиб, мустақил яшашга ўрганиш, уларга ҳаётий тажрибаларнинг барчасини ўзлари кашф қилишга ундарди. Шу боис ҳам улар оналари бағрида ўсган ҳайвонларга нисбатан ақллироқ, чаққонроқ, ёвқурроқ бўлиб ўсадилар.

Қоровой ов қилиш сирларини ўзининг атрофини ўраб турган оламдан, Чангалзордаги мушуклардан ўрганади. Мушукларни пойлаб туриб тўсатдан ташланишини ўзлаштириб олади ва сичқонларни, кейин эса юмронқозиқларни овлай бошлайди. Ҳатто бир марта айёрлик билан ҳаккани тутиб олади.

Ёзувчи Қоровойни ўсиш, ўзгаришда тасвирлар экан, асосан ўз худудини мустақамлаш учун олиб борган курашларини, товуқларга қирон келтирганини, аста-секин худди бўриларга ўхшаб сурувларга оралаб битта, иккита қўй-қўзичоқни ҳам гумдон қила бошлаганлигининг ёрқин манзарасини чизишга эриша олган).

Шу тариқа адиб асарда Қоровойнинг ҳаётий тажрибаси ошиб боришини босқичма-босқич деталлаштириб тасвир этади. Шу жиҳатдан, айниқса Чангалзорда яшовчи мушук билан бўлган жанг эпизоди характерлидир.

Ёзувчи ит билан мушукнинг ушбу ҳолатини деталма-детал, бошдан-охиригача мароқ билан тасвирлайди. Эрталабгача бир-бирини пойлаб чиққан ит мушук ерга тушиши билан уни қува кетади. Жон ҳолатда қочган мушук яна дарахтга чиқиб жон сақлайди. Ушбу ҳол бир неча марта такрорлангач, ниҳоят мушук даштга қараб қочиб бир кавакка кириб жон сақлайди, кейин эса ит йўқ пайтида келиб болаларини эргаштириб Чангалзордан буткул кетади.

Кўриниб турибдики, ёзувчи асарнинг дастлаб сюжет линияларида Қоровойнинг томирида ажлодларига хос бўлган йиртқичлик ва ёввойилик қони оқётганлигини, табиатнинг шафқатсиз қонуниятларига биноан ваҳшийлашиб ҳаёт кечирлишини, ёвқурлигини, мослашувчанлигини ишонарли тарзда тасвирлай олган. Асарнинг кейинги сюжет линияларида Қоровойнинг ўғирликка борганда қуйимчидан сочма ўқ еб, чангалзорда ўлим ҳолатида ётиши-ю, Толмас исмли боланинг унга келиб ёрдам қўлини чўзиши, нон, сув бериб ҳаётини сақлаб қолгани тасвирланади. Худди шу нуқтадан бошлаб Қоровой тақдирида янги давр бошланади.

Айни шу нуқтадан бошлаб ёзувчи асарда ўзининг инсонийлик тамойилларини, энг аввало, инсон ва ҳайвонот олами аро муносабатлар талқини асосида акс эттиришга киришади.

Энди Қоровой қисматида инсон образи — Толмас ва Тоға муҳим аҳамият касб этади. Шу дамдан бошлаб зиддиятнинг янги кўриниши—учлик асосидаги, яъни Қоровой — Толмас — Тоға шаклидаги зиддият юзага келади. Агар Қоровойнинг шу пайтгача бўлган ҳаётида табиат қонуниятлари етакчилик қилган бўлса, энди бунинг ёнига инсонийлик, ҳатто айтиш мумкинки, ижтимоийлик қонуниятлари кириб келади. Ёзувчи асарда Толмаснинг Қоровойни қандай қилиб ўзига аста-секин ўргатганлигини жонли тасвирлайди. Бунда инсоний меҳр-муҳаббат асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ярадор бўлиб ўлар ҳолатда ётган Қоровойни Толмас парваришлаб оёққа тургазади. Бу жараён асарда ғоят самимий ва табиий тасвирланган. Ёзувчи Қоровойнинг Толмасга ўргангандан кейинги ҳолатларини ҳам мароқ билан ҳикоя қилади. Толмас кучукка меҳр кўрсатиб ишончини қозонгандан кейин кутилмаганда унинг бўйнига арқон ташлаб уйга олиб кетади. Шундан сўнг инсон билан ҳайвон ўртасида ким-кимни енгар экан деган кучли кураш жараёни вужудга келади. Эркинликда юриб, ёввойи табиат қонуниятлари асосида яшаб ўрганган Қоровой дастлаб газаб билан ўзини ҳар ёнга отиб, занжирларни тишлаб узоқ олишади. Айниқса Толмас билан Тоғанинг унга муносабати бир хил эмаслигини сезган Қоровой билан Тоға ўртасидаги муносабат тезда душманликка айланади. Ёзувчи бу ҳолни бир неча деталлар орқали ишонарли тасвирлайди. Тоғани битта нарса, Қоровойни кўпроқ пул эвазига сотиш истагини тўхтаиб турарди. Асарда Тоға ёвуз киши сифатида тасвирланади. Унинг ҳатто етим Толмасга ҳам муносабати ёмон, буни Қоровой ҳам ҳис қилади. Ёзувчи асарда Қоровойнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан узоқ олишиб, охири хонакиликка ўргана бошлаганлигини бадиий маҳорат билан тасвирлай олган.

Бир кунни Қоровой ит ялогига яқинлашган хўрознинг эркинликдаги даврини қўмсаб, шаппа босиб ҳаром қотиради. Бунинг аламига чидай олмаган Тоға қўлига калтак олиб унга ташланади. Уни қайтармоқчи бўлиб орага тушган Толмасни бир мушт билан ерга йиқитади. Ёзувчи ушбу тасвирлар орқали Тоғанинг раҳмсиз, ваҳший кимса эканини ҳаққоний тасвирлайди, китобхонда унга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилади. Айни тасвир Қоровойда ҳам Толмасга нисбатан янгича муносабатни вужудга келтиради.

Ёзувчи шундан кейин ит билан Толмаснинг ўртасида пайдо бўлган меҳр-муҳаббатни қуйидагича тасвирлайди: “Бола йиғлайтуриб бирдан хушёр тортди. Гўнг юқи ориқ билагиде илиқ нафас туйиб бошини кўтарди. Ёш тўла кўзлари ҳайратдан катта очилди. Негаки, шу дамгача ҳеч рўйхушлик бермай келаётган Қоровой унинг билагини яламоқда эди. Бундан боланинг баттар хўрлиги келди. Елкаси титраб-титраб, овози бўғилиб-бўғилиб йиғлади.

Улар мана шу тарзда дўстлашиш жараёнида Қоровой воқеани фаҳмлади. Бу ҳовлида ёлғиз болагина унга қайишишини охир-оқибат англаб етди. Унинг ўқсиб йиғлашларини ўзининг мунгли увлашларига менгзади. Ўзи сезиб-сезмай

болага меҳр қўйди.” (Н. Норқобилов. Пахмоқ. —Т.: Ўқитувчи, 1997. Чангалзор ити. 279-бет)

Итни хонакилашди деб ўйлаган Толмас уни бандиликдан озод қилади. Озодликка эришган бўлган Қоровой девор ошиб узоқ-узоқларга, эркин ҳаёт қўйнига отилади. Кун бўйи қирларда чопиб ёввойиларча югуради. Лекин кеч тушиши билан қандайдир бир куч уни қишлоқ томонга торта бошлайди. Бу болага бўлган меҳрми, ёки табиатида мавжуд бўлган хонакилашиш сақфи табиийси эдими, балки ҳар иккиласи ҳамдир. Ҳатто ялоқдаги ювундини ҳам қўмсайди. Қоровой кечқурун қайтиб келиб боланинг деразаси олдида ётади. Кунлар шу зайлда такрорланаверади. Қачонки, бола касал бўлиб вафот этгандан кейин, итнинг болага бўлган меҳри яққол намоеён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, боланинг ўлими воқеалар оқимини янги йўналишга буриб юборади. Ёзувчи боланинг ўлимини оддий ҳодиса билан изоҳлайди. Яъни Ориф тирриқ нотўғри ташхис қўйган ва шифокорга вақтида олиб бормаган. Натижада кўричаги ёрилиб кетган Толмас вафот этади.

Назаримизда воқеаларнинг бу тарзда ривожланишида ёзувчи мақсадига кўра рўй бергандек таассурот қолдиради. Натижада асар воқеалари бир қадар ҳаётгилликдан маҳрум бўлади. Боланинг ўлими ит билан Тоға ўртасидаги зиддиятларнинг янада кескинлашуви, итнинг уйдан кетиб бутунлай ёввойилашиши, айни чоғда болага бўлган меҳр ва садоқати эл орасида овоза бўлишига сабаб бўлади. Натижада одамларнинг Қоровойга эгалик қилиш иштиёқи авж олади. Бу ҳолат Тоғанинг ҳам итни сотиб, бойиш ҳақидаги режасини авж олдиради.

Тоға Қоровойни ушлаш учун бўйнига арқон ташлаганда газабланган Қоровой унинг бўғзини ёриб ташлайди. Шундан кейин Қоровой узоқ-узоқларга, ўзининг ажодлари бўлмиш бўрилар галасига қўшилиб кетади. Ёзувчи ушбу манзарани қуйидагича тасвирлайди: “Орадан ой ўтиб, чўпонлар уни бўрилар тўдасида юрганини айтишади. Уларнинг тахминига кўра, Қоровой чоғроққина бўрилар тўдасини бошқараркан. Шунга қарамай, қишлоқ аҳли баъзи тунлари мозортепа тарафдан чўзиқ ва ҳазин увлашни эшитиб қолишарди.”

Юқоридаги кузатишлардан кўриниб турибдики, қиссаларда нафақат одам ва олам муносабатлари, балки ундан ҳам мураккаб бўлган яна бир катта муаммо—инсонларнинг ўзаро бир-бирига бўлган муносабати муаммоси ҳам тасвир этилган. Инсон Ер сайёрасидаги махлуқотлар орасидаги энг олийи саналади. Оллоҳ инсонга бошқа жонзотларга нисбатан бир нарсани — яъни ақлни ҳам раво кўрган. Аммо ана шу ақл ҳам бугунги кунда оқсаётгани, шу боис инсонлараро муносабатларда дарз пайдо бўлаётгани бугунги куннинг асосий масаласи сифатида талқин этилади. Ўзаро меҳр-оқибат, мурувват, ишонч, иймон, виждон, орият каби хислатлар биздан чекинаётгандай туюлади. Бу туйгуларни атрофимизни ўраб турган инсонлардан қидирамизу, аммо ўзимда шу хислат, фазилатлар борми, у бутунми? — дея савол беришга қўрқамиз. Қисса қахрамони ана шу саволларни қалбидан ўтказди ва ўзи учун ҳақиқатни кашф қилади. Шу ҳақиқат туфайли у Қоровойга меҳр, иззат-икром кўрсатади.

Юқоридаги кузатишлардан шундай хулосага келиш мумкин: Нормурод Норқобилов истеъдодли ёзувчи сифатида нафақат инсон руҳиятини, характер қирраларинигина ёритувчи асарлар яратган, айни чоғда, инсонлар билан бирга ҳайвонот олами ҳам, унинг ўзига хос дунёсини ҳам маҳорат билан акс эттира олди. Ўз асарларида инсон ва олам тушунчаларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда моҳирлик билан бадиий талқин ва тадқиқ қилиб, салмоқли бадиий умумлашмалар кашф этишга эришди. Адиб ҳайвонлар образини яратган асарларида ҳам ҳаётнинг азалий қонунияти бўлган эзгулик ва ёвузлик, қабоҳат ва нафосат ўртасидаги азалий курашни бош масала қилиб олганини кўрамиз. У яратган қиссалар азалий муаммонинг янгича бадиий талқинлари жиҳатидан қимматлидир.

*Дилобар САЙДАҲМЕДОВА,  
Низомий номидаги ТДПУ “Ҳозирги  
ўзбек адабиёти” кафедраси аспиранти*

Саид КЕНЖААҲМЕДОВ

## Ҳажвий ҳикоялар

### ТУШЛАР

**Т**ўлаганнинг оиласи туш кўришга ихтисослашган. Етмишдаги отасидан бошлаб, етти ёшли боласигача ҳар куни туш кўриб чиқади. “Бугун нима туш кўрддинг?” деб сўраш бу уйда одатга айланган. Ҳатто келган меҳмондан ҳам кўрган тушини сўраш унутилмайди.

Ушбу “дастур”га содиқ бўлган оила аъзолари бугун яна туш кўриб чиқишибди. Биринчи бўлиб сўзни ота бошлади:

– Тушимда, чанқаб келган эканманми, чирогим, чой қўйиб юбор, десам, мана бу келининг сўзимни эшитмаганликка олиб, кувидан уч коса муздай айрон сузиб берди. Учала косани бирин-кетин симириб юборибман.

– Уч коса айронни бекор ичибсиз-да, энди уч кунгача бўрон туриб, совуқ бўларкан!—деди кампир бош чайқаб.— Ичмасангиз бўмасмиди-я?!

– Нима қилай, келининг бергандан кейин ичдим-да?!

– Ҳушёр бўлиш керак эди, тушда аёл душман бўлишини айтгандим-ку!

– Бу қоқвошларга берсанг ҳам ёқмайсан, бермасанг ҳам!— тўнғиллади ташқаридан келини Сиқсима. Ичкаридагилар унинг пичингини эшитмаганликка олишди.

– Сен бугун туш кўрмадингми? — деди чол кампирига ўгрилиб.

– Кўрдим, бир эмас иккита туш кўрдим! — деди кампир керилиб.

– Буви, кўзингиз кўр бўлса, тушни қандай кўрддингиз? — гапга аралашди етти ёшли невараси Серик.

– Гапирма сен! — деди кампир жаҳди чиқиб. — Қаёқда у? Йўқол, кўзимга кўринма!

– Йўқолмасам ҳам кўринмайман, — деди Серик ўтирган жойидан қимирламасдан.

– Нима қиласан бола билан тенглашиб, ундан кўра тушингни гапирсанг-чи, —деди чол бетоқат бўлиб.

– Тушимда уйга кирсам, манов келин тўшагида шир яланғоч ўтирганмиш. Қарогим, отанг кириб қолади, бўксангни ёп дебман...

– Ё баракалло, Худо берибди унда, келинни яланғоч кўрган бўлсанг, яқинда неваралик бўларканмиз-да! — деди чол мамнуният билан.

Кампир “иккинчи тушим”... деганда яна ташқаридан келиннинг канопо йиртилганидай нохуш овози эшитилди:

– Бугун ҳаммаларингнинг тушларингга кириб чиқибманми дейман?! Ўзиям кўринмаган жойим қолмабди. Ниятларингни сезиб турибман, икки сўзнинг бирини “бола”га тақаяпсанлар! Хомтама бўлмаларинг. Осон эканми бола туғиш?! Жон бериб, жон олиб, икки болани туғдимми? Туғдим! Етади, бошқа туғмайман, дедимми, туғмайман! Бола керак бўлса, сиз эна, ўзингиз туғинг! Ана, чолингиз ёнингда қайқайиб ўтирибди. Худди ўзларинг ўн-ўн бештани туғиб, қойиллатиб қўйгандай оғиз кўпиртирасизлар!



Келин тушмагур оғзига келганни қайтармай, шу алпозда роса бо- биллади.

Кампир тили танглайига ёпишиб, қарши ҳужумга ўтолмади.

Чол оғзига қум тиқилгандай, бутунлай соқовга айланди.

Тўлагандан ҳам садо чиқмади.

Анчадан кейин кампир ўзига келиб:

— Чироғим, бировнинг тушига бунақа жаҳл қилинмайди, — деди мулойимлик билан. — Бугун ўзи чап томонинг билан тургандай, фель- линг бузукроқ кўринаяпти, бирорта ёмон туш-муш кўрмовдингми, иш- қилиб?

— Нима деб ўйловдиларинг?! — деди Сиқсима хонага катта чой- накни кўтариб кириб, хонтахтанинг чеккасига дўқиллатиб қўяр экан. — Сизлар туш кўрганда мен кўролмайманми?! Кўрдим!

— Гапни кўрган тушингдан бошламайсанми, аллақачон эшитиб, таъбирини чақиб, нима бўлишини айтиб берардик, айланай!

— Бўпти, айтсам айтайин. Тушимда худди мана шу ўнгимиздаги- дай эзмалашиб ўтирган эканмиз. Бир пайт қоп-қора қуюн пайдо бўли, ҳамма ёқни остин-устин қилиб, вайронини чиқариб ташлади!

— Астафидуллоҳ! Астафидуллоҳ! — деди чол қалтираб.

— Субҳон олло, субҳонолло! Девонага етти танга аташ керак, етти танга... — деди кампир қапалаги учиб.

— Ишқилиб ўзимиз омон қопмизми? — деди Тўлаган.

— Омон қолишга қопмизу икки бошли аждаҳо учиб келиб, отам- нинг белидан ўраб, бўға бошлабди!..

— Айтма, у ёғини айтма!.. — деди кампир титраб.

— Бўғиб, кейин юта бошлабди!..

Чол ранги бўздай оқариб, деворга ҳолсиз суяниб қолди.

— Бўлди, ўчир, у ёғини айтма! — деб бўкирди Тўлаган, лекин Сиқ- сима эрининг гапига эътибор қилмасдан давом этди:

— Отам бояқиш оёқларини бир-икки силкитиб, аждаҳонинг ичига бутунлай кириб кетди.

— Мен шунда қайда эканман? — сўради кампир қалт-қалт титраб.

— Кўрққанымдан додлаб, кўчага отилиб чиқсам, сизни бир қоп- қора, баҳайбат туя курсиллатиб чайнаб ётган экан!

— Шўрим курсин-а, нима дейди бу?! — деди кампир тиззаларига шапатилаб уриб.

— Шунда сиз “Тўлаган, бўтам, ўладиган бўлде-е-ем!” деб чинқира бошлабсиз. Чинқириқни эшитиб, Тўлаган югуриб келувди, туя уни олдинги оёғи билан бир уриб, муккасидан йиқитиб, устига чиқди-да, чўк тушиб ётиб олди.

— Ўзинг-чи, ўзинг нима қилаётган экансан?! — деди Тўлаган алам билан.

— Ўзим шуларни маза қилиб томоша қилаётган эканман.

— Тилинг кесилгурнинг “маза қилиб” дейишини қара! — деди кам- пир фиғони чиқиб.—Ҳа балого йўлиққур, шунақаям бехосият туш кўра- санми?! Ҳай, чол, энди нима қиламиз,?!

— Хосиятсиз одамнинг тушиям бехосият бўларкан, — деди чол ияги- ни қашиб.

— Ўзларинг кўрган тушларинг жуда хосиятлимиди?! — тўнғиллади Сиқсима.

— Бош-кўздан садақа, дарров чиқиб, девонага етти танга бериб келинг, чол!

— Қайдам... Бу кофирингнинг тушига жонлиқ сўйиб, қон чиқарил- маса, етти танга билан қутулмасак кераг-ов.

— Ҳей, сен, бугундан бошлаб бундай туш кўришни бас қил! — деди Тўлаган бўғилгидай бўлиб.

- Бас қилмайман!
- Бас қиласан! Бугундан бошлаб, вўпшим, туш кўрмайсан!
- Кўраман!
- Кўрмайсан!
- Кўраман!

## ДЎСТ АХТАРИБ

“Менинг ушбу мактубимни ўқийдиган яхши ниятли, ҳамиятли одамлар, ўқиб ўқимадим деманглар, мен ўзимга муносиб дўст ахтариб юрибман. Дўст бўлгандям у менга бетидан бет, этидан эт кесиб бермаёқ кўйсин, (музлатгичдан ҳозирча эт узилмай турибди). Агар у чинакам дўст бўламан деса, қовун полизидан ҳандалак, узумзоридан бир сават узум, даромадидан шувоға, чет элдан, дам олиб қайтганида, мозор бости бериб турса бас. Мен ўшаларгаям қаноат қиладиган қозоқман.

Биринчи нўмир дўст, савдодан бўлса дердим. Яна у бозорга директор, солиқ инспекциясида инспектор бўлсаям майлига. Ҳайтовур, ёрдамга зор бўлиб борганимда, қўл чўзишга яраб турса, бас.

Нўмир иккинчи дўст, олий маълумот соҳасига алоқадор бўлса ёмон бўлмасди. Яна у тест марказида ишласа нур устига аъло нур бўлур эди. Ана шундайлар келишсин, пожалуста, дўст бўлишга тайёрман. Ундай керакли шахслар билан қадаҳ уриштириб, дўстнинг садоқати ҳақида ҳикматлар тўқишга, фалсафа сўқиб, алёр айтишга ҳамisha шайман.

Нўмир учинчи дўст, қассоблар ва заправкчилардан бўлса, бош устига. Ундайларга, умуман, йўқ демайман, меҳримни дариг тутмайман. Улардан атиги суяксиз гўшту, солярка аралашмаган тоза бензин бўлса кифоя, бошқа нарчасига зор эмасман.

Бундан кейинги дўстларга нўмир қўймайман. Душманингни сиртида эмас, ичида бўл, деган нақлга амал қилиб, маиший хизмат идораларию, шифохоналарда соғлиққа масъул ўртоқларни ҳам дўстликка номзод этишни кўнгилга тугиб қўйганман. Ҳар ҳолда, у жойларга ҳам одамнинг иши тушиб туради.

Ҳозирги замонда отгаям минмайсан, пиёда ҳам юрмайсан-машинада юрасан. Энди, шу машина деганлари бузилмасдан, синмасдан ҳеч иложи йўқ экан. Икки оёқли одам қоқилгани етмагандай, баъзан тўрт гилдиракли бўла туриб, машинаям қоқилиб, нималаргадир урилиб, у ёғи чатоқ, бу ёғи пачоқ бўлиб турганини айтмайсизми! Техниканинг тизгинини қўлида ушлаб турган, автосервис деган жойларда кишнаб юрган дўстинг бўлса, ҳеч ортиқчалик қилмайди. Ундай қадрдонларга бағримни очиб, “Хуш келибсан!” деб кучишдан қочмайман.

Хўш, ҳамма дўстлар бир бўлиб, папка қўлтиқлаб юрсак, хўжалик ишларимизга ким балогардон бўлиб, ким квартирамизни таъмирлаб, ким сан-техникасини тўғирлайди? Шунинг учун, тоғ орасида, дарё ёқасида яшайдиган чўпон-чўлиқлардан, евроремонт қиладиган усталардан, кран-қувурларнинг тешигини ямаб-ясқайдиган сан-техниклардан яқин таниш бўлгани маъқул.

Одам — одам билан, буғдой — сомон билан, деганларидай, юқоридаги рўйхатда касби-корилари тилга олинмаган, аммо фойдаси, кўмаги тегадиган, қўлида қуввати ёки омборхонанинг калити бўлган ўртоқлар биз билан дўстлашамиз, дейишса, марҳамат. Халқимизда, юз дўлларинг бўлгунча, юз дўллардан тўёна беришга қурби етадиган юзта дўстинг бўлсин, деган нақл фойда бўлган. Шахсан менга фойдаси, сояси тушмайдиган юзта дўстдан юз сўм афзал. Савдода дўстлик бўлмагани билан дўстликда савдолашишга тўғри келади. Ҳисобда адашадиган анқовлардан эмасмиз, олтини олиб, бешни берамиз.

Хўш, фақат фойдаси тегадиган дўст ахтарадиган ўзингнинг қурбинг нимага етади, дерсизлар? Биз энди арзонга учадиган анқовлардан, ётиб ейдиган ялқовлардан ҳам эмасмиз. Сурилганимда суянч, туртилганимда таянчликка ярасангиз бас, дўст бўлишни ўрнига қўймасам номард экансан денг! Так што, менга ишонч билдириб, ияк қоққанларнинг ошиғи олчи тушишига сўз бераман. Келинлар, дўст бўлайлик!”

*Муаллифдан:*

Ушбу мактубни уйимизнинг почта қутисидан топиб олдим. Ундаги исми кўрсатмасдан, гапларини ўзгартмасдан, сизга йўллаяпман.

## КАСАЛ

— Во дариг! Соғлиқда хўрлик йўқ, деб шуни айтадилар-да! Бемор бўлиб ош егандан, соғ юриб, тош йўнган, тўнка ёрганга нима етсин?! Қора сонингни қирқ ўраб, буров солиб бураса-да, “гинг” деб нолимаган Қийқим эдинг, мана энди, чала бўғизланган туядай бўзлаб, дардингни кимга айтишни билмай, ялпайиб ётишинг шу бўлди!.. Уҳ, жоним-ей!

Қийқимнинг ёши элликнинг у ёғи, олтмишнинг бу ёғида. Бети чора товоқдай юм-юмалоқ ҳамда қип-қизил. Икки елкасига икки одам ўтирса, бемалол кўтарадиган қуввати бор. Лекин, яқинларининг айтишига қараганда, йигирма йилдан бери ерда ётган кўндаланг чўпни эгилиб олган банда эмас. Бунинг сабаби — дард. Яна унча-мунча эмас, умуман, тузалмайдиган, дори таъсир қилмайдиган сурункали дард. Албатта, даволанган, дўхтирларга қаратган, лекин фойдаси бўлмаган. Бошга тушганни кўз кўрар, деганларидай, шу алпозда ночору нотавон бўлиб ўтирганига ҳам йигирма йилдан ошибди.

Бир куни туманга пойтахтдан ўта билимдон шифокор келипти, деган хабарни эшитган Қийқимнинг ўғли машина билан бориб, уни овулга олиб келди. Пойтахтлик шифокор беморни у ёғидан-бу ёғига ағдариб, текшириб деганидай қараб чиқди-да:

— Сизни, асосан, нима безовта қилади?—деган саволидан Қийқимнинг сўз қопи йиртилиб, дардини дoston қилиб, бир бошдан санашга тушиб кетди.

— Мени, асосан, безовта қиладиган дарднинг боши санчиқ,—деди Қийқим инқиллаб.—Тонг отиб-отмасидан ана шу санчиқ энса суягимни тенг иккига ажратиб, елкамдан тўғри тешиб ўтади-да, бош миянинг чапини зириллатиб, орқа мияга ўтиб, умуртқадан пастга оқи-и-иб тушиб, белни зириллатиб, ундан кейин мой бўксамни зир-қиратиб, тос суякни дириллатиб, ошиқ-илик орқали болдирни буриштириб, кечга бориб, товоннинг ўнг томонини тириштири-и-иб, чиқиб кетади. Уҳ, вой жоним, ана, бошлади яна!

— Ёпирай?! — деди шифокор ҳайратга тушган бир ҳолатда. — Буларни қандай сезасиз?!

— Нега сезмайин?! Ўзимдан ўтганни ўзим сезмайманми?! Қўйнингдан бақа юриб ўтгандай тананг музлаб, санчиқ етган жойини симиллатиб тургандан кейин сезасан-да! Вой, жоним, ана, бошланди яна!

— Қани?! Санчиқ айнан шу тобда қаерга келди?

— У ҳозир умуртқадан ўрмалаб ўтиб, боши тос суякка яқинлашди, думи белда келяпти. Уф жоним-ей! Ана!

— Унда бу санчиқ илондай судараладиган бир нима экан-да?

— Ҳа, худди шундай! Топдинг, аланайин! Ўзинг ҳам билар экансан Дардингни дард билганга сўйла, деганларидай, одамлар сени бекорга мақташмаган экан. Уҳҳ! Ваҳ! Оҳ!

— Бундан бошқа ҳеч қаерингиз санчмайдимми?

— Чирогим-ов, санчимайдимми деганинг нимаси?! Бундай санаб чиқсам, ёлғиз шу танамда олтмиш икки дардим бор экан! Шундан олт-

миш икки томиримга заҳар тарқалган. Ҳозир, мана шу, соппа-соғдай ўтирганимнинг ўзида, бошда санчиқ, қулоқда шанғиллаш, тилда тир-сак, бўксада чипқон, елкада зардоб, белда бод, қоринда ел, буйракда тош, ўтда сув, томоқда шиш, тишда қурт бор!

– Астафирилло, шунча нарсага қандай чидаб ўтирибсиз?!—деди шифокор чинакамига чўчиб.

– Чидамаганда қўлимдан нима келарди?! Дард берган бир кун шифосиниям берар, деб чидаб ўтирибман, айланай.

– Овқатга иштаҳа қалай?

– Иштаҳани йўқотганимга анча бўлди. Бир товоқ этни аранг ейман. Шундай у ҳалқумдан бир соат, қизилўнгачдан бир соатда ўтиб, ошқозонда яна палон соат ётиб қолади. Ана шундан кейин уни кўзғатиш учун эртадан қора кечгача кўк чойни кўпқаридан чўллаб қайтган ай-ғирдай хўриллатиб симираман-да, ўтираман. Кунда шу аҳвол. Касалга асал ҳам бемаза туюлади, деб жуда топиб айтилган экан.

– Бошқа аъзоларингиз қалай? Қон босими, бўгин, юрак деганларидай...

– Эҳ, болам-а! Ўзинг билиб савол бердинг, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганлар. Шунга яширмасдан айтай бўлмаса... Уҳ, ваҳ, ўҳ! Миям лўқиллайди, юрагим пўқиллайди, бошим айланади, тилим бойланади, елкам тортади, қон босимим ортади, қизилўнгачим буришади, ҳалқумим қуришади, бармоқларим дириллайди, қовоқларим пириллайди, ичакларим ғуриллайди, товушим хириллайди, кафтим қичишади, товоним ачишади, оёғим оқсайди, илигим қақшайди, тизза бостирмайди, қоринда ош турмайди... Уҳ жоним! Ана, бошланди яна!

– Уйқу қалай, уйқу?

– Уйқу ночор. Биров башарамга шапалоқ тортиб юбормагунча уйғонолмайдиган бўлганман. Шу ухлаганча нарёққа кетвормасам деб кўрқаман, чирогим! Уф жоним!

– Ички аъзоларнинг ишлаши безовта қилмайдами?

– Безовта қилмай бўладими?! Қилади. Талоқда жон, буйракда қон йўқ. Қон томирларим чўзилиб, қатқорин шишган, ўн икки бармоқли ичак қичрайган.

– Йўғ-е?!

– Ҳа, сўрагандан кейин, дардингни дард билганга сўйла, деганларидай, сенга айтиб турибман. Дард кўрмаган авлиёга сизинмас дейдилар... Шунисиғаям шукр, бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди, ўшандан асрасин.

Шунча кўп дардга шифокор ҳам “қизиқиб” кетди шекилли, беморга қўшимча саволларни қаторлаштириб ташлади. Ташқаридан қараганда бу ерда одам анатомиясидан бири имтиҳон олиб, бири унга жавоб бераётганга ўхшаб кетарди.

– Суяклар қалай? Илик, қовурға, умуртқа деганларидай...

– Суяклар чатоқ. Мана, бўйин умуртқа, орқа умуртқа, айниқса, бел умуртқа бир-бирларига яхши уланмаган. Ўзидан ўзи қисирлаб, гичирлаб, гоҳи-гоҳида, умуман қимирлатмай қўяди. Кейин, ўнг томондаги тўртта, сўнгдаги бешта қовурғам бир-бирларига тегиб, гачир-гучир қиладиган бўлган. Афтидан, ўртадаги этни силга ўхшаган бир нима еб қўйган. Ана, ана, бошланди яна! Вой, жоним!

– Нима бошланди, санчиқми?

– Шу-да, вой жоним-а, найзадан баттар санчилади-я!

– Яна қаерларингизда камчиликларни сезасиз?

– Бутун танамда камчиликларни сезаман. Ўпка, масалан, ҳавони яхши сўрмайди, сўрган ҳавони қайтиб чиқармайди. Юрак ҳам қонни яхши ҳайдамайди. Баъзан, беш ўн дақиқа тўхтаб ҳам қолади.

Шу ерда шифкор кулиб юборди.

— Кулма, чироғим. Дардлига кулиб бўлмайди. Айтмоқчи, чап қовуғимда туз, ўнг қовуғимда қум бор.

— Оқсоқол, ўн беш-йигирма йилдан бери шифокорлик қилиб, сиздагида комплекс касални кўрмаган эдим.

— Ўзимам сездим, касалимнинг ундай-бундай хашакимас — ноёблигини! Вой жоним, нимаям дердим, шунисигаям шукр, дейман-да!

Қийқим дардининг ноёблигидан мамнун бўлганича, тўшакка ағдарилиб тушди.

—Уҳ, жоним-а!

## ЖАКЕНГНИНГ КЎЗИ ТУШМАСИН!

Кетганни, (айниқса, ўрнидан тушган бошлиқни) ортидан ёмонлаш — азалдан келаётган дастур. Шу кунларда биз ҳам ана шу дастурга кўра, аввалги бошлиқнинг бошига ит терисини қоплаб, ёмонлаш билан бандимиз. Ҳатто қонуний бериладиган меҳнат таътилимизни унга нимадир бериб олганимиздан кейин ёмонлаймиз-да! Аммо-лекин ишига нўноқ бўлсаям, олишга қолганда ўроқ эди. Билмадим, вазифасидан ўзи кетдими ёки “берганлар” ағдаришдими, ҳуллас, яқинда у билан “қуюқ” хўшлашиб, ортидан ҳовучлаб тупроқ сочиб қолдик.

Бошқасига топилмаса-да, бошлиқнинг ўрнига одам дарров топилади. Бизда ҳам шундай бўлди. Янги бошлиқни кўрмасдан туриб мақташ ҳам эскидан қолган удум. Биз ҳам шунга амал қилиб, мақтовнинг кифтини келтириб ётибмиз.

— Ажойиб йигит дейишади!

— Пора нималигини билмайдиган, ўта ҳалол эмиш!

— Бировларга эмас, меҳнатига суянармиш!

— Таъмагирликдан, бировнинг нарсасидан ҳазар қилармиш!

— Ўзининг оғзи бормикан ишқилиб? — дедим мақтовлардан гашим келиб.

— Оғизсиз ҳам одам бўларканми? — деди катта бухгалтеримиз Жапаш.

— Оғзи бўлса, емай бўпти! — дедим киноя билан.— Аввал келсинчи, кейин емаганини кўрармиз.

— Сен бола, ҳали келмаган одамдан шубҳаланишингни қўй, мабодо эшитиб қолса, эсингни киргазиб қўймасин!—деди бошбухимиз Тунғишбой оға.

— Ҳа, эҳтиёт бўлиш керак, бошлиқни ёмонлаганининг боши балага қолади, деб бекорга айтишмаган, — деди Жапаш.

Хуллас, таърифлар тугамасидан янги бошлиқ ҳам келиб қолди. Нимасини айтасиз, ранг кўр — ҳол сўр, деганларидай ранги тузукка ўхшади. Аввалгиларга ўхшамаган, камтар, ҳаммамиз билан оддий одамдай қўл бериб, кўришди. Ундан жуда рози бўлиб, қувониб қолдик. Бошқа бўлимларни билмадигу, бошлиқ ҳисобхонага кун-кунаро кириб, чекишиб, суҳбатлашиб ўтиради. Унинг бу одатига кўникиб ҳам кетдик.

Ана шундай суҳбатларнинг бирида бошлиғимизнинг кўзи газначимиз Ақаннинг қўлидаги тилла ручкага тушиб:

— Кўлингиздаги ручка жуда ноёб эканми? — деди кулимсираб.

— Энди катта бир корхонанинг газначиси бўлгандан кейин оддий буюм ушласак бўлмас! — деди Ақан ўзини тушунмаганликка олиб.

Ақаннинг ручкани кўзи қиймаётганидан гаши келган бош ҳисобчимиз Тунғишбой оға қулоғигача қизариб, “эсинг жойидами?!” дегандай унга имо қилди. Энди чекинишнинг иложи қолмади, орқада бош ҳисобчи — олдинда бошлиқ, ҳуллас, Ақаннинг мияси ишлаб кетди У ўрнидан туриб, чап қўлини кўксига қўйганича:

— Бу ручка сиздай бошлиққа муносиб, фақат чекларга имзо чекадиган ручка, эсдалик учун олиб кўйсинлар! — деди ручкани ўнг қўллаб унга узатар экан.

— Ручкагина эмас, эгаси ҳам тилло экан! — деди Жакенг (бошлиқнинг камтарона исмлари шундай) ғазначининг мурувватидан мамнун бўлиб.

Ўшандан бери Ақаннинг ойи ўнгидан туғадиган бўлди. Мақтов сўзлар ҳам, мукофотлар ҳам унга берила бошлади.

— Йигитлар, соат неча бўлди? — деди Жакенг яна бир куни суҳбат пайтида.

— Соат ўн бешта кам бир бўпти, — деди катта ҳисобчимиз Жапаш ён чўнтагидан соатини чиқариб. Унинг бувасидан мерос қолган қўш қопқоқлик, жиягига қимматбаҳо тошлар қўйилган, тилла занжирли кумуш соати бўларди. Соатга Жакенгнинг кўзи тушиб:

— Ўхў, манов нарса бунча ажойиб?! — деди завқланиб.

— Бувамдан эсдалик эди, — деди Жапаш бўшашиб.

— Жуда антиқа соат экан демоқчиман-да!

— Музейдагилар икки минг долларга баҳолашганда бермовдим...

— Сендан бунинг қанча туришини сўраяпмизми?! — деди Ақан кўзини қисиб.

— Соатинг икки минг доллар бўлса, Жакенгнинг кўнгиллари ўн минг доллар! — деди бош ҳисобчи Тунғишбой оға.

Жапаш қутулиш йўлини тополмай, ноилож:

— Жаке, соат ёққан бўлса, олинг, у сизники! — деб уни бошлиқнинг қўлига тутқазди.

Шу билан Жапаш ҳам бошлиқ билан қалинлашиб, корхона ҳисобидан икки бор чет элда сафарда бўлиб қайтди, ишхонадан имтиёзли кредит олиб, тоғ этагидан дала ҳовли курди. Биз билан менсимасдан, қўл учуда саломлашадиган одат чиқарди.

Раҳбарни уйга қўноққа чақириш ҳам яхши удумларимиздан бири ҳисобланади. Бу удумга ҳам ҳаммамиз бирдек амал қилиб, бошлиқни навбат билан қўноққа чақирдик. Фақат жамоамиздаги Тўбиқбой оғадан садо чиқмади.

— Тўбаке, бунингиз қалай бўлди? — дедик биз.

— Эй, чироқларим-эй, сенлар нимани биласанлар, бизнинг уйда Жакенг қизиқадиган нима бор? Янгаларинг бети қизилловгина, ўшани кўриб, “Тўбаке, манов янгамиз тузук экан!” деб қолса, унда мен нима қиламан?! — деганида ҳаммамиз қотиб кулибмиз. Эндиликда бизда “Жакенгни кўзи тушди” деган янги атама пайдо бўлган. Яхши нарсаларни у кишига кўрсатмаслик пайтида бўламиз. Лекин, қанча тиришмайлик, Алиш чет элдан олиб келган кўзойнагидан, Ўраканг чустлик қадрони совға қилган олмос тигли пичоқдан, Сағит отасидан қолган қадимий суяк дўмбирасидан ажралди. Бош муҳандисимиз қимматбаҳо чарм портфели билан, бош технологимиз буғу терисидан тикилган фин пўстини билан хўшлашди.

Бу йил кузда янги қундуз телпак олган эдим. Лекин Жакенгнинг кўзи тушиб қолмасин деб, қишни ранги униқиб кетган эски телпакда ўтказиб юрибман.

*Қозоқчадан  
Меҳмон ИСЛОМҚУЛОВ  
таржимаси*

## ГЕРМАН ГЕССЕНИНГ “ИНҚИРОЗ”И

1927 йилда машхур “Чўл бўриси” романининг муаллифи Г.Гессе ўз шеърларини тўплаб ношири С. Фишерга олиб боради. У, ушбу шеърлар ёзувчилик обрўйингизга путур етказиши мумкин, худди шу фикр-туйғуларингизни насрий асарларингизга кўчириб қўя қолинг, деб маслаҳат беради. Аммо “Инқироз” деб номлаган бу юпқагина китоб “Чўл бўриси” билан кетма-кет чоп этилади. Тўплам ўтган йили биринчи бор рус тилида нашр этилди.

Китобдаги шеърларда ўша машхур роман ёзилган йилларда адиб руҳий дунёсида юз берган эврилишлар аск-садосини кўриш мумкин. Шеърларда эллик ёшга кирган, йиллар аччиқ изларини қолдирган қалбини тафтиш қилаётган, орзу ва армонларини саралаётган, қолган умрига гоҳ умидвор, гоҳ ноумид тикилиб турган ёлғиз одамнинг хис-туйғуларини кўрасиз. Катта шуҳратга эга, машхур ёзувчи бу шеърларида ўзини ҳамма суюнчларидан жудо бўлган ҳолда кўради. У вақтни орқага қайтармоқчи, ҳаётини энди бутунлай бошқача қуриб қайта яшамоқчи бўлади. Шеърлардаги руҳият “Чўл бўриси” қахрамонининг руҳияти билан жуда-жуда яқин. “Инқироз” сўзбошида Г.Гессе дўстларига “бу шеърлар умрининг руҳ ўз-ўзидан чарчаган, ўзини-ўзи инкор қилиб, ҳаёт оқимиغا ихтиёрини бериб қўйган лаҳзалари ҳақида” деб изоҳ беради. *Герман Гессе. “Кризис”. – М.: Текст, 2010.*

## УИЛЯМ ГОЛДИНГ ОМАДСИЗ БЎЛГАНМИ?

Нобел мукофоти лауреати Уилям Голдингнинг “Пашшалар ҳукмдори” романида бир неча англиялик мактаб ўқувчилари кимсасиз оролга бориб қоладилар. Катталар йўқ. Вақт ўтиши билан улар ўз ораларидаги фикрлайдиган, виждонли тенгдошларини эзиб, камситиб қувиб юборадилар ва маданиятли ўсмирлардан ваҳший ёввойи тўдага айланадилар. Роман бутун дунёга

шуҳрат қозонади. Аммо Голдинг орадан ўн беш йил ўтгач ўртоғига ёзади: “Бу романинг муваффақияти жинимни кўзийди, бутун обрўйим шу арзимаган нарса туйғулими?..”

Ушбу мактуб англиялик машхур адабий танқидчи Жон Кэрининг “Уилям Голдинг. “Пашшалар ҳукмдори”ни ёзган одам” китобида келтирилган. Ж.Кэрри ўз асарида ёзувчининг ички дунёсини, ғалати-роқ, ҳаммани ҳайратга соладиган табиатини маҳорат билан очиб беради. Голдингнинг ёшлиги жуда таъсирчан, тортинчоқ, доимо ёлғиз, ота-онаси, акаси билан муносабатлари совуқ бола сифатида ёдингизда қолади. Иккинчи жаҳон уруши даврида у ракета қурилмаси ўрнатилган кичикроқ ҳарбий кема командири эди. Паришонхотирлиги шу даражада бўлганки, бир сафар у ўз кемасини портлатиб юборишига оз қолган. У қўл урган ишининг пачавасини чиқариб, доим афсусланиб юрадиган, ҳатто эшикни очса ё бошини уриб оладиган, ё қўли қисилиб қоладиган омадсиз одам экан. Баландликдан, ҳашаротлардан, қоронғуда ёлғиз қолишдан ўлгудай кўрққан. Фақат ижод борасидагина қатъий тартиб ва мунтазамликка амал қила олгани ҳайратланарли. Голдингнинг ёзувчи сифатида улуглигини китоб муаллифи “ҳаммага таниш воқеа ва нарсаларга бутунлай бошқача нуқтаи назардан қарай олишида” деб баҳолайди. *John Carey William Golding. The Man Who Wrote “Lord of the Flies”: A Life. – Free Press, 2010.*

## ПАБЛО ПИКАССО ПЬЕСАЛАРИ

Пабло Пикассога ўхшаб ранг-тасвир усталари ичида сўз санъатида ҳам ўз кучини синаб кўрганлар оз эмас. Микеланжелонинг жўшқин сонетларини, Обри Бредслейнинг гўзал ҳикоя ва балладаларини, Салвадор Далининг кенг қамровли насрий асарларини эсланинг ўзи кифоя. Пикассо қаламига мансуб пьесалар бир қарашда у мансуб бўлган сюрреалистик йўналишнинг сўз санъатидаги ифодасидай туюлади. “Думидан тutilган

орзулар”(1941) пьесасидаги қаҳрамонлар номлари ўта ғайритабиий бўлса, “Тўрт қизча”(1948) асарида эса қизчаларнинг умуман исми йўқ. Пьесаларни ўқиган китобхон нафақат Далининг услубини, шунингдек парижлик замондоши Борис Вианнинг “Кунлар кўпиги”ни ҳам эсламасдан иложи йўқ. Бу китоб буюк санъаткорлар қайси соҳада бўлмасин ўзига хослиги ва буюқлигини намоён эта олишини яна бир бор исботлаган. *Пабло Пикассо. “Пьесы”*. – М.: Флюид, 2009.

### КАРЛОС ФУЭНТЕСНИНГ СЕХРЛИ РЕАЛИЗМИ

Мексика адабиётининг оталаридан Карлос Фуэнтеснинг “Эрк ва тақдир” номли янги романи нашр этилди. Ёзувчи бу асарида ҳам ўзининг “сеҳрли реализм” услубига содиқ қолди. У Мехикони хаёлий-фантастик шаҳар сифатида тасвирлайди, шаҳарда қурилган “ҳукмронлик минораси” ҳаммани эзиб-янчиб, оёқ остига олган. Бу шаҳарда гапирадиган бошга(муаллиф номидан ҳикоячи), ақлдан озган турма бошлиғига, кинояли медиамагнатга, амалга ошмайдиган лойиҳалар тузиб юргувчи ҳукмдорга ҳам ўрин бор.

Роман қаҳрамонлари бошига турли хил балою офатлар ёғилади. Китобхоннинг кўз ўнгида юз бераётган, кўрқинчли тушга ўхшаш воқеалар Кафка асарларини ёдга солади: турманинг ертўласида қурбонлик келтирилади, тепада эса осмонўпар бино устида вертолёт қўнадиган майдончада нималиги номаълум, номсиз шакллар яшайди. Шу билан бирга К.Фуэнтес Мексиканинг ҳаққоний фожиаларини тасвирлашни ҳам унутмайди: наркомафиянинг қўли ҳаммадан баланд, ҳукмдор эса халққа “нонсиз томошалар” ваъда қилади, унинг фикрича бу – тўла бахтли бўлиш учун етарли. Ёзувчи қайғули манзаралар орасида инсонийлик фазилатларини сақлаб қолишга қодир қаҳра-

монларига ҳам ўрин беради. *Carlos Fuentes. La voluntad y la fortuna*. – Madrid: Alfaguara, 2008.

### ДОРИС ЛЕССИНГНИНГ ХАЁЛИ

2007 йилда Нобел мукофотиغا сазовор бўлган америкалик ёзувчи Д.Лессингнинг “Алфред ва Эмили” романини насрнинг мавжуд бирор-бир йўналишига мансуб деб бўлмайди. Асар икки қисмдан иборат, биринчиси – роман, иккинчиси – биография. “Алфред ва Эмили”да ёзувчи адабиётда учрамаган тажрибага қўл уради – дастлаб ўз отасининг аслида йўқ, аммо бўлиши мумкин бўлган ҳаётларини тасвирлайди, кейинги қисмида эса уларнинг умр йўли қандай кечган бўлса шундай қаламга олади.

Китобнинг хаёлий қисмида Алфред ва Эмили турмуш қурмайдилар – ва Дорис Лессинг ҳам туғилмайди. Аммо улар иккови ҳам бахтларини топишади – Алфред уйланади, фермерлик қилиб бахтли ҳаёт кечиради, Эмили эса бошқага турмушга чиқади, бева қолади ҳам, камбағаллар учун мактаблар тармоғи ташкил қилиб, раҳбар бўлади. Уларни тасодифан учраштираган Биринчи жаҳон уруши ҳам бўлмайди, уруш уларнинг ҳаётларига оғир зарба берган эди: Алфред урушда оёғидан ажраган, Эмилининг эри яқиндагина ҳалок бўлган эди. Эмили касалхонада унга қарашиб юрганида улар бир-бирларини топишишганди.

Англия ва америкалик адабиётшунослар Лессинг бу романида аёлнинг жамиятдаги ўрни муаммосини кўтариб чиққан: яъни аёл ўзи хоҳлаган касбни танлай оладими, у турмушга чиқса, она бўлса, ўз қобилиятларини намоён қилишга имкон бўладими, она ва қизнинг ўзаро муносабатлари қандай туйғуларга қурилиши керак, деган масалалар ўртага ташланган деб баҳоладилар. *Doris Lessing. Alfred and Emily*. New York: Harper Collins, 2008.

Азиз САИД тайёрлади